Есть и различие между памятниками, если учитывать наличие мустьерских элементов, отмеченных предыдущими исследователями на

¹ Ранов В. А. Шугноу-многослойная палеолитическая стоянка в верховьях р. Яхсу (раскопки 1969-1970 гг.) АРТ Москва., 1973., № 10., 42-61

² Сулейманов Р. Х., Глантз М, Раскопки грота Ангилак., Самарканд., АИ., 2004., стр. 177-179

³ У истоков древней культуры Ташкента., Ташкент., 1982., стр., 25-90; Гречкина Т. Ю., Некоторые итоги исследования Зирабулакской палеолитической стоянки., АН РУз Ташкент., 1990., стр. 13-25; Сайфуллаев Б. К., Палеолит долины реки Зарафшан и северо-восточных Кызылкумов., Автореф. дисс. на соискание ученой степени канд. наук., Самарканд., 2003., стр. 21;

⁴ У истоков древней культуры Ташкента., Ташкент., 1982., стр., 25-90; Исламов У, И., Мезолитическая стоянка Кушилиш под Ташкентом. Ташкент., 1970., ОНУ № 7., стр. 54-57

⁵ Szymczak K., Khudzhanazarov M., Exploring the Neolithic of the Kyzyl-kums. Ayakagitma "The Site" and other collections., Warsaw., 2006., стр. 30.

Кольбулаке и, судя по публикациям, отсутствие их на стоянке Додекатым. Замечаемые различия выглядят еще достаточно весомыми для Додекатым. Если предположим, что мезолитическая стоянка Кушилиш представляет прямую линию развития от Додекатыма. Излагаемые противоречия были упомянуты Исламовым, еще при попытке сопоставления материала из стоянок Кушилиша и Кулбулака, с целью уточнение генезиса памятника Кушилиш.¹ Одним из препятствий было отсутствие геометрических форм на Кольбулаке; оно перестало быть им в итоге обнаружения единичного артефакта. Но при имеющихся противоречиях в исследованиях разных авторов по поводу стратиграфии и обрабатываемых материала, вопросы хронологии Кольбулака остаются не ясными.

Можно заключить, что стоянка Додекатым представляет собой замкнутую локальную культуру, мезолитическая традиция которой сформировалась еще в палеолите.

А.Ф. Муҳаммадиев, Ф.Ш. Раҳмонов

Додекатим II – мезолит анъаналарининг қадимий даври ва маданиятлар узвийлиги

Мақолада Марказий Осиё палеолитик маданиятлар қамровидаги мезолитик маданиятларининг қадимийроқ бўлганлиги муҳокама қилинади. Тошкент воҳаси тош асри ёдгорликларининг янги даврлаштирилиши тақдим этилади.

A.G. Muhammadiev, F.S. Rahmanov

Dodekatym II – earlier age of Mesolithic traditions and cultural continuity

In this article the earlier age of Mesolithic cultures of Central Asian region is discussed. The new periodisation of Stone Age sites of Tashkent Region is proposed.

к.и.н. Н. Ражабова

Каршинского Государственного университета

История изучения этнокультурных связей Кашкадарьинского оазиса с Ташкентским оазисом (по археологическим материалам)

Узбекистан страна богатейшей истории и культуры, запечатленных в письменных исторических источниках и в памятниках материальной культуры – от первобытных стоянок до руин городов и поселений, выдающихся образцов зодчества, вошедших в золотой фонд культурного

¹ У истоков древней культуры Ташкента., Ташкент., 1982 стр. 82-84

наследия страны, многие из которых являются шедеврами культуры мировой значимости.

Приоритетной целью изучения этих памятников является, воссоздание исторического прошлого народов Узбекистана на базе изучения вещественных следов деятельности человека путем планомерных, целенаправленных полевых археологических исследований и научной обработки накопленных материалов.

К главным задачам, стоящим перед археологами республики, относится исследование вопросов, связанных с историей материальной и художественной культуры, принадлежащих к числу кардинальных проблем мирового значения. Это – составление свода памятников археологии Узбекистана; изучение материальной культуры первобытнообщинного строя; генезиса, путей сложения и развития древних городов – центров историко-культурных регионов (Канка – в Древнеташкентском оазисе, Ахсикет – в Ферганской долине, Еркурган, Узункыр, Сангиртепа – в Древнекашкадарьинском оазисе, Дальварзинтепа, Зартепа – в правобережной Бактрии, Джаркутан – крупнейший памятник эпохи бронзы Южного Узбекистана, Афрасиаб – руины древнего и средневекового Самарканда и др.) и их связей с сельской округой; изучение этнической истории формирования узбекского народа по данным археологии и антропологии; истории возник-новения и этапов развития орошения; истории сложения художественной культуры и разработка методов сохранения древних памятников.

Весной 1954 г. в связи с правительственным решением о начале строительства Иски-Ангарского канала для переброски воды реки Зарафшан в Каршинский оазис и о создании в средней части долины Кашкадарьи Чимкурганского водохранилища. В связи с этим С.К. Кабанову было поручено изучить трассу канала, обследовать расположение по ней археологических памятников и выяснить, есть ли они в зоне Чимкурганского водохранилища. В результате обследования выяснилось, что в зону затопления и подтопления попадает свыше двадцати памятников – развалины древних и средневековых поселений и небольшие бугры, происхождение которых без раскопок определить было невозможно.

С.К. Кабанов тщательно изучил несколько крупных бугров: их расположение, планы, размеры, датировку на основе подъёмного материала. Раскопок на всех развалинах поселений не было возможности провести, но на некоторых они были осуществлены.

Основными объектами исследований 1955 г. стали Аултапа и Джангалтепа. Под руководством С.К. Кабанова первое было раскрыто полностью, а второе – частично.

Сначала на Аултапа были проведены разведочные раскопки, показавшие, что холм являлся развалинами капитального здания с относительно хорошо сохранившимися стенами. В полевом сезоне 1956 г. остатки здания были

раскрыты полностью, причем, выяснилось, что из 23 помещения полностью сохранилось 21¹ (Архив ИА АН РУз, ф. 3, оп. 1, д. 17, л. 10-11).

В ходе раскопок в основном были получены керамические материалы, прежде всего фрагменты бытовой посуды, пряслица, грузики ткацкого производства, орудия из железа, главным образом, прямые и серповидные ножи и небольшая теша² (Там же. Л. 12-16.). Значительную часть бытового инвентаря производственного характера составляли каменные изделия – зернотерки, жернова, точила, терки разных видов. Были найдены пять монет: одна серебряная и четыре медные, названных условно нахшабскими. Монеты медные имели стандартный аверс с изображением лица бюста владетеля, по краю шла надпись из шести различных знаков. Серебряная монета с аналогичным изображением бюста владетеля, по определению О.И. Смирновой, была чеканена как подражание монетам Варахрана V (420–438) и датировалась второй половиной V в. н.э. или началом VI в. н.э. Небольшие различия по С.К. Кабанову различия в изображениях на нахшабских монетах свидетельствовали о том, что они чеканились от имени нескольких лиц, видимо, одной династии. Исторические и археологические данные позволяли говорить, что монеты описанного типа выпускались эфталитами примерно с 480 по 563/567 гг. Позднее выяснилось, что они имеют более длительную историю: выпускались с III – IV вв. и имели хождение с надчеканами вплоть до VI, возможно, начала VII в. н.э.

Наибольшие аналогии найденным материалам исследователь находил в комплексах Талли Барзу IV и поселений нижней части р. Кашкадарьи. Особое внимание он обратил на терракотовые статуэтки, изображающие в основном мужские или женские персонажи³.

По мнению С.К. Кабанова, поселение не было оставлено жителями, а погибло в ходе ожесточенной схватки между жителями здания и осаждавшими их врагами. После битвы, здание пустовало и использовалось лишь случайными обитателями⁴.

Виновниками гибели Аултапа он считал жителей находящего неподалеку другого памятника – Джангальтепа⁵. Памятник этот обследовался в 1955 и 1957 гг. В 1958 г. во время строительных работ удалось заложить ещё один разведочный раскоп, исследовавший нижние слои памятника и выявивший картину непрерывной жизни поселения со II до VIII в. н.э., т.е. вплоть до арабского завоевания⁶.

¹ Архив ИА АН РУз, ф. 3, оп. 1, д. 17, л. 10-11.

² Там же. Л. 12-16.

³ Кабанов С.К. Культура сельских поселений Южного Согда III – VI вв. (По материалам исследований в зоне Чимкурганского водохранилища). – Ташкент: Фан, 1981. – С. 77-79.

⁴ Его же: Согдийские здания V в. н.э. в долине Кашкадарья // СА. – 1958. – № 3. – С. 150-151.

⁵ Архив ИА АН РУз, ф. 3, оп. 1, д. 17, л. 12-16.

⁶ Кабанов С.К. Культура сельских поселений Южного Согда III-VI вв... – С. 8.

Проводив археологические раскопки на Аултапа и Джангальтепа, С.К. Кабанову пришлось уточнить вопрос культуры, выявленные на Аултапа, так сильно отличается от материалов из Джангальтепа, которое оно тоже являлось согдийской культурой. Культура, представленная Аултапа, отражает собой более поздний этап развития согдийской культуры. Имея в виду, что это здание появилось после относительно короткого времени-всего несколько десятилетий – после разрушения поселения, развалинами которого являлось Джангальтепа, прийти исследователю к заключению, что строителями Аултапа являлись согдийцы, переселившиеся в долину Кашкадарьи из долины Зарафшана. Об этом свидетельствует сходство керамических изделий из Аултапа и памятников долины Зарафшана, а также и сама планировка здания. В культуре, нашедшей свое отражение в материалах раскопок на Джангальтепа, представлен более ранний, чем на Аултапа, этап развития согдийской культуры с признаками воздействия переходивших к оседлости кочевников: ими могли быть кангюйцы – кочевой народ, о которых есть сведения в письменных источниках как о жителях севера Средней Азии с древних времен.

М.Е. Массон, изучив оседлость кангюйцев в долине Кашкадарьи, сделал заключение, что как отмечено в хронике династии Цзинь (265 – 419), главная ставка Верхнего правителя государства Кангюй, бывшая до того к северо-западу от Ферганы на землях по среднему течению Сырдарьи, передвинулась в долину Кашкадарьи, раньше подчинявшуюся Малому кангюйскому владению. Это сопровождалось появлением здесь больших групп кангюйских переселенцев, которые были в основном скотоводами, в которых здешние земли не могли не прельщать, как район прекрасных пастбищ. Они вытеснили местное земледельческое население, захватили ряд сельских районов и по-своему обжили многие захваченные усадьбы богачей. С ними появился тот комплекс инвентаря, который относится к одному из вариантов культуры, известной в научной литературе под названием Каунчи II, широко распространенных в северо-западной Фергане, в горах Могол-тау и Карамазара, в долинах Ангрена и Чирчика и на обоих берегах среднего течения Сырдарьи¹.

Н. Ражабова

**Қашқадарё воҳасининг Тошкент воҳаси билан этномаданий
алоқаларининг ўрганиш (археологик материаллар асосида)**

Ушбу мақолада Қашқадарё воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотлар жараёнида топилган ашёларда Тошкент воҳаси маданиятига

¹ Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен (Из раб. КАТЭ. 1965 – 1966 гг.). – Ташкент: Фан, 1973. – С. 19.

хос белгиларнинг учраши, илк ўрта асрлардаги этномаданий жараёнлар хақида фикр юритилади.

N.Rajabova

The history of investigation of ethno-cultural relations between Tashkent and Kashkhadarya oases (according to archaeological sources)

This article tells that the things found at the process of archaeological investigations led in Kashkhadarya oasis have signs of those of culture of Tashkent oasis and about ethno cultural process in Early Middle Ages.

т.ф.н. **Д.Х. Муродова**

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти

Кушонлар даврида Бактрия ва Чоч

Кушонлар даври Ўрта Осиё, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон халқлари тарихидагина эмас, балки бутун дунё маданиятининг тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу даврда этник маданияти, тили ва динлари ҳар хил бўлган халқларнинг сиёсий жиҳатдан бирилашиши айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Турли халқлар маданиятининг чатишиши натижасида бу ерда ўзига хос янги маданият шаклланди ва ривожланди. Бактрияда ҳинд маданиятининг, айниқса будда дини билан боғлиқ бўлган санъатнинг таъсири орта борди. Бунинг асосий сабаби тахминан тўрт аср давомида Бактрия ва Ҳиндистоннинг ягона салтанат – Кушонлар подшолиги таркибига кирганлиги ва Канишка томонидан будда динининг кушонлар салтанатининг давлат дини деб эълон қилинишидир.

Ўрта Осиё халқлари, жумладан бактрияликлар орасида дин эркинлиги мавжуд эди. Шунинг учун аҳоли ҳар хил динларга топинган. Бактрия аҳолиси орасида айниқса, будда ва зардуштийлар динига эътиқод қилувчилар кўп бўлган. Бу ерда кўмиш маросими ҳам турлича бўлган. Чунки ҳар бир дин ўзига хос кўмиш қоидаларини ишлаб чиққан. Далварзинтепа яқинидан тадқиқотчилар сағана қолдигини ўрганишлари натижасида, унинг энг пастки қатламида одамлар ётган ҳолда хумга кўмилганликлари аниқланган. Ўрта қатламда аввал даҳмада тозаланган одам суяклари қайд қилинган ва ўрта қатламда кўмилган одамлар зардуштий динига мансуб кишилар эканликлари маълум бўлган. Шунинг учун уларни зардуштийларнинг одатига биноан кўмганлар. Юқори қатламда одамлар бир-бирлари устига кўмилганлар. Мазкур сағана милoddан олдинги II-I асрларда қурилган бўлиб, ундан кушонлар даврида ҳам фойдаланганлар.¹

¹ Дальверзинтепе кушанский город на юге Узбекистана. Фан. 1978.6.97

Кушон давлатида турли динларга эътиқод қилувчи халқларнинг бирлаштирилиши натижасида Кушон шоҳлари диний бағрикенгликка катта эътибор берадилар, бу ҳолат Канишка ва Хувишка тангаларида Авестодаги худолар, Бактрия ва ҳинд аҳолисининг эътиқод қилувчи бошқа худоларининг акс эттирилишида кўзга ташланади. Улар Оташ, Охшо, Миҳра, Мох, Нана, Ардохшо ва бошқалардир. Вима Кадфиз ва Васудева I тангаларида хиндлар худоси Шива тасвирланган.

Кушонлар даврида будда дини билан бирга Ўрта Осиёга ҳиндуизмнинг элементлари ҳам кириб келдики булар санъатда яққол кўзга ташланади.

Ҳиндуизм Ҳиндистонда I минг йиллик ўрталарида вужудга келган бўлиб, ўзида муқаддас ҳайвонларга, табиат ҳодисаларига, аждодлар руҳига сиғиниш каби кўплаб ибтидоий тасаввурларни мужассамлаштирган. Ҳиндуизмнинг уч асосий худоси бўлиб, улардан энг олий худо Шива, Брахма ва Вишна бўлган. Уларнинг ўз вазифалари бўлиб, Шива уруш худоси сифатида тасвирланган. Вақтлар ўтиши билан Брахмага сиғиниш деярли йўқолиб бориб Брахма ва Шиванинг функциялари кўшилиб кетади. Шивага сиғинувчилар уни барча мавжудотларнинг яратувчиси ва вайрон этувчи, абадий ҳаёт ва ҳаракат манбаи деб ҳисоблайдилар. Кўплаб тадқиқотчилар Шивани чорвалар ҳомийси ва кўриқловчиси деб талқин этадилар.¹

Шивага атаб Ҳиндистонда ибодатхоналар қурилган, унинг тасвири туширилган буюмлар ишланган. Кушонлар даврида Бактрия тасвирий санъатига ҳам Шива образи кириб келди. Буни Дилбержиндаги хона деворларининг биридаги расмлардан кўриш мумкин. Унда хиндлар худоси Шива ва унинг рафиқаси Парватининг ҳўкиз – Нанди устида ўтиргани тасвирланган. Ҳўкиз Шиванинг ҳаётбахш кучини ифодаловчи ҳайвон бўлиб, у оёқларини йиғиб ётган тарзда чизилган ва танаси оқ бўёқ билан бўялган. Шива ва Парвати ярим яланғоч ҳолда тасвирланганлар. Уларнинг икки томонида икки одамнинг расми бўлган. Одамлардан бирининг расми деярли сақланмаган, иккинчи одамнинг тасвири жуда яхши сақланиб қолган. Унинг эгнида узун оқ кийим. Кўйлакнинг олд қисми йўл-йўл чизиқли бўлган. Унинг ўнг қўли юқорига кўтарилган. Ҳўкизнинг оёқлари тагида яна бир неча одамларнинг расми бор. И.Т. Кругликованинг тахминича, бу расмлар Кушон шоҳи Вима Кадфиз замонида чизилган.² Маълумки, Кушон шоҳларидан биринчи бўлиб, Вима Кадфиз ўз номидан зарб қилинган тангаларнинг орқа томонида Шива ва Нандининг расмини жойлаштирган.

¹ Тюляев С.И. Искусство Индии. М.1988. б.55; Развитие образа Шивы от древней к средневековой эпохи. (II в. До н.э.-XII в н.э.) Искусство Индии М.1969.

² И.Т. Кругликова. Дилбержин. М.1974

Кўпинча Шива худоси ҳўкиз тасвири билан бирга ишланган. Бундай тасвирилар Ўрта Осиёнинг кушонлар даври ёдгорликларидан кўплаб топилган. Шива кулътининг қадимий Чоч худудида вужудга келиши ҳам ўз навбатида Ўрта Осиёнинг кушонлар давлати таркибига кириши билан боғлиқ. Маълумки кушонлар даврида Ҳиндистондан буддизмнинг кириб келиши билан бирга Шива эътиқоди ҳам кириб келади. Чоч худудларида яшаган чорвадор қабилалар орасида Шиванинг ҳўкиз билан бирга ишланган тасвири чорвалар ҳомийси ва кўриқловчиси сифатида қабул қилинган.¹

Қадимдан Чочда ҳўкиз муқаддас ҳайвонлар сирасига кирган. Тошкент воҳасидан топилган кўплаб ёдгорликлардан ҳўкизнинг шоҳли боши тасвирланган ўчоқ тагликлари, дастасига ҳўкизнинг боши тасвири туширилган сопол идишлар кўплаб топилган.² Чочда Шива эътиқодининг чорвадор аҳоли орасида мавжуд бўлганлигини бу худуддан топилган Шива худоси тасвири туширилган металл буюмдан ҳам яққол кўзга ташланади.³ Қадимий Бактрия ва Чоч шаҳарлари антик даврларда нафақат маъмурий ва мафкуравий марказлар бўлган, балки савдо ва ҳунармандчилик марказлари ҳамдир.

Мил.авв. II асрдаёқ Чжан-Цзянь Дахь аҳолиси (Бактрия) жуда моҳир савдогар бўлганликларини, пойтахтда эса турли мамлакатлардан келтирилган моллар сотиладиган бозор бўлганини таъкидлайди. Бу ерда халқаро савдони ривожланишининг асосий сабаби, бу худуддан Ўрта Ер денгизи мамлакатларини Узоқ Шарқ билан боғловчи Буюк ипак йўлининг ўтганидир. Бу йўлнинг бир тармоғи Полиен томонидан тасвирланишича, Бактриядан шимолга Амударё орқали Тармигага ўтилган, сўнг шимолий-шарқ томонга бурилиб Сурхондарё воҳаси бўйлаб Қоратоғ ва Қоратегин орқали комедлар юртига ўтилган

Йўлнинг бошқа тармоғи Тармигадан сўнг Шерободдарё томонига ўтган ва Темир Дарвозадан чиқиб Сўғдга ўтган. Бу йўллар Ўрта Осиёни марказий ва шимолий худудлари билан ва Шимолий Бактрияни Ҳиндистон билан боғлаган.⁴

Бундан ташқари Шимолий Бактрияни Парфия ва Хоразм билан боғловчи Амударёдан ўтувчи сув йўли ҳам бўлган. Чжань – Цзянь маълумотида кўра, Гуй-шуй (Амударё) дарёси орқали савдогарлар ўз молларини, бошқа худудларга олиб ўтганлар. Шу билан бирга Бактрияни

¹ Н.И. Ахунбабаева. Украшения с Ташморья. Времен связующая нить. (по материалам музейных фондов) б.82-85

² Ремпель Л.И. Цепь времен. Т. 1987.б.24

³ Н.И. Ахунбабаева. Украшения с Ташморья. Времен связующая нить. (по материалам музейных фондов) б.82-85

⁴ Бичурин.Н.Я. Собрание сведений о народах обитавших в древнейшие времена.Т.II. М.Л.1950.б.152.

Ўзини ички туманлари билан боғлаб турувчи ва ички савдода муҳим ўрин тутувчи йўллар ҳам мавжуд бўлган. Амударё бўйлаб жойлашган қишлоқлар (Кампиртепа, Хотинрабод, Айвадж) ўз навбатида савдо манзилгоҳлари ёки божхона вазифасини ҳам ўтаган бўлишлари мумкин. Бу ҳудудларнинг халқаро савдо алоқаларининг ривожига ҳақида кўплаб археологик топилмалар гувоҳлик беради. Булар Ҳиндистондан келтирилган буюмлар-тароқ, шахмат доналари, фолбинлик буюмлари, олтин буюмлар, фил суягидан ишланган буюмлар (Далварзинтепа), Римдан – шиша (Холчаён), мрамрдан тайёрланган бош тасвири (Илонттепа), маскарон (Шаҳри Гул-гул), Нерон сестерцийи (Хайрободтепа); Мисрдан- хаворанг миср пастасидан ишланган тақинчоқлар ва туморлар (Бойсун, Бандихон, Кампиртепа, Тўпхона), папирус (Кампиртепа), Хитойдан-ипак мато парчалари (Кампиртепа, Холчаён) кўзгу (Айртом, Бараттепа)дир.¹

Чоч шаҳарларидан бири бўлган Банокат шаҳри эса Ю.Ф.Буряков маълумотида кўра милодий II-III асрларда Сўғддан Чочга, ундан Ҳиндистон ва Хитойга борадиган жанубий қарвон йўлида жойлашган. Бундан кўринадики Чоч шаҳарлари қушонлар даврида Шимолий Бактрия каби Ҳиндистон билан маданий алоқалар олиб борганликлари шубҳасиз. Бу алоқалар Чочнинг қадимий шаҳарларидан бўлган Минг- Ўрикдан топилган буддавийлик санъатига мансуб бўлган терракота топилмасидан маълум. Минг –Ўрикдан топилган терракотада будданинг дхаяна - мудра ҳолатида ўтиргани тасвирланган.²

Канкадан топилган ҳайкалчада эса жангчи отлик тасвирланган бўлиб унинг юқори қисмида яна бир фигура тасвирланган. Г.И. Богомолов уни ўзига хос тумор вазифасини ўтаган бўлиши мумкин деган фикрни илгари суради.³ К.Танабе будда санъатида Тун маъбудаси образи мавжуд бўлганлигини таъкидлайди. Бу ҳайкалчадаги тасвир ҳам жангчини ҳимоя қилиш учун махсус тасвирланган тун маъбудаси деган фикр ҳам илгари сурилган. Т. Мкртычев фикрига қура қадимий Чочда Будда дини тарқалмаган деган фикрни илгари суради.⁴ Бу ҳудудда будда санъатига оид топилмалар жуда камлигини ҳисобга олсакда маълум маънода, Чоч аҳолиси будда санъатидан хабардор бўлганликларини инкор этиб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Қушонлар даврида Бактрия ва Чоч савдо йўллари орқали Ҳиндистон, Хитой каби шарқнинг йирик маданият марказлари билан ўзаро маданий алоқада бўлганлар. Бу алоқалар тасвирий ва амалий санъатда яққол кўзга ташланганлигини кўрамыз.

¹ Г.А. Пугаченкова .Э.В.Ртвеладзе. Северная Бактрия Тохаристан.Т.1990. 6.76.

² Культура и искусство древнего Узбекистана. Кн.2. М.1991. 6.75.

³ Богомолов Г.И. Изображения всадников с городища Канка// ИМКУ.1986.вып.20. б. 69-79.

⁴ Т.К.Мкртычев. Буддийское искусство Средней Азии I-X вв.М.2002. 6.197.

D.Kh. Murodova

Bactria and Chach in the Kushan period

The article devoted to the cultural correlation between Bactria and Chach in the Kushan period. The author investigated the Indian influence on the culture of Bactria and Chach. The cult of Shiva on the culture of Bactria and Chach.

Д.Х. Муродова

Бактрия и Чач в Кушанский период

В статье поднимаются вопросы культурные взаимосвязи Бактрии и Чача в кушанский период. Автор показывает Индийские влияния в искусстве этих историко-культурных регионов. Также освещается культ Шивы в искусстве Индии и Бактрии и его проникновение в среду скотоводческих племен Чача.

M. Maḥkamov

Андижон Давлат тиллар педагогика
институту ўқитувчиси

Чоч-Илок ва унинг савдо-транзит йўллари

Мил. авв. I минг йилликнинг бошларига келиб, Ўрта Осиёда темир металлургиясининг пайдо бўлиши ва кенг ёйила бошлаши минтақадаги кўпгина йирик дарёлар воҳаларида суғорма деҳқончиликнинг кенг ёйилиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши, қадимги шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва илк давлатларга асос солиниши, бепоён даштларда ва тоғ олди худудларида кўчманчи чорвачиликнинг ривожланиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда катта аҳамият касб этган эди. Бу даврнинг давлатчилик тарихи учун энг муҳим хусусияти шундаки, Ўрта Осиё худудларида бир нечта тарихий-маданий вилоятлар – Бактрия, Хоразм, Марғиёна, Суғдиёна, кейинроқ Фарғона, Чоч кабилар шакллана бошлади ва уларнинг айримлари (Бактрия подшолиги, Қадимги Хоразм) йирик давлат уюшмаларига бирикадилар. Ўрта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётида бўлиб ўтган янгиликлар ва ўзгаришлар қадимги савдо-транзит йўллارнинг тармоқлари ва йўналишлари билан узвий боғлиқ эди.

Ҳозирги Ўзбекистон худудларида қадимги ва ўрта асрлар даврида кўплаб тарихий-маданий ўлкалар ва вилоятлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти ўрта асрлар тарихи ва географлари томонидан ёзма манбаларда ўзининг қайсидир жиҳатлари билан эслатиб ўтилади. Ўзининг ўрта асрлар тоғ-кон саноати билан мусулмон Шарқида машҳур бўлган вилоятлардан бири Чоч-Илок (Тошкент воҳаси) ҳисобланади. Бу вилоят қадимги даврлардан қўшни худудлар билан савдо-транзит йўллари орқали турли алоқаларни йўлга қўйган бўлиб, бу алоқалар ўрта асрларга келиб янада тараккий этади.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, ўрта асрларга келиб Мовароуннахрнинг икки йирик пойтахт шаҳарлари – Бухоро ва Самарқанд, жанубдаги Сурхондарё ва Қашқадарё воҳалари Етгисув ва Шарқий Туркистон шаҳарлари билан алоқаларида Тошкент воҳаси муҳим ўрин тутган. Ўрта асрлар манбаларида Тошкент воҳаси Чоч (Шош) ва Илоқ номи билан тилга олинган бўлиб, Илоқ - Ангрен ва Оҳангарон дарёлари водийси, Чоч эса Чирчиқ дарёси воҳасига тўғри келади.¹

Мовароуннахрнинг ривожланган муҳим иқтисодий марказларидан бири бўлган Тошкент воҳаси, хусусан, Илоқ қимматбаҳо конларга бой бўлиб, ўрта асрлар даврида Мовароуннахрнинг турли маъданлар қазиб олинган асосий марказларидан ҳисобланган.² Воҳа ҳудудларидан ўтган маҳаллий ва халқаро савдо йўллари, бу йўллар ёқаларида жойлашган шаҳарлар ва қишлоқлар ҳақида ёзма маълумотлар сақланган. Уларни археологик тадқиқотлар натижалари билан солиштириш ўрта асрлар йўллари ҳақида муҳим хулосалар чиқариш имкони беради.

Чоч-Илоқ воҳасининг IX-XI асрлардан иқтисодий юксалиши кенг миқёсдаги савдо иқтисодий ва маданий алоқаларга туртки бўлди. Бу даврда воҳа орқали ўтувчи асосий қарвон йўллари халқаро, шаҳарлараро ва ички аҳамиятга эга йўллар бўлиб, улар ичида Чоч-Илоқ воҳасини Суғдиёна билан боғловчи йўллар катта аҳамиятга эга эди. Ю.Ф. Буряков ёзма ва археологик маълумотларни қиёсий ўрганган ҳолда Чоч-Суғд савдо йўллари йўналишларига кўпгина аниқликлар киритади. Олимнинг таъкидлашича, ўрта асрларда Суғд-Чоч йўлларнинг икки йўналиши мавжуд бўлган. Биринчи йўл яқин, аммо қийин йўл бўлиб Самарқанд-Жиззах-Мирзачўл орқали Чирчиқ дарёсининг Сирдарёга қўйилишидан пастроқда жойлашган Катта Қизтепа яқинидаги кечувга олиб келган. Бу ердан йўл Чирчиқ дарёсининг чап воҳасидаги Чиночкат, Шутуркат (Эски Тошкент) ва Заятикент бўйлаб Бинкатга йўналган.³

Суғдни Чоч-Илоқ воҳаси билан боғлайдиган иккинчи йўл узок бўлса-да, хавфсиз ва серкатнов бўлган. Ёзма манбаларда «Банокат йўли» деб номланган бу йўл Суғддан Уструшона орқали Жиззах-Зомин-Ховос йўналиши бўйича кетган бўлиб, Ховосга жанубга бурилиб, Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қўйиладиган жойдан юқорироқда жойлашган кечувга чиқарди. Бу ердан Харашкат-Худайкат-Оҳангарон кечуви-Чирчиқ водийси – Эски Тошкент орқали Чиначкат-Бинкат йўлига кўшилган.⁴

¹ Масон М. Е. Ахангаран. Археолого-топографический очерк – Ташкент, 1953, стр. 32-40, рис. 23.

² Буряков Ю.Ф. Горное дело и металлургия средневекового Илака V- начало XIII вв. – М: Наука, 1974.

³ Буряков Ю.Ф. По древним караванным путям Ташкентского оазиса- Ташкент,Фан, 1978

⁴ Буряков Ю.Ф. О втором караванном пути из Согда в Шаш // ОНУ – Ташкент, 1972, №3

Чочнинг ривожланган ўрта асрлар давридаги пойтахти Бинкат Сомонийлар даврида Чоч ва Илоқнинг йирик шаҳарларидан бири бўлиб ҳисобланган. Ўз шаҳристонни ва аркига эга бўлган бу шаҳар IX-XII асрларда нафақат Тошкент воҳасининг маъмурий маркази, шу билан бирга, Мовароуннахрнинг сиёсий, маданий, савдо-хунармандчилик марказларидан бири бўлган.

Чоч-Илоқнинг ички йўллари воҳанинг барча ички шаҳарлари орқали ўтиб, муҳим транзит йўлларнинг таркибий қисмларидан ҳисобланган. Маълумотларга кўра, Сирдарё бўйидаги Банокат шаҳрини Чочнинг пойтахти Бинкат билан ҳамда уларни Илоқнинг пойтахти Тункат билан боғловчи йўллар асосий йўналишлар эди.¹ Банокат шаҳри IX-XII асрларда Чоч вилоятининг Уструшона ва Суғдга олиб кетувчи муҳим йўллари бўйида, Ангрэн дарёсининг Сирдарёга қўлиш жойидан пастрокда жойлашган йирик иқтисодий-маданий маркази ҳисобланиб, воҳанинг ташқи алоқаларда муҳим ўрин тутган. Банокат шаҳристонининг учта – Аббос, Кеш ва Жунайд номли дарвозалари бўлиб, шаҳристонни ёнида атрофи девор билан ўралган работ бўлганлиги аниқланган.² XII асрда инқироз туфайли ташлаб кетилган бу шаҳар харобалари Шоҳрухия номи билан маълум бўлиб, ҳозирда Ангрэн дарёсининг чап қирғоғида, Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани худудида жойлашган.

Мавжуд манбаларнинг маълумот беришича, Банокат яқинида жойлашган иккинчи йирик шаҳар Харашкат бўлиб, Суғддан Чочга олиб борувчи қарвон йўлида жойлашган бу кўҳна шаҳар мил. авв. III асрда пайдо бўлган ва унинг энг ривожланган даври мил. авв. IX-X асрларга тўғри келади. X асрга келиб кўҳна шаҳарнинг майдони 200 гектардан кам бўлмаган. Бу шаҳарнинг харобалари Тошкент воҳасининг ғарбий қисмида, Шарқий Сирдарёдан 8 км узоқликда жойлашган Канка ёдгорлигига мос тушади.³

IX-XIII асрларда Чоч-Илоқ воҳасида учта йирик маъмурий марказлар сифатидаги шаҳарлар мавжуд бўлиб, улар Чочнинг пойтахти Банокат (Тошкент), Илоқнинг марказий шаҳри Тункат ҳамда улар оралигида жойлашган Нукат (Катта Тўйтепа) шаҳарлари эди. Ў. Мавлоновнинг тадқиқотларига кўра, Чоч-Илоқ воҳасининг асосий ички йўллари бу шаҳарлар орқали воҳа шаҳарларини боғлаган. Чоч ва Илоқ пойтахтлари оралигида жойлашган Нукат воҳадаги муҳим йўллар кесишган шаҳар бўлиб, Бинкатдан келувчи йўл нафақат шарққа- Тункатга, балки, жануби-шарқий йўналишда ҳам давом этиб, Бискатга (Пискент) олиб чиққан. Бу

¹ Мавлонов Ў. Маразий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши босқичлари. – Тошкент. Академия. 2008.

² Буряков Ю.Ф. Работы Средневекового Бенакета // ИМКУ – Ташкент, 1990.- стр. 21-26.

³ Қақа // Ўз МЭ. – Тошкент, 2005. 10 жилд, бет-600.

шаҳарда эса йўл яна тармоқларга бўлиниб, бир йўналиши Оҳангарон дарёси кечуви орқали Банокат шаҳрига олиб борган.

Чоч пойтахти Бинкат ва Илокнинг пойтахти Тункатни боғловчи йўлда бта шаҳар ва кўплаб қишлоқлар мавжуд бўлган.¹ Хўжанд ва Фарғона Музрабод чўли орқали ўтувчи йўлда Илоқ шаҳарларидан Бискат ва Хос (Бекобод яқинида) жойлашган. Оҳангарон дарёсининг юқори оқимида Шовкат (Шовкет, Уваттепа) шаҳридан дарёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб ўтган йўл бўйида жойлашган Абрлиғ шаҳри эса Чоч ва Илокнинг Илоқ тоғлари орқали Фарғона водийси билан алоқаларида катта аҳамиятга эга бўлган.²

Биз юқорида қисқача кўриб ўтган маҳаллий аҳамиятга эга бўлган савдо йўллари Чоч-Илокнинг турли шаҳар ва вилоятларини кесиб ўтган бўлиб, бу шаҳарлар турли йўналишлар бўйлаб ўзаро савдо-иқтисодий, маданий алоқалар олиб борганлар. Бу йўлларнинг айримларидан халқаро йўл сифатида ҳам фойдаланилган. Чунончи, ўрта асрлардаги ташқи ва ички савдо иқтисодий ҳамда маданий алоқалари тарихини ўрганиш ва таҳлил этиш шунини кўрсатадики, бу даврда Хоразм воҳаси Волга бўйи ва Шарқий Европа билан, Сўғдиёна Эрон ва Византия билан, Фарғона Хитой ва Қашғар билан, Чоч Шарқий Туркистон, Еттисув ҳамда шимолдаги дашт қабилалари билан алоқаларда асосий ўрин тутган. Ўрта асрлар давридаги маданий алоқалар, ягона дин, ёзув, давлат бошқаруви ва ижтимоий ҳаётдаги яқинлик Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида умумминтақавий маданият шаклланишига олиб келиши билан бирга барча мусулмон мамлакатлари маданиятида умумийликни келтириб чиқарди ҳамда давлатчилик анъаналарини янада мустаҳкамлади. Бу жиҳатдан Чоч-Илоқ воҳаси ҳам маълум аҳамият касб этган.

M. Mahkamov

Chach-Ilak in the system of medieval statehood and their trade-transit roads in the medieval period

In this article is appearance of trade-caravan ways and cultural in development government of Uzbekistan in medieval ages. – economical conjuncting of Chach-Ilak. Also, means oasis

M. Маҳкамов

Чач - Илак в системе средневековой государственности и их торгово-транзитные дороги

В данной статье кратко изучены торгово-караванные пути и культурно-экономические связи Чач – Илакского оазиса, а также, роль оазиса в развитии государственности средневекового Узбекистана.

¹ Масон М. Е. Ахангаран..., стр. 37, 74.

² Буряков Ю.Ф. Страницы древней истории Ангрена. // Мат. Конф. – Ташкент, 2006, стр. 24-25.

Шошлик муҳаддислар фаолиятидан

Кўхна тарихимиз бой илмий мероси, маърифати билан жаҳон цивилизациясида ўзига хос ўрин эгаллайди. Жумладан, маданиятимиз тараққиётида ўрта асрлар (IX–XII) муҳим аҳамият касб этади. Тарихий манбалар ва адабиётлардан маълумки, IX—XII асрлар ўрта Осиёда илм-фан ва маданият, айниқса, ислом илмлари тараққий қилган. Бинобарин, юртимиздаги Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Термиз, Хива, Шош (Тошкент) каби қадимий шаҳарлар ислом дунёсидаги илм-фан ва маданият марказлари сифатида машҳур бўлган. Жумладан, Тошкент – ўрта аср манбаларида Шош деб номланиб, бу ердан тафсир, ҳадис, фикх каби ислом илмларида кўплаб таниқли олимлар етишиб чиққан. Бу ерда туғилиб фаолият кўрсатган кўплаб буюк зотлар, олимлар «Шоший» нисбаси (нисбат) билан дунёга танилганлар. Уларнинг ҳаёти, фаолияти илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур тадқиқ қилиш Шош воҳаси тарихини ўрганиш билан бир қаторда, энг муҳими, бу олимларнинг ислом илмлари ривожидида тугган ўринларини аниқлашга хизмат қилади.

Шошда ҳадис илми ривожланган ва бу ердан етишиб чиққан муҳаддислар нафақат Шош воҳасида, балки ислом дунёсининг турли марказларида илмий фаолият олиб боришган ва шуҳрат қозонишган.

Ўз навбатида Шош воҳасида ҳадис илмининг ривожланишида ўрта асрлардаги анъанага мувофиқ Самарқанд, Бухоро, Хива, Насаф, Термиз, Марв каби турли шаҳарлардаги мадрасаларда фаолият кўрсатган олимлар ўртасидаги илмий ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этган.

Имом Абдуллоҳ ибн Абу Авона Шоший, Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид Шоший, Абу Саъид Исо ибн Солим Шоший, Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Шуайб Шоший, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Хузайм Шоший, Абу Али Ҳасан ибн Соҳиб ибн Ҳамид Ҳофиз Шоший, Абуллайс Наср ибн Ҳасан ибн Қосим Шоший Тункатий, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Хузайм ибн Қумайр ибн Ҳоқон Шоший каби кўплаб муҳаддислар ислом дунёсининг турли шаҳарларидаги мадрасаларда ҳадис илмидан сабоқ беришгани, кутубхоналарда турли диний билимларнинг айрим масалалари бўйича мунозаралар ўтказишгани араб манбаларида зикр этилган.

Хусусан, йирик муаррих Абу Саъд Самъоний (1113-1167) «Ансоб» («Насабнома») асарида Шошдан кўплаб имомлар етишиб чиққанлиги, Абдуллоҳ ибн Авона Шоший шулар жумласидан эканини биринчилар қаторида қайд этган. Имом Абдуллоҳ ибн Абу Авона Шошийдан буюк муҳаддис Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Жаъфар ибн Муҳаммад Фирёбий ва бошқалар ҳадислар ривоят қилишган¹. Машҳур тарихчи Абу Бакр Хатиб Бағдодий(ваф. 1071) “Тарихи Бағдод” китобида ёзишича, Абу Саъид Исо ибн Солим Шоший Бағдодга келиб, улуғ муҳаддис ва факих

Абдуллоҳ ибн Муборак ривоят қилган ҳадисларни ёзиб олган. Шошлик муҳаддисдан сунний мазҳаб асосчиларидан бири Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ханбал, машхур олим Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулазиз Бағавий ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган².

Шош воҳасида ўрта асрларда кўплаб муҳаддислар фаолият кўрсатган. Улар орасида “Имом аш-Шоший” сифатида танилган ишончли муҳаддис Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший номини алоҳида қайд этиш мумкин.

Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший (туғилган санаси номаълум, ваф. 335/947) – йирик муҳаддис. Унинг тўлиқ исми – Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб ибн Сурайж (баъзи манбаларда Шурайх деб келтирилган) ибн Маъкил аш-Шоший ал-Бинкасий ат-Туркий ал-Адибдир. Ҳайсам ибн Кулайб Шоший Шош (Тошкент) музофотининг бош шахри Бинкасида туғилган. У ҳижрий учинчи асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳадис илми ривожланган олтин даврда фаолият кўрсатган. Ҳайсам Кулайб Шоший илм-маърифат ўрганиш мақсадида Бухоро, Самарқанд, Насаф ва Термиз ҳамда Шарқ мамлакатларига ҳам сафар қилган.

Ҳайсам ибн Кулайб Шошийнинг энг машхур устозларидан термизлик буюк муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, маккалик Абул Ҳасан ал-Бағовийларни кўрсатиш мумкин. Ўз навбатида, Ҳайсам Кулайб Шоший кўплаб шогирдлар етиштирган. Шошлик муҳаддис илмий фаолиятининг аксар қисми Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида кечган, чунки унинг кўп шогирдлари шу шаҳарларда яшаган.

Имом аш-Шошийнинг биз авлодларга қолдирган «ал-Муснад» («ал-Муснад ал-Кабир») номли асари тўлиғича ҳадисларга бағишланган. Бу асарнинг ягона қўлёзма нусхаси яқин вақтгача Суриянинг Дамашк шаҳридаги «аз-Зоҳирия» кутубхонасида 277-рақам остида сақланган, кейинчалик Дамашкдаги нодир қўлёзмалар сақланадиган «Мактабат ал-Асад» номли кутубхонага ўтказилган. 192 варақдан иборат ушбу қўлёзма ҳижрий 558 (милодий 1163) йилда хаттот ал-Ҳофиз Зиёуддин ал-Муқаддасий томонидан насх хатида кўчирилган. Ушбу қимматли асар 1990 йилда Дубай шаҳридаги «Марказ ад-даъват вал-иршод» аъзоси, йирик ҳадисшунос олим, доктор Махфуз ар-Рахмон Зайнуллоҳ томонидан тадқиқ этилиб, бир неча жилдда Мадинаи Мунавварада нашр этилган¹.

Мазкур китобнинг мавзуси унинг «Муснад» номидан маълум бўлиб, Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший уни саҳоба муснадлари бўйича тартиблаган ва ҳар бир саҳоба ривоят қилган ҳадисларни жамлаган. «Муснад» китобида инсонларни одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, адолат, имон-эътиқодга даъват этувчи ҳадислар билан бир қаторда

¹ Қаранг: Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шоший. ал-Муснад. -Мадинаи мунаввара: Мактабат ал-улум вал-хикам, 1990. 1-жилд. -Б. 14-17.

кишиларни қотиллик, разолат, фитна-фасод, зулм каби иллатлардан қайтарувчи ҳадислар ҳам ўз ифодасини топган.

Абу Саъид Исо ибн Солим аш-Шоший (ваф. 232/847) – Шош аҳлидан, у Арис (куёв) деб танилган, унинг куньяси Абу Саъиддир¹. У ишончли муҳаддис бўлиб, эл-юрт кезган. Исо аш-Шоший Абу Худба Иброҳим ибн Худба, Убайдуллоҳ ибн Амр, Бакия ибн ал-Валид ва бошқалардан ҳадислар ривоят қилган.

Юқорида айтганимиздек, Абу Бакр ал-Хатиб Бағдодийнинг хабар беришича, «У Бағдодга келган ва бу ерда йирик муҳаддис, факих Абдуллоҳ ибн Муборак, Убайдуллоҳ ибн Амр ар-Раққий ривоят қилган ҳадисларни ёзиб олган». Исо аш-Шошийдан машхур олим Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбал, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулазиз ал-Бағавий ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган.

Кўриниб турибдики, Исо ибн Солим Шошийдан қатор олимлар ҳадислар ривоят қилишган. У ўрта аср араб муаллифлари асарларида ҳадис ривоят қилувчи ишончли муҳаддис сифатида эътироф этилган. Шунингдек, Исо ибн Солим Шошийдан ҳадислар билан бир қаторда ҳикматли иборалар ва хабарлар ривоят қилинган. Хусусан, «Таҳзиб ал-камол» («Камолот ривожини») китобида: «Исо ибн Солим Шоший ар-Раққийдан айтишича, Маймун ибн Миҳроннинг шундай деганини эшитдим: «Эй, Қуръон асхоблари! Қуръонни дунёда фойда кўрадиган восита қилиб олманглар. Мол-дунёни дунёдан изланглар, охиратдан эса охиратни изланглар!» - деб ёзилган².

Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Шуайб аш-Шоший (ваф. 294/907) – муҳаддис. Шошда туғилган. Машхур тарихчи Абу Саъд Самъонийнинг таъкидлашича, Жаъфар ибн Шуайб аш-Шоший 287/900 йилда Нишопурга келиб, Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Юсуф ат-Тамомий, Абу Рабиъ Холид ибн Юсуф ас-Самтий, Яъқуб ибн Ҳумайд, Исо ибн Ҳаммод ва Абу Тохир Аҳмад ибн Амр ас-Саржийлардан ҳадис илмидан таълим олган³.

Жаъфар ибн Шуайб Шошийдан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Яъқуб ал-Ҳофиз, Абу Бакр Аҳмад ибн Али ар-Розий ал-Ҳофиз⁴, Салама ибн Шабиб ан-Найсобурий, Абдуллоҳ ибн Абдулҳаким ал-Мисрий, Иброҳим ибн ан-Назир ас-Самарқандий ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган. «Тарихи Бағдод» китобида қайд этилишича, Жаъфар ибн Шуайб

¹ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан Абулмаҳосин ал-Хусайний. ал-Икмол ли-Хусайний. Карачи: Жомийат ад-диросат ал-исломия, 1989. 1-жилд. -Б. 330; Абу Бакр Аҳмад ибн Али ал-Хатиб ал-Бағдодий. Тарихи Бағдод ал-Мадина ас-Салом. -Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1997. 11-жилд. -Б. 161.

² Юсуф ибн аз-Закий Абдурахмон Абулҳажжож ал-Музий. Таҳзиб ал-камол. -Байрут: Муассасат ар-рисола, 1980. 29-жилд. -Б. 219.

³ Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. ал-Ансоб. 7-жилд. -Б. 246.

⁴ Ўша манба. 7-жилд. -Б. 246.

аш-Шоший Бағдодга ҳожи бўлиб келган. Бу ерда у ҳадислар ривоят қилган. Ундан Исмоил ибн Али ал-Хутобий, Абдуллоҳ ибн Иброҳим ибн Мосий, Абулҳасан ал-Аълой ибн Исмоил Исҳоқ ибн Солим аш-Шоший¹ ҳадис эшитишган ва ривоят қилишган².

Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Ҳофизнинг Бухорода хабар беришича, Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Шуайб Шоший ҳижрий 294 (милодий 907) йилда Шошда вафот этган³.

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Хузайм аш-Шоший – ишончли муҳаддис бўлиб⁴, У Шош воҳасининг Харашкат шаҳарчасида туғилган. Абу Саъд Самъоний ал-Харашкатий – Харашкат Шош шаҳарларидан бири бўлиб, бу ердан кўп олимлар чиққан. Булардан Абу Саид Саъд ибн Абдурахмон ал-Харашкатий бўлиб, у Юсуф ибн Яъқуб ал-Қози, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳазрабийлардан ҳадис ривоят қилган.

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Хузайм Шоший Абд ибн Муҳаммад Ҳамиднинг тафсири ва муснадини 249/ 863 йилда ўрганиб, ундан ҳадис илмидан таълим олган. Манбаларда қайд этилишича⁵, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Хузайм Шошийдан 318/ 930 йил шаъбон ойида Шош шаҳрида Абу Ҳотам ибн Ҳиббон, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳамавайҳи ас-Сарахсий ва бошқалар ҳадис эшитишган. Машхур муаррих Шамсуддин аз-Заҳабийнинг хабар беришича, Сарахс шаҳри хатиби ибн Ҳамавайҳи Иброҳим ибн Хузайм Шошийнинг «Муснади кабир» ва тафсирини ўрганган⁶. Маълумки, Сарахс хатиби Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳамавайҳи Имом Бухорий «Саҳиҳи»нинг ровийларидан бўлган. У Иброҳим ибн Хузайм Шоший ва Аббос ибн Умар ас-Самарқандийлардан кўплаб ҳадислар ривоят қилган.

Умуман олганда, аксарият манбаларда Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Хузайм аш-Шоший ишончли муҳаддис сифатида эътироф этилиб, кўплаб ҳадисларнинг ровийси сифатида келтирилган. «Сийар аълом ан-нубало» («Олижаноб алломалар сийратлари») асарида таъкидланишича, Ибн Хузаймнинг сийрати ва фаолияти тўғрисида етарли маълумотлар этиб келмаган. У ишончли муҳаддислар сирасидан бўлиб, 90 йил умр кўрган.

Абу Али Ҳасан ибн Соҳиб ибн Ҳамид ал-Ҳофиз аш-Шоший (ваф. 314/926) – кўплаб ҳадисларни ёд билувчи ҳофиз, ишончли муҳаддисдир⁷. У Шошда туғилиб ўсган. Ҳасан ибн Соҳиб Шоший имом, ҳофиз, кўп юртларни кезган сайёҳ бўлиб, у илм талабида Хуросон, Ироқ, Шом,

¹ Тарихи Бағдод. 12-жилд. -Б. 243.

² Ўша манба. 7-жилд. -Б. 195.

³ Ўша манба. 7-жилд. -Б. 195.

⁴ Сийар аълом ан-нубало. 14-жилд. -Б. 486.

⁵ Қаранг: Сийар аълом ан-нубало. 14-жилд. -Б. 486; Такмилат ал-икмол. 2-жилд. -Б. 18.

⁶ Сийар аълом ан-нубало. 16-жилд. -Б. 492.

⁷ Таъкират ал-хуффоф. 3-жилд. -Б. 780; Абдурахмон ибн Абу Бакр ас-Сунотий. Табақот ал-хуффоф.

-Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1403 х. 1-жилд. -Б. 329; Тарихи Бағдод. 7-жилд. -Б. 333.

Ҳарамайн (Макка ва Мадина), Яман, Мисрдаги турли табақалардан ҳадислар эшитган.

Соҳиб Шоший катта ҳофиз бўлиб, Хуросон шайхларидан ҳадислар ёзиб олган¹. «Тарихи Бағдод» китобида Соҳиб Шоший Хуросон шаҳарлари ва тоғлари, Ироқ, Ҳижоз, Шом ҳақида турли маълумотлар ёзганлиги қайд этилган. У ҳижрий 311 йилда Бағдодга келиб, Али ибн Хашрам, Исҳоқ ибн Мансур, Абу Зуръа ар-Розий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. ал-Ҳасан ибн Соҳиб ибн Ҳамид ал-Ҳофиз Абу Али аш-Шоший тўғрисида «Иршод» асари муаллифи қуйидагича баён қилган: «У Хуросон шайхларининг китобларида зикр этилган катта ҳофиз эди».

Соҳиб Шоший нафақат ҳадислар, балки юқорида айтилганидек, ўзи сафар қилган мамлакатлар шаҳарлари, шунингдек, катта олимлар, шайхлар тўғрисида маълумотлар қолдирган. Соҳиб Шоший Жазирага ҳам ташриф буюрган, у ерда шайх, фақих, аллома Абулқосим Умар ибн Муҳаммад ибн Икрима ибн ал-Базрий ал-Жазарийнинг шогирди бўлган². Соҳиб Шошийдан Абу Али ан-Найсобурий, Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Жуъабий, Абу Бакр Қафқол аш-Шоший ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган.

Буюк аллома Абу Бакр Қафқол аш-Шоший ал-Ҳасан ибн Соҳиб аш-Шошийдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган: «Шеърни ўрганишлар, чунки унда ҳикмат ва масаллар бордир»³.

“Тарихи Бағдод” (“Бағдод тарихи”), “Табақот ал-хуффо” (“Ҳофизлар табақаси”), “Тазкират ал-хуффо” (“Ҳофизлар тазкираси”), “ал-Ансоб” (“Насабнома”), “Сийар аълом ан-нубало” (“Олижаноб алломалар сийратлари”), “ал-Иршод” (“Тўғри йўл”) каби қатор араб манбаларида Ҳасан ибн Соҳиб Шоший номи «Ҳофиз» дея ҳурмат билан тилга олиниб, ишончли муҳаддис сифатида эътироф этилган.

Кўриниб турибдики, Шош воҳасида ҳадис илми ривожланган. Воҳада яшаб, фаолият кўрсатган муҳаддислар нафақат юртимизда, балки турли Шарқ мамлакатларида ҳам шуҳрат қозонган.

N. Mukhamedov

From the activities of the muhaddithes from Shash Oasis

In the medieval sources Tashkent city is called as Shash. And this city gave birth to many scholars whose activities were tightly related with such sciences as “fiqh”, “tafsir”, “hadith” and e.t.c. One of those scholars is Abu Sa’id Naysam ibn Kulayb Shashi, who was famous under the name of Imam ash-Shashi and contributed much to the science of hadithes.

¹ Табақот ал-хуффо. 1-жилд. -Б. 329.

² Такмилат ал-икмол. 1-жилд. -Б. 399.

³ Сийар аълом ан-нубало. 14-жилд. -Б. 431.

Из деятельности мухаддисов оазиса Шаш

В средневековых источниках город Ташкент именовался Шаш. Именно отсюда вышло множество учёных, чья деятельность было тесно связана с такими исламскими науками, как фикх, тафсир, хадис и др. Одним из ученых является Абу Саъид Хайсам ибн Кулайб Шаши, известный под именем Имам аш-Шаши внесших большой вклад в науку о хадисах.

т.ф.н. Х.А. Бўриева
ЎзДЖТИ ўқитувчиси

Тошкент маҳаллаларининг номланиши хусусида

Тошкент шаҳри тарихини ёритишда жой номларининг алоҳида ўрни бор. Зеро, улар шаҳар ҳудудида турли тарихий даврлар мобайнида пайдо бўлиб, унинг табиати, ўтмиши, аҳолиси, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий ҳаёти билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Жумладан, Тошкент маҳаллаларининг номланишини тадқиқ этиш орқали шаҳар ўтмишига доир қимматли тарихий маълумотларни қўлга киритиш мумкин.

Умуман олганда, маҳаллани шаҳарда маълум микдордаги аҳолини ўз ичига олган хонадонлар мажмуасидан таркиб топган маъмурий бўлинма ва у шаҳарнинг вужудга келиши даврида шакллана бошлаган, дейиш мумкин. Дастлаб бундай бўлинмалар асосан аҳолининг ижтимоий табақаланиши билан боғлиқ бўлса, кейинроқ улар аҳолининг касб-хунарига кўра ҳам ташкил этиб борган. Шунингдек, маҳалланинг шаклланишига жойнинг географик хусусиятлари ҳам таъсир кўрсатган. Масалан, сувга яқин ерда жамланиш, жарликлар туфайли ҳудудларнинг бўлиниши. Шаҳар аҳолиси кўпайиб бориши билан бирга маҳаллаларнинг пайдо бўлишига этник жараёнлар, топографик ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда эса – турли қурилмалар, муассасалар ва х.к.лар ҳам таъсир кўрсатган.

Шаҳарнинг тараққий этиши унинг маҳаллалари таркибидаги ўзгаришларда акс этган. Жумладан, XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкентда бир маҳаллада 50–150 хонадон; баъзан, бир нечта маҳалла учун бир умумий марказ – гузар, унда эса хунармандчилик устахоналари, чойхона, нонвойхона, баққолик дўкони ва бозорча бўлган. Гузарлар катта кўчалар ёки чорраҳаларда жойлашган. Маҳаллалар бир неча қисмларга ёки кўчаларга – катта кўча нисбатан кичикроқ кўчалар ҳамда бир нечта тор кўчага бўлинган. Маҳаллаларнинг чегаралари аксарият хонадонларнинг орқа деворларидан ўтган. Шаҳар марказидаги маҳаллалар анча қадимги бўлиб, чеккаларида эса янгилари қўшилиб бораверган ва вақт ўтиши билан уларнинг базилари ривожлана бориб, мустақил бўлиб кетган. Бу жараён топонимларда ҳам акс этган: 1-Эшонгузар, 2-Эшонгузар, Юқори Оқмасжид, Қуйи Оқмасжид, Катта Камолон, Кичик Камолон маҳаллалари.

Кўп ҳолларда шаҳар атрофида маҳаллаларга қарашли ерлар бўлиб, уларни “мавзе”, “боғ-ҳовли”, “дала-ҳовли” деб аташган.

1876 йили, Н.А.Маев Тошкентда 149 та маҳалла бўлгани ҳақида ёзган ва уларнинг номларини даҳалар бўйича қайд этган; мазкур маҳаллалардан 48 таси Шайхонтоҳур, 38 таси Себзор, 31 таси Кўкча, 32 таси Бешоғоч даҳасига қарашли эканлигини таъкидлаган¹. Лекин, чамаси маҳаллалар сони кўпроқ бўлган, чунки XX аср бошларида эски шаҳарда Н.Г.Маллицкий рўйхати бўйича, 280 га яқин маҳалла, 170 дан ортиқ мавзе номлари келтирилган². Улардан 70 та маҳалла ва 31 та мавзе Шайхонтоҳур, 79 та маҳалла ва 64 та мавзе Себзор, 56 та маҳалла ва 43 та мавзе Кўкча, 76 та маҳалла ва 36 та мавзе Бешоғоч даҳасига тегишли эди.

Умуман олганда, XIX аср охири – XX бошларида Эски шаҳар маҳаллаларининг номларини мазмун жиҳатдан саккиз гуруҳга бўлиш мумкин:

1) Касб-ҳунар ва аҳолининг ижтимоий гуруҳлари билан боғлиқ топонимлар. Масалан, Дегрез, Эгарчи, Этикдўз, Темирчилик, Қозикўча, Кулкўча, Хўжакўча маҳаллалари ва бошқалар.

2) Табиий-географик объект билан боғлиқ топонимлар. Масалан, Каттаҳовуз, Олмазор маҳаллари ва б.

3) Рельеф билан боғлиқ номлар. Масалан, Қўрғонтепа, Оқтепа маҳаллари ва б.

4) Шаҳар дарвозалари номлари билан аталган топонимлар.

Масалан, Тахтапул, Самарқанд дарвоза маҳаллалари ва б.

5) Маҳалладаги кўча, масжид, кабристон, бозор қабилар билан боғлиқ топонимлар. Масалан, Эскижува, Чукуркўприк, Гулбозор маҳаллалари ва б.

6) Тарихий шахс номи билан аталган, яъни антропотопонимлар. Масалан, Зангиота маҳалласи.

7) Этник бирлик билан боғлиқ, яъни этнотопонимлар. Масалан, Қашқар, Чувалачи маҳаллалари ва б.

8) Тарихий воқелик билан боғлиқ топонимлар. Масалан, Жанггоҳ, Шохнишинтепа маҳаллалари ва б.

Маҳалла номлари орасида касб-ҳунар билан боғлиқ топонимлар нисбатан кўпроқ ва мазкур ҳолат у ёки бу маҳаллада маълум бир касб тури билан шуғулланувчиларнинг шу жойга жамланганлиги билан боғлиқ. Масалан, Атторлик маҳалласида асосан атторлик молларини сотувчилар, Заргарлик маҳалласида заргарлар, Тақачи маҳалласида тақасозлар яшаганлар. Кейинги ўринда маҳаллада яшовчи аҳолининг маълум бир ижтимоий табақа, қabila, уруғга мансублигига қараб берилган номлар туради. Бунга Эшонгузар, Кулкўча, Тожикмаҳалла, Чувалачи каби топонимларни кўрсатиш мумкин. Бу

¹ Маев Н.А. Азиатский Ташкент. // Туркестанский Сборник. – Санктпетербург: Типография В.С.Балашева., 1876. – Т.123. - Б. 260-271.

² Маллицкий Н.Г. Ташкентские.... кўрс.асар. 112-121 б.

холоат тарих давомида шаҳар ҳаётида кечган сиёсий, ижтимоий ўзгаришлар, аҳолининг уруғ-қабилачилик анъанаси асосида жойлашиши боғлиқ. Масалан, Эшонгузар маҳалласида – эшонлар, Хўжамаҳаллада – хўжалар табақасига мансуб оилалар нисбатан кўпроқ яшаган, Кулкўча – кўпроқ қуллар яшаган ҳудуд маъносини англатади. Кейинчалик маҳалладаги аҳолининг ижтимоий таркиби ўзгариб бора-да, бироқ унинг ўзлашиб, анъанага айланган аввалги номи сақланиб қолаверган.

Маҳалла номлари орасида табиий-географик объект, рельеф билан боғлиқ топонимлар ҳам учрайди. Тадқиқотчилар бундай топонимларнинг нисбатан қадимийроқ эканлигини қайд этганлар¹. Масалан: Олмазор ва Себзор – олма боғлари кўп маҳаллалар, Қўрғонтепа – бу ерда қачонлардир қўрғон бўлганини англатади, Чуқуркўприк – Чуқуркўприк ариғига пастқамликда қурилган кўприк атрофидаги маҳалла демакдир.

Эски шаҳар маҳаллалари орасида маҳалла ҳудудидаги каттароқ қурилма, хўжалик объекти, шаҳар дарвозасининг номи билан аталганлар топонимлар ҳам бор ва уларнинг орасида диний муассасалар, ёдгорликлар, шаҳар дарвозалари ва бозорлар билан боғлиқлари нисбатан кўпроқ. Кўкмасжид маҳалласи – кўк гумбазли масжид жойлашган маҳалла, Самарқанд дарвоза – мазкур жойда шаҳар деворида қурилган дарвоза номи билан аталган маҳалла, Гулбозор – ҳудудида гуллар, кўчатлар сотиладиган бозор жойлашган маҳалла номларини кўрсатиш мумкин.

Маҳалла номлари орасида антропотопонимлар камроқ учрайди. Улар, асосан маҳаллада яшаган бой, зодагон, мансабдор, диний арбобларнинг исми билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Жумладан, Болтабой, Бадалбой, Шайхонтахур, Зангиота, Мурод маҳаллалари.

Шаҳар маҳаллалари рўйхатида бирор тарихий воқеа, ҳодиса билан боғлиқ ёки аралаш топонимлар ҳам учрайди. Бундай номларнинг пайдо бўлиши тарихи маълум ҳодиса билан боғлиқ бўлади. Шопайзиқулоқ маҳалласи – шу ерда Шопайзи исмли киши Кўкча ариғидан канал ариқча (қулоқ) қазиб чиқарганини билдиради².

Эски шаҳар маҳаллаларининг номлари турли даврларда пайдо бўлгани сабабли тил жиҳатдан ҳам фарқланади: суғдча, туркий, форс-араб, аралаш топонимлар (Чочтепа, Қиёт, Чигатой, Дархон, Регистон, Обиназир, Бодак, Себзор, Жартегирмон, Янгишаҳар Ганчтепа, Қозикўча, Сандиқбозор, Собунбозор ва ҳ.к.). Қуйида ушбу гуруҳларга мансуб айрим маҳаллалар номлари таҳлилини келтирамиз:

Гулбозор маҳалласи, асосий қисми Шайхонтахур даҳасида бўлган; мазкур маҳалла Хадра ва Себзор даҳасининг Қошиқчилик маҳаллалари, Чорсу бозори ва Шайхонтахур кўчаси билан чегарадош эди. “Гулбозор” қўшма

¹ Караев С.К. Топонимия Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1991. – 101 б.

² Ўша жойда. – 103 б.

топоним (“гул” ва “бозор”), маъноси – “гул сотиладиган бозор”. Маҳалланинг бундай номланишига сабаб, бу ерда Чорсу бозорининг гуллар, кўчатлар сотиладиган расталари ўрин олганди. Археологик маълумотларга кўра, IX–XII асрларда бу маҳалла ўрнида Бинкатнинг арки ва шаҳристонни жойлашган экан. XX аср охирида Гулбозор маҳалласида 200 га яқин хонадон яшаган. Аҳолиси савдо, хунармандчилик (тунукасозлик, бўз тўқиш), мавзелари-Назарбек, Қорасув, Чўпонотада боғдорчилик ва дехқончилик билан шуғулланган. Маҳаллада учта масжид, бир нечта раста, 2 қаватли меҳмонхона, дўконлар бўлган. XX аср бошларида бу ерда Германиянинг “Зингер” фирмаси ишлаб чиққан тикув машиналари сотилган¹.

Дегрез маҳалласи, Шайхонтахур даҳасида; Дероз ва Дегрезлик шаклларида ҳам аталган. Гиштмасжид, Сўгалмасжид, Шўртепа, Ҳовузбоғ ва Хўжарўшноий маҳаллалари билан чегарадош бўлган, Қуйи Дегрез ва Юқори Дегрезга бўлинган. Ҳозир бу ерда Ўзбекистон Миллий театри, цирк бинолари жойлашган. “Дегрез” сўзи икки ўзакли топоним, (“дег” ва “рез”), форсча “дег” – қозон, “рез” – қуй; “рехтан” – қуймоқ маъноларини билдиради; “дегрез” – қозон қуювчи, деган маънони англатсада, умуман олганда темирчилар маҳалласи назарда тутилган. Дегрез маҳалласи қадимий маҳаллалардан бири бўлиб, унда 200 хонадон яшаган. Аҳолиси хунармандчилик, мавзеларда дехқончилик билан шуғулланган. Асосий касби чўян, жез, абжўли (хафтжўш) – “етги қотишма” – қуйиш эди. Маҳаллада 20 га яқин чўян қозон қуйиш (дегрезлик) устахоналари (уларда омов тишлари, кумфонлар, ҳовонча ҳам қуйилган), 2 масжид, мадраса бўлган².

Самарқанд дарвоза маҳалласи, Бешоғоч даҳасида; Зангиота, Чақар, Заҳарик, Камолон маҳаллалари билан чегарадош бўлган, бир чеккаси Чақарариққа туташган. Ҳозир ҳам бу ерда. Самарқанд дарвоза маҳалласининг асосан бир қаватли хонадонлар жойлашган. Маҳалла худудида Тошкентнинг 12 дарвозасидан бири – Самарқанд дарвоза жойлашган. Ҳ.Ҳасановнинг фикрига кўра, маҳалланинг номи Самарқанд дарвозаси номидан ҳосил бўлган³. Ушбу маҳалланинг шаклланиши тахминан XV асрга тўғри келади. XIX аср охирида маҳаллада 50 дан ортик хонадон яшаган. Аҳолиси хунармандчилик (кўнчилик, дурадгорлик, аравасозлик ва б.), Новза, Чўпонота, Қозиравог мавзеларида дехқончилик билан шуғулланган. Маҳаллада мактаб, масжид, бозорча, баққоллик дўконлари бўлган. А.Қодирий шу маҳаллада яшаб ижод этган⁴.

Чуқуркўприк маҳалласи, Бешоғоч мавзесида; Мирлар, Зангиота, Бадрбой, Эшонгузар маҳаллалари билан чегарадош бўлган. “Чуқуркўприк”

¹ Тошкент. Энциклопедия. – Тошкент: Қомуслар таҳририяти, 1992. – 103 б.

² Ўша жойда, 108 б.

³ Ҳасанов Х. Ўрта Осиё жой номлари. – Тошкент: Фан, 1965. – 41 б.; Охунов Н. Жой номлари таъбири. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 42 б.

⁴ Тошкент. Энциклопедия... – 257 б.

қўшма топоним (“чукур” ва “кўприк”) ва “чукуррок, пастроқ жойда қурилган кўприк” дегани. Шу атрофда аста-секин маҳалла шаклланиб, у кўприк номи билан аталган. Дарвоқе, мазкур маҳалладан оқадиган ариқнинг номи ҳам Чукуркўприк эди, у Эски шаҳарнинг Бешоғоч ва Шайхонтахур даҳаларидан оқиб ўтган. XX аср бошида Чукуркўприк маҳалласида 300 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси ҳунармандчилик, мавзеларда боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Маҳаллада мактаб, бир қанча тикувчилик устахонаси, чойхоналар, 2 масжид, савдо дўконлари растаси бўлган¹.

Чувалачи маҳалласи Себзор даҳасига тегишли, Тешик кофқа, Чигитбоши, Кадувот, Ҳасанбой маҳаллалари билан чегарадош. С.Қораевнинг фикрига кўра, “чувалачи” сўзи этнотопоним бўлиб, ўзбек қабиласи номини билдиради². Маҳалланинг номи Чувалачи қабиласи билан боғлиқ. Бу ҳақда ёзма манбаларда маълумотлар учрамади. Эҳтимол маҳалла худудида чувалачи қабиласидан бўлган аҳоли яшагани туфайли уни “Чувалачи” деб аташган. Маҳалла тахминан XV-XVI асрларда шаклланган. XX аср бошларида қарийб 100 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси ҳунармандчилик, кўпроқ – кўнчилик, мавзеларида деҳқончилик билан шуғулланган. Чувалачи маҳалласида тегирмон, бир неча бақоллик дўконлари, чойхона, масжид бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент шаҳри маҳаллаларининг номлари турлий тарихий даврларда пайдо бўлгани сабабли, улар даврий, тилшунослик, мазмуни жиҳатларидан турли гуруҳларга тавсифланади.

Kh. Bo'rieva

About the names of Tashkent mahallas

This article is dedicated to the problem of classification of names the Tashkents *mahalla* in the end of the 19th – beginning of the 20th centuries. At the work is given an eight groups of the names *mahalla* and the features of occurrence of these groups of toponyms are specified. The items of information on the name such *mahalla*, as Gulbazar, Degrez, Samarkand Darbaza, Chukurkuprik, Chuvalachi also are given.

Х.Буриева

О наименовании Ташкентских махалля

Настоящая статья посвящена проблеме классификации наименований Ташкентских махалля периода конца XIX – начала XX вв. Дан анализ восьми групп наименований махалля и указаны особенности

¹ Ўша жойда – 384 б.

² Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? (Топонимик лугат). – Тошкент: Ўзбекистон, 1970. – 134 б.

возникновения этих групп топонимов. Также приведены сведения о названии таких махалля, как Гульбазар, Дегрез, Самарканд Дарбаза, Чукуркуприк, Чувалачи.

М. Б. Шамсиев
ЎзРФА Тарих институти
кичик илмий ходими

Ўрта Осиё - Россия муносабатларида Хива ва Тошкент йўналишларининг сиёсий аҳамияти (XIX аср)

XIX асрнинг бошларига келиб, Ўрта Осиё ва Россия савдо муносабатлари Оренбург ва Тобольск губерниялари ҳисобига анча кенгайган. Бу йўналишларда бешта божхона: Оренбург, Троицк, Петропавловск, Бухтарма, Семипалатинск ва тўртта карвонларни қабул қилиб олувчи заставалар: Пресногорск, Железинск, Коряков, Усть-Каменогорсклар ташкил этилган.

1826 йил февralида генерал-майор А.Веригин тузган маълумотномада Осиё билан савдо-сотиқни ривожлантиришда карвон йўлларини ўрганиш кераклиги таъкидланган. Шу мақсадда XIX асрнинг 20 йилларидан экспедициялар (Негри, Мейендорф, Цилковский, Берг, Потанин) ташкил этилди. Натижада савдон ривожлантириш учун қулай йўналиш қозок даштлари орқали Орол денгизининг шарқий томонидан Сирдарё бўйлаб Тошкентгача эканлиги маълум бўлган. Тижорат вазири Н.П.Румянцев олдинги тажрибаларига таянган ҳолда, Россиядан Ўрта Осиёга олиб борувчи учта асосий йўлга эътиборини қаратган: 1) Каспий денгизининг шарқий соҳилларидан Мангқишлоқ орқали; 2) Оренбург ва Троицк орқали; 3) Иртиш орқали Тошкентга чиқиш кўрсатилган.

XIX аср 20-йилларидаги экспедициялар ҳам Н.П.Румянцев кўрсатган йўналишлар тўғрилигини тасдиқлайди. Россия империясининг Эрон (1826-1828) ва Усмонли турклар (1828 – 1829) билан урушлари Осиё билан боғловчи карвон йўллари борасида чора кўришга имкон бермаган.

XIX аср 30 йилларида Россия империясининг Ўрта Осиё билан савдо алоқаларидаги ноқулай вазиятлардан бири, инглиз маҳсулотларининг Ўрта Осиёдаги йирик савдо марказларига кириб келиши бўлса, иккинчиси, хонликларга қозок даштлари орқали борадиган карвон йўлларидаги қарқичларнинг талончилиги эди.

Инглизларнинг Ўрта Осиё савдосига кириши, Россия савдо манфаатларига хавф туғдирган. Инглизлар бухороликларни ўзаро келишишга ундаб, зарур бўлган маҳсулотларни маҳаллий аҳолини қониқтирадиган нарҳда олиб келишни таклиф қилганлар. Бу Россия империясининг зудлик билан чоралар қўллашини таққозо этган.

Чоралардан бири ўртаосиёлик савдогарлар учун рус бозорларида имтиёзлар яратилган.

Ўрта Осиёлик савдогарларга имконият яратиб, Россия империяси, хонликларга ўз таъсирини ўтказиш масаласини кўриб чиққан. Даставвал Хиванинг Россия империяси учун иқтисодий имкониятлари ўрганилган. Оренбург генерал-губернатори В.А. Перовский режаси бўйича, Хива савдо учун қулай жой бўлмасда, лекин Ўрта Осиёдан Россияга борадиган йўлларнинг кесишувида жойлашганлигига аҳамият қаратилди¹.

1826-1839 йиллар орасида инглизларнинг Афғонистонга бостириб кириши, Россиянинг Хивага ҳарбий сафарлар уюштиришига олиб келди. Бундан мақсад: 1) 1830 йилдан бери Ўрта Осиёга киришга ҳаракат қилаётган инглизларни оғохлантириш; 2) Хива хонлигини дипломатик қарам қилиб, Россиянинг Ўрта Осиёдаги таянч марказига айлантириш бўлган.

XIX асрнинг 40 йилларини Россия Империясининг Ўрта Осиёга нисбатан иқтисодий тазйиқи даври деб баҳолаш мумкин. Генерал майор А.Веригин Хивага Россияни жануб билан боғловчи марказ сифатида қараб, уни босиб олиш режасини таклиф этган. Полковник Ф.Берг экспедицияси Орол ва Каспий денгизлари оралигини ўрганиб, Устюрт даштлари орқали ҳарбий кўшинни олиб ўтиш имкониятини аниқлаган. Осиё кўмитаси А.Веригиннинг режасини маъқуллаган, лекин Ф.Берг экспедицияси қайтиб келгач, зарур чоралар белгилаш мумкинлигини таъкидлаган.

Осиё кўмитаси Ф.Берг экспедицияси яқунлари билан танишиб, Устюрт даштларидан ўтиш қийинлигини билган ҳолда Каспий денгизининг Шарқий соҳилларини ўрганишни маълум вақтгача қолдиришга қарор қилган². Шу билан бирга Хивага мўлжалланган ҳарбий ҳаракат ҳам қулай фурсат топилгунча қолдирилган.

1825-1826 йилларда Бухоро амирининг Алексадр I га йўллаган мактубида савдо карвонларининг хавфсизлигини кўзлаб, Туркистон орқали ўтадиган хатарсиз, қулай карвон йўлдан фойдаланиш мумкинлиги маълум қилинган. Амир ўзи билмаган ҳолда, Россия имперорига иккинчи савдо йўналиши - Оренбург - Тошкент - Хитой - Ҳиндистон йўналишининг қулайлигини тасдиқлаб берган³.

1836 йили Г.С.Карелиннинг учинчи экспедицияси Тубқўрғондан Эрон чегараларигача бўлган Хива, Эрон, Афғонистон савдо йўлларини текшириши лозим бўлган. Экспедиция Эрон томонидан Хива ва Бухорога олиб борадиган йўллар қумлоқ ва сувсиз эканлигини аниқлаган⁴.

¹ Семенов А.А. Изучение исторических сведений о российской внешней торговле и промышленности с середины XVIII столетия по 1858г. Часть 2. -М.: Наука, 1979. -С.256.

² Халфин Н. Россия и ханства Средней Азии. - М.: Наука, 1974.-С.213.

³ Халфин Н. Россия и ханства Средней Азии. -С.,...

⁴ Путешествия Г.С.Карелина по Каспийскому морю. // Записки Императорского русского географического общества. Т.10. - Спб. 1883. -С. 165.

Россия ички ва ташқи вазиятни ўрганиб, император фармонида кўра 1839 йил октябрда генерал В.А.Перовский бошчилигидаги ҳарбий қўшин Хивага ҳаракат бошлаган, лекин Устюртдаги совук киш қўшинни 1840 йил февралда Оқ-булоқдан қайтишга мажбур қилган¹. Аммо император Николай I ўз ниятидан воз кечмай, янги ҳарбий экспедицияга тайёргарлик кўришга буйруқ берган².

1840 йилнинг ўрталарига келиб, А.Перовский Хивага уч йўналиш бўйлаб ҳаракат қилиш мумкинлигини таклиф этади: 1) Каспий денгизининг шарқий соҳилларидан; 2) Орол денгизининг шарқий соҳили, Сир ва Амударё орқали; 3) Оролнинг ғарбий соҳили орқали³.

Россиянинг юкори доиралари орасида Хива ҳаракатларидан ташқари, иккинчи бир йўл Сирдарё йўналиши орқали ҳам ҳаракатлар олиб бориш мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикрлар пайдо бўла бошлаган. Бунга кўра, Сирдарё соҳилларида ҳарбий истехкомлар куриш режаси Россия империяси мақсадига мос тушган⁴. Император Николай I нинг Хивани бўйсундириш ниятидан воз кечтириб, ҳарбий ҳаракатларни Сирдарё йўналиши бўйлаб олиб боришга кўндирувчи режалар ишлаб чиқилган.

Николай I Сибирь йўналиши орқали Сирдарё бўйларини текширишга экспедиция жўнатишга розилик берган. Бу Қўқон хонлигининг сиёсий ва ҳарбий манфаатларига зид келарди. Хонлик тасаруффидаги Тошкент кушбегисининг 1838 йили Чу дарёсига қалъа куриб, қозоқ қабилаларига таъсир ўтказишга ҳаракати Россия империясини Қўқон хонлиги билан алоқасини узиб қўйган⁵. Алоқаларни тиклаш мақсадида Россия империяси бир қанча тадбирларни амалга оширган.

Туркияга борган Қўқон элчилари билан алоқа боғлаган Россия империясининг элчиси 1839 йил май ойида Қўқонликлар билан учрашиб, топширилган вазифани мувоффақиятли бажарган.

1841 йил 21 июлда Омскга Муҳаммад Ҳалил Соҳибзода бошчилигида Қўқон элчилари келган. Музокаралар жараёнида элчи Қўқон хонини инглизлар тазйиқидан хавфсираётгани учун Россиядан мадад излаш мақсади бор эканлигини маълум қилган⁶. Элчи шартномалар имзолаш ваколатини олмаганлиги сабабли, бу сафари фақат учрашувлар билан якунланган.

¹ ЎзР МДА Ф – 715, рўйхат 1, ҳужжат 2, 80 – 81 бетлар.

² ЎзР МДА Ф – 715, рўйхат 1, ҳужжат 2, 103 – 108 бетлар.

³ Серебренников А.Г. Туркестанский край. Сборник материалов по истории его завоеваний. Том 2, часть 9. -Т., 1912. -С. 158-178

⁴ ЎзР МДА Ф – 715, рўйхат 1, ҳужжат 2, 123 – 124 бетлар

⁵ Серебренников А.Г. Туркестанский край. Сборник материалов по истории его завоеваний. – С. 156.

⁶ ЎзР МДА Ф – 715, рўйхат 1, ҳужжат 3, 132 – 138 бетлар

Россия Хива йўналишини ҳам унутмаган. 1842 йили Хивада бўлган, В.Данилевский бу ерга инглиз маҳсулотлари Бухоро орқали келишини таъкидлаган. Шу йили В.Данилевский Хива хони Раҳимқулихон билан савдо алоқаларини мустаҳкамлаш ҳақида шартнома тузган. Раҳимқулихон Россия маҳсулотларидан 5 % дан ортиқ бож солиғини олмасликка рози бўлган¹.

1841 йили подполковник Бларамберг Бутеневнинг Бухорога, А. Никифоровни Хивага кузатиш баҳонаси билан Оренбургдан Орск қалъасигача бўлган жойларни харитасини, поручик Романов Орол денгизининг шимолий-шарқий соҳилларини, Сирдарё ирмоқларидан то Қўқон хонлигига қарашли Қўшқўрғон қалъасигача бўлган йўналиш харитасини чизган.

А.Никифоров ва В.Данилевский сафаридан сўнг, хонликларга Устюрт томонидан эмас, балки Сирдарё, Орол денгизининг шарқий томонидан бориш имконияти борлигига иқроп бўлинган.

Россия империяси Хитой, Ҳиндистон бозорларига чиқишда Ўрта Осиё бозорлари - Бухоро ва Тошкентдаги имкониятларини мустаҳкамлаб, кейин ҳаракат қилган. Аммо Бухоро бозорларида мусулмон бўлмаган савдогарларга қўйилган талаблар, рус савдогарларига таъсир ўтказган. Россия савдогарлари Бухородан кўра, Тошкентда қулай имкониятлар борлигига иқроп бўлгач, барча куч ва ҳаракат Тошкент сари йўналтирилган. Бунда Тошкент шаҳрининг савдо йўлида қулай жойлашганлиги ва ҳарбий стратегик аҳамияти муҳим ўрин тутган.

1851 йилдан Россия империясининг хонликларга нисбатан ҳал қилувчи ҳаракатлар бошлаш даври ҳисобланади. Оренбург қўшинлари қўмондонни Обручев: "...инглиз таъсирини чеклаш ва рус таъсирини ошириш учун Хивани, Қўқон чегараларидаги Тошкент – Оренбург савдо йўналишини, Сирдарёнинг юқори оқимидаги Оқ – Мачит қалъасини эгаллаш"нинг аҳамиятини назарда тутиб, Ҳарбий Вазирга маълумот юборган².

1851 йили Россия – Хитой ўртасидаги шартномага кўра, рус савдогарларига Ғулжа ва Чугучакда савдо қилиш имконияти берилди.³ Энди кўзланган мақсадга эришиш учун қулай ва хавфсиз йўл зарур эди.

Россия империяси Копал қалъаси орқали Ғулжа ва Қашқарга олиб борадиган йўлдан кўра, Сирдарё орқали Туркистон – Тошкент – Қўқондан ўтадиган савдо йўлини танлади⁴. 1858 йилдаги А.Катенин ахборотида:

¹ Серебренников А.Г. Туркестанский край. Сборник материалов по истории его завоеваний. Том. 4. -Т.: 1914. -С.135-136.

² ЎЗР МДА Ф – 715, рўйхат 1, ҳужжат 12, 63 – 68 бетлар

³ Серебренников А.Г. «Туркестанский край». Материалы по истории завоеваний Туркестанского края. Том 7. –Т., 1914. -С. 136.

⁴ Агар рус ҳукумати Хитой билан савдо алоқасини фақат Копал–Ғулжа–Қашқар орқали ривожлантирадиганда, тез орада йирик савдо марказларига олиб боровчи ва улар орқали ўтувчи савдо йўлларидан маҳрум бўлиши мумкин эди. Чунки инглизлар ҳаракати шундан далолат берарди. (М.Ш.)

“кўзланган мақсадни, Кўқон хонлигига нисбатан, Сирдарёнинг юқори оқими бўйича то Туркистонгача, Кўқон худудларига қарашли ерларни Сибирь йўналиши билан туташтириб, у ёғига Тошкентгача ва бу шаҳарни эгаллаш билан эришиш мумкин. Бу ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган қулайликларни келтириб чиқаради”¹, деб маълумот берилади.

Тошкент йирик иқтисодий марказ сифатида Россия империясини XIX аср бошидан қизиқтира бошлаган бўлса, XIX аср 40–йилларига келганда бу қизиқиш тўла шаклланиб бўлган. Чунки Тошкент Чор ҳокимлик даврида ва Юнусхўжа даврида Россия империяси билан савдо алоқаларида хонликларга нисбатан маълум бир вақт устунликни ҳам қўлга киритган. Айни бу ҳолат Россия империясининг манфаатларига мос келарди. Бу даврда тошкентлик савдогарларга Россия бозорларида етарлича имкониятлар яратиб берилган².

Хулоса қилиб айтганда Россия империясининг Ўрта Осиё хонликлари билан савдо муносабатлари негизида сиёсий режалар ётарди. Дастлаб, Хива йўналиши бўйича ҳаракат қилган ҳарбий экспедициялар нисбатан қулай бўлган Тошкент йўналишига кўчирилди. Инглиз – рус рақобати эса Россия империясининг ҳарбий ҳаракатларини тезлаштирди. Савдо йўллари ҳарбий ҳаракатлар йўлларига айланди.

M. Shamsiev

Political evidence of trade roads of Khiva and Tashkent in Central Asian-Russian trade relations

In this article is investigated the role of the trade roads of Khiva and Tashkent in political interrelations between Central Asia and Russia.

М.Шамсиев

Политическая значимость хивинско-ташкентских направлений торговых дорог в среднеазиатско-российских взаимоотношениях.

В данной статье исследована роль торговых путей из Хивы и Ташкента в политических взаимоотношениях Средней Азии и России.

т.ф.н.Ў.Султонов

ЎзР ФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими

Тошкент вақфномалари шаҳар меъморий ёдгорликларини ўрганишга доир манба сифатида (19-20 аср бошлари)

Тошкент шаҳри архитектура ёдгорликлари асосан Т.С.Страмцова, И.Ф.Бородина, В.Булатова, Л.Маньковская, Н.И.Френкель, Х.Пўлатов

¹⁵ ЎзР МДА Ф – 715, рўйхат 1, ҳужжат 20, 399 – 411 бетлар.

¹⁶ Рожкова М. Экономическая политика царского правительства на Среднем Востоке во второй четверти XIX века и русская буржуазия. – М. – Л., 1949. - С.347.

И.Нуриллаев, Д.Парпиджанов, А.Ф.Мухитдинов томонидан ўрганилган. XIX - XIX аср бошларига мансуб меъморий обидалар тарихи билан боғлиқ айрим маълумотлар М.Е.Массон, А.Ўринбоев О.Бўриев, А.Мухаммадкаримов, Р.Шигабиддинов, А.Зияев ва бошқа тадқиқотчиларнинг Тошкент тарихига бағишланган ишларида ҳамда 1992 йилда чоп этилган “Тошкент” энциклопедиясида ҳам ёритилган. Албатта бу борадаги изланишларда ёзма манбалар ва архив ҳужжатлари муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

Бироқ, эълон қилинган ишларда шаҳардаги масжид ва мадрасаларнинг вақф ҳужжатлари тадқиқотларга жалб қилинмаган. Мазкур вақфномалардаги маълумотлар эса бу борада янги фикр-мулоҳазаларни келтириб чиқаради. Шу сабабли ушбу мақолада бугунги кунда сақланиб қолган айрим мадраса ва масжидлар вақфномаларидаги маълумотларни таҳлил қилмоқчимиз.

Азизлархон эшон масжиди. Тошкент шаҳар Шайхонтахур тумани Ялангқор кўчаси (Чинор берккўча) 2-уйда жойлашган. 1953 йилда И.Ф.Бородина томонидан қайдга олган. Тадқиқотчилар масжиднинг қурилиш услуби ва бошқа далиларга асосланиб, XVIII аср ўрталарида ёки 60-70 йилларида қурилганлигини таъкидласалар-да, масжид тарихи тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлмаганлар. Лекин, кейинги изланишларимиз масжид Мир Қурбоншайх томонидан қурилгани маълум бўлди. Масжиднинг ҳозирда сақланиб қолган вақфномаси унинг атрофида юритилган мулоҳазалар айрим масалаларга ойдинлик киритади. Мазкур вақфнома ҳижрий 1223, милодий 1808-1809 йилга тегишли бўлиб, унда масжидни қурдирган деб тахмин қилинувчи Мир Қурбоншайх азизон ўз мулки бўлган Арпаоя ва Ялангқари маҳаллаларидаги катта бўлмаган ерларни масжид фойдасига вақф қилингани айтилади¹.

Ҳозирда масжид биноси хонақоҳ ва айвондан иборат, айвони жануби-шарқ томонда, икки қаторда бештадан устунлар қўйилган. Квадрат тархга эга бўлган хонақоҳ гумбазли анча олдин шикастланиб, кўчиб тушган. Хонақоҳнинг ички деворларида қўйилган тоқчалар кейинчалик суваб ташланган. Ғарбий деворда меҳроб, қолган уч томонига эса эшиклар ўрнатилган. Лекин, кейинчалик айвон тарафдаги бир эшик қолдирилиб қолган икки эшик ёпиб ташланган. Масжид ҳозирда жиддий таъмирга муҳтож.

Мухаммад Карим халифа мадрасаси ва масжиди. Собир Раҳимов тумани Қорасарой кўчаси 70-уйда жойлашган. Вақфномада мазкур шахснинг тўлиқ исми Мулла Мухаммад Карим халифа ҳожи Мухаммад Раҳимбой ўғли деб кўрсатилган². Мухаммад Солиххўжанинг “Тарихи

¹ ЎЗР МДА. 1-И-жамғарма, 17-рўйхат, 32663-йиғма жилд, 31-варақ.

² Масжидни қурдирган шахснинг “халифа” деб ном олишига сабаб у Шайхонтахур даҳаси Мўғулкўча маҳалласидан бўлган Саййидхожи эшоннинг халфаларидан бўлган. Н.Ликошиннинг қайдномаларига қараганда Саййидхожи эшоннинг бир неча халифалари

жадидаи Тошканд” асарида ҳам унинг 1302 (1884) йил Себзор даҳасида пишиқ ғиштдан мадраса, масжид, бундан ташқари, Кўкалош мадрасаси ортидаги пастликда бир ҳаммом ҳам қурдирганлиги тилга олинган. Бугунги кунда марказий Давлат архивида сақланган мадраса ҳужжатларида вақфнома матни сақланмаган¹. Вақфнома матни 2007 йилда Ҳастимов мажмуасида олиб борилган таъмирлаш ишлари жараёнида маҳалла ҳовлисидан топилган бўлиб, гарчи кози маҳкамасида расмий тасдиқдан ўтмаган бўлса-да, ундаги маълумотлар архив ҳужжатларида ўз тасдиғини топган.

Ушбу вақф ҳужжатида Мулла Муҳаммад Карим халифа хожи Муҳаммад Раҳимбой ўғли мадраса ва масжидни қуришга ҳижрий 1302 йил, товук йили, зулкаъда ойининг бошида (1884 йил август) киришгани алоҳида таъкидлаб ўтилган. Иншоот Себзор даҳасининг Кадубод маҳалласида, пишиқ ғиштдан қурилган ва у хонақоҳ, айвон, дарвозахона, дабирхона, дарсхона ва қатор ҳужралардан иборат бўлган.

Мадраса ва масжидга Муҳаммад Карим халифа томонидан вақф мулклар ажратилган бўлиб, вақфнома шартларига кўра, мутаваллилик унинг ўғли Мулла Рўзимухаммад, ундан сўнг унинг авлодлари кўлида бўлиши шарт қилиб кўйилган. Вақф даромадининг ¼ қисми Муҳаммад Карим халифа авлодлари томонидан жамғарилиб борилиб, кейинги қурилишларга сарфланиши ҳам таъкидланган. Вақфномада мадрасанинг атрофида бошқа иншоотларнинг қурилиши давом эттирилиши таъкидланган бўлиб, олиб борилган тадқиқотлар натижасида мадраса, масжид ва унинг дарвозахонсининг турли даврларда бунёд қилинганлиги исботланган. Ўз вақтида дарвозахонанинг мезанаси ҳам бўлган. Бироқ, у кейинчалик бузиб ташланган.

Бошқа масжидларда ҳам учрайдиган ҳолатлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, шаҳарда ишлаб турган маҳалла масжиди (асосан йирик масжидлар) ёнидан одатда бурчак шаклида мадраса учун ҳужралар қуриш натижасида масжид – мадраса юзага келган ва унда дарвозахона, мезана каби қурилишлар амалга оширилгач, бутун бир мажмуага айланган. Бу ҳолатда масжид биноси мадраса ҳужралари биносидан катта ҳажмда бўлиши кузатилади.

Каллаҳона жомеъ масжиди. Каллаҳона жомеъ масжиди Собир Раҳимов тумани Чақичмон кўчасида (Қизилтут тор кўча), Чорсу бозори яқинида жойлашган. Масжиднинг меъморий жиҳатлари XX асрнинг 40-йилларида Т.С.Страмцова томонидан ўрганилган. 1953 йилда эса И.Ф.Бородина шаҳардаги тарихий ёдгорликлар қаторида қайдга олган. Тошкент шаҳридаги тарихий ёдгорликлар ҳақидаги бир қатор

орасида Тўқмоқ шаҳридан бўлган халфаси Муҳаммад Карим халифа ҳам тилга олинган. *Ликошин Н.* Тошкент эшонлари. – Т., 1996. – Б. 11.

¹ ЎзР МДА. 1-И-жамгарма, 17-рўйхат, 32612-йиғма жилд.

кайдномаларида XVIII-XIX асрда қурилганлиги тахмин қилинувчи ушбу жомеъ масжид ҳақида бошқа маълумотлар учрамайди.

Ҳозирда Каллаҳона жомеъ масжидининг 1825-1886 йилларга тегишли 8 та вақфномаси маълум¹. Мазкур вақфномаларда масжидни қурдирган шахс сифатида шу маҳалладан бўлган Музаффарбой нўғай Абдусатторбой ўғли (баъзан Мухаммад Зуфарбой) тилга олинади. Музаффарбой масжидга туташ ҳовлида истикомат қилган ва 1886 йилга мансуб вақф ҳужжатида “мархум” деб тилга олиншига қараганда, кўрсатилган санадан олдинроқ вафот этган. Вақф ҳужжатларида масжиднинг қачон қурилгани аниқ тилга олинмаган бўлса-да, XIX аср биринчи чорагида деб тахмин қилиш мумкин.

Вақфномаларда келтирилишича, масжид Каллаҳона маҳалласининг юкори қисмида жойлашган ва ҳужжатларда ушбу маҳалла “Каллаҳона-и калон”, “Каллаҳона-и боло” номлари билан масжид эса “жомеъ масжиди Каллаҳонаи боло”, “масжиди калони Каллаҳона” номлари билан тилга олинган. Каллаҳона маҳалласида Музаффарбой қурдирган жомеъ масжиддан бошқа масжидлар ҳам фаолият юритган. Масалан, хонақоҳ ва айвондан иборат Мулла Инъомбобой ҳожи Содикбобой ўғли ва Қосимбой Фўлодбой ўғли томонидан қурилган масжидлар. Лекин улар жомеъ эмас балки, маҳалла масжиди вазифасини ўтаган.

Каллаҳона жомеъ масжиди пишиқ ғиштдан қурилган хонақоҳ ва унга туташган айвон, таҳоратхонадан иборат бўлган. Масжид саҳнида, унга шарқ томондан туташган бир неча хужраларни ўз ичига олган кичикроқ мадраса ҳам фаолият кўрсатган. Мазкур мадраса биноси ғарб томондан Каллаҳона жомеъ масжиди хонақоҳи ва айвони билан туташ бўлган. Мадраса ёнида қурилган Музаффарбойга қарашли бир новвойхона талабаларга ва маҳалла аҳлига хизмат қилган. Масжид ёнида шаҳардаги зиёратгоҳлардан бири Олимшайх ва Ҳолимшайх мақбараси жойлашган бўлиб, мазкур зиёратгоҳ мазор ҳақида ҳозирча бошқа ёзма манбаларда маълумот учратмадик.

Умуман олганда, шаҳардаги бошқа масжидлар вақф хўжалиги сингари Каллаҳона жомеъ масжидига вақф қилинган дўконлар ва бошқа турдаги мулклардан келадиган даромад масжид таъмири, хизматчилари, мадраса мударриси ва талабалари ўртасида тақсимланган. 1825-1886 йиллар давомида масжидга Гулбозорида 3 та дўкон, Читфурушлик растасида бир дўкон, Каллаҳона маҳалласида иккита ҳовли, Харбузафурушлик бозорида 2 та дўкон, Шамфурушлик растасида собунгарлик ва қассоблик дўкони ҳамда Регистонда, Чакмонфурушлик растасида бир дўкон вақф қилинган.

Охунгузар 1 масжиди. Ҳозирда аҳоли томонидан Охунгузар 1 масжиди деб аталган масжиднинг фақат бир қисми сақланиб қолган бўлиб, у Собир Раҳимов тумани Зарқайнар кўчаси берккўча 4-уйда

¹ ЎзР МДА. 1-И-жамғарма, 17-рўйхат, 32593, 32594 ва 32595-ийгма жилдлар.

жойлашган. Масжиднинг 1296 йил рамазон ойида (1879 йил, май) тасдиқланган вақфномасида масжидни курдирган шахснинг сифатида Абдулмажидбой Ҳожи Муҳаммадбой ўғли тилга олинган¹. Масжид 1868 йилдан олдин бунёд этилган. Сабаби Абдулмажидбойнинг ушбу масжиди 1868 йилга тегишли архив қайдномаларида ҳам рўйхатга олинган. Абдулмажидбой 1887 йилда Тошкент шаҳар бошлиғи маҳкамасига топширилган масжидга тегишли айрим ҳужжатларда ҳам масжид мутаваллиси сифатида тилга олинади. Вақфномада кўрсатилишича, масжидга Абдулмажидбой тарафидан Чимкент шаҳри жомеъ масжиднинг шарқ томонидаги бир дўкон вақф қилинган. Ушбу дўкондан келадиган даромаднинг 1/10 қисми мутаваллига, 6/10 қисми масжид имомига ва 3/10 қисми масжид сўфисига берилиши шарт қилинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Тошкент вақфномаларининг кенг қўламда тадқиқ этилиши, Тошкентнинг XIX-XX аср бошлари тарихини ўрганиш билан бирга, шаҳардаги меъморий обидалар тарихи, айниқса, бугунги кунда сақланиб қолган ёдгорликлар киефасини қайта тиклаш имконини беради.

U. Sulstonov

Tashkent waqf documents as a source on investigation of City architectural monuments

In the article is investigated the scientific-practical values of Tashkent waqf documents of the 19th - the beginning of the 20th centuries. Also it is cited new data on remained city mosques and medresahs.

У. Султонов

Ташкентские вакфные документы как источник при изучение городских архитектурных памятников

В статье говорится научно-парктические значения ташкентских вакфных документов XIX – начало XX в. А также приводиться новые данные по истории сохранившейся городских мечетей и медреси.

У. Усмонова

Тошкент Давлат аграр университети ўқитувчиси
т.ф.н З. Аширбоева,

Тошкент Давлат аграр университети ўқитувчиси

XIX аср охири - XX бошларида Тошкент шаҳридаги ижтимоий- иқтисодий жараёнлар тарихидан

Шаҳар тараққиёти жараёнида бир қанча меъморий обидалар, жумладан, Шайхонтохур ансамблидаги макбаралар, Жомеъ масжиди, Қўқалдош, Бароқхон мадрасалари қад кўтарди. XVIII асрнинг ўрталарида эса шаҳар девор билан ўралган бўлиб, унинг 8 та дорвозаси бўлган. XIX

¹ ЎзР МДА. 1-И-жамгарма, 17-рўйхат, 32568-йиғма жилд.

асрга келиб эса унинг дарвозалари 12 та бўлиб, улар шахарнинг ташқарисидаги ёки ичкарисидаги кўчаларнинг йўналишига қараб номланган. Бу даврда Тошкент Туркистон ўлкасининг энг катта шахарларидан ҳисобланиб, аҳолиси 80 минг кишидан зиёд бўлган².

XIX аср ўрталарида Тошкент Ўрта Осиёнинг Россия билан савдо-сотик қилувчи энг йирик марказига айланган. Россия билан Ўрта Осиё шахарларининг олиб бораётган савдо-сотик ишларининг 40%и Тошкентга тўғри келган. Ҳар йили Оренбург ва Семипалатинск шахарларига Тошкентдан пахта, пахта маҳсулотлари, ипак, гуруч, қуруқ мевалар, жун ва бошқа маҳсулотлар ортилган туя қарвонлари жўнатилиб турилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империясининг Туркистонни босиб олганидан сўнг Тошкент шахрини “янги” ва “эски” қисмларга ажратиб, «янги» қисмда маъмурий бошқарув тизимини жорий этган. Тошкент шахрининг «янги» қисми Туркистон ўлкасининг иқтисодий марказига айланди ва дастлабки Европа типидagi саноат корхоналари айнан шу ерда ташкил топди. 1813 йили Тошкентда учта саноат корхонаси, жумладан 15 та пахта тозалаш заводи, 3,5 мингдан ортик ҳунармандчилик устахоналари, 22 та рус ва чет эл савдо фирмаларининг бўлимлари, 186 та катта-кичик магазин бор эди.

Тошкент шахрнинг 1884 йилги ҳисоботида савдогар Бадалбой Каримбоевнинг кўн заводидида 4 та уста ва 4 та ишчи ишлагани, худди шундай завод эгаси Миразим Мираюповнинг заводидида 1 та рус устаси ва 12 ишчи (улардан 4 таси рус) ишлаб, улар бир йилда 30 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаргани ҳақида, Тожибой Юсупов 1878 йилдаёқ 36 ишчи ишлайдиган ғишт заводига эга бўлганлиги ҳақида маълумотлар берилган¹.

Тошкентда 1550 ишчи банд бўлган 775 та тикувчилик устахонаси (улар йилига 232500 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришган), 95 та бўёқчилик, 89 та кўнчилик корхонаси (уларда 890 та ишчи ишлаб, йилига 1335007 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган) мавжуд бўлган. Булардан ташқари 174 та тегирмон, 73 та обжувоз, 30 та ғишт заводи, 14 та совунгарчилик корхонаси бор эди². Корхоналар жуда содда усулда жиҳозланган бўлиб, улардаги асбоб ускуналарнинг нархи ўртача 30 сўмдан ошмаган³.

Пахта ва бошқа хом ашёларнинг ўлкадан олиб чиқиб кетилиши учун темир йўл ётқизилиши кенг масштабда олиб борилган. Мустамлакачилар ва савдо-сотик вакиллари ҳукуматдан Тошкентга темир йўл қуришни сўраганлар, бу эса ўлканинг ҳукмдор мамлакат учун

¹ ЎР МДА, ф. И-36, р.1, х.2482, в.36-88.

² Терентьев М.А. Статические очерки Среднеазиатской России, Приложение № 7.

³ Городовский М.К. Технические производства в Туркестанском крае. –СПб., 1875, –С. 82.

тайёр хом ашё манбаига айланишини тезлаштирган. Бирок инглизларнинг Афғонистонга тажовузининг кучайиши, сиёсий ва харбий – стратегик шароитларни ҳисобга олиб ҳукумат Каспийорти темир йўли қуриш зарур деб топди ва 1881 йилда уни фойдаланишга топширди. Бу йўл Ашхобод орқали 1888 йилда Самарқандгача етказилди. Шундан кейин Тошкент линияси билан Самарқанддан Андижонга темир йўли ётқизиш учун акционерлик жамият тузиш ҳақидаги масала кўтарилди. Тошкент шаҳар думаси Фарғона ва Сирдарё вилоятларидан Тошкентгача темир йўл ётқизиш ҳақидаги илтимос билан чиқди. 1898 йилда Самарқанд-Андижон темир йўли (Каспий орти) ва 1901-1906 йилларда эса Оренбург-Тошкент темир йўли битказилди. Кейинчалик темир йўллар Фарғона вилояти томон давом эттирилди. Шундай қилиб, Ўрта Осиё ва Тошкент-Оренбург темир йўллари ҳамда маҳаллий шаҳобчаларнинг ишга туширилиши товар алмашинувини, ўлкага капитал кириб келишини ниҳоятда жадаллаштириб юборди¹.

Тошкентда саноат корхоналари ривожланиши туфайли маҳаллий сармоядорлар томонидан асосан пахта тозалаш, ёғ-мой, вино-арок, гишт, пиллакашлик корхоналари ташкил этилиб, уларда маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди. Тошкентдаги Бош темир йўл устахонасининг 800 ишчисидан 120 таси маҳаллий миллат вакили бўлган. Тошкент шаҳрида савдо ва саноатни ривожлантириш бу ерга катта сармоя сарфлашни талаб қилар эди. Иқтисодни кучайтириш, айниқса, хом ашё экспортини кўпайтириш мақсадида ўлкада банк ташкилотларини вужудга келтириш зарур эди. Шунинг учун Давлат банкининг Тошкент бўлими 1891 йилгача, яъни бошқа шаҳарларда ҳам бўлимлари очилгунга қадар ўлкада қарз берувчи ягона давлат ташкилоти сифатида фаолият бошлади. Давлат банкининг бўлимлари Тошкентдан кейин Самарқанд, Қўқон, Бухоро ва Ашхобод шаҳарларида ҳам очилди.

1893 йили Тошкентда Волга-Кама банкининг бўлими очилди¹. Волга-Кама банкининг тижорат бўлими ўлкада ўз фаолиятини тобора кенгайтириб, Фарғона вилоятида мануфактура ва пахта савдоси бўйича етакчи ўринга чиқиб олди. У ўлкага дон махсулотлари келтирилиши билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлаб “азалий” нон банкига айланди. “Волга-Кама банки” фаолияти ҳақида тадқиқотчи А.П.Демидов қизиқарли

¹ Мусаев Н. XIX асрнинг II ярми – XX бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришнинг шаклланиши. –Т.: Иқтисод-молия, 2008, 65-бет.

¹ Вексельман М.И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии (конец XIX-начало XX вв.). –Ташкент.: Фан, 1987, -С. 24.

² Демидов А.П. Экономические очерки хлопководства, хлопковой торговли и промышленности Туркестана. Изд. 2-е, -М., 1926, -С. 194; Ульмасов А.К. К вопросу о первых монополиях в Туркестане. // Общественные науки в Узбекистане. 1959, № 1. -С. 55.

³ Кауфман К.П. Начальное народное образование в Туркестанском крае. 1881. Сп. 1910.

маълумотлар келтиради. “Рус-Осиё банки” назоратида бўлган Андреев ёғ тайёрлаш ширкати ўз маҳсулотини сотиш мақсадида Жуковнинг Волга-Кама банки билан алоқада бўлган Петербург совун ширкати билан ҳамкорлик қилди. Шундан кейин, “Жуков ва К ширкати” Андреев ширкати акциясининг 50 % ни (1,5 млн. сўмлик) сотиб олди. Андреев ширкатини маблағ билан таъминлаш Волга-Кама банки ихтиёрига ўтди².

Россия империяси ҳукумати мустамлака бошқарувининг дастлабки йилларидаёқ Тошкент шаҳридаги мактаб ва мадрасаларнинг родини заифлаштириш ва ўлкада рус мактабларини жорий этиш ишларини режалаштирган эди. Шаҳарнинг «эски» қисмидаги ўқув даргохлари ўқувчиларига мустамлакачилик сиёсатига қарши турувчи гуруҳлар сифатида қараларди. Дастлабки йилларда чор ҳукумати туб аҳолининг маориф соҳасига аралашмаган бўлсада, уни доимий равишда назорат остига олган. У ердаги ўқув системасини секин-асталик ва эҳтиёткорлик билан тугатишни ўз олдига мақсад қилиб кўйган. Туркистон ўлкасининг генерел-губернатори К.П.Кауфман ҳам айнан шу сиёсатнинг асосчиларидан бири эди. У «махаллий мактабларни куч билан, яъни зўравонлик билан йўқ қилиш хавфи бўлса, уларни сезиларли даражада йўқ қилиб бориш биз учун шунчалик фойдали ва манфаатлидир» - деб бежиз айтмаган эди³.

К.П.Кауфман томонидан ташкил этилган Халқ таълими Махсус (Особая) комиссияси «халқ таълимининг ривожланиши рус манфаатларига хизмат қилиши кераклигини» алоҳида таъкидлаб ўтган¹.

Империя маъмурлари ўлкада маҳаллий аҳолини дунёвий таълим тизимига жалб қилишни кучайтиришга деярли эътибор бермадилар. Бунинг асосий сабаби-дунёвий таълим эртами кечми ўлка халқларини ўзликларини англаб олишларига ёрдам бериши, ўз ҳақ ва ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун сиёсий кураш майдонига олиб чиқиши муқаррар эди. Шунинг учун ҳам рус-тузем мактаблари кўпайтирилмади.

Тошкентдаги даврий матбуот дастлабки «Туркистон ведомости» газетаси 1870 йилда ташкил этилиб, у Туркистон генерел-губернаторлигининг биринчи расмий органи ҳисобланди. Газетанинг биринчи сони 1872 йил 28 апрел (10 май) да нашр этилиб, шундан то 1917 йилгача мунтазам чиқиб турган. Бу минтақада қарийб 50 йил умр кўрган ягона газетадир. Аммо, газета мақолаларида эълон қилинган материаллар мустамлакачилик мафқураси, ғояси билан суғорилганини таъкидлаб ўтиш ҳам жоиздир.

Айрим даврларда, жумладан 1916 йил 16 апрелдан 1 августгача «Туркестанские ведомости» нинг кечки сонлари чиққан. Кейин обуначилар миқдори камайиб кетганлиги сабабли улар чоп этилмаган.

⁴ История Ташкента. –Т., 1988.

Биз ўрганаётган даврда Тошкент шаҳри аҳолиси 35,1 минг нафар кишидан иборот бўлган. Шуни таъкидлаш лозимки, Тошкент шаҳар аҳолисида ўсиш кўрсаткичлари нисбатан юқори бўлган. Ўша даврда шаҳарларда маҳаллий аҳолининг кўпайиши 25,83 %ни ташкил этган.

1872 йили Тошкентнинг Кўкча даҳасида жойлашган тўртта маҳаллада 462 хонадон рўйхатга олинган бўлиб, уларда яшовчилар ҳунармандчиликнинг 72 тури билан банд бўлишган. Хонадон эгаларининг муомаладаги ўртача маблағи 30 сўмдан 100 сўмгача, айрим кишиларники ҳатто 300-400 сўмгача етган. Улар орасида устахона дўкон ва ер эгалари билан бир қаторда, уйдан бошқа ҳеч вақоси бўлмаган кишилар ҳам бор эди¹.

Бу шаҳарда ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши билан бир қаторда аҳолининг синфий табақалиниши ҳам тезлашиб борганлигини кўрсатади.

Академик В.В. Бартольд таърифи бўйича бу даврда Тошкент «нафақат Туркистоннинг балки Россиянинг бутун Осиё қисмини энг йирик иқтисодий, сиёсий ва маданий марказига айланди. Русларнинг сони бу ерда аста-секин 50000 кишига етган; бутун ўлкада рус аҳолиси шунчалик кўп бўлгани бошқа бирорта шаҳар йўқ эди» дея таъкидлаган².

Тошкент ва тошкентликларнинг асрлар давомида шаклланиб келган ижтимоий –иқтисодий жараёнлари бу шаҳарга кириб келган турли таъсирлар остида ўз аслини йўқотмади, балки ўзга таъсирларнинг ютуқлари остида такомиллаша борди.

U.Usmonova, Z. Ashirboeva

History of social-economic processes in Tashkent in the end of the 19th and the beginning of the 20th centuries

In the given paper is described the social-economical life of the Tashkent city i.e. the events which include the end of the 19th – the beginning of the 20th centuries. In the paper are considered the administrative structure, formation of the industry, construction of railways and a publishing-house.

У. Усманова, З. Аширбаева

Из истории социально-экономических процессов в г. Ташкента в конце XIX - начала XX вв.

В данной статье описывается социально-экономическая жизнь города Ташкента события, которые включают в себе конец XIX-начало XX века. В статье описывается административное устройство, формирование производства, строительство железных дорог и издательства.

¹ Азадаев К.Ф. Ташкент во второй половине XIX века. –Ташкент.: Изд. АН УзССР, 1959, -С. 131.

² Бартольд В.В. Соч., т. II, часть I, изд Восточной литературы. -М., 1963.-С. 338.

т.ф.н. С. Давлатова
ЎзР ФА Тарих институти катта илий ходим
Тошкент анъанавий каштачилиги тарихидан

Тошкент Марказий Осиёнинг йирик савдо-сотик ва хунармандчилик марказларидан бири ҳисобланади. XIX - XX аср бошларида Тошкентда тўқимачиликнинг каштачилик - хунармандчилиги, яъни қўл каштачилиги ўзига хос тарзда ривожланган бўлиб, алоҳида каштачилик мактабига эга бўлган. Шунингдек, каштадўзлик бутун Ўзбекистон халқ амалий санъатининг энг ривожланган ва муҳим аҳамиятга эга хунар турларидан бири ҳисобланиб, унда халқнинг турмуши, урф – одати, географик ўрни ҳамоҳанг ривожланади. Аксарият ҳолларда каштачилик буюмлари бозорга мўлжалланмаган, асосан хонадон эҳтиёжини қондириш, урф-одатларни давом эттириш учун тикилган¹. Каштачилик хунармандчилиги билан асосан аёллар шуғулланишган. Каштачилик хунармандчилигининг бошқа турлари каби шогирдлик машаққатини босиб ўтмайди. Шу боис, 8-9 ёшли кизлар ёшлигиданоқ каштачилик сирларини ўрганиб, ўзларининг тўй сеплари учун безак кашталари тикканлар. Келинлар куёвнинг уйига ипақдан тикилган кашта безакларни сеп сифатида олиб боришган. Бундан ташқари, куёв учун ҳам совға сифатида алоҳида каштали дўппи ва белбоғ тайёрланганлар². Шунингдек, Тошкентнинг айрим жойларида келинни куёвниқига олиб боришда келинни бошида сўзана ёпишиб олиб боришган. Тошкентда “ироқи”, ”чоргул”, “чаманда гул”, “тагдўзи”, “оқпар” номли кашта билан безатилган дўппилар машҳур бўлган. Ҳатто, совчи келган хонадон эгалари ота-она розилиги сифатида совчилар дастурхонига қизи тиккан кашталардан намуналар солишиб қайтаришган.

XIX аср охири XX аср бошларида Тошкент ўзбекларининг барча хонадонлари сўзана-кашталар билан безатилган. Хоналар палак, гулкўрпа, зардевор(хонани тўрини безаш учун ишлатиладиган безак мато), чойшаб, кирпеч(сидирға чокли палак) каби безаклар билан безатилган³. Уй анжомларидан – сандалпўш, жойнамоз, жойпўш(келин-куёв ёпиниб ётадиган гулли чойшаб), ойна халта, тароқ халта, туз халта ёки қошиқлов, дастрўмол, нимча, кўйлақларнинг ёқа ва этаклари, паранжиларга ҳам кашталарнинг тикилиши, ҳатто оёқ кийимларидан ковуш, маҳси, этикларга кашта безатишганлиги ҳам бу хунар турининг алоҳида ўринга эга эканлигидан далолат беради.

¹Жумаев К. XIX аср охири XX аср Ғиждувон анъанавий каштачилиги // San'at. 2002. №2. 16-бет.

² Фахретдинова Д.А. Декоративно- прикладное искусство Узбекистана.Т.,1972.с.21

³ Ўзбекистон амалий санъати.Т.,2003.16-бет.; Народное декоративное искусство советского Узбекистана.Т.,изд.АН УЗССР.,1954.с.113.

Тошкент кашталари қизил, тўқ қизил, ва оч қизил ранглари билан бошқа маҳаллий вилоятлар кашта-сўзаналари рангидан ўзининг локал хусусиятлари билан ажралиб туради¹. Тошкентда икки хил кашта-сўзана тури мавжуд бўлиб, булар: *палак** ва *гулкўрпа*дир. Палак сўзи арабча сўздан олинган бўлиб, “фалак” яъни осмон маъносини билдиради.² Палакнинг асосий мотиви катта-катта тўқ қизил доиралардан ташкил топган бўлиб, улар ой, юлдуз деб аталади ва мато юзасини зич эгаллайди. Гулкўрпанинг юзаси эса ўсимликсимон нақшларга бой бўлиб, айрим қисмлари тикилмай очиқ қолдирилиши билан палакдан фарқ қилган. Гулкўрпалар рангли ип газлама, бинафша ёки кўк рангли шойиларга кашталанган. Кашта тикиш учун матолар асосан қўлда хонаки усулда тайёрланган ва бўялган. Тошкент каштачилигида асосан босма чок қўлланилиб, сидирға қилиб бир хил тасвирда тикилган. Одатда, йирик кашта буюмлари нусхаларини махсус тажрибага эга бўлган чизмакаш – нусхачилар чизишган. Чизмакашлар нақшларни қора табиий бўёқда ингичка қамишдан ясалган қаламда чизишган³.

Тошкентнинг палак деб аталувчи каштаси ипак ёки ип билан тикилиб, “ой палак”, “тоғора палак”, “юлдуз палак” каби нусхалари само жисмлари билан бойитилиб тасвирланган⁴. Бухоро кашталари эса оқ матога енгил майин гулли шоҳчалар, доиралар шаклида туширилган бўлса, Нурота кашталари ўзининг ислимий нақшлари билан Ўрта Осиёда юкори ўринда турган. Шахрисабз кашталарининг “ироқи” нусхалари сидирғасига бирон жойи очиқ қолдирилмай нақшларининг жойлаштирилиши (гилам нусха шаклида) кузатилса, Сурхондарё кашталари тўқ қизил ёки сариқ рангдаги сатинларга кетма-кет жойлаштирилган доиралар, уларнинг атрофи шоҳчалар билан безатилганлиги, ёрқин ранглари билан ажралиб туради.

Тошкент палакларининг ривожланиши маълум қонуниятларга асосланиб, XIX аср охириларига оидларида матога кам гул тикилиши ва нозик чоки билан ажралиб турган⁵. Палакнинг марказий майдонида асосан доира ёки ёнлама гулли шоҳлар, барглар билан тўлдириларди. Бошқа палакларда эса ёнлама гулли гулчамбарларга ўралган доира бўлиб, у матонинг бутун эинини эгаллаб, доирадан бурчаларга тўртта катта камалаксимон тарам-тарам гуллар ўсиб чиқади. Бу кашталар ўзининг гўзаллиги билан ажралиб турган. Қадимги палакларда доиралар сони кўп

¹ Абдуллаев Т.А. Ремесла Узбекистана XIX-XX вв; Путеводитель. Т.Фан., 1976. с.33

* Тошкент ва Пискентда доирасимон безак ва юлдузлар билан безатилган каштанинг номи. XIX аср охири XX аср бошларида Самарқанд кашталарининг беазиги ҳам шу ном билан аталган.

² Сухарева О.А. Сузани. Среднеазиатская декоративная вышивка. М., 2006. с. 133

³ Чепелевская Г.Л. Ўзбекистон сўзанаси. Т.1961.21-бет

⁴ Ўзбекистон амалий санъати...20-бет

⁵ Чепелевская Г.Л. Ўзбекистон сўзанаси...35-бет.

бўлиб, йигирма, қиркта доирали палаклар ҳам мавжудлиги, бу доиралар ўзларининг барг чамбарлари билан бир-бирига тегиб туриши ва уларнинг оралиглари тўлдириб тикилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар учрайди¹.

XIX аср иккинчи ярмида тўқ-кўк барг чамбарли, катта қирмизи-қизил доирали палаклар кенг тарқалган эди. Доираларнинг сонига қараб “ олти ойлик палак ”, “ўн икки ойли палак ” деб юритилган². Каштачилар баъзан бир хилликни йўқотиш учун доирани иккига бўлиб, алоҳида-алоҳида доираларни ҳаво ранг, сариқ, тўқ сариқ ва бинафша ранг шаклларини бериб тикишиб, улар орасига ранг- баранг гуллар ҳам солишган. Жумладан, Тошкент кашталарида қора баргсимон гул билан хошияланган тўқ-қизил рангли катта доира безак ҳисобланади. Кўпинча доираларга ўз навбатида турли – туман орнаментлар кўшиб тикилади ва ҳар бир элементи безалади. Доираларнинг усти бир неча концентрик доирачаларга бўлинади. Уларда эса нурлар, барглар, аёллар “ забонча”, “офтобача” ёки “кўзача” деб атайдиган шакллар тасвирланади. Доирага чизилган шакллар олти ёки саккиз қиррали юлдузлар ҳосил қилади. Безакларнинг юқори қисмининг безалиши кўпинча декоратив гул шаклларига ўхшаб кетади. Гулларда бўлгани каби нақшлар колоритини беришда ҳам қизил ва тўқ-қизил рангларнинг галма-гал келиши, оз бўлса ҳам ҳаво ранг, сариқ, қизил, кулранг, қора, оқ ва бошқа рангларнинг ишлатилиши кўзга ташланади³. Тошкентда доира шакли “ой” дейилади. Баъзан кашталарнинг паст сифатли ипак билан тикилиши ҳам унинг қимматини пасайтирган. 1876 йили Тошкентда биринчи музей очилади. Хунармандчиликнинг таназзулга юз тутишини инобатга олиб 1915 йили Тошкентда Туркистон хунармандчилиги комитетига асос солинди ва XIX – XX аср бошларига оид кашта ойпалаклари кўпгина музейлар , хусусий коллекциялар фондига қиради.

XIX аср охири XX аср бошларида Тошкент кашталари бутунлай ўзгариб кетади. Доиралар сони камайиб, ҳажми катталашади ва улар ўрнини битта катта доира эгаллайди. Бундай палаклар “ой палак”, “қиз палак ” ва “тоғора палак”лар деб аталган⁴. “Ой палак” каштада асосан марказида юлдуз тикилган битта доира бўлиб, иккита ёрқин айлана ва “зулук ” деб аталувчи камалак гажаклардан иборат бўлади. Бундан ташқари, Тошкент ва Фарғона халқлари турмуш тарзига қора бахмалга кашта тикиш услуги Октябрь тўнтаришига қадар кириб келган эди⁵. Кашталарнинг ранглари бир-бирига қарама- қарши қилиб тикилиши ҳам уни бадиий санъат асари даражасига кўтарган бўлса ажаб эмас. Тошкент чойшаблари каштали тасвирлари палак ва гулкўрпаларники каби бир-

¹ Бикжанова М.А. XIX-XX аср Тошкент кашталари. ЎзР ФА Санъатшунослик илмий-тадқиқотлар институтининг қўл ёзмалар фонди.

² Чепелевская Г.Л. кўрсатилган асар...35-бет.

³ Чепелевская Г.Л. кўрсатилган асар...71-бет

⁴ Ўша асар. 36-бет

⁵ Народное декоративное искусство....с.118

бирига ўхшашдир. Чойшаблар асосан оқ матога тикилиб, гуллар тасвири кўпроқ берилади ва гулкўрпа гулларига ўхшаш бўлади. Улар баъзан бутун бир мажмуа ҳолида ҳам тикилган.

XX аср бошларига келиб Тошкентда “ чойшаб палак ” урф бўлиб, тахмон учун бир жуфт чойшаб-палак ва кирпеч-палакдан иборат бўлган. Шу боис ҳам, бундай чойшаб-палаклардан хонадонларни безатишда кенг фойдаланилган.

Тошкентнинг гулкўрпа ва чойшаблари Фарғона кашталарига ўхшаб кетади. Пискент тумани кашталари Тошкент шаҳри кашталари сингари бир текис босма чоки билан тикилиб, гуллари ҳам бир хилда бўлади. Рангларининг бироз ёқимсизлигига қарамасдан, Пискент гулкўрпалари оқ, қора, тўқ-қизил ва тўқ-зангори ранг ипақлар билан босма чоки услубида тўқ-қизил, сарик таглик матога тикилиб, ўзининг пушти рангли камалак йўллар ва юлдуз нурлари билан янада кўркамлиқни юзага келтиради. Ҳатто гул ва безаклари асосида араб ҳарфларда шеърлар ҳам битилганлигини кўриш мумкин.

Ҳозир кашталарнинг турлари ҳам , вазибалари ҳам ўзгариб кетди. Қолаверса, бунга сабаб Ўзбекистонда йўрмадўзликнинг кенг ривожланиши ва йўрма тикиш машинасининг пайдо бўлишидир. Қўлда кашта тикиш усуллари ичида йўрмаб тикиш энг мураккаб усуллардандир. У кашта игнаси ёки илгакчада тикилади. Чеварлар оддий игнада чамбараксиз гул тикишади, йўрма бигиз учун эса чамбарак тортилади.

Ўзбек ва тожик каштачиларининг қўлда йўрмаб тикишни “йўрма” деб юритсалар, қорақалпоқ ва қозоқлар “илмоқ” деб атайдилар¹.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Тошкентда йўрма чок билан қўлда кашта тикиш қўлланилиб, дастлаб эркак усталаргина қўлда кашта тикар эдилар². Кашта тикувчи бу эркакларни “попурдўз” ёки “попопчи ”³ деб аташарди. Улар кашталарни буюртма асосида ёки ўзлари сотиш учун ҳам тикишарди. Кейинчалик йўрма машинада кашта тикадиган аёл чеварлар етишиб чиқа бошлади.

Бироқ вақт ўтиши билан кашталарнинг турлари ҳам, уларнинг вазибалари ҳам тез анча ўзгараверарди. Кашталар аввалги пайтлардагидек жойнамоз ёки қизларнинг сепи сифатида (чойшаб, сўзана, палак, гулкўрпа, кирпеч, зардевор ва бошқалар) қўлланишдаги аҳамиятини йўқотиб, уйларни безаш, амалий санъат безаги воситасига айланди. Халқ турмуш тарзида кашталардан фойдаланишнинг турли турлари пайдо бўлдики, булар асосан каравот ва диван чойшаблари, ёстикжилдлар, дарпарда, ойна ва эшик пардаларидан иборат бўлиб қолди. Ҳаттоки ҳаётда қўлланилишига

¹ Морозова А. Ўзбекистонда йўрмадўзчилик. Т.,1960.6- бет.

² Морозова А. Ўзбекистонда йўрмадўзчилик...11- бет.

³ “ Попоп ” сўзининг луговий мазмуни аниқ эмас. У йўрмадўзлик машинасининг ишлашдан ҳосил бўладиган товушни эслатиб туради.

қараб, амалий санъат беагаги ёки бозорда яхши нархларда сотиладиган товар хом-ашёсига айланган эди.

XX асрда Ўрта Осиёдаги ижтимоий – сиёсий воқеалар оқибатида ислом маданияти ва санъати анча ўзгаришларга учради. Тошкент хунармандчилигида аввалги мусулмон санъати сақланиб волган бўлсада, кўплаб анъанавий хунармандчилик турлари йўқ қилиб юборилди. Мустақиллик туфайли Тошкент анъанавий хунармандчилиги қўллаб-қувватлана бошланди ва йўқотилган, унитилиб бораётган турлари қайта тикланмоқда¹. ”Хунарманд” халқ усталари Ассоциациясида 900га яқин хунармандлар бўлиб, улар турли кўргазмалар ва ярмаркаларда фаол қатнашмоқдалар. Бу усталарнинг энг яхши асарларида анъанавий Тошкент хунармандчилилик мактабининг ўзига хослиги яққол кўриниб туради².

1926 йилда хунармандчилик коопорацияси артелларида каштачилик цехлари ташкил этила бошланди³. Бунда асосан қўл каштачилиги анъаналаридан чекинилиб, машина каштасига хос эклектик услубдаги кашталар яратила бошланди. Бу эса ўз навбатида каштачиликнинг қайта ривожланишига тўсқинлик қилди. Ҳатто, кашта матоларининг рангига ҳам ўзгаришлар киритилди.

1930-1940 йилларда “попоп ” машиналарида “палак”, “гулкўрпа”, “чайшаб”, “дорпеч”, “зардеворлар” ишлаб чиқарилади. 1937 йил 7 июлда Тошкентда “Хунармандчилик музейи” очилади. Бу музейда асосан каштачилик маҳсулотларининг кўргазмалари ташкил этилади. Кейинчалик бу музей “Ўзбекистон амалий санъати доимий кўргазмаси” номини олади.

1950-1960 йилларда бадий каштачилик фабрикалари ишга тушади ва йўрмадўзлик янада ривожланади.

Тошкент каштачилиги ўзига хос услубда шаклланиб, дастлаб қўл каштачилиги кейинчалик эса машина каштачилиги билан шухрат қозониб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Бугун мустақиллик шарофати ила анъанавий қўл каштачилигига қайтилмоқда. Бироқ Тошкентда Фарғона, Бухоро, Самарқанд услубидаги тикилган қўл ва машина кашталари, сўзаналари, уй безаклари урфа кирган.

О.С.Артикбаев

Института истории АН РУз

Значение традиционной пищи в развитии узбеко–казахских этнокультурных взаимоотношений в Ташкентском оазисе

Исследование этнокультурных процессов является одной из недостаточно изученных тем на сегодняшний период и входит в ряд

¹ Ҳакимов А. Тошкент халқ хунармандчилиги.// Мозийдан садо.2007.№2.,10-бет.

² Оқилова К. Тошкент бадий хунармандчилиги.// Гулистон.1999.№6.19-бет

³ Морозова А. Ўзбекистонда йўрмадўзчилик...12- бет

актуальных проблем науки этнологии. По тематике этнокультурных процессов, этнических связей в свое время был проведен ряд индивидуальных и комплексных научных исследований такими учеными как С.М.Абрамзон, Б.А.Литвинский, Т.А.Жданко, С.С.Губаева, К.Ш.Шаниязов, У.Х.Шолеkenов, З.Х.Арифханова, С.Мадуманов, У.С.Абдуллаев.

Исследование этнокультурных процессов проводится, в основном, по трем направлениям – в области хозяйственной, материальной и духовной культуры, поскольку именно в них отмечается явное проявление конкретно выраженных локальных вариантов. Таковой является одна из составных частей материальной культуры – традиционная народная пища как одна из важных объектов в изучении этнокультурных процессов. Традиционная пища не только свидетельствует о социальном, экономическом и духовном положении народа, а также определяет критерий этнокультурных связей различных этнических групп и народностей данного региона. Наряду с этим особенности традиционной народной пищи определяются влиянием образа жизни, традиций, хозяйственно-культурных направлений развития народа, географической среды и климатических условий проживаемого региона.

Как и другие элементы материальной культуры, традиционная пища этносов, а также виды и характер употребляемой ими продовольственной продукции, с одной стороны, находятся под влиянием природных и хозяйственных особенностей региона, а с другой – определяются своеобразными элементами культуры местных и других этнических групп. Например, издавна отличалась пища оседлых земледельцев и ремесленников от еды полукочевых скотоводческих племен.

Исследования видов традиционной народной пищи и их значение в жизни различных этносов региона, а также в выявлении общности и отличий между ними в ходе исторического развития как отдельной области, так и крупного многонационального региона должны проводиться на основании территориальных особенностей. Целесообразно в этой связи рассмотреть более конкретно эти аспекты на примере определенного региона.

В данной статье поставлена цель изучения проявлений этнокультурных взаимосвязей между оседлым узбекским этносом и полукочевыми казахскими этническими группами, проживающими в Ташкентском оазисе, который издавна считается зоной культурных связей этносов с двумя различными хозяйственными направлениями.

Из истории хорошо известно, что народная пища всегда была тесно связана с его хозяйственным направлением. В частности, следует отметить факт, что пища оседлого населения Ташкентского оазиса изготавливалась,

главным образом, из сельскохозяйственной продукции, а полукочевых этнических групп – большей частью из мясомолочных продуктов.

Среди пищи оседлого населения особое место занимает еда, изготавливаемая из зерновых культур и муки, так как овсяная, кукурузная, мука считалась основным продуктом в изготовлении многих видов блюд. Также из них пекли различные виды хлебных изделий. Хлеб выпекали, в основном, в специальных глиняных печах – тандырах. По своей форме тандыры у населения Ташкентского оазиса, хоть и имели одинаковую форму, но различались своими размерами и материалом изготовления. Размеры тандыра зависели от объема семьи, т.е. количества ее членов. В настоящее время, как и в начале XX в., в Ташкентском оазисе тандыры строят высотой в 1–1,2 м. от земли, в расчете на рост пекущего хлеб человека¹. Строить тандыры таким способом казахи Чиназского района переняли от местного узбекского населения в 1930 гг.². До этого времени хлеб из пшеничной муки казахи выпекали на стенах очагов или путем закапывания теста в золу, т.е. использовались традиционные методы; выпеченный этим способом хлеб называли «кумма». Также у них был распространен метод выпечки хлеба на сковороде, его называли «табанон»³. Населению Южного Казахстана, также как и узбеки и уйгуры, пекли хлеб в тандырах⁴. Такое сходство объясняется, во-первых, влиянием торговых и этнокультурных связей, существовавших между полукочевыми скотоводческими племенами и оседлыми земледельцами, а во-вторых, близостью расположения скотоводческого населения к местам проживания оседлого населения.

Одной из древних разновидностей хлеба являются кукурузные лепешки, которые также были любимым продуктом питания узбеков, казахов, таджиков и других народов в годы экономических кризисов. Кукурузный хлеб больше употреблялся бедными слоями населения, по этой причине его часто называли «хлебом бедняков»⁵.

В прошлом среди скотоводческих народов был широко распространен метод выпечки разных видов хлеба в казане, и это тесно связано с их

¹ Об устройстве и установке тандыров подр.см.: Малицкий Н.Г. Этнографические очерки. Узбекское население Той-тюбинского района. 1928. УЗЦГА, ф.2231, оп.1, д.299, с.31-32; Шишов А. Сарты. Этнография // Сборник материалов для статистики Сырдарьинской области. Вып.ХI. Ч.1. Ташкент, 1904. С56-157; Шаниязов К.Ш. Узбек-карлуки. С.126-127; Шаниязов К.Ш. О традиционной пище узбеков // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. Т., 1972. С.98-99.

² Полевые записи. 2005 . Буролкиев Жилкибой. Чиназский район, Собира Рахимов ш/х, махалля козок овул.

³ См.: Культура и быт казахского колхозного аула. Алма-Ата, 1967. С.135.

⁴ Народы мира. Народы Средней Азии и Казахстана. Т.III. М., 1963. С.427.

⁵ О способах изготовления хлеба подр.см.: Махкамов Г.М., Погосянц А.И., Свинин С.Н. Узбекские лепешки. Т., 1961. С.32; Жабборов И.М. Ўзбек халки этнографияси. Т., 1994. С.159-161.

кочующим образом жизни. Выпеченные в казане виды хлеба – «чавати», «котирма», «чалпак», «чузма», «катлама» – были широко распространены среди населения рассматриваемого периода (на протяжении XX в.). Методы изготовления этих разновидностей хлеба были схожи у узбеков, казахов, таджиков и других этнических общностей и характерным являлось, что отдельные сорта выпекались в сухом, а другие – в предварительно вымазанном маслом казане или же в масле. Однако важно отметить, что в названиях этих лепешек у различных народов наблюдались различия. Так, например, чалпак (у узбеков) у казахов называется «шалпак». Некоторые виды мучных изделий изготавливались специально по случаю праздников. У узбеков, казахов и других народностей региона на торжества пекли «катлама» (слоеные смазанные маслом лепешки), «чузма» (тоненькие лепешки, выпеченные в слабо обмазанном маслом казане), «бугурсаки» (колобки, пожаренные в масле). У казахов было принято для гостя испекать «бугурсак»¹. Обычай изготовления этих мучных блюд на торжества или поминки у узбеков, казахов, киргизов, таджиков других народностей является одной из их общих сторон. Распространенным видом также считались «катырма» (сухие, т.е. испеченные практически без масла тоненькие лепешки), которые пекли при неимении хлеба и наличии малого количества муки. Лепешки, изготовленные таким способом назывались у тюрок Ферганской долины «чевател», кураминцев – «юкма», кипчаков – «юпка»².

Наряду с хлебом и хлебными изделиями из муки также готовили различные блюда, густые и жидкие: «атала», «чучвара», «манти», «лагман», «норин», «угра (уноши)» и «шилпилдак»³. В регионах Южного Казахстана шилпилдак называют «кулшетай»⁴, а у узбеков Самарканда – «майкуча»⁵. Это блюдо считается широко распространенным у местного населения. Кроме этих блюд любимым является национальное казахское блюдо «беш-бармак», изготавливаемое из теста и мяса. Беш-бармак считался едой скотоводческих племен, но в результате установления этнокультурных связей между оседлыми и кочевыми племенами он распространился и среди первых.

Беш-бармак также входит в меню киргизов и туркмен. В способах подачи этого блюда имеются определенные различия. Например, его можно подавать вместе с бульоном, также и в густом виде, а бульон давать отдельно.

¹ Культура и быт казахского колхозного аула... С.137-138.

² Абдуллаев У.С. Фаргона водийсида этнослараро жараёнлар. Т., 2005. С.124.

³ Палевые записи. В некоторых кишлаках Ташкентского вилоята это блюдо также называют «шпалок».

⁴ Народы Средней Азии и Казахстана... С.427.

⁵ Шаниязов К.Ш. О традиционной пище узбеков... С.102.

Особое место среди пищи оседлого и полукочевого населения в начале XX в. занимали блюда из риса.

В результате коллективизации, проведенной в годы советской власти казахские этнические группы, занимавшиеся скотоводчеством «курайлов», перешли на земледелие, вследствие чего обогатился рацион их блюд за счет изготовления распространенной у оседлого населения видов блюд: «атала», «гужа», «угра», «мастава», «машхурда», «машкичири (машава)», «шавля», «палов»(плов) и другие.

Блюдо, известное под названием «палов» или «ош»¹ у узбеков изготовлялось несколькими способами² и имело несколько разновидностей. Праздники, свадьбы и другие торжественные мероприятия, а также поминки не проходили без подачи плова. Это блюдо является широко распространенным и одним из любимых и среди казахских народов Ташкентского оазиса, которые также на свадьбах и торжествах готовят плов и угощают им большое количество народа рано утром или в обеденное время. Разница плова у узбеков и казахов состоит в том, что последние употребляют больше мяса при его изготовлении. Также у казахов для уважаемых гостей специально подают беш-бармак.

С переселением на территорию Ташкентского оазиса славянских народов им были привезены новые виды овощей, такие как картофель, помидор, капуста. Однако на первых порах местное население, называя эти овощи «пищей кафиrow» (иноверцев), «русской едой», не употребляли их в пищу. Но впоследствии эти культуры стали выращивать и местные земледельцы, в результате чего обогатился и рацион блюд у населения. Например, раньше блюдо «ковурдак» (кавардак) у казахов приготавливался из печени, сердца животного с использованием его же жира³, а у узбеков в эту еду кладут баранину, хлеба кусочки и готовят на бараньем жире⁴. Теперь же кавардак невозможно представить без картошки, различных овощей и приправ. Это свидетельствует о том, что этнокультурные процессы происходили в XIX в. не только среди тюркских народов на территории Средней Азии, они также характеризуются появлением здесь славянских народностей, проникновением их культуры, в частности, продуктов питания, что в определенной степени пополнило и изменило рацион местных блюд.

¹ Бердыев С.М. Происхождение и распространение плова (К вопросу об этнических истоках и элементах культуры) // Этническая история и традиционная культура народов Средней Азии и Казахстана. Нукус, 1989. С.150-161.

² Махмудов К. Узбекский плов. Т., 1979. С.3-97; он же: Пловы на любой вкус. Т., 1979.

³ Народы Средней Азии и Казахстана... С.428.

⁴ Маев Н.А. Азиатский Ташкент. Материалы для статистики Туркестанского края. 1876. С.273.

Мясо и мясные изделия занимали важное место среди продуктов питания населения. В особенности у народов с традиционным скотоводческим хозяйством они вместе с молочными продуктами употреблялись в большей степени. Например, из головы, копыт и внутренних органов быка или овцы также готовилось множество различных пищевых продуктов¹. В их числе хорошо известны такие блюда, как «хасып», «кала шурпа», «казы-карта», а в дальнейшем они стали излюбленной пищей и у оседлого населения. Также важно отметить, что блюдо, изготовленное из бараньей головы, особо ценится на торжествах узбеков, казахов, таджиков, уйгур, киргизов и др.

Традиция изготовления различных молочных блюд широко распространилась у оседлого и кочевого населения. Употреблялось коровье и козье молоко и в сыром виде. У узбеков, казахов, таджиков, киргизов и других народов из первого молока родившей коровы, овцы, «огыз» готовится несколько видов жидкой и густой пищи: «палла», «долама», «каганак-угыз»². В научной литературе имеются сведения о том, что помимо этих блюд среднеазиатские народы из молока изготавливали «каймак» (снимая жир с сырого молока) (сливки), сметану, кефир, сливочное масло, «сузьму» (кислый творог), творог, айран (разбавленная водой сузьма), «курт (куртоба)» (подсушенные, солёные шарики из сузьмы)³. Судя по данным источников существовали некоторые различия между технологиями изготовления этих продуктов у кочевого и оседлого населения, но все молочные блюда занимали одно из основных положений в рационе оседлого населения. А это еще раз подтверждает факт тесных этнокультурных отношений между кочевым и оседлым населением с древнейших времен.

Выше на основании некоторых примеров, касающихся традиционной народной пищи оседлых и кочевых народов (узбеков и казахов), мы обратили внимание на то обстоятельство, что изучение истории и особенностей национальных блюд играет важную роль в исследовании этнокультурных процессов, поскольку определенные традиционные блюда этносов, в сравнении с другими сторонами материальной культуры, относительно ярче сохранили в себе этнические особенности народа.

¹ См.: Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков XIX начало XX в. Т. 1981. С 114-115; Культура и быт казахского колхозного аула... С.134.

² Пещерева Е.М. Ягнобские этнографические материалы. Душанбе, 1976. С.21; Андреев С.М. Таджики долины Хуф (верховья Аму-Дарьи). Вып.1. Сталинабад, 1958. С.49.

³ Культура и быт казахского колхозного аула... С.130-132; Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х.И. Этнические очерки материальной культуры таджиков верховьев Зарафшана. Душанбе, 1973. С.156-159; Айтбоев М.Т. Пища киргизов XIX – начала XX вв. // Известия АН Киргизской ССР. Общественные Науки. Т.V. Вып.1. 1963. С.13-16; Малицкий Н.Г. Казахи. ЦГА РУз, ф.2231, оп.1, д.49. С.53-54.

Подводя итоги можно отметить, что в Ташкентском оазисе, как регионе этнокультурного взаимодействия населения с оседлым и кочевым образами жизни, наблюдается усиление торговых и культурных отношений между народами и вследствие единой территории, проникновения соседских традиций между ними наблюдается обогащение состава традиционной народной пищи.

О.С. Артикбаев

**Тошкент воҳасида кечган ўзбек–қозоқ этномаданий алоқалари
тараққиётида анъанавий таомларнинг аҳамияти**

Мазкур мақолада ўзига хос тарихий–маданий минтақа ҳисобланадиган Тошкент воҳаси ҳудудидаги ўзбек ва қозоқ халқларининг анъанавий таомлари, ҳамда уларнинг мазкур икки халқ этномаданий алоқалари тараққиётидаги аҳамияти, шунингдек ўзаро таъсирлари илмий адабиётлар ва дала маълумотлари асосида таҳлил этилади.

O.S. Artikbaev

**The meaning of traditional food in development of uzbek-kazakh ethno
cultural relationships in Tashkent oasis.**

In this article are described kinds of traditional food of Uzbeks and Kazakhs of Tashkent oasis, which is original historical and cultural region, also author on the basis of scientific literature and field materials is analyzed the meaning of traditional food in development ethno cultural relationships between those nationalities.

Ё.Р. Тайронов

ЎзР ФА Тарих институти аспиранти

**XX аср бошларида Тошкент шаҳридаги маҳаллий
тадбиркорларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти**

XX аср бошларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу жараёнларда Туркистон тадбиркорлари ҳам фаол иштирок этиб, нафақат иқтисодий, балки, ижтимоий сиёсий ҳаётда ҳам алоҳида ўринга эга бўлдилар. Улар ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларга, оилаларга моддий ёрдам бериш, илмга чанқоқ ёшларни хорижий мамлакатларга ўқишга юбориш, жадидлар, зиёлилар билан биргаликда янги усулдаги мактабларни ташкил этиб, уларнинг моддий баъзасини яратиш, замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, Давлат думаси ва шаҳарлардаги сиёсий йиғилишларда ўз фаолликларини намоён этиб, халқ номидан давлат ва шаҳар бошқарувида иштирок этиш, миллий ташкилотлар тузиш ва маҳаллий тилда газеталар чиқариш каби ишлар билан шуғилланишган. Бу борада айниқса, Тошкент шаҳри сармоядорлари алоҳида фаолият олиб боришган. Улар жумласига, Саидкарим Саидазимбой ўғли, Усмонхўжа Иноятхўжа ўғли,

Холмухаммадбой Алимухаммадбой ўғли, Комилжон Аҳмаджон ўғли, Мирсолиҳ Мирабдал ўғли, Исоқбой Абдуллаев, Раҳматулла Хакназар ўғли, Каттахўжа Узунхўжаев, Муҳаммадрахим Шермухаммедов, Дадахўжа Иномхўжа ўғли, Аҳмад Иброҳимов, Мирзаҳамдам Нуриллохон ўғли, Тўхтажонбой Олимжонбой ўғли сингари тужжор ва таракқийпарварлар ташаббус кўрсатишган. Масалан, 1907 йил 13 ноябрда Тошкент шаҳри мажлислар залида кўпчилиги маҳаллий сармоя эгаларидан иборат шаҳар думасининг мусулмон вакиллари шаҳар бошлиғига (улар асосан руслардан тайинланарди) “эски шаҳар”даги кўчаларни таъмирлаш учун маблағ ажратишини сўраб мурожат қилишган¹. Бу кўчаларда умуман от ва аравалар юролмаслиги, уни имкони ҳам йўқлиги, йўллар ўта таъмирга мухтожлиги, киш фаслида эса лой бўлиб кетишлиги ва бу ҳолат хатто, ўликларни қабристонга олиб бориб кўмишда ҳам муаммолар туғдираётганини алоҳида таъкидланган. Ва бу кўчаларнинг ободонлиги учун шаҳар бошлиғига Туркистон генерал губернаторидан қириқ беш минг сўм миқдоридан пул сўрашини илтимос қилишган. Шунингдек, маҳаллий тадбиркорлар шаҳарнинг дума мажлисларида кўп ҳолларда айрим масалалар борасида рус вакиллар билан тортишувлар олиб боришган. Биргина, 1908 йил 7 январда Тошкент шаҳрида очилган 15 та мусулмон ва 16 та руслардан иборат дума иштирокчилари қатнашган йиғилишда шаҳар бошлиғи шаҳар даромади қилинаётган сарфига етмаётганлиги сабабли солиқлар миқдорини ошириш масаласини кўтарган. Бу ҳақида “Тужжор” газетаси саҳифаларида шундай дейилади; *“1908 йил 7 январда сешанба кунини дума мажлиси барпо бўлди. Унда 15 нафар мусулмон ва 16 нафар руссия волостнойлари иштирок этиб, дума очилгондан сўнг ҳурматлик городуской глого (шаҳар бошлиғи-Ё.Т.) маълум қилдиларки, шаҳар даромади сарфига етмайду, шу сабабли нолог(солиқ) оқчасини оширмаққа буюрдилар”*². Ушбу йиғилишда юқорида номлари зикр этилган Усмонхўжа Иноятхўжа ўғли, Холмухаммадбой Алимухаммадбой ўғли, Комилжон Аҳмаджон ўғли, Мирсолиҳбой Мирабдал ўғли, Асил оқсақол Расулмухаммад ўғли, Абдулқодир хожи Абдурахимбой ўғли, Дадахўжа Иномхўжа ўғли иштирок этиб, қабул қилинажак қарорга қаршилиқ қилишган, аммо мажлисда рус вакиллари кўпчиликни ташкил қилган ҳолда солиқлар миқдорини оширилишини таъминлаган³. 1905 йил 17 октябрдаги фуқароларга сўз, виждон, матбуот ва миллий-сиёсий ташкилотлар тузиш тўғрисидаги Манифестни эълон қилиниши бутун Туркистон , жумладан, тошкентлик сармоядорларнинг ҳам сиёсий фаолиятларини илгарилашга хизмат қилди. Шунингдек, Давлат думасини

¹ Тошкент шаҳрининг думахонасида бўлгон мажлис// Тужжор, 1907, №12, 21 ноябрь.

² Ким йиғламас бечора фуқароларнинг ахволига// Тужжор, 1908, №18, 13 январь.

³ Ўша ерда.

жорий этилиши (парламент) ва унда иштирок этиш имконини мавжудлиги, маҳаллий тадбиркорларнинг сиёсий фаоллигини янада оширди. Думага сайловлар 1906 йил 28 апрелга белгиланиб, сайлов ташвиқоти кенг кўламда олиб борилган ва аҳоли беҳабар қолмаслиги мақсадида кўзга кўринадиган жойларга афишалар осиб қўйилган. Бу ҳақида “Тараққий” газетасини саҳифаларида қуйдагилар баён қилинган: “...*подшо императур ҳазратларининг государствуннуй дума (Давлат думаси-Ё.Т) сайлови хусусидаги фармойиши содир бўлиб, у 28 апрелга тайн бўлибтур*¹. Бу эса туркистонликларни ягона сиёсий партия асосида бирлашиш имконини берган ва бу ташкилотни “Туркистон вилояти партияси” деб номлаш мақсадга мувофиқлиги юқоридаги манбада алоҳида таъкидланади. Бу сайлов жараёнлари Тошкент шаҳрида ҳам жадаллик билан кечган ва унда маҳаллий ишбилармонлар ҳам ўз фаолликларини намоён этишган. Шаҳарда бўлган навбатдаги дума йиғилишларидан бирида Саидкарим Саидазимбой ўғли парламент сайловларидан хавотирлар билдириб, “*бизнинг вилоятимизни унутган бўлсалар ажаб эмас, чунки мазкур сайлов хусусида ҳеч қандай ном нишон бўлмай кетди*” деб шаҳар бошлиғига мурожат қилган ҳолда, бу масалага ечим топиш учун зудлик билан Пертербургга телеграмма юбориш кераклигини маслаҳат берган². Бундан ташқари тошкентлик тадбиркорлар шаҳардаги ижтимоий жараёнларда ҳам фаол катнашиб, аҳолининг қийналган, кўмакка муҳтож қисмига моддий ёрдамлар бериш ва сиёсий жиҳатдан ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида миллий жамиятлар тузишган. Ана шундай ташкилотлардан бирини ташкил этиш 1906 йил 17 сентябрда Тошкент шаҳрининг уламолари, зиёлилари, обрўли сармоядорлари ва маърифатпарварлари иштирокида Кўкалдош мадрасасидаги йиғилишда келишиб олинган эди³. Унда мазкур жамиятини қонуний қилиб очиш учун ҳукуматдан руҳсат сўраш ва партияни дастурини тузиб олиш кераклиги айтиб ўтилган. Ва бу ерда ҳам йирик сармоя эгаси Саидкарим Саидазимбой ўғли нутқ сўзлаб, мусулмонлар учун ҳам бир қонуний жамият зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Мажлис иштирокчилари ушбу ишларга халқ орасида юқори мавқега эга бўлган ишбилармон, сиёсий онги етарли кишилардан беш кишини яъни, Орифхўжа Азизхўжа ўғли, Максудхўжа Отахўжа ўғли, Абдували Абдукомилбой ўғли, Мирзо Абдуллоҳ хожи Муҳаммадбой ўғли ва Саидкарим Саидазимбой ўғилларини маъсул қилиб сайлашади. Бу

¹ Государствуннуй дума сайловиға тегишли ахбор// Ўрта Осиёнинг умр гузаронлиги газети “Тараққий”, 1906, №11, 28 февраль.

² Ҳар хил хабарлар// Ўрта Осиёнинг умр гузаронлиги газети “Тараққий”, 1906, №11, 28 февраль.

³ Ўша ерда.

⁴ Тошкентда мусулмон жамияти // Самарқанд, 1913, №37, 20 август.

⁴ Жамиятга

жамиятни етти-саккиз миллионлик мусулмонлар яшайдиган Туркистон ўлкасининг маркази бўлимиш Тошкент шаҳрида очилиши муҳум аҳамият касб этарди. Лекин икки- уч йиллик фаолиятдан сўнг ташкилот ёпилиш арафасига келиб қолганда ёш фикрли маърифатпарвар тadbиркорлар уни қайта тиклаганлар. Уларнинг ташаббуси билан етти минг сўм маблағ жамғарилган ва яна қисқа муддат ичида ўн-ўн икки маротаба жамиятнинг мажлислари чақирилиб, аъзоларидан қўшимча пуллар йиғилган. Ундан ташқари тошкентлик маҳаллий сармоядорлар ҳам ўз маблағларидан гарчи, жамият аъзоси бўлишмаса-да, уни фойдасига ҳар томонлама ёрдамлар бериб турган. Масалан, йирик тужжорлардан бири Орифхўжа Эшон шаҳарнинг марказида жойлашган ўз ҳовлисини жамиятга инъом қилган ҳолда, минг сўм миқдорда пул ҳам ҳадя қилган¹. Кўкча даҳаси Ўзган маҳалласида турувчи Маҳмуджон Шокир хожи ўғли ҳам жамиятга кўрсатган моддий ёрдами туфайли ташкилотнинг аъзосига айланган². Йиғилган маблағлар ташкилотдан ёрдам сўраган, ижтимоий кўмакка мухтож кишиларга, мактаб, кутубхона, масжид ва мадрасаларнинг таъмирлаш ҳамда уларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун ишлатилган. Масалан, “Мусулмон умиди” жамияти Бешёғоч даҳаси Кўкмасжид маҳалласидаги Абдуллахон Иброҳим ўғлининг янги усулдаги мактабига 120 сўм, Кўкча даҳаси Каллахона маҳалласидаги Муҳаммад Саид Муҳаммад Мусо ўғлининг шу хилдаги мактабига 90 сўм ва яна Абдурахмон ўғли деган бир талабага ҳам 15 сўм миқдорда молиявий ёрдам кўрсатган. Хусайнхўжа, Оқилхўжа ва Аҳмад Иброҳимов каби миллатпарвар ишбилармонлар эса янги очилажак қироатхонага ҳар томонлама кўмак беришларини айтиб ўтишган³. 1914 йил 6 апрелдаги ушбу жамиятнинг навбатдаги мажлисида Бешёғоч даҳасига қаршли Кўқалдош мадрасасининг мутаваллиси илтимосига мувофиқ бинонинг шикастланган ерларини қайтадан таъмирлаш учун кераклича маблағ ажратишга келишиб олинган⁴. Бундан ташқари Тошкентда кенг фаолият олиб боровчи айрим савдогарлар бева-бечораларга ва тарбияга мухтож, ота-онасидан айрилган болалар фойдасига инъомлар бериб, уларнинг оғирини энгил қилганлиги сабабли ҳукумат эътиборига тушган ва бу хизматлари учун махсус давлат миқёсидаги нишонлар билан мукофотланган. Амхоқбой Абдуалиев ана шундай хизматлари учун кўкракка тақадиган ва “яхши хизматлари учун” деб ёзилган кумуш нишон билан тақдирланган⁵. Демак, тошкентлик тadbиркорлар нафақат савдо ишлари билан, балки, ижтимоий жараёнларда ҳам фаол қатнашиб,

¹ Тошкентда мусулмон жамияти // Самарқанд, 1913, №37, 20 август.

² Жамиятга айона // Садои Туркистон, 1914, №3,17 апрель.

³ Ўша ерда 4-бет.

⁴ Тошкент хабарлари // Садои Туркистон, 1914, №3,17 апрель.

⁵ Олий инъомлар // Тужжор, 1907, №4, 11 сентябрь.

махаллий халк манфаатларини ҳимоя қилганлар. Улар миллий матбуотга асосий кўзгу сифатида қараб, унинг фаолиятини йўлга қўйишни халққа қилинган энг савобли ишлардан бири деб билган. Шу мақсадда юқорида номи қайд этилган Саидкарим Саидазимбой ўғли биринчилардан бўлиб маҳаллий тилдаги ижтимоий-сиёсий ва адабий муаммолар, қизиқарли хабарларни ёритувчи газеталардан бири ҳисобланган “Тужжор”га асос солди¹. Шу билан бирга XX аср бошларида савдогарлик ишларига ҳукумат тамонидан катта аҳамият қаратилган ва махсус шу соҳа учун мактаблар жорий этишга ҳомийлик қилган. Тошкент шаҳрида 1907 йил 30 августда савдогарлар мактаби очилганлигини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин². Гарчи уни асосий ўқувчилари рус фарзандлари бўлса-да, мусулмон болалар ҳам ўқиб бу соҳада савод чиқаришган.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср бошларида Тошкент шаҳридаги маҳаллий сармоядорлар иқтисодий жараёнларда иштирок этиш билан бирга, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам ўз фаолликларини намоён этган.

Ҳо.Тайранов

About social – policy activities of Tashkent local investors in the beginning of the 20th century

In this article analyzed participating businessmen who undertaken business in process of social- policy in Tashkent in the beginning of the 20th century.

Ё. Тайранов

О социально-политической деятельности местных инвесторов Ташкента в начале

В статье освещена социально политическая деятельность инвесторов представителей местного населения города Ташкента в начале XX века.

Н. Қодиров

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ўқитувчиси XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкентдаги илк рус таълим муассасалари

Рус подшоши томонидан 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил этилиши ва унинг маркази этиб Тошкент шаҳрининг белгиланиши билан шаҳарнинг тарихида янги босқич бошланди. “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”га асосан Тошкент шаҳрини бутун ўлка бошқармасининг ва Сирдарё вилояти бошқармаларининг жойлашган жойи³ деб белгиланиши шаҳар ҳаётининг

¹ Матбуот оламида (ёки сабаби газета Тужжор)//Тужжор, 1907, №1, 21август.

² Дохлий хабарлар// Тужжор, 1907, №4, 11 сентябрь.

³ Положение об управлении Туркестанским краем. Издание 1892 года 7 модда.

маъмурий – сиёсий, маданий ва иқтисодий томонларида ўзгаришлар ясай бошлади.

Ўлка ва вилоят маркази ҳисобланган Тошкент шаҳрига ҳарбийлар, ҳарбий-инженерлар, савдо ва саноат, маъмурий бошқарув тизими, тиббиёт ходимлари, дин вакиллари ва шу каби кўпгина мутахассислар кўринишида империянинг марказий ерларидан Туркистонга хизмат учун йўналтирилган кўплаб рус фуқаролари кучиб келиб жойлаша бошлайдилар. Улар маҳаллий аҳоли билан аралашиб яшамасдан “эски шаҳар”дан алоҳида “янги шаҳар”да фаолият юрита бошладилар.

Ўлкани забт этган империя ҳукумати Туркистонда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш ва маҳаллий халқларни ўзларига тўлалигича буйсундириш мақсадида XIX асрнинг 60-70 йилларидаёқ “руслаштириш” сиёсатини амалга оширишни бошлайдилар. Бу мақсадда, аввало, Россиянинг марказий губернияларидан Туркистонга рус аҳолиси кучириб келтирилди, кейинчалик аҳолини кенг қатламларини ушбу сиёсат билан қамраб олиш мақсадида турли жамоатчиликка хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини шакллантирди. Айнан шу ўринда империя маъмурияти кучиб келган рус фуқароларининг болаларига таълим бериш билан аҳолининг ёш қатламини ҳам мазкур сиёсат билан қамраб олишни истаб, ўлкада рус таълим тизимини сингдириш сиёсатини амалга ошира бошлади.

Туркистон ўлкасининг биринчи генерал-губернатори генерал К.П. фон Кауфман таълим муассасаларини ташкил этиш муаммосига жиддий ёндашиб, 1868 йилдаёқ ўлкада рус таълим мактабларини ташкил этишни илмий-назарий асосланган лойиҳасини ишлаб чиқиши борасида кўрсатма берди ва 1870 йили Тошкентда ўлкада ўқув бўлимини ташкил этиш бўйича махсус комиссия ташкил этилди.¹

Ўлкадаги рус мактаблари тарихига назар ташласак, илк рус мактаблари 1860 йили форт №1 – Казалинск ва Перовскда христиан руҳонийлари томонидан ташкил этилган бўлиб, уларда ўғил болалар ва қизлар асосан ўқиш, ёзиш, дин ақидалари ва арифметиканинг туртга қоидаларини ўрганганлар. Вақт ўтиши сайин ушбу мактаблар такомиллаштирилиб борилган. 1876 йилга қадар Тошкентда қиз болалар бўлими ва хунармандчилик синфлари; Чимкентда қиз болалар бўлими; Казалинскда қиз болалар учун яқшанба дарслари бўлган; Перовск ва Самарқандда рус болалар; Самарқандда ғайритаъба болалар учун; Катта–Қурғон ва Петро-Александровск бошланғич ўқув юртлари ташкил этилган.

Дастаб Тошкентда 1866 йилда хусусий эҳсонлар ҳисобидан Жуйкова хусусий мактаби ташкил этилган, 1867 йилдан унга давлат хазинасидан унча катта бўлмаган хажмда маблағ “Тошкентдаги рус аҳолисининг куйи

¹ Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сыр-Дарьинской области. Т., 1916, стр. 5.

катлами вакилларининг талабларини қондириш”¹ мақсадида ажратилди. 1869 йили Тошкентда “Пахерт хоним”нинг Туркистон ўлкаси “бадавлат ота-оналар болалари”ни гимназиянинг IV синфига кириш учун тайёрлайдиган хусусий пансион, 1871 йили Тошкентда ўғил ва қиз болалар учун хунармандчилик синфлари бўлган уч синфли халқ мактаби² ва I синфли бошланғич аёллар мактаби³ ташкил этилди. Ушбу мактабларнинг барчаси шаҳардаги рус аҳолиси фарзандларини ўқитишга муваффақ бўлган эди. Лекин, ушбу билим юртлирида кам сонли бўлсада маҳаллий аҳоли вакилларининг фарзандлари ҳам ўқир эдилар.

1876 йил Ўқув ишлари бош бошқармаси ташкил этилган пайтдан бошлаб ўлкада Халқ маорифи вазирлиги низомлари асосида мактаблар ташкил эта бошлади. Тошкент ва Верний шаҳарларида тайёрлов синфлари бўлган эркаклар ва аёллар тўлиқсиз ўрта ўқув юртлири (прогимназиялар) ташкил этилди. Кейинчалик, тез орада улар тўлиқ гимназия (умумий таълим ўқув юрти) сифатида қайта ташкил қилинди. 1876 йили Тошкентда очилган халқ мактаби 1878 йил 1 январидан II синфли, 1879 йил 1 июлда эса IV синфли шаҳар мактабига айлантирилиб, унинг қошида катта ёшли туб аҳоли вакиллари учун кечки рус тили курслари ва хунармандчилик синфлари⁴ ҳам бўлган. Ўлкада мавжуд турли хилдаги бошланғич билим юртлири 1876 йили Ўқув муассасалари бош бошқармаси назоратига олиниб қонунда белгиланган таълим муассасаларининг мавжуд турлари тартибидан қайта ташкил этилди.

Туркистон буйлаб халқ маорифи соҳасида ўзгаришлар амалга оширилаётган бир пайтда ўлкада маъмурий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган йирик Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Наманган каби шаҳарларида, савдо ва саноат тармоқлари ривожланиб борарди. Ундан ташқари, Тошкентда ўлканинг бошқарув идоралари жойлашганлиги бу ерда рус аҳолисининг кўплиги ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳилма-ҳиллигини вужудга келтирди. Тошкентнинг “янги” қисми Туркистоннинг энг йирик саноат ва маданий марказларидан бирига айланди. Шу муносабат билан шаҳарда ўқув юртлири тармоғи ва тури узлуқсиз кўпайиб борди. 1886 йилда Тошкент шаҳрида империя Халқ Маорифи Вазирлигига тегишли 9 та⁵, 1889 йилга келиб эса 14 та таълим муассасалари фаолият юритарди.⁶

XIX аср 90 – йиллари ва XX аср дастлабки йилларида Туркистонда рус таълим тизими тармоқлари нисбатан ривожланди. Бу ўзгаришлар, албатта,

¹ Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 гг.). М., 1960, стр. 246.

² Бендриков К.Е. Очерки по истории ... стр. 108.

³ Статистические обзоры Сыр-Дарьинской области за 1886 год. Т., 1887, стр. 380.

⁴ Статистические обзоры Сыр-Дарьинской области за 1886 год. Т., 1887, стр. 374.

⁵ Статистические обзоры Сыр-Дарьинской области за 1886 год. Т., 1887, стр. 370-381.

⁶ Статистические обзоры Сыр-Дарьинской области за 1886 год. Т., 1889, стр. 369-380.

бир неча омиллар билан боғлиқ ҳолда содир бўлди. Биринчидан, ўлкада рус маъмурчилигининг кўчайиши, империя ҳокимиятининг кенг тармоқ отиб мустаҳкамланиб бориши, маҳаллий халқ вакиллари орасида рус тилини билишга интилиш, иккинчидан, рус таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга қаратилган тадбирларнинг Ўқув ишлари бош бошқармаси маъмурлари, хусусан Сирдарё вилояти С.М.Граменицкий томонидан лойиҳани илгари сўрилиши ва Ф.М.Керенскийнинг кулла-қувватлаши натижасида амалга оширилиши сабаб бўлди. Учинчидан, ўлкада барпо этилган ишлаб чиқариш тармоқлари корхона ва ташкилотларида кичик мансабларда ишловчи кўплаб малакали кадрларга бўлган эҳтиёжнинг ошиб бориши Туркистонда нафақат халқ билим юртлари, балки кўплаб касб-хунарга йўналтирилган ўқув юртларини ташкил этилишига олиб келди. Хусусан, 1878 йили империя Халқ Маорифи Вазирлиги томонидан қабул қилинган саноат билим юртларини ташкил этиш тўғрисидаги қонуннинг ишлаб чиқилиши ва уни 1881 йил ноябрида тасдиқланиши ҳамда 1888 йили 7 мартда саноат билим юртлари ҳақидаги Низом¹нинг тасдиқланиши натижасида, нафақат Туркистонда, балки бутун империя бўйлаб давлат ва хусусий сармоялар ҳисобидан саноат билим юртлари, хунармандчилик мактаблари, шаҳар мактаблари хузурида қўл меҳнати синфлари ташкил этиш кенг кўлам олди.

1887 йилдаёқ Тошкентда техника билим юртини ташкил этиш лойиҳаси илгари сурилди.² 1896 йилга келиб Тошкентда пахта тозалаш ва бошқа саноат корхоналар ускуналарини тузатувчи малакали дурадгор, токар, темирчиларни тайёрловчи Тошкент хунармандчилик мактаби ташкил этилди. 1897 йили эса Тошкентда ариқ-оқсоқолларни тайёрлашга мулжалланган “Қуйи геодезия курслари” очилди. 1902 йили Тошкентда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам мутахассисларни тайёрловчи Қишлоқ хўжалик гидротехника мактаби ташкил этилган. Ундан қузланган асосий мақсад, “Ўқувчиларга суғориш техникасини ва иншоотларини барпо этишни ўргатиш билан биргаликда, Туркистон ўлкаси шароитларида, умуман қишлоқ хўжалигини ва унинг алоҳида соҳаларини тўғри юритиш”³ эди.

Туркистон ўлкасида темир йўллари тармоғининг қурилиши ва уларнинг ўлка иқтисодий, сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб бориши натижасида 1898 йили 25 сентябрда империя Халқ Маорифи Вазири томонидан тасдиқланган қоидалар⁴ асосида Темир йўл билим юртлари ташкил этила бошланди. Жумладан, Тошкент техника темир йўл билим юрти 1904 йили Оренбург – Тошкент темир йўли линиясини очилиши олдин ташкил этилган.

¹ Пален К.К. Учебное дело. СПб. 1910, стр. 91.

² ТВ, 1887, № 10.

³ ЎзМДА, ф. И-65, руйхат 1, иш 19, 4 орка бет.

⁴ ЎзМДА, ф. И-254, руйхат 1, иш 12, 68 бет.

Касбий таълим Туркистонда, айниқса, XX аср бошларидан кенг миқёсда ривожланди. Биргина Тошкент шахрининг ўзида кўплаб турдаги мутахассисликларни тайёрловчи билим юртлари, хусусий таълим курслари ташкил этилди.

XX аср дастлабки йилларида хусусий таълим муассасалари тизимлари яхши ривожланди: Туркистон почта-телеграф округи Бошқармаси хузурида алоқа ходимларини тайёрлаш бўйича курси; Тошкентда бир гуруҳ маҳаллий рассомлар томонидан ташкил этилган, хусусий декорация ва умумий тасвирий санъат ҳамда мусиқа мактаблари ҳам фаолият юритаётган эди.¹

Рус таълим муассасаларидаги таълим дастури Ўрта Осиёда дунёвий таълимнинг илк кўринишлари эди. Дунёвий таълимнинг кенг тармоқ отган тизимини яратиш бўйича амалга оширилган чоралар, шубҳасиз, ижобий мазмунга эга эди.²

Туркистонда ташкил этилган рус таълими муассасалари фаолияти натижасида ўлкада яшовчи рус ва маҳаллий аҳоли вакилларини маълумоти ошириб борилди, касбий малакага ўргатилди ҳамда империя маъмурияти истамасада маҳаллий аҳоли вакилларининг маънавий юксалишига ҳам турки бўлди. Мазкур таълим муассасалари подшо маъмурияти томонидан муайян мақсадларни амалга ошириш учун ташкил этилган бўлсада, улар фаолияти натижасида ўлка халқлари маънавий қарашларини, маълумотлилик даражасини ва ўқитиш, тарбиялаш усулларини такомиллаштирилиб, ўсиб боришига сабаб бўлди.

N. Qodirov

The first Russian education institutions in Tashkent at the end of the 19th and the beginning of the 20th centuries

The article devoted to discover to develop Russian education institutions of Tashkent colonization age and to define education reform Czarism consisted on «Russia» politics and the exchange in the way purpose of Empire.

Н. Кадыров

Первые русские образовательные учреждения в Ташкенте в конце XIX – начале XX века

Статья посвящается освещению динамики роста русских образовательных учреждений Ташкента в период колониализма и выявлению сущности образовательных реформ царизма как составной

¹ Бендриков К.Е. Очерки по истории ... стр. 353.

² Тарих шохидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши/ Лойиҳа раҳбари, масъул муҳаррир Д.А.Алимова. Т., 2001, 335-бет.

части политики «русификации», а также социально-экономических преобразований в интересах империи.

А.Юлдашев

ЎзРФА Тарих институти аспиранти

Мустақиллик йилларида таълим тизимидаги ислохотлар жараёни (Тошкент шаҳри мисолида)

Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-мафкуравий муаммоларининг ечими таълим тизимининг равнақи билан чамбарчас боғлиқдир. Айниқса, таълим ва кадрлар масаласини тўғри йўлга қўйилиши ижтимоий барқарорликнинг муҳим омили демакдир. Бинобарин, истиқлолнинг дастлабки кунларидан туб иқтисодий ислохотларни амалга ошириб, янгиланиш сари борар эканмиз, таълим тизими ва кадрлар таёрлаш соҳасида ислохот ўтказмасдан, ёшларни маънавий меросимиз ва миллий истиқлол мафкураси асосида тарбияламасдан кўзланган буюк мақсадларга эришиб бўлмайди. Шунингдек, бозор муносабатларига асосланган келажаги буюк, ривожланган жамият қуриш вазифасини, ўзгариб турадиган бозор иқтисодиётини яхши биладиган, маркетинг, менежмент, молия, кредит ва савдо масалаларини тушунадиган, чуқур тайёргарлик кўрган, ишбилармон мутахассис - миллий кадрларга эга бўлмасдан муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди. Республика Президенти И.А.Каримов айтганларидек: «Таълим ислохоти бизни демократик ўзгаришлар, янги жамият барпо этиш йўлидан дадил етакловчи, барчамизни ҳаракатлантирувчи ички куч бўлмоғи зарур. Ҳар биримизга ... аён бўлсинки, таълим ва тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, одамлар онгини, демакки, уларнинг турмуш тарзини ҳам тубдан ўзгартириш мумкин эмас.»¹

Шунинг учун ҳам республика раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки кунидан бошлаб таълим соҳасига, Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ва маданий тараққиётида ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланган юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор берди. Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кечаётган янгиланиш жараёни каби таълим тизимидаги ислохотлар ҳам босқичма-босқич амалга оширилди. Бизнинг фикримизча ҳозирги давргача таълим соҳасида ўтказилган ислохотни икки йирик босқичга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич - 1992 йил ўрталаридан 1997 йил ўрталаригача давом этди. Бу босқичда таълим тизимидаги мавжуд имкониятларни сақлаб қолган ҳолда, миллий таълим-тарбия тизимига асос солинди. Энг муҳими шундаки, бу давр ичида таълим соҳасида янгиланиш жараёни кузатилиб кейинги босқич учун шарт-шароитлар яратилди. Бу борада

¹ Каримов И.А. Халқимиз жипслиги - тинчлик ва тараққиёт гарови / I қақирққ ЎЗР Олий Мажлисининг XII сессиясидаги нутқидан // Халқ сўзи. -1998. -29 август.

килинган дастлабки ишлар сирасига янги турдаги таълим муассасаларининг ташкил қилинишини, ёшларни чет элларда ўқишининг йўлга қўйилганлигини, лотин имлосига асосланган янги алифбони жорий этилганлигини, буюк қадриятларимиз ва маънавиятимиз асосида янги дастур, қўлланма ва дарсликлар яратилганлигини, тест усули жорий этилганлигини ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Иккинчи босқич - 1997 йил ўрталаридан бошланди. Бу даврда таълим соҳасида бошланган ислоҳот олдинги давр таълим тизимидан ва ўша даврда ўтказилган ислоҳотлардан тубдан фарқ қилиб, тўпланган тажриба асосида мутлақо янги, ягона, узлуксиз таълим тизимига асос солинди. Таълим соҳасидаги бу янгиланиш асосан, шўролар замонидан қолган мафкуралашган таълим-тарбия сарқитларидан қутилишга, унинг миллий заминини мустақкамлашга, таълимнинг бошқарув тизимларини такомиллаштиришга, унинг моддий-техника базасини замон талабларига мослаштиришга, ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юқори малакали Миллий кадрлар тайёрлаш тизимига асос солишга қаратилди.

Биринчи босқичда ўтказилган ислоҳотларга ҳуқуқий асос бўлиб, 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»¹ ҳамда 1993 йил 7 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»² ЎзР Қонунлари хизмат қилди. Уларда миллий ва умуминсоний қадриятлар, халқимизнинг тарихий тажрибаси, фан соҳасидаги кўп асрлик анъаналари, жамиятнинг истиқболдаги ривожига ҳисобга олинди. Ушбу ҳужжатлар республикамизда миллий таълим тизимини вужудга келишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Иккинчи босқичга ҳуқуқий асос бўлиб, 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Олий Мажлиси «Таълим тўғрисида» янги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» хизмат қилди³. Қонунга биноан Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий қилинди. Янги қонунга асосан 9-синфни битирган ёшлар, уч йиллик академик лицей ёки касб-хунар коллежларида республика иқтисодиёти учун бирон-бир мутахассис бўлиб етишадиган бўлдилар. «Таълим тўғрисида»ги янги Қонун ва кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг энг муҳим хусусияти ва 1992 йилдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонундан фарқи шундаки, янги қонунда республикада узлуксиз таълим тизимига асос солинди.

Бутун мамлакатда бўлгани каби Тошкент шаҳри таълим соҳасида ҳам дастлаб асосий эътибор мактабгача тарбия тизимида туб ўзгаришлар қилишга қаратилди. «Мактабгача тарбия концепцияси», «Соғлом авлод учун» дастури, «Олти ёшли болаларни саводга ўргатиш концепцияси ва

¹ ЎзР Олий Кенгашининг ахборотномаси. - Т., 1992. -№9. -Б.45-58.

² Ўша жойда: - Т., 1993. -№6. -Б.175-176.

³ Ўзбекистон овози. -1997. -30 август.

дастури» мактабгача тарбия муассасалари ишини янги йўналишга солишда муҳим омил бўлди. Лекин бу даврда республика бўйича ҳам Тошкент шаҳри миқёсида ҳам мактабгача тарбия ўчоқлари ва уларда тарбияланаётган болалар сони, ўтиш даври муаммолари таъсирида қисқариб борди. Масалан, Тошкент шаҳрида 1996 йилда 630 та доимий ҳаракатдаги болалар боғчаларида 112320 нафар болалар тарбияланган бўлса.¹ 2001 йилда бу кўрсаткич 573 та боғча ва 105,6 минг бола², 2006 йилга келиб 514 та ва 88,6 минг бола³ тарбияланадиган мактабгача болаларни тарбиялайдиган муассасалар бор эди.

Бинобарин, Тошкенда мактабгача болалар муассасалари тармоғида ўзгаришлар юз берди. Хусусан, шаҳарда давлатга қарашли бўлмаган боғчалар ривожлана бошланди. Масалан, 2006 йилда уларнинг сони 13 та етди ва уларда 635 та бола тарбияланди. Шунингдек, шаҳардаги 6 та мактабгача таълим муассасалари ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО халқаро ташкилотлари ва “Фалак нури” халқаро марказининг “Интеграция” дастури орқали иш олиб борди⁴.

Ўрта мактаб соҳасида ҳам ислохотлар жараёни истиқлолнинг илк йилларида амалга оширила бошланиб, асосан икки йўналишда: биринчиси, мавжуд умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасидан тортиб, таълим-тарбия ишларини, ўқув режалари ва услубларини янги тизимга солиш ва замон талаби асосида қайта қуриш бўлса, иккинчиси, энг муҳим йўналиш бўлиб, бунда бутунлай янги турдаги таълим муассасаларини (лицей ва гимназияларни) ташкил қилишдан иборат бўлди.

1997 йилгача ўрта мактаб таълими соҳасида янги турдаги ўқув муассасалари ташкил этила бошланди. Мисол учун шаҳарда 1993/94 ўқув йилида 17 лицей ва 21 гимназияда 18600 нафар ўқувчилар таълим олди⁵. 1996/97 ўқув йилида бу кўрсаткич 79 та лицей ва гимназияларни ҳамда 66 мингдан ортиқ ўқувчини ташкил этди⁶. Умуман олганда, мустақиллик йилларида Тошкент шаҳрида ўрта мактаб таълим тизими ривожланиб, уларнинг тармоғи кенгайиб борди. 2007 йилга келиб, шаҳарда 350,1 минг

¹ Тошкент шаҳар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг 1997 йил яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисида маълумотнома. (Образование, культура, туризм, физическая культура).

² Тошкент шаҳар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг 2001 йил яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисида маълумотнома.- Б.53.

³ Тошкент шаҳар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг 2006 йил яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисида маълумотнома. – Б.39.

⁴ Тошкент шаҳар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг 2006 йил яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисида маълумотнома. – Б.39.

⁵ 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ Хўжалиги Йиллик Статистика Тошкент 1994 й.– Б.242-243.

⁶ Тошкент шаҳар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг 1997 йил яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисида маълумотнома. (Образование, культура, туризм, физическая культура).

ўқувчи ўқийдиган 338 та мактаб фаолият олиб борди. Улардан аклий ва жисмоний камчилиги бўлган болалар учун 4,6 минг ўқувчи ўқийдиган 17 та мактабдир¹.

2004 йилда қабул қилинган мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига асосан 2004-2009 йиллар давомида шаҳар бўйича жами 299557 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 265 та мактаб биноларини бунёд этиш ва таъмирлаш, уларнинг муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва мукамал реконструкция қилиш кўзда тутилди. 2004-2007 йилларда лойиҳадаги умумий қувватига кўра 143866 ўқувчи ўрни бўлган 137 мактабларнинг барчасида қайта тиклаш, қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди².

1997 йилдан янги қонун ва кадрлар тайёрлаш дастурининг қабул қилиниши билан таълим соҳасидаги ислохотлар янги сифат босқичига ўтиб, шаҳарда касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар тизими ривожлана борди. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 84946 ўринли 117 та ўрта махсус таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда, шундан 19125 ўринли 37 таси академик лицей, 65821 ўринли 80 таси касб-хунар коллежидир. Ушбу ўқув даргоҳларидаги 125 405 ўқувчига 9 330 нафар педагог кадрлар таълим бермоқда. Таълим муассасаларида 8 йўналишда 216 мутахассислик бўйича кичик мутахассис кадрлар таёрланмоқда. 2001 – 2007 йиллар мобайнида республика иқтисодиёти учун 121 057 нафар кичик мутахассис кадр таёрланди³.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин ноёб ихтисосга эга бўлган мутахассисларга бўлган эҳтиёжи яққол сезилиб қолди. Шу муносабат билан мустақилликнинг дастлабки куниданоқ халқ таълим тизими билан бир қаторда олий таълим тизимини ҳам ислох қилишга ҳам киришилди. Тошкент шаҳрида олий таълим муассасалари 1991 йилдаги 21 тадан 2008 йилга келиб 28 та етди. Мустақиллик йилларида пойтахтда олий таълим муассасалари қаторида Тошкент Тиббиёт академияси, Миллий рассомчилик ва дизайн институти, Иқтисодиёт университети, Авиация институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент ислом университети, Ахборот технологиялари университети ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Шунингдек, олий таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик шартномалари асосида Москва давлат университети, Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси ҳамда Халқаро Вестминстер университети каби филиаллари ташкил этилди.

¹ Тошкент шаҳар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг 2006 йиляқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисида маълумотнома. – Б.38.

² Тошкент-2200.-Т.: “Академия” нашриёти, 2008 й. 16 б.

³ Ўша жойда

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, истиқдолнинг дастлабки йилларида бутун республикада бўлгани каби Тошкент шаҳри таълим тизимида туб ўзгаришлар юз берди. Мактабгача таълим, умумий ўрта мактаб ва олий ўқув юртлири тизимида бир қатор янги турдаги ўқув муассасалари ташкил қилиниб, уларнинг фаолияти такомиллаштирилди, ўқитишнинг ноанъавий турларидан ўқув жараёнига жорий этилди, янги дарслик, ўқув-методик қўлланмалар, услубий материаллар, дастурлар амалда жорий қилинди.

А.Юлдашев

**Процесс реформирования система просвещения в годы
независимости (на примере г. Ташкента)**

В данной статье на основе источников прослеживаются процессы изменений в дошкольном, среднем, средне-специальном и высшем образовании г. Ташкента в годы независимости.

A.Yuldashev

**Process of reformation of education system in the years of
Independence
(An example of Tashkent)**

In the article are investigated processes of changes in preschool, average, average-special and high education in Tashkent within Independence period on the basis of sources.

II. ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ТАРАҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Б. Мамарахимова

Тошкент давлат Шарқшунослик институти

Соғдийские письменные памятники в качестве источников по истории государственности Узбекистана

Прошло более десяти лет со времени принятия Постановления Кабинета Министров РУз от 27 июля 1998 года о «Совершенствовании деятельности Института истории АН РУз». Президент Республики И.А.Каримов, выступая на предшествовавшей этому встрече с историками, неоднократно ставил задачу объективного изучения и освещения исторического прошлого нашего народа, корней культуры, традиций, истоков развития государственности и его этапов.¹

Особое внимание учёных, исследователей было обращено на более широкое научное исследование и привлечение в качестве источников по истории узбекской государственности местных письменных памятников. Непосредственным ответом на требования времени является изучение согдийских письменных памятников, найденных на территории Восточного Туркестана, Турфанского оазиса, Монголии, Семиречья.² Значение же согдийских письменных документов из замка на горе Муг в верховьях Зарафшана как первых рукописных текстов, найденных на территории собственно Согда в 1932-1933 г.г., для освещения одного из этапов истории государственности Центральной Азии, в частности, Узбекистана, определяется прежде всего тем, что они дают возможность исследовать социально-политические, правовые, экономические, идейные и духовные основы раннесредневекового Согда, являясь бесценным источником, характеризующим основные принципы государственности данного этапа: систему управления, товарно-денежные отношения, налоговую и арендную систему, формы собственности, нормы и обычаи, связанные с семейно-родовой собственностью, внутреннюю и внешнюю политику, социальные отношения, семейно-брачное законодательство.³

Данное собрание согдийских рукописей принадлежит архиву правителя одного из самостоятельных владений Согда - Пенджикента

¹ Каримов И.А. Без исторической памяти нет будущего. Т.7. –Т.: Узбекистан, 1999. С.136.

² Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. М., 1981. С.347-368.

³ Согдийские документы с горы Муг (далее СДГМ). Вып. I. Фрейман А.А. Описание, публикации и исследование документов с горы Муг; Вып. II. Юридические документы и письма. // Чтение, пер. и коммент. В.А.Лившица. М.: изд. вост. лит., 1962; Вып. III. Хозяйственные документы // Чтение, пер. и коммент. М.Н.Боголюбова и О.И.Смирновой. М.: изд. вост. лит., 1963.

(Панча) Деваштича (708-722г.г.), носившему в течение 720-722г.г. титул Согдийского царя и Самаркандского государя.¹

На основании документов высшую ступень государственной системы управления занимал ихшид (царь), верховный правитель Согда, который носил также титул господина Самарканда (хвабу, хвутау). Ответственным перед ним чиновником был фрамандар² Утг (лицо тюркского происхождения) – управляющий дворцовым хозяйством, ведавший поступлениями и выдачей сельскохозяйственной продукции, военного снаряжения, предметов ремесленного производства, контролировавший выполнение распоряжений Деваштича. Подчиненные ему лица обращаются к нему также, как и вассалы, правители отдельных селений к Деваштичу: «господину, государю, великому оплоту, фрамандару Утту» (док.А-6, А-1, Б-11, Б-13, Б-15).

Должность дапирпата, возглавлявшего делопроизводство в государственной канцелярии, была не менее значимой. Сохранившиеся документы свидетельствуют о четко отработанной и действовавшей системе канцелярской работы, в функции которой входило составление учетных документов, ведение хозяйственной и иной переписки, хранение документации. Расписки, распоряжения и документы, служащие «оправдательными» (часто встречающиеся указания в приказах «это письмо тебе следует иметь в качестве оправдательного документа («ответа») датировались, то есть указывались год правления царя, число и месяц. Документы серии «Расписки» - «равнозначные», составлены от первого или третьего лица, в двух или трех экземплярах, один из которых хранился у давшего расписку, другой у получившего, третий у фрамандара. Есть и такие, которые составлены в одном экземпляре и написаны от первого лица. Оригинал приказов правителя заверялся им и скреплялся «глиняной печатью» («подлинная», «знак доверия»). Следует отметить, что о наложении глиняной печати упоминается в текстах этих документов, например, в документе об аренде мельниц после перечисления имен свидетелей («и запечатан документ подлинной печатью»), в распоряжении царя фрамандару о выдаче вина («и запечатано это письмо царем Деваштичем и написана копия по приказу царя») и др. На буллах (следы печати) сохранилось изображение горного кабана и согдийская надпись «это письмо доверительное».³

¹ СДГМ. Вып. II. С. 57,140.

² Этимология звания фрамандар- «распорядитель», «повелитель», лицо, имеющее право отдавать приказания, представитель высшей знати.

³ СДГМ. Вып. II. С.54-55; см. также: Исхаков М.М., Мамарахимова Б.И. Согдийские документы, связанные с делопроизводством и ведением хозяйства. // Материалы Респ. науч. конф.»Узбекистон тарихи ва археология фанларининг долзарб муаммолари». Самарканд, 2003. С.50-57.

Кроме вышеназванных, функционировали должности: парвонак кирок (название звания чиновника третьей степени, который выполнял приказы высшей власти о поощрениях и наградах)¹; базкрам – сборщик налогов («сборщик баджа»), гопат также занимался финансовыми вопросами; собрание арспанов, возглавлявших селения, имело право совещательного голоса в государственном управлении; сельские старосты – катиабшивсе; магупат – главный жрец; абвузипат Вгашмарик, ответственный за процесс производства, сдачи и хранения кожевенной продукции; пардизпан – начальник парка; ахвирпат – начальник конношен; друпат – главный лекарь; видпат – начальник оросительного канала и т.д.²

Прослеживается регулярный контроль за действиями должностных лиц со стороны самого правителя. В ведомостях встречаются обращения друг к другу лиц, ответственных за доходы и расходы государственных хранилищ: «... государь приказывает составлять подробную ведомость», «... от государя доставлен такой приказ:»...найди овец! И, государь, сколько я здесь овец ни искал, ничего не нахожу»³. Государь резко упрекает в беспечности фрамандара за несвоевременное исполнение его распоряжения о выдаче нуждающимся жителям селений зерна, и тон его обращения отличается от других писем:

(1) От согдийского царя Деваштича фрамандару

(2) Утту – здравие. Тем (людям), относительно которых я тебе так приказываю: «Зерно (им)

(3) Выдай! – ты не выдаешь? Тогда тем, которым тебе не следует (выдавать),

(4) Ты выдашь? И, по слухам («по такому слуху»), ты очень уж беспечен...

(5) Ведь я тебе послал такое письмо? «О зрубнцах

(6) Позаботься, ты им должен выдать зерно, чтобы от голода

(7) Они не бедствовали». А сейчас они пришли и так

(8) Говорят: «Ничего мы не получили». И когда вот

(9) Это письмо получишь, выдай (им) 200 кафчей зерна.

От согдийского царя Деваштича фрамандару Утту.

V (1) А зерно («его») они все сами разделят между собой. И

(2) промедления не делай.⁴

Документ об аренде трех мельниц, принадлежащих лично Деваштичу, на один год со всеми вытекающими условиями арендной платы и последствиями за невыплату или несвоевременную выплату таковой, несоблюдение условий договора, в случае которого специальный

¹ Исхоков М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент: Фан, 1992. 53-бет.

² СДГМ. Вып. II.С.182-185.

³ Там же. С. 144-151.

⁴ СДГМ. Вып. II.С.132-138.

чиновник имел полное право взыскать арендную плату с арендатора, его сыновей или его рода (В-4); договор-соглашение о купле-продаже земельного участка между представителями двух семей с оговариванием состояния продаваемого участка, его цены, места расположения, гарантий для устранения возможных притязаний третьих лиц (В-8); извещение о денежной выплате годовичного налога за пользование мостом от имени сборщика податей и от имени «пенджикентского народа» (свидетельство высокой социальной значимости общественности) – тархану (один из чиновников), запечатанное глиняной печатью (А-13); брачный контракт между согдианкой Дугдгунчой и тюрком знатного происхождения Уттакином, составленный в «Доме законоположений» с перечислением всех прав и обязанностей жениха и невесты с момента заключения брака, необходимых условий их совместного проживания, разрешения спорных вопросов, связанных с разделом собственного и приобретенного совместно имущества в случае возможного расторжения их брака (Nov.3-4), сводная запись о денежных расходах – выдачах государственным служащим, работникам по найму (А-5), хозяйственные ведомости, расписки, письма, распоряжения – все они в целом характеризуют нормы и традиции, связанные с государственной, семейно-родовой собственностью, юридически закрепленные государством и следование которым контролировалось согласно законоположению.¹

Особый интерес представляет документ А-14² – донесение гонца Фатуфарна, посланного в Чач (Ташкент), Фергану и к восточнотюркскому кагану со специальной миссией – вручить в Чаче письма и устные донесения тудуну и «помощнику», встретиться или установить связь с ферганским царем и каганом и доставить им послания Деваштича, который внимательно следил за событиями не только в Согде, но и в Чаче и Фергане, правителей которых он рассматривал в качестве союзников. В это время тудун Чача был Мохэду, его ставка находилась в столице Чач (Бинкет). «Помощник», безусловно, был одним из высших чинов чачской администрации, судя по письму, находился в какой-то зависимости от Деваштича.

В политике Деваштича с 720-721 гг. наступил новый поворот, когда он стал одним из наиболее активных участников антиарабского движения согдийцев. В свете дипломатической переписки Деваштича с ферганским царем, правителями соседних областей, мы вправе говорить о большой роли Деваштича не только в политических событиях 721-722 гг., но и в

¹ СДГМ. Вып. II. С.57-62; 181-185; также см.: Мамарахимова Б.И. Из истории хозяйственных отношений Согда раннего средневековья//Востоковедение. 2004, № 1. С.102-110; Нормы и обычаи, связанные с семейно-родовой собственностью в Согде VII-VIII веках по письменным документам с горы Муг. //Востоковедение.2004, № 2.С.124-129.

² СДГМ. Вып. II.С.77-91.

предшествующие годы. Хозяйственные документы отражают его заботу и предпринятые меры по сбору и сохранению продовольственных запасов, военного снаряжения, их нормированном распределении, обеспечении наиболее нуждающихся слоев населения для поддержания духовной и физической стойкости своего народа. Деваштич предстает перед нами как дальновидный политик, искусный дипломат, заботившийся о свободе Родины и благополучии народа.

Таким образом, в мугском собрании представленная нами форма административного управления имеет многовековые корни и характеризует один из важных этапов истории государственности в Узбекистане.

Б. Мамараҳимова

**Суғд ёзма ёдгорликлари Ўзбекистон давлатчилиги
тарихини ўрганиш манбаси сифатида**

Мақолада Муг тоғи суғд ёзма ҳужжатлари асосида илк ўрта асрлар Суғди давлатчилиги бошқарув тизимининг лавозимлари иерархияси ва институтлари Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик тарихининг бир босқичи сифатида таҳлил этилган.

B. Mamarahimova

**Sogdian written examples as sources in
investigation of Uzbekistan statehood**

In the article is analyzed on the basis of sogdian documents from Mug mountain that sogdian institutes of governing system and post hierarchies in Earlier Middle ages, were one of stages the history of state system in the territory of Uzbekistan.

А.А. Бийқузиёв

**Ўзбекистон Миллий университети аспиранти
Қанг давлатининг ижтимоий-иқтисодий
ва сиёсий ривожланиши тарихидан**

Қатта Юе-чжи қабилаларининг Ўрта Осиёга кириб келиши ва сак қабилаларининг айрим гуруҳларини ўз ерларидан сиқиб чиқарилиши Қанг давлатини пайдо бўлиши ва ривожланиши учун замин яратди. Милоддан олдинги III аср охири милодий II аср ўрталаригача Марказий Осиёда бўлган этник жараёнлар ушбу давлатни юзага келиши ва шаклланиши учун керакли шарт-шароитларни яратган эди.¹

¹ Н.Я.Бичурин. Собрание сведении о народах, обитавший в Средний Азии в древние времена. II том. М,1950, Б.А.Литвинский. Кангюско-Сарматский фарн. Д.1968 , И.В.Пянков. Средняя Азия в античной географической традиции. М. 1997 , Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т., 2001, А.М.Хазанов. Кочевники и внешний мир. Алматы. 2000 ,Е.И.Кычанов. Кочевые государства от гуннов до маньчжуров. М. 1997.

Ўрта Осиёда кўчманчилар томонидан тузилган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва шаклланиш жараёнлари минтақадаги вазиятни янги босқичга кўтарди.

Қанғ давлати ва хусусан, қадимги Ўрта Осиё давлатлари таркибида яшаган кўчманчи ва ўтроқ аҳоли ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар, Қанғга чегарадош бўлган Кушон, Хунн, Хань, Парфия салтанатлари ўртасидаги ички ва ташқи муносабатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатган эди.

Қанғ ҳақидаги дастлабки маълумотлар қадимги Хитой солномалари “Ханьшу”, “Хоуханшу”, “Шицзи”ларда тилга олинади. “Кангюй Довондан 2000-ли шимоли-ғарбда жойлашган. У кўчманчилар мулки бўлиб, юечжиларга ўхшаш; 90 мингга яқин қўшинга эга”¹ – деб Хитой солномаси “Шицзи”да тилга олинади.

Қанғарлар Яксарт дарёси бўйларида яшаётган сак халқлари таркибидаги қабилавий иттифоқлардан бири бўлган, бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Яксарт (юнон транскрипциясида “Силис”), Сугдиёнани саклардан ажратиб турган². Маълумки дарё кўчманчилар учун хар доим жиддий географик тўсиқ вазифасини бажарган. Аммо худуддаги сиёсий вазиятнинг ўзгариб бориши дарёнинг чегара вазифасини бажармай кўйишга олиб келар эди. Сирдарё бўйларида яшаган сакларнинг араик, жануброқда номаск, сагараук ва Окс дарёсига яқинларида Доваба шаҳрига эга бўлган рибийлар истикомат қилганлар³. Аммо милоддан олдинги III аср охири - II аср бошларига қадар Икки дарё оралиғида содир бўлган тарихий жараёни ёзма манбаларнинг (яъни антик дунё тарихчилари ва Хитой тарихчилари ёзиб қолдирган маълумотлар) камлиги, бир-бирига зид ва қарама-қаршилиги юқорида кўрсатилган муаммони ёритишда қийинчилик туғдиради. Айниқса юнон тарихчилари ўз асарларида ўлкада жой номларини ва халқларнинг номланишларини жуда чалқаш келтирганлар. Бу ҳолатни қадимги Хитой солномаларида ҳам кузатишимиз мумкин.

Қадим Окс ва Яксарт оралиғида саклардан ташқари ят, тохар, аугал, аристей қабилалари ҳам яшаганликларини антик тарихчилар алоҳида таъкидлайдилар. Уларнинг келиб чиқиши, қайси худудни эгаллаб яшаганлиги, ижтимоий-сиёсий тизими ҳақида маълумотлар жуда кам.

К.Шониёзов фикрига суянадиган бўлсак, сак халқлари таркибидаги кўчманчи уруғ қабилалар ўртасидаги келишмовчиликлар уларни кучини қирққан. Юе-чжилар кўчиши пайтида сак халқлари ягона кучга эга эмас эдилар. Қанғарлар томонидан таъқиб қилиниб келинаётган сакдрауклар

¹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II. М., 1950. С. 150.

² Пьянков И.В. Средняя Азия в античной географической традиции. М., 1997. С. 243-245.

³ Ўша ерда. 272. б.

Суғдиёна ташлаб, Амударёни кечиб, Маре воҳаси орқали Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбидаги, ҳозирги Сеистон вилоятига бориб ўрнашадилар. Шундан кейин икки азим дарё (Аму ва Сирдарё) оралигидаги ерлар сиёсий жиҳатдан юе-чжилар (тохарлар) ва қанғарлар ўртасида бўлинади. Ассианлар ҳам бу ерларга келиб ўрнашган бўлсалар ҳамки, аммо улар сиёсий ҳаётга аралашмайдилар⁴.

Қадимги Рим географлари ва тарихчиси, лашкарбоши Випсаний Агриппа (мил. авв. 63-12 йй) Ўрта Осиёни “ички ҳудудлар” сифатида тилга олади. У “Ички ҳудудларда турли хил қабилалар жойлашган: кандарлар, париянлар, бактирлар, суғдийлар, фармокотрафлар, хомарлар, хаоманлар, пропанисадлар, дахлар скифлардан ва скиф чўлларидан юқорида жойлашганлар”⁵. Хулоса қилиб айтганда, қанғарларнинг Икки дарё оралигидаги қайси ҳудудда дастлаб истиқомат қилганликлари ҳақидаги фикрлар бир-бирига зид.

Милоддан аввалги II-I асрларда Қанғ давлати таркибидаги қабилалар бир-бири билан яқинлашиши, жипслашиш жараёнини кечираётган эдилар. Ана шу жараён натижасида баъзи кўчманчи қабилалар ёки уларнинг айрим қисмлари ўтроқлашиб қишлоқ ва шаҳарларда яшайдилар⁶.

Экологик омил чорвачилик хўжалигининг емирилишига асосий сабабларидан бири бўлган. Кўчманчи чорвачилик ва деҳқончилик бир-бирига қарама-қарши бўлган ҳудудларда ривожланиши мумкин эди. Ерга хусусий мулкчилик ҳиссининг ўсиши ўтроқлашиш жараёнининг ўсиши билан боғлиқ эди⁷. Экологик вазиятнинг ўзгариши кўчманчилар жамиятидаги аҳолининг камбағал қисмини табиий равишда ўтроқлашувига олиб келди. Аҳолининг мулкдор қатламлари эса (яъни элита) кўчманчи чорвачилиқдан воз кечмай, аънанавий турмуш тарзини давом эттирдилар. Юқоридаги фикрларга суянган ҳолда, Қанғ давлати тўлиқ кўчманчилар конфедерациясига ўхшаш давлат дея олмаймиз. Зеро, унинг худудида ўтроқ зоналар ҳозирги Тошкент вилояти ҳамда Арис дарёси бўйлари ва қолаверса, Қанғ ва Кушонлар ўртасидаги буфер ҳудуд бўлган Суғднинг айрим ерларида деқончиликка асосланган аҳоли яшар эди.

Кўчманчилар томонидан ўтроқ аҳолини бўйсундириш тизими асосан деҳқончилик зоналарини, ёки шаҳарларини вассал ҳудудга айлантириш ва бошқа шаклда қарам қилиш усулларидан фойдаланилган. Одатда номадлар томонидан қарам қилинган ерларда маъмурий бошқарув нисбатан соддароқ олиб борилганлар. Аммо ассимиляция натижасида бошқарув мураккаблашиб расмиятчилик шаклини олабошлар эди. Қанғарлар

⁴ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т., 2001. 122, б.

⁵ Пьянков И.В. Средняя Азия в Античной географической традиции. М., 1997. С. 172.

⁶ Шониёзов К. . Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т., 2001. 123, б.

⁷ Хазанов А.М. Кочевники и внешний мир. Алматы, 2000 С. 325.

томонидан дашт ва ўтроқ аҳоли яшайдиган ҳудудларда тузилган бошқарув тизими эволюцион йўл билан ривожланиб борган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Вассаллик тизимининг кўчманчи чорвадорлар учун унумли натижаларини, фақатгина номадлар ва ўтроқ аҳолининг алоҳида экологик зоналарда яшаганларидагина кўришимиз мумкин. Ижтимоий тараққиётнинг икки хил иқтисодий йўналиши ўртасидаги муносабатлар, энг аввало моддий манфаатларга таянар эди. Айрим ҳолларда ўтроқ аҳоли ўз давлатчилигини сақлаб қолган ҳолда кўчманчиларга бўйсунган. Баъзи вазиятларда чорвадор номадлар ва ўтроқ ҳудудлардаги аҳоли ҳам битта давлат таркибида бўлган. Барча шароитда улар ўртасидаги чекланган интеграция асосан сиёсий доираларда ўз аксини топган. Улар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар қанчалик яқин бўлмасин, жамиятнинг тараққиёт ўзагига қанчалик таъсир қилмасин, бу икки йўналиш ягона шаклга келиши учун қанча вақт кераклигини тасаввур қилиш қийин. Ҳатто-ки, ўтроқ аҳолини вассалликка тушиб қолиш жараёни, кўчманчилар давлатида ички ўзгаришларни юзага келтирган. Масалан, Кушон ва Қанғ давлатларига қарашли бўлган ерларидаги сиёсатига назар ташласак, бу ҳолатни бевосита кузатишимиз мумкин.

Ассимиляция жараёни фақатгина кўчманчилар давлатини ховотирга солган деб айта олмаймиз, зеро марказлашган давлатларни ҳам бу муаммо ўзига жалб этган. Мисол учун қадимги Хитой тарихчиси Бан Гу хуннларни Хан империяси таркибига киритилиши мамлакатга зиён келтиради деб айтиб ўтган.¹ Аммо Қанғ хуннлардан фарқли ўлароқ турли хил этник таркибига эга бўлган қабилавий иттифоқ шаклидаги конфедератив давлатни ташкил этар эди. Милодий I асрда Қанғ давлати кучайиб Лю, Яньцай ва Янь давлатларини босиб олади.² Янь ҳудуди Урал бўйи сарматлари ерларига тўғри келса, Яньцай ўлкаси эса ҳозирги шарқий Орол бўйларини ўз ичига олар эди.

Милодий I асрларга келиб Қанғ давлати таркибидаги шарқий эроний тилли қабилалар, шарқдан кириб келаётган туркий тилли янги этник гуруҳлар таъсирига туша бошлайди. Таниқли олимлар Б.А.Литвинский, С.Г. Кляшторный ва Е.Пуллейблэнк фикрларига қўшилиб, Қанғ давлатининг аҳолисини аксарияти даслаб шарқий эроний тилда сўзлашувчилар бўлганлигини таъкидлайди.³ А.Н.Подушкин Культобедан (Жанубий Қозоғистон) топилган эпитафик манбаларга таяниб Қанғ давлатида шарқий эрон тилли (суғд тили) ишлатилганини кўрсатиб ўтади.⁴

¹ Гумилев Л.Н. Тысячелетие вокруг Каспия. Санкт-Петербург, 2002, С. 137.

² Зуев Ю. Самато-аланы Приуралья. (Яньцай/Абзойя). // Культура кочевников на рубеже веков (XIX-XX, XX-XXI вв) материалы международной конференции Алматы, 1995. С. 39-40.

³ Литвинский Б.А. Кангоско-сарматский фарн. Д., 1968. С. 18.

⁴ Подушкин А.Н. Уникальные эпиграфические артефакты городища Культобе. // Актуальные проблемы исторических дисциплин в системе образования Казахстана. Шымкент. 2008. С 15.

Аммо Қанғнинг кўчманчи чорвадор аҳолиси қайси тилда сўзлашганли ҳақида ёзма ва археологик материалларлар бир-бирига қарама-қарши маълумотларни келтиради.

Демак, Сўғднинг маданий таъсири милодий II асрда бу Қанғнинг ўтроқ деҳқончилик худудларида (яъни Сирдарё ва Арис бўйларида) кучли бўлганини кўришимиз мумкин. Кўчманчи човадорлар ва зироаткорлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар узлуксиз давом этган.

A.A. Biykuziev

Some thoughts on social-economic and political history of the state of Qanguy

In the article the history of development the Qanguy states during an antique epoch in sociopolitical and cultural aspect is examined. It is analysed interference nomadic and settled population of this state and the basic theoretical aspects of the given problem are revealed.

A. A. Бийкузиев

Из социально-экономического и политического развития государства Кангюй

В статье рассмотрена история развития кангюйского государства в античную эпоху в социально-политическом и культурном аспекте. Проанализировано взаимовлияние кочевого и оседлого населения этого государства и выявлены основные теоретические аспекты данной проблемы.

M.M. Хатамова

Тошкент Давлат педагогика университетини аспиранти

Ижтимоий мураккаблик концепцияси ва кўчманчи жамиятлар

Илк жамият уюшмаси пайдо бўлганидан бери уни ўрганиш турли соҳа вакилларининг доимо диққат марказида бўлиб келган. Ҳозирда бу масалада турли хил ёндошув ва назариялар мавжуд бўлиб, улардан бири жамиятнинг ижтимоий ва маданий мураккаблиги концепциясидир. Ўтган асрнинг 50-60-йилларида Европа ва Америкада қадимги жамиятларнинг ташкилотларини ўрганишда маданий антропология йўналишида кўпгина ишлар амалга оширилди. Хусусан, америкалик антрополог Ж. Стюард ижтимоий ва маданий интеграция назариясини таклиф қилиб, унда давлатгача бўлган барча жамиятлар мураккаблик даражасининг ошиб боришига кўра тараккий этиб борганлиги масаласи илгари сурилган эди¹. Шу тариқа шаклланган жамиятнинг мураккаблик концепцияси Ғарб антропологиясининг кўпгина ижтимоий назарияларида марказий масалалардан бири ҳисобланади.

¹ Steward J. H. Theory of culture change. Urbana: University of Illinois Press, 1955.

Жамиятнинг мураккаблиги деганда, энг аввало, ижтимоий ташкилотнинг мураккаблиги назарда тутилади. Маълумки, жамиятга турли хил кичик тизимлар ва тузилмалардан ташкил топган бир яхлит тизим сифатида ёндашилади. Бундай тузилмаларга масалан, алоҳида хўжалик, ишлаб чиқариш ташкилоти, сиёсий уюшма, турли синф ва табақалар, қишлоқ, туман кабилар кириши мумкин. Мураккаблик ана шу тузилмалар орасидаги функционал фарқланиш (дифференциация) билан белгиланади. Бундай қисмлар қанча кўп ва хилма-хил бўлса, жамият шунчалик мураккаб бўлиб боради¹.

Ҳар қандай давлатда, ҳатто, у унча катта бўлмаса ҳам, доим ишлаб чиқаришга ихтисослашган гуруҳлар, маъмурий бошқарув, армия, диний соҳа хизматчилар каби кўплаб бошқа ижтимоий жамоалар мавжуд бўлади. Ўз вазифаларига кўра, улар ҳар-хил ва турли мақсадлар юзасидан ҳаракат қиладилар. Шу тарика жамоада маълум бир иерархия шаклланади. Агар ўтроқ жамият бўлса, унда иерархиянинг бир қанча даражасини кўриш мумкин: уй хўжалиги, қишлоқ, округ, марказ. Борди-ю, бу жамият чорвадорларники бўлса, у ҳолда, иерархия кондошлик асосидаги уруғчилик ёки конуссимон уруғ-аймоқчилик тизими билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Умуман, горизонтал ўқ тарзида бўлган ижтимоий мураккаблик, вертикал тарздаги бир қанча иерархик даражаларни ҳам ўзида мужассамлаштиради. Ушбу концепция кўп маротаба танқидга учраган бўлишига қарамай, ҳалигача ундан Европа ва Америка олимлари ижтимоий тараққиётнинг ўсишини ўрганишда кенг фойдаланадилар².

Ж. Мёрдок раҳбарлигида америкалик олимлар Ер юзидаги барча ўтмишдаги ва ҳозирда мавжуд бўлган 186 та жамият учун улкан маълумотлар базасини яратишган³. Ж. Мёрдок К. Провост билан ҳаммуаллифликда мураккаб жамиятнинг критерияларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилганлар. Улар дунёдаги 186 та жамият учун маданий мураккаблик нуқтаи назаридан 10 та критерияни белгилаб олганлар⁴. Ҳар бир критерия муаллифлар томонидан 0 дан 4 баллгача баҳоланиши мумкин. Мана шу критериялар асосида россиялик полиантрополог ва номодолог Н.Н. Крадин Евросиё минтақасининг кўчманчи жамиятлари учун бошқа бир жадвал ишлаб чиққан⁵ (*жадвалга қаранг*).

¹ Корякова Л.Н. Археология раннего железного века Евразии. Екатеринбург, 2000.

² Tainter J. The Collapse of Complex Societies. Cambridge: Cambridge University Press, 1988, p. 127-135. Цит. по Корякова Л.Н. Археология раннего железного века Евразии. Екатеринбург, 2000.

³ Murdock G.P. Ethnographic Atlas. Pittsburgh: The University of Pittsburgh press, 1967. 1981 йилда қайта нашр этилган.

⁴ Murdock G., Provost C. Measurment of Cultural Complexity // Ethnology, vol. 12 (4). 1972, p. 383-389.

⁵ Крадин Н.Н. Комплексные общества кочевников в кросс-культурной перспективе // В кн.: Монголы и кочевой мир. Улан-Удэ: Изд-во БНЦ СО РАН, 2004, с. 20-49; ўша муаллиф.

Ушбу жадвални муҳокама қилишдан аввал¹, Н.Н. Крадин уни тузаётганда қайси манба ва адабиётларга суянганлигини кўриб чиқсак. Евросиёнинг 8 та кўчманчи империяларидан хунлар бўйича ўз тадқиқотларига суянган муаллиф² қолган империялар бўйича ўз таҳлилини бошқа тадқиқотчиларнинг асарлари асосида ўтказган. Таъкидлаш жоизки, уларнинг ичидан Т. Барфилд, П.Б. Голден, Е.И. Кычанов, С.Г. Кляшторный ва Т.И. Султановларнинг ишлари Евросиёнинг бутун кўчманчи империяларини яхлит қамраб олган умумлашма тадқиқот ишларидир³. Бу ишлар албатта ўзининг катта илмий аҳамиятига эга бўлиши билан бирга географик ва хронологик жиҳатдан катталиги сабабли уларда кўп масалалар назардан четда қолган. Шунинг учун ҳам, бундай тадқиқотлар одатда жамоа меҳнатини талаб этиб, И.Д. Ковальченко таъкидлаганидек, фан ривожини кенгайтиради-ю, унинг ички ривожланишининг вазибаларини тўла ечиб бера олмайди⁴.

Кўчманчи империяларнинг мураккаблик даражаси (Н.Н. Крадинга кўра)⁵

№		Р	187	189	190	191	192	193	194	195
	Критериялар		хун	сян би	жуан - жуан	турк	уйғур	кидан (Ляо)	мўғул 1206	Олтин Ўрда
1	Ёзув ва ёзишмалар	Е	1	2	3	4	4	4	3	3
2	Ўтроқлик даражаси	Е	0	0	0	0	0	3	0	2
3	Дехқончилик	Е	1	1	1	0	1	3	1	2
4	Урбанизация	Е	0	0	0	0	0	3	0	0
5	Технологик ишлаб чиқариш	Е	4	4	4	4	4	4	4	4

Археологические признаки цивилизации // В кн.: Раннее государство, его альтернативы и аналоги. Волгоград, 2006, с. 184-210; ўша муаллиф. Cultural complexity of Pastoral Nomads // World cultures, 15. 2006, p. 171-189

¹ Ушбу жадвалдаги 8 та давлатнинг ҳаммасини муҳокама қилмасдан, фақат Турк хоқонлиги билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилсак. Чунки тадқиқотимиз бевосита шу давлат билан боғлиқ, қолаверса, ҳар бир тадқиқотчи ўзи шуғулланаётган соҳаси хусусида фикр юритгани маъқул. Жадвалдаги бошқа давлатлар ҳақида бошқа мутахассислар шуғулландилар деган умиддамиз.

² Н.Н. Крадин Хун империяси ва жамияти бўйича мутахассис ҳисобланади.

³ Barfield T. The Perilous Frontier: Nomadic Empires and China, 221 BC to AD 1757. Cambridge: Blackwell, 1989; Golden P.B. An Introduction to the History of the Turkic Peoples. Wiesbaden, 1992; Кычанов Е.И. Кочевые государства от гунов до маньчжуров. М.: Вост. лит., 1997; Кляшторный С.Г., Султанов Т.И. Государство и народы Евразийских степей. Древность и средневековье. СПб., 2000.

⁴ Ковальченко И.Д. Методы исторического исследования. М., 1987, с. 212.

⁵ Kradin N.N. Cultural complexity of Pastoral Nomads // World cultures, 15. 2006, p. 171-189.

6	Транспорт	Е	3	3	3	3	3	3	3	3
7	Пул	Е	1	1	1	1	1	4	1	4
8	Аҳоли зичлиги	Е	1	1	1	1	1	3	0	1
9	Сиёсий интеграция	Е	4	4	4	4	4	4	4	4
10	Социал стратификация	Е	2	1	2	2	2	4	2	4
	Жами		17	17	19	19	20	35	18	25

Е – Евросиё минтақаси

галда ўтроқ турмуш тарзи, деҳқончилик ва урбанизация масалаларининг қандай баҳоланганлиги билан қизиқдим, бироқ ўзим кутган жавобни ола олмадим.

Умуман, Ж. Мёрдок, К. Провост ҳамда Н.Н. Крадинлар ўз тадқиқотларида энг муҳим масалани унутган кўринадилар. Маълумки, Марказий Евросиёдаги тарихий жараёнларни ёритишда тадқиқотчилар доим ундаги давлатларни қиёсий солиштирган ҳолда ўрганишга ҳаракат қиладилар. Албатта, бу ўзининг кўп томонлама ижобий натижаларини бермоқда. Масалан, Турк хоқонлиги билан боғлиқ сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий жараёнларни ёритишда кўпчилик олимлар асосан хун, турк ва мўғуллар даврини қиёсий равишда ўрганадилар. Уларнинг ўзaro ўхшаш ва албатта, фақат ўзигагина хос бўлган жиҳатларининг таҳлили хоқонлик тарихи билан боғлиқ айрим масалалар хусусида аниқроқ хулосалар чиқариш имконини беради. Шу билан бирга, маълум бир даврда мавжуд бўлган давлат ёки халқни ўзидан аввалги ёки кейинги давлат билан солиштириш жараёнида ҳар доим бир нарсани ёдда тутиш керак. Бунда аъналар меросийлиги билан бирга эволюцион тараққиёт ҳамда орадаги асрларга тенг вақтни ҳисобга олиш ва бу давлат уюшмаларининг тарихий-маданий ва сиёсий жараёнларини бошқа бири билан айнан бир деб қарашдан қочиш керак.

Шу ўринда россиялик тадқиқотчи С.А. Васютиннинг ишига ҳам тўхталиб ўтсак¹. Муаллиф ўз мақоласида Ж. Мёрдок ва К. Провостларнинг критериялари асосида турк ва мўғул давлатларини ўзaro солиштиради. Тадқиқот натижасида муаллиф Мўғул империясига 18, Турк хоқонлигига эса 17 балл бериб, 1206 йилдан 1271 йилгача бўлган даврда Мўғул империяси тараққиётида ўсиш (динамика) кузатилгани ҳолда, 552 йилдан

¹ Васютин С.А. Монгольская империя как особая форма ранней государственности? (к дискуссии о политических системах кочевых империй) // Монгольская империя и кочевой мир. Улан-Удэ: Изд-во БНЦ СО РАН, 2004, с. 269-287; его же. Кочевые империи в культурном сравнении // Материалы конф-и Кемеровский государственный университет. Новосибирск, 2004.

то 603 йилгача Турк хоқонлигида амалда ҳеч қандай ўсиш кузатилмайди деган хулосага келади. Бироқ унинг ушбу хулосасини маъқуллаб бўлмайди. Сабаби, ҳар иккала давлат учун белгиланган давр оралигида тафовут бор. Муаллиф Турк хоқонлигини 603 йилда иккига бўлиниб кетганлиги билан чегаралайди, аслида, хоқонлик амалда то 745 йилгача давлат сифатида мавжуд бўлган. Шунингдек, муаллиф фақат хоқонликнинг шарқий ҳудудини назарда тутиб, унинг ғарбий қисimini инобатга олмаган. Энди яна бошқа бир ҳолатга эътибор қаратсак. Н.Н. Крадиннинг жадвалида табиий географик шароит, иқтисодиёт каби хусусиятларнинг бирлиги ҳисобга олинмаган. Маълумки, тарихий-қиёсий ёндошув ва аналогия принципining қўлланилиши солиштирилаётган ходисаларнинг бир хиллигини талаб этади¹. Муаллиф қуйидаги 2 та ҳолатни ҳисобга олмаганлиги учун ҳам юқоридаги жадвал, назаримизда, у қадар асосланарли чиқмаган. *Биринчидан*, тадқиқотчилар одатда, Евросиё даштларидаги турли уюшмаларни “*қўчманчи давлат*” каби умумлашма ном билан атайдилар. Бироқ скифлардан бошлаб то Олтин Ўрдагача бўлган давлат уюшмаларининг ҳаммаси ҳам йирик давлат уюшмаси ёки империя мақомида бўлавермаган.

Империя, Н.Н. Крадиннинг ўзи жуда тўғри таъкидлаганидек, ўз таркибида улкан ҳудудлар, бўйсунувчи ёки мустамлака ўлкаларнинг мавжуд бўлиши билан бошқа давлат шаклларида фарқланади². Шундай экан, жадвалда келтирилган 8 та давлатдан империя мақомига, бизнингча, қолаверса, бошқа олимларнинг хулосаларига кўра ҳам, хун, турк ва мўғулларгина эга бўлиши мумкин³. Айнан мана шу уч империя Евросиёнинг катта ҳудудини қамраб олган ва кўплаб қабила уюшмалари ҳамда давлатларни ўз қўллари остида бирлаштирган йирик сиёсий тузилмалар, яъни империялар бўлган. Тўғри, уларнинг ҳудудий чегаралари бир-бириникидан фарқ қилган, лекин бошқа давлат уюшмаларига нисбатан уларнинг ҳудудлари анчагина улкан масофаларга чўзилганлиги билан ажралиб турган. Шунинг учун бўлса керак, В.В. Трепавлов мўғул давлатчилиги аъёнларининг меросийлигини ёритишда айнан хун, турк ва мўғул империяларини танлаб олган эди⁴. Бу билан биз Евросиёдаги бошқа давлатларнинг ролини камситиш ёки инкор этиш ниятида эмасмиз, аксинча, сяньби ва жуанжуанлар хунлар ҳамда турклар ўртасида воситачилик ролини бажарган. Яъни, хунларнинг барча аъёнлари улар орқали Турк хоқонлигигача етиб келган. Ўз навбатида, турклар уларни янада такомиллаштириб, Уйғур, Кидан каби давлатлар орқали мўғулларгача етказган.

¹ Ковальченко И.Д. Методы исторического..., с. 33.

² Крадин Н. Н. Кочевые империи: генезис, расцвет, упадок // Восток, 5. М., 2001, с. 21.

³ Муаллифнинг ўзи ҳам Биринчи Турк хоқонлиги Евросиёнинг биринчи хақиқий империяси бўлган деб таъкидлаган. Крадин Н.Н. Кочевники, мир-империи и социальная эволюция // В кн.: Альтернативные пути к цивилизации. М.: Логос, 2000, с. 327.

⁴ Трепавлов В.В. Государственный строй Монгольский империи XIII в. М., 1993.

Н.Н. Крадин кўчманчи империяларнинг тахлили деб таъкидлагани ҳолда, уларнинг орасига империя даражасигача чиқа олмаган давлат уюшмалари (сянби, жуажуан кабилар)ни ҳам киритиб юборган.

Иккинчидан, Кидан Ляо империяси бу ҳақиқий кўчманчи империя эмас, аксинча, ўтроқлашган империядир. Ундаги барча иқтисодий-маданий жараёнлар хитойликларнинг қаттиқ таъсири остида юз берган¹. Уни хун, сяньби, мўғуллар билан солиштириб бўлмайди. Қолаверса, Олтин Ўрда ҳам табиий-географик жиҳатдан Монголия ҳудудларини эмас, балки кўпроқ ўтроқ хўжалик устувор бўлган ҳудудларни ўз ичига олганлиги билан бошқа давлатлардан фарқланади.

Яна шунга ҳам эътибор қаратиш керакки, юқорида кўриб ўтган С.А. Васютиннинг тадқиқотидаги ҳисоб-китобга кўра, туркларга нисбатан мўғуллар ривожланган бўлиб чиқаяпти. Бироқ Н.Н. Крадиннинг тахлили бунинг аксини кўрсатмоқда: турклар – 19, мўғуллар эса – 18 балл билан баҳоланган.

Умуман, бизнинг назаримизда, юқоридаги жадвалнинг айнан паст даражани кўрсатаётган критериялари кўчманчи жамиятлар учун тамомила тўғри келмайди. Ушбу критериялар иккита бир-бирига қарама-қарши бўлган антиподлардан иборатлиги учун ҳам уларни қўллаб бўлмайди: *ўтроқлик – кўчманчилик, деҳқончилик – чорвачилик, урбанизация – антиурбанизация, аҳоли зичлиги – аҳоли сийраклиги* (дисперсия). Бундай тафовутнинг сабаби, Ж. Мёрдок ва К. Провостлар ўз критерияларини бошданок кўчманчи жамиятлар учун ишлаб чиқмаганлигида бўлиб, лекин Н.Н. Крадин ўтроқ жамият учун ишлаб чиқилган ушбу критерияларни тўғридан-тўғри кўчманчи жамиятлар учун қўллаганлигидан натижа умуман бошқача чиққан.

Кўчманчи жамиятлар учун критериялар ишлаб чиқса бўладими деган савол туғилади, бироқ бундай критерияларга зарурат борми? *Биринчидан*, кўчманчи жамият доим ўтроқ, ўтроқ жамият эса, аксинча, доим кўчманчилар билан биргаликда битта ягона жамиятни ташкил этиб келганлар. Яъни, битта жамият ва давлатда, хатто, бир географик ҳудудда бир нечта хўжалик турлари комплекс тарзда олиб борилган. Хатто, асосий ҳудудини дашт зоналари ташкил этувчи Монголияда ҳам аҳолининг маълум қисми дарё бўйлари ва тоғ этакларида қадимданок деҳқончилик билан шуғулланиб, ўтроқ ва ярим ўтроқ ҳаёт кечирган². *Иккинчидан*, агар

¹ Викторова Л.Л. Кочевой уклад в Киданьской империи // Материалы по этнографии, вып. 1. Л., 1961; Крадин Н.Н. Династия Ляо как кочевая империя // История и культура Востока Азии. Мат. межд. конф., т. 1. Новосибирск, 2002, с. 80-83.

² Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Монголия ҳудудидаги ушбу ўтроқ аҳолини кўпчилик тадқиқотчилар хитойлик ёки суғдликлар бўлган деб биладилар. Бироқ ер деҳқончилик учун қулай бўлмаса, бунинг устига шу ҳудуд яқинида сув манбаи бўлмаса, ажодлари бир умр деҳқончилик билан шуғулланган ҳақиқий ўтроқ аҳоли ҳам бундай жойда деҳқончилик қила олмайди. Шундай экан, деҳқончилик билан фақат кўчиб борган бошқа халқлар эмас, балки

кўчманчи жамият учун алоҳида критериялар ишлаб чиқиладиган бўлса, у холда бошқа хўжалик маданий турлари (ХКТ) учун ҳам алоҳида критериялар яратиш керак бўлади. Шунинг учун ҳам, масалани ўтроқ-кўчманчи тарзида қарама-қарши қўйиш ноўрин. Охир-оқибат, Н.Н. Крадин кўпчилик бошқа тадқиқотчилар сингари кўчманчиларни ўтроқ назариядан келиб чиқиб ўрганиш тарафдорларидан бўлиб чиқаяпти.

Хуллас, юқоридагилар асосида иккита хулосага келишимиз мумкин: биринчидан, Ж. Мёрдок, К. Провост ва Н. Крадинларнинг тадқиқотларига ўхшаш 186 ёки 195 та жамиятни фақат 10 та критерия асосида кўриб чиқиб, якуний хулосага келиш жуда мушкул. Чунки бундай кенг кўламдаги тадқиқотлар бир томондан, жамоа томонидан амалга оширилишини талаб этса, бошқа томондан эса, улар асосида чиқариладиган хулосалар тўла ишончли эмас, фақат нисбий бўлиши мумкин. Умуман, яхлит катта тарихий жараёнлар хусусида маълум бир теоретик хулосаларга келиш ҳар доим ҳам қарама-қаршилик ва мунозараларга сабаб бўлиб келган.

Иккинчидан, ушбу критериялар гарчи шартли бўлса-да, маълум бир жамиятнинг иқтисодиёти, сиёсати, маданияти ва ижтимоий тузуми каби жамият даражасини кўрсатувчи асосий критериялар саналади. Шунинг учун ҳам, агар эътибор берилса, жамиятни ўрганишнинг ҳамма ёндашувлари (эволюцион, цивилизацион, мир-система каби)нинг асосида мана шу асосий критериялар ётади. Гуманитар соҳа олимлари ҳам айнан мана шу критериялар асосида у ёки бу масалани ёритиб беришга ҳаракат қиладилар. Шу боис ҳам, бирор жамиятнинг тараққиёт даражасини аниқлаш зарур бўлганида бошқа анъанавий ёндашувлар билан бир қаторда ушбу ёндошув ҳам қулай, ҳам қўйилган масаланинг деярли тўла очиб бера олиши билан аҳамиятлидир. Фақат, яна бир бор таъкидлаймиз, бирор-бир жамиятнинг ўзинигина ўрганишда бундай ёндошув ўзининг ижобий натижаларини бериши мумкин.

M.M. Khatamova

The concept of social complexity and nomadic societies

The concept of complexity – central item of many social theories in Europe anthropology. In this paper based on the research N.N. Kradin consider some problems with nomadic societies.

M.M. Хатамова

Концепция социальной сложности и кочевые общества

Концепция сложности – центральный пункт многих социальных теорий западной антропологии. В статье на основе исследования Н.Н.

шу ерда азалдан яшаб келаётган ва муҳитга адаптациялашган маҳаллий аҳолининг ўзи ҳам шуғулланганлигига шубҳа йўқ.

Крадина, рассмотрены некоторые вопросы, связанные с кочевыми обществами.

Х. М. Мамадалиев

ЎЗР ФА Тарих институти кичик илмий ходими

Х-ХII асрларда Бағдоддаги туркий маликалар

Туркийларнинг IX асрга келиб ислом жамиятидаги кучли таъсирга эга бўлишлари уларнинг Аббосийлар давридаги кучли сиёсий мавқеларининг кучайиб бориши билан боғлиқ. Халифалик маркази Бағдоддаги марказий бошқарув тизимида дастлаб кучли ҳарбий таъсирга эга бўлган туркийлар аста-секин сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳам етакчиликни ўз қўлларига олганлар ва араблар, форслар билан бир қаторда унинг учинчи йирик миллатига айланганлар. Бу жараён ўша давр илмий адабиётларида ўзининг муайян аксини топган. IX аср араб тилидаги манбаларда туркларнинг келиб чиқишини араблар билан айнанлаштириш, бу икки халқ этник келиб чиқишини бир деб тушуштиришга уринишлар ҳам кўзга ташланади.

Кўп араб муаллифлари бу даврда туркийлар мавзусини ёритишга катта аҳамият қаратганлар. Жумладан, Ибн Хурдодбех “Турклар, уларнинг мамлакатлари ва аҳволларини баён этишга мажбур қилган сабаблар ислом мамлакатларини ўраб олган ва уларга қўшни бўлган халқларни билишга интилишимиз шартидандир”¹ деб ёзган.

Муҳаммад пайғамбар замонидан бошлаб туркий аёллар ҳақида маълумотлар учрайди. Пайғамбарга яқин кишилардан бўлган Ёсирнинг аёли Ҳазрати Сумайя туркий илдизларга эга бўлган. Унинг асл исми Памук бўлиб, у туркий ўлкалардан жория қилиб олиб келинган. У ва турмуш ўртоғи кейинчалик ислом душманлари қўлида шахид бўлганлар².

Шунингдек, Сумайя билан бир қаторда Сурайж оиласида оиласидан чиққан Роика хонимни ҳам мисол келтириш мумкин. Бу оила пайғамбарлик давридан аввал Маккага келиб, пайғамбарнинг амакиси Абдулмуталлибнинг ўғли ал-Ҳарис химоясида яшаганлар, темирчилик билан шуғулланган, асосан қилич ясаб сотганлар³.

Аббосийлар инқилобидан кейин ислом динини қабул қилган араб бўлмаган халқлар мавқеи анча кучайди. Иккинчи Аббосий халифа ал-Мансур (754-775) давридаёқ халифаликдаги ноибларнинг деярли ярмини туркий ва эроний илдизларга эга шахслар ташкил этганлар⁴. Халифаликнинг янги пойтахти эски Парфиянинг пойтахти Ктесифон

¹ Ibn Khordadbeh, Abu-l-Kasim Obaydallah ibn Abdallah. Kitab al-masalik wa-l-mamalik. Ed. M.J.de Goeje. BGA, pars 6. Lugduni-Batavorum: E.J. Brill, 1967. – P. 261-263.

² Ўша асар.

³ Kitarçı Z. Mukaddes çevreler ve eski hilafet ülkelerinde Türk hatunları. Konya. 1995. – S. 37.

⁴ Фильштинский И.М. История арабской литературы. V – начало X вв. М., 1985.

ўрнида барпо этилган – Бағдод халифалик ҳаётида ажойиб воқеаси эди. У 762 йили халифа ал-Мансур томонидан қурилган. Ярим аср мобайнида унинг аҳолиси айрим маълумотларга кўра икки миллионгача ўсган¹. Ўз деворларидан аллақачон тўлиб тошиб чиқиб кетган “Мадинат ас-Салом” (“Тинчлик шаҳри”) деб аталган Бағдодда ал-Маъмун ҳокимиятга келгач, Гоголнинг таърифича, бу сиёсий пойтахтни маданият, санъат, яъни барча илҳом париларини ўзида жамлаган кучли марказга айлантира олди. Маъмун томонидан ҳар қандай илм соҳиби бу шаҳарда жуда илиқ кутиб олинган².

Аббосийлар даврида Бағдоддаги туркий маликаларнинг нуфузи анча ошиб кетади. Араб тарихчиси Ибн Бутлон “туркий аёллар жуда ҳам гўзал бўлиб, кўринишлари жиддийдир..... туркий аёллар тоза, зарифа ва виқорлидир. Уй тутиш ва кийимларнинг озодалиги бўйича бу аёлларнинг олдига тушадигани йўқдир”³ деб маълумот беради.

Халифа Хорун ар-Рашид (789-809) саройида туркий маликалардан Марожил Хотун катта обрўга эга бўлган. Кўп манбаларда унинг туркий илдизларга эга эканлиги ҳикоя қилинади⁴. X аср тарихчиси араб тарихчиси ал-Масъудий унинг Бадғисдан эканлигини қайд этган⁵. Ундан Абдуллоҳ исмли ўғил туғилиб, ал-Маъмун (813-833) етгинчи Аббосий халифа бўлган⁶. Ал-Мақдисийнинг маълумот беришича, Ал-Маъмуннинг онаси Бадғислик бўлиб, унинг исми Марожил бўлган, у Муҳаммадаминнинг (809-813) вафотидан кейин йигирма йил ҳукмронлик қилган ва вафот этганда 48 ёш бўлган ва 218 хижрий йилда (833 милодий) содир бўлган. Отаси уни бир нарса туфайли калтаклаганда “ал-раққоший”⁷ деб уни хижолат қилган⁸. Маъмун туркийларни маъмурий вазифаларга кенг тайинлай бошлаган. У туркийларни, қудратли, инсофли ва мустақил инсонлар сифатида кадрлаган⁹.

Яна Хорун ар-Рашид саройида катта таъсирга эга маликалардан Морида хонимни мисол келтириш мумкин. У халифа Муътасимнинг (асл исми Муҳаммад) (833-847) онаси бўлиб, аждодлари Самарқанд атрофларида яшаганлар¹⁰.

¹ Lombard M. L'Islam dans sa premiere grandeur (VIII-XI siecle). P. , 1971. – P. 137.

² Гоголь Н.В. Аль-Мамун (Историческая характеристика)// Гоголь Н.В. Собр. соч.: в 6 т. М., 1953. т. 6. – С. 61; Игнатенко. А.А. В поисках счастья. Москва. Мысль. – С. 36.

³ Kitapçı Z. Mukaddes – S. 50.

⁴ Ўша.

⁵ Ал-Масъудий. Ат-Танбех ва-л-Ишраф. Қоҳира. 1357 (х.й.). – Б. 302.

⁶ Ал-Масъудий... – Б. 302.

⁷ Рангли, чашишган, ола-була. Қаранг: Арабско-русский словарь. Т. 1. Ташкент. 1994. – С. 298.

⁸ Ал-Мақдисий. ал-Бадъ ва-т-тарих. – С. 113.

⁹ Kafesoglu İ. Türk milliyetçiliğinin meseleleri. Ankara. 1966. – S. 11.

¹⁰ Ал-Масъудий.... – Б. 305.

Ал-Муътасимнинг аёли ва ал-Мутаваккилнинг онаси Шужоъ хотун, Мутаазиднинг аёли ва ал-Муқтадирнинг онаси Шоғоб Хотун кабилар ҳам буюк туркий маликалар ҳисобланганлар¹. Шужо Хотун қисман Хорун ар-Рашид (789-809), турмуш ўртоғи Муътасим ва ўз ўғли Мутаваккил (847-861) ҳукмронлик пайтларида яшаган. Бу маликанинг ўзи ҳам номи ҳам ўз даврида ва ундан кейин ҳам чуқур эҳтиром ила тилга олинган².

Ибн Ҳазм, ат-Табарий ва “Тарих ал-Хамис” муаллифлари Шужоъ Хотуннинг туркий илдизга эга эканлигини эътироф этганлар. Ибн Ҳазм шунингдек, унинг Хоразм туркийларидан эканлигини қайд этган³. Ал-Масъудийнинг эса унинг Тохаристондан эканлигини хабар беради⁴.

Ат-Табарийнинг хабар беришича, Мусо б. Буға Жаъфарнинг (Халифа Мутаваккилнинг) холасининг ўғли бўлган⁵. Муътасимнинг буйруғига кўра туркий саркардалар фақатгина туркий жорияларга уйланганлар⁶. Ат-Табарий халифа лашкарбоши Зурафанинг ўғлини Ўтамишнинг қизи билан Ўтамишнинг қизини Зурафанинг ўғли билан уйлантирганлиги ва уларнинг маҳрини ўз ҳисобидан тўлаганлигини хабар беради⁷.

Ал-Муътазид даврида Чечак хотун, Сиймо ёхуд Қатрун Нидо Хотун, Саййида Шоғоб Хотун каби турк маликалари халифаликдаги энг таъсирли ва обрўли аёллардан бўлганлар⁸. Чечак хотун гўзаллиги тилларда дoston бўлган. Унинг гўзаллигини мадҳ этиб, шоирлар шеърлар ёзганлар.

Тулун Сомонийлардан Бухоро амири Нух ибн Асаднинг саройидаги хизматдаги туркийлардан бири бўлган. Ундаги жасурлик ва етукликни кўриб, амир уни ал-Маъмунга тақдим этган. Тулун сарой жорияси Ҳошийм билан уйлантирилган ва улардан Аҳмад б. Тулун туғилган. У Мисрдаги Тулунийлар сулоласи ҳукронлигига асос солган⁹.

Ал-Муътазид ва севгилиси туркий хоним Қатрун Нидо ўртасидаги ишқ ҳам катта дostonлар тўкилишига сабаб бўлган¹⁰.

Салжуқий султонлардан Маликшоҳнинг қизи Моҳ Малак халифа ал-Мухтадий биллаҳга (1074-1095) турмушга чиққан¹¹ ва ўз замонасининг жуда гўзал ва оқила маликаси сифатида катта обрў қозонган¹². Маҳмуд

¹ Кітапчі Z. Mukaddes..... – S. 53.

² Кітапчі Z. Mukaddes..... – S. 93.

³ Кітапчі Z. Mukaddes ... – S. 94.

⁴ Ал-Масъудий. Танбех..... – Б. 313.

⁵ Ат-Табарий, IX, 226.

⁶ Bibliotheca geographorum arabicorum. 7 pars. Al-Jakubi. Kitab al-buldan. Leiden, 1967. – Б. 259.

⁷ Ат-Табарий, IX, 226.

⁸ Кітапчі Z. Mukaddes ... – S. 136.

⁹ Кітапчі Z. Mukaddes ... – S. 141.

¹⁰ Ибн Ас-Соъий ал-Хозиний ал-Бағдодий. Нисо ул-хулафо. (Халифаларнинг аёллари). Доктор Мустафо Жавод таҳрири остида (араб тилида). Ал-Қоҳира. “Дор ал-маориф” нашриёти. 1993. – С. 104-105.

¹¹ Ибн Ас-Соъий ал-Хозиний ал-Бағдодий. Нисо ... – С. 108.

¹² Кітапчі Z. Abbasi hilafetinde selçuklu hatunları ve türk sultanları. Konya. 1994. – S. 53.

Кошғарийнинг “Девони луғот ат-турк” асари 476 йилнинг Жумода ас-соний ўйининг 12 кунда (27 октябрь 1083 йилда) ёзилган ва халифа ал-Мухтадий би амриллоҳ (467/1075-487/1094 йилларда хукмронлик қилган)га бағишланган ва унинг Салжуқий султон Маликшоҳнинг ва унинг хотини Туркон хотиннинг (475/1082) 18 ёшли қизига совчилигидан бошланган даври боғлиқлиги ҳам бор¹.

Шунингдек, араб халифаларининг салжуқийлар билан куда-андалик муносабатлари кейинги даврда ҳам давом этган. Абул Аббос Аҳмад ал-Мустазхир биллаҳ (1094-1118) салжуқий султони Маҳмуд Татарнинг (1105-1117) кизи Исмат хотун билан никоҳ қурган². Мустаршид биллаҳ (1118-1135) салжуқий султони Санжарнинг (1117-1157) кизи Амира хотун билан турмуш қуради. Салжуқийларнинг ўзларининг саройларида ҳам туркий маликалар катта обрў қозонганлар. Салжуқий султони Алп Арслон қорахоний Юсуф Қодирхоннинг кизи Шоҳ хотунга уйланган. Бу малика ўз замонасида оқиллиги ва тadbиркорлиги билан шухрат қозонган. Алп Арслоннинг ягона ўгли Маликшоҳ эса қорахоний Иброҳим Тамғачхоннинг кизи Туркон хотунга уйланади ва у Жалолийя хотун номи машҳур бўлган ва у султон Санжарнинг қорахитойларга қарши курашида ўнг қанот кўмондони бўлади ва ва кўп қахрамонликлар кўрсатади³.

Уммавийлардан фарқли тарзда Аббосийлар у қадар кучли истилочилик фаолиятини олиб бормаганлар. Маданий жиҳатдан араб-мусулмон, араб-христиан, сурёний-христиан, яҳудий, эроний-исломий, зардуштий ва бошқа маданият шакллари бир бирилари билан нисбатан осуда маданий алоқаларга эга эдилар⁴.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, IX аср араб тилидаги манбаларда туркларни араблар билан айнанлаштиришга уриниш, бу икки халқ этник келиб чиқишини бир деб тушунтиришга уринишлар ҳам кўзга ташланади. Аббосий ҳокимиятни ўз қўлларига олганларидан сўнг ноараб халқлар ҳуқуқлари арабларники билан тенглашган ва ноараблар (асосан туркийлар) кейинчалик мусулмон сиёсий саҳнасида асосий кучга айланганлар. Туркий аёллар ҳам бу сиёсий устунликни таъминлаш, сақлаш ва мустаҳкамлашда катта ўрин тутганлар. Маъмун, Муътасим каби туркий оналардан туғилган халифаларнинг хурмат тепасига келишлари ҳам туркийларнинг фойдасига хизмат қилган. Туркий маликалар ўзларининг оқилликлари, жасур, довюрак, шу билан бирга покиза ва юксак нафосат соҳиби эканликлари билан Яқин Шарқда машҳур бўлганлар. Саройда яшаган туркий маликалар илм-фан тараққиётига ва

¹ Халидов А.Б. Словари Исхака ал-Фараби и Махмуда ал-Кашгари. Институт Востоковедения АН СССР ЛО. 1987. - С . 16. www.orientalstudies.ru сайтдан олинди.

² Ибн Ас-Собий ал-Хозиний ал-Бағдодий. Нисо ... – С. 108.

³ Kitapçı Z. Abbasi hilafetinde – S. 26.

⁴ Игнатенко. А.А. В поисках счастья. Москва. Мысль. – С. 33.

бошқа хайрли ишларга ҳомийлик қилганлар. Шужоъ Хотун каби туркий маликаларнинг исми ва хайрли ишлари улар вафот этганларидан кейин ҳам кўп йиллар давомида чуқур хурмат ва эҳтиром билан тилга олинган.

H. Mamadaliev

The Turkic princesses in Baghdad in the 9th-12th centuries.

In the article is covered the role of Turkic elements on behalf of Turkic princesses in the social-political and cultural life of the caliphate, especially in its capital Baghdad. Such Turkic princesses as Marajil Hatun, Marida Hatun had the big influence during reign period of Kharun ar-rashid ((789-809). Marajil Hatun who was the mother of caliph Ma'mun (813-833) thanking to his activity Baghdad became and strengthened its own position as a big cultural and spiritual center of the mankind.

X. Мамадалиев

Тюркские принцессы в Багдаде в IX-XII вв.

В статье освещена роль тюркских элементов в лицах тюркских принцесс в культурно-политической жизни халифата, особенно в его столице Багдаде. Такие тюркские принцессы как Мараджил Хатун, Морида хатун имели большое влияние во время правления Харун ар-рашида ((789-809). Мараджид хатун является матерью халифа Маъмуна (813-833) благодаря его деятельности Багдад стал и укрепил свою позицию как большого культурного и духовного центра человечества.

Д. Дутураева

ЎзР ФА Тарих институти аспиранти

Қорахитой давлатининг гурхон-аёллари

1125 йили хозирги Хитой шимоли ва Мўғилистон худудидаги Кидан ёхуд Ляо империяси (907-1125) журженлар томонидан босиб олинган, ушбу худудда янги давлат, Цзинь империяси (1115-1234) ташкил топади. Журженларга бош эгишни истамаган бир неча киданлар Елюй Даши бошчилигида Марказий Осиё худудига йўл олиб, у ерда Қорахитойлар ёхуд Си Ляо (1125-1218) империясига асос соладилар¹. Қорахитойлар ўрта аср хитой тарихшунослари томонидан хитой сулола² сифатида ҳамда мусулмон манбаларида “кофир” сулола бўла туриб, Исломни мўғуллардан кўриқлаб турувчи девор³ сифатида тилга олинган ягона Марказий Осиё сулоласидир.

¹ Ушбу давлатнинг сиёсий тарихи бўйича батафсилроқ қаранг: Biran M. The Empire of the Qara Khitay in Eurasian History: Between China and the Islamic World. - Cambridge University Press, 2005

² Токто. Ляо ши (Ляо сулалесинин тарыхы) - Тарж. Жусаев К. Д. // Кыргыздардын жана Кыргызстандын тарыхый булактары. – Бишкек, 2003. - 2-том. - Б. 82-86

³ Mirkhwānd, Muḩammad ibn Khandshāh. Tārīkh-i ravzat aḩ-ḩafā. – Tehrān, 1960. – Gild. 5. – P. 71; Dhahabi, Shams ad-Din Muhammad b. Ahmad. Tarikh al-Islam. – Ed. Ma'ruf B. 'A. – Beirut,

1141 йили Қатван жангида қўлга киритилган ғалабадан сўнг маркази Боласағунда бўлган Қорахитойлар давлати шимолда Балқаш кўли, жанубда ҳозирги Афғонистон, ғарбда Орол денгизи, шарқда эса Шарқий Туркистон¹ ҳудудларини қамраб олган улкан ҳудудда ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Мўғуллар босқинига қадар Қорахитойлар давлати тепасида олтига гурхон² ҳукмронлик қилган. Шулардан икки нафари аёл киши бўлган. Булар, Қорахитойлар давлатининг асосчиси Елюй Дашининг (1124-1143) рафиқаси Сяо Табуян (1143-1150) ва қизи Елюй Пусуван (1163-1178).

“Ляо ши”да келтирилишича, Елюй Даши вафот этгач, унинг ўғли Елюй Йили ҳали кичик ёшда бўлгани учун регент сифатида ҳокимиятни Дашининг рафиқаси Сяо Табуян бошқаради³. Рашидиддин бўйича, Даши вафот этганда унинг ўғли 8 ёшда бўлган⁴. “Ляо ши”дан фарқли ўларок мусулмон манбаларида Табуян тўлақонли ҳукмдор сифатида тилга олинади. Масалан, Мирхонд Табуянни “Хон” ва “Фармо-и фармон” унвонлари билан атайди⁵. Жувайний бу аёл чекланмаган ҳокимиятга эга эканлигини тилга олади⁶. Фикримизча ҳам, Табуян регент сифатида эмас, балки тўлақонли ҳукмдор сифатида тахтда ўтирган бўлиши керак. Буни манбаларда Табуянга нисбатан ишлатилган олий унвонлар ҳам тасдиқлайди. Хитой ва мусулмон манбаларида Табуян Ган-тянь маликаси, Даши ва гурхон сифатида тилга олинади⁷. Сўнгги икки унвон, албатта, Елюй Даши номи билан боғлиқ. Жувайнийда Табуян Куянг⁸, Ғаффорийда эса Кувабик⁹ номлари билан ҳам тилга олинади. Табуян етти йил

1988. – Vol. 62. – P. 330; ³ Juvaini, Ala-ad-Din Ata-Malik. The History of the world conqueror. - Translator Boyle J.A. – Manchester, 1958. Rpr. Manchester, 1997.– P. 79-80, 89

¹ Ҳозирги Хитойнинг Синьцзян, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон, жанубий Қозоғистон ҳудудлари

² Бу унвон билан Қорахитой ҳукмдорлари аталган. Бу ҳақида батафсилроқ қarang: Spuler V. Gurkhan // The Encyclopedia of Islam. - Leiden, 1965. - Vol. II. - P. 1143; Бартольд В.В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов: Гурхан // Сочинения. Т. 5. - М., 1968. - С. 528.

³ Токто. Ляо ши ... – Б. 86

⁴ Рашид ад-Дин. Сборник летописей. - Пер. Смирнова О.И. В 3-х т. – М., 1952. – Т. 1. Книга 2. – С. 79

⁵ Mirkhwānd. Tārīkh-i ravzat ... – Gild. 4. – P. 368

⁶ Juvainī. The History ... – P. 356

⁷ Токто. Ляо ши ... – Б. 86; Қирғиз тилига қилинган “Ляо ши” нинг 30 бобида келтирилган Гантянь унвони Тантянь, деб берилган. Jin shi. Chap. 121. // MREAS. – By Bretschneider E. – London, 1888. - P.223; Ghaffārī, A□mad ibn Mu□ammad ibn □Abd al-Ghaffār. Nusakh jahān arā. – Ed. Niraqī H. – Tehran, 1963. – S.166;

⁸ Juvainī. The History ... – P. 356; Ж.А. Бойл фикрига кўра, Куянг сўзи аслида хитойча Гуованг унвонинг мўғулча варианты Гуянг унвони билан боғлиқдир. М. Биранга кўра, бу ном хитойча Гугонг (“Империя маликаси”) унвонининг транслицирацияси ҳам бўлиши мумкин. Biran M. The Empire ... – P. 48

⁹ Ghaffārī. Nusakh jahān ... – P.166; М. Биран фикрига кўра, Ғаффорийда келтирилган Кувабик сўзи аслида Жувайнийнинг Куянг сўзининг бузилган вариантдир. Biran M. The Empire ... – P. 48

мобайнида тахтда ўтирган ва Сяньцинъ (“бутунлай доно”) ҳукмронлик унвонига эга бўлган¹. Бундан ташқари Табуян ўз номи билан тангалар ҳам зарб қилган².

Табуян ҳукмронлиги ҳақида Жузжанийда куйидагича маълумот келтирилган: “Қорахитойлар кўтарилгач, уларда кетма-кет бир неча кишилар вазир бўлган. Улар орасида менга замондош бўлган ва мен эшитган Има, Сункам, Арбоз, Тума ва Банико (Тароздан)лар бор эди. Уларнинг ҳукмдори эса аёл киши эди. Ўша аёлдан кейин ниҳоят эркак киши ҳукмдор бўлди ва унинг унвони гурхон бўлган”³.

Сяо Табуян давлатнинг тўлақонли ҳукмдори бўлганлигини “Цзинь ши” да журженларнинг элчилиги ҳақида келтирилган маълумот ҳам тасдиқлайди. Елюй Даши вафотидан фойдаланиб қолишни истаган Қорахитойларнинг вассаллари бўлмиш уйгурлар, Цзинь императори ҳузурига элчилик жўнатадилар. Бу элчиликка жавобан эса журженлар Қорахитойлар ҳузурига Няньгэ Ханьну исмли элчини юборишган⁴. 1146 йили элчи, одатга кўра Даши номи билан аталадиган янги Қорахитойлар гурхонининг олдига етиб келади. Гурхон, яъни Табуян бу пайтда ов қилаётган эди. Элчи Табуян олдига отидан тушмай пешвоз чиқади. Шунда гурхон элчидан бундай хурматсизликка журъат этган одам ким эканлигини сўрайди. Няньгэ Ханьну бу саволга куйидагича жавоб қайтаради: “Мен буюк давлатнинг элчисиман, Осмон ўғлининг буйруғи билан сени бўйсунишга давъат этиш учун етиб келдим. Сен отдан тушиб, император буйруғини эшитмоғинг даркор”. Бундай сўзлардан жаҳли чикқан гурхон элчини отдан туширтириб, тиз чўкишга мажбур қилади ва қатл эттиради. Элчининг бу тақдири хақидаги хабар журженларга фақатгина бир неча йилдан сўнг етиб боради⁵.

1151-1163 йиллар мобайнида Елюй Даши ва Сяо Табуяннинг ўғли Елюй Йили ҳукмронлик қилган. 1163 йили у вафот этади. Унинг ўғли кичик ёшда бўлгани учун тахтга Йилининг синглиси Елюй Пусуван (1163-1178) чиқади. Пусуван малика Чэнтянь номи билан танилган бўлиб,

¹ Токто. Ляо ши ... – Б. 86

² Tjong Ding Yih. Qarakhitay (Hsi Liao) Cash Coins Inscribed KANGGUO // ONS Newsletter. – The Netherlands, February 1999. – Vol. 158 URL: <http://www.charm.ru/coins/kanguo.htm> (28.02.2009); Belyaev V. Undescribed iron Gan Tian Tong Bao coin. - March 20, 1999 URL: <http://www.charm.ru/coins/unkn/gantianiron.htm> (28.02.2009). Яна қаранг: Wittfogel K.A., Feng Chia-Sheng. History of Chinese society Liao (907-1125) // Transactions of the American Philosophical Society. – Philadelphia, 1949. – P. 664; Пиков Г.Г. Западные Кидани. – Новосибирск, 1989. – С. 122

³ Jüzjānī, Minhāj ad-Dīn. □abaqāt-i Nā□irī. – Tr. Raverty H.G. – London, 1881-99. - Vol. II. – P. 911

⁴ Jin shi. Chap. 121. // MREAS. – By Bretschneider E. ... - P.222; Пиков Г.Г. Западные кидани ... – С. 88; Biran M. The Empire ... – P. 49

⁵ Jin shi. Chap. 121. // MREAS. – By Bretschneider E. ... - P.223

хукмронлик унвони Чунфу (“Буюк бахт”) бўлган¹. Журжен императори томонидан Чингизхон хузурига жўнатилган элчи Ву Ку Сун қаламига мансуб бўлган “Пей ши ки” асарида бу малика Кан номи билан аталган². Пусуван Қорахитойларнинг юқори мавкега эга бўлган ҳарбий кўмондонларнинг бири бўлмиш Сяо Волиланнинг ўғли Сяо Долубуга турмушга чиққан эди.

Пусуван даврида Қорахитойлар бир неча йирик ҳарбий юришларни амалга оширишди. Масалан, Жувайний бўйича 1170-1171³, Ибн ал-Асир бўйича 1171-1172⁴ йили Қорахитойлар Хоразмга юриш қилишди. Бу ҳаракат Хоразмшоҳ Ил Арслон ўлпонни вақтида тўламагани туфайли амалга ошган эди. Бундан ташқари малика Пусуван Хоразм давлатининг ички сиёсатига ҳам аралашиб турган. 1172 йили Ил Арслон вафот этгач, Хоразм тахтини унинг кенжа ўғли Султоншоҳ Маҳмуд қўлга киритади. Бу хабар Жанд шаҳрида ҳокимлик қилаётган тахтнинг асл вориси Ил Арслоннинг тўнғич ўғли Такашга етиб боргач, у Қорахитойлар гурхони малика Пусуван хузурига кўмак сўраб келади⁵. Малика Пусуван мусулмон манбаларида Фума⁶ номи билан зикр этилган ўз турмуш ўртоғи Сяо Долубу бошчилигидаги улкан кўшинни жўнатади. Фума Такашни Хоразмгача олиб келади. Туркан Хотун ва Султоншоҳ жангсиз мамлакатни ташлаб кетишади. Ва Ил Арслоннинг вассали бўлмиш ал-Муаййид хузурда паноҳ топишади. 1172 йилнинг 11 декабрида Такаш Хоразм тахтини қўлга киритади. Фумага ўз миннатдорчилигини билдириб, уни ортига жўнатади⁷. Ал-Муаййид эса кўп ўтмай қўлга тушиб, ўлдирилади. Султоншоҳ билан онаси Деҳистон⁸га қочишга муваффақ бўлишади. Бироқ Такаш шаҳарни эгаллаб, Туркон Хотунни ўлдиради. Султоншоҳ эса аввал Нишопурга ал-Муаййиднинг ўғли Туғоншоҳ олдига, сўнг Ғурийлар ҳукмдори Ғиёсиддин хузурига қочиб, паноҳ топади⁹.

¹ Токто. Ляо ши ... - Б. 86

² Wu-Ku-Sun. Pei shi ki (Notes on an Embassy to the North) // MREAS. – By Bretschneider E. ... – P. 29

³ Juvainī. The History ... - P. 289

⁴ Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Таърих. – пер. П.Г. Булгакова. – Ташкент, 2006. – С. 270

⁵ Ibid. – С. 270-271

⁶ Фума хитойча “куёв” демакдир. Қорахитойлар хитой анъанаси бўйича амалдорларни исми билан эмас, балки унвони билан аташган. Мусулмон муаллифлари эса хитой унвонларни исми сифатида қабул қилишган. Масалан, Рашидиддин Гурхон унвонини исми, деб ўйлаб, Қорахитойлар давлатида фақат икки ҳукмдор бўлган, деган хулосага келади. Бири давлатнинг асосчиси бўлса, иккинчиси унинг ўғли бўлган. Ва у тахтда 95 йил ўтирган. Рашид ад-Дин. Сборник летописей ... – Смирнова О.И. – С. 79

⁷ □Awfī, Mu□ammad. Lubāb al-albāb. - Ed. Browne E.G. and Mirza Muhammad Qazwini. - Leide, 1906. - P. 41-42; Juvainī. The History ... – P. 290; Ибн ал-Асир. Ал-Камил ... – С. 270-271

⁸ Ҳозирги Туркменистондаги Каспий денгизининг шарқий қирғоғидаги шаҳар

⁹ Juvainī. The History ... – P. 291; Ибн ал-Асир. Ал-Камил ... – С. 270-271

Хоразмшоҳ Такаш ҳокимият тепасига Қорахитойлар кўмаги билан келганлигига қарамай ўз ваъдасини унитиб, ўлпон тўлашдан бош тортади. Ҳаттоки, ўлпонни олиш учун Хоразмга келган гурхоннинг одамини ўлдиради. Ва Хоразм амалдорларига ўлпон йиғиш учун келган ҳар бир Қорахитойликни ўлдиришни буюради. Бу ҳақида хабар топган Султоншоҳ гурхон олдига келиб, ундан акасига қарши қўшин тортишга кўмак беришини сўрайди. Султоншоҳ Хоразм аҳолиси Қорахитойларнинг ҳукмронлигини афзал кўришини айтиб, гурхонни кўндирмоқчи бўлади. Пусуван бу сафар Сяо Долубу бошчилигидаги қўшинни Султоншоҳга кўмак учун жўнатади. Улар Хоразм пойтахтига етиб келишади ва шаҳарни камал қилишади. Хоразмшоҳ Амударёнинг сувларини улар томонга қўйиб юборишни буюради. Султоншоҳ ва Сяо Долубу қўшинининг катта қисми чўкиб кетганлиги учун улар ортига қайтишга мажбур бўлишади. Қорахитойлар Султоншоҳга кўмак беришга рози бўлганиликлари учун афсус чекишади. Бироқ шунга қарамай Сяо Долубу Султоншоҳга Марвни босиб олиш учун ҳарбий кўмак беради. Шу тариқа Султоншоҳ 1181 йили Марв, Сарахс, Наса ва Обивардни қўлга киритади¹.

1178 йили юз берган сарой тўнтариши натижасида тахт тепасига Елюй Йилининг иккинчи ўғли Елюй Чжилугу (1178-1211) чиқади².

Қорахитойлар сулоласида гурхон давлат ҳукмдори бўлиши билан бир қаторда давлат қўшинининг бош қўмондони ҳам ҳисобланган. Ҳарбий юришларда биз тилга олган маликалар иштирок қилганлиги ҳақида манбаларда маълумот учрамайди. Бироқ Қорахитойлар қўшини таркибида аёллар ҳам иштирок қилган бўлиши мумкин. Негаки, Кидан-Ляо давлатида жангда аёлларнинг иштирок қилиши одатий ҳол бўлган³. Бундан ташқари Кермондаги Қорахитойлар давлати (1222/1223-1306)нинг бўлажак асосчиси Барақ Ҳожиб ўзининг қорахитой ва туркий халқлардан иборат бўлган қўшини билан тахминан 1220 йилда Ҳиндистон худудига Кермон орқали йўл олаётганда Жувашир қалъасининг ҳукмдори унга хужум қилади. Шунда Барақ аёлларга ҳам эркак кийимларини кийиб, жангга тайёргарлик қилишни буюради⁴. Мусулмон манбаларида Қорахитойлар қўшинида аёлларнинг иштирок қилганликлари ҳақидаги маълумотларнинг зикр этилмаганлиги, жангда эркак кишининг кийимини кийиб олган аёлни фарқлай олиш мушкул бўлган, деган фикр билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари XII асрда Марказий Осиё туркий халқлари орасида ҳарбий

¹ Mirkhwānd. Tārīkh-i ravzat ... – Gild. 4. – P. 367-368; Juvainī. The History ... – P. 292; Ибн ал-Асир. Ал-Камил ... – С. 270-271

² Токто. Ляо ши ... – Б. 86

³ Wittfogel K.A., Feng Chia-Sheng. History of Chinese ... – P. 543; Holmgren J. Marriage, Kinship and Succession under the Ch'i-tan Rulers of the Liao Dynasty (907-1125). – T'oung Pao. – 1982. – Vol. 72. – С. 52

⁴ Juvainī. The History ... – P. 477

юришларда аёлларнинг иштирок қилиши ажабланарли ҳодиса сифатида қабул қилинмаган. Шу туфайли ҳам мусулмон муаллифлари бу жиҳатга эътибор қилмаган бўлишлари ҳам мумкин.

Юқорида келтирилган маълумотларни таҳлил қилиб кўрайлик. 1146 йили малика Табуян журжен элчиларини қабул қилган. У ўз номи битилган тангаларни зарб қилган. Пусуван даврида Қорахитойлар 1171-1172 йили Хоразмшоҳ Ил Арслоннинг қўшинини тор-мор қилишади; 1172 йили малика ёрдами билан Такаш Хоразм тахтини ўз укаси Султоншоҳдан тортиб олади; 1177 йил атрофида эса энди Султоншоҳни малика ҳарбий кўмак билан таъминлайди. Шу каби сиёсий жиҳатдан бўлган масалаларни фақат тўлақонли ҳукмдор ҳал қилиши мумкин. Бундан ташқари иккала аёл бошқа Қорахитой ҳукмдорлари каби ўз ҳукмронлик унвонларига эга бўлишган. Шундан келиб чиққан ҳолда, бу икки аёл Қорахитой давлатининг балоғат ёшига етмаган ворисларининг регентлари сифатида эмас, балки тўлақонли ҳукмдорлари сифатида бошқарганлигини таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Шу ўринда қуйидаги жиҳатга урғу бериб ўтишни жоиз топдик. Қорахитойлар даврини таҳлил қиладиган бўлсак, 1125-1142 йиллар давлатнинг ташкил топиш даври, 1178-1218 йиллар эса давлатнинг инқироз даври ҳисобланган. Қорахитойлар давлатининг мўътадил даври айнан 1143-1178 йилларга, яъни маликалар ҳукмронлик қилган даврига тўғри келади.

D. Duturaeva

Women-Gurkhan's of Qara Khitai (Kidans)

After a victory in Qatwan battle in 1141 the Qara Khitay State (1124-1218) established the domination in territories of modern Chinese province Xiangian (East Turkistan) and Central Asian republics of Kirghizia, Uzbekistan, Tajikistan and Kazakhstan. Two from six Qara Khitay Gurkhans were women: empresses Siao Tabuyan (1144-1150) and Yelü Pusuwan (1163-1178).

Д.Дутураева

Женщины-гурхана государства Каракитаев (Киданей)

Государство Каракитаев (1124-1218) после победы в Катванской битве 1141 года установила своё господство на территориях современной китайской провинции Синьцзян (Восточный Туркистан), центральноазиатских республик Киргизии, Узбекистана, Таджикистана и южного Казахстана. Двое из шести гурханов Каракитаев являлись женщины: императрицы Сяо Табуян (1144-1150) и Елюй Пусуван (1163-1178).

**Хусайн Бойқаронинг марказлашган давлат
тузиш учун ҳаракати ва унинг оқибатлари**

Амир Темур (1370-1405 йй) томонидан марказлаштирилган, Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Афғонистон худудларини ўз ичига олган йирик давлат унинг вафотидан кейин темурий шаҳзодалар ўртасида ўзаро курашлар майдониغا айланди. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида Амир Темурнинг ўғли Шохрух ва набираси Улуғбек асосий шахсларга айланди. Шохрух ўз давлатининг маркази қилиб Хуросонни танлади ва бу ерда илм-фаннинг турли соҳалари темурий шаҳзодалар ҳомийлиги остида ривожланди. Ўз навбатида Мирзо Улуғбек Самарқанднинг Амир Темур давридаги шуҳратини сақлаб қолишга интилиб, аниқ фанларни ривожлантиришга катта аҳамият берди. 1447 йилда Шохрух Мирзонинг оламдан ўтиши Хуросонда ҳокимият учун курашни авж олдирди. 1449 йилга келиб, Мирзо Улуғбекнинг вафот этиши ўзаро курашларни Мовароуннаҳр худудига кўчишига олиб келди¹.

Айрим темурий шаҳзодалар Амир Темур анъанасини давом эттириш мақсадида парчаланган мамлакатни яна қайта марказлаштиришга ҳаракат қилган. Темурийларнинг Хуросондаги сўнгги вакили бўлган Султон Хусайн Бойқарони ҳам ана шу мақсад учун ҳаракат қилган ҳукмдорлар қаторига киритиш мумкин. Унинг олиб борган ҳаракатларини уч босқичда кўриш мумкин. Биринчи босқич, унинг сиёсий ҳокимиятни эгаллаш учун кураш олиб борган даври ҳисобланади. Темурийлар ўртасида кечган тож-тахт учун курашлар натижасида Хусайн Бойқаро 1458 йилда Бобо Ҳасан қўшинларини енгиб, Нисо ва Астрободни эгаллаган. У 1461 йил ёзида Ҳиротга ҳужум қилган, лекин Абу Саид (1451-1469) қўшинига бас келолмай ортга чекинган эди. Хива, Урганч, Вазир худудларига ҳам бир неча бор ҳужумлар қилиб муваффақиятга эриша олмаган Султон Хусайн Бойқаро уларни эгаллаш учун бир неча йил давомида ҳаракатлар олиб борган.

Хусайн Бойқаро ўз ҳокимиятини ўрнатиш ва уни мустаҳкамлашда қарши чиққан ички ва ташқи кучлар билан курашишга мажбур бўлган эди. У бир неча йиллик уринишлардан кейин ниҳоят, 1469 йил март ойида Ҳиротни эгаллайди. Бу ҳақда Абдураззоқ Самарқандий шундай маълумот беради – “Қудратли султонлар ҳазратлари ўнинчи рамазонда (24 март 1469 йил) жума куни намоздан илгари мухтор саҳросининг жонбахш майдонида ишларни ўнглолчи подшоҳ (тангри)нинг инояти қўлловида кўчаи хиёбон йўли билан йўлга чиқди ва Боғи Зоғонда жамшид фармон ҳокон (Шохрух)нинг салтанат тахтига келиб қўнди. У ҳазрат давлат ишларни тартибга солиш ва умум манфаатига оид ишларни келтириш билан

¹ Юсупова Д. Жизнь и труды Хондамира. – Т.:Фан, 2006. – Б. 24

шуғулланди”¹. Боғи Зоғонда Хусайн Бойқаронинг тахтга ўтирганлиги маълум бўлгандан кейин унинг овозаси Нисо ва Абивард вилояти орқали Мовароуннахрга ҳам етиб келади. Хусайн Бойқаро тахтга ўтиргач ҳам унга қарши кураш тўхтамаган эди. Дастлаб унга қарши бу пайтда Мовароуннахр хукмдори бўлган Абу Саид (1451-1469 йй)нинг ўғли Султон Аҳмад қарши чиқади. Абу Саиднинг ўзи эса Ироқ хужумига тайёрланаётган эди. У ўғли Султон Аҳмадга² “қачонки Мирзо Султон Хусайннинг бош кўтарганлиги хабари кулоққа чалинса, мирзо Султон Аҳмад турон замини лашкарлари билан уни дафъ этишга отлансин”³ деган фармон берган. Султон Хусайннинг Ҳиротга томон келаётганлигидан хабардор бўлган Ҳирот хокими Тожуддин Ҳасан шаҳар дарвозаларини бекитиб, Самарқандга Султон Аҳмад хузурига элчи жўнатади. Султон Аҳмад Хусайн Бойқарога қарши Мовароуннахр ва Туркистондан 50 минглик кўшин тўплайди. Жайхундан кечиб ўтиб, тезда Ҳиротга яқинлашади. Лекин, Султон Аҳмадга Мурғоб дарёси бўйидаги жангда Абу Саиднинг ҳалок бўлганлиги ҳақидаги хабарни эшитгач, Ҳиротга юришини тўхтатиб ортга қайтади. Жайхун томонга йўл олган Султон Аҳмад кўшинига қарши Хусайн Бойқаро амир Зайнулобидинн жўнатади ва Султон Аҳмад кўшини тор мор келтирилади. Шу тариқа Хусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллайди ва Хуросон давлатини мустақил деб эълон қилади. Мовароуннахр эса, уч қисмга бўлиниб кетади. Уни Абу Саиднинг ўғиллари Султон Аҳмад (1457-1494 йй), Султон Маҳмуд (1494-1495 йй), Султон Алилар (1498-1501 йй) бошқарган.

Марказлашган давлат тузишга уринишининг иккинчи босқичи сифатида, Хусайн Бойқаронинг ўзбошимча амирларга қарши курашини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу даврда у нафақат мамлакатни сиёсий жиҳатдан марказлаштиришга балки, уни ҳудудий жиҳатдан кенгайтиришга ҳаракат қилган.

Хусусан, Хуросон тахтини эгаллагач, Хусайн Бойқаро марказий ҳокимиятни тан олмаган ўзбошимча амирларга қарши юриш қилди. У дастлаб Мозандарон лашкарларига бош бўлиб кўзғалон кўтарган Муҳаммад Ёдгорга қарши кўшин тортиб, 1469 йил 15 октябрда Чинорон мавзесида тўқнаш келади. Муҳаммад Ёдгор кўшинлари сон жиҳатдан озчиликни ташкил қилганлиги сабабли чекиниб, Дамғон ва Симғон ҳудудларига бориб ўрнашди⁴. Лекин 1470 йилда Ҳиротликларнинг Вазир Хожа Абдуллоҳ зулмига қарши кўзғалон кўтариши ҳам вазиятни

¹ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи Саъдаин ва мажмаи Баҳраин / Таржима ва сўзбоши А. Ўринбоев. II жилд. - Т.:Ўзбекистон, 2008. 622 б.

² Бу пайтда у Самарқандни бошқариб турган.

³ Ўша асар. Б.629

⁴ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи Саъдаин ва мажмаи Баҳраин / Таржима ва сўзбоши А. Ўринбоев. II жилд. - Т.:Ўзбекистон, 2008. 655 б.

чигаллаштирган эди. Бунга вазирнинг ўзбошимчалик билан аҳолига катта миқдорда солиқ солиши сабаб бўлган. Алишер Навоийнинг ўз вақтида кўрган чора тадбирлари туфайли бу кўзғалон бостирилган¹. Орадан бир оз муддат ўтгач, Муҳаммад Ёдгор Озарбойжон, Форс ва Ирокни бошқариб турган Амир Ҳасанбекнинг ёрдами билан яна Хуросонни эгаллашга ҳаракат қилади. Амир Ҳасанбек икки минг кўшинни ёрдам учун Муҳаммад Ёдгорга жўнатди. Шундан сўнг Муҳаммад Ёдгор Хуросонга бостириб кирди ва 1470 йил 4 мартда Ҳусайн Бойқаро Ёдгор Мирзога қарши юриш қилади, лекин Ҳусайн Бойқаронинг қўплаб амирлари унга хиёнат қилиб Ёдгор Мирзо томонига ўтиб кетади. Муҳаммад Ёдгор бир гуруҳ амирлар ва аммаси Поянда Султон бека ёрдами билан 5 июльда Тус вилоятида ўз номини хутбага қўшиб ўқиттирди, 8 июлда Ҳиротга бостириб кириб тахтни эгаллайди². Лекин, Ёдгор Мирзонинг ҳукмронлиги узокқа чўзилмайди, орадан бир ой ўтиб Ҳусайн Бойқаро иккинчи марта Ҳиротни эгаллайди. Ёдгор Мирзони эса қатл эттирди.

Бир неча йиллик курашлар кейин мамлакатда нисбатан барқарорлик қарор топган эди. Ҳусайн Бойқаро тузган давлат таркибига Амударёнинг жанубий ҳудудларидаги ерлар – Балх вилояти ва Бадахшон чегараларидан Мозандарон вилоятигача, Хуросон, Хоразм, Шарқий ва Шимолий Эрон вилоятлари кирган.

Мамлакатда маълум барқарорлик ўрнатилгандан бошлаб, Ҳусайн Бойқаро томонидан мамлакатни марказлаштиришнинг учинчи босқичи бошланган эди. Бу ҳаракат - тинчлик шароитида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётни изга солиш орқали амалга оширилди. Манбаларда келтирилишича, Ҳусайн Бойқаро темурийлар орасида анча маърифатли ва шариятга қатъий амал қилган ҳукмдорлардан бири бўлган. Унинг даврида Хуросонда қарор топган сиёсий барқарорлик мамлакат ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида ҳам катта ижобий ўзгаришларга олиб келди. Бу даврдаги воқеаларни таҳлил қилиб шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ҳусайн Бойқарога Хуросондек улкан давлатни бошқаришда Алишер Навоий жуда катта ёрдам берган. У давлат ишлари билан шуғулланар экан, биринчи навбатда шахзодалар ва улус бошлиқлари ўртасида тахт учун кечган ўзаро урушларни олдини олиш ва бу билан мамлакат сиёсий ҳаётида рўй бераётган тарқоқликка чек қўйишга уринади³. 1472 йил Алишер Навоий вазирлик лавозимига тайинланади. Бундан ташқари Ҳусайн Бойқаро мамлакат тахтини эгаллаган дастлабки йилларда амалдорларни давлат лавозимларига тайинлашга ҳам алоҳида эътибор қаратган. Жумладан, Абу Саъд даврида юқори мансабларда

¹ Ўзбекистон ССР тарихи. I том. - Т.: Фан, 1970. – Б. 497.

² Ўша асар. - Б 657.

³ Бобоев Ҳ. Алишер Навоий – буюк давлат арбоби. Т.:Фан, 1992 й. – Б. 7.

бўлган Амир Сайид ва Амир Низомиддин Абулхолик Ферузшоҳни олий девонга амир, Хожа Сайфуддинни вазир, Мавлоно Кутбиддинни садр мансабларига тайинлаган. У барча қўл остидаги вилоят амирларига ва юқори мансабдаги кишиларга “ўз раиятингиз учун жавобгарсиз, уларнинг даъволарига ҳақиқат юзасидан ҳукм чиқаринглар” деб қатъий талаб қўяди.

Султон Ҳусайн Бойқаро қурган давлатда XV асрнинг охирларигача тинчлик ҳукм сурган бўлса, ҳукмронлигининг иккинчи ярмида, яъни XV асрнинг 80-йилларидан бошлаб мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида улусларнинг мустақиллик учун кураши кучаяди, Дашти Қипчоқдан Муҳаммад Шайбонийхоннинг ҳужум хавфи, ички томондан ўғли Бадиуззамон ва Муҳаммад Ҳусайнларнинг бош кўтаришлари билан сиёсий вазият издан чиқа бошлайди. 1500 йилда у ўғли Муҳаммад Ҳусайнга қарши юриш қилади ва у билан сулҳ тузади. Айниқса оилавий низолар туфайли Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамон Мирзо билан муносабатлари кескинлашади. Кейинчалик ички урушлар, Ҳусайн Бойқаро ва сарой амалдорларининг маишатга берилиб кетиши оқибатида Хуросон давлати заифлашади. 1506 йилда унинг вафотидан кейин ҳокимятни ўғли Бадиуззамон эгаллайди (1506-1507 йй), лекин орадан бир йил ўтгач, у ҳам тахтдан туширилган ва Хуросон Шайбонийхон томонидан эгалланган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Ҳусайн Бойқаро Хуросонда марказлашган давлатни вужудга келтиришга маълум даражада эришган эди. Вокелар таҳлили шуни кўрсатадики, Ҳусайн Байқаро бу жараёни ҳам ҳарбий йўл орқали ва сиёсий дипломатик йўл билан амалга оширган. Бу ҳолат фан ва маданият марказини Самарқанддан Ҳиротга кўчишига сабаб бўлган. Натижада, Ҳиротда хаттотлик, мусаввирлик, китобат санъати, қағоз ишлаб чиқариш ва ҳунармандчиликнинг қатор соҳалари ривожланди. Албатта, бу ривожланиш жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса бўлиб қўшилганлиги шубҳасиздир.

Г.Ачилова

Попытки построения централизованного государства Хусайном Байкара и их последствия

В статье освещается политическая борьба за построения централизованного государства в период правления одного из последних Темуридов Хусайина Байкары во второй половине XV века.

G. Achilova

The policy of building of centralization state by Huseyn Bayqara and it's results

In this article is analyzed political struggle for building centralization state by one of last Temurid ruler Husayn Bayqara in second half of the 15th century.

**Кўқон хонлигининг ташкил топишида Чодак хожаларининг
роли масаласига доир мулоҳазалар**

Тадқиқотларда Кўқон хонлиги ташкил топишида чодаклик хожаларнинг сиёсий фаолияти алоҳида эътироф этиб ўтилади. Махмуд Ҳаким Яйфонийнинг «Хуллас ут-таворих», Муҳаммад Фозилбекнинг «Мукаммали тарихи Фарғона» ва Мулло Олим Махдум Ҳожининг «Тарихи Туркистон» асарларида эса Шохрухбийнинг тахтга ўтириши воқеалари баёнида XVIII асрнинг бошларида Кўқон атрофидаги ҳудудларга Чодак¹ хожалари ҳокимлик қилгани, улардан ҳокимиятни тортиб олиш учун ўзбек уруғларининг олиб борган хатти-ҳаракатлари қайд этилади². Жумладан, Мулло Олим Махдумнинг “Тарихи Туркистон” асарида келтирилишича, Кўқонга яқин Тарғова қишлоғида бўлиб ўтган бир тўйда бир неча қишлоқ оқсоқоллари мустақил ҳукумат тузиш фикри билан чиқиб ўзларини ичидан бир кишини ҳукмдор қилиш масаласини кўтардилар. Кўқон атрофидаги уруғ оқсоқоллари бир овоздан Шохрухбийни (1709 1721) бу лавозимга лойиқ деб кўриб уни бу даврдаги мавжуд анъаналарга кўра оқ кигизга ўтказиб хон этиб кўтардилар. Шундан сўнг тарговаликлар Чодакда ҳукмронлик қилиб турган хожага қиз бериб ўзларига куёв қилмоқчи эканликлари хабарини берадилар. Белгиланган кунда тўйни ўтказиш учун чодакликлар Тарғовага келишади. Тарговаликларнинг яширин келишувига кўра, куёвнавқарларнинг ҳар бирига алоҳида хонадонда зиёфат берилади, сўнгра барчаси ўлдирилади. Шундан сўнг Шохрухбий бошчилигида Чодакка ҳужум қилиниб Кўқон хонлигига асос солинади³.

Кўқон хонлигини вужудга келишидаги ушбу сиёсий воқеа хонлик тарихига доир барча манбаларда ҳам мавжуд эмас.

Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг «Мунтахаб ут-таворих», Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин», Мирза Азиз Марғилонийнинг «Тарихи Азизий» каби асарларида Чодак хожалари хусусида бирон-бир маълумот қайд этилмайди. Чодак хожаларининг ҳокимлик қилганликлари ва улар сафидан ҳоким бўлган шахслар ҳақида асосли далиллар ҳозирча топилгани йўқ. 1709 йилда уларнинг Бухоро хонлиги ҳукмронлигига қарши кўзғолон кўтаришлари оқибатида Фарғона

¹ Чодак – Наманган вилоятининг Поп туманидаги қишлоқ. Қаранг: Муҳаммад Муфти Охангароний. Мавлоно Лутфуллох манокби / нашрга тайёрловчи ф.ф.д. Ш. Сирожиiddинов. – Т.: 2002. – Б. 18.

² Махмуд Ҳаким Яйфоний. Хуллас ут-таворих. – Ҳўқанд: 1913. – Б. 5; Муҳаммад Фозилбек. Мукаммали тарихи Фарғона, ЎзРФА ШИ кўлёзма, инв. №5971. – 16 а. – 16 б вараклар; Мулло Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон – Қарши: Насаф, 1992. – Б. 10.

³ Мулло Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон ... – Б. 10.

водийсини ажратиб олганлиги хусусида фикрлар мавжуд бўлса-да, бу фикрлар илмий асосга эга эмас. Агар, Чодак хожалари Фарғонада ҳокимиятни қўлга олиб, уни бошқарган бўлганларида тарихий манбаларда ёки ҳужжатларда асосли маълумотлар қолиши керак эди. Қолаверса, Бухоро хонлиги тарихига доир манбаларда ҳам бу даврдаги Чодак хожалари хусусида аниқ маълумотлар мавжуд эмас.

Чодак хожаларининг сиёсий фаолияти баён этилган манбаларда айнан қайси шахснинг юқори мавқега эга бўлганлиги кўрсатилмаган. Эрдонабий (иккинчи 1753-1762), Норбўтабий (1763-1798) ҳукмдорлик қилган даврларда Қўқон хонлиги ички сиёсий ҳаётида Ирисқулибий¹ деган шахс муҳим роль ўйнаганлиги айрим манбаларда ўз аксини топган. Фақатгина «Мунтахаб ут-таворих» асарида Ирисқулибийнинг отаси Дўстқулибий чодаклик хожалардан эканлиги қайд этилади². Япониялик тадқиқотчи Яёи Кавахара Ирисқулибийни юқори мавқега эга бўлган амирлардан бири деб тарифлайди³. Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг маълумотида кўра Ирисқулибий 1760 йилларда Қўқон хонлигининг йирик маъмурий бирлиги ҳисобланган Марғилон вилоятининг ҳокими бўлган⁴. 1762 йилда Эрдонабийнинг вафотидан сўнг Қўқон тахтига Сулаймонбийни ҳукмдор этиб чиқаришда у асосий роль ўйнаган⁵.

Сулаймонбийнинг давлат бошқарувида қобилияти йўқлигидан мамлакат ривожланишида ҳеч қандай ўзгариш сезилмайди, аксинча, давлатнинг инқирозга қараб кетиш хавфи юзага келади. Хонликда юзага келаётган бу вазиятни ўзгартиришда ҳам Ирисқулибий ҳамда Хўжанд ҳокими Абдурахмон Баҳодирлар зимдан фаолият олиб боришади ва тахтга Норбўтабий (1763-1798)ни кўтаришади. «Мунтахаб ут-таворих» асарида баён этилган мазкур сиёсий жараёнларда асосий роль ўйнаган Ирисқулибийнинг Чодак хожаларидан бўлганлиги Қўқон хонлиги тарихидаги бир қатор мавҳум бўлган масалаларга ойдинликлар киритади. Хусусан, Қўқон хонлигини вужудга келишидаги сиёсий жараёнларда Чодак хожаларидан Тарғовадаги келишувга кўра Шохрухбий бошчилигидаги сиёсий кучлар томонидан ҳокимиятни тортиб олинишига доир маълумотлар ва фикрлар шубҳали туюлади. Чунки Ирисқулибийни Чодак хожаларидан эканлигини ҳисобга олсак, унинг нуфузли мансабдорга айланишига Қўқон хонлари Эрдонабий ва Норбўтабий йўл

¹ «Мунтахаб ут-таворих» асарининг баъзи саҳифаларида Идрисқулибий деб ҳам қайд этилади.

² ЎзРФАШИ қўлёзма, инв. № 594. 239 а. варақ.

³ Кавахара Я. Муҳаммад Ҳакимхоннинг «Мунтахаб ут-таворих» асари тарихий манба сифатида // Тарихий манбашунослик долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2001 йил 25 апрел. Б. 20-21.

⁴ ЎзРФАШИ қўлёзма, инв. № 594. – 226 а. варақ.

⁵ Ўша жойда, – 226 а. варақ.

қўймаслиги лозим эди. Демак, бу даврда Қўкон хонлиги марказий ҳокимиятида Чодак хожаларининг мавқеини ортиб боришини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Шохрухбий бошчилигидаги сиёсий кучлар Фарғонани мустақил бошқаришда Чодак хожаларининг ёрдамига ҳам таянганлар.

Шунингдек, «Мунтахаб ут-таворих» асарида келтирилишича Қўкон хонлари Чодак хожалари билан никоҳ муносабатларини ҳам ўрнатганлар. Хусусан, Норбўтабий Ирисқулибийнинг укаси Имомқулибийнинг қизи бўлмиш Мингойим билан турмуш қурган ва улардан Олимхон, Умархон ҳамда «Мунтахаб ут-таворих» асарининг муаллифи Муҳаммад Ҳакимхон Тўранинг онаси дунёга келган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Муҳаммад Ҳакимхон Тўранинг таъкидлашига кўра Чодак хожаларидан бўлган Ирисқулибий, Имомқулибийлар Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламга она тарафидан боғланади¹. «Мунтахаб ут-таворих» асарида келтирилган ушбу маълумотлар Чодак хожалари ва уларнинг ижтимоий келиб чиқиши масаласига ойдинликлар киритади.

«Мунтахаб ут-таворих»да номлари зикр қилинган Чодак хожаларининг бирор бир диний мавқега эга бўлганлари маълум эмас. Лекин Мовароуннаҳрдаги нақшбандия тариқатининг буюк намоёндаси Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий (1485-1571) Чодакда дунёга келганлиги ва у ерда яшаб Нақшбандия тариқатини ривожлантиришда фаолият олиб борганлигини ҳам назарда тутиш керак. “Мавлоно Лутфуллоҳ манокіби”да Чодак қишлоғи тўғрисида «кўп машойихлар ва улуг олимлар шу ерда камол топганлар, шайхулислом ва соҳиби “Ҳидоя” Бурҳониддин Марғилоний ҳам шу жойда ўз амакиси ва устози бўлмиш Мавлоно Хусомиддин қошида зоҳирий илмларни ўргангандир»², деб қайд қилинади. Бу маълумотлардан аён бўлишича, Чодак қадимдан улуг алломалар ва дин пешволари камол топган маскан ҳисобланган.

Минг уруғи етакчиларининг хожалар ва нақшбандия тариқати вакиллари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатганлигидан далолат берувчи айрим маълумотлар XIX асрга оид манбаларда ҳам мавжуд. Жумладан, «Мунтахаб ут-таворих», «Ансоб ус-салотин...», «Тарихий Азизий» асарларида минг уруғидан бўлган Чамашбий³ Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийга мурид бўлганлиги тўғрисида маълумот берилади⁴. «Тарихи Азизий» асарида Мавлоно Лутфуллоҳ минг уруғи вакили Чамашбийнинг

¹ Ўша жойда, – 239 а варақ.

² Муҳаммад Муфти Оҳангароний. Мавлоно Лутфуллоҳ манокіби / нашрга тайёрловчи ф.ф.д. Ш.Сирожиддинов. – Т.: 2002. – Б. 18.

³ Чамашбий - Шохрухбий шажарасининг юкори вакилларида хисобланади.

⁴ Muhammad Hakim Khan. Muntakhab al-tawarikh vol. II, Edited by Yayoi Kawahara & Koichi Haneda. – Токуо: ILCAA 2006. – P. 1.; ЎЗР ФА ШИ қўлёзма, инв. № 594. – 219 а варақ; Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус - салотин... – Б. 14.; ЎЗР ФА ШИ қўлёзма, инв. №11108. – 119 б варақ.

белига камар боғлаб, дуо қилгани ва бу уруғ вакиллари келажакда тахтга ўтириб, ҳукмдорлик қилиши хусусида башорат қилганлиги баён этилади¹. Бундан кўринадики минг уруғи вакиллари Чодак хожаларидан сиёсий ҳокимиятни куч билан тортиб олган эмас, балки уларнинг маънавий кўмагига таянган ҳолда ҳокимиятга келган.

Шуни таъкидлаш жоизки, бу даврга қадар Ўрта Осиёда турли тариқатлар ва дин пешволарига ҳурмат билан қаралган бир шароитда уларга ҳеч қандай қарши ҳаракатлар қилинмаган. Сиёсий арбоблар, турли ҳукмдорлар кўп ҳолларда бундай шахслар мададига таяниб ҳокимиятга келганлар, сиёсат юргизганлар. Бу анъанадан Қўқон хонлигида четга чиқилган, дейилса хато бўлади. Шу боис, юқоридаги маълумот, яъни Шохрухбийнинг Чодак хожаларидан ҳокимиятни куч билан тортиб олишга қаратилган ҳаракатини тарихий ҳақиқатга зид деб ҳисоблаш мумкин.

Хулоса ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, Чодак хожалари ҳақида манбалардаги маълумотларнинг бир хил эмаслиги, уларнинг ижтимоий таркиби, диний-сиёсий қарашлари, Чодак хожаларининг Қўқон хонлигини ташкил топишидаги ролига аниқликлар киритиш каби масалалар устида тадқиқот олиб боришни талаб этади.

Sh. Mahmudov

Some thoughts on role of *Khodja's* of Chodak in the formation of Kokand khanate

In this article is analyzed role of *Khodjas* (spiritual leaders) of Chodak in the political processes of the formation of Kokand khanate, fixed in written textual sources. Also, entered clearness to the personality of Chodak's *khodjas*.

Ш. Махмудов

Некоторые заметки о проблеме роли чодакских ходжей в формировании Кокандского ханства.

В данной статье проанализированы сведения о роли чодакских *ходжей* (духовных лидеров) в политических процессах в формировании Кокандского ханства, зафиксированных в источниках. Также, впервые внесены ясности к личностям чодакских *ходжей*.

к.и.н. У.А. Абдурасулов

Института истории АН РУз

К вопросу о безусловном частном землевладении в Хивинском ханстве XVIII – XIX вв.

Важным аспектом, требующим детального изучения, является вопрос о наличии в Хивинском ханстве безусловной частной собственности.

¹ ЎЗР ФА ШИ қўлёзма, инв. № 11108. – 119 б, – 120 а варак.

Данная форма земельной собственности весьма характерная для Бухарского и Кокандского ханств, не имела столь ясных очертаний в Хивинском владении. В Бухарском и Кокандском ханствах такие земли именовались как *мульк-и хāлис*, *мульк-и хурр* и *мульк-и хурр-и хāлис*¹. А.А. Семенов характеризует такую форму частной земельной собственности следующим образом: «мюльк-и-хурри-хāлис» ... представляли собой те частновладельческие земли в собственном смысле слова, которые находились в пользовании, владении и распоряжении тех или иных лиц, т.е. были закреплены за ними на тех трех принципах, их коих слагается юридическая природа всякой собственности, и в отношении которых, сверх того, государственная власть безусловно и безоговорочно отказалась в пользу их владельцев от каких бы то ни было финансово-податных прав. И если фактическое пользование такою землею принадлежало податному сословию или населению, то оно платило налоги владельцу этой свободной от налогов земли, так называемому *мулькдār'у*»².

Что касается наличия таких земель в Хивинском ханстве, то в научно-исследовательской литературе мы встречаем об этом весьма противоречивые сведения. Первые упоминания о безусловной частной земельной собственности содержатся в работе В.А. Гиршфельда и А.С. Галкина: «Освобождаются от податей, по милости хана, некоторые вакфные земли, имеющие особые ханские йарлыки, должностные лица, почти все сейиды и многие ходжи, как потомки пророка и святых»³. П.П. Иванов анализируя значение встречаемых в хивинских хрониках терминов «*мульк-и хāлис*» и «*мульк-и хāлиси*» и, отмечая их широкое распространение в Бухарском ханстве, констатирует, что для существования института безусловной частной земельной собственности для «... Хивы вообще не характерно»⁴. Несколько позднее, на основе материалов архива хивинских ханов тот же исследователь сделал заключение, что «правом освобождения от салгута пользовались все привилегированные группы населения, «служилые люди» ..., ханские приближенные и т.д.»⁵. М.Ю. Юлдашев, специально занимавшийся исследованием земельных отношений в Хивинском ханстве, как ни

¹ Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI – первой половине XIX века. – Т.: Фан, 1970. Т. II. – С. 57.

² Семенов А.А. Очерк поземельно-податного и налогового устройства бывшего Бухарского ханства. – Ташкент: Издательство САГУ, 1929. – С. 19.

³ Гиршфельд В.А., Галкин А.С. Военно-статистическое описание Хивинского оазиса / Составил ген. штаба капитан Гиршфельд. Переработано нач. Аму-Дарьинского отд. ген.-майором Галкиным. – Ташкент, 1903. Ч. II. – С. 39.

⁴ Иванов П.П. «Удельные земли» Сейид Мухаммед-хана хивинского (1856 – 1865) // Записки Института востоковедения АН СССР. – М., 1937. Т. IV. – С. 42.

⁵ Иванов П.П. Архив хивинских ханов XIX в. Исследование и описание документов с историческим введением. – Л., 1940. – С. 28.

странно вовсе не упоминал о данной форме частного землевладения. Оба указанных исследователя отмечали в своих работах наличие в ханстве земель, принадлежащих представителями привилегированных сословий, владельцы которых освобождались (частично или полностью) специальными йарлыками от выплаты налогов и несения некоторых видов трудовых повинностей. Однако, по-видимому, не считали эти факты основанием для причисления этих земель к безусловной форме землевладения. Ю.Э. Брегель писал о встречаемых в налоговых реестрах владельцев земель, именуемых «йарлыкд̄арами», являвшихся в подавляющем большинстве сейидами, шейхами и ходжами, которые освобождались от «всех налогов и повинностей». Далее исследователь подчеркивал, что такие земли «не имеют никакого отношения» к землям категории *йарлыккли-мулк*, упоминаемым в русских дореволюционных источниках¹. Исследователем А. Шайховой был осуществлен анализ около 70 йарлыков хивинских ханов (относящихся преимущественно ко второй половине XIX – началу XX) о продаже государственных земель частным лицам (обычно приближенным хана и сотрудникам ханской канцелярии) с пометкой «на содержание нукеров», и, прослежен механизм перехода земель из категории «*мамлака-йи п̄адӣахи*» в категорию «*мулк-и х̄алис*». Сопоставив имена и земли некоторых из получателей таких йарлыков с записями в дафтерах, фиксирующих поступление налогов с частных земель, она выявила тот факт, что большинство из владельцев не платило с пожалованных им земель никаких налогов. Приняв во внимание этот и ряд других косвенных фактов, А. Шайхова пришла к выводу, что продажа верховным правителем государственных земель в частную собственность (обозначенную в документах термином «*мулк-и х̄алис*») отдельным лицам с пометкой «для содержания нукеров», означала их переход в безусловную частную собственность, с предоставлением их владельцам права полного налогового иммунитета. В дальнейшем при вовлечении в гражданский правооборот эти земли сохраняли обильный характер. Различия в путях образования безусловной частной собственности в Бухаре и Хиве А.Шайхова объясняет, прежде всего, сильным влиянием военно-кочевого уклада на внутреннюю жизнь Хивинского ханства².

Практика перехода государственных земель в категорию «*мулк-и х̄алис*», имела место также в XVIII в. и на протяжении всей первой

¹ Брегель Ю.Э. К изучению земельных отношений в Хивинском ханстве (источники и их использование) // Письменные памятники Востока. Историко-филологические исследования. 1969. – М., 1972. – С. 78 (примечание).

² Шайхова А. Юридические документы как источник по истории социально-экономических (преимущественно аграрных) отношений в Хивинском ханстве в XIX начале XX века.: Дисс. ... канд. истор. наук. – Т., 1989 – С. 67-79.

четверти XIX столетия. В йарлыке Абулгази-хана IV от 1206/1793 г. сообщается о продаже двух участков земель из категории «*хассе-йи шарифа*» Шах-Нийāзу аталыку для нужд нукеров¹. Проданная земля согласно йарлыку обращена в категорию «*мулк-и хāлис*». Далее в документе отмечается, что за потомками покупателя сохраняется вечное право собственности на эту землю. В случае продажи ими этой земли, она станет «*мулк-и хāлис*» ее нового покупателя. В двух йарлыках Мухамад Рахим-хана от 1819 и 1821 гг. также фиксируется продажа ханом неким лицам соответственно 20 и 10 танапов земли из категории «*хассе-йи шарифа*» в «*мулк-и хāлис*»².

В первой четверти XIX в. в связи с выходом на политическую арену новой политической элиты в Хивинском ханстве практика таких пожалований приобрела систематический характер³. В результате этого, в рассматриваемый период наблюдался активный процесс роста крупного частного землевладения, который продолжался и в последующие годы. По сведениям Г.И. Данилевского, в начале 40-гг. XIX в. земельная собственность некоторых хивинских сановников достигала уже 2 – 3 тыс. танапов⁴.

Практику предоставления верховным правителям отдельными лицами или сословиями права налогового иммунитета, по нашему мнению, также следует рассматривать в качестве одного из способов образования безусловной частной собственности. Так, йарлык хивинского хана Эренга, датированного 1688 г., выдан духовному деятелю Мулла Мухаммад-бāбā, который за свои заслуги по обучению, (очевидно детей хана) возведен в тарханное достоинство. В документе сообщается, что данное лицо освобождается от выплаты от всех видов налогов, в том числе от земельных налогов – *джāриб*, *танапāна*, *сāлгут*, а также от несения трудовых повинностей, предусмотренных для владельцев земель – *казу* и *качу*⁵. Схожего содержания тарханый йарлык Ануша-хана, освобождающий некоего муллу Махмуда, его сыновей и братьев от податей⁶.

В серии тарханых йарлыков, выданных разными ханами в течение 1141 /1728 г. (йарлык Ильбарс-хана) - 1181/1767 (йарлык Нурали-хана) на имя потомков Надр Мухаммад Шайха, род которого, согласно документам

¹ ЦГА РУз, ф. И-125, оп. 2, д. 6, л. 2.

² ЦГА РУз, ф. И-125, оп. 2, д. 22, л. 1-2.

³ См.: Иванов П.П. Архив хивинских ханов... – С. 18-20.

⁴ Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства // Записки ИРГО. 1851. Кн. 5. – С. 123.

⁵ См.: Усманова М.Ю. О термине куругмал // Народы Азии и Африки. – 1964. – № 4. – С. 107-109.

⁶ ЦГА РУз, ф. И-125, оп. 2, д. 1, л. 1.

восходит к Пророку, зафиксировано предоставление представителям данного семейства освобождения от всех видов налогов и повинностей¹.

Таким образом, одним из способов образования безусловной формы частного землевладения было предоставление верховным правителем отдельным лицам или сословиям специального тарханного йарлыка с предоставлением права освобождения от выплаты всех видов налогов и несения трудовых повинностей. Предоставление такого права юридически не носило перманентного характера, поскольку, как показывают документы, требовало переутверждения с восшествием на престол нового правителя.

Значительный удельный вес в частновладельческом землевладении в ханстве занимали личные «удельные» земли ханов. При этом некоторая часть этих земель находилась во владении правителя на правах безусловной частной собственности. Частные земельные владения ханов были характерны для Хорезма и в более ранние периоды, однако именно в начале XIX в. эта разновидность частной собственности приняла относительно конкретные очертания.

Таким образом, в рассматриваемый период в Хивинском ханстве имела место безусловная форма частного владения на землю. Обладателями права налогового иммунитета являлись представители социально-религиозных сословий – сайиды, ходжи, шайхи и др., которым по специальному тарханному йарлыку от имени хана предоставлялось право освобождения от выплаты всех видов налогов и несения трудовых повинностей. По-видимому, предоставление такого права, юридически не носило постоянного характера, поскольку, как показывают документы, с восшествием на трон нового правителя, требовали переутверждения.

Другой формой образования безусловной частной собственности была выдача верховным правителем йарлыка о продаже земель из государственного фонда «*хассе-йи шарифа*» (или «*мамлака-йи пāдийāхи*» в более поздних документах) в личную собственность («*мулк-и хāлис*») своим приближенным, отличившихся на государственном или военном поприще. Термин «*мулк-и хāлис*» по мнению ряда исследователей в данном случае обозначал переход земельного участка в безусловную частную собственность ее покупателя. Обязательным элементом данной процедуры было наличие упоминания о том, что земля продается «для нужд нукеров». Примечателен также тот факт, что после упразднения в 1873 г. института нукерства в Хивинском ханстве наличие данной формулировки продолжает сохраняться в документах такого рода.

Такой способ формирования безусловной частной собственности был обусловлен, с одной стороны, сильным влиянием военно-кочевых

¹ ЦГА РУз, ф. И-125, оп. 2, д. 5, л.1, д. 2, л.1, д.4, л.1, д.2, л.4, д.6а, л.1.

традиций на внутреннюю жизнь, и с попытками центральной власти контролировать рост частного землевладения, – с другой.

В рассматриваемый период значительный удельный вес в безусловном частном землевладении занимали, так называемые «удельные» земли, являющиеся собственностью хана и членов его семьи. Процесс формирования частных земель принял конкретные формы с вступлением на престол правителей Кунградской династии и ростом политической мощи ее представителей. Личную собственностью ханов составляли земли, принадлежавшие наследственно представителям данной династии, земли из районов нового орошения, а также земли, конфискованные у представителей оппозиционной земледельческой аристократии. В исследуемый период, личные владения ханов были расположены Янги-Арыке, в окрестностях г. Хивы (с. Бадркент), в Анбаре, а также в Ташаузе и Хтае. В последующие периоды личные домены правящей династии были еще больше увеличены посредством различных гражданских сделок и орошения новых территорий.

У.А. Абдурасулов

**XVIII – XIX асрларда Хива хонлигида мажбуриятсиз ер
эғалиги масаласига доир**

Мақолада XVIII – XIX асрларда Хива хонлигидаги шарт ва мажбуриятларга эга бўлмаган ер эғалиги масалалари ёритилган.

U.A. Abdurasulov

**About the problems of private land ownership in Khiva Khanate in 18-
19th Century**

In this article are described on the problem a privileged land ownership in Khiva Khanate in 18-19th Century.

О.Юсупов

Нукус ДПИ катта ўқитувчиси

Қ.Ташанов

Нукус ДПИ магистри

Хива хонлигининг тугатилишида

**"Ёш хиваликлар"нинг роли ва унинг ҳарбий тизими
(1919-1920 йиллар)**

Ўзбекистон тарихи фанида долзарб масалалардан бири XX асрнинг биринчи чорагида Жанубий Орол бўйида “Марказ”дан мадад олган большевиклар ва Хоразмлик «Ёш Хиваликлар» Шўро ҳокимиятини ўрнатиш мақсадида Хива хонлигини тугатиш учун қизил армия ёрдамида (1919 йили) «давлат тўнтариши» ёки «харбий тўнтариш» учун ҳаракатларини ва унинг оқибатларини архив ҳужжатлари асосида қайта тадқиқ этиш зарур. Марказ ва Туркистондан юборилган большевик

эмиссарлари Хивада исён кўтаришга «Ёш Хиваликлар»га имконият яратиб бердилар. Большевикларнинг мафкурасига ишонган Хоразмли зиёлилар - «Ёш Хиваликлар» ва улар тузган ёлланма аскарлар, улар кимлар эканлигини архив ҳужжатлари ўрганиш ушбу мақоланинг мақсади бўлиб топилади.

Россияда бўлиб ўтган «демократик инқилоб» Туркистон, Бухоро ва Хива хонлигининг ижтимоий-сиёсий жараёнига ҳам таъсир кўрсатди. Марказдаги большевикларнинг «инқилобий воқеалар»и Хоразмда "Ёш Хиваликлар" фаолиятини янада фаоллаштирди. Маълумки, "Ёш Хиваликлар" партияси 1914 йил ташкил қилинган бўлиб, унинг раиси этиб Полвонниёз Хожи Юсупов сайланган эди. Партиянинг фаол аъзолари Жуманниёз Хожи Бобониёзов, Отажон Сапаев, Бобохон Ёқубов, Ҳақимбой Муҳаммадов, Муҳаммадёр Абдуллаев, Худайберган Деванов, Хусайинбек Матмуродов, Мулла Жуманиёз Султотмуротов, Назир Шоликоров ва бошқалар эди.

1917 йил апрелида "Ёш Хиваликлар" иштирокида хон истибдодига қарши митинг уюштирилди. Хива шаҳрида рус аскарлари тўпланган эди. Бу вазиятдан фойдаланиб, "Ёш Хиваликлар" уларга ҳайрихоҳлик белгиси сифатида бир неча юз киши билан аскарлар жойлашган казармага бордилар. Ҳарбий отряд бошлиғи полковник Мерзляков билан музокара олиб бордилар ва Хивада ҳам Петербургдагидек демократик ўзгаришлар қилиш режасини у билан келишиб олдилар. "Ёш Хиваликлар" ўз мақсадларини амалга оширишда полковник Мерзляковдан ёрдам сўрадилар. Полковник Мерзляков хонни ўлдирмаслик шарти билан уларга розилик беради. "Ёш Хиваликлар" ташкил қилган кўп минг кишилиқ ҳалойиқни хон саройига бошлаб бориш учун бир рота аскар жўнатди ва оломон "Яшасин озодлик!", "Иўқолсин золимлар!" шиори остида хон саройига йўл олдилар. "Ёш Хиваликлар" партияси аъзолари хондан давлатни конституция асосида бошқариш, хоннинг айрим мулозимларини уларнинг қўлга топширилишини талаб қиладилар.

Чор самодержавияси ағдарилганидан ҳамда Хивада рўй бераётган сиёсий чиқишлардан кўрқиб қолган хон "Ёш Хиваликлар" талабларини қабул қилишга мажбур бўлади. "Ёш Хиваликлар" томонидан тайёрланган "Манифест"га хон имзо чекади. Хон билан бир қаторда манифестга қозикалон Худайберган Охун, Ҳикматулла Охун, Иброҳим Охунлар ҳам ўз муҳрларини босдилар.

"Ёш Хиваликлар" Кўҳна-Арк майдонига кўп ҳалойиқни йиғиб, хондан манифестни ўқиб беришни талаб қиладилар. Хон манифестни 2-3 қаторини ўқигач, кўзига ёш тўлиб, томоғи буғилиб, ўқий олмасдан қолади. Хон ёнида турган Назир Шоликоров унинг қўлидаги манифестни тортиб олиб, ўзи охиригача ўқиб беради. "Ёш Хиваликлар" ўз дастурини амалга ошириш учун имконият борица курашдилар. Лекин бу партия ҳам ўз

олдига қўйган вазибаларни тўла бажаришга ожизлик қилар эди. Бунинг устига хон ва унинг тарафдорлари "Ёш Хиваликлар"га қарши туриш, фитна ва тажовузлар уюштириб, уларнинг ишига тўскинлик қилардилар.

"Ёш Хиваликлар" ихтиёрида хонга қарши курашиш учун етарли куч йўқ эди. Шунинг учун улар Туркистон ва Амударё бўлимида (Тўрткул) ўрнатилган Шўролар ҳукуматига мурожаат қилиб, хон хокимиятини ағдариш учун ёрдам сўрашга мажбур бўлдилар. "Ёш Хиваликлар"нинг бу таклифи Шўроларга жуда маъқул бўлди. Чунки улар Хива хонлигини тугатиб, унинг ўрнида Хоразм Шўро жумҳуриятини ўрнатиш ниятида эдилар.

"Ёш Хиваликлар" ва бошқа демократик кучларга "ёрдам бериш ва уларни хон зулмидан ҳимоя қилиш" ниқоби остида большевиклар Хиванинг ички ишларига аралашувларни кучайтирдлар. Илмий манбаларда ва вақтли матбуотда Хива хонлигини тугатишида большевиклар билан бир қаторда ҳарбий дружиналар билан қатнашган «Ёш Хиваликлар» тўғрисида профессор Қ.Мухамедбердиев, Ж.Аташевларнинг фикрлари бугунги кунда диққатга сазовар деб ўйлаймиз.¹

1917 йил декабрь ойининг охирларида Полвонийез Хожи Юсупов ва Назир Шоликоров Тошкентга етиб келадилар ва Туркистон ўлкасида халқ комиссарлари кенгашига Хивадаги аҳвол тўғрисида тўла ҳисобот бердилар.²

1919 йил ёзга келиб Амударё бўлимида, умуман, Туркистон Республикасида сиёсий аҳвол анча кескинлашди. Амударё бўлимининг шимолий қисмида, Зоир деган аҳоли яшайдиган пунктда казак атамани Фильчев ҳамда қорақалпоқ бийи Хон Махсум бошчилигида Шўро ҳукуматига қарши қўзғолонлар уюштирилди.

Тез орада қўзғолончилар Амударё бўлимининг шимолий қисми Нукус, Зоир, Мўйноқни қўлга киритдилар. Қўзғолончилар босиб олган худудларда атамани Фильчев бошлиқ ўз ҳукумати тиздилар. Жунайидхон бу ҳукуматни тан олди ва у билан яқиндан алоқа ўрнатди.

"Ёш Хиваликлар" Амударё бўлимининг сиёсий ва ҳарбий ҳолатини мустаҳкамлаган ҳолда Хива хони ва Жунайидхонга қарши халқ газабининг кучайганидан фойдаланиб, Хива халқ инқилобини амалга ошириш учун катта тайёргарлик кўра бошладилар. 1919 йилнинг охирларида Қолчак ва Урал Казаклари томондан қўллаб-қувватлаётган ва қуроллантирилаётган Жунайидхон Амударёнинг ўнг соҳилида ҳаракат қилаётган атамани

¹ К.Б. Мухаммедбердиев Стоит ли возвеличить Полвониязза Юсупова? «Вестник КК филиала АНР.Узб №3 1986 60-63 стр; Ж.Аташев. Хорезм ойпатында Совет власт ушын гүрес дәуирлери. Нөкис. 1970, 30-35 бетлер

² Воспоминания Полвонияз Юсупова р.к.п.265 стр. библиотека КК филиала А.И.Р.Узб

Фильчев ва Хон Махсум отрядлари билан тил бириктириб. Петро-Александровск шаҳрига янги хужум тайёрлаш режасини туздилар.

1919 йил ноябрь ойларининг бошларида ¹Иноят бўлис (Фельчев) ва Хон Махсум отрядлари Нукус шаҳрини эгаллади. Шаҳарни ҳимоя қилиш учун барча чора-тадбирлар кўрила бошланди. 1919 йил 3 ноябрь куни "Ёш Хиваликлар" кўмитаси ва инқилобий кўмита (Ревком)нинг қўшма мажлиси бўлиб ўтади. Бу мажлисда Турккомиссиясининг Хива ишлари бўйича вакили ҳам қатнашди. Мажлис Жунайидхон ва унинг тарафдорларига қарши барча инқилобий кучларни бирлаштирган ҳолда ҳаракат қилишга қарор қилди.

Хива хони, унинг амалдорлари, йирик ер эгалари эса вақтинча Жунайидхон қуролли кучларига таяниб, демократик ҳаракатларни бостириш, хон деспотизмига асосланган патриархал феодал тизимини сақлаб қолиш ва мустақамлаш ниятида эдилар. Озчиликни ташкил қилган ишчилар ҳамда кўпчилик меҳнаткаш деҳқонлар, хунармандлар, майда савдогарлар, баққоллар "Ёш Хиваликлар" ва большевиклар раҳнамолиги, шўро ҳукуматларининг моддий ва ҳарбий ёрдамига таяниб, Жунайидхон диктатураси ҳамда хон ҳукумронлигини тугатиб, Хоразмда халқ Республикасини ўрнатишни кўзда тутган эдилар.² Шундай қилиб, 1919 йил охирларида Хива хонлигида шундай сиёсий вазият вужудга келдики, фақат "Ёш Хиваликлар", большевиклар, Туркман уруғ-қабилла бошлиқлари тил бириктириб, ягона бир ҳарбий фронтга жипслашиб, қизил аскарларнинг ҳарбий кучига таяниб, Жунайидхон диктатурасини кулатиш ва Хива хонлигини тугатиш учун қулай шароитни кутдилар.

«Ёш Хиваликлар» ҳарбий қисмлар тузиб ҳарбий юришларда, жангларда фаол иштироқ этганлар. Биз Қорақалпоғистон Республикаси архив ҳужжатлари асосида «Ёш Хиваликлар» ҳарбий тизимини рўйхатини иловада келтирмоқдамиз-ки, зеро, улар Хива хонлигининг тугатилишида қатнашгани аниқ.³

“Ёш Хиваликлар” ҳарбий тизими: 1 взвод Д-33, 19-май 1919 й.

Фамилияси, шарифи	исми-	Фамилияси, исми-шарифи	Фамилияси, исми-шарифи
Шехобудинов		Иримбетов Серикбай Сайдов	Буранов Аллаберган
Довлетов Урамбет		Раим	Жантуров Қулбай
Джуманиязов Ходжи		Қутлимишов бекмухаммед	Қилишаниязов Розибай
Уразов Абдал		Досниязов Тажимурат	Каландаров Сапарбай
Дурданов Чулабой		Карабасов Абен	Вапаев Шернияз
Қидшбеков Дасан		Жолдибаев Бегин Жамалов	Худайкулов Қурбанбай

¹ О.Юсупов 1918-1919 жыллары Нөкис автономиясы «Қарақалпақистан жаслары» №38, 2002 ж 19 сентябрь

² К.Б. Мухаммедбердиев Стоит ли возвеличить Полваниязза Юсупова? «Вестник КК филиала АНР.Узб №3 1986 60-63 стр

³³ ЦГА РК Фонд. 87, оп. 1, дело. 1.9, листы.3-4, 67, 250

Тажибаев Оразали
Утегенов Тлеумухаммед
Нуржанов Оразбай
Юсупов Аскар
Алибеков Саиль
Абдирасулов Жуманияз
Давлетназаров
Қурбанбай
Сарибаев Ташкент
Алланиязов Шамрат
Қайрамбаев Мусакбощ
Ходжаев шариф
Алтиков Истурган
Бабажанов Жуманияз
Гулметов Юсуф
Нурметов жуманияз
Тураев Ирмашбай
Кучкаров Уразали
Худайбергенов Кушкин

Бекжан
Муганов Жумамухаммед
Кутлимуратов Атажан
Алдибасов Жерджан
Бамнабаев Кундрабай
Аманжанов Тугай
Байжанов Бийсегели
Тулясов Қанатбай
Уралбаев Жумабай
Самаликов Иделбай
Жуманиязов Гирия
Кучарбаев Кунабай
Камзаев Кашвай
Давлетназаров Қурбанияз
Бачхинбаев Толеген
Янгибаев Кулмухаммед
Халмухаммедов Сапарбай
Айтбаев Эламан

Алюбаев Урангали
Арисланов Али-Амир
Ишчанов Аман
Досов Машжан
Исабаев Машисуб
Жаниязов шамрат
Муразбаев Туян
Фаразшиев Абдул
Долгушин Фёдор
Алламбергенов Қаландар
Атабеков Якуббек
Гадильшов Зия
Батиров Хайрулла
Заюшев Гани
Нурлимов Алмажан.
Қадиоров Абдулла

“Ёш Хиваликлар” харбий 2 взвод Д-33, 19-май 1919 й.

Фамилияси, исми-шарифи

Фамилияси, исми-шарифи

Фамилияси, исми-шарифи

Каражанов Пиржан
Телеунов Врлекеш
Минбов Улбой
Жанбаев Карабай
Караджавбаев Юсуп
Периков
Мухаммадшорин
Ахмедов Аллаамберган
Уразметов Измухамед
Даршабаев Шерджон
Қайбагаров Усмон
Рахимбаев Қурбанбай
Яхшимуратов Қаландан
Дурманов Қурванбай
Худайбергенов Қурванбай
Уисов Бекмурод
Ниёзмуратов Атамурат
Гулмухаммедов
Шоназар
Нопесов Оразбай
Маметов Давлет
Салаев Эшжон
Ялганов Сарсан
Акмергенов Абиш
Тулясулов нурмон
Давлетов Холмурот
Казаклов Оразмухаммед

Туркменбаев Оринбай
Турниязов Оразмет
Қулназаров Наврузбой
Кублашов Садваккая
Уразмухаммедов Казтурген
Экбасов Таджи
Хасакгельдшев Хасанмурод
Досманов Қурванбай
Алманов Жумамурат
Алтишов Измухамбет
Турдижанов Алланазар
Аскарлов Қлич
Болмухаммедов Оразали
Тулабаев Бунёджон
Байдакиев Жумабай
Карашаев Тожан
Мавлянбергенов Каралтом
Тлеубердишев Утесен
Батакулов Талташ
Избасаров Катараши
Алубаев Тлеу
Саугабаев Сарсен
Якубов Матчан

Қайбагаров Кунчуган
Мингбаев Саралтай
Жуманиязов Сузанбай
Науризбаев Тугайбай
Шаншабаев Бегали
Қудайбергенов Хожа
Зигайшин Хасан
Маркашев Темирбай
Устаякубов Юсуп
Худабаев Кентлес
Казшов Шайрумат
Камалов Шариф
Алламбергенов Рахмет
Бекчурин Закир
Досанов Қуранбай
Исхаков Шамши
Латифбаев Зарид
Танабаев Рузмет
Сайтев Ахмеджан
Хожаев Ахмеджан
Шайхметов Жамша
Юсупов Хасан
Якубов Бабажан
Мухаммедов Ражан

Кўринадики, “Ёш Хиваликлар”нинг ёлланма ҳарбий кўшинларида турли миллат вакиллари иштирок этган бўлиб, уларнинг ҳарбий ҳаракатларини ўрганиш, асл ғоя ва мақсадларини тадқиқ этиш муҳимдир.

Хуллас, XX асирнинг биринчи чорагида Ўзбек давлатчилигининг ҳарбий тарихини ўрганишда большевиклар ва «ёш хиваликлар»нинг ёлланма аскарларининг тарихда тутган ўрни ва ролини янада чуқурроқ ўрганиш керак

O.Yusupov, Q.Tashanov

**The role of “young khivians” at the liquidation of Khiva
khanate and its military structure (1919-1920 yy.)**

In the article are shown questions of the shaping mercenary drujina -"young khivians" in Khorezm, their importance in military history of Uzbekistan in the first fourth XX age on base new archive and other materials.

О. Юсупов, К. Ташанов

**Роль младохивинцев в ликвидации хивинского
ханства и их военная система**

(1919-1920 гг.)

В статье прослежена роль младохивинцев в ликвидации хивинского ханства на основе новых архивных источников и других материалов.

т.ф.н. С.Тиллабоев

ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими

**XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида
Туркистонда маъмурий-худудий бошқарув тизими**

XIX асрнинг икинчи ярмида Россия империясининг Марказий Осиёда амалга оширган ҳарбий юришлари натижасида босиб олинган ҳудудларни ўз ичига олувчи Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинади. Босиб олинган ҳудудларда бошқарув тартибларини жорий қилишда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Д.М. Скобелев таъкидлаганидек, «Ҳеч нимани таваккал қилмасдан, мақсад сари тартибли тарзда бориш керак»¹ деган принципга амал қилган.

Дастлаб 1865 йилда босиб олинган ерларда ҳарбий тартиблар асосида ишлаб чиқилган маъмурий-худудий бирлик Туркистон вилояти ташкил қилиниб, унинг губернатори қилиб М.Г. Черняев тайинланади. Вилоят 1865 йилги «Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисидаги Низом» бўйича бошқарилган. Босиб олинган ҳудудларда бошқарув тартибларини жорий қилишда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Д.М. Скобелев

¹ Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. — СПб., 1906. С. 42.

таъкидлаганидек, «Ҳеч нимани таваккал қилмасдан, мақсад сари тартибли тарзда бориш керак»¹ деган принципга амал қилган.

1867 йилда «Сирдарё ва Еттисув вилоятларини бошқариш тўғрисидаги Низом лойиҳаси» бўйича «ҳарбий-халқ» бошқаруви ва 1886 йилда «Туркистон генерал-губернаторлигини бошқариш тўғрисидаги Низом» бўйича «маъмурий-полиция» бошқаруви жорий қилинади.

Умуман Туркистон ўлкаси Россия империяси томонидан ўлка бошқаруви бўйича ишлаб чиқилган «Низом»лар (1865, 1867, 1871, 1873, 1882, 1884, 1886, 1908, 1912, 1916) асосида бошқарилган.

Туркистон ўлкасида жорий қилинган бошқарув тартиблари энг аввало, Россия империясининг сиёсий, иқтисодий, геополитик манфаатларини химоя қилиб, ўлкадаги империя манфаатларига қарши қаратилган ҳар қандай қаршилик ҳаракатларни ҳарбий йўл билан бостириш, ерли аҳолини доимий тобеликда ушлаб туриш, империянинг савдо-сотик, саноат, молия-банк соҳалари фаолиятининг хавфсизлигини таъминлашдан иборат бўлган.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Туркистонда Россия империясининг "савдо капитализмнинг талон-тарожлик иқтисодиётига тўла мос келадиган ҳокимият ташкил қилинди".²

1867 йилда мустамлакага айлантирилган ҳудуд 15,270 кв. мил бўлган бўлса, 1868 йилда 200 кв. мил майдонга эга Зарафшон округи ерлари, 1870 йилда 266 кв. мил майдонга эга Зарафшон дарёсининг юқори оқимидаги бекликлар ҳудуди, 1871 йилда 1,224 кв. мил ҳудудга эга Гулча, 1973 йилда 1,920 кв. мил ҳудудга эга Хива хонлигига қарашли бўлган ерлар, 1875-1876 йилда Қўқон хонлигининг 1770 кв. мил ерларидан жами 5,380 кв. мил бўлган ҳудуд босқинчилик йўли билан қўшиб олинган. Бунинг натижасида Туркистон генерал-губернаторлиги 20,650 кв. мил. ҳудудга эга бўлди. Аҳолиси эса Кауфман хукмронлигининг бошида 1.060.000 киши бўлган бўлса, унинг хукмронлиги охирида 3 млн. кишига етган. Туркистондаги рус аҳолиси эса 24 мингдан 65 минг кишига етган (ҳарбий қўшиндан ташқари).³

Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурий жиҳатдан Сирдарё, Еттисув, Самарқанд, Фарғона ва Каспийорти вилоятларига бўлинган. Сирдарё вилояти - Тошкент, Авлиёота, Казалинск, Перовск, Чимкент уездлари ва Амударё бўлимидан, Еттисув вилояти - Верний, Жаркент, Капал, Лепсинск, Пишпек ва Пржевальск уездларидан, Фарғона вилояти - Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган ва Ўш уездларидан, Самарқанд вилояти - Самарқанд, Жиззах, Каттакўрғон ва Хўжанд уездларидан,

¹ Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. -СПб., 1906. С. 42.

² Галузо П.Г. Туркистан - колония. М.; 1929. С. 45.

³ Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. - СПб., 1906. С. 266.

* Верст – ўлчов бирлиги, қиймати 1000 сажан яъни 1,0668 км.га тенг.

Каспийорти вилояти - Ашхабод, Краснодарск, Мангишлок, Мари ва Тажан уездларидан ташкил топган.

Туркистон генерал-губернаторлиги ҳарбий зобитлар томонидан бошқарилган. Туркистон генерал-губернаторлиги империянинг марказий вилоятларида бўлгани каби ички ишлар вазирлигига эмас, балки ҳарбий вазирликка бўйсундирилган.

Туркистонда Россия империяси томонидан маъмурий бошқарув бўйича турли тартиб-қоидалар жорий қилиниб, уларнинг қўпчилиги синов-тажриба тарзида вақтинчалик тадбиқ этилган ва мустамлака ҳукумат синовидан ўтмагани бекор қилиб борилган. Туркистон ўлкасида жорий қилинган бундай синов-тажриба кўринишидаги тартибларнинг аксарият қисмининг муаллифи фон К.П. Кауфман бўлган. Чунки, унга ўлка бошқарувини «маҳаллий шароитдан келиб чиқиб ва зарур бўлганда ўзгартириш» ҳуқуқи берилган эди. Фон К.П.Кауфман ўзига берилган ушбу ҳуқуқдан тўлалигича фойдаланган. Бундан ташқари фон К.П. Кауфман томонидан ўлкада Низом лойиҳаларида умуман кўрсатилмаган, жумладан, уездларда ҳўжалик бошқармалари ташкил қилинган.¹ Лекин қисқа вақт ичида ушбу бошқарма фаолиятида порохўрлик ва суъистемолчилик кучайиб кетгани учун 1877 йилда тугатилади.

Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятлари император томонидан тайинланадиган ҳарбий губернаторлар бошқарган. Ҳарбий губернатор қўлида маъмурий, полиция ва суд ҳокимияти мужассамлашган. Вилоятлар уездларга бўлиниб, уездлар ўлкада генерал-губернаторлик маъмурий тузилмасининг ўзаги ҳисобланган. Уезд бошлиқлари генерал-губернатор томонидан тайинланган². Туркистон ўлкасидаги уезд бошлиқларининг Россия марказий губернияларидаги уезд бошлиқларидан фарқли томони шунда эдики, уларнинг қўлида маъмурий, полиция ва ҳарбий ҳокимият бўлган.

Уездлар ўз навбатида волостларга, волостлар ўтроқ аҳоли яшайдиган оксоқоликларга бўлинган. Кўчманчи аҳоли яшайдиган волостлар эса овулларга бўлиниб бошқарилган. Волостлар 1000-2000 хонадон (ёки ўтов)дан, оксоқолик (ёки овул)лар 100-200 хонадон (ёки ўтов)дан иборат қилиб ташкил қилинган. Кўчманчи аҳолининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши уларнинг тарихий уруғчилик муносабатларига эмас, балки ўтовларнинг сонига қараб бўлиб юборилган.³

Мустамлакачи ҳукуматнинг маъмурий-ҳудудий соҳадаги олиб борган бундай сиёсати натижасида ўлкадаги турли миллат, элат ва уруғлар ҳар хил маъмурий-ҳудудий бирлашмаларга бўлиниб кетган. Бунда

¹ Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. - СПб., 1906. С. 266.

² Азиатская Россия. Т.1. Люди и порядки за Ураломъ. Санкт-Петербург: Издание переселенческого управления землеустройства и земледелия. 1914. С. 57.

³ Галузо П.Г. Туркестан-колония. М. 1929. С. 46.

мустамлакачиларнинг «Бўлиб ташла, хукмронлик қил» шиори асосида иш олиб боргани аниқ ва равшан намоён бўлади. Бу ҳол кўчманчи аҳолининг уруғчилик муносабатлари асосида шаклланган бошқарув тизимининг тарихий-миллий анъаналарига таъсир қилган. Хусусан, бир уруғ таркибида бўлиб келган аҳоли турли овул, волост, уезд, ҳаттоки турли вилоятлар таркибига ажралиб кетган¹. Бинобарин, Туркистонда империянинг ҳудудий бўлиш соҳасидаги сиёсати ўтроқ аҳолининг ҳудудий бўлинишида нисбатан кўчманчи аҳолида сезиларли фарқ қилган.

Маҳаллий аҳоли вакиллари бошқарувнинг қуйи босқичидаги волост бошлиғи, қишлоқ оқсоқоли, қўрбоши, элликбоши, ўнбоши, мироббоши, ариқ оқсоқоли, мироб, қози, миршаб сингари лавозимларда иштирок этганлар². Туркистон ўлкасида Россия империяси суд тартибига асосланган империя қонунлари асосида иш олиб борувчи судлар, шунингдек, шариат қоидаларига асосланган қози ва кўчманчи аҳолида одат қоидалари асосида иш юритувчи бий судлари фаолиятлари чекланган ҳолда сақланиб қолинган.³

Россия империя хукмрон доира вакиллари томонидан босиб олинган ҳудудлардан мустамлака сифатида фойдаланишда ва ушбу ҳудудларда ўз хукмронлигини тўлиқ ўрнатишда, маҳаллий аҳолини тобеликда ушлаб туришда ўша давргача мустамлакачилик соҳасида жаҳон миқёсида тўпланган тажрибалар ўрганиб чиқилган, мустамлакачилик соҳасидаги эришилган ютуқлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинган. Жумладан, Англиянинг Ҳиндистондаги мавжуд ҳудудий, диний, этник қарама-қаршиликлар, ижтимоий келишмовчиликлардан фойдаланиш ҳамда маҳаллий бойлар, савдогарлар, руҳонийларни ўз манфаати йўлида хизмат қилдириш тажрибалари Туркистонда кенг қўлланилган. Бу соҳада «... чоризмнинг Туркистонда олиб борган ваҳшиёна мустамлакачилик сиёсати бошқа империялар ўз мустамлакаларида олиб борган сиёсатдан фарқ қилмаган»⁴.

Англиянинг Ҳиндистонда амалга оширган мустамлакачилик сиёсати тажрибасида йўл қўйган камчилик ва хатолар ўрганиб чиқилган. Англия Ҳиндистонда ва Россия Туркистонда олиб борган мустамлакачилик сиёсати ўртасидаги фарқли жиҳатлари ҳам бўлиб, Россия империяси Туркистон ўлкаси билан ҳудудий жиҳатдан ёнма-ён жойлашганлиги, мустамлакага айлантирилган ҳудуд билан азалдан савдо, иқтисодий

¹ Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенном по высочайшему повелению Сенаторомъ Гофмейстеромъ Графомъ К.К. Паленномъ. Сельское управление: Русском и туземное. СПб. 1910. С. 87.

² Отчет... С. 8.

³ История Казахстана с древнейших времен до наших дней в пяти томах. 3 том. Алматы. 2000. С. 457.

⁴ Аҳмаджанов Ф.А. Россия империяси Марказий Осиёда. Т. 2003. Б. 28.

алоқада бўлганлиги боис ўлкани босиб олиш арафасида мазкур минтақадаги бошқарув тизими, аҳолининг миллий ва ижтимоий таркиби, диний эътиқодлари тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлган.

Туркистонда жорий қилинган бошқарув тизими Россия империясининг марказий районларидан аҳолини ўлкага кўчириб келтириш сиёсатини амалга оширишда муҳим ўрин тутган. Кўчириб келтириш сиёсатининг асосий мақсади Россия Давлат Думаси аъзоси Трегубовнинг фикрича, «кўчиришдан учта мақсад кўзда тутилган, биринчидан, марказий Россиядаги ерсиз деҳқонларни ер билан таъминлаш, иккинчидан, Туркистондаги ҳосилдор ерлардан унумли фойдаланиш, учинчидан ва, энг асосийси, империянинг чекка ҳудудларида Россия ҳукмронлигини мустаҳкамлашдан иборатдир».¹

Россия империясининг кўчириш сиёсати натижада «1882-1900 йилларда Фарғона вилоятида 20 дан ортиқ рус посёлкалари ташкил қилинган. 15 йил ичида эса 60 дан ортиқ посёлка пайдо бўлган».²

Хуллас, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Россия империяси томонидан Туркистонда жорий қилинган бошқарув тизими том маънода мустамлакачилик моҳиятига эга бўлган. Россия империясининг Туркистондаги маъмурий-худудий бошқарув соҳасидаги сиёсати таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси томонидан ҳарбий асосда бошқарув тартиблари жорий қилинади.

- Жорий қилинган худудий-бошқарув тартиблари ўлкада империянинг сиёсий, иқтисодий ва геополитик манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

- Мустамлакачиликни дастлабки даврида ўлкада ўрнатилган бошқарувнинг қуйи босқичида ерли аҳоли вакиллари Россия империясининг Туркистондаги сиёсий, иқтисодий соҳаларидаги режаларини амалга ошириш учун қуйи бошқарувда «ижрочи» ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётни тартибга солиб туриш учунгина сақлаб қолинган.

S.Tillabaev

Administrative territorial governance of Russian empire in Turkestan in the second half of the 19th – beginning of the 20th centuries

The article describes the colonial essence of the governance's system of Russian Empire after the conquest of Central Asia. Author also investigated basic goals of the colonial power in Turkestan in the realm of the administrative governance.

¹ Рыскулов Т.Р. Собрание сочинений в трех томах. Т.2. Алматы. 1997. С. 127.

² Ўзбекистон МДА, И-18-фонд, 2-рўйхат, 118-иш, 114-варақ.

С.Тиллабаев

Административно – территориального управления Российской империи в Туркестане вторая половина XIX и начало XX века.

В статье описана система управления Российской империи после завоевание ей Средней Азии и обоснована колониальная сущность этой системы. Автор также освещает основные цели колониальных властей в Туркестане в административно – управленческой сфере.

Отабек Норматов

**Тошкент ирригация ва мелиорация институти ўқитувчиси
1926 йил совет ҳокимияти томонидан Ўрта Осиёда ўтказилган
районлаштириш сиёсати ҳақида айрим мулоҳазалар**

Россияда амалга оширилган Октябр тўнтаришидан сўнг большевиклар томонидан совет ҳокимияти ўрнатилди. Россия империясининг собиқ мустамлакаси ҳисобланган Туркистон ўлкасида ҳам совет ҳокимияти қарор топиб, Туркистон АССР ташкил этилди. 1924 йил охири ва 1925 йил бошларида Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиб, 1925 йил февралда Ўзбекистон ССР ва Туркменистон ССР ташкил топди.

1925-1926 йилларда иқтисодий ёнги йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун турли чора-тадбирлар, ислохотлар ўтказилди. Жумладан, ана шундай иқтисодий ва сиёсий тадбирлардан бири совет ҳокимияти томонидан 1926 йилда Ўрта Осиёда районлаштириш сиёсатининг ўтказилишидир. Марказнинг районлаштириш комиссияси томонидан 1926 йили Ўзбекистон ССРда мавжуд бўлган 7 та вилоят ўрнига 10 та округ; 23 та уезд ўрнига – 87 та район (туман); 1163 та қишлоқ совети ўрнига-1720 та қишлоқ совети тузиш режалаштирилди¹. 1926 йил 29 сентябрда маъмурий-иқтисодий районлаштириш амалга оширилиб, вилоятлар тугатилди. 1927 йил 1 январда уларнинг ўрнига 10 та округ (Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Андижон, Қўқон, Хўжанд, Бухоро, Ўрта Зарафшон, Самарқанд), 1 та автоном республика (Тожикистон АССР), 87 туман ва 1746 қишлоқ шўроси ташкил этилди². Районлаштириш сиёсати асосан Марказ талаблари билан ўтказилган бўлсада, Ўрта Осиё республикаларининг ва шулар қатори Ўзбекистоннинг ҳам келгуси тараққиётига муайян маънода таъсир кўрсатди.

XX асрнинг 20-йилларида совет ҳокимияти томонидан ўтказилган районлаштириш сиёсати арафасида Ўрта Осиё ва унинг умумий ҳолатини

¹ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. – Самарканд: Изд.ЦК Р Уз, 1926; - С 6.

² Ражабов Қ. Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий бўлиниши. // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.12. – Т.: ЎзМЭ нашриёти, 2006. – Б. 591.

айрим округлар мисолида ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Дастлаб маъмурий жихатдан округлар ичида муҳим аҳамиятга эга бўлган Тошкент округи ҳақида тўхталиб ўтсак. Худуд жихатдан Тошкент округи улар ичида энг кичиги бўлишига қарамасдан округнинг маъмурий маркази Тошкент шаҳрида жойлашган¹.

Ўрта Осиёда районлаштириш ўтказилиши арафасида, Туркистон АССР таркибида бўлган Тошкент округи шимолда Сирдарё вилоятининг Туркистон, Чимкент ва Авлиёста уездлари билан, шимоли-шарқда Фарғона вилоятининг Наманган уезди билан, жануби-шарқ ва жанубда Самарқанд вилоятининг Хўжанд уезди билан, жануби-ғарб ва ғарбда эса Жиззах уездлари билан чегарадош бўлган². Демак, Тошкент округининг ўша даврдаги худуди маъмурий марказни марказлаштириш учун амалга оширилган бўлса ҳам амалда бугунги Тошкент вилоятининг ташкил топишига асос бўлиб хизмат қилди.

1923 йилги Туркистон районлаштириш комиссиясининг маълумотларига қараганда, Тошкент округи Туркистон АССРдаги 12 округ ичида аҳоли зичлиги ва шаҳар аҳолисининг миқдори жихатидан ҳам алоҳида ўринга эгаллиги билан ажралиб туради. Масалан, “Саркан округи аҳолисининг 2.6 % шаҳарда, 97.4 % қишлоқда; Олмаота округи аҳолисининг 14.1% шаҳарда, 85.9% қишлоқда; Пишпек округи аҳолисининг 8.1% шаҳарда, 91.9 % қишлоқда; Чимкент округи аҳолисининг 12.3% шаҳарда, 87.7 % қишлоқда; Сирдарё округи аҳолисининг 10.9 % шаҳарда, 89.1 % қишлоқда; Амударё округи аҳолисининг 4.5 % шаҳарда, 95.5 % қишлоқда; Туркман округи аҳолисининг 16.9 % шаҳарда, 83.1 % қишлоқда; Самарқанд округи аҳолисининг 19.4 % шаҳарда, 80.6 % қишлоқда; Қўқон округи аҳолисининг 20 % шаҳарда, 80 % қишлоқда; Андижон округи аҳолисининг 15 % шаҳарда, 85 % қишлоқда; Помир округи аҳолисининг эса 100 % қишлоқларда истиқомат қилишган”³. Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб таққослайдиган бўлсак, Тошкент округи шаҳар аҳолисининг кўплиги жихатидан округлар ичида 1- ўринда турган, аҳоли зичлиги жихатидан эса Қўқон округидан сўнг 2-ўринда бўлган. Маъмурий марказнинг шаҳарда жойлашишини ҳисобга олсак, Тошкент шаҳри Туркистоннинг маркази қилиб тўғри танланган. Стратегик нуқтаи назардан ҳам қулай жойлашганлигини тўғри ҳисобга олинган.

¹ Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II-ий. Проект административно – хозяйственного деления ТССР. Под редакцией Председателя Комиссии по районированию Д.П. Красновского. – Т.: Изд ТЭС, 1924. - С 3.

² Ўша жойда. – С 128.

³ Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II-ий. Проект административно – хозяйственного деления ТССР. Под редакцией Председателя Комиссии по районированию Д.П. Красновского. – Т.: Изд ТЭС, 1924. – С 104 - 137.

Ўрта Осиё республикаларида миллий-худудий чегараланиш ўтказилиб, Ўзбекистон ССР ташкил топгандан сўнг, унинг таркибида қолган Тошкент округи маъмурий марказ мақомини сақлаб қолди. 1926 йилги Ўрта Осиёда районлаштириш ўтказилиши даврида Тошкент вилояти районлаштириш комиссияси Тошкент округида бир қанча ислохотларни амалга оширди. Вилоят районлаштириш комиссиясининг маълумотларига қараганда, Тошкент округида қуйидаги 11 та район (туман) рўйхатга олинган: Тошкент, Янгийўл, Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Паркент, Ангрен, Пискент, Мирзачўл, Бекобод, Ҳовост районлари¹. Округдаги 5 та районда, шунингдек, Тошкентда, Мирзачўл, Ҳовост районининг Урсатьевский станциясида, Янгийўлнинг Қовунчи шаҳарчаси, Пискентда шаҳар аҳолиси истиқомат қилишган. Қолган районларда асосан қишлоқ аҳолиси яшаган.

Тошкент округида ҳар бир районда алоҳида аҳоли истеъмол эҳтиёжини қондириш учун бозорлар фаолият юритишган. Манбаларнинг маълумот беришича, Тошкентда Қибрай, Кўктерак, Тошкент, Троцкий; Янгийўлда Зангиота, Эски Тошкент, Қовунчи, Чиноз; Паркентда Номданак, Паркент; Ангренда Облик, Телов, Хонобод, Янги бозор; Бекободда Жумабозор, Қиёт, Стретенский каби машҳур бозорларни² кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Бу каби бозорлар бошқа районларда ҳам мавжуд бўлиб, Тошкент округидаги шаҳар ва қишлоқларни ўзаро боғлаб турган. Бозорлар ўша пайтда аҳолининг асосий олди-сотди жойлари бўлиб, улар ўлканинг иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнаган. Бозорларга турли хил истеъмол моллари, хом ашё материаллари темир йўл ва бошқа йўллар орқали етказиб берилган ҳамда турли районларнинг иқтисодий тараққиётига жиддий таъсир кўрсатган. Савдо алоқалари округ доирасидаги районлар билан чегараланмасдан бошқа округлар билан ҳам олиб борилган. Жумладан, Қўқонга гуруч, ун, пахта, спирт маҳсулотлари, тамаки, тери, тола; Андижонга гуруч, нон, пахта, мевалар, спирт маҳсулотлари; Самарқандга тери; Чимкентга спирт маҳсулотлари, тери, хўл мевалар; Туркман округига гуруч, полиз экинлари келтирилган бўлса, Тошкент округига Сирдарёдан балиқ, тери; Қўқондан тошқўмир, нефть, тозаланган ёғ; Туркман округидан керосин, нефть; Андижондан тозаланган ёғ, тошқўмир, нефть, тола; Самарқандан чой, спирт маҳсулотлари; Чимкентдан пахта, нон, тола ва бошқа ҳудудларга ҳам турли хил маҳсулотлар юборилган³.

¹ Материалы по районированию Ташкентского округа Уз ССР. Выпуск I. Список населённых пунктов. – Т.: Изд. ТОКР, 1926. – С 1.

² Ўша жойда – С 2.

³ Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II-ий. Проект административно – хозяйственного деления ТССР. Под редакцией Председателя Комиссии по районированию Д.П. Красновского. – Т.: Изд ТЭС, 1924. – С 131

Округлар маҳсулотларни турли йўллар билан юборишган. Масалан, Тошкент округидан Фарғона водийсига гуруч фақат темир йўллар орқали эмас, балки Ангрэн воҳасидаги доvon орқали ҳам жўнатишган. Тошкент округининг маъмурий тузилишини таҳлил қиладиган бўлса, районлаштириш комиссияси томонидан округ районларга бўлинган бўлса, ҳар бир район маъмурий марказларга эга бўлган. Ҳар бир районда катта-кичиклигига қараб қишлоқ советлари ташкил этилган. Масалан, Тошкент районининг маркази – Тошкент шаҳри бўлиб, 36 та қишлоқ совети бўлган, Янгийўлнинг маркази Қовунчи, қишлоқ советларининг сони 18 та, Паркентнинг маркази-Паркент бўлиб, қишлоқ советларининг сони 7 та ва бошқа районларга ҳам шунга ўхшаш кўринишда ташкил этилган эди¹.

Туркистон АССР таркибидаги яна бир муҳим аҳамиятга эга бўлган округлардан бири Қўқон округи ҳисобланган. Дастлаб Қўқон округининг чегараларини 20-йилларда Фарғона области Қўқон ва Наманган уездларининг шимолий-шарқий қисми ҳамда Самарқанд областининг Хўжанд уезди ҳудудларида тузиш режалаштирилган. Кейинчалик Қўқон округининг ҳудуди Хўжанд уездидаги Богча-Исфара, Ғўлакандоз, Пистакўз, Нов, Унжи, Урал ва Чанкўли волостлари ҳудудини эгаллади. Қўқон округи чегаралари Авлиёота уезидан бошланиб, у жануб ва жануби-ғарбга томон йўналиб Қўқон округи билан Чотқол воҳасини ажратган. Бундан ташқари Сирдарё областининг Тошкент, Мирзачўл уездининг Сирдарё райониғача, Сирдарё районида жанубга Туркистонғача чўзилган. Округ ҳудуди кейинчалик: Самарқанднинг жанубий қисми ва Бухоро Республикаси, шимоли-шарқда – Фарғона областининг Фарғона ва Андижон (Норинғача бўлган ерлар) уездлари ва шимолдан Еттисув областининг Пишпек уезди билан чегараланган².

Марказнинг районлаштириш бўйича тузган давлат режалаштириш комиссиясининг маълумотларига қараганда XX асрнинг 20 - йилларида Қўқон округининг ҳудуди 36.0 минг. квадрат вёрста, аҳолиси 1 миллионга яқин кишини ташкил этган. Округ бўйича аҳоли 1 квадрат вёрстага ўртача 28.8 киши тўғри келган бўлиб, Туркистон АССР округлари ичида аҳоли зичлиги бўйича биринчи ўринда турган. Қўқон округи 1214 та аҳоли пунктдан иборат бўлиб, унда 4 та йирик шаҳар ва 66 та кичик шаҳар типидagi аҳоли пунктлари бўлган. Округдаги Қўқон шаҳрида 50338 нафар, Наманганда 40196 нафар, Хўжандда 32805 нафар, Чустда 8756 нафар аҳоли яшаганлиги рўйхатга олинган (1923 й)³.

¹ Материалы по районированию Ташкентского округа Уз ССР. Выпуск I. Список населённых пунктов.–Т.: Изд. ТОКР, 1926.-С 4 -10

²Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II-ий. Проект административно – хозяйственного деления ТССР. Под редакцией Председателя Комиссии по районированию Д.П. Красновского. – Т.: Изд ТЭС, 1924. – С 131-132

³ Ўша жойда. 132 – б.

Кўкон округининг аҳолисини 72.1 % ни ўзбеклар, 14.9 % ни тожиклар, 8.3 % ни қирғизлар, 2.2 % ни руслар, 1.2 % ни қипчоқлар, 1.3 % ни турли миллат вакиллари ташкил этган.

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилгандан сўнг, Кўкон округи ҳам Ўзбекистон ССРнинг Фарғона области таркибига киритилди. Фарғона области таркибига Кўкон, Андижон, Наманган, Фарғона уездлари киритилди¹. 1926 йил ўрталарида яъни, Ўрта Осиёда ўтказилган районлаштириш арафасида, Ўзбекистон ССРнинг районлаштириш комиссияси томонидан Кўкон округида қуйидаги 11 та район тузиш режалаштирилди: Олтиарик, Бағдод, Бешарик, Бувайда, Кўкон, Қува, Қудаш, Марғилон, Чуст, Риштон ва Фарғона².

Жумладан, Кўкон округида савдо алоқалари ҳам ўзига хос равишда олиб борилган. Маъмурий районлаштириш Марказ талаблари билан олиб борилган бўлсада, аҳоли турмуш тарзига ижобий таъсир этган томонлари ҳам бўлди. Округда аҳоли савдо ишларини юритиш ва истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида марказий шаҳар бозорлари ва қишлоқ бозорлари фаолият юритган. Масалан, Риштон, Бешарик, Лайлакхона, Қува, Яйпан, Чодак ва бошқа шунга ўхшаш 38 та қишлоқ бозорлари бор эди. Асосий йирик шаҳар бозорлари эса Кўкон, Фарғона, Марғилон ва Чуст каби водийнинг йирик шаҳарларида жойлашган эди³.

Туркистон АССРда ўзига хос ўринга эга бўлган Самарқанд округининг умумий ҳолати қуйидагича бўлган. Округнинг таркибига Самарқанд области, Хўжанд уездининг Боғча-Исфара, Ғўлакандоз, Пистақўз Нов, Унжи, Урал ва Чанқўли волостлари ва бундан ташқари Мирзачўл уездининг жанубий қисми, Сирдарё области (Сават волости) киритилиши режалаштирилган.

Марказнинг районлаштириш бўйича тузган давлат режалаштириш комиссиясининг маълумотларига қараганда Самарқанд округи шимолдан Туркистон уезди ва Сирдарё области, шимоли-шарқдан Мирзачўл, жануби-шарқдан Кўкон – Фарғона области, жануб ва жануби-ғарбда Бухоро Республикаси ва шимоли-ғарбда Амударё области билан чегараланган.

Самарқанд округининг XX аср 20 – йилларида ҳудуди 66.7 минг квадрат вёрстани ташкил этган. Округ бўйича аҳоли 674.8 минг кишини ташкил этиб, аҳоли зичлиги 1 квадрат вёрстага 10.1 кишига тўғри келган.

¹ Список населённых мест Узбекской ССР и Таджикской АССР. Выпуск III. Ферганская область. – Самарқанд: Изд. ЦСУ УзССР, 1925; – С. 1-4

² Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. – Самарқанд: Изд. ЦК Р Уз, 1926; - С 108.

³ Материалы по районированию Туркестана. Выпуск II-ий. Проект административно – хозяйственного деления ТССР. Под редакцией Председателя Комиссии по районированию Д.П. Красновского. – Т.: Изд ТЭС, 1924. – С 111-112.

1923 йилдаги маълумотларга кўра, округнинг 5та йирик шаҳарлари: Самарқанд (аҳолиси 71.456 киши), Жиззах (9.564), Каттакўрғон (10.219), Ўратепа (13.069), Панжикент (3.145 киши) ҳисобланган. Самарқанд округи аҳолисини этник таркибини 64.6% ўзбеклар, 26.6 % тожиклар, 2.9 % руслар, 1.8 % форслар, 1.7 % қozoқлар, 2.4 % яхудий, арман ва бошқа миллат вакиллари ташкил этган¹.

Самарқанд округи Ўзбекистон ССР ташкил топгандан сўнг ҳам стратегик иқтисодий, марказий ҳудуд мавқеини йўқотмаган ҳолда республиканинг энг муҳим округларидан бири бўлиб қолаверди. 1926 йилда Ўзбекистон ССРнинг районлаштириш комиссияси томонидан Самарқанд округида қуйидаги 10 та район тузиш режалаштирилди: Митан, Пойариқ (Челак), Оқдарё, Пастдарғом, Булунғур, Юқори Дарғом, Янгиқозонариқ (Ургут), Жиззах, Янгиқўрғон, Зомин².

Ўзбекистон ССР таркибида бўлган Самарқанд округининг ҳудуди 1926 йилда 16.776 квадрат верста, аҳолиси 461304 кишидан иборат эди. Аҳолининг асосий таркибини ўзбеклар ташкил этишига қарамасдан, ҳозиргача айрим тарихий адабиётларда бу миқдор камайтириб кўрсатилади. Масалан, қишлоқ аҳолиси таркибини ўртача 88.9 % ни ўзбеклар, 8% ни тожиклар ташкил этса, шаҳар аҳолисининг ҳам асосий қисми ўзбеклар, қисман руслар ва тожиклардан иборат бўлган³. Демак, округда ўзбеклар қишлоқлар ва шаҳарларда кўпроқ истиқомат қилишган.

Самарқанд округида савдо-сотик ишлари ўзига хос равишда олиб борилган. Округда 50 та бозор ва 3500 савдо шаҳобчалари бўлган. Савдо шаҳобчаларининг 109 таси давлатники, 103 таси тижорат ва 3288 таси хусусий эди. 1925 йилнинг биринчи ярмида бу савдо шаҳобчаларининг пул айланмаси 33.856 минг рублни ташкил этган бўлиб, бунинг 18.538 минг рубли давлат шаҳобчаларига, 3.711 минг рубли тижорат шаҳобчаларига ва 11.608 минг рубли хусусий шаҳобчалари ҳиссасига тўғри келган⁴.

Хуллас, айрим округларнинг мисолида Ўрта Осиёда совет ҳокимияти томонидан районлаштириш сиёсатининг амалга оширилиши арафасидаги (1926 йил ўрталари) умумий ҳолатига эътибор берган бўлсак, ушбу мақолада номлари кўрсатилган округлар нафақат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиё миқёсида жуда катта мавқега эга округлар ҳисобланган. XX аср 20-йилларида Ўрта Осиёда ўтказилган қатор иқтисодий, географик, маъмурий – ҳудудий районлаштириш, умуман олганда, районлаштириш сиёсати совет ҳокимиятининг манфаатлари назарда тутилиб амалга оширилди.

¹ Ўша жойда. – С 125-127.

² Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск I. Краткая характеристика проектируемых округов и районов. – Самарқанд: Изд.ЦК Р Уз, 1926; - С 63.

³ Ўша жойда. - С 64.

⁴ Ўша жойда. - С 65.

Бироқ минтақада ўтказилган иқтисодий ва маъмурий районлаштириш Ўрта Осиё республикаларининг кейинги тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Сабаби янги тузилган республикаларни ҳар томонлама иқтисодий ривожланишига, ишлаб чиқаришга, аҳоли турмуш тарзига қайсидир маънода ижобий таъсир кўрсатган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг пойтахти ҳисобланган Тошкент, шунингдек, мамлакатимизнинг йирик марказлари: Қўқон, Бухоро, Самарканд каби шаҳарларнинг Ўрта Осиёда районлаштириш сиёсати ўтказилиши арафасидаги тарихини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Otabek Normatov

Some opinions about the distraction policy in Central Asia

The article is analyzed the preparation policy of distraction in Tashkent, Samarkand and Kokand districts which took place at 1926. The analyses of policy is given on the static and different bulletins.

Отабек Норматов

Некоторые суждения о политике районирования в Средней Азии

В данной статье отражен процесс подготовки политики районирования, проводимой в Средней Азии в 1926 г. Анализ политики районирования Ташкентского, Самаркандского и Кокандского округов дан на основе статистических материалов и различных бюллетеней.

т.ф.н. А.А. Ерметов

ЎзМУ ўқитувчиси

Туркистонда совет давлат бошқарув тизимини ўрнатилишида ички ишлар органларининг роли (1917- 1925 йиллар)

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистондаги демократик ислохотларни амалга ошириш жараёнида ёш авлодни мустақилликка ишонч ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарих фанининг ўрни ҳамда аҳамияти бекиёсдир. Хусусан, яқин ўтмишда бўлиб ўтган тарихий воқеалар, Ўзбекистон давлатчилигига оид маълумотлардан сабоқ чиқариш, қилинган хатоларни такрорламаслик бугунги кунда давр талабига айланмоқда. Тарихий ҳақиқатни тиклаш зарурияти давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”¹, деб таъкидлайди.

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 4.

1917 йил 27 февралда Петроградда бошланган инкилоб Туркистон ўлкасига ҳам ўз таъсирини ўткази бошлади. Натижада Туркистонда ҳам ишчи ва солдат депутатлари Советлари тузила бошланди.

1917 йил октябр ойда Тошкент Совети солдатларни ўз томонига оғдира бошлади, асли россиялик бўлган ишчилар ҳам унга эргашди. Тошкентдаги октябр тўнтариши қатнашчилари 1 ноябрда Коровиченко ва Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Комитетини қамоққа олдилар. Шу куни Тошкент Совети Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилганлигини эълон қилди, шунингдек, советлар 25 ноябрда Янги Бухоро (Когон)да, 28 ноябрда Самарқандда, 7 декабрда Наманганда ҳокимиятни ўз қўлига олди¹.

1917 йил 26-28 ноябрда Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган Туркистон ўлка мусулмонларининг фавкулудда IV-қурултойида қабул қилинган қарорда: «Туркистонни Федератив Россия Республикаси таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилди ҳамда мухториятнинг қарор топиш шакллари Таъсис мажлисига ҳавола этди»². 28 ноябрда таркиб топаётган мазкур ҳукуматнинг номи аниқланиб, у Туркистон Мухторияти деб аталадиган бўлди. Туркистон Мухторияти ҳукуматининг халқ орасида обрў-эътибори ва нуфузи ошиб бориши большевикларни ташвишга солиб қўйди. Кескин қарама-қаршилиқлардан сўнг, 1918 йил 6 февралда (янги ҳисоб билан 1918 йил 19 февралда) Қўқон шаҳрида фаолият кўрсатаётган Туркистон Мухторияти ҳукумати большевикларнинг қонли ҳужумлари оқибатида ағдариб ташланди. Туркистон Мухторияти ҳукумати атиги 72 кун мавжуд бўлган бўлса ҳам, у эрксевар халқимизни миллий мустақиллик учун курашга даъват этиб кетди³.

Туркистонда большевиклар пролетариат «манфаатлари»дан келиб чиқиб сиёсат юрита бошладилар. Ўлкадаги янги тузум Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатидан ошиб тушди. Хусусан, инглиз тадқиқотчиси Жеофрей Вилернинг китобида "совет ҳукумати дабдабали декларацияларида халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини расмий жиҳатдан эътироф этган бўлсада, амалда у чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини янгича асосларда давом эттирди"⁴, деб таъкидланади.

¹ Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 йиллар). – Т.: Университет, 2002. Б.34.

² Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов.Т.2. -Т.: Фан, 1972. -С. 27.

³ Бу ҳақда батафсил қаранг: Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: Миллий демократик давлатчилик қурилиши таърибаси. - Т.: Маънавият, 2000.

⁴ Geoffrey Wheeler. The modern history of Soviet Central Asia. –London. Weidenfeld and Nicolson, 1964, Page. 98.

Марказдаги большевиклар чекка ўлкалар, шу жумладан, Туркистонда ҳам ўз ҳукуматини мустаҳкамлашга қаттиқ киришди. В.И.Лениннинг буйруғи билан большевик П.Кобозев Ўрта Осиёнинг фавкулудда комиссари сифатида жўнатилди. 1918 йил апрел ойининг бошларида П.Кобозев Тошкентга етиб келди ва 10 апрелда у Туркистон ўлкасини бошқаришга киришганлигини эълон қилди¹.

1918 йил 20 апрел-1 майда Тошкентда Туркистон ишчи, солдат, муслмон ва деҳқон депутатлари Советларининг V ўлка съезди бўлиб ўтди ва 30 апрелда «Туркистон Совет Федератив Республикаси тўғрисида Низом» қабул қилинди. Низомга кўра, Туркистон ўлкасининг ҳудуди «Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси» деб эълон қилиниб, унинг таркибига Хива ва Бухородан ташқари Туркистоннинг барча ҳудуди киритилди. Туркистон АССР мухторият тарзида бошқарилиб, ўзининг барча фаолиятини РСФСР ҳукумати билан мувофиқлаштирарди, яъни давлат бошқарувининг барча тармоқлари қонуний равишда марказга бўйсундирилди. Бу «автономия» табиатан миллий мухторият бўлмай, балки ҳудудий бир автономия эди.

Туркистонда советча иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг асосий негизи ўлка иқтисодиётини марказ иқтисодиётига бўйсундиришдан иборат бўлди. Ўлкада Туркистон Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) ташкил этилиб, унинг таркибига 15 та комиссарлик киритилди. Туркистон ўлкаси ХКС ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб совет сиёсатини амалга оширишга, ўлкада совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга астойдил киришди. Бу жараёни янада жадаллаштириш мақсадида, совет давлат аппаратининг муҳим бўғинлари сифатида ташкил этилган назорат органлари ВЧК (Бутунроссия Фавкулудда Комиссияси), ГПУ (Давлат сиёсий бошқармаси), НКВД (Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги), Ишчи-деҳқон милицияси, Ишчи-деҳқон инспекцияси ва бошқалар янги тузум ҳуқуқ-тартиботини ҳимоя қилишга қаратилган ташкилотлар тарзида бунёд этилди.

Совет ҳукуматининг ваколатига биноан, РСФСР Ички ишлар халқ комиссарлиги қабул қилган «Ишчи милицияси тўғрисида»ги қарор янги турдаги милиция ташкил этилганлиги ҳақидаги биринчи кўрсатма эди².

Совет Россияси шаҳарларидан ибрат олиб, Туркистонда ҳам ишчи-деҳқон милицияси ташкил этила бошланди. 1918 йил 29 январда Туркистон ўлкаси ХКСнинг 17-сонли «Захира кадрларини яратиш ва милицияни қайта ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғи эълон қилинди³.

¹ ЎзРМДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 35-иш, 214-варак.

² Джаилов Т. Верные отчизне. (1917-1924 гг.). -Т.: Узбекистан. 1968. -С.19.

³ Ерметов А. Туркистонда назорат органлари фаолияти. Т.: Abu matbuot- konsalt, 2007. Б.31.

Буйрукни бажариш Фуқаро–маъмурий қисм халқ комиссари зиммасига юклатилган эди.

Муваққат ҳукумат даврида (1917 йил март-октябр) тузилган эски ҳарбий ва фуқаро милицияси узил–кесил бекор қилинди. Янги милицияни ташкил этиш ва кадрлар тайёрлаш ишига раҳбарлик қилиш учун 1918 йил 30 январда «Туркистон ўлкаси шаҳар ва туманлари милиция инспектори бошқармасининг бўлими» ташкил этилди¹.

1919 йил 26 апрелда (бошқа бир ҳужжатда ёзилишича, 1919 йил июлда) Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссарлиги таркибида республика милицияси ишига раҳбарлик қиладиган Ишчи-деҳқон милицияси Бош бошқармаси таъсис этилди ва 1920 йил 21 январда унга большевик Я.Цируль бошлиқ этиб тайинланди². 1919 йил 26 июнда Туркистон АССР ИИХК «Россия Совет Федерациясининг Туркистон Республикаси Ишчи-деҳқон совет милицияси тўғрисидаги Низом»ни қабул қилди³.

«Низом» шаҳар, уезд, шунингдек, жиной қидирув ва темир йўл милициясини Милиция Бош бошқармасига бўйсундириб, унинг ролини мустақамлаган эди. «Низом» совет милициясининг бурчи ва асосий вазифаси ишчилар синфи ва камбағал меҳнаткаш халқ манфаатлари ҳамда инқилобий тартиб, янги тузумни муҳофаза қилиш⁴, тартиб-интизом борасида ИИХКга юклатилган вазифаларни бажариш ҳамда давлат томонидан чиқарилган қарор, декрет ва буйруқларни ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш, қамоқхоналар ва маҳбуслар вақтинча сақланадиган лагерларни кўриқлаш, мавжуд ҳамма бошқарув органларига уларга топширилган вазифаларни бажаришда кўмаклашишдан⁵ иборат деб белгилади.

РСФСР ИИХК коллегияси томонидан «Милиция таркибида жиной қидирув бўлимларини ташкил этиш» ҳақидаги қарор тасдиқлангандан сўнг (1918 й. 5 октябр), Туркистон АССРда ҳам жиной қидирув бўлимлари милиция таркибига ўтказила бошланди. Жиной қидирув бўлимлари ҳамма губернияларда ва аҳолиси 40 минг кишидан ортик бўлган шаҳар худудларида фаолият кўрсатиши йўлга қўйилди⁶.

Ўлкада «Республика Милицияси Бош бошқармаси қошида жиной қидирувни ташкил этиш тўғрисидаги Низом» аввал Туркистон АССР

¹ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 72-иш, 1-варак.

² ЎзРМДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 106-иш, 6-варак; 17-фонд, 1-рўйхат, 40-иш, 7-варакнинг орқаси.

³ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 103-иш, 1-варак; Положение о Советской Рабоче-Крестьянской милиции Туркестанской Республики Российской Советской Федерации. (Нашр этилган жойи ва вақти кўрсатилмаган). –С.1-13.

⁴ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 72-варак.

⁵ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1336-иш, 2-варак ва унинг орқаси.

⁶ Еропкин М. Развития органов милиции в Советском государстве. -М.: 1967. -С.21.

ХКСнинг ййгилишида кўриб чиқилди (1919 й. 7 июл), сўнг Туркистон АССР МИК томонидан тасдиқланди (1919 й. 16 июл)¹. Хуллас, милициянинг советлар билан алоқаси янада мустаҳкамланди.

Совет тузуми ўрнатилаётган бир шароитда қизил армия ва Ишчи-деҳқон милициясига Туркистонда транспорт йўлларини назорат қилиш вазифаси ҳам юклатилди. Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети томонидан «Ишчи-деҳқон темир йўл милицияси» Низоми тасдиқланганидан сўнг (1919 й. 23 феврал), Туркистон АССРда ҳам Ишчи-деҳқон темир йўл милицияси ташкил этилиб, у аввал ИИХК таркибида, кейинчалик Милиция Бош бошқармаси тасарруфида фаолият юритди.

Ўлкада «инқилобий тизим»ни ўрнатишда ишчи ишлар органларининг фаолиятини кўрсатиб ўтар эканмиз, бунда асосий ролни 1919 йил майда РСФСР Ички ишлар халқ комиссарлиги Бош бошқармаси томонидан ўзича мустақил бўлим сифатида тузилган милиция бўлимини таъкидлаб ўтиш зарур. Бу бўлим мамлакат саноат ишларини назорат қилиш билан шуғулланган бўлиб², у «Саноат милицияси» деб ҳам юритилган³.

Туркистонда саноат милицияси кейинроқ, 1921 йил 19 февралда ташкил этилди. Саноат милициясига асосан, иқтисодий соҳадаги масалалар, яъни заводлар, фабрикалар, омборхоналар ҳамда шунга ўхшаган бошқа кўпгина идораларни назорат қилиш ва бошқа вазифалар юклатилган эди.

Туркистонда ички ишлар органларининг тузилишидаги кейинги босқич, сув милицияси ва маҳкама (ведомственная) милиция бўлимларининг ташкил этилиши масалалари билан боғлиқ. 1923 йил 22 августда Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссари Н.Аралбаев томонидан сув милициясининг Низоми тасдиқланди. Унда: «сув милицияси ходимлари умумфукаровий милиционерларга тегишли ҳамма ваколатларга эга бўлиб, уларнинг асосий вазифалари суғориш ва суғориш иншоотлари билан боғлиқ барча масалаларни назорат қилишдан иборат»⁴, деб кўрсатилди.

1924 йил 27 февралда РСФСР ХКС ва ИИХКнинг №55-сонли Маҳкама милициясини тузиш ҳақидаги қарори эълон қилинди⁵. Туркистонда ҳам маҳкама милициясини ташкил этиш мақсадида, Туркистон АССР ИИХК томонидан махсус лойиҳа ишлаб чиқилди (1924 йил 5 сентябр) ва у ХКСга

¹ ЎЗРМДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 206-иш, 78-варак.

² ЎЗРМДА, 339-фонд, 1-рўйхат, 134-иш, 15-варак.

³ Белоус В. Организационные формы охраны собственности государством до создания вневедомственной охраны в системе МВД СССР (1917-1952гг). // История государства и права. №1, -М., 2002. -С.62.

⁴ ЎЗРИИВА, 432-фонд, 4-рўйхат, 21-иш, 160-варак.

⁵ ЎЗРИИВА, 432-фонд, 4-рўйхат, 21-иш, 22-варак.

тақдим этилди¹. Туркистонда маҳкама милициясининг бўлимлари биринчилар қаторида Туркистон Давлат тоғ-кон-ёқилги трестида тузилган бўлиб, у ички тартиб-интизом ва трестга тегишли барча мулкнинг назоратини ўз қўлига олди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳокимият большевиклар томонидан эгаллангандан сўнг, яқка ҳукмрон партия бўлган большевиклар партияси жамиятнинг барча жабҳаларидаги бошқарувни ишчи ва деҳқонларнинг қўлига олиб бериш баҳонасида уларни ўз назорати остига ола бошлади. Большевиклар партияси ўзининг яқка ҳукмронлиги воситасида пролетар диктатурасини ўрнатиш учун совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидан бошлаб янги режимни ҳимоя қилувчи органларни тузишга алоҳида эътибор қаратди. Марказда бўлгани сингари Туркистон ўлкасида ҳам большевиклар томонидан халқ комиссарликлари таркибида Ишчи-деҳқон милицияси тузилди. Туркистон АССРда ташкил этилган Ишчи-деҳқон милицияси ўзининг иш фаолияти даврида тегишли структура ва бўлимларига эга бўлди. Совет ишчи-деҳқон милицияси бутун мамлакатда бўлгани сингари Туркистон АССРда ҳам большевиклар ҳокимиятини ўрнатишда ўзларининг муайян даражада «ҳисса»сини қўшди.

А.А. Yermetov

The role of internal state organs in the consolidation of soviet government system in Turkestan

In this article is analysed the role of internal government bodies at formation and consolidation of soviet government system in Turkestan and contradictory conditions in this process.

А.А. Ерметов

Роль органов внутренних дел в установлении советской системы государственного управления в Туркестане (1917- 1925 гг.)

В статье на основе архивных данных раскрывается вопрос о создании в Туркестанской АССР системы управления советского государства, в частности, всесторонне освещается роль и место органов внутренних дел.

Б.Арзиева

Нукусский государственный педагогический институт Политика и судебная система в Амударьинской области в 1920-1924 гг.

Политико-военное и судебное положение Амударьинской области в 1920-1924 гг. было крайне тяжелым. В самом деле, если остальные области Туркестанской республики имели регулярную связь с центром, благодаря железной дороге и занятию более выгодного географического

¹ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 4295-иш, 26, 34-35-варақлар.

положения, а следовательно более развитую промышленность, то все это отсутствовало в Амударьинской области. Слишком большая оторванность от центра и плохие пути сообщения и еще более плохие пути сношения (телеграф) создали естественную пробку, которая тормозила развитие экономической мощи области. Область в полном смысле слова была замкнута и не имела выхода - более рационального и выгодного сбыта продуктов сельского хозяйства. Это конечно отражалось на развитии сельского хозяйства, которое было очень примитивно и вследствие этого требовало колоссальной затраты труда. Граничащие с областью рынки не могли внести область из состояния застоя, как например, рынок Хорезмской республики находился точно в таком же положении, как и Амударьинской области - товарообмен между названными территориями был крайне незначителен. Следует заметить, что область до 1917 года производила хлопок и хлопковая культура имела тенденции развития при условии правильного функционирования дешевого водного транспорта. Сокращение хлопковой культуры в период 1917-1920 годов в конечном итоге привело к тому, что область из потребителей переходила в производящую хлебные культуры.

Конечно, указанные причины, безусловно, отразились на построении советского аппарата и главным образом на его работе. Здесь необходимо отметить, что из-за оторванности, построение советского аппарата шло крайне ненормально и зачастую принимало уродливую форму, а это побуждало отделы работать без определенных предначертаний, так как последние благодаря постоянному переформированию были не долговечны - преемственность в работе отсутствовала и только в 1921 году аппарат области начинает крепнуть и выливаться в определенную форму.

Отделы во главе с Облисполкомом выползли из рамок уезда и начали работать, правда, крайне слабо, из-за внутренней оторванности в областном масштабе. Область не была районирована по своему этнографическому составу, а это на сколько жизненный вопрос, что требовало немедленного разрешения, не редки были случаи, когда отдавались распоряжения, диаметрально противоположенные укладу жизни.

Анализ деятельности Областного исполнительного комитета свидетельствует, что неурегулированность взаимоотношений с центром Туркестанской республики, отсутствие твердой схемы построения советского аппарата и порядка соподчиненности отделов, породило автономию и патриотизм последних. Из-за отсутствия квалифицированных сотрудников советского аппарата, в том числе судебных систем, произошло бессистемность расходования местных средств.

«Научное понятие диктатуры» с ее «ничем не ограниченной, никакими законами, никакими абсолютно правилами», властью реализовалось на практике сразу же после Октября. Были ликвидированы суд и вся система правосудия. Их заменили ревтрибуналы, которые судили на свой, чисто классовый лад, а именно на основании «пролетарской совести и революционного самосознания». К этому добавился практически не контролируемый самосуд.

Декрет, восстановивший смертную казнь, считал активными контрреволюционерами «неприятельских агентов, спекулянтов, громил, хулиганов, контрреволюционных агитаторов, германских шпионов», кои все подлежали «расстрелу на месте»¹.

Далее этот список стал быстро расширяться: в него были включены саботажники и прочие «паразиты», причем ревтрибуналы, по указанию Наркомата юстиции РСФСР от 22 февраля 1918 года, «не связаны никакими ограничениями в выборе мер борьбы»².

За первую треть 1923 года в Ревтрибунал Амударьинской области поступило 50 дел, из них 25 дел общеуголовного характера и 24 дела - преступления по должности (взяточничество).

Судебных заседаний состоялось 17, распорядительных заседаний было 9, 17 дел было закончено на распорядительных заседаниях в порядке прекращения или по амнистии.

По двум делам: об убийстве Турткульского кладбищенского сторожа и об убийстве сотрудника уголовного розыска, — 5 обвиняемых были приговорены судом к расстрелу, приговоры были утверждены Кассационной коллегией НКЮ и приведены в исполнение.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси Т.2001. №1. 62-83 б

¹¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2006. №12. 44-б

тўғрисидаги конвенция», «Халқаро маданий ва табиий бойликларни асраш тўғрисидаги конвенция» каби кўплаб халқаро ҳужжатларга кўшилди ва улар Олий Мажлис томонидан ратификация қилинди.

1992 йил 2 мартда Ўзбекистоннинг БМТ га аъзо бўлиши ҳам ҳар томонлама ижобий силжишларга имконият яратди. Ўзбекистон Республикаси БМТнинг атроф-муҳит масаласи бўйича бўлими – UNEP ва ЮНЕСКО билан яқин ҳамкорлик олиб бормоқда.

Ҳозирда Республикада Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (1996.26 апрелда тузилган), «ЭКОСАН» халқаро экология ва саломатлик ташкилоти (1991 йил декабрда жамғарма сифатида ташкил этилганди, 2004 йил августда ташкилотга айлантирилди)¹ каби атроф-муҳит ва инсон саломатлигини яхшилаш бўйича бир қанча ташкилотлар фаолият юритиб келмоқда. Улар диёримизда экологик муаммоларни ҳал этиш ва табиатни асраш масалалари бўйича улкан ишлар олиб бордилар ва бугунги кунда ҳам бу йўлда ўз ишларини давом эттирмоқдалар. Республикадаги мавжуд экологик муаммоларни таҳлил этиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирда сув танқислиги ва ифлосланиши ҳамда Орол муаммоси Ўзбекистон Республикасининг энг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, бутун дунёда истеъмол қилишга ярайдиган тоза сув миқдори жуда ҳам оз. Ердаги жами сув захирасининг атиги 2 фоизи чучук сувдир.² Одамлар дунёдаги умумий сув захираларининг атиги 0,4 фоизидангина фойдаланиш имкониятига эга. 1,1 миллиардга яқин одам тоза ичимлик сувидан фойдалана олмайди. Ҳар куни 2 миллион тонна чиқинди сув ҳавзаларига ташланади. Бугунги кунда 40 дан ортиқ мамлакатдаги 2 миллиарддан ортиқ одам сув танқислигини сезмоқда.³ Марказий Осиё ҳам сув захиралари чекланган ҳудудлардан биридир. Йилига 78 куб километр сув келтирадиган Амударё ва 36 куб километр сув келтирадиган Сирдарё ҳудуддаги асосий сув манбаидир.⁴ Ўзбекистонда умумий узунлиги қарийб 172,5 минг километр бўлган 74 та канал бор, шундан 28 минг километрни хўжаликлараро каналлар, қолган қисмини хўжалик ички тармоқлари ташкил қилади. Республикада 51 та дарё ва сой, 25 та сув омбори, 505 та кўл (умумий майдони -8785 километр квадрат) мавжуд.⁵ Кўратилган сув миқдори жуда ҳам оз. Республикада 1974 йилдан бошланган сув тақчиллиги суғориладиган дехқончиликни мунтазам оби ҳаёт билан таъминлашни

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2006. № 12. 44-45 б

² Тиловов Т. Экологиянинг долзарб муаммолари. К. «Насаф».15-б

³ Сув Ўзбекистон келажаги учун муҳим ҳаётий ресурс. Т.2007. 11-б.

⁴ Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулида: Т. 6. –Т.: Ўзбекистон. 1998. 115-б

⁵ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. 2006. № 12. 25-29 б

жиддий қийинлаштирмақда.¹ Бунинг устига сувнинг ифлосланиши муаммони янада оғирлаштирмақда. Дарё ва канал сувларининг ифлосланиши, айниқса, йирик саноат шахарларидан ўтганларида содир бўлади. Дарё сувлари саноат, қурилиш, транспорт, коммунал ва маиший хўжалик корхоналарининг сув хавзаларига ташланаётган оқова сувлари ҳисобига ҳам ифлосланиб бормақда. Дарё ва ариқларимиздаги сув таркибида калий, кальций, фосфор, органик моддалар, азот бирикмалари, турли бактериялар микдори пасаймаяпти. Чирчиқ, Зарафшон дарёлари, Салор ариги ва бошқа бир қатор сув манбаларида саломатлик учун хавфли моддалар кўп.² Республика аҳолисининг учдан бир қисми давлат стандартига мос келмайдиган ичимлик сувини истеъмол қилмақда. Истеъмолда ишлатилаётган водопроводларнинг аксариятини қурилганига ярим асрдан ошган ва албатта бу сувнинг гигиеник тозалигига салбий таъсир кўрсатади.³ Ҳозирда кишилар ҳамма ифлос чиқиндиларини сувга ташлаш одатий ҳолга айланиб, бунга жамият ҳам кўникиб бормақда. Республикада сув манбаларини тоза тутиш ва сувдан оқилона фойдаланиш борасидаги тарғибот ишларининг кўлами тор ва паст даражада. Япон ёзувчиси Хироси Нома «мабодо келгусида ерда ҳаёт тамом бўлса, у атом урушидан эмас, у сув етишмаслигидан бўлади» деган гапи бежиз эмас.

Марказий Осиёда сув билан боғлиқ яна бир катта муаммо, бу-Орол муаммосидир. Президент Ислом Каримов 1993 йил 18 июнда Швейцариядаги халқаро иқтисодий ташкилоти - «Форум-фонд»да «Орол муаммоси мамлакатимизга ёки Марказий Осиёгагина тааллуқли бўлиб қолмай, жаҳоншумул муаммо ҳамдир. Орол буйидаги экология вазиятининг мушкуллашуви оқибатда бутун Ер қуррасига таъсир қилиши мумкин», -деб Орол муаммосининг глобал муаммо эканлигини яна бир таъкидладилар.⁴ XX аср ўрталарида Орол денгизи (кўли) – ўз ҳажми ва катталиги бўйича 4-ўринда (Каспий денгизи, Шимолий Америкадаги Юқори кўл ва Африкадаги Виктория кўлидан кейин)⁵ бўлиб, 1960 йилда унинг майдони Бельгия майдони билан тенг эди.⁶ 1911-1962 йилларда Орол денгизи сатҳи энг юқори нуктада бўлиб, 53,4 метрни, сувнинг ҳажми 1064 куб километрни, сувнинг юзаси 66 минг квадрат километрни ва минераллашув даражаси бир литр сувда

¹ Алимов Т.А, Рафиқов А.А. Экологик хатолик сабоқлари. Т. Ўзбекистон. 1991. 23-б

² Иқромов Э.Ж, Хотамов.А.А. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш асослари. Т.2001. 23-б.

³ Просто пишем о среде. Т.2004.18-б.

⁴ Экология ва ҳаёт. Т. Ўзбекистон. 2002. 15-б

⁵ Мустикаллик изохли илмий-оммабоп лугат. Т. «Шарк». 1998. 180-б

⁶ Доклад о развитии человека 2006. Что кроется за нехваткой воды: Власть, бедность и глобальный кризис водных ресурсов. М. «Весь Мир». 2006. 143-б.

10-11 граммни ташкил этган эди. Унга Амударё ва Сирдарёдан ҳар йили деярли 56 куб километр сув келиб қўйиларди¹. Пахта монополияси даврида сувдан ногўри фойдаланиш натижасида сувнинг Орол денгизига етиб бориши аста-секинлик билан камайиб борди. 1974 йилдан Сирдарёнинг суви Орол денгизига етиб бормай қўйган бўлса, Амударёдан борадиган сув эса жуда ҳам камайиб кетди². 1994 йилга келиб Орол денгизи суви сатҳи – 32,5 метрга, сув ҳажми – 400 куб километрдан камроққа, сув юзасининг майдони эса 32,5 минг квадрат километрга тушиб қолди, сувнинг минераллашуви икки баравар ортди. Орол денгизининг сатҳи 20 метр пасайиши натижасида бир бутун қўл иккита қолдиқ қўлга айланиб қолди. Унинг соҳиллари 60-80 километрга чекинди. Денгизнинг суви қочган туби 4 миллион гектардан ортиқроқ майдонга ёйилиб, шўрҳок саҳро ҳосил қилди. Шамол натижасида қумли чанг-тўзон узунлиги 400 километр ва эни 40 километр майдонга етиб бормоқда. Чанг бўронларининг таъсир доираси эса 300 километргача етмоқда. Хар йили атмосферага 15-75 миллион тонна чанг кўтарилмоқда. Эндиликда Оролбўйи экологик кулфат худудига айланди. Денгиз хавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши унинг таъсирида қолди. 1983 йилдан Орол балиқ овлашга яроқсиз сув хавзасига айланди.³ Бундай улкан денгизни йўқолиб кетишини олдини олиш, экохудудни сақлаб қолиш, инсон саломатлигини ҳимоялаш мақсадида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йили мартда Қизилўрдада, 1994 йил январда Нукусда, 1994 йил мартда Тошховузда, 1995 йил сентябрда Нукусда, 1997 йил февралда Алматида юқори даражадаги учрашувлари бўлиб ўтди. Учрашувлар натижасида Орол денгизини кутқариш фонди, давлатлараро сув хўжалиги мувофиқлаштириш комиссияси тузилди⁴. Шунингдек, жаҳон жамоатчилигининг эътибори Орол муаммосига қаратилди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда сув муаммоси нафақат Ўзбекистон Республикаси, балки бутун дунё миқёсидаги глобал муаммо ҳисобланади. Сув муаммосини бартараф этиш ва ундан оқилона фойдаланишни жорий этиш ҳозирги куннинг энг асосий вазифалардан биридир. Бунинг учун **биринчидан**, сувдан оқилона ва тўғри фойдаланишни жорий этиш; **иккинчидан**, мамлакатлараро-трансчегаравий сувдан фойдаланишни мувофиқлаштириш (чунки кўплаб

¹ Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулида.: Т. 6. – Т.:Ўзбекистон. 1998. 117-б

² Тиловов Т. Экологиянинг долзарб муаммолари. К. «Насаф». 2003. 17-б

³ Каримов И.Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йулида: Т. 6. – Т.:Ўзбекистон.1998. 117-118 б.

⁴ Экология хабарномаси 1998. № 5-6. /Атроф мухит муҳофазасининг асосий йуналишлари.

давлатларда фойдаланилаётган сувларнинг-дарёларнинг асосий манбаи бошқа мамлакатларда жойлашган ва дарёнинг юқори оқимида сувдан фойдаланишда ўзгартиришлар қилиниши, дарёнинг қуёи оқимида жойлашган сувдан фойдаланувчилар учун қийинчиликлар туғдиради. «Трансчегаравий дарёларда ҳар қандай гидро-техник иншоот қуришда, мамлакат, бу борада қўшни давлатлар билан қелишиши ва халқаро ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилиши зарур»¹) ва имзоланган шартнома-қелишувларга қатъиян риоя этиш; **учинчидан**, сув ҳавзаларини экологик муҳофаза қилиш ва ифлослантирмаслик ҳамда содир этилган жиноятларга жазо чораларини қучайтириш лозим.

B.Usmanov

The state policy of preventicy water problems during the years of Independence.

In this article is given water problem, one of the main problems of the Republic of Uzbekistan and in connection with it all the defects done in this sphere during the existence of Soviet State are opened in it. In this article are also given the principal actions of the government of the Republic of Uzbekistan to overcome water problems.

Б.Усманов

Политика государства по предотвращению водных проблем в годы независимости

В данной статье освещается одна из главных проблем республики – водная проблема, и в связи с этим раскрывается ряд недостатков в данной области, допущенные в период существования Союзного государства. Также в статье освещаются основные действия правительства Республики Узбекистан на пути преодоления водных проблем.

III. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ: АНЪАНАЛАР ВА ЎЗГАРИШЛАР

Ш. Т. Қўлдошев

ЎЗР ФА Шарқшунослик институти

«Андижонликлар» ва Шарқий Туркистон бозори

XVIII асрнинг дастлабки ўн йиллигида Бухоро хонлигида кузатилган сиёсий инқирознинг натижасида Фарғона водийсида янги давлат бирлашмаси - Қўқон хонлигига асос солинди. Ташкил топган бу давлат ҳукмдорлари ўзларининг бутун ички ва ташқи сиёсатларини мамлакат раванқи йўлида сарфлашга ҳаракат қилдилар. Салоҳияти қучли бўлган

¹ Халқ сузи. 26.02.2006. №42.

хукмдорлар даврида давлатни марказлаштириш жараёни кучайган йилларда мамлакат иқтисодиёти ҳамда маданий ҳаётида жонланиш кўзга ташланди. Мамлакат иқтисодининг ўсишида Қўқон хонлигининг ташқи иқтисодий алоқалари муҳим рол ўйнаган. Айниқса, Хитой ва унинг таркибидаги Шарқий Туркистон худуди аҳолиси билан савдоси хонлик иқтисодий тараққиёти учун муҳим бўлган. Ушбу савдода «андижонликлар» деб ном олган ўрта осийлик савдогарлар ва хунармандлар (улар таркибининг асосий қисми Қўқон хонлиги фуқаролари ҳисобланган)нинг фаолияти аҳамиятли ҳисобланади. Уларнинг фаолиятини ўрганиш Ўзбекистон тарихида янги саҳифалар очиб беради.

Хитой манбаларида Андижон, XIV-XIX асрлар давомида Хитой маҳсулотларини сотиладиган Ғарбдаги муҳим савдо маркази сифатида тилга олинган¹. В.В. Бартольднинг ёзишича, «Ўрта Осий билан Шарқий Туркистон ўртасидаги савдо алоқалари «андижонлик» савдогарлар орқали амалга оширилган. У томонда Андижон шундай машҳур бўлиб кетганки, ҳатто бутун Ўрта Осийдан бориб қолган бошқа савдогарлар, хунармандларни ҳам уйғурлар ўлкасида «андижонликлар» деб атаганлар»². Буни хитой ҳужжатларида ҳам берилганлигини япон олими Торо Согучи тасдиқлайди³.

1755-1759 йиллари Хитойнинг манжурлар қўшинлари томонидан Шарқий Туркистондаги Ёркенд хонлиги(1465-1759) босиб олинди. Бу ҳолатдан сўнг, Қўқонга 9 минг оила кўчиб ўтган⁴. Ушбу муҳожирачларни қайтариш ҳақидаги Хитой ҳукумати талабини Қўқон хукмдорлари Эрдона (1751-1770) ва Норбўтабий (1770-1798) лар рад этилган⁵. Оқибатда хўжаларни ушлаб туриши эвазига Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистондаги савдосига кенг йўл очишни ва ҳар йили 1000 кумуш ёмбуга баҳосида тўлов тўлаб туриш асосида ҳал қилишга ҳаракат қилган⁶.

Манжурлар ҳукуматининг Қўқон билан юқоридаги қилишувига биноан «андижонликлар» Шарқий Туркистон бозорларини эгаллай бошлади. 1761 йил Ёркенд ҳарбий бошлиғи Синьчжу манжурлар ҳукуматига шуни аниқ таъкидлайдики, «Андижонлик савдогарлар бу ерга

¹Қаранг:Китайский документы и материалы по истории Восточного Туркестана, Средней Азии и Казахстана XIV-XXвв.– Алма-Ата., 1994. – С. 255.

²Бартольд В. В. Андижан//Соч. – Москва., 1965. Т. III. – С. 326.

³Saguchi T. The Eastern trade of the Khokand khanate (The Orientre Labrery) № 2. – Tokyo, 1965. – P. 67.

⁴Санг Мухаммад Бадахши «Тарихи Бадахшан». // Материалы по истории Средней и Центральной Азии X –XIX вв. -Т.: 1988. – С. 337.

⁵Кутлуков М. Взаимоотношения Цинского Китая с Кокандским ханством// Китай и соседи. – М., Наука. 1982. – С. 203.

⁶Обозрение Кокандского ханства в нынешнем его состоянии.- «Записки РГО». СПб., 1849, кн . 3. – С. 196.

тартибсиз, тўхтовсиз ва кўп миқдорда кириб келишмоқда, маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетмоқда. Энг ташвишланарли томони шуки, душман ташқарида ҳам мавжуд, ичкарига кириб ҳам яширинмоқда»¹. Манжурлар ҳукумати бу ташвишга солган, албатта. Чунки, «андижонлик» савдогарлар Шарқий Туркистоннинг турли ҳудудларидаги бозорларини эгаллай бошлаган эди. Ҳатто, улар Шарқий Туркистоннинг шарқидаги Хитойнинг Шаньсу-Ганьсу провинциясига ҳам бориб етганди. Бу ҳақда провинциянинг генерал-губернатори Ян Инцзиной хабарномасида ҳам шундай маълумот учрайди. «Кейинги даврда андижонликлар, бадахшонликлар, қирғизлар ва бошқа мусулмонлар бизнинг бозоримизда савдо қилишмоқда. Улар тўхтовсиз равишда ўз уйларига бориб келишмоқда»². «Андижонлик»лар бевосита юкоридаги кўзгалонларда ҳам иштирок этганлар. Манжурлар ҳукумати уларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш учун бир неча чеклашга ҳаракат қилган. Жумладан, 1795 йилдаги Хитой ҳукуматининг фармонида биноан, шарқий туркистонлик қизларни, «андижонлик» йигитларга турмушга чиқиши манъ этилган³ ҳамда 1826-1828 йиллардаги Жаҳонгирхўжа кўзгалонидан сўнг, Шарқий Туркистон ҳудудидан «андижонликлар»нинг бор мол-мулкларини мусодара қилиниб, мамлакатдан чиқариб юбориш ҳақида фармон эълон қилинган⁴.

Қўқон хонлиги билан Шарқий Туркистон ўртасидаги савдо-сотик сиёсий жараёнлар таъсирида анъанавий одагга айланиб борган Бу муносабатлар ривожидан иккала ҳудуднинг савдогарлари аллақачон бири-бири билан аралашиб кетиб ўзаро савдо айланмаси ҳисобланган молларнинг хусусиятлари, икки-чикирлари ҳамда савдодаги нархларини тўлиқ билиб олганлар. Улар икки мамлакатдаги сиёсий жараёнлар, табиий, ижтимоий-иқтисодий шароитларидан доимо хабардор бўлиб турган. Бу савдогарларнинг маълумотлари асосида икки ҳудуд ўртасидаги савдонинг шартлари ва қоидалари ишлаб чиқилган, бу ҳақда «рисолалар» ёзилган. Бу рисолаларда шариат ҳукми асосида савдо қилиб, харидорни алдамаслиги, молларни сотаётганда уларнинг айбини айтиб сотиш шарт ҳисобланган. Уларнинг савдо ишлари кейинги авлодларга ота-мерос бўлиб қолиб, машхур бўлган отасининг исми билан у ёки бу ҳудудда фаолият олиб борган. Бу машхурликни, яъни обрўни, кадр-қимматни сақлаб қолиш учун кейинги авлодлар ҳам ҳаракат қилганлар. Россия империясининг 1882-1903 йилларида Қашқардаги консули Н. Ф Петровский ёзишича,

¹ Кузнецов В.С. Экономическая политика Цинского правительства в Синьцзяне в первой половине XIX века. – Москва., 1973. – С. 19; Плоских В Киргизы и Кокандского ханство. – Фрунзе., 1977. – С. 131.

² Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии. (вторая половина XVIII-первая половина XIX вв) –Новосибирск., 1983. – С. 53.

³ Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии... – С. 53.

⁴ Кутлуков М. Взаимоотношения Цинского Китая с Кокандским ханством... – С. 212.

«Анджонликлар ва қашқарликлар қандай савдо қилишган бўлса, ота-боболари ҳозир ҳам шундай савдо қилишади. Уларнинг савдо ишларидаги умумийлик уларни бирлаштирган, ҳамфикрликка, савдо жамоаси бўлиб шаклланишига олиб келган»¹. Улар ўртасидаги савдо мажбуриятлари, молларнинг нархлари ҳақидаги мулоҳазаларини бир-бирига бемалол айтиши ва энг муҳими улар бир-бирини алдамаслигидадир. Юқоридаги омиллар сабаб анджонлик савдогар Россия, Хитой империяси манофактура эгаларнинг ишончини қозонган. Бу империядаги савдогарлар ўз товарларини уларга ишониб сотган ва улардан сотиб олган. Воситачи ролини эса анджонликлар мукамал эгаллаганлар. Шунинг учун ипак ва чой савдосини давлат монополиясига айлантирган Хитой-манжур ҳукумати фақат уларга сотишга рухсат берган. Ҳатто рус савдогарларини «анджонликлар» номи остида, осиеча кийим кийдирилган ҳолда Шарқий Туркистон чегараларидан ўтказилган². Англия молларининг сунъий равишда Ўрта Осиёга олиб келган ҳинд ва кашмирлик савдогарларни ҳам сиқиб чиқаришга эришганлар. Чунки Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон аҳолиси ишончини «анджонлик» савдогарлар қозониб бўлган эди.

«Анджонлик»ларнинг Шарқий Туркистон ва Хитойдаги умумий сони ва жойлашган ҳудудлари ҳақида тўълик маълумотга эга бўлмасакда, баъзи манбаларда бу ҳақда тўхталиб ўтилган. Уларнинг аксарияти Қашқарда истиқомат қилганлар. Қашқардаги энг катта карвонсарой Анджонсаройга асосан кўконликлар келиб жойлашса, марғилонлик, ўратепалик ва хўжандлик савдогарлар Кўноқсарой ва шаҳарнинг бошқа карвонсаройларига ўрнашганлар³. Бундан ташқари Ёркенд, Хўтон, Оксув, Учтурфон ва бошқа шаҳарларда ҳам анджонлик савдогарлар карвонсаройлари мавжуд бўлган. Қашқардаги хорижликлар маҳаллий халқнинг тўртдан бир қисмини ташкил этиб 145 минг жонга борган бўлса, анджонликларнинг сони эса, тахминан олти мингга боради⁴. Хитой манбаларида эса анджонликларнинг умумий сони 5122 оила бўлса, булардан 3602 оила Тянь-Шанънинг жанубий қисмида ҳамда 460 оила Илий тумани худудида яшаганлар, деб маълумот берган⁵. Албатта бу

¹Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Петровский Н. Отчёт императорского России. Консулство в Кашгар. вып. XXII. СПб., 1886. – С. 134-135.

²Набиев Р. Из история Кокандского ханства. –Ташкент., Фан. 1973. – С. 198.

³Кляшторный С. Г., Колесников А.А. Восточный Туркестан глазами русских... – С. 89

⁴Аҳмедов Б. Марказий Осиё тарихий манбаларининг ўрта асрларда, Осиё билан Хитой ўртасидаги савдо, сиёсий ва маданий алоқаларни ўрганишдаги ўрни//Тарихдан сабоқлар. - Тошкент., Ўқитувчи. 1994. – Б. 269.

⁵Чэнь Хуа., Го Пинлянь., Ван Чжилай. Шингжонгнинг қисқача тарихи(уйғур тилида). Т. I. 1984. – Б. 514:Лю Чжисао. Уйғур тарихи (биринчи қисм) Бейжин. Миллатлар наشريёти, 1988. – Б. 1190.

рақамлар нисбий бўлиб, турли сиёсий-ижтимоий жараёнлар натижасида уларнинг сони ўзгариб турган.

Анджонликлар Шарқий Туркистон бозорларига асосан Ўрта Осиёда ишлаб чиқарилган тўқимачилик, деҳқончилик маҳсулотлари, рус молларидан: темир, чўян маҳсулотлари, Европа матолари, пўлат, булғори чарм, турли қоғоз буюмлар ва читлар олиб келиб сотганлар. Шарқий Туркистондан эса, улар асосан чой, тери маҳсулотлари, хитой ипак матолари ва кумуш ёмбулар олиб бориб сотишган¹. 1850-1858 йиллари Шарқий Туркистонга саёхат қилган Ч. Валиханов ёзишича, «ўрта осийликлар Қашқария савдосига интилганлар. Анджонликлар, бухороликлар кўп миқдорда маҳаллий қоғоз маҳсулотларини сотиб олишади: кулранг ва қора қоғозли мато, мустаҳкам ва йўл-йўл кигиз ва ярим ипак-машру матоларини сотиб олганлар... Умуман Қашқар савдосининг умумий йиллик савдо айланмаси 10 млн. рублдан ошиб кетса керак»². Бошқа манбада, Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон билан бир йиллик савдо айланмаси 30-40 минг тиллони ташкил этган³.

«Анджонлик»ларнинг фаолияти Қўқон хонлигининг охириги йилларида ҳам давом этган бўлиб, хонлик саркардаси Муҳаммад Ёқуббекнинг Еттишаҳар давлатини қуришда қатнашганлар. 1865 йили рус кўшинлари томонидан Тошкент босиб олингач, ўн минглаб Қўқон хонлиги фуқаролари Шарқий Туркистонга Муҳаммад Ёқуббек хузурига борган. Ўша давр муаррихларидан бири Муҳаммад Олим ўзининг «Тарихи Хўтон» асарида Муҳаммад Ёқуббек хизматидаги «анджонликлар» ҳақида маълумот бериб ««Анджонликлар» Ёркендда - 2 минг кишини, Кучорда - 6 минг кишини, Турфонда - 2 минг кишини, Урумчида - 8 минг кишини ташкил этарди» деб ёзган⁴. Рус манбаларида уларнинг умумий сони 500 мингдан ошиқлигини таъкидлаган. Англия жосуслари ҳисобланган Роберт Шоу, Форсайтлар ҳам ўз асарларида «анджонликлар» ҳақида кўпгина маълумотлар берган⁵.

Хуллас, Ўрта Осиё, жумладан Қўқон хонлиги билан Хитой ва Шарқий Туркистон ўртасидаги савдо алоқаларида муҳим роль ўйнаган «анджонлик»лар деб ном олган савдогарлар ва хунармандлар фаолиятини ўрганилиши Ватан тарихининг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Масалани янги маълумотлар ва янги ёндашувлар асосида таҳлил этиш

¹Кляшторный С.Г., Колесников А.А. Восточный Туркестан глазами русских.... – С. 87.

²Кляшторный С.Г., Колесников А.А. Восточный Туркестан глазами русских.... – С. 87.

³Қаранг:Бобобеков Х.Н. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки (XVIII-XIX вв) –Т., 1991. – С. 19.

⁴ Ануфриев Б., Басханов Т «Тарихи Хутон» Муҳаммада Аляма о событиях 1865 г. в Синьцзяне// Из истории международных отношений в Центральной Азии (средние века и новое время) Алма-ата, 1990.– С.142.

⁵ Қаранг:Роберт Шоу. Очерки Верхней Татарии, Яркенда и Кашгара. СПб., 1872, – С.132:Forsyth to Montgomeri. Desember 11. 1873// PRGS. 18 (1874). – p. 224-226.

Ўрта Осиёда савдо муносабатлари тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Sh. T. Kuldashv

«Andijanians» and the market of East Turkestan

The article devoted to the activity of the Andijanians, which played the important role in the trade relation of Khanate of Khokand (1709-1876) with Eastern Turkestan and China. In the article, are considered on the basis of various literatures and sources, their economical and political rights, total identity, an arrangement, social and economic position in China, in particular, in Eastern Turkestan.

Ш.Т. Кулдашев

«Андижанцы» и рынок Восточного Туркестана

Статья посвящена деятельности андижанцев, игравших важную роль в торговле Кокандского ханства (1709-1876) с Восточным Туркестаном и Китаем. В статье на основе сведений письменных источников и научно-исследовательской литературы, приведены данные о их торговом статусе, политических правах, численности и т.д.

А. Тоғаева

ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходим

Тошкент-Оренбург темир йўли ва Туркистон

ўлкасидаги иқтисодий жараёнлар

XIX асрнинг бошларида вужудга келган темир йўл транспорти ўз даврининг энг замонавий транспорт воситаси сифатида жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётида ғоят муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, XIX асрнинг сўнги чораги- XX аср бошларида бунёд этилган Туркистоннинг илк темир йўллари ҳам ана шундай мақсадга хизмат қилди.

Туркистон ўлкасидаги илк темир йўллардан бири Тошкент-Оренбург темир йўли ҳисобланади. Тошкент-Оренбург темир йўлининг Оренбургдан Кубеккача бўлган шимолий қисми (941 верст¹) 1905 йилнинг 26 июлида, Тошкентдан-Кубеккача бўлган жанубий қисми (795 верст) эса 1906 йилнинг 1 январида тўлиқ фойдаланишга топширилган².

Россия ҳукуматининг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан қурилган Тошкент-Оренбург темир йўли империянинг ўлкадаги сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий-стратегик мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда метрополияни ўз мустамлақаси билан яқинлаштириш йўлида воситачилик вазифасини бажариши лозим эди. Шу вазифаларни бажариш билан бир қаторда,

¹ 1 верст - 1,06 км.га тенг узунлик ўлчови

² Верховский Н.П. Туркестан в районе Ташкентской железной дороги и грузы этой дороги. С.-Пб, 1910 г. с.1.

мазкур темир йўлнинг қурилиши ўлканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилди.

Тошкент-Оренбург темир йўли қурилиши муносабати билан Туркистон ва Россия империяси орасида узлуксиз, тўғридан-тўғри пассажир ва юк ташишни йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлди. Шу билан бир қаторда мазкур йўналишда темир йўлнинг қурилиши ўлка саноати ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришининг ривожланишига, савдо муносабатларининг такомиллашишига, ички ва ташқи савдонинг интенсивлашувиغا, шунингдек, маданий алоқаларнинг кучайишига олиб келди.

Мазкур темир йўл 983 верст масофада Туркистон ўлкасининг Сирдарё вилояти ҳудудидан ўтганлиги туфайли, ўз даврида ўлканинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётида муҳим аҳамият касб этган. Шунингдек, Тошкент-Оренбург темир йўли Россия империясининг Тўрғай ва Урал областлари ҳамда Оренбург ва Самара губернялари ҳудудини кесиб ўтган эди¹.

Тошкент-Оренбург темир йўли ўтадиган ҳудудларга табиий-географик жиҳатдан таъриф бериладиган бўлса, темир йўл 700 верст узунликдаги масофада маданий жиҳатдан ривожланган, деҳқончилик учун яроқли ерлардан, 1400 верст узунликдаги масофада эса, ҳосилсиз ва сувсиз саҳролардан ўтган эди.² Бирок, шуни айтиб ўтиш керакки, мазкур темир йўл қурилиши лойиҳалаштирилаётган пайтда империя ҳукумати темир йўл қурилиши муносабати билан бу ҳудудларда аҳоли пунктларининг пайдо бўлиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши, умуман, маданий тараққиётга эришиш имконияти мавжудлигини эътиборга олган эди ва кейинчалик, темир йўл қуриб, ишга туширилганидан сўнг бу фикр ўзининг амалий ифодасини топди.

Тошкент-Оренбург темир йўли ўз узунлигининг 600 верст атрофидаги масофасида Сирдарё бўйлаб ўтган эди.³ Демак, ушбу ҳудудларнинг хатто ўзлаштирилмаган қисмида ҳам сунъий суғориш тадбирларини амалга оширган ҳолда, бу ерларни деҳқончилик учун яроқли районларга айлантириш мақсади кўзда тутилган эди.

Дарҳақиқат, Тошкент-Оренбург темир йўли қурилиши жараёнидаёқ ўлканинг иқтисодий ҳаётида жонланиш кузатила бошланди ва темир йўл қурилиб, ишга туширилганидан сўнг бу жараён янада кучайди.

Бу борадаги фикр-мулоҳазалар даврий матбуот саҳифаларида кенг ёритилган эди. Худди шундай маълумотлардан бирида Тошкент шаҳридан 20 верст узоқликда жойлашган Келес қишлоғи тўғрисида сўз боради. Унда кўрсатилишича, илгари чекка ва камбағал бўлган қишлоқ

¹ Верховский Н.П. Туркестан в районе Ташкентской железной дороги и грузы этой дороги. СПб, 1910 г. С.1.

² «Туркестанский сборник». 505 - том, 32-бет.

³ Верховский Н.П. Кўрсатилган асар, 1-бет.

қурилиш муносабати билан томомила ўзгарган. Бу ер турли миллати мансуб бўлган темир йўл қурувчилари билан тўлиб-тошган. Хусусан, чойхоналар фаолияти жонланган. Илгари бу ерларда “камёб меҳмон” ҳисобланган руслар-инженер, пудратчи ва темир йўл қурилиши билан боғлиқ шахслар тез-тез ташриф буюра бошлашган. Шунингдек, маҳаллий маҳсулотлар бозори чакконлашган. Истеъмолчилар кўпайганлиги боис, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кўтарилиб кетган.¹

Темир йўлнинг қурилиши Туркистон ўлкасида саноатнинг тараққий топишига - саноат корхоналари сонининг кўпайишига, саноатнинг янги тармоқлари вужудга келишига, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига муҳим туртки бўлди. Хусусан, бу ҳолат темир йўл ўтган ҳудуд – Сирдарё вилоятида яққол намоён бўлди. Мазкур вилоят саноат корхоналарининг тури кўплиги жиҳатдан ўлкада биринчи ўринни эгаллаган: бу ерда 1913 йилда 34 хил соҳага тегишли бўлган, жами 183 та саноат корхоналари фаолият юритган. Ваҳоланки, жами 309 тадан иборат бўлган Фарғона вилояти саноат корхоналари 23 хил соҳага мансуб бўлган². Шунингдек, 1913 йилда мавжуд бўлган барча заводларнинг 44 фоизи 1900-1910 йилларда, яъни, Тошкент-Оренбург темир йўли ўз фаолиятини бошлаган даврда бунёд этилган³.

Тошкент-Оренбург темир йўлининг қурилиши Туркистон ўлкасининг сиёсий, маъмурий ва маданий маркази мақомига эга бўлган, шунингдек, Сирдарё вилоятининг маркази ҳисобланган Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада раванқ топишига муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилди. Хусусан, Ўрта Осиё ва Тошкент-Оренбург темир йўллари айнан Тошкент шаҳрида туташганлиги шаҳар тараққиётига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Биргина саноат ишлаб чиқариши мисолида кўриладиган бўлса, 1913 йилда Сирдарё вилоятида фаолият кўрсатиб турган 183 та саноат корхоналаридан 123 таси Тошкент уездида, шундан 111 таси Тошкент шаҳрида жойлашган⁴. Айтиб ўтиш лозимки, Тошкент шаҳри йирик саноат маркази сифатида нафақат Сирдарё вилоятида, балки бутун Туркистон ўлкасида етакчилик мавқеини эгаллаган.

Кўриб чиқилаётган даврга келиб, Тошкент шаҳрида 29 турдаги саноат корхоналари фаолият юргизган. Маълумки, бу пайтда ўлканинг бошқа саноати ривожланган шаҳарларида асосан пахтани қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган саноат корхоналари сони кўпчиликни ташкил этган.

¹ “Туркестанские ведомости”, 1902 й, 1 август.

² В.В.Заорская и К.А.Александр. Промышленные заведения Туркестанского края. П., 1915 г. С. 119.

³ Ўша жойда, 123-бет.

⁴ В.В.Заорская и К.А.Александр. Промышленные заведения Туркестанского края. П., 1915 г. С. 120.

Тошкент шаҳри эса, бундан мустасно бўлиб, бу ерда бошқа турдаги саноат корхоналари нисбатан кўпчиликини ташкил этган. Хусусан, 14 та терини қайта ишлаш билан боғлиқ саноат корхонаси, 11 та типография, 10 электр станциялари, 9 та пахта қайта ишлаш корхоналари, 9 та конфет ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, 7 та ғишт заводлари, 7 та сунъий минерал сув ишлаб чиқарувчи корхоналар ва яна 20 дан ортиқ турдаги саноат корхоналари мавжуд эди.¹

Тошкент-Оренбург темир йўлининг қурилиши саноат корхоналарининг сонигагина таъсир этиб қолмай, балки саноат корхоналари маҳсулдорлигининг ошишига ҳам сабаб бўлганлигини қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин. Сирдарё вилоятида 1908 йилда 7 169 минг рубл қийматга эга бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 1913 йилга келиб, бу сумма 15 165 минг рублни ташкил этган. Саноат маҳсулотларининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳажми 1908 йилда 3,7 рублни ташкил этган бўлса, 1913 йилда эса 8 рублдан иборат бўлган².

Тошкент-Оренбург темир йўли қурилиши натижасида қишлоқ ҳўжалигида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, деҳқончилик маданиятида сифат ўзгаришларининг пайдо бўлиши, бу соҳага янги техника ва технологияларнинг кириб келиши темир йўл қурилиши натижасида ўлкада рўй берган ижобий ўзгаришлар орасида алоҳида ўрин тутди. Биргина боғдорчилик ва узумчилик мисолида кўрадиган бўлсак, темир йўл қурилиши натижасида бу соҳада катта ўзгаришларнинг амалга оширилганига амин бўламиз. Тошкент-Оренбург темир йўли Туркистонда етиштириладиган боғдорчилик маҳсулотлари - турли хўл мевалар ва узумни, шунингдек, полиз маҳсулотларини Россия ва Сибирга етказиб бериш имконини берди. Туркистонда, хусусан Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида боғдорчиликни ривожлантириш мақсадида темир йўл станциясига яқин ерларда боғларнинг барпо қилиниши, меваларнинг янги навлари устида иш олиб борилиши, мева етиштириш соҳасида янги технологиянинг қўлланилиши каби тадбирлар тез орада ўз натижасини бера бошлади. Темир йўлда 1907-1908 йилларда махсус мева ташувчи вагонларнинг, 1913 йилдан бошлаб махсус музлаткичли вагонларнинг қўлланила бориши эса темир йўл орқали хўл мевалар ташиш ишини янада осонлаштирди.

Темир йўл қурилиб, ишга туширилган 1906 йилда Тошкентдан Россияга жўнатилган хўл мева ҳажми 38 651 пудни ташкил этган, 1907 йилда эса 90 096 пуд мева жўнатилган.³ 1909 йилга оид маълумотларга

¹ Ўша жойда, 120-бет.

² Ўша жойда, 118-бет.

³ Верховский Н.П. Кўрсатилган асар, 170-171 бетлар.

кўра, Тошкент темир йўл орқали Сирдарё вилоятидан 161 162 пуд боғдорчилик маҳсулотлари Россия ва Сибирга жўнатишган.¹

Тошкент шаҳри ва унинг атрофида боғдорчиликнинг тобора ривожланиб бораётганлиги тўғрисидаги архив хужжатида қуйидаги маълумотлар берилди: Ҳозирги вақтда Тошкент атрофида 25-30 минг десятина майдонда боғлар мавжуд бўлиб, булар 4 000 000 пуд ва ҳатто ундан ортиқ ҳосил бериши мумкин. Бундан миллион пуддан ошиқроғи пойтахтга жўнатилиши мўлжалланмоқда.²

Тошкент-Оренбург темир йўлининг қурилиши Туркистон ўлкасида балиқчиликнинг ривожлантирилишига ҳам катта таъсир кўрсатган. Йўлнинг Орол денгизи яқинидан ва Сирдарё қирғоқлари бўйлаб ўтганлиги бу соҳани ривожлантириш учун қулай имконият яратган эди. Темир йўлда махсус музлаткичли вагонлар фаолиятининг йўлга қўйилиши эса балиқчиликни ривожлантиришда ва хусусан, Россия империясига балиқ етказиб берилишида катта аҳамият касб этди. Биргина 1910 йилда Тошкент темир йўли орқали 5 млн. рубл қийматга эга бўлган 1 976 000 пуд балиқ ташиб кетилган эди..

Тошкент-Оренбург темир йўлининг қурилиши Туркистон ўлкасида чорвачилик соҳасида ҳам қатор ўзгаришларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Темир йўл ўтган ҳудудларда чорвачилик ривожланди, чорвачилик билан шуғулланувчи кўчманчи аҳолининг ўтроқлаша бориш жараёни тезлашди, кўчманчи чорвачилик эса емирилди. Чорвачилик районларининг пайдо бўлиши, маҳалий бозорларнинг кенгайиши, чорва бозорларининг йириклашиши, чорвачиликда савдогарлар, олибсотарларнинг пайдо бўлиши каби ҳолатлар ҳам бу соҳада темир йўл қурилиши натижасида вужудга келган муҳим ўзгаришлардан ҳисобланади.³

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Тошкент-Оренбург темир йўлининг қурилиши Туркистон ўлкаси, хусусан, Сирдарё вилоятининг иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этган, халқ хўжалигининг турли соҳалари – боғдорчилик, мевачилик, чорвачиликнинг ривожланишига, бу соҳаларда товар-пул муносабатларининг янада кучайишига, саноатнинг қатор соҳаларида иқтисодий ривожланишга сабаб бўлган.

Тошкент-Оренбург темир йўлининг қурилиши ўлкада Россия империясининг манфаатларини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилганига қарамай, ўлка ҳаётида ижобий аҳамиятга эга бўлган ўзгаришларнинг юзага келишига олиб келган.

¹ Обзор Сыр-Даркнской области за 1909 г. С 112.

² ЎзР МДА, Ф-103, 1-рўйхат, 222- иш, 2-бет.

³ Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. Л., 1973 г. С.223.

А. Togaeva

**The constructions of the Tashkent-Orenburg rail road and
economical processes in Turkistan.**

This paper studies the building of Tashkent – Orenburg railways and it's influence on economical life of Turkistan. It is analyzed the role of Tashkent – Orenburg railway in the development of country's industry.

Анора Тоғаева

**Ташкент-Оренбургская железная дорога и экономические
процессы в Туркестанском крае**

Статья посвящена анализу влияния строительства Ташкент-Оренбургской железной дороги на экономическую жизнь Туркестанского края. В частности, в статье на основе архивных документов и материалов периодических изданий, освещается роль Ташкентско-Оренбургской железной дороги в развитии промышленности города Ташкента.

т.ф.н. Б.Э. Эргашев
СамДУ ўқитувчиси

**Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси ҳужжатларида
туркистон-афғонистон муносабатлари манбашунослиги**

Туркистон тарихи, Ўрта Осиё халқлари тарихининг ажралмас қисми ҳисобланади. Мустақил тараққиёт йўлини танланган Ўзбекистонда тарих фани соҳасидаги илмий изланишлар учун янги имкониятлар яратилди. Бунинг натижасида тарихчи олимларимиз ўзларининг илмий изланишларида ката мувоффақиятларга эришмоқдалар. Айниқса XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошида ўлкада Россия империяси ҳукуматининг мустабид тузуми тарихи чуқур илмий таҳлил этилмоқда. Бу борада Республикамиз Президенти И.А.Каримов – «Ўзбек олимларининг куч ғайратлари билан тарихимизнинг кўпдан-кўп ғоят муҳим саҳифалари, энг аввало Темурийлар даври, XIX аср охири – XX аср бошлари тарихи янгидан кашф этилди». – деган фикрлари эришилган натижаларга берилган баҳо деса бўлади.¹

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон худудида яшовчи халқлар тақдири, Россия империясининг ўлкада ўрнатган мустабид бошқарув тузуми билан боғлиқ бўлди. Ўлка халқларининг бошқарувини ўзида мужассам этган Туркистон Генерал-губернаторлиги жуда ката ҳуқуқларга эга бўлиб, улардан бири Туркистон билан чегарадош давлатлар билан муносабатлар тарихи манбашунослиги муҳим соҳалардан бири ҳисобланади. Қўшни мамлакатлар, аҳолиси, территорияси, уларнинг иқтисодий ҳаёти, Туркистон билан савдо-

¹ Ислоҳ Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид. Барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. Т.Ўзбекистон. 1998. 128 бет.

дипломатия муносабатларига оид маълумотларни Туркистон Генерал - губернаторлиги маҳкамаси (канцелярия) ҳужжатларидан олиш мумкин. Ушбу масалага оид манбалар вилоят ҳарбий-губернаторларининг мажбурий тартибда тузишлари шарт бўлган йиллик ҳисоботларида кўплаб учрайди.

Хусусан энг яқин қўшни Афғонистон билан муносабатларга оид маълумотлардан бирини Закаспий вилоятининг ҳарбий-губернатори генерал-лейтенант Боголюбовнинг 1898 йилга оид йиллик ҳисоботидан ҳам олиш мумкин. Ҳисоботдаги маълумотларга кўра Закаспий вилояти ҳисобот йилида божхона ходимларининг берган хабарлари асосида Афғонистондан 4 млн. 977000 рубль миқдорида товар маҳсулотлари олиб келиниб, Афғонистонга 4 млн. 742000 рубль ҳажмидаги маҳсулотлар чиқарилган. Бу маҳсулотлар асосан чой, пахта, жун, куруқ мевалар, туқмачилик маҳсулотлари, шакар, шоли, рангли буёқлардан иборат бўлиб, ўзаро товар айрбошлашда харидоргир ҳисобланган.¹

Ҳисоботда вилоятнинг Афғонистон билан савдо муносабатларига изох берилар экан, унга кўра Афғонистон билан савдо алоқалари, Эрон билан ўрнатилган савдо алоқаларига нисбатан суст бўлган. Бироқ чегарадош афғон халқларининг Закаспий вилояти билан савдо алоқаларини кенгайтиришга бўлган интилишлари сезиларли эканлиги қайд этилган. Айниқса, Закаспий темир йўли Мурғоб шахобчасининг ишга тушиши билан, савдо алоқаларининг кенгайишига имконият пайдо бўлган.

Чоризм маъмурлари Афғонистон билан муносабатларга алоҳида эътибор берган. Масалан Афғонистондан Закаспий вилояти худудига чегара постлари орқали чорва моллари киритилган бўлиб, улар божхона солиқ туловларидан озод этилган бўлган. Вилоят ҳарбий-губернатори Афғонистон ҳукмрон доираларининг Россияга нисбатан дўстона муносабатда бўлмаганлиги ўзаро савдо муносабатларининг ривожига салбий таъсир кўрсатаётганлигини айтган.

Афғонистон тарихи билан танишар эканмиз, 1880 йилда амир этиб, тайинланган Абдурахмонхон ўзининг 20 йилдан ортиқ даврдаги ҳукмронлиги даврида ўзига хос бетарафлик сиёсатини олиб борган. Афғонистонда Англиянинг таъсир доирасини иложи борича камайитиришга ўринган. Маълумотларга кўра Абдурахмонхон, Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбий чегарасида инглизларга қарши маҳаллий ҳиндларнинг кўзғолонига хайрихолик билан қараган. Ҳаттоки ўзининг ҳарбий лашкарларидан бирини кўзғолончиларга ёрдам кўрсатиш учун юборган. Кобул шахридаги ҳарбий қурул ишлаб чиқариш заводининг директори Сольтер Пайнни ва у билан бирга инглиз муҳандисларини ишдан бўшатган. Шу билан бирга Абдурахмонхон, Британиядан ҳар йили 1млн 800000 рупий миқдорида моддий маблағ

¹ Ўзб. МДА. Фонд И-1, руйхат – 12, йиғма жилд-1983, варақ-20.

олиб, уни Россияга қарши мудофаа иттифоқи учун ишлатилиши белгиланган эди.¹ Шу нарса маълум бўладики Афғонистон, Россия-Англия муносабатларида ўзига хос ажратувчилик ролини уйнай бошлаган ва ундан Афғонистон Амири Абдурахмонхон фойдаланиб, ўз давлатининг мавқеини оширишга ҳаракат қилган ва қисман бу мақсадга эришган.

Шунинг учун ҳам Закаспий вилояти раҳбарлари Афғонистонга нисбатан холис муносабатда бўлишган. Кейинги йиллардаги вилоят ҳарбий-губернаторларининг ҳисоботларида ҳам, ўзаро муносабатларда деярли ўзгаришлар бўлмаган. Асосан савдо алоқалари давом этган. Закаспий вилояти ҳарбий-губернаторининг 1908 йилдаги ҳисоботида келтиришича афғон савдогарлари ва ёлланма ишчилари вилоят ҳудудига ҳеч қандай чегара назоратисиз кириб келишган. Чунки ўша пайтда Афғонистондаги ички вазият ўзгарган. Натижада Россиянинг, Афғонистон билан савдо айланмаси қисқарган ва 0,2% ташкил этган. Шунга қарамай чегарада яшовчи афғон дехқонлари ва савдогарлари фақат ҳўл мева савдосининг ўзидан 3000000 рубл фойда олишган. Бу ҳолатни Россия империяси, Вазирлар Кенгаши бўлим бошлиғи таҳлил этаркан, Россиянинг мануфактура товарларини Афғонистонга Эроннинг Машҳад ва Турбети-Ҳайдар шаҳарлари орқали етказишни мўлжаллаган.

Россия ўзининг ташқи сиёсатидан, хусусан 1907 йилда Антантага аъзо бўлиши билан, Англия ҳукуматидан Афғонистон билан қулай савдо муносабатларини ривожлантириш қафолатларини олган.

Чор маъмурлари Афғонистондаги ички вазиятни ҳам ҳисобга олишган. Хусусан: 1908 йилда Афғонистондаги сиёсий вазиятдан норози бўлган «жамшеди» қабиласининг 10 000 нафар кишиси Закаспийдан жой беришларини сўрашади. Вилоят маъмурларининг ёрдами билан улардан 7 000 киши Чамани-Бида деган жойга жойлаштирилган ва бунинг учун 15 000 рубль харажат қилишган.²

Кейинги йиллардаги ўзаро муносабатлар тўғрисида ҳам маълумотлар сақланмоқда. Хусусан Бухородаги Россия императорлиги сиёсий агентлигининг 1909 йил 7 апрелдаги Россия Ташқи Ишлар Вазирлигига №96 хабарномасида, сиёсий агентлик ходимларининг Афғонистонлик чорвадор билан бўлган суҳбат тавсилоти баён этилади. Унга биноан Афғонистоннинг Қобул ва Ҳирот оралиғида яшовчи чорвадор аҳоли мамлакат ичкарасидаги вазиятдан хабар бераркан, чорвадорлар чорва молларини етиштириш ва сотиш учун ноқулай шароит бўлгани учун ҳам, Закаспий вилояти, шахсан шу ҳолатда Афғонистонлик чорвадор 4000 бош қўйни Марв воҳасига ҳайдаб бораётган пайтда қўлга олинган. Унинг маълумотига кўра, афғон қабилаларидан 130 киши Афғон амири

¹ Ўзб. МДА. Фонд И-1, руйхат – 12, йигма жилд-1983, varaқ-27.

² Ўзб. МДА. Фонд И-1, руйхат – 12, йигма жилд-1382, varaқ-44.

Ҳабибуллахон ёнига ҳукмрон доираларнинг чорвачиликни ривожлантиришдаги тусқинлик қилаётганларидан арз қилишган.¹ Чорва молларини Закаспий вилояти ҳудудида боқиш учун Афғонистон ва Эрон чорвадорлари ҳар бир қуй учун 5 тийин, йириқ қорамол учун 10 тийиндан солиқ тўлашган.² Бу маълумотни Закаспий вилояти Марв уездининг бошлиғи полковник Фан-Фалернинг вилоят ҳарбий губернаторига 1909 йилнинг 19 сентябридаги (вилоят концеляриясида №14076 рақами билан рўйхатга олинади) мурожаатномасида келтирилади. Уларга кўра Туркистон Генерал-губернаторлиги империянинг ташқи сиёсий ҳолатини ҳисобга олиб Афғонистон билан муносабатларда деярли жиддий тўсиқлар қўймайди, аксинча иложи борича, ён бериб келади.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Россия империяси маъмурларининг, Туркистонда олиб борган дипломатия муносабатлари қўшни мамлакатлар, хусусан Афғонистон билан иложи борича империя фойдасини кўзлаганлигидан далолат беради.

В.Е. Ergashev

Investigation of Turkestan-Afghanistan interrelations on the basis of the documents Turkestan general-gubernery

The given article is devoted to the questions of studying the sources of the history of Turkestan in the second half of the 19th century and the beginning of the 20th century. The object of investigation is diplomatic relations with neighboring Afghanistan. The materials of Turkestan General governorship office are used as sources of investigation.

Б.Э. Эргашев

Источниковедение Туркестанско-афганистанских отношений на основе документов Туркестанского генерал-губернаторства

Данная статья посвящена вопросам источниковедения истории Туркестана второй половины XIX – начала XX веков. Объектом исследования является дипломатические отношения с соседним Афганистаном. В качестве источников используются материалы канцелярии Туркестанского Генерал-губернаторства.

Г.Хамдамова

Соискатель Института истории АН РУз

Процесс формирования внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан в оценке зарубежных экспертов

Обретение политической независимости Республикой Узбекистан, стал важным событием в многовековой истории узбекского народа. Это

¹ Ўзб. МДА. Фонд И-1, руйхат – 1, йиғма жилд-263, варақ-1-1 об.

² Ўзб. МДА. Фонд И-1, руйхат – 1, йиғма жилд-263, варақ-7-7 об.

дало право и широкую возможность на свободное самоопределение своей судьбы, и стать подлинным хозяином собственной земли и всего его богатство. Давая оценку этому историческому событию в судьбе узбекского народа, Президент И.А.Каримов отмечает, что: “Осуществлена заветная мечта - Узбекистан мирным, парламентским путем обрел свою реальную государственность. Это выдающееся событие в многовековой истории нашего народа”¹.

Став независимым государством, Узбекистан приступил к закладке основ светского, демократического, гражданского общества, с осуществлением кардинальных преобразований во всей общественно-политической жизни страны. При этом, руководство республики строго руководствовалось накопленным опытом высокоразвитых зарубежных государств по проведению политических и социально-экономических реформ. Оно сопровождалось строгим учетом национальных традиций, нравственных и духовных ценностей народа, на основе которых уже в начальные годы независимости под руководством Президента республики была выработана собственная узбекская модель развития страны.

Важно заметить, что за ходом политических и социально-экономических преобразований молодой независимой Республики Узбекистан, как в прочем и других республик постсоветского пространства, пристально следят представители политических и научных кругов зарубежных стран. Их интерес направлен на то, каким путем будут развиваться эти страны, какие методы будут предприняты для политических и социально-экономических реформ и вообще, возможно ли в ближайшем будущем устанавливать и развивать партнерские отношения с ними.

Так, например, член наблюдательного совета Центра по исследованиям европейского права в Бремене профессор Университета г.Бреман Хаген Лихтенберг, изучая все эти вопросы и, в частности состояние Узбекистана, как государства занимающего наиболее выгодное геополитическое положение в Центральноазиатском регионе, сделал соответствующие выводы. Он, в частности, давая оценку переходному периоду Республики Узбекистан, отмечает, что на первом этапе ее развития «...требованием времени стало создание сильного государственного порядка, для того чтобы молодая республика могла защищаться от властных интересов региональных держав и экстремистских течений». Развивая свою мысль он также отмечает, что «...для улучшения социального обеспечения населения, освоения и эффективного использования ресурсов страны требовалась выработка необходимых путей осуществления реформ... Эти проблемы, разумеется, были весьма сложными. Однако следует заметить, что стремление Узбекистана к

¹ Каримов И.А. Узбекистан свой путь обновления и прогресса. - Т.: Узбекистон, 1992. С. 2.

созданию свободного и демократического общества с социально-рыночной экономикой является историческим успехом».¹

Другой эксперт, председатель правления Объединения экономических кругов Берлин-Бранденбурга (VWK) Инго Бетц считает, что «Узбекистан с достоинством прошел сложный путь становления в качестве независимого государства. Возникшие при этом большие проблемы были решены положительно за относительно короткое время». Далее, рассматривая деятельность руководства республики на сложном, поворотном этапе развития страны, он особо подчеркивает, что она проделала «...огромную работу для налаживания тесных торгово-экономических отношений с международным сообществом».²

А по мнению Руководителя общественной группы по вопросам безопасности профессора Фабриса Долежала из Франции, «Узбекистан уверенно продвигается к поставленным целям, подразумевающим дальнейшее повышение благосостояния населения страны. Впечатляющими выглядят темпы роста во всех областях промышленности». Французский профессор также считает, что «весьма важным является то, что успешное реформирование различных сфер и дальнейшая демократизация общества в Узбекистане осуществляется поэтапно и последовательно, о чем свидетельствует тот процесс, который достигнут в Узбекистане за годы независимости».³

Как свидетельствует мировая практика, успех проводимых реформ, на прямую зависит от правильно выбранной внешнеполитической стратегии страны. В силу этого обстоятельства следует заметить, что еще одним из важных достижений независимого Узбекистана стало и то, что исходя из собственных, национальных интересов, руководство республики смог приступить к самостоятельной выработке внешнеполитической стратегии страны. Она всецело направлена на полномасштабное интегрирование молодой, независимой Республики Узбекистан в мировое сообщество. Как известно, в условиях глобализации, ни одна страна не может существовать и развиваться в изолированном состоянии от внешнего мира. Правила международных отношений диктует, что любая страна должна как можно шире развивать межгосударственные контакты и принимать активное участие в деятельности международных организаций. Это дает им возможность развиваться в ногу с мировым сообществом.

Глубоко осознавая важность выхода страны на международную арену в качестве независимого государства, руководства Узбекистана прилагала все усилия, предоставляя необходимые условия, для ведения полноценной

¹ См.: Le Figaro. 2007. 10 октября.

² См.: Le Figaro. 2007. 10 октября.

³ См.: Le Monde. 2008. 21 февраля.

внешнеполитической деятельности. Однако, осуществление данной задачи требовало определенных усилий, что было связано отсутствием достаточного опыта в данной области государственной деятельности. Ей приходилось сталкиваться с некоторыми сложностями на пути формирования внешнеполитической деятельности республики. Они связаны с тем, что:

во-первых: Узбекистану, как молодой независимой республике, приходилось впервые самостоятельно следовать курсом стратегических целей в масштабе мирового сообщества;

во-вторых: Узбекистану, с учетом национальных интересов страны необходимо было впервые приступить к выработке основных принципов внешней политики и определить ее приоритетные направления;

в-третьих: необходимо было сформировать дееспособную институциональную структуру внешнеполитической деятельности республики;

в-четвертых: создать прочную, отвечающую международным нормам, правовую базу экономического и духовно-нравственного сотрудничества Узбекистана с государствами мирового сообщества.

Руководства Узбекистана, реально оценивая сложившуюся ситуацию в начальные годы независимости, в качестве одной из первостепенных задач видела необходимость выработки основ внешнеполитической деятельности страны. «Строительство самостоятельной внешней политики для Республики Узбекистан – как отмечает Президент И.А.Каримов – одно из новых и практически неизведанных направлений деятельности. В условиях тоталитарной системы Узбекистан был лишен возможности прямого и открытого выхода на международную арену, не имел своих внешнеполитических государственных институтов и не обладал достаточным корпусом своих дипломатов, специалистов по внешнеполитической деятельности».¹

С обретением независимости, руководство Узбекистана приступила к закладке основ внешнеполитической деятельности страны. При этом, были выработаны основополагающие принципы внешней политики Узбекистана, сновные положения которого, нашли свое отражение и получили законодательное закрепление в Конституции (Основном законе) страны.²

¹ Каримов И.А. Узбекистан свой путь обновления и прогресса. – Т.: Узбекистон, 1992. С.22-23.

² Конституция Республики Узбекистан: Принята 8 декабря 1992 года на одиннадцатой сессии Верховного Совета Республики Узбекистан двенадцатого созыва (по результатам всенародного референдума, проведенного 27 января 2002 года, и в соответствии с принятым на его основе Законом Республики Узбекистан от 24 апреля 2003 года внесены поправки и дополнения в главы XVIII, XIX, XX, XXIII Конституции). – Т.: Узбекистон, 2003. С. 6.

Давая оценку месту и роли Республики Узбекистана в складывающейся современной системе международных отношений, Президент страны И.А.Каримов отмечает, что: «Узбекистан придает исключительно важное значение развитию и укреплению отношений сотрудничества с крупнейшими державами – странами, играющими ведущую роль на мировой арене. Это США и Россия, Япония и Китай, Германия и Франция, другие страны Европейского Союза».¹

Процесс формирования и достижения на пути развития внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан за годы независимости, получили высокую оценку со стороны зарубежных экспертов. Так, например, высоко был оценен путь становления и развития внешнеполитической деятельности нашей страны со стороны Председателя правления Объединения экономических консулов Берлин-Бранденбург Инго Бетц. Он считает, что: «Узбекистан с достоинством прошел сложный путь становления в качестве независимого государства. Возникшие при этом большие проблемы были решены положительно за относительно короткое время. Президент Республики Узбекистан И.Каримов проделал огромную работу для налаживания тесных торгово-экономических отношений с международным сообществом.»²

Того же мнения придерживается профессор С.Станбер, руководитель Департамента по международной политике Университета Твенте (Нидерланды). Выражая собственную, отмечает, что: «Независимый Узбекистан, завоевавший авторитет на международной арене за короткий исторический срок, получил известность у мирового сообщества не только как страна, подарившая миру древнюю цивилизацию и культуру, великих мыслителей, ученых, поэтов и полководцев, но и как страна, успешно интегрировавшая в мировое экономическое сообщество, установив торгово-экономические отношения с более чем 140 странами мира.»³

«Рациональная и детально продуманная политика руководства республики – отмечает французский эксперт из Парижского института «INALCO» профессор Бруно Древески – способствует созданию необходимых институциональных и экономических условий для роста конкурентоспособности страны на международной арене и дальнейшему улучшению благосостояния народа».⁴ А по мнению сотрудницы Французского общества по коммуникациям и связям с общественностью

¹ Каримов И.А. Наша главная цель – демократизация и обновление общества, реформирование и модернизация страны: доклад на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 28 января 2005 г. Т.: ИПТД «Узбекистон», 2005. С.34 -35.

² См.: Le Figaro. 2007. 10 октября.

³ См.: Le Figaro. 2007. 10 октября.

⁴ См.: Geopolitique. 2007. 22 сентября.

Кристина Ансарге - «Благодаря независимости республика стала на собственный путь развития и сегодня заняла достойное место в мировом сообществе. Продуманная расстановка приоритетов и последовательные усилия правительства страны обеспечивают экономический рост и улучшение качества жизни населения».¹

Таким образом, усилия руководства республики направленные на закладку прочного фундамента для дальнейшего социально-экономического развития страны и ее успешной интеграции в мировое сообщество, получили положительную оценку со стороны зарубежных экспертов. Это является еще одним доказательством того, что внешнеполитический курс страны, разработанный под руководством Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова, находит все большую поддержку и признание со стороны мирового сообщества и всемирно известных зарубежных экспертов.

Г. Хамдамова

**Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти
шакилланиш**

жараёни чет эл экспертлари талпинида

Мақолада, мамлакатимиз миллий манфаатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатидаги фаолият асосларининг шакилланиш жараёни ва унга чет эл экспертлари томонидан берилган баҳолар намоиш қилинган.

G.Hamdamova

**Process of the formation of Uzbekistan's foreign political
activity in the view of foreign experts**

In this article is described by the European countries the working of the foreign relations of the Independent Uzbekistan and the judgment of foreign experts.

О. Турдикулов

Ўзбекистон Миллий университети

**Марказий Осиё минтақасининг Жаҳон ҳамжамиятига
интеграциялашувида Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатлари
(маданий, иқтисодий соҳалар 1992-2008 йй.)**

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳудудида, барқарорликни таъминлаш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб жой эгаллашга эришиши истиқлол даврининг

¹ См.: Le Figaro. 2007. 10 октября.

асосий вазифаси бўлди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан кейин эришилган ютуқлардан энг муҳими унинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олганидир.

Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражада – дунё миқёсида ва минтақа кўламида – интеграция жараёнларида қатнашсада, ammo бир муҳим коидага: бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка амал қилади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг географияси кенгайиб, Осиё Тинч океани минтақаси мамлакатлари билан алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга эътибор бериб келмоқда. Бугунга келиб Ўзбекистон Жанубий Корея билан дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйди. Ўзбекистон мазкур давлат билан ўн беш йилдан буён изчил олиб бораётган иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги натижасида давлатимизнинг иқтисодий ва маданий тараққиётида сезиларли илгарилаш кузатилди. Ушбу давлат томонидан Республикамизга киритилган инвестиция қўшма корхоналарнинг ишга туширилишига ва қатор лойиҳаларнинг амалга оширилишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея савдо – иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги кўп йиллик тарихга эга. Бу ҳамкорлик “Буюк Ипак йўли” гуллаб – яшнаган пайтда ҳам фаол ривожланган. Халқлар ўртасидаги муносабатларнинг тараққиёти айниқса Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач ўзининг янги босқичига кўтарилди. Давлатлар ўртасида илм-фан, спорт, савдо, маданият, санъат ва бошқа турли соҳаларда кенг қамровли ҳамкорлик алоқалар изчил олиб борилмоқда.

Мазкур мақолада Осиё Тинч океани минтақаси давлати Корея Республикаси билан Ўзбекистон ўртасида ўрнатилган маданий ва иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини илмий таҳлил қилиш, уларнинг тарихини ўрганиш ва Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув тарихини қисқача ёритиш мақсад қилиб қўйилди ва қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги маданий, иқтисодий ҳамкорлик алоқалар бўйича илмий тадқиқотларни таҳлил қилиш;

- Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида маданий ва иқтисодий соҳаларда тузилган битим, келишув ва шартномаларни ўрганиш;

- Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида йўлга қўйилган ва изчил ривожланаётган иқтисодий ҳамкорлик тарихини қисқача ёритиш.

Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикаси билан иқтисодий, маданий алоқалари кўплаб олимларимиз ва шу соҳа билан қизиқувчилар томонидан ўрганилиб илмий таҳлил этилган, бироқ, мавзу юзасидан мазкур давр миқёсида мукамал, тугалланган ишлар қилинмаган, мавжуд

илмий ишлар ҳам айрим муаллифларнинг мақолалари сифатида тарқок ҳолда учрайди. Жумладан, бу йўналиш Х.Муродов, М.Лафасов, У.Убайдуллаев, З.Нуриддинов, Я.Ғаффоров, А.Холлиев, В.Тюриков, Р.Шоғуломов, Н.Мухаммедиев, Қ.Усмонов, Б.Тўраев, Б.Зокиров, Ф.Маҳқамов, Р.Зарипова, А.Қирғизбоев¹ каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб Ўзбекистоннинг Осиё Тинч океани минтақаси мамлакатлари билан маданий, иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ёритилган. А.Қирғизбоевнинг “Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги” китобида асосан мамлакатимизнинг мустақилликка эришуви, халқаро майдонга чиқиши, дунё мамлакатлари билан сиёсий-дипломатик, ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник соҳаларда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳамда бу ҳамкорликнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга таъсири ишончли далиллар билан асосланган.

Я.Ғаффоров, А.Холлиев ларнинг “Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти” китобида мустақилликдан сўнг давлатимизнинг фаол ташқи сиёсат юргизиш жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, Осиё ва бошқа жаҳон мамлакатлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан олиб бораётган маданий иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик алоқаларига ҳамда бу каби алоқаларнинг кенгайиши Ўзбекистон Республикаси учун ахамиятли томонлари кўрсатиб берилган.

Корея Республикаси Осиё Тинч океани минтақаси мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб - 1991 йил декабрда Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. 1992 йилнинг 29 январида Ўзбекистон ва Корея Республикалари ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилгани хусусида ҳужжат имзоланди. 1992 йилнинг июн ойида Президент Ислоҳ Каримов Жанубий Кореяга расмий ташриф буюрди. Ушбу ташриф чоғида фан, техника, савдо, маданият, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик хусусида ҳамда сармояларни ҳимоялаш борасида муҳим ҳужжатлар имзоланди. Бундан ташқари Корея Республикаси Президенти РоДэУ билан учрашув чоғида “Давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация” каби муҳим ҳужжат имзоланди. Шундан сўнг

¹ А.Қирғизбоев. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан Халқаро ҳамкорлиги. Т. Фан, 2004 йил; Х.Муродов, Н.Мухаммедиев. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти сафида. Т., “Ғофур Ғулом” номидаги адабиёт ва санъат нашр 2000йил; Тўраев Б., Убайдуллаев У. Ўзбекистон минтақад тинчлик ҳимоясида. Т. “Ўзбекистон” 2001йил; Ғаффоров Я., Холлиев А., Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. Т. “Университет” 2003йил; Тюриков В., Шоғуломов Р., Мустақил Ўзбекистон Республикаси. Т. “Ўзбекистон” 1998йил; Қ.Усмонов “Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви.” Т. “Молия” 2003йил; Боҳодир Зокир. «Уч кадам»лик юксалиш Тафаккур № 1. 2000йил; Фарход Маҳқамов. Ўзбекистон ва Хитой: маданий ришталар. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2004й. 11-июнь; Зарипова Р. Мустақиллик қанотларида. Соғлом авлод. 2002й. 22-август

давлатлар ўртасида турли жабҳаларда ҳамкорликга йўл очилди.¹ 1993 йил ноябрда Чонг Ван Чой раҳбарлигида “Жанубий Корея - МДХ” иқтисодий асосидаги делегациясининг делегацияси юртимизга ташриф буюриб юртимизда эркин бизнесга яратилаётган шароитлар билан яқиндан танишди.

Давлатлар ўртасидаги иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 1994 йил Ўзбекистон-Корея ва Корея-Ўзбекистон қўшма корхоналари тузилди. Айнан мана шу 1994 йилнинг 4-6 июн кунлари Корея Президенти Ким Ен Самнинг юртимизга ташрифи² Кореянинг юртимизга эътибори баландлигидан далолатдир. Ҳамкорликнинг дастлабки натижалари сифатида 1995 йилдан “Ўз ДЭУ электроникс”, Тошкентдаги “Зенит” корхонаси билан ҳамкорликда “Зафар” телевизорларини ишлаб чиқара бошлади. Айнан ўша даврда Корея Республикаси бутун МДХ давлатларига 100 млн. АҚШ доллар сармоя қилган бўлса шундан 80 млн. АҚШ доллари Ўзбекистонга берилди. Бу каби сармоялардан ташқари икки давлат ҳамкорлигида “Ўз ДЭУ авто”, “Қабул текстайл” сингари йирик саноат корхоналари ишга туширилди.³ Корея Республикасининг Ўзбекистонга бундай эътибори бэжиз эмас, биринчи сабаби давлатимиз демократияга асосланган эркин фуқаролик давлатини барпо этаётганини эълон қилган бўлса иккинчи сабаби юртимизда 240 мингдан ортиқ корейс миллати яшашидир. Икки томонлама алоқалар 2006 йил 11 май куни мамлакатимизга Корея Президенти Но Му Хён ташрифидан сўнг яна ҳам кенгайди. Ташриф асносида икки томонлама имзоланган ҳужжатлар жумласига қуйидагилар қиради:

- Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Корея Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

- Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан Корея саноат федерацияси ўртасида Иқтисодий ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисида битим;

- Стратегик шерикчилик тўғрисида икки томонлама битим.

2006 йилнинг 24-26 сентябр кунлари Корея Республикаси Бош вазири Хан Мёнг Сукнинг юртимизга ташрифи чоғида давлатлар ўртасида имзоланган битимларнинг амалий жиҳатларига қаратилган эди. Ўзбекистон ва Корея Республикалари ўртасидаги ҳамкорлик натижаларига назар ташласак айни вақтда юртимизда ўзаро шерикчиликда тузилган 127 та қўшма корхона ва юртимизда Жанубий Кореянинг 28 та йирик фирма ва

¹ Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасида бўлиши. // Қишлоқ ҳақиқати – 1992й 20-июнь.

² Корея Республикаси Президенти Ким Ен Самнинг Ўзбекистонга расмий давлат ташрифи. // Ўзбекистон овози – 1994й 7-июнь.

³ Ўзбекистон Республикаси ТИАИСВ жорий архиви “Халқаро иқтисодий ҳамкорлик” тўғрисида ҳисобот папкаси (1992-1998йиллар). 26-34 бетлар.

компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Шу кунга қадар Ўзбекистон иқтисодиётига 1 млрд. АҚШ долларидан ошиқ Корея сармояси жалб қилинган.¹ Бир сўз билан айтганда Корея Республикаси билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий муносабатлар изчил ривожланиб бормоқда, қолаверса ҳар икки мамлакатнинг кўплаб халқаро масалалар бўйича қарашлари бир-бирларига мос. Икки томонлама товар айрбошлаш йилдан – йилга ошиб бормоқда. Бундан кўриниб турибдики, давлатларимиз буюк келажакни мустаҳкам иқтисодий муносабатлар асосига барпо этмоқда.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида ҳамкорликнинг ўтган 16 йил мобайнида мамлакатимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда кенг ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Тошкентда Корея Республикасининг, Сеулда Ўзбекистон Республикасининг элчихоналари самарали фаолият олиб бормоқда. Ўзаро ҳамкорлик миқёсининг тез суръатлар билан кенгайтиришида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 1992, 1995 йилларда Жанубий Кореяга, Корея Президентининг 1994 йилда Ўзбекистонга расмий ташрифлар чоғида имзоланган ҳужжатлар ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдеворини яратди.

Бугунги кунда Корея Республикиси Ўзбекистоннинг энг йирик иқтисодий ҳамкорларидан биридир. Ўзбекистон Кореяга пахта толаси, ип газлама, электр жиҳозлар, тери хом ашёси, ипак, кимёвий ўғитлар етказиб бераётган бўлса, Кореядан транспорт воситалари, электр ва механик жиҳозлар, қора металллар, каучук ва резина маҳсулотлари, бўёқлар, аппаратлар ва тўқимачилик маҳсулотлари олмоқда. Мамлакатимизда корейс сармояси иштирокидаги 80 дан ошиқ корхона фаолият олиб бормоқда, Ўзбекистон – Корея ҳамкорлигига дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бири билан янги мустақил давлат ўртасидаги дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро ишончли муносабатларнинг самарали модели сифатида қараймиз.

O. Turdiqulov

Uzbekistan- South Korean interrelation in the integration of Central Asian region into world community

This article is about post-independence period of Uzbekistan on 31 august, 1991; and about relationship between Uzbekistan and the Republic of Korea which is considered Asian Pacific ocean region's country, the scientific analyze of cultural and economical collaboration's and to learn their history, and about analyzed the importance of agreements and contracts signed between them.

¹ Ҳамкорлик. // Қишлоқ ҳаёти. 2006 й. 17 февраль

О. Турдикулов

**Ўзбекиско-южнокорейские отношения в интеграции
центральноазиатского региона в мировое сообщество**

В данной статье подробно излагаются международные соглашения между Узбекистаном, установившем свою независимость 31 августа 1991г, и Республикой Корея Восточного региона Тихого океана, их культурные политические связи, дано научное обоснование изучения истории, освещены интегрированное изучении истории, а так же значение подписанных двусторонних соглашений.

О. Пирназаров

Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси

**Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасидаги
ўзаро манфаатли ҳамкорлик**

Мустақил Ўзбекистоннинг ташқи алоқалари тобора барқарор ва ишончли тус олиб бормоқда. Ушбу алоқаларнинг ривожланишида Президент Ислом Каримовнинг роли бекиёс даражада катта. Зеро, ташқи алоқаларимизнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда, ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда, уларни миллий манфаатларимиз билан уйғунлаштиришда, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўсини кўтаришда ҳукумат раҳбарининг хизматлари бебаҳодир.

1992 йил 28 августда Япониянинг Ўзбекистондаги биринчи элчиси Сулило Эдаммура Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширган эди. 1994 йил 16-19 май кунлари эса Ўзбекистон Президенти Японияга ўзининг расмий ташрифини амалга оширди. Бу икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд 2000 дан ортиқ корхоналарнинг кўпчилиги жаҳоннинг кучли еттиликига қирувчи “АҚШ, Япония, Корея, Франция, Англия ва Германия” каби йирик давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон ва Япония муносабатларининг XXI аср бошларида янги босқичга кўтарилишида Ислом Каримовнинг 2002 йилнинг 28-31 июль кунлари расмий ташриф билан Японияда бўлиши жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу ташриф давомида Президент Ислом Каримов ва Япония Бош вазири Ж. Коидзуми - “Дўстлик, стратегик шериклик ва халқаро ҳамкорлик тўғрисида”ги муҳим сиёсий ҳужжатни имзоладилар. Бундан ташқари “Ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида”, “Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб қувватлаш тўғрисида” ва яна бошқа катор ҳужжатлар имзоланди. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон ва Япония

алоқаларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.¹ Президентимизнинг Японияга ташрифи (2002 йил 28-31 июл) чоғида имзоланган дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб қувватлаш тўғрисидаги икки қўшма баёнот имзоланганлиги икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларда янги саҳифа очганлигидан далолат беради. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, имзоланган ушбу стратегик ҳамкорлик кенг маънода минтақалар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлайди. Бу ҳамкорлик ҳар икки мамлакат халқлари учун ҳам бирдек хизмат қилишга қаратилган узоқ муддатли ҳамкорликдир. Мазкур ҳужжатда томонлар тенглик, ўзаро англашув ва халқаро ҳуқуқнинг умумий қабул қилинган тамойил ва меъёрларига асосланган ҳолда дўстона муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш ниятини билдиради. Ўз навбатида Япония Ўзбекистон билан шериклик ўрнатишдан манфаатдор эканлигини изҳор этиб, бу муносабатларни Марказий Осиё минтақасидаги энг муҳим ва катта салоҳиятли шериклик деб баҳоламақда.

Бундан ташқари Япониянинг “Тараққиётга расмий ёрдам” дастури доирасидаги 100 млн. доллардан зиёд маблағи шу расмий ташриф чоғида Ўзбекистонга ажратилди.

Сиёсий соҳада томонларнинг фикрлари бир-бирига яқин ва халқаро терроризмга қарши кураш борасида ўзаро келишиб олинди.

Айни пайтда Ўзбекистон Япониянинг БМТ хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлишини ёқлаб келмоқда.

Шунингдек, Япония билан Ўзбекистон корпоратив раҳбарлари уюшмаси ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга қаратилган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинган. Ислон Каримов ва Япония бош вазири Ж. Коудзуми учрашувида Япониялик меҳмонларга хусусийлаштириш, коммуникация ва таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш таклифи илгари сурилди. Хусусан, уларга мамлакатимизда хусусийлаштирилдиган йирик корхоналар рўйхати тақдим қилинди.² Шу ўринда Япония таълим тизимига назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатда 1947 йилда “Таълим тўғрисидаги асосий қонун” ва “Мактаб таълими тўғрисида”ги қонунлар негизида амалга оширилади. Мажбурий таълимнинг биринчи босқичи 6-12 ёшли болалар учун олти йиллик, иккинчи босқич имтиҳонни топшира олган 12-15 ёшли болалар учун олиб борилади ва шу билан мажбурий таълим тугалланиб, таълим жараёни ихтиёрий равишда шартнома асосида давом эттирилади. Ҳисоб-китобларга қараганда мажбурий таълимни ўтаб

¹ Лафасов М, Жураев У. “Жаҳон тарихи” Тошкент, “Турон иқбол” 2006 й. 239-бет.

² Жўраев Н. “Ўзбекистон тарихи”. “Шарқ” нашриёти, Т., 2004 йил, 226 бет.

чиққан ўқувчиларнинг 94%и бу имтиҳонлардан ўта олиш даражасида билимга эришадилар.

Юқори малакадаги ишчилар корхоналардаги, хусусий фирмалар қошидаги ўқув марказларида, қисқа муддатли курслар ва хусусий хунар-техника мактабларида тайёрланади. Шунингдек, беш йиллик техника коллежлари мавжуд бўлиб, 20 турдан иборат муҳандислик йўналиши бўйича таълим олиш имконияти бор. Уларнинг кўпчилиги давлатга қарашли бўлиб, талабалар катта танлов асосида қабул қилинади. Бу коллежларни битирган талабалар давлат томонидан иш билан таъминланадилар. 1976 йилдан бошлаб йирик фирма ва компанияларга махсус тайёргарлик мактаблари тузилган. Ўқувчилар қайси фирма ёки компаниялар ҳисобидан билим олса, ўша фирма ёки компания томонидан иш билан таъминланиш ҳуқуқига эга. Олий таълим институт ва университетларда олиб борилиб, уларга ўрта мактабнинг тўлиқ босқичини ўтаб келган ёшлар қабул қилинади. Олий таълимни эгаллаш учун 4 йил ўқиш жорий қилинган.

Мутахассислар тайёрлашда давлат университетлари етакчи роль ўйнайди. Булардан ташқари хусусий ўқув юртлири бўлиб, уларда ўқиш учун катта миқдорда шартнома пули тўлаш зарур бўлади. Энг йирик давлат университетлари Токио, Сендай шаҳрида жойлашган Тохоку университети, Киото, Осака, Нагое, Фукуоке, Сендай университетлари ҳисобланади.¹ Хусусий университетлардан энг машҳурлари Васода, Кето, Тюо, Токиодаги Мейдзи, Осакадаги Каисай, Киотодаги Рицумий университетлари ҳисобланади. Юқоридагилардан ташқари 200-300 талабага эга бўлган митти университетлар ҳам Япония таълим жараёнларида фаол қатнашадилар. Япония таълим соҳасига назар ташлар эканмиз унинг кўп жиҳатлари Ўзбекистонда қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” (1997 йил 29 август)га яқин томонларини кўраимиз. Масалан, Япония таълим тизимида мувофиқ бошланғич мактабнинг олти йиллик биринчи босқичи ва уч йиллик иккинчи босқичи мажбурий таълим тизимида кириб, тўлиқ ўрта мактабнинг 15-18 ёшдаги ўқувчиларни ўқитиш мажбурий таълим тизимида кирмайди. Бизда эса “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ 12 йиллик мажбурий таълим жорий қилинган. Шунга биноан, Ўзбекистонда мактаб таълим тизими умумий мажбурий таълимнинг икки босқичини – бошланғич таълим (I-IV-синфлар) ҳамда таянч таълим (V-IX-синфлар) жараёнини ўз ичига олади.

Ўзбекистонда 9 йиллик мажбурий мактаб таълимини битирган ёшлар ихтиёрий равишда ўқишни касб-хунар коллежи ёки академик лицейларда

¹ Ш.Қудратхўжаев, А.Қирғизбоев “Ўзбекистон – Япония: ўзбек дипломатиясининг янги босқичи” Т., 2002 йил, 27 бет.

давом этиришлари мумкин. Ўзбекистонда касбий таълимни эгаллаш уч йил давомида олиб борилади. Энг қизиқарли томони шундаки, японлар болага таълим беришни боғчадан эмас балки, бола туғилгандан бошланади деган ақидага амал қилсалар, бизда эса болага тарбия беришни бешиқдан бошлаб, ота-боболаримиздан қолган удум асосида олиб боришга ҳаракат қилмоқдамиз. Шунга қарамай, Япониядаги бошланғич ва ўрта таълим жаҳондаги энг мукамал, самарали ва талабчан тизим ҳисобланади. Нафақат муайян доирадаги одамларнинг балки мамлакат бутун аҳолисининг эътибори таълимга йўналтирилган. Шунинг учун ҳам мураккаб технологияга асосланган ишлаб чиқаришда барча япон ишчи аҳли алоҳида ғайрат, интизом ва сабот билан муваффақиятли қатнашиш хусусиятига эгадир.

Япония давлатининг жаҳондаги энг илғор тараққиёт даражасига эришувига сабаб таълимга бўлган катта эътибор билан боғлиқ деб биламиз. Шу туфайли Ўзбекистонда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” бўйича таълимнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислоҳатларга бефарқ қараб турмасдан, ҳаётга жорий этишда бутун жамият маъсул ва фаол бўлмоғи лозим. Бинобарин бизнинг таълим соҳасидаги ислоҳатларимиз Японияда ҳам юксак баҳоланмоқда. Ислом Каримов Япониянинг энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири бўлган Веседда Университетида бўлиб, у ердаги учрашув чоғида шу университетнинг ректори жаноб Окушима Такаёсо юртбошимизнинг давлат бошқариш, жаҳон ҳамжамияти қатори Япония билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги улкан хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқда. Шу билан биргаликда изчиллик билан амалга оширилаётган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг самарали томонлари нафақат мамлакатимизда балки халқаро миқёсда ҳам эътиборга лойиқ эканлигини қайд этди. Шундан сўнг Веседда университети Илмий кенгашининг қарори билан Ислом Каримовга мазкур олий ўқув юртининг фахрий доктори унвони берилди.

Ташриф чоғида Ислом Каримов Японияда таълим олаётган Ўзбекистонлик 70 га яқин талабалар билан учрашиб, улар билан мамлакатимиз учун замонвий кадрларнинг аҳамияти бу борада мамлакатимизга Япониянинг кўрсатаётган дўстона ёрдами хусусида суҳбат ўтказди. Энг қувонарли томони шундаки, Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида 348 миллион иен миқдорида янги грант ажратиш тўғрисида битим имзоланди. Бу битимга мувофиқ яна 20 нафар Ўзбекистонлик ёш йигит ва қизларнинг Японияда таҳсил олиши учун имкониятлар яратилди. Таълим соҳасидаги ҳамкорлигимиз ҳам икки мамлакат ўртасида тузилган стратегик ҳамкорликнинг узвий қисмига айланиб бораётгани қувонарлидир. Зеро, ушбу алоқалар том маънода ўзаро ишончга йўғрилган муносабатларни назарда тутди. Икки томонлама

хамкорликнинг муҳим вазифалари сифатида савдо, сармоя, технология, таълим ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш белгилаб берилган. Ташриф чоғида томонлар Марказий Осиё худудида хавфсизлик масалаларини атрофлича муҳокама қилдилар.¹

Бугунги кунда Шарқ дунёсининг икки мамлакати – Ўзбекистон ва Япония ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар ривожланиб бормоқда. Бундай алоқалар нафақат маданият ва маориф соҳаларига, балки иқтисодий, техника ва бошқа тармоқларга ҳам тааллуқлидир. Икки давлат ўртасидаги алоқаларни миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда янада кенг қамровда амалга ошириш ҳар икки мамлакатлар учун ўзаро манфаатли ҳамкорлик, Осиё қитъасидаги давлатлараро алоқалар намунасиدير.

O.Pirnazarov

Mutually advantageous cooperation between Republic Uzbekistan and Japan.

The article is educated to illumination of a question of formation and development of mutually advantageous cooperation between Republic Uzbekistan and Japan. In it legal bases of bilateral relations are resulted, and is considered multilateral contacts of two countries.

О.Пирназаров

Взаимовыгодное сотрудничество между Республикой Узбекистан и Японией

Статья просвещена освещению вопроса становления и развития взаимовыгодного сотрудничества между Республики Узбекистан с Японией. В ней приводятся правовые основы двухсторонних отношений, и рассматриваются многосторонние контакты двух стран.

Ҳ.Х. Жамолдинов

Низомий номидаги ТДПУ катта ўқитувчиси

Ўзбекистон – Қозоғистон алоқалари тарихидан

Мустақиллик эълон қилинган вақтнинг дастлабки кунлариданок Ўзбекистон демократик жамият куриш йўлидан бориб, «Давлат мустақиллигига эришиб, биз ўз тараққиёт ва сувернитет йўлимизни танладик, бу Ўзбекистон учун энг макбул йўлдир»² деб таъкидлайди президент И.Каримов.

Мазкур дастурни амалга оширишда бир қанча муаммоларни енгиб ўтиш зарур эдики, собиқ «Шўро» давридан мерос қолган анъаналардан воз кечиш, шаклан ва мазмунан янги йўналишда сиёсат юритишни замон

¹ Н.Норматов “Биз кашф қилган Япония”. - Т., 2002 йил август.

² Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. – Тошкент, 1992. 10-бет.

талаб қилди. Аввало, дунёга чиқиш, иқтисодни тиклаш учун чет давлатлар билан ҳамкорлик қилиш, «тенглар ичида тенглик» принципи асосида ташқи сиёсатни юргизиш зарур эди. Инсоният тарихида автаркия сиёсати мамлакатни, халқни қашшоқликка маҳкум этгани барчамизга маълум. Ўзбекистон Республикаси президенти И.Каримов дунёга юз тутиш билан бирга қўшни давлатлар билан алоқаларни тиклаш, ривожлантириш зарурлигини уқтириб, «Қўшнинг тинч – сен тинч» иборасини қайта-қайта ишлатадилар. Шу мақсадда Президент иқтисодий тараққиётни, ижтимоий барқарорликни, маданий-маънавий юксалишни таъминлаш мақсадида Марказий Осиё давлатлари, хусусан Қозоғистон Республикаси билан алоқаларни тиклашга алоҳида эътибор қаратдилар.

Мазкур минтақадаги халқларнинг ўтмиши, тарихи бир. Марказий Осиё халқлари азалдан бир-бирларига куда-анда, оға-ини, қадирдон ва қариндошчилик ришталари билан боғланиб кетган. Собиқ СССР таркибида минтақа республикалари ўзаро иқтисодий-маданий ҳамкорлик алоқалари билан чамбарчас боғлансада, ҳамкорлик «марказ»нинг белгилувчилик роли ва коммунистик мафқуранинг устуңлигига асосланган эди.

Подшолик Россиясининг мустамлакачилик, «Шўро» ҳокимиятининг ҳукмронлик йиллари кучли иқтисодий «олди-берди»га ва расмий равишда ўтказилган «ён қўшни – жон қўшни»чилик – маданий тадбирларга бой бўлди. Бироқ, бу тадбирлар миллий-маҳаллий хусусиятларни инобатга олмасдан, «социалистик» расмиятчилик юзасидан, миллий тотувликни кўз-кўз қилиш мақсадида «марказ» томонидан ташкил этилар эди. Оқибатда минтақадаги халқлар аксинча бир биридан узоқлашди-ки, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик каби қондош халқлардан кўра, «маданият»ни, «тараққиёт»ни экспорт қилувчи «катта оға»ларни ўзимизга яқин билдик.

Қардош халқларни бўлиб ташлаш ва бир-бирларидан узоқлаштириш сиёсати Россия подшолигининг, сўнг “ленинча” миллий назарияни амалга оширган «сталинча» сиёсатнинг туб негизини ташкил қилди. 1924 йилда бу халқлар орасига чегара тортишнинг ўзи ноҳақлик эди. Минтақа халқларини ўз ўтмишидан, тарихидан «беғоналаштириш» йўлида бир неча бор алифбо ўзгартирилди.

Собиқ ХКС ва Мудофаа Советининг раиси 1919 йилда Туркистон большевикларига хатида: «Туркистон халқлари билан тўғри муносабат боғлаш эндиликда РСФСР учун ҳеч муболагасиз айтиш мумкин-ки, жуда катта жаҳоншумул-тарихга эгадир. «Қизил Армия» бажарган иш, унинг кураши ва ғалабасининг тарихи Шарқдаги барча халқлар учун ғоят катта, оламшумул аҳамиятга эга бўлади», - деб ёзган эди. Бу «тўғри муносабат», Қизил Армиянинг «бажарган иши» нинг «аҳамияти» ва мақсад-моҳияти эндиликда маълум бўлмоқда.

Халқлар дўстлиги ҳақида гапирганда бевосита миллий сиёсатга тўхталиш жоиздир. «Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи»,

«миллий тенглик» каби принциплар дабдабали шиорларга айланиб, аслида миллий ўзлик топталди, «ягона совет миллатини вужудга келтириш» йўлида ўлка аҳолиси қадриятлари топталди. КПСС XXVIII съездида (1990 йил июль) собиқ КПСС Бош котиби, СССР президенти М.С.Горбачевнинг Сиёсий ҳисобот муҳокамаси яқунларига доир маърузасида: «Биз миллатлараро муносабатларда кўп нарсани кўздан қочирганлигимиз, вақтни бой берганлигимиз, сезганимизда эса – кечикиб ҳаракат қилганлигимиз ҳаммамиз учун сабоқдир. Энг асосийси – биз хавфни ўз вақтида кўра билмадик, буни тан олинглар! Сиз билан биз, ҳаммамиз бу соҳада ҳамма нарса кўнгилдагидек, ҳаммаси ҳал қилинган, деб ҳисобладик ва асосан халқлар дўстлиги учун қадаҳ кўтардик. Миллий сиёсат соҳасидаги ишимиз ана шундай эди»¹ деб таъкидлаган. Миллий сиёсатга берилган бу таъриф ўринли эди.

Шунингдек, республикалараро алоқаларнинг эркин ривожланишига ҳам маъмурий-буйруқбўликнинг чеклаш методлари салбий таъсир кўрсатди. Хатто, энг яқин бўлган икки республика иқтисодий ва маданий соҳада мустақил мулоқат қилолмади. Республикалараро энг кичик тадбир ҳам «марказ»нинг руҳсати билан ўтказилар эди. Ваҳоланки, ўзбек ва қозоқ халқларининг ҳамкорлик тарихи узок ўтмишга бориб тақалади ҳамда уларнинг турмуш тарзи бир-бирига уйғунлашиб кетган. Айниқса, минтақадаги ўзбек ва қозоқ халқларини нафақат жуғрофий яқинлик, айтилишида муштарак тарихий тақдир, маданият, анъана ва расм-русумларнинг яқинлиги ҳам бирлаштириб туради.

Марказий Осиё минтақасидаги республикалар ўртасидаги ҳамкорлик масалаларини ҳал этишда икки локомотив давлатлар сифатида Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари қаралмоқда. Мазкур масала кенг жамоатчилик эътибор марказида бўлиб, бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Россия сиёсатшунос ва тарихчилари Ю.А.Борко, В.Г.Шемятников, Н.П.Шмелев, Л.И.Глухарев ва бошқалар томонидан минтақадаги ҳамкорлик ижтимоий-иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий соҳадаги алоқалар сифатида қаралмоқда². Қозоғистон республикасида М.Ш.Губадуллина, Ж.У.Ибрашев, К.И.Байзакова, И.А.Черных, Ф.Т.Кукеева, С.М.Акимбеков ва сиёсатчи ҳамда давлат арбоби Н.Исингарин ҳам минтақадаги ҳамкорлик мавзусида бир қатор тадқиқотлар олиб боришди³. Англия ва АҚШда М.Б.Олкотт, Р.Даннройтер, О.Рой, Л.Джонсон минтақадаги алоқаларни турли

¹ Правда. газетаси, 1990 йил 15 июль.

² Европейская интеграция, большая гуманистическая Европа и культура. Л.И.Глухарев таҳрири остида – М., 1998. 320 стр.

³ Кушқумбаев С.К. Геополитические факторы интеграционных процессов в постсоветской Центральной Азии. Сиёсатшунослик фанлари номзодлик дисс. автореферати. – Алмати, 1999. 400-стр.

аспектларда, субъектив фикрлар бериш билан жамоатчилик эътиборини тортишга ҳаракат қиладилар¹. Ўзбекистонлик олимлар Ф.Ҳамраев, Р.Дусчанов, Д.Файзуллаев «катта стратегия» тенденциясини илгари сурмоқдалар².

Азалдан Турон-Туркистон заминидан аралашиб яшаган ўзбек ва қозоқ халқларининг алоқаларига қадимдан таъмал тоши қўйилган ва бутун тарихий босқичларда у ёки бу шакл ва мазмунда интенсиф ҳамда экстенсиф суръатларда амалга ошиб келган. Ўзбекистон ва Қозоғистон республикаси ўртасидаги ҳамкорликни қуйидаги даврлар асосида ўрганиш мумкин:

- Илк давлатчилик даври – мавжуд маҳаллий қадимги аҳолилар ўртасидаги алоқалар;
- Турк хоқонлиги даври – туркий юксалиш таъмал тошининг қўйилиши (VII-VIII асрлар);
- Ўрта асрлар даври – ислом маданияти тараққий этган давлатчилик алоқалари (IX-XVI аср биринчи ярими);
- Марказий Осиё ва Шарқий Европа, хусусан Россия, ўртасидаги савдо ва элчилик алоқалари (XVI аср иккинчи ярими- XIX аср биринчи ярими);
- Россия подшолиги мустамлакачилик ва «Шўро» ҳокимиятчилик йилларидаги алоқалар (XIX аср иккинчи ярими-1991 йиллар);
- Мустақиллик шароитидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий ҳамкорлик.

Албатта, мазкур даврлаштириш шартли бўлиб, алоқалар тарихини ўрганишда қайси аспектда қарашга ҳам боғлиқ.

Мустақиллик шароитида Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари ўртасидаги ҳамкорлик масаланинг ўзи ўн беш йиллик, лекин сермазмун тарихий жараёндир. Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб бу икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни тиклаш, ривожлантириш, юксалтириш мақсадида давлатлараро (вертикал), халқлараро (горизонтал) ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

Шу ўринда мустақиллик давридаги алоқанинг ўзини ҳам бир қатор босқич ва турларга (типларга) ажратиб ўрганиш мумкин. Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари ўртасидаги ҳамкорлик икки томонлама ҳамда кўп томонлама, яъни халқаро ёки регионал ташкилотлар доирасида амалга ошириб келинмоқда. Мазкур даврни қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

- Мустақилликнинг илк йилларидаги икки томонлама алоқалар (1991-1993 йиллар);

¹ Allison R., Jonson L. Central Asian security. – Washington: D.C. – Brookings Inst., 1999. 279 p.

² Файзуллаев Д. Дружеские отношения “после развода”. Азия и Африка сегодня. 2003. №12. 14-16 стр.

- Ягона иқтисодий макон яратиш йўлидаги ҳамкорлик – кўп томонлама алоқалар (1994-2001 йиллар);

- Ҳамкорликнинг янги сифат босқичи (2002 йилдан, яъни 2002 йил 28-февраль Алмати келишувида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг таъсис этилишидан).

Юқорида келтирилган босқичлар, албатта, икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик турлари билан биргаликда ўрганилади.

Икки қардош республикалар ўртасидаги алоқалар ўзоқ ўтмишдан бошланиб, бугун ривожланиш даврида, келгусида ўзининг янги босқичларига кўтарилиши муқаррар.

Х.Х. Жамалдинов

Из истории узбекско-казахских отношений

Статья посвящена вопросам взаимодействия Узбекистана и Казахстана, как в период тоталитарной системы Советского правления, так и в условиях независимости. В тоже время основное внимание концентрируется на взгляды видных ученых и политологов по вопросу взаимодействия двух республик.

Н.Н. Jamaldinov

History of Uzbek-Kazakh relations

The article is devoted to the questions of cooperation between Uzbekistan and Kazakhstan, both in totalitarian system of the Soviet period, and in the conditions of Independence time. The basic attention concentrates on sights of visible scientists and political scientists on question of the cooperation of two republics.

Ф. Исмагуллаев

ТДПУ ўқитувчи

Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан

иқтисодий ҳамкорлиги (Европа Иттифоқи мисолида)

Ўзбекистон республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданок жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлини танлаб, халқаро алоқаларнинг ҳақиқий субъектига айланди ва мустақил сиёсат юрита бошлади. Ҳозирги кенг миқёсдаги глобаллашув, интеграциялашув ва ахборотлашув жараёни кетаётган даврда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик дунё давлатлари учун ҳар жиҳатдан фойдалидир. Ўз навбатида Европа давлатлари ва халқаро ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлик алоқалари, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашда, ўзаро иқтисодий ҳамда илмий-техникавий соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Президент И.А.Каримов «XXI аср, шубҳасиз, халқаро муносабатларда бутун дунё камраб олинadиган аср бўлади»¹, деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, интеграция шароитида нафақат давлатларнинг, балки халқаро институтларнинг ҳам камраб олиниши дунёда барқарорликни таъминлашда муҳим омиллардан биридир. Шундай шароитда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувни янада чуқурлаштириш, Ўзбекистон дипломатияси олдида турган муҳим вазифалар қаторига киради.

“Биз Европа китъасидаги Европада хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи ва НАТО каби муҳим тузилмалар билан юртимизда демократик ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш, мамлакатимизда ва умуман минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдоримиз”².

Бунинг учун халқаро ташкилотлар, халқаро минтақавий ташкилотлар, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни янада ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, Европа Иттифоқи ташкилоти ва унга аъзо давлатлар билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш республикамиз ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланиб, миллий манфаатларимизга тўлиқ мос тушади.

Бугун 27 нафар аъзо давлат ва 492 852 385 аҳолини ўзида бирлаштирган (3892685 км² ҳудудни эгаллаган)³ Европа Иттифоқи, Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим аҳамият касб этади. Икки томонлама муносабатларнинг аҳамияти эса қуйидагиларда ўз аксини топади.

Биринчидан, Европа Иттифоқининг ривожланган давлатлари (Франция, Германия, Буюк Британия, Италия) Ўзбекистон учун муҳим технология манбаидир.

Иккинчидан, Ўзбекистон ҳам улар учун ўз навбатида муҳим хом ашё манбаи бўлиб, айни пайтда Европа маҳсулотлари учун катта истеъмолчи ҳисобланади.

Учинчидан, Евроосиёда умумий минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни сақлаш ва таъминлаш ҳар икки томон учун ҳам долзарб вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида ҳамкорликни икки йўналишга ажратиш мумкин.

Биринчиси – Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида узоқ муддатга мўлжалланган «Шериклик ва Ҳамкорлик» тўғрисидаги битимни имзоланиши ва истиқболи.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б.306.

² Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. –Т.: Ўзбекистон, 2005. –Б.42.

³ <http://ru.wikipedia.org/wiki/>

Иккинчиси – Илмий-техникавий соҳага йўналтирилган «ТАСИС» дастури ва унинг ислохотларни амалга оширишдаги роли. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик тамал тоши 1992 йил меморандум имзоланиши билан қўйилган¹.

1992 йил 15 январ Лиссабон Саммитида Европа Иттифоқининг 12 та аъзо давлатлари Ўзбекистон мустақиллигини тан олди.

1994 йил кузида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1995 йил Брюсселда Европа Иттифоқи хузурида Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонаси фаолият бошлади.²

1995-2002 йиллар давомида Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасида амалга оширилган кўплаб лойиҳаларни амалга тадбиқ этишда Европа Банк тузилмалари томонидан 8 млрд. АҚШ доллари сарф қилинган. Шу ўринда 2001 йилнинг ўзида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга 1,2 млрд сарф қилингани, ҳамкорлик қанчалик салмоқли бўлаётганидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси билан 1996 йил давомида жаҳоннинг 60 та мамлакатидан 900 та хорижий кредит-молия муассалари ҳамкорлик қилган. Бундан ташқари 49 та мамлакатдан 257 та банк ва фирмалар аккредитациядан ўтган. Шулардан Германия (60), Буюк Британия (30га яқин), Туркия (28) ҳиссасига тўғри келади.³

Ўзбекистон Республикасини ташқи савдо-товар айланмаси Европа давлатлари билан қуйидаги ҳолатда бўлиб бунда экспорт улуши 69,6%, импорт -74 % ташкил этди. Асосий савдо ҳамкорлари (экспортёр) Буюк Британия - 13,8 %, Швейцария - 13,7 %, Нидерландия - 4,4 %, Белгия -3,6 %, Германия - 14,4 %; импорт : Буюк Британия - 4,4 %, Италия - 3,2 %, Франция -3,2 % улушни ташкил этади. Ўзбекистон экспортининг: пахта - 27,3 %, электр энергия - 11,5 %, хизмат кўрсатиш - 9,3 %, ишлаб чиқариш маҳсулотлари - 6,4 %. Қора ва рангли металллар - 4,3 %, машина ва жихозлар -3,1 % ташкил этган⁴. Ўзбекистоннинг 1999 йил давомидаги экспорт улуши 51 %, импорт улуши эса 49 % ташкил қилган.⁵

Ҳозир Европа Иттифоқининг жаҳон иқтисодиётида ўрни салмоқли бўлиб, йиллик жаҳон экспортининг 57%, импортининг 55% унинг ҳиссасига тўғри келмоқда.⁶ 2003 йил январ-ноябр оралиғида икки

¹ Ўзбекистан. Европейский Союз: важный шаг на пути к Европейской интеграции, Т.: Информационное агентство “Жахон”, 1996, стр.5

² Халқ сўзи, 1998, 9 апрель.

³ Бабаходжаев.М.Суверенный Узбекистан. Вопросы внутренней и внешнеэкономической политики. Тошкентский Государственный институт востоковедение.Т.2005.-с.195.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Ўша жойда.

⁶ Далимов Р.Т. Махамбетова З. Худякова Н.К. Международная экономическая интеграция. Т.Университет.2004.-Б.62.

томонлама товар айирбошлаш ЕИ ва Ўзбекистон ўртасида 1 млрд 7,2 млн АҚШ долларини ташкил қилди. Бунда экспорт улуши 479,5 млн, импорт – 527,7 млн АҚШ долларини ташкил этди. Бу давр савдо алоқаларида асосий ЕИга аъзо давлатлар улуши: Буюк Британия (319,1 млн.), Германия (292,7 млн.), Италия (96,8 млн.), Бельгия (73,7 млн.), Франция (61,9 млн.) ва Нидерландия (37,8 млн.) тўғри келди.¹

Ўзбекистонда 2005 йилгача бўлган даврда ЕИ мамлакатлари 147 фирма ва компаниялари аккредитациядан ўтган. Шу кунларда Ўзбекистонда Европа Иттифоқи мамлакатларига тегишли 500 компания ва фирмалари фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 114 таси юз фоиз Европа капитали асосига қурилган.² Агар буни Қозоғистон Республикасини ЕИ билан товар-айирбошлаш миқдорини кўрадиган бўлсак, 2003 йил давомида 4,04 млрд долларни ташкил қилган. Бу 2002 йилдагидан 31% кўпдир. Бундан кўриш мумкинки, ЕИ Марказий Осиёдаги мамлакатлар билан савдо-иқтисодий соҳаларда алоҳида аҳамият беряпти ва бу албатта икки томонлама ҳамкорликни ривожланишида муҳим роль ўйнамоқда.

Европа Иттифоқини ташқи алоқалари бўйича комиссари Кристофер Патен маълумотига кўра, ЕИга қўшилган 10 та давлат ҳисобига, Марказий Осиё мамлакатлари ва Европа Иттифоқи ўртасида товар-айланмаси камида 20% кўтарилади.³ 2004 йил ўзаро савдо ҳажми 10,6 фоиз ўсиб, 1 миллиард 429 миллион АҚШ долларини ташкил этган. 2005 йилнинг январ-июл ойларидаги кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан салкам 8 фоиз ошган.⁴

2005 йил 9 сентябр куни Ўзбекистонга Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича вакили Ян Кубишни ташрифи бўлди.⁵ Бу лавозим 2005 йил савдо-иқтисодий, молиявий механизмларни ишлаб чиқиш, Европа молларини Марказий Осиёга экспорт қилишни янада ривожлантириш мақсадида таъсис этилган. Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш икки томон учун ҳамиша устивор аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигини муҳим йўналишларидан бири бу «ТАСИС» дастури асосида амалга оширилаётган лойиҳалардир.⁶ Европа Иттифоқининг «ТАСИС» дастури Ўрта Осиё давлатларида ўз фаолиятини 1991 йилда, Совет Иттифоқи тарқалиб кетганидан кейин, ушбу давлатлар ўз мустақиллигига эга

¹ Народное слово, 2004, 22 апрель

² Ўша жойда

³ Speech by the Rt/Hon Chis Patten/ Keynote speech to the International Community as part of official visit to Kazakhstan Almaty, 16 march 2004.-SPEECH/04/132-http://europa.Eu.int/comm/external_relations/news/patten.

⁴ Ўзбекистон овози, 2005, 10 сентябрь

⁵ Ўзбекистон овози, 2003, 10 сентябрь.

⁶ Europe Aid, 2002

бўлганларидан сўнг бошланган. Европа Иттифоқи комиссияси Тасис дастурининг 29 лойиҳасини амалга ошириш учун 50 миллион АҚШ доллари ажратган. Шу билан бирга халқаро лойиҳаларни амалга ошириш учун 150 миллион АҚШ доллари ажратилган.¹

2000-2006 йилларни камраб олган ва ёрдам кўрсатиш учун янги устивор йўналишларни аниклаган. ЕИ «ТАСИС» дастурининг товар-айрибошлашнинг ўсиши, транспорт тармоқларини кенгайтириш, янги инвестицияларни жалб қилиш имкониятлари, янада яқинроқ ҳамкорликка зарурат ошаётган агроф-муҳитни муҳофаза қилиш, чегара ҳудудлари ҳамкорлиги ва юриспруденция доирасидаги ўзаро муносабатлар ва ички қонун чиқариш эътиборга олинган. Бундан ташқари, катта эътибор ЕИ ва Ўрта Осиё ҳудудидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қаратилган.

Европа Иттифоқи Ўрта Осиёдаги ўз фаолиятидаги муносабатини қайта кўриб чиқди ва янги лойиҳаларни ушбу ҳужжат доирасида 2002-2006 йиллар давомида Ўрта Осиё давлатлари учун 50 млн. евро ажратилиб, бу амалда ЕИнинг аввалги, ушбу давлатларга ёрдам бериш учун ажратган маблағдан икки баробар кўпдир.²

«1992 йилдан бошлаб, яъни ЕИ билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида меморандум қабул қилинган даврданок, Ўзбекистон ЕИ «ТАСИС» дастури бўйича грантларни ола бошлаган. 1992 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда техник ёрдам кўрсатиш мақсадларида 111 млн. евро атрофида маблағ ажратилди. Европа Иттифоқи «ТАСИС» дастури асосида 2000-2003 йилларда Ўзбекистонга 25 млн. евро маблағ ажратди. 2000-2006 йилларда «ТАСИС» дастури асосида амалга оширилган барча минтақалардаги лойиҳалар 3,138 млрд. евро ни ташкил қилади».³

Европа Иттифоқи томонидан ажратилган молиявий кўмак иқтисодий соҳаларда ислохатларни тез ва самарали ривожлантиришга мўлжалланган бўлиб, Ўзбекистон мустақилликни дастлабки йилларида ўзи учун ажратилган 129 млн. ЭКЮнинг 59 млн. қисмини тасарруф этди. Бу улуш кўшни республикалар улушларидан анча кўпдир. Қозоғистон учун 25 млн, Қирғизистон учун – 23,7 млн, Туркманистон учун – 45 млн, Тожикистон учун – 55 млн ЭКЮ хисса тўғри келди.

Европа экспорти маҳсулотларининг асосий қисмини электр жиҳозлари ва машиналар (32%), қишлоқ хўжалиги ва пластик материаллар (22%) ташкил этса, Ўзбекистон экспортининг катта улуши текстил маҳсулотлари (66%) ва қимматбаҳо металллардан (28%) иборат. Ўзаро савдо балансининг

¹ Бабаходжаев.М.Суверенный Узбекистан. Вопросы внутренней и внешнеэкономической политики. Тошкентский Государственный институт востоковедение.Т.2005.-с.202.

²Europe Aid, 2002, -б.3

³ Европейская интеграция и Узбекистан. Материалы международной конференции. Т.: Университет, 2002, стр.14.

айниқса 1993- 1995 йиллар, 215, 130, 80 мусбат кўрсаткич билан Ўзбекистон учун ҳал бўлгани ҳам қувонарли ҳолдир.¹

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, янги минг йилликда жаҳон ҳамжамиятида муҳим сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Халқаро муносабатларнинг тури, шакли, даражаси ва ҳуқуқий асосларида ҳам катта ўзгаришлар кузатилмоқда. Зеро, ушбу жараёнда мустақил Ўзбекистон Республикаси олиб бораётган ташки сиёсат, давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсишни янада кучайтириш ва халқимиз турмушини яхшилашнинг зарур шarti ва ғоят муҳим воситасидир. Ҳозирда дунёда интеграциялашув ва глобаллашув жараёни изчил давом этмоқда ҳамда халқаро ташкилотлар ва мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар кенгайиб янги сифат босқичига кўтарилмоқда.

Ф. Исматуллаев

**Экономическое сотрудничество республики
Узбекистан с международной организации (на примере
Европейским союзом)**

Статья посвящена проблеме становления и развития взаимовыгодного сотрудничества между Республикой Узбекистан и Европейским Союзом (ЕС). Основное внимание, на основе богатой источниковедческой базы, концентрируется на вопросах экономического сотрудничестве с показом динамики его состояния.

F. Ismatullaev

**Economic cooperation of the Republic Uzbekistan with international
organizing (with examplace European Union)**

The Article is dedicated to problems of formation and developments mutually beneficial cooperation between Republic Uzbekistan and European Alliance (EU). The Main attention, on base rich sources bases, concentrates on questions economic cooperation with show speakers his conditions.

**IV. МАНБАШУНОСЛИК ВА ТАРИХШУНОСЛИК
МАСАЛАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

к.и.н. Д.Ш. Атаджанова

**Ремесленные уставы Средней Азии и Европы
(XIV – начала XX вв.)**

В данной статье предпринята попытка сопоставления ремесленных уставов Европы и Средней Азии, с целью выявления общих и

¹ Ўзбекистон – Европа Иттифоқи ҳамкорлиқнинг янги уфқлари // Хуррият, 2002, 7 февраль

закономерных черт свойственных цеховому институту. Исследование, прежде всего базируется на привлечении ремесленных уставов Европы, датирующиеся XIV – XV вв. и ремесленных рисола Средней Азии, хранящихся в фондах Института востоковедения АН РУз и Национальной библиотеки им. Алишера Навои, датирующиеся XIX – начала XX вв¹.

Еще Г. Мауер² отмечал, что цеховой строй характерен для всех стран и распространен от Европы вплоть до Китая³. Мы же, в свою очередь, хотели бы добавить, что цеховые уставы, также были характерны, как для стран Европы⁴, так и для стран Востока⁵. И, конечно, необходимо

¹ Рисола-и бофандаги. – Рукопись ИВ АН РУз. Инв. 4120. – Лл. 50 а- 101 б; Рисола-и бофандаги. – Рукопись ИВ АН РУз. Инв. № 4188 / XX. – Лл. 305а - 345б; Рисола-и бофандаги. – Рукопись ИВ АН РУз. Инв. № 3072 / П. – Лл. 205а – 208б (данная рукопись привлекалась в исследованиях О.А. Сухаревой); Рисола-и бофандаги. – Рукопись ИВ АН РУз. Инв. 758. – Лл. 112-128 (четыре различных экземпляра); Рисола-и читгари. – Рукопись ИВ АН РУз. Инв. № 5003. – Лл. 16 - 37б (сведения из данной рукописи привлекались Р.Г. Мукминовой); Рисола-и охангари. – Рукопись ИВ АН РУз. Инв. № 12708. – Лл. 1а - 33 б; Рисола-и тимирчилик. – Рукопись ИВ АН РУз. Инв. № 14196. – Лл. 120-142; Рисола-и бакколи. – Рукопись ИВ АН РУз. Инв. № 3081. – Лл. 55а- 57б; Рисола-и хайоти. – Рукопись ИВ АН РУз. Инв. № 5321. – Лл. 16 - 26а; Рисола-и дуродгарлик ва хам Биби Сешанбани онани касбларини байона қилиш. – Рукопись ИВ АН РУз. Инв. № 4981. – Лл. 97-127; Рисола-и музадузи ва кафшдузи. – Рукопись ИВ АН РУз. Инв. № 14191. – Лл. 142- 160; Рисола-и милтик андази. – Рукопись ИВ АН РУз. Инв. № 3081. – Лл. 438а - 439 а; Рисола-и тирандохтан. – Рукопись ИВ АН РУз. Инв. № 3081. – Лл. 441а - 440 б; Рисола-и жомашу-йи. – Рукопись ИВ АН РУз. Инв. № 5321. – Лл. 26 б - 28 б; Рисола-и жувозкаши // Туркестанская туземная газета. – Ташкент, 1901, № 39; Рисола для ткачей маты // Туркестанская туземная газета. – Ташкент, 1901, № 8, 13; Рисола-и нонвойилик // Туркестанская туземная газета. – Ташкент, 1901, № 26, 28, 29; Рисола медников // Туркестанская туземная газета. – Ташкент, 1902, № 27, 29.

² Maurer G. Geschichte der Stadtverfassung in Deutschland, В. II. – Basel, 1870. – S. 345.

³ Стужина Э. Китайское ремесло в XVI – XVIII веках. – Москва: Наука, 1976. – С. 131; Ванина Е.Ю. Средневековое городское ремесло Индии (XIII- XVIII). – Москва: Наука, 1991. – С. 146.

⁴ A Touch-stone for gold and silver wares, or manual for goldsmiths. By W.B. – London, 1677. – P. 115; Pollard W. Historical Sketch of Preston guilds, including the ordinances, statutes and festivities from 1328-1862. – Preston, 1882. – P. 61; The Little Red Book of Bristol / Ed. by F.B. Brickley. Vol. 2. – Bristol: Published under the authority of the council of the city and county of Bristol, 1900. – P. VIII; Taylor's manual or Hand book of craft Freemasonry. Entered at stations Hall, 1908. – P. 151; Егизаров С.А. Городские цехи. Организация и внутреннее управление закавказских амкарств // Записки Кавказского отдела Императорского Русского Географического общества. Кн. XVI. Вып. 2. – Казань: Типография Императорского Университета, 1891. – С. XXII; Sidney J.A. Churchill, M.V.O and Cyril G.E. Bunt. The goldsmiths of Italy. Some account of their guilds. Statutes and work. London: Martin Hopkinson and company LTD, 1926. – P. 182; Стоклицкая-Терешкович В. В. Немецкий город XIV-XV вв. – Москва: Соэкгиз. 1936. – 74 с; Spiesz A. Statuty Bratislavskych cechov. Dokumenty. Vydavatelstvo obzor. – Bratislava, 1978. – S. 508; Мосолкина Т.В. Бристольские ремесленные цехи в XIV-XV веках. – Саратов: Слово, 2005. – 80 с; J. Dambryune. Representation and investments strategies in the Early Modern Guild world: a comparison between the South and the North of the Low Countries // Guilds and association in Europe, 900-1900. Edited by I.A. Gadd and P. Wallis. Centre for Metropolitan History Institute of Historical Research School of Advanced Study University of London. – London, 2006. – Pp.103-121.

⁵ Петровский Н.О. Шелкомотание и шелкоткачество в Средней Азии / Приложение – туземное сказание о шелковичном черве. – Ташкент, 1873. – С. 1-11; Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – Спб., 1882. – С. 354-357; Комаров П.А. Несколько слов о рисола //

учитывать, что классические цеха Европы отличаются от цехового устройства Востока, но в целом есть общие аспекты.

В прошлом на Востоке и Западе существовали цеховые объединения, где каждый род деятельности, регламентировался специальным профессиональным уставом. В отечественной литературе под термином цех подразумевается ремесленное объединение ремесленников – «*касаба*» в Средней Азии и Пакистане, «*аснаф*» в Турции, «*амкар*» в Иране, Армении. В одной из рисола, нам повстречался термин “*жамоаи ахл*”¹ (общество людей), последнее позволяет предположить, что данное слово, также использовалось для обозначения группы ремесленников, или

Туркестанские ведомости. – Ташкент, 1901.–№45; Гаврилов М.Ф. Рисола сартовских ремесленников. – Ташкент, 1912. – 59 с; Он же. О ремесленных цехах Средней Азии и их статутах-рисола // Известия Среднеазиатского комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы. Вып. III. – Ташкент, 1928. – С. 354-357; Kassim A.M. Etudes sur les corporations musulmanes indo-persianes. I. Risalei-Saqqai. II. Rissalei Sipahigari. III. Zamji-name // Revue des etudes Islamiques. Chapter II, Paris, 1913. – Pp. 249-272; Малов С.Е. Шаманство у сартов Восточного Туркестана // Сборник музея антропологии и этнографии им. Петра Великого при РАН к 80-летию академика В.В. Радлова. Т. V. Вып. I. – Петроград, 1918.– С. 1-15; Он же. Уйгурский торговый обрядник (рисале из Западного Китая) // Сборник статей по истории и филологии народов Средней Азии, посвященный 80-летию со дня рождения А.А. Семенова. – Сталинабад: 1953. – С. 139-144; Андреев С.М. Рисола кузнечного цеха из Северной Индии на языке «пушту» // Сборник в честь проф. А.Э. Шмидта Туркестанского Восточного института. – Ташкент, 1923. – С. 9-13; Самойлович А.Н. Кукольный театр в Туркестане // Материалы по этнографии. Т. III. Вып. 2. – Л., 1927. – С. 53-57; Заходер Б.Н. Перевод сочинения Кази Ахмеда «Трактат о каллиграфиях и художниках». – М.–Л., 1947. – 200 с; Кузнецова Н.А. Ремесленные рисоле // КСИЭ. Вып. III. – М., 1949. – С. 90-94; Джаббаров И. М. Об ученичестве в ремесленных цехах Средней Азии в конце XIX начало XX в. // Материалы второго совещания археологов и этнографов Средней Азии. – М.–Л., 1959. – С. 81-88; Он же. Ремесло узбеков южного Хорезма в конце XIX в. начале XX в. // Среднеазиатский этнографический сборник. Вып. III. – Л.: Наука, 1971. – С. 121-146; Пещерева Е.М. Городское гончарное производство Средней Азии. – М.–Л.: Изд-во АН СССР, 1959. – С. 358-360; Дарский Э. Среднеазиатский устав цеха живописцев // Проблемы востоковедения. – М., 1959. – № 3. – С. 106-110; Arnakis G.G. Futuwwa tradition in the Ottoman Empire: Akhi, Bektashi dervishes, and craftsmen. In journal of Near Eastern Studies, №.12, 1953.– Pp. 232-247; Гордлевский В.А. О футуввет-номе (справка) / Избранные сочинения. Т. I. Исторические работы.– М.: Изд-во Восточной литературы, 1960. – С. 307-318; Сухарева О.А. Рисола как исторический источник // Источниковедение и текстология средневекового Ближнего и Среднего Востока. – М.: Наука, 1984. – С. 201-215; Centlivres P. Un bazar d' Asia Centrale. Forme et organization du bazar de Tashqurgan (Afghanistan). Wiesbaden, 1972. – Pp. 166-177; Rye O., Evans G. Traditional pottery Techniques of Pakistan. – Smithsonian Institution press, Washington, 1976. – Pp. 189-193; Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI в. – Ташкент: Фан, 1976. – С. 26-29. Она же. Рисола как источник по истории техники и производственных отношений в позднефеодальной Средней Азии // Бартольдские чтения. – М.: Наука, 1990. – С. 52-53; Keyvan M. Artisans and guild life in the later Safavid period.–Berlin; Schwarz, 1982. – P. 340; Centlivres – Demont M. Un corpus de risola du Turkestan Afgan // Madrassa la transmission du savoir dans le monde musulman / Sous la direction de nicole grandin et Marc Caborieau. Editions Arguments. – Paris, 1997. – Pp. 84-88.

¹ Рисола-и дуродгарлик ва хам ... – Л. 98.

ремесленной организации. Именно детальное изучение ремесленных рисола вызвали интерес к классическим уставам Европы, возникла идея о сопоставлении ремесленных уставов Европы и Средней Азии. Появились ряд вопросов, как их лучше сравнить и по каким параметрам? Изучение уставов Европы и Средней Азии определило несколько аспектов, позволяющих осуществить сопоставительный анализ, первое сравнение исторических документов (статуты Европы и рисола Средней Азии), второе выявление по документам видов профессий и специальностей, третье, выявление гендерного вопроса в документах, четвертое, ритуальная сторона ремесленников, пятое моральные и этические нормы зафиксированные в уставах, шестое экономическое и социальные аспекты оговоренные в документах, шестое права и обязанности ремесленников отраженные в уставах, седьмое религиозный контекст, который будет детально раскрыт ниже.

Обзор литературы показал, что исследователями предпринималась лишь слабая, попытка сопоставления ремесленных уставов Европы и Среднеазиатских рисола. Хотя, имеется ряд работ, в которых осуществлено сравнение ремесленных цехов Европы и России¹, Закавказья², Индии³, Хорезма. Сопоставляя цеха Хорезма с западноевропейскими И.М. Джаббаров отметил, что цеховой строй городов Хорезма, и в целом Средней Азии, также стремился, защищать интересы ремесленников, но оказался необычайно устойчивым, продолжая существовать вплоть до 1920-х годов. Он, также заметил, что цеховые уставы Европы сильно отличались по содержанию от среднеазиатских, в последних в основном регламентировались лишь религиозные идеи⁴. Такого же мнения придерживается О.А. Сухарева, считая, что ремесленные уставы рисола отличаются от цеховых уставов Европы, тем что в них меньше наблюдается связь с производством, их основная задача идейное влияние на ремесленников, они насквозь проникнуты религиозным духом⁵. Здесь важно помнить тот факт, что в прошлые столетия именно религия, была неоемлемой частью общества, основы цехового строя, как Европа так и Востока были проникнуты религиозным мировоззрением. Считалось, что любой вид деятельности человека находится под покровительством Бога, патронов, святых, пиров. Человек воспринимал свое ремесло, ни как источник дохода, а нечто святое, что переходит от пира и оберегается им. Священные книги – Библия, Евангелие, Коран, Хадис, слова апостолов, изречения пророков, постановления отцов церкви вот основные источники откуда цеха, черпали морально-этические, нравственные и

¹ Рыбаков Б.А. Ремесло Древней Руси ... – С. 729- 741.

² Егизаров С.А. Городские цехи ... – С.73.

³ Ванина Е.Ю. Средневековое городское ремесло... – С. 146-147.

⁴ Джаббаров И. М. Ремесло узбеков ... – С. 121-146.

⁵ Сухарева О.А. Ислам в Узбекистане. – Ташкент: АН УзССР, 1960. – С. 30-31.

правовые нормы. Для того, чтобы регламентировать (упорядочить) общественную жизнь населения, создавались специальные документы, которые имели непосредственное отношение к цехам, но в тоже время наряду с этим отражали религиозные идеи. Поэтому, для рисола было характерно, что в процессе изготовления определенной продукции ремесленник должен произносить специальные суры Корана. А для цехов Европы было свойственно прежде чем приступить к работе необходимо было перекреститься и сопровождать работу пением псалмов. Сами, статуы обязывают ремесленников и подмастерьев бывать по воскресным дням в церкви¹. Например, согласно надписи на Эчмиадзинском соборе, цеха Тифлиса обещают в честь собора давать ежегодно с каждой лавки по одному чареку, а братство обещало молиться за них, в свою очередь, во время литургии². Другим примером, может послужить то, что ремесленники возводили алтари в церкви, каждый цех имел свой алтарь, в центре панели было изображено содержание легенды о четырех святых, а патроны являлись символами гильдий.

Проанализирован, достаточное количество рисола становится ясным, что одним из основных ключевых моментов в жизни ремесленника – забота о загробной жизни. Согласно «рисола-и туз фурушлик ва бакколик», ремесленники должны помнить о том, что земная жизнь не вечна и о загробной жизни нужно заботиться при жизни. Содержание вакфных грамот Средней Азии, также показывают, что основным условием обращения имущества в вакф являлось требование расхода этих средств на чтение сур из Корана в честь усопшего³.

Еще в древне-римских, галло-римских коллегиях, в восточных и средневековых цехах Европы одной из важных обязанностей, мастеров и членов цеха являлось чествование памяти патронов, святых, пиров, а также усопших мастеров заукойными молитвами и трапезами. В Средней Азии среди ремесленников существовали даже специальные ритуалы, такие как «*арвохи тир*» (коллективное традиционноритуальное угощение в честь пира, совершаемое учеником после окончания обучения), «*хатами Курон*» (специальный обряд, сопровождающийся чтением Корана и благотворительной трапезой совершаемые учеником в честь усопшего мастера. Данный ритуал совершается и сегодня в Пакистане, Иране). На наш взгляд, фиксирование в рисола имен пиров, мастеров, проведение ритуалов в их честь было не случайным, а осуществлялось намерено, преследовась определенная цель, которая сводилась, к тому, чтобы воспитывать подрастающее поколение

¹The Little Red Book of Bristol ... – P. VIII; Ванина Е.Ю. Средневековое городское ... – С. 85.

²Егизаров С.А. Городские цехи ... – С. XXVII.

³Каримов Э.Э. Регесты казийских документов и ханских йарлыков Хивинского ханства XVII – начала XX в. – Ташкент: Фан, 2007. – С. 24.

ремесленников в соответствии с нормами Ислама, а также уважение к предыдущим мастера, которые служили примером, и стимулом для молодых ремесленников в освоении и совершенствовании избранной профессии.

Итак, сравнив имеющиеся в нашем распоряжении ряд уставов Европы и Средней Азии мы можем сказать, что религия играла огромную роль в обществе.

Д. Атажанова

Ўрта Осиё ва Европа хунармандчилик уставлар (рисолалар) (XIV – XX аср бошлари)

Ушбу мақолада Европа хунармандчилик уставлар ва Ўрта Осиё хунармандчилик рисолаларининг киёсий таҳлили амалга оширилган бўлиб, устахоналарнинг ўзига хос жиҳатлари ва умумий қонуниятларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилган. Мақоланинг манбавий асосини Европа ва Ўрта Осиё хунармандчилик рисолалари ташкил этади.

D. Atadjanova

The Handicraft Statutes of Europe and Central Asia (XIV – beginning XX c/)

This article attempts to show the comparative analyse of the handicraft statutes of Europe and Central Asia. The main purpose is to reveal the general characteristics which were common for both guilds system. This article is based on original handicraft statutes of Europe and Central Asia.

т.ф.н. Н.У. Хидирова

ЎзР ФА Тарих институти

Манбаларда зикр масаласининг ёритилиши

Жаҳоннинг кўпгина халқлари қатори кўчманчи туркий қавмлар орасида ҳам шомонийлик кенг тарқалган бўлиб, уларнинг рухонийси (шомон)¹ ашула айтиш, рақсга тушиш, чилдирма чалиш йўли билан жазавага тушиб, ёвуз ва сахий руҳлар билан бевосита муносабатда бўла олган². Бу эса тотемистик тасаввурлар ва фетишизм билан боғлиқ бўлиб, унда хатти-ҳаракатни амалга оширишда сўз магияси алоҳида ўрин тутди³. Ўрта Осиё халқлари узок тарихий давр давомида ҳар хил диний тасаввурлар таъсири остида бўлганлиги боис ислом таълимоти бу ерда бир оз курама (синкретик) характерда намоён бўлган⁴. Шу боис тариқатларнинг муҳим амалларидан бири бўлган зикр (Оллоҳни ёд

¹ Шаман - рухоний, табиб сеҳргар. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. З.М. Маъруфов таҳрири остида. М. 1981. II-том. - Б. 424.

² Қаранг: П.П. Шимкевич. Материалы для изучения Шаманства у гольдовъ. Хабаровск. 1896. - С. 7; Бекмухамедов Х.Ю. Тарих терминлари изоҳли луғати. Т. 1978. - Б. 170.

³ Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Т. 1994. - Б. 229.

⁴ Ушбу асар. - Б. 244.

этиш)ни жаҳрий ижро этиш жараёнида рақс, саъмо каби шомонийликка хос элемент (расм-русум, ритуал)лар сақланиб қолган. Бу ҳолатни Ўрта Осиёда сақланиб қолган шаманийликка хос баъзи хусусиятларни ислом ҳомийлиги остида кенг тарғиб қилинганли билан изоҳлаш мумкин¹. Тариқатларнинг ўзаро фарқ қилувчи хусусиятларидан бири зикр бўлиб, Ўрта Осиё тариқатлари орасида жаҳрий (овоз чиқариб) ва хафий (яширин) зикр қилиш усуллари кенг тарқалган. Жаҳрий зикр саъмо², рақс ва ҳаракатлар билан бойитилиб ижро этилган³. Сўфийлар жамоа бўлиб (жаҳрий зикр) ва якка ҳолда (хафий зикр) зикр қилганлар⁴. Зикри жаҳр, асосан, Яссавийа, Қодирийа, Чиштиёа, Ишқийа тариқатларига хос бўлиб⁴, Кубровийа тариқати вакиллари ҳам уни амалиётда қўллаганлар. Айниқса, бу зикр Яссавийа тариқати вакиллари томонидан кенг қўлланилиб, зикр вақтида дарвешнинг томоғидан арранинг овозига ўхшаган овоз келганлиги учун «зикри арра» ёки «зикри миншари» ҳам дейилган⁵. Жаҳрий зикрда икки қўлни тизза устига қўйиб, нафасни киндикдан юқори чиқариб «Ху» дейилган, кейин бел, бош, елка баробар айланган ҳолда шиддат билан «Ҳай» деб давом эттирилган⁶. Жаҳрий зикрнинг энг юқори нуктаси «экстаз» (кўтаринкилик ёки сукр)⁷ бўлиб, бу ҳолат генетик жиҳатдан қадимги шомонлик урф - одати билан боғланади⁸. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Яссавийа тариқатида «хилват»⁹ (ўзига хос «зикри саъмо» маросими) ҳам ўтказилиб, у жадий (декабрь ойи) яъни чиллага тўғри келган. Хилватни асосан «Азлар» (шайх азизлар-яъни Яссавий авлодлари) бошқариб, у хофизлар, ғазалхонлар, қорилар, зикрчилар, муридлар иштирокида етти туну кун давом этган¹⁰.

¹ Сухарева О.А. Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков. // Домусульманские верования и обряды Средней Азии. М. 1975. - С. 15-17.

² Бабаджанов Б. Зикр джаҳр и сама; сакрализация профанного или профанация сакрального? // Подвижники ислама. М.2003. - С. 238.

³ Хисматулин А.А. Суфийская ритуальная практика. (на примере братства Накшбандийа). Санкт-Петербург. Петербургское Востоковедение, 1996. - С. 73.

⁴ Анке ф. Кюгельген. Расцвет Накшбандийа - Муджаддийа. // Суфизм в Центральной Азии. Санкт-Петербург. // Суфизм в Центральной Азии. (зарубежные исследования) Сост. и отв. ред. А.А.Хисматулин. СПбГУ. Петербургское Востоковедение, 2001.- С. 295-296.

⁵ Адхам Жабажи ўгли. Хожа Аҳмад Яссавий ва тасавуфий қарашлари. // Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди ва анъаналари. Т. 2001. - Б. 84.

⁶ Ушбу жойда. - Б. 85.

⁷ Сукр - маст бўлиш, кайф қилиш. Навоий асарлари учун қисқача луғат. Тузувчи: Ҳасанов Б. Т. - Б. 258.

⁸ Сухарева О.А. О некоторых элементах суфизма, генетически связанных с шаманством // Материалы второго совещания Археологов и Этнографов Средней Азии. Москва: Наука, 1959. - С.128-133; Ислам в Узбекистане. Ташкент: Фан, 1960. - С. 50-51.

⁹ Хилват - тасавуфда халқдан ажралиб, холи жойда ибодат ва зикр билан машғул бўлиш.

¹⁰ Тойжонов К. Исмоилов Ҳ. Яссавий хилвати (Ривоят ва ҳақиқат). // Ҳойилар ҳайлидан ёнган чироклар. Тузувчи З. Жўраев. Мухаррир Ш. Мансуров. Т. 1994. –Б. 155.

Ясавия тариқатидан фарқли равишда, Хожагон-Нақшбандийа тариқатида зикрга алоҳида эътибор қаратилган. Унда «хилват» бутунлай инкор этилмаса-да, кўпроқ ижтимоий-сиёсий ҳаётга аралашшиш кўзда тутилган ҳолда, суҳбатга эътибор берилади. Кўпгина шарқшунослар хафий зикрни турли ижтимоий табақа вакиллари орасида кенг ёйилишида «...У (масжидларда) эртаю кеч у зотни поклайдиган кишилар бордирки, уларни на тижорат ва на олди-сотти Аллоҳни зикр қилишдан, намозни тўқис адо этишдан маҳрум қила олмас» ояти муҳим рол ўйнаганлигини таъкидлайдилар¹. Ушбу сулук вакиллари, асосан, зикри хафий (яширин зикр)ни амалиётда қўллаган бўлса-да, айрим ҳолларда «Хатми Хожагон» (яъни кўпчилик билан қилинадиган Хожагон зикри) зикрини ҳам қўллаганлар ва бу зикрда тариқатга кирмаганлар иштирок этиши таъкидланган². Хожагонийа тариқатида Аллоҳни тил ва дил билан зикр қилиш энг яхши зикр ҳисобланади³. Бунда мурид зикр ададларига риоя қилган ҳолда ўзини шайхи рўпарасида тасаввур қилади ва кўзи, оғзини ёпиб тилини танглайга ёпиштириб, тишларини бир-бирига жипслаб, нафас олмай хокисорлик билан қалбан калимаи шаҳодатни ёд этади⁴. Ушбу тариқатда хафий зикрни қўллаш одат бўлса-да, Абдуҳолик Ғиждувоний шогирдларидан Хожа Ориф Ревгарий (вафоти 1259)нинг шогирди Маҳмуд Анжир Фағнавий (вафоти 1242-1272) ва унинг шогирди Али Ромитоний (вафоти 1316)лар ўз амалиётларида зикри жаҳрни ҳам қўллаганликларини кузатиш мумкин⁵.

Лекин зикри жаҳр, ракс, саъмо каби расм-русм (ритуал)лар шариат нуқтаи назаридан бидъат ва унга зид деб ҳисобланиб, Хожагонийа ва Ясавийа тариқати вакиллари ўртасида кўплаб тортишувларга сабаб бўлган. Ушбу тортишувлар кўплаб манбаларда ўз аксини топган.

Хожа Мир Ҳусайн ал-Бухорий ал-Қосимий ўзининг «Зийнат ал-либос» («Либос зийнати») номли асарига ҳар иккала зикр талқинига тўхталиб, Хожагон тариқати вакилларида Юсуф Ҳамадоний, Хожа Ориф Ревгарий, Амир Кулоллар зикри алонийа (яширин) ва жаҳрни қўллаганликларини таъкидлайди. Шунингдек, у Али Ромитонийнинг ҳар иккала зикрга Алоуддавла Симноний томонидан нақл қилинган қуйидаги сўзларни далил

¹ Қуръони Карим «Нур» сураси, 37-оят . Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т. 1992. – Б. 245; Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. Т. 2002. - Б. 12.

² Усмон Турор. Тасаввуф тарихи. Турк тилидан Н.Ҳасан таржимаси. Сўзбоши муаллифи ва маъсул муҳаррир С.Рафиъдин. Т. 1999. - Б. 108.

³ Муҳаммад Порсо. Рисолаи кашфийа. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди инв. №8183/VI. 68(а)-69(б) варақлар.

⁴ Усмон Турор. Тасаввуф тарихи. ... - Б. 110.

⁵ Хожа Мир Ҳусайн ал-Бухорий ал-Қосимий. Зийнат ал-либос. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди инв. №2619/І. 5(б)-варақ.

сифатида келтиради: «Биз баъзи ҳолатларда зикри хафийни айтамыз, баъзи ҳолларда жаҳрийни ва бундан уламолар ғофилдир»¹. Бундан кўринадики, тариқатлар орасида зикр талқин қилишнинг ҳар иккала усули ҳам қўлланилган.

Манбаларда Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд зикри жаҳрга у даражада рағбат кўрсатмаганлиги алоҳида эътироф этилади. Айниқса, Баҳоуддин Нақшбанднинг хафий зикр тарафдори бўлганлигига алоҳида урғу берилади. Шундай ҳикоя келтирилади: «Баҳоуддин Нақшбанд Бухоро уламоларини Амир Кулол хонақоҳида тўплади ва зикри жаҳрни ман этди. Шунда хонақога тўпланган уламолар Амир Кулол (чамаси Амир Кулол бу йиғинга кейинроқ келган бўлса керак, чунки қўлёзмада «то Амир Кулол келгунча», деган ибора ишлатилган-Х.Н.) дан сўради: «Зикри жаҳр бидъатми?». Амир Кулол жавоб бердики, «Тариқат ақобирларининг ҳаммаси ҳам бу борада бир хил фикрга эга бўлмаган. Рақс ва самоънинг, вужуд ва тавожднинг (?) жамини гапирганлар ва мавжуд аҳволларининг сабабларига кўра тартиб берганлар. Биз факирлар уларни устозлардан ижозат сифатида қабул қиламиз»². Бундан кўринадики, тариқатларда солиқнинг даражасига қараб унга хафий ёки жаҳрий зикр буюрилган. Лекин шундай бўлсада Ясавийа ва Хожогон-Нақшбандийа тариқатининг айрим вакиллари ушбу соҳада бир фикрга эга бўлмаган. Натижада бу масала фикр нуктаи назаридан ҳал қилинишга ҳаракат қилинган. Бундай келишмовчиликларга барҳам бериш мақсадида фатво (рухсат) лар чиқарилган. Шундай илк фатволардан бири Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи халифаси Хожа Муҳаммад Порсо томонидан чиқарилган бўлиб, унда жаҳрий зикр фикр илми нуктаи назаридан шариатга мувофиқлиги қайд этилган³. Хожа Муҳаммад Порсо дастлаб «фатво» да Қуръон кироати ҳақида фикр юритади ва овоз чиқариб зикр қилишнинг тушунтириб бўлмайдиган баъзи жиҳатлари борлигини таъкидлайди. Жумладан:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Мусулмон имомларнинг айтишича, (Аллоҳ улардан рози бўлсин), тафсирлардан бутун зикрда Қуръон кироатини оммавийлаштириш (барчага етказиш, эълон қилиш) [бу ерда Қуръонни овоз чиқариб, ҳаммани эътиборининг қаратган ҳолда ўқишни назарда тутган бўлса керак] ва бошқалар [буни] тушунганига қарамай,

¹ Ушбу асар. 5(б)-варақ.

² Жиян Муҳаммад ибн Одина Муҳаммад Таёкли. Силсилаи Нақшбандийа. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди инв. №11235/П. 13(а)- варақ.

³ Бу ҳақда қаранг: ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди инв.№3100/Х; Пауль Ю. Доктрина и организация Хваджаган-Нақшбандия в первом поколении после Бахаад-дина. // Суфизм в Центральной Азии. Санкт Петербург. // Суфизм в Центральной Азии. (зарубежные исследования) Сост. и отв. ред. А.А.Хисматулин. СПбГУ. Петербургское Востоковедение, 2001. - С. 134-136; Бабаджанов Б.. Зикр джаҳр и сама; сакрализация профанного или профанация сакрального? // Подвижники ислама. ... - С. 240-241.

зикрда «Ла илоҳо иллалоҳ»ни Қуръон кироати, тасбеҳлар ва қолган зикрларсиз ихфо (яширин) қилишни афзал билгувчиларда масаланинг муҳим, улар (кўрқиб) тушунтирмайдиган жиҳати кўриниб қолади. Аллоҳ таоло уларни зиёда қилиб, ҳар доим ёрдам берсин. Имомларнинг айтишича, агар бу [юқоридаги] буйруқнинг тўғри ва ишончли жиҳати бўлмаса, шариатга мувофиқ «Ла илоҳо иллалоҳ» ни ўзини мажбуриятсиз (нафратсиз) жаҳрий зикр қилиш жоиз бўлгани каби Қуръон кироатини ҳам ўзини мажбуриятсиз (нафратсиз) жаҳрий зикр қилиш лозим ... мазкур масала жавоби хусусида Аллоҳ субҳона Таоло ўз ёрдами билан сени қўллаб, бахтли айласин...»¹.

Фатвода ҳам жаҳрий, ҳам хафий зикрга далиллар келтирилган. Хожа Муҳаммад Порсо хафий ва жаҳрий зикр тўғрисида нима учун тортишувлар келиб чиққанлигини изоҳлар экан, «Агарда [исломнинг дастлабки даврларидаги] китоблар таснифидек, [хозир] китоблардаги илмни рўйхатга олиш бўлганда эди, бу масала ўрганиларди. Яъни бундан олдин(ги) [даврларда] Аллоҳ азза ва жалла (буюк ва қудратли) китоби биланми деб қадрлар эдилар. Натижада, ундаги диний ислоҳотларни кўрар эдилар. Абу Бакр Ас-Сидик (р.а.) Зайд бин Собит (р.а.)га Қуръонни кузатиб, уни муҳаф ҳолига келтиришни буюрди. Қуръон Расулulloҳ (с.а.в.) замонида инсонларнинг юрагига яширинган тарзда [инсон юрагида маҳфуз этилган ҳолда] тўпланган эди» деб таъкидлайди.

«Пайғамбар (с.а.в.) дан келтирилган хабарга кўра, сирли нарсанинг садоқати ошқора нарсада бўлгани каби сирнинг фазилати ошқоралиқдир, [баъзи] хабарларга кўра, сирнинг амали ошқоралиқ амалидан етмиш маротаба афзал деб билинади. Муҳаммад (с.а.в.) тунги намозда жаҳрий қироатни буюрган эдилар. У кишидан ривоят қилинишича, «сизлардан бироргангиз кечаси туриб намоз ўқиса, жаҳрий қироат қилсин. Малоиклар ва ҳовли инс-жинслари унинг қироатини эшитиб, у билан намоз ўқийдилар». Тунги намозда жаҳрий қироат суннатдир, нафсни яширгувчидир, жаҳрий қироат унга ва ундан бошқаларга фойдалидир. Инсонларнинг яхшиси бошқаларга фойда келтирувчидир. Аллоҳ каломи воситасида фойда келтириш [эса] энг афзал ишдир. Жаҳрий қироатда кўпгина яхши нарсалар [ниятлар] бор, улардан буюрилганлари тартил [кўшиққа ўхшатиб айтиш], Қуръонда айтилганидек, овозни яхшилаш, улардан кулоқларни эшитиб, қалб камоли маъносини чақиш учун уйғотиш, овозни кўтариш билан уйқуни қочириш, ғофилни кўриш, қиёмни [адо этишни] кучайтириш, [Аллоҳ] хизматига муштоқ бўлиш, ва ўз овози билан ухлаётганларни уйғотишга уриниш, Аллоҳ

¹ Биз фатвонинг ЎЗР ФА ШИ қўлғезмалар фонди №3100/Х рақамли нусхаси ва Юрген Паулининг Вена, Туркия ва ЎЗР ФА ШИда сақланаётган нусхаларни солиштириб немис тилида чоп эттирган арабий матндан фойдаландик.

таолони эшлаш, бу билан тунни жонлантиришдир. Дарҳақиқат, амал ниятларнинг кўплиги билан афзал билинади. [Амал билан] уламолар даражаси юксалади, уларнинг аъмоллари амални ният этишларидаги яхши маърифатлари ва уларга эътиқодлари билан фазилатланади. Амаллар бўйича энг яхши инсон-кўпгина ниятларга, яхши мақсад ва одобга эга инсонлардир. Баъзи аждодларнинг айтишича (Аллоҳ уларга раҳмат ёғдирсин), қори учун битта ажр, эшитувчи учун икки ажр бор, баъзиларнинг айтишича, қори учун битта ажр, эшитувчи учун тўққиз ажр бор. Дедиларки, уларнинг иккиси ҳам тўғри. Чунки уларнинг ҳар иккиси учун ҳам ажр бор, бу ажр уларнинг бирининг итоати, нияти қадрича, ишонч қувватича, қалбнинг нафс инсонлар юрагига олиб келган майда-чуйда, ҳавои нарсалардан ва нафснинг ўзини ишғолидан қочиб буюк ва қудратли (азза ва жалла) Аллоҳга интилишичадир. Агар тиловат қилувчи бу ажрлардан [ўзидан бошқаси учун] фойда кўрса, унга Расулulloҳ (с.а.в.) гапларига кўра ҳар бир ажрда катта фойда бор. «Кимки, бирор яхши нарсага гувоҳлик берса, фоилнинг [ана шу ишни амалга оширувчининг] ажрига эга бўлади» деб Муслим ва ат-Термизий (Аллоҳ уларга раҳмат ёғдирсин) бир ривоятда нақл қиладилар. [Бу ривоят билан улар] яхшиликни ўз(лар)и бажаргандек исботлади. Тиловат қилувчи Қуръонда олим фақиҳ бўлишига қарамай, эшитувчиларни ажрда шерик қилади. Унинг қироати ва хабардорлиги эшитувчи учун илм ва ҳужжат бўлади.

Бир хабарда Расулulloҳ (с.а.в.) саҳобалари (Аллоҳ улардан рози бўлсин) йиғилганларида (агар йиғилсалар), ичларидан бир кишига Қуръондан сура ўқишни буюрдилар, агар тиловат қилувчида биз олдин эслаган нарса борасида ният бўлмаса, аҳамиятсиз бўлиб ғафлатда қолган ва офат содир этар эди ва бу билан иллатга йўл қўярди. Ва у бунда овоз чиқаришни (жаҳрни) ҳимоя қилиши керакки, чунки буни устидаги жаҳр қалбни яралаб, ўз амалида дард пайдо бўлиши учун фасодга олиб келади. Нуқсонга яқинлашиб, ихлосдан узоклаштиради. Шу пайтда унга ихфо (яшириш) керак ва бу унинг аҳволини яхшиловчи ва қалбини соғломлаштирувчи даводир. Ва, эҳтимол, бунда ишқнинг ҳаловатини намоз, тиловат ва бошқа нарсаларда топар ва, унинг ўйлашича, бу ихлос ҳаловати деб ўйлайди ва бу яширин шаҳват ишининг кўплиги ва интиқос озлигидан ва, эҳтимол, бу заифлар кўшимчалар билан чигаллашиб кетар ва уни фақат дунёдаги зоҳид уламоларгина тушунадилар. Инсонларнинг мадҳида Аллоҳ таолони севувчилар Аллоҳ азза ва жалла (буюк ва қудратли)ни билгувчилардир».

Хулоса қилиб айтганда жаҳрий ва ҳафий зикр тариқатларнинг асосий шартларидан бири бўлиб, солиқларни тарбия қилишда муҳим ўрин тутган. Пир ўз шогирдини ҳоли, мақоми (даражаси)га қараб ҳафий ёки жаҳрий зикрни буюрган. Лекин кўп ҳолларда бу масалада Яссавийа ва Ҳожагон Накшбандийа тариқати вакиллари ўртасида тортишувлар келиб

чиққанлиги боис фатволар чиқарилган. Хожа Муҳаммад Парсо томонидан чиқарилган фатво тариқатлар ўртасида кўплаб тортишувларга сабаб бўлган жаҳрий зикрни шариатга мувофиқлигини исботлаб берга илк манбалардан бири бўлиб, кейинги даврларда бу масалага бағишлаб чиқарилган кўплаб фатволарга асос бўлган.

N.Khidirova

The elucidating of dhikr fask in sources

An the article says about jahriy (voicely) and khuf'iy (hiddenly) kinds of dhikr (extacy) which is from important things of the *tariqats* and investigates in detail *fetwa* of Khodja Muhammad Parsa on jahriy kind of dhikr.

Н. Хидирова

Освещение вопросов зикра в источниках

Статья посвящена явным и скрытым видам зикра, которые являются одним из важных .. тарикатов, и в ней подробно останавливается на фетво Ходжа Мухаммад Парсо относительно скрытого вида зикра.

т.ф.н. Г.Н. Султонова

ЎзР ФА Тарих институти

XVI-XVII аср хориж “Сафарнома” ларида Бухоро хонлиги ташқи алоқалари: ахборот, талқин ва таҳлил

Ўрта Осиё хонликларининг ташқи алоқалари ва унинг ҳолати борасида бугунгача маҳаллий ва хорижлик олимлар томонидан кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Уларда маҳаллий манба ёки хонликларга ташриф буюрган хорижлик саёҳатчиларнинг асарларидаги маълумотларга асосланган ҳолда хонликларнинг халқаро аҳволи тўғрисида турли назариялар илгари сурилди ва бугунги кунда ҳам ушбу бахс давом этмоқда. Бу мақолада ҳам ушбу мавзуга мурожат қилиниб, унда XVI-XVII асрларда Бухоро хонлиги ташқи алоқаларининг аҳволи ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилинди. Олдинги тадқиқотлардан фарқли ўларок, ушбу масала ўша даврда Ёркенд, Эрон, Ҳиндистонга келган европалик элчи, миссионер, олим ва савдогарларнинг саёҳатномаларидаги маълумотларга асосланган.

Биринчи асар бу XVI асар иккинчи ярмида Туркиядан Ҳиндистон сўнг Афғонистон ва Ёркенд орқали Хитойга саёҳат қилган Турк султонининг шахсий котиби бўлган туркиялик Сайфи Челебий саёҳатномаси бўлиб, асар муаллифи ўз сафари давомида Ёркенд хонлигининг Қашғар, Хами ва Турфон шаҳарларида савдо сотиқ билан шуғулланган бухоролик савдогарларни учратганлиги, улар бу шаҳардаги йирик бозорлардан Хитойга олиб бориб сотиш учун от ва қошшош яъни, нефрить сотиб олганлиги тўғрисида маълумот

берган¹. Бундан ташқари Сейфи Чалабий ўз асарида “Абдурашидхон яъни, Ёркенд хони Бухоро хони Абдуллахонга ўхшаб чет давлатлардан келган савдогарлардан катта миқдорда бож солиғи олмайди, у жуда оз миқдорда солиқ олади”², дея таъкидлаган. Чалабийнинг бу маълумоти ҳам ўз ўрнида Бухоро хонлигининг Шайбонийлар ҳукмронлиги давридаги солиқ тизимини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

XVI аср охири XVII аср бошларида Европадан Ҳиндистон ва Хитойга саёҳат қилган асли португалиялик миссионер Бенедикт Гоес ҳам Турфоннинг йирик бозорларида учратган, Бухоро, Қашғар ва Хитой ўртасидаги савдода катта рол ўйнаган бухоролик савдогарлар ҳақида сафарномасида гувоҳлик берган.³

Бухоро ва Эрон ўртасидаги савдо алоқалари тўғрисида муҳим маълумотлар берувчи сафарномалардан бири бу германиялик олим Адам Олериус саёҳатномасидир. 1635 йилда кичик Холстен давлати (ҳозирги Германия ҳудудида бўлган) томонидан Эронга юборилган элчининг котиби сифатида келган Адам Олериус, ўзининг бу ерда, 4 йиллик ҳаёти давомида кўрган нарсалари ва гувоҳ бўлган воқеаларини саёҳатномасида акс эттирган. Ушбу асарнинг биз учун қимматли томони шундаки, унда Адам, Эрондаги йирик бозорлар ва турли мамлакатлардан жумладан, Бухоро хонлигидан келиб у ерда савдо қилган савдогарлар борасида батафсил тўхталган. Хусусан, германиялик олим Исфаҳон шаҳрини тасвирлар экан, шаҳарда жуда катта майдонни эгаллаган бир бозор ҳақида тўхталиб, у ерда Хуросон, Хитой, Бухоро, Туркия, Арманистон, Гуржистон, Англия, Германия, Франция, Италия ва Испаниядан келган, ўзларининг махсус савдо дўконлари ҳамда карвонсаройларига эга савдогарларни кўрганлиги ҳақида ёзган. Шунингдек, у яна бухоролик савдогарлар бу ерга ўзининг маҳаллий маҳсулотларидан ташқари яна, Хитойдан чой ҳам олиб келиб сотганлигини таъкидлаган⁴.

12 йил Ҳиндистонда яшаган француз врач, файласуф ва саёҳатчи Франсуа Бернье (1625-1688), 9 йил Бобурийлар сулоласи вакили шох Аврангзеб (1658-1688) ҳукмронлиги даврида сарой табиби сифатида

¹ Сейфи Челебий Сайеҳатнамеси. Париж Миллий кутухонаси, инв. №1361, в. 4б, 12 аб. (Мақолада ушбу кўлёмнинг Индиана Университетининг Ички Осиёни илмий тадқиқ этиш институти (RIFIAS) фондида сақланаётган микрофильм нусхасидан фойдаланилди)

² The journey of Benedict Goes from Agra to Chitay, . / In Cathay and the Way Thither, Being a Collection of Medieval Notices of China, Vol. IV (London, 1916) p. 205.

³ The journey of Benedict Goes from Agra to Chitay, p. 207

⁴ The travels of Olearius in seventeenth-century Persia. Excerpts from *The Voyages and Travels of the Ambassadors...* By Adam Olearius. Translated by John Davies (1662). Edited by Lance Jenott (2000). In. <http://depts.washington.edu/silkroad/texts/olaerius/travels>.

фаолият кўрсатган.¹ Ф.Берньенинг 1659-1667 йиллар давомида саройдаги фаолияти унга Ҳиндистонда кечган сиёсий ва иқтисодий ҳамда маданий жараёнларнинг гувоҳи ҳамда бевосита иштирокчиси бўлиш имконини берган. Сарой доирасида кечган ҳар бир воқеа, Аврангзеб ҳукмронлиги давридаги Ҳиндистоннинг ички ва ташқи сиёсати, унинг моҳияти, бошқа давлатлар билан муносабати ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларидан хабардор бўлган. Аврангзеб саройига турли мақсадларда келган чет давлатлар вакилларининг расмий ташриф ва уларнинг қабул маросимларининг аксариятини шахсан иштирокчиси бўлган. У ўзининг “Буюк Мўғул давлатидаги сўнгги сиёсий бурилиш тарихи” номли асарида булар ҳақида батафсил маълумот берган. Унинг бу асари нафақат ўрта асрларда Европанинг Шарққа нисбатан тутган сиёсати, Ҳиндистоннинг халқаро аҳволи тўғрисида маълумот берувчи манба сифатида, балки XVII асрларда Бухоро хонлигининг ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқалари тўғрисидаги муҳим маълумотлари билан ҳам қимматлидир. Ф.Бернье асаридаги Бухоро хонлиги ташқи алоқлари борасидаги маълумотларни характериға кўра қуйидаги гуруҳларға ажратиш мумкин: 1. Бухоро ва Ҳиндистон ўртасидаги дипломатик муносабатлар. 2. Икки давлат ўртасидаги ҳарбий иттифоқчилик. 3. Савдо алоқалари.

Ф.Берньенинг таъкидлашича, Шоҳ Жаҳон ўғиллари ўртасида тахт учун кечган кураш тугаб, Аврангзеб ҳокимият тепасиға келгандан сўнг уни кутлаш учун биринчи бўлиб, Бухоро хонлигидан (яъни, аштархоний Абдулазизхон (1645-1681) томонидан – С.Г.) элчи келган.² Айнан ушбу элчилик ташрифи тўғрисида ўша вақтда Ҳиндистонда бўлган Жан Баптиста Таверне ҳам ўзининг саёхатномасида маълумот берган.³

Бернье ушбу ташриф сабабларини таҳлил қиларкан, “... Аврангзеб шахзодалик даврида уларнинг мамлакатида (яъни Балхда) жанг қилган, Аврангзебни отаси Шоҳ Жаҳон Самарқанд хонининг⁴ илтимосиға биноан Балх ҳукмдорига қарши курашда ёрдам бериш учун юборган эди. Татарлар⁵ унинг (Аврангзебни) бу ҳаракатини юқори баҳолашган... бироқ,

¹ Франсуа Бернье. История последних политических переворотов в государстве Великого Могола. / Предисловие А. Пронина. Перевод с французского Б. Жуховецкого и М. Томард. – Москва-Ленинград, 1936, с. 3.

² Франсуа Бернье. История последних политических переворотов в государстве Великого Могола. С. 128.

³ Travels in India by Jean-Baptiste Tavernier Baron of Aubonne. Translated from the original French Edition of 1676 with a biographical sketch of the author, notes, appendices etc. by V. Ball. Second edition edited by William Crooke. In 2 Vols. (Bound in 1). Low Price Publications. Delhi, 110052, p. 296.

⁴ Бу ерда муаллиф адашган. Чунки, бу вақтда хон Самарқандда эмас балки, Бухорода бўлган ва Бухоро хони Абдулазизхон ёрдам сўраган.

⁵ Европаликлар томонидан яратилган асарларда кўчманчи аҳоли “татарлар” деб аталган. Бу ерда Дашти Қипчокдан Мовароуннаҳрга кириб келган ва Бухоро хонлигида ўша даврда ҳокимият тепасиға келган қабилалар назарда тутилган. Аксарият ҳолларда европаликлар ушбу атамани бутун хонлик аҳолисиға нисбатан ҳам қўллаган. Бироқ хонлиқнинг бутун

у эндигина Балх шаҳрини қўлга киритаётган вақтда икки давлат хонлари ярашиб олиб, уни мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур қилган, уни (Авраңгзебни) худди Акбар Кашмирни олгандек, бутун мамлакатни эгаллаб олишидан қўрққан. Ундан ташқари улар Ҳиндистондаги барча жараёнлардан бохабар бўлган, ... гарчи Шоҳ Жаҳон тирик бўлсада, бироқ Ҳиндистоннинг тан олинган ҳукмдори Авраңгзеб ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, улар аввал бўлиб ўтган келишмовчилик оқибатидан қўрқишган ва ўз хизматларини ва муборакномаларини еказиш мақсадида элчи юборишган”, дея изоҳ берган.¹ Ф.Беръненинг бу фикрини тамоман асосли дея олмасакда, бироқ унинг бу фикри бизга уч кўринишдаги маълумотни беради. Биринчиси, демак, Бухоро ва Ҳиндистон ўртасида Авраңгзебдан олдин, Шоҳжаҳон (1627-1658) даврида харбий иттифоқчилик алоқалари олиб борилган. Иккинчиси, бу даврда Аштархонийлар даврида Балх ва Бухоро ўртасидаги муносабатлар кескинлашган, бироқ кейин вазият ижобий томонга ўзгарган ва бу ўзгариш Бухоро-Ҳиндистон муносабатларини совуқлашишига сабаб бўлган. 1647 йилда содир бўлган бу воқеа ҳақида маҳаллий манбаларда ҳам маълумотлар учрайди. Учинчидан, Беръненинг “улар Ҳиндистондаги барча воқеалардан хабардор эди”, деган фикри Бухоро хонлигининг Ҳиндистон тўғрисида доимий тарзда маълумотга эга бўлиб турганлигидан далолат беради. Маълумки, бундай маълумотлар махсус шахслар, аксарият ҳолларда савдогарлар ёрдамида қўлга киритилган. Ушбу маълумот бизга XVII асрларда Аштархонийларнинг ташки сиёсатда тутган усулларини англашимизга ёрдам беради. Энди, француз врачининг “Бухоро хонлари олдинги гиналар оқибатидан қўрқиб элчи юборди”, деган фикрига келсак, бу бир томондан қараганда тўғридек кўринди. Чунки, Абдулазизхон бу вақтда кучли давлатлар билан келишиб иш кўришга мажбур эди. Бундан ташқари Ҳиндистон бу даврда дунёданнинг энг йирик иқтисодий марказларидан бири бўлиш билан бирга Бухоро хонлигининг асосий иқтисодий ҳамкорлик қилувчи ва ўз маҳсулотларини катта миқдорда сотиш имкониятини берувчи мамлакат ҳисобланган. Иккинчи томондан қараганда, бу элчилик ташрифи, ўрта асрларнинг дипломатик муносабатларидаги ўзига хос хусусият бўлиб, тахт тепасига бирор янги ҳукмдор келганда уни қутлаш мақсадида атрофдаги давлатлардан элчилар юборилган. Бу ташрифнинг замирида эса элчи юборган давлатнинг янги ҳукмдорнинг бу ҳаракатини қўллаб қувватлашини, унинг сиёсати ва ҳокимияти тарафдори эканлигини билдириш мақсади ётади.

аҳолисига нисбатан бундай атаманинг қўлланиши хато ҳисобланиб, ушбу ҳудудда қадимдан ўтроқ аҳоли ҳам истиқомат қилганлиги аллақачон ўз исботини топган.

¹ Франсуа Бернье. История последних политических переворотов в государстве Великого Могола. С. 128.

Кейинги алоқаларга замин яратилади. Дипломатиянинг бундай усули албатта Бухоро хонлиги ташқи сиёсатида ҳам кенг қўлланилган. Қолаверса, ўша вақтда икки давлат ўртасидаги муносабатни мўътадиллаштириш кескин ички ва ташқи қаршиликларни енгиб, тахтни эгаллаган Аврангзеб учун ҳам жуда зарур эди.

Бухородан келган элчиларнинг расмий қабул маросимида иштирок этган Беръненинг маросимни тасвирлаш жараёнида берган маълумоти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Француз сайёҳи бухоролик элчиларини Шоҳ ҳузурида амалга оширган ҳаракатларини танқид қилиб, "...улар ўз одатига хилоф равишда Аврангзебга қўлларини уч маротаба пешонасига қўйиб, хиндча салом берди ва ҳукмдорга мулозимат қилиб, хатни ўз қўллари билан ҳукмдорга топшириш мақсадида унга шу қадар яқинлашдиларки, ... бироқ шоҳ хатни элчининг қўлидан эмас, балки амири орқали олди",¹ дея баён этган. Элчиларнинг хиндларга хос тарзда саломлашгани бир томондан борган давлатига нисбатан ҳурмат маъносини англатсада, бироқ бу борада Беръненинг танқиди ўринлидек туюлади. Чунки, ҳар бир давлатнинг дипломатик вакили ўзида ўша давлатнинг мавқеи ва хусусиятларини акс эттиради ва унинг ҳар бир ҳаракати бошқаларда унинг давлати тўғрисида муносабат ҳамда таассуротни шакллантиради. Бу эса нафақат ўрта асрларда, балки бугунги кунда ҳам хорижий давлатларга ташриф буюраётган ҳар бир шахс эътибор бериши лозим бўлган муҳим ҳолат ҳисобланади.

Ф.Бернье шунингдек, ўз асаида, Мовароуннаҳрдан савдогарлар томонидан олиб келинган отлар, овчи итлар, мевалар жумладан, нок, олма, узум, қовун ҳамда бухоро олхўриси, ўрик ва майиз каби қуритилган мевалар, тўғрисида маълумот бериб, Бухоро хонлиги савдогарлари юқоридаги маҳсулотлар билан Ҳиндистон бозорини доимий равишда таъминлагани ва улар бозорда жуда харидоргир бўлганлигини таъкидлаб ўтган. Бундан ташқари асарда Ҳиндистоннинг отга эҳтиёжи жуда баланд бўлиб, унинг катта қисми Бухоро хонлигидан яъни бу мамлакатга ҳар йили 25 000 дан ортиқ от олиб келиниши ва Шоҳ Жаҳоннинг қизи Бегим Соҳиб томонидан бунёд эттирилган катта қарвон сарой мовроуннаҳрликларнинг доимий тўхташ жойлари бўлганлиги тўғрисида хабар берилган.² Айнан Бухоро ва Ҳиндистон ўртасидаги от савдоси масаласига юқорида номи зикр этилган Жан Баптиста Таверне ҳам ўз саёҳатномасида бир неча бор тўхталган. Баптиста Қобул шаҳрини тасвирлаб, "Қобул жуда катта шаҳар, ... у ерга ҳар йили Ўзбек аҳолиси ўз отларини сотгани келади; уларни таъкидлашича, улар ҳар йили 60 минг атрофида от сотади", деб ёзганди.³

¹ Франсуа Бернье. История последних политических переворотов в государстве Великого Могола, с. 129, 184, 229.

² Франсуа Бернье. История последних политических переворотов в государстве Великого Могола, с. 184.

³ Travels in India by Jean-Baptiste Tavernier Baron of Aubonne, p. 75, 84.

Бернье асарининг биз учун яна бир қимматли томони шундаки, унинг асарига илова тарзида турли шахсларга ёзган хатлари ҳам киритилган. Ана шундай номалардан бири яъни, франциялик Де Мервейльга ёзган мактубида, Бернье ўзининг Аврангзеб билан бирга Кашмирга қилган ташрифини тасвирлаш жараёнида Кашмир ва Бухоро хонлиги ўртасидаги қарвон йўли ҳамда Қашғардан ҳар йили Бухоро хонлигига катта савдо қарвонлари юборилганлиги ҳақида ёзган.¹ Берньенинг ушбу маълумоти бизга Бухоро хонлигининг XVII асрларда Бухоро-Кашмир ҳамда Бухоро-Қашғар ўртасидаги савдо-сотик алоқалари давом этган, деб хулоса чиқариш имконини беради.

Ўқоридаги маълумотлар Бухоро хонлигининг Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Ёркенд ва Кашмир билан ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқалар олиб борганлигини тасдиқлаш билан бирга бу даврда хонликлар ташқи алоқларида инкироз бўлган ва қуруқликдаги Буюк Ипак йўлининг аҳамияти пасайган, деган назария “қанчалик асосли?”, деган саволни келтириб чиқаради. Шу билан бирга ушбу масалага ойдинлик киритишда бошқа давлатларга келган хорижликларнинг сафарномалари муҳим манба сифатида катта ўрин тутади, деган хулоса чиқариш имконини беради.

G. Sultonova

The external relation of Bukhara Khanate in Travels of 16th -17th Century: information, interpretation and analyze

This article described the state of external relations of Bukhara Khanate and its feature on the base of travels that written by Seyfi Chelebiy, Benedict Goes, France Burner, Adam Olearius and Jean-Baptiste Tavernier who had visited at Yarkand, Chine, India and Persia in 16th and 17th Century.

Г. Султонова

Внешние связи Бухарского ханства в XVI-XVII вв.: информация, интерпретация и анализ

В этой статье освещены состояние и особенности внешних связей Бухарского ханства по данным сообщений Сейфи Челеби, Бенедикта Гоеса, Франсуа Берне, Адама Олериуса, Жан Баптиста Таверне, которые путешествовали в Яркенд, Китай, Индию и Персию в XVI-XVII вв.

А.А.Эрқўзиев

Наманган Давлат университети ўқитувчиси

Францияда Ўрта Осиё хонликлари ҳақида маълумотлар тўпланишига оид айрим маълумотлар (XVII–XVIII асрлар)

XV–XVI асрлар европаликлар томонидан Осиё китъаси, жумладан, Ўрта Осиё ҳақида маълумотлар тўпланишининг ривожланган даври бўлган. Чунки,

¹ Франсуа Бернье. История последних политических переворотов в государстве Великого Могола, с. 339.

бу даврга келиб Буюк географик кашфиётлар натижасида инсоният тафаккурининг ўсиши дунё мамлакатлари ҳақидаги маълумотларни кенгайтириш ва аниқлаштиришни тақозо этган. Натижада Ғарбий Европа мамлакатларида испан ва португаллар томонидан кашф этилган Шарққа олиб борувчи денгиз йўлларида фаркли тарзда қуруқлик орқали Осиёга элтувчи янги йўллари излана бошланган. Бу ўринда Буюк Ипак йўлининг муҳим трассаси ҳисобланган Ўрта Осиё худудини ўрганиш Франция ва Англия каби давлатларда муҳим вазифага айланган.

Ўрта аср Франциясида Осиё мамлакатларини ўрганиш давлат сиёсати даражасидаги масала ҳисобланиб, Шарқ мамлакатларини ўрганиш ишлари саройда бевосита қиролнинг назорати остида амалга оширилган. Саройда Шарқ мамлакатлари ҳақида қимматли маълумотлар жамланган, уларда Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўрта Осиёнинг сиёсий-иқтисодий ҳолатига оид маълумотлар ҳам ўз аксини топган.

Францияда XVII асрга қадар Гийом де Постел (1516–1581) каби шарқшунослар фаолият кўрсатган бўлишларига қарамай, уларнинг Шарқ мамлакатлари ҳақида яратган асарлари асл ҳақиқатдан анча йироқ эди. Шу сабабдан, Шарқ мамлакатларини илмий жиҳатдан ўрганиш зарурияти XVII аср 30- йилларида француз илмий ориенталистикасига (шарқшунослик) асос солинишига туртки берган. Бу даврдан бошлаб француз ҳукмдорлари Шарққа археологик миссия мақсадларида экспедициялар юбора бошлаганлар. Бу экспедиция миссиялари кардинал Мазарини (1602–1661) ва молия вазири Кольбер (1614–1693) буюртмаларини бажарган¹. Бу даврда Кольбер тавсияси билан руҳоний Гюэ (1630–1721) қадимги халқларнинг савдо ва денгизларда сузиш тарихини ўз ичига олган “*Histoire du commerce et de la navigation des anciens*” (“Қадимги тижорат ва денгизда сузишлар тарихи”) асарини ёзган². Асар Франциянинг Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини йўлга қўйишда қандай аҳамиятга эга бўлган бўлса, мустамлакачилик сиёсатида ҳам шундай муҳим ўрин тутган.

XVII аср ўрталарида Людовик XIV (1643–1715) саройида қирол географи лавозими жорий этилган. Ушбу лавозим қиролга дунё мамлакатларининг жойлашган ўрни, табиати, тарихи ва иқтисодий алоқалари ҳамда имкониятлари ҳақида маълумотлар бериб турган.

1666 йилда Франция қироллиги Фанлар Академияси ташкил этилиб³, унинг илмий фаолияти туфайли дунёнинг турли мамлакатлари

¹ Центральная Азия глазами одного французского эрудита XVII века. Восточная библиотека. Бартелеми

д'Эрбело де Моленвиль. Перевод Алие Акимова. – Т., 2003. – С. 13.

² Яцунский В. К. Историческая география. История её возникновения и развития в XIV–XVIII веках. – М.: Изд. АН СССР, 1955. – С.153.

³ Александровская О. А. Французская географическая школа конца XIX – начала XX века. – М.: Наука, 1972. – С. 12.

тўғрисидаги аниқ маълумотлар тўпланиб, нашр этилган. Бу даврда Европанинг бошқа мамлакатлари қатори Франция ҳам ўзининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қўлга киритилажак янги мустамлакаларни изламоқда эди. Шу боис ушбу маълумотлар Франциянинг мустамлакачилик тизимида муҳим роль ўйнаган.

Шарк, хусусан Ўрта Осиё ҳақида маълумот берувчи д'Эрбелонинг “Шарқий кутубхона” асари Францияда 1630–1680 йилларда олиб борилган тадқиқотларнинг сўнгги босқичини яқунлаб берган. Француз шарқшуноси Галланд XVII асрга қадар Европа ва Осиё худудлари ҳақидаги барча маълумотларни жамлаган ушбу асарнинг бир қисмини таржима қилган ва Кольберга тақдим этган. Бу даврда сарой котиби лавозимида фаолият олиб бораётган д'Эрбело эса таржима асосида “Шарқий кутубхона”ни тузишга киришган. У асарга Мирхонд ва Абул Фидо¹ни (1273–1331) Ўрта Осиёнинг тарихий, географик ва иқтисодий ҳолатига доир маълумотларини ҳам қўшган. “Шарқий кутубхона”ни нашр этиш ишлари кирол Людовик XIV ва Кольбернинг бевосита шахсий кўмаги асосида олиб борилиб, 1697 йилда Парижда, 1776–1783 йиллар оралиғида 3 марта Гаагада чоп этилган². “Шарқий кутубхона”дан 8600 та мақола ўрин олган бўлиб, Ўрта Осиёнинг тарихий, географик ва иқтисодий ҳолатига оид кенг маълумотлар берилган. “Бугун (XVII аср – Э.А.) рус ва европа савдогарларининг Хитой билан савдо алоқалари Бухоро шаҳри орқали олиб борилади. Хитой ҳукмдори идора қиладиган жойгача бўлган улкан худудга ушбу шаҳарнинг номини берганлар,”-деб қайд этилган ушбу асарда³. Асардаги Сомонийлар, Ўзбек, Туркман, Ўтрор, Туркистон каби мақоалалардан француз адиблари Монтескье (1689–1755) ва Вольтер (1694–1778) Ўрта Осиёга оид асарларида кенг фойдаланганлар. Монтескье асардан олган маълумотлари асосида “Форс номалари”ни яратган⁴.

Д.Дидро раҳбарлигида тузилган XVIII аср маърифатпарварлари энциклопедиясида Осиёга олиб борадиган дарёлар номлари ва у ерларда яшовчи халқлар ҳақида маълумот берилган. Унда Пётр I томонидан Европа ва Осиё ўртасидаги транзит савдони энгиллаштириш йўлида режалаштирилган Волга ва Дон дарёлари бирлаштирувчи Камишан дарёси ҳақидаги маълумот диққатга сазовор⁵. Шунингдек, Д. Дидро

¹ Абул Фидо Исмоил ибн Али (1273–1331) – “Мухтасар тарих ал–башар” асарининг муаллифи. Унинг “Таквим ал–булдон” асари 1650 йилда Лондонда нашр этилган.

² Центральная Азия глазами одного французского эрудита XVII века. Восточная библиотека. Бартелеми

д'Эрбело де Моленвиль. Перевод Алие Акимова. – Т. 2003. – С. 23.

³ Центральная Азия глазами одного французского эрудита XVII века. ... – С. 42.

⁴ Монтескье. Форс номалари. Француз тилидан таржима. – Т.: Қатортол-Қамолот, 1999. – 304 б.

⁵ Александровская О. А. Французская географическая школа конца XIX – начала XX века. – М.: Наука. 1972. – С. 14.

энциклопедиясида Ўрта Осиё хонликларида мавжуд бўлган мансаблар таърифлаб чиқилган¹.

XVIII асрларга келиб, француз ориенталистикасида Шарқ мамлакатларини ўрганишнинг муҳим даври бошланган. Эндиликда асосий эътибор Шарқ мамлакатлари аҳолиси этник хусусиятлари, урф-одатлари ва тилларини ўрганишга қаратилган. 1744 йилда Парижда шарқий тилларни рағбатлантириш ва ўрганиш илмий жамияти тузилган². Унда ўрганиладиган тиллар етти гуруҳдан иборат бўлиб, шарқий тилларни кенг тарғиб қилиш орқали француз савдогарларининг Шарқ мамлакатларидаги мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилинган. 1795 йилга келиб эса Парижда таржимонлар ва дипломатлар тайёрлайдиган Шарқ тиллари миллий мактаби ташкил этилган. Ушбу мактаб негизида 1821 йилда инсоният тарихида илк марта География жамияти ташкил этилган бўлса, бир йилдан сўнг унинг Осиё жамияти бўлими иш бошлаган³.

Францияда ер сайёрасининг турли минтақалари тўғрисидаги маълумотлар кўпайиши натижасида ушбу масала билан шуғулланувчи янги давлат лавозимларини таъсис этилишига олиб келган. Мамлакатларни тасвирлашда фақат давлат манфаатларини ифода этган ушбу лавозим “statista” деб аталган⁴.

XVII–XVIII асрларда Осиёнинг турли мамлакатларига, жумладан, Ҳиндистон, Эронга юборилган француз элчилари ва давлат вакиллари ҳам Осиёдаги фаолиятлари давомида Ўрта Осиё хонликлари ҳақида кўпроқ маълумотлар тўплашга ҳаракат қилганлар. Масалан, 1659–1672 йилларда бобурийлар саройида яшаган француз сайёҳи ва табиби Ф. Берньенинг ҳисоботларидан бирида шундай дейилади: “Ҳиндистон кўп миқдордаги отларга эҳтиёжманд. Шу сабабдан ҳар йили Ўзбекиядан 25 минг миқдорда от сотиб олади. Шунингдек, Ҳиндистон аҳолисини Самарқанд, Бухоро, Балх ва Эрондан келтириладиган кўп миқдордаги қовун, олма, нок, узумга жуда иштиёқи баланд⁵. Муаллифнинг бу маълумотидан билиш мумкинки, Ҳиндистонга олиб кетилган Ўрта Осиё моллари европаликларни бефарқ қолдирмаган ва қисман бу савдо моллари Ҳиндистон орқали Европага олиб кетилган. Ф. Берньенинг гувоҳлик беришича, Аврангзеб Оламгир (1659–1707) даврида Ҳиндистоннинг ҳамма раста ва дўконлари Бухоро ва Самарқанддан

¹ Энциклопедия Дидро. – СПб., 1769. – 192 с.

² Известия об учрежденном в Париже Азиатском Обществе // Отечественные записки. – Москва, 1823. Част 3. – С.121.

³ Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: Наука, 1975. – С.9.

⁴ Яцунский В. К. Историческая география. История её возникновения и развития в XIV–XVIII веках. – М., Изд.АН СССР, 1955. – С.86.

⁵ Бернье Ф. История последних политических переворотов в государстве великого Монгола. – М–Л., 1936. – С. 184.

келтирилган куруқ мевалар билан тўла бўлган¹. Шунингдек, у Аврангзеб Оламгир саройида Бухоро хукмдори Абдулазизхоннинг (1645–1681) элчилари билан суҳбатда бўлган. Суҳбат мобайнида у элчилардан Ўрта Осиё хонликлари ҳақида кўпроқ маълумот олишга интилган. Аммо, “Элчилар хатто ўзлари яшаётган ерларнинг – Ўзбекиянинг чегарасини ҳам билишмайди”²–деб кайд этади. Бу ерда элчилар сиёсий нуктаи назардан ўз давлатлари ҳақида ажнабий кишиларга айтарли маълумот бермаганлар. Чунки, бу даврда Бухоро – Ҳиндистон муносабатлари яхши бўлмаган.

Европада Ўрта Осиёнинг сиёсий, иктисодий-ижтимоий, тарихий-географик ҳолатига оид тасаввурларнинг такомиллашиб бориши натижасида қадимдан бой тарихий меросга эга бўлган Ўрта Осиё халқларининг қадриятлари, урф-одатларини тадқиқ этиш учун XVII – XVIII асрларда рус, француз, инглиз ва немис мактаблари ташкил топган³. Бу мактаб вакилларининг ҳар бири Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишга ўзларининг катта ҳиссаларини қўшганлар. Бу борада француз шарқшунослигининг ўзига хос салмоқли ўрни бўлиб, улар томонидан олиб борилган тадқиқотлари натижалари Европа аҳолисининг Ўрта Осиё ҳақидаги тасаввурларини бойишига хизмат қилган. Француз шарқшунослигида Ўрта Осиёга оид маълумотларни ўрганиш мустамлака характерида олиб борилган бўлса-да, Европада Ўрта Осиёни тадқиқ этиш илк йирик илмий маркази бўлганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

A.A. Erkuziyev

Collecting some information about Central Asian Emirates in France (XVII–XVIII)

The stages of collecting information about Central Asian Emirates in France, the peculiarities of these information are analyzed in the article. France was the main country which had learned Central Asia in the Middle Age in Europe and scientific works were held under the royal control.

A.A. Эркузиев

Некоторые данные о сведениях собранных во Франции про среднеазиатские ханства (XVII–XVIII вв.)

В статье проанализированы этапы процесса накопления своеобразных материалов во Франции про среднеазиатские ханства. Франция являлась

¹ Абрамов М.М. Социально-экономическая и культурная жизнь Самарканда в XVI– первой половине XIX в. Дисс.... док. ист. наук. – Самарканд, 1989. – С. 263.

² Бернье Ф. История последних политических переворотов в государстве великого Монгола. – М–Л., 1936. – С. 131.

³ Балчи Б. Марказий Осиё тарихига қизиқиш ва Францияда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар. / Маргилон шахрининг 2000 йиллигига бағишланган анжуман материаллари. – Т., 2007. – Б.181.

лидером среди средневековых Европейских государств, по изучению среднеазиатских ханств и все исследования связанные с ханствами были под королевским надзором.

ф.ф.н. Д. Хамроева

ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти докторанти

«Ҳақойиқ ал-умур» Ўрта Осиё тарихига оид манба

«Афғону Кобулу Бухоро ва Хевоқу Хўқанд хонларининг аҳвол ва ҳикояти ғаройиб истимоъларини Ҳодий Мир Абдулкарим таълиф кардаси ўлан ушбу Тарихи латиф фармонфармои хатъи Қоҳира ҳадеви маориф унвон ва довари авориф нишон Вали Неъматуллобей» номли Исмоил пошо сирр. афандининг сояи хунар, перояйи ҳадевоноси билан машхур бўлган Булоқ дорултабъасида (нашриётида) Ҳусайн Ҳасаний афанди назорати, Муҳаммад Хусайний афандининг ваколоти ва Антокияли муфтизода Нажиб афандининг тасхихи ҳамда Парижда Шарқия мадрасаси мудирини мусъе Шефер жанобларининг заҳматлари туфайли минг икки юз тўқсон санаи ҳижрий (1876 йил) шабон ойи охирида босма нашр қилинган¹. Демак, асар Қоҳира матбаасида нашр қилинган нусхага кўра француз олими Шарл Шефер сайъи-ҳаракатлари билан Парижда қайта чоп этилган.

Муаллиф–Мир Абдулкарим бинни Мир Исмоил–яъни Бухоро элчилиги саркотибининг эътироф этишича, асар олимлар суҳбатига иштиёқманд, илм–маърифатга хомий Орифбек афандининг талаби билан ҳижрий 1233 (1818) йилда ёзилган². Муаллиф асарда, асосан, ўзи шохид бўлган воқеаларни қайд этган. Баъзи маълумотларни эса тарихий жараёнларга бевосита гувоҳ бўлган, иштирок этган «жаҳондийда»–ишонарли кишилардан эшитганлари асосида ёзганлигини алоҳида таъкидлайди. Китоб хотимасида асар 1830 йил ёзиб тугатилганлиги айtilган.

Асарнинг қўлёзма нусхаси ҳамда аниқ номи ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Фақат И.Низомиддинов ўз тадқиқотида Ю.В.Ганковский қайдларига асосланиб, ушбу китобнинг Туркияда бир неча мартаба босилганлиги, қолаверса, Ўз ФА ШИ илмий ходими А.Носиров эса унинг Ўрта Осиёда «Тарихи Надимий» номи билан машхурлигини билдирганлиги ҳақида маълумот берган³. Чиндан ҳам, асар таркибидаги форсий шеърлардан Мир Абдулкаримнинг назмга иқтидори борлиги ҳамда Надим таҳаллусини қўллаганлигини билишимиз мумкин. Шундай экан, унинг «Тарихий Надимий» номи билан танилиши эҳтимолдан узоқ эмас.

¹ Mir Abdoul Kerim Bokhary. HISTOIRE DE L'ASIE CENTRALE (Afghanistan, Boukhara, Khiva, Khoqand) Depuis les dernieres annees du regne de Nadir Chah 1153), jusqu'en 1233 de l'Hegire 1740-1818) Charles Shefer. Texte Persan. Paris, 1876. –pp. 111.

² Мир Абдулкарим Бухорий. Кўрсатилган асар. –Б.3.

³ И.Низомиддинов. Абдулкарим Бухорий. –Т., 1966. –Б.6.

Анке фон Кюгельген асарнинг Тожикистонда сақланаётган инв.№2025 рақамли нусхаси «Ҳақойиқ ал–умур» деб аталишини айтиб ўтади¹. Брегель томонидан Булоқ матбаа нашридан кўчирма сифатида эътироф этилган кўлёманинг «Ҳақойиқ ал–умур» номи билан рўйхатга олиниши асосли. Чунки Абдулкарим Бухорийнинг ўзи «Ажойиб ва ғаройиб бисёр, вале барини хатга туширмоқлик мувофиқ эрмаски, мухтасар қилдик. Валлоҳи аълам. Беҳақойиқ ал–умур санаи 1246» дея асарни тугатган². Шарл Шефер эса китобни «Марказий Осиё тарихи» номи билан Париж босма нусхасини чоп эттирган ва французчага таржима ҳам қилган. Бироқ Ўзбекистон кутубхона фондларида ушбу асарнинг «Ҳақойиқ ал–умур» ёки «Тарихи Надимий» ва ёхуд «Тарихи латиф», ҳатто «Марказий Осиё тарихи» номи билан берилган бирор ёзма ёки босма нусхаси учрамади*. Шундай бўлса–да, муаллиф «ўз кўрганларим ва ишончли кишилардан эшитганларим» дея эътироф этган Ўрта Осиё, Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистон ижтимоий–сиёсий муносабатлари, давлат идора тартиби, ҳатто маиший ҳаётига оид маълумотлар, қолаверса, асар хотимасидаги изоҳдан келиб чиққан ҳолда уни «Ҳақойиқ ал–умур» номи билан қайд этиш ўринли бўлади.

Мир Абдулкаримнинг ушбу китоби уч жиҳатдан:

–давлатлараро дипломатик муносабатлар;

–ижтимоий–иқтисодий аҳвол ҳамда жўғрофий бўлинишлар;

–юқори табақа вакиллариининг шахсияти ва маиший ҳаётини ўрганишда кимматли манба ҳисобланади. Анке фон Кюгельген, асар изчил тарихий хронологияга эга эмас, балки муаллиф Истамбулда «Тухфаи хоний» ва «Тож–ат–таворих» каби тарихий фактларни ўз ичига олган манбалар билан танишиш имконига эга бўлмагандир, деган маънода танқидий фикрлар билдиради. Шарл Шефер хулосаларига таяниб, асар тили ҳам сарой доирасида яратилган бошқа асарлардан фарқли, оддий оғзаки мулоқот тилига мансублиги билан ажралиб туришини алоҳида тилга олган³. Абдулкарим Бухорий 16 ёшдан бошлаб Ҳирот, Қандаҳор... орқали сафарга чиқиб, шу йўл билан ортга қайтган бўлса, қолаверса, Бухоро ва унинг атрофидаги қасабаларга тўхталмаганлигига кўра, у асли Бухоролик бўлмаган, деган тўхтамга келган. Чиндан ҳам, Мир Абдулкарим ўз келиб чиқиши ҳақида батафсил тўхталмайди. Бироқ унинг Мир Абдулкарим бинни Мир Исмоил номи билан зикр этилиши, яъни Мир даражаси унинг зодагонларга мансублигини кўрсатади. «Қомус ул аълам» ва «Туркларнинг улум ва фунуна хидматлари» асарларида Мир

¹ Анке фон Кюгельген. Легитимация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII–XIX вв.). –Аматы, 2004. –Стр. 134.

² Мир Абдулкарим Бухорий. Кўрсатилган асар. –Б. 111.

*Олим Неждат Тосун ёрдамида асарнинг Париж босма нусхаси билан танишдик.

³ Анке фон Кюгельген. Кўрсатилган асар. –Б. 137.

Абдулкарим Бухоро уламози сифатида кўрсатилган¹. Бухорий тахаллусини кейинчалик Бухорога келиб ўрнашгандан сўнг сиёсий сабабларга кўра олган, деган хулосага кўшилиш қийин. У ҳолда, Мир Абдулкарим Туркияга кетгач, ўн–ўн бир йилдан кейин ёзган асарида Бухорий тахаллусини қўлламаслиги ҳам мумкин эди. Аслида, Мир Абдулкарим Афғон ва Эрон жуғрофиясига нисбатан батафсил тўхталиши ва тахтдан маҳрум бўлган афғон шахзодаларининг назоратда ушланиши, уларнинг кундалик маиший ҳаётларидаги номаъқулчиликлар учун йиллик даромаднинг катта қисми сарфланиши каби деталли маълумотлар беришини икки жиҳат билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, у 16 ёшдан бошлаб Ҳирот, Қандаҳор, Кобул, Пешовар, Музаффаробод орқали Кашмирга қадар икки марта саёҳат қилган. Ушбу сафарлар давомида уламо ва ақиблар мажлисларида иштирок этиб, кўплаб маълумотларга эга бўлган. Сарой доирасидаги мавзу ва ички масалалар, айниқса, иттифоқчилик муносабатлари ҳамда ҳарбий сирлардан яхши хабардорлиги унинг зодагонларга яқинлигини, ҳатто, бошқарувдаги муҳим информаторлардан бири бўлганлигини тасдиқлайди. Иккинчидан, афғон шахзодаси Маҳмуд Дурраний ҳибсдан қочиб, ақаси Замоншоҳга қарши кураш учун 1800 йиллар атрофида Бухорога келган. У Бухорода, хиёбондаги Оқмасжид маҳалласида, қирқ нафар ҳамроҳи билан саккиз ой туриб қолган. Қайдларга кўра, ушбу муддат муаллиф у билан «беиттифоқ», яъни бирга, ҳамсуҳбат бўлган². Бу Мир Абдулкаримга Афғон, Эрон, Ҳинд ҳақида янада ёрқинроқ тасаввур ҳосил қилишда қўл келган бўлиши керак. Шахзода Маҳмуд амир Шохмуроддан ёрдам ололмаслигига ишонгач, ҳаж қилиш баҳонасида Хоразмга қочган. Унинг мулозими ва келиб чиқиши афғон деб тахмин қилинган Мир Абдулкарим эса амир Шохмурод ўзига муросасиз бўлган тарафга алоқадор кишиларни таъкиб этишини била туриб Бухорода қолган*.

Бундан ташқари, Абдулкарим Бухорий маълумотларини қатъий тарихий хронологияга эга эмас, бошқа тарихий манбалардан беҳабар яратилган деган фикр ҳам мунозаралидир. Авваламбор, асар ҳам мемуар,

¹ Қаранг: Шамсиддин Сомий. Комус ал–аълам.- Истанбул,1894. –Б. 3089; Муҳаммад Тохир бинни Рифъат. Туркларнинг улум ва фунунга хидматлари. –Истанбул, 1909. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди инв.№2229 босма .

² Қаранг: Мир Абдулкарим Бухорий. Кўрсатилган асар. –Б.24–25; А.Р.Муҳаммаджонов, Т.Н.Неъматов. Бухоро ва Хеванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. –Т., 1957; –Б. 52; Ю.В.Ганковский. Империя Дуррани. –М., 1958. –Стр. 11. Сеид Касем Риштия. Афганистан в XIX веке. Перев. с персидского. –М., 1958. –Стр. 39.

*Анке фон Кюгельген уни Маҳмуд шох хизматида кирган, балки Маҳмудшоҳ билан Бухорога бирга қочиб келган бўлиши ҳам мумкин дейди. Ҳарҳолда асар давомида Мир Абдулкарим ўз шахсиятига оид маълумотларни доим мавҳум қолдирган.

Қаранг: Анке фон Кюгельген. Кўрсатилган асар. –Б. 132.

хам ижтимоий–сиёсий характерга эга. Унда воқеалар тарихий даврларга кўра эмас, жўғрофий ҳудудлар ва уларни идора қилиб турган ҳукмдорларга кўра баён қилинган. Масалан, воқеалар ҳижрий 1222 (1807)йил Бухоро элчилиги таркибида Муҳаммад Юсуф ибн Сўфи Ражаббой билан бирга Туркия–Исломбулга келиб, Қопу майдончиқда бир муддат тургач, шериклари вафотидан мутахаййир бўлган Абдулкарим Бухорий Бешиктошга кўчади ва уйланиб, бу ерда муқим яшаб қолганлиги билан бошланган. Муаллиф орадан 11 йил ўтгач, 1818 йилда ҳамсухбатлар талаби билан кўрган ва эшитганларини ишончли асосларда ёзишга киришган. Асар тилида туркий унсурларнинг кўриниши шу билан боғлиқ. Шундан кейин Афғон подшоҳлари тахти тасарруфида бўлган шаҳарлар, Ҳинд ва Хуросон хусусидаги қисм бошланади ва Бухоро, Хива, Қўқон тарзида давом этади. Ҳар бир ҳудуднинг 70–80 йиллик тарихига тўхталар экан, Мир Абдулкарим, уни идора қилувчилар қай тарзда, қайси шартларга кўра давлат тепасига келганлиги, қариндош–уруғи, фарзандлари, ҳамкорлари, энг асосийси феъл–атвори ва ахлоқига айрича урғу берган. Бундан ташқари, ҳар бир ҳукмдорнинг дипломатик алоқалари ва муҳрини алоҳида тилга олади. Яъни асарда 30га яқин муҳрлар, уларнинг юзага келиш тарихи ва мазмунига оид ноёб маълумотлар мавжуд. Демак, характер хусусиятига кўра жўғрофий ҳудудлар ва давлат бошқарувидаги шахслар атрофида тарихий жараён очиб бериларкан, китобнинг турли бўлимларда саналарнинг такрор келиши, бир–бирига алоқадор тарихий воқеаларнинг қисман такрорланиши табиий ҳолдир. Бу манбанинг тарихий қимматини камайтирмайди, чунки ушбу маълумотлар Ҳакимхон Тўранинг «Мунтахаб ут–таворих», Амир Шоҳмурод талаби билан Мирзо Баде ёзган «Мажмаъ ал рақам», Муҳаммад Яъқуб бин Амир Дониёлнинг «Тарихи амирони Манғит», ёрлиқ мактублардан иборат «Мактубот, муншаот, маншурот» каби бошқа асарлар билан мувофиқ тушади. Кейинги асрларда айни характерда яратилган асарлар орасида Мир Абдулкарим Бухорий асари жуда кенг жуғрофияни қамраб олганлиги, тарихий жараёнларга нисбатан ҳолис ёндашганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, асарда Бухоро амири Шоҳмуроднинг тақводор, билимли шахс бўлиш билан бирга мутаассиб ҳам бўлганлиги, ўз кундалик ҳаражатларини, одатда, шиа ва яҳудийлардан олинадиган жузья ҳисобидан қоплаши, Нодиршоҳнинг эвараси Нодир Мирзо Машҳад ҳокими тажовузидан ёрдам сўраб кичик ёшли ўғилларини жўнатганда, Шоҳмурод уларнинг шиа мазҳабидалигини баҳона қилиб ўлдиртиргани қораланган. Ҳатто, амир вафот этгач ворислари тахт таллашиб, майит уч кун кўмилмай қолиб кетганлиги ҳақидаги қизиқ маълумотларни келтирилган.

Амир Ҳайдарнинг олим киши бўлишига қарамай, Ўратепада мутаассибларча қилган қонхўрлиги ёки Ёрмуҳаммадхон ҳузурига бир сўфийнинг 14 ёшли қизи келиши ва ҳадылар олиши баҳонасида бутун

оиласининг ўлдирилиши, Амир Насрулло феъл–атворидаги салбий жиҳатларнинг илдирилари нозик далиллар билан очиб берган.

Асарда Ҳиндистонга инглизларнинг кириши, Эроннинг (И.Низомидинов бунӣ, келиб ўрнашган инглиз миссионерларининг босими билан қилинган, дейди) Маҳмудшоҳни бир неча қўллаши ва Ҳиндистоннинг парчаланишига ҳиссаси, давлатлардаги жосуслар каби масалалар ҳам тилга олинган. Аммо манбада на санъат, на ижод аҳли ёки илм–маърифат тараққиётига доир бирор аниқ тафсилот учрамайди. Китобда, чиндан ҳам, тарихий саналарга оид айрим чалқашликлар мавжуд. Бироқ қўлимизда асарнинг фақат матбаа нашри мавжуд бўлгани ҳолда, бу фарқлар муаллиф хатоси билан юзага келганми ёки нашрнинг сабаби билан пайдо бўлганлигини айти пайтда аниқлаштира олмаимиз.

Ҳар қандай тарихий асар талабгорнинг мақсадини инобатга олган, маълум бир ғояларга ён берган ҳолда ёзилади. Аммо унинг қиммати тарихий ҳақиқатни ёритишда қай даражада қўл келиши билан белгиланади. Бу жиҳатдан Мир Абдулкарим Бухорийнинг форсий «Ҳақойик ал–умур» асари алоҳида тадқиқот сифатида ўрганишга, эътиборга лойиқ асар.

D. Hamroeva

“Haqayiq al-umur” is source of medieval period

This article about historical book by Abdulkarim Buhari, which we rather named Haqayik al–umur. The source were written in a base that he saw and heard from the eyewitnesses about the Afghani, Iranian and Central Asian governors and about their relationships.

Д. Хамроева

“Хақайик ал-умур” источник средневекового периода

Эта статья об историческом произведении Абдул Карима Бухари, который мы относительно называли «Хақойик ал–умур». Источник написан в основе того, что он сам видел и слышал от очевидцев об афганских, Иранских и Среднеазиатских правителях и об их отношениях.

Х. Назирова

ЎзР ФА Шарқшунослик институти

Огаҳий “Зубдат ат-таворих”нинг манбашунослик

жиҳатидан ўрганилишига доир

Хива тарихнавис олими Муҳаммадризо Эрнӣёзбек ўғли Огаҳийнинг “Зубдат ат-таворих” асари XIX аср Хива хонлиги тарихига оид асосий маҳаллий манбалардан биридир. Бу асарни Огаҳий 1262/1846 йилда ёзган бўлиб, унда Қўнғиротлар сулоласининг тўртинчи вакили Раҳимқулихон (1258-1262/1843-1846) даври воқеалари, ўша даврдаги ижтимоий–сиёсий,

иктисодий, маданий аҳвол баён этилган. Асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисми Раҳимқулихоннинг туғилишидан унинг хонлик тахтига чиққунича бўлган давр воқеаларини ўз ичига олади, иккинчи қисмига эса Раҳимқулихоннинг хонлик тахтига чиққанидан бошлаб то вафотига қадар бўлган воқеалар кирган. Шу ўринда қайд этиш керакки, бошқа кўплаб хоразм солномаларида ҳам воқеалар баёни хонларнинг шаҳзодалик давридан бошланади.

Асар тўғрисида илк маълумот рус шарқшунос олими А.Л. Кун томонидан берилган¹. Бу мақолада асарнинг қисқача мазмуни берилган, холос². А.Л.Кун шарқшунос олим сифатида 1871-1876 йилларда Искандарқўл, Шаҳрисабз, Хива, Қўқон ҳарбий сафарларида қатнашган ва кўпгина маҳаллий қўлэзма асарлар ва ҳужжатларни тадқиқ қилган³. 1873 йили Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (1865-1873) саройидан генерал-губернатор К.П. фон Кауфман буйруғи билан 300 та қўлэзма олиб кетилган⁴ ва шу йили Тошкентга келтирилган. А.Л.Кун қўлэзмаларнинг мазмуни билан танишиб чиқиб, Рус География жамиятининг 1873 йил 5 декабрдаги йиғилишида бу ҳақда маъруза қилган⁵. Маърузада у Хива тарихнавислиги ҳақида гапириб, Мунисининг “Фирдавс ал-иқбол” асаридан бошлаб Огаҳийнинг бошқа тарихий асарларигача тўхталади. А.Л.Куннинг “Туркестанские ведомости” газетасида босилган мақоласидан Н.И.Веселовский ва шу мақоланинг немисча таржимасидан Г. Ховорс каби мутахассислар ўз тадқиқот ишларида фойдаланишган, аммо улар бевосита қўлэзма билан таниш бўлишмаган⁶. Демак, анча пайт А.Л.Кунинг мақоласи Хива солномалари билан бевосита танишиш имконига эга бўлмаган тадқиқотчилар учун ахборот манбаи вазифасини ўтаган.

1874 йили Хива хонлиги саройидан тўпланган Кун коллекциясининг бир қисми Санкт-Петербургдаги Император халқ кутубхонасига совға қилинди⁷. А.Л.Кун томонидан йиғилган бу жамғарма ичида Огаҳийнинг “Зубдат ат-таворих” асарининг бир нусхаси ҳам мавжуд бўлиб, бу

¹ А.Л.Кун Заметки о Хивинском ханстве // Туркестанские ведомости. 1873. №40. – Б.158.

Афсуски, ҳозирги кунда “Туркестанские ведомости” газетасининг ушбу йилда чиққан сонлари Тошкент кутубхоналарида йўқлиги боис биз ундан бевосита фойдалана олмадик.

² Munis Shir Muhammad Mirab and Agahi Muhammad Riza Mirab. Firdaws al- iqbal: History of Khorezm / Edited by Yu. Bregel. – Leiden, New York, Köln, 1988.–P. 37.

³ А.Л. Куннинг биографияси ҳақида қаранг: Б. В. Лунин. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. – Т., 1965. – С. 114-117, 338-339.

⁴ Б. В. Лунин. Средняя Азия. – С. 120; Munis and Agahi. Firdaws al- iqbal:–P. 37.

⁵ Б.В. Лунин, Средняя Азия. – С. 120; Munis and Agahi. Firdaws al- iqbal.– P. 37.

⁶ Munis and Agahi. Firdaws al- iqbal. – P. 38.

⁷ Б. В. Лунин, Средняя Азия. – С. 122; Munis and Agahi. Firdaws al- iqbal. – P. 38. Император Халқ Кутубхонаси кейинчалик Салтыков-Щедрин номдаги Давлат кутубхонаси, 2004 йилдан бери Россия Миллий кутубхонаси деб аталади.

қўлёзманинг тавсифи Петербург университетининг доценти (кейинчалик профессори) В. Д. Смирнов томонидан берилган¹. Аммо бу мақолада ҳам асарнинг тўлиқ кодикологик маълумотлари берилмаган. А.Л.Кун Хива хонлиги саройидан олиб кетилган қўлёзмаларнинг бир қисмини ўзида сақлайди ва вафотидан кейин (1888), аниқроғи 1890 йили Россия Фанлар академиясининг Осиё музейи томонидан унинг қариндошларидан сотиб олинади². А.Л.Куннинг ушбу коллекцияси Осиё музейи директори акад. К. Залеман томонидан тавсифланган³. А.Л.Кун тўплаган 300 та қўлёзманинг 133 таси, жумладан “Зубдат ат-таворих” асарининг бир нусхаси ҳам ҳозирги кунда Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институтида Е 6 ашё рақами остида сақланмоқда⁴.

А.Л.Кундан кейин Мунис ва Огаҳийларнинг тарихий мероси билан атоқли шарқшунос олим В.В.Бартольд танишиб, уларни қисман илмий муомалага киритди⁵. В.В.Бартольд “Зубдат ат-таворих” тўғрисида тўхталаркан, “бу асарни тарихий асардан кўра муаллиф кўрган воқеаларнинг кундалиги дейиш мумкин, чунки асар Раҳимкулихоннинг ҳаётлиги даврида бошланган”⁶, деган фикр билдирган. В.В.Бартольд Мунис ва Огаҳийнинг асарлари билан танишиб чиққач, шундай хулосага келган эди: “Мунис ва Огаҳий томонидан ёзилган адабий ва тарихий асарлар қанчалик камчиликларга эга бўлмасинлар, тарихий воқеаларни баён этишда ва уларда берилган аниқ маълумотларнинг кўплиги жиҳатидан бизгача етиб келган Қўқон ва Бухоро хонликлари тарихи

¹ Отчет Императорский Публичной библиотеки за 1874 год. – СПб., 1875. – С. 88. Бу ҳақда электрон мактуб орқали маълумот берган Россия Миллий кутубхонасининг шарқ қўлёзмалари бўлим бошлиғи О.В.Васильевага ўз миннатдорчилигимни билдираман. Қўлёзма Т.н.с. 22 ашё рақами остида шу кутубхонада сақланмоқда.

² М. Ю.Йўлдошев Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. – Т. 1959. – Б. 20; Б. В. Лунин. Средняя Азия. – Т., 1965. – С.380; Munis and Agahi. Firdaws al- iqbal.–P. 38.

³ Munis and Agahi. Firdaws al- iqbal – P. 38, 229-ҳаволага қаралсин. С. Salemann. Das Asiatische Museum im Jahre 1890. Nebst Nachtragen // Melanges Asiatiques. – 1894. - Т. X. – P. 274-280.

⁴ Осиё музейи 1930 йили СССР ФА Шарқшунослик институтига айлантирилди, кейинчалик Россия ФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлими, 2004 йилдан бери Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институти деб юритилади.

⁵ В.В.Бартольд. Узбекские ханства // Акад. В.В. Бартольд. Сочинения. Т.II. Ч. 1. – М., 1963. – С. 285-286; Ўша муаллиф. Очерк истории туркменского народа. // Акад. В.В. Бартольд. Сочинения. Т.II. Ч. 1. – М., 1963.–С. 620; Ўша муаллиф. [Рец. на:] С. В. Жуковский, Сношение России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие // Акад. В.В. Бартольд. Сочинения. Т.II. Ч. 2. – М., 1964. –С. 420-421; Ўша муаллиф. События перед хивинским походом 1873 г. По рассказу хивинского историка // Акад. В.В. Бартольд. Сочинения. Т.II. Ч. 2. – М., 1964. –С. 400-413; Ўша муаллиф. История орошения Туркестана // Акад. В.В. Бартольд. Сочинения. Т III.– М., 1965. –С. 114-115; Ўша муаллиф. Исторические и географические рукописи «Азиатского музея» // Акад. В.В. Бартольд. Сочинения. Т. VIII.– М., 1973. –С. 364; Ўша муаллиф. Новый источник по истории Хорезма// Акад. В.В. Бартольд. Сочинения. Т VIII.– М., 1973. –С. 576.

⁶ В. В. Бартольд. Узбекские ханства. –С. 285.

бўйича бўлган ҳамма асарлардан анча устундир”¹. У “Фирдавс ал-иқбол” асарининг илмий-танқидий матнини нашр қилдириш ниятида бўлган², аммо нашр қилдиришга улгурмади. Олим “Фирдавс ал-иқбол” асарининг ҳажм жиҳатдан катталигидан келиб чиқиб, яқин келажакда бу иш амалга оширилмаса керак, деб тўғри тахмин қилган эди³. Бу ишни салкам 60 йилдан сўнг – 1988 йили Ю. Брегел бажарди⁴.

“Зубдат ат-таворих” асарининг бир нусхаси Туркиянинг Истанбул университетиде (ТУ 82 ашё рақами остида) сақланаётганлиги тўғрисида туркиялик олим Нажиб Осим томонидан ёзилган мақолада ҳам маълумот берилади⁵. Мақолада Раҳимқулихон Огаҳийга ўз тарихини ёзишни буюргани, асарнинг икки қисмдан иборат эканлиги ҳақида маълумот келтирилган⁶, аммо қўлёзма қандай қилиб Туркияга бориб қолганлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаган⁷. Туркияда таҳсил олган ўзбек адабиётшунос олими Миён Бузрук мақоласида бу қўлёзманинг ҳижрий 1280-1290 йиллар орасида Хоразмга ярим расмий ташриф билан келган шахс томонидан Туркияга олиб кетилган, деб маълумот берилган⁸. Аммо асарнинг колофониде кўчирилган сана сифатида 1296/1878-1879 йиллар кўрсатилган⁹. Бинобарин, қўлёзма шу санадан кейингина олиб кетилиши мумкин эди.

1938 йил П. П. Иванов томонидан эълон қилинган “Хивинские хроники XIX в. Муниса-Агехи как источник по истории туркмен” номли кириш мақоласида мазкур иккала тарихчи асарларига танқидий ёндашиш кераклиги алоҳида қайд қилинади¹⁰. Мунис ва Огаҳийлар сарой тарихчилари бўлганликлари учун ҳам уларнинг асарларида ҳукмрон синфнинг манфаатлари ҳимоя қилинган ва тарихий воқеалар бир тарафлама ёритилган. П.П.Иванов Мунис ва Огаҳий томонидан ёзилган тарихий асарларнинг тили, услуби ҳақида тўхталаркан, ғоят жимжимадор услубда, бадиий санъатлардан фойдаланилган ҳолда ёзилганлиги,

¹ В. В. Бартольд. Узбекские ханства. –С. 285-286.

² Н.Н. Туманович. Дневники, выписки // Архив В. В. Бартольда.–М., 1976. №179. С. 278, №204. – С. 290.

³ В. В. Бартольд. Новый источник по истории Хорезма. – С. 577.

⁴ Munis and Agahi. Firdaws al- iqbal.

⁵ Нажиб Осим. Фирдавс ул иқбол // Турк дарнаги. – Истанбул, 1909. – №3. – Б. 84. Бу мақола фотонусхасини тақдим қилган Ғ. Бобоёровга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

⁶ Нажиб Осим. Фирдавс ул иқбол. – Б. 84.

⁷ Нажиб Осим. Фирдавс ул иқбол. – Б. 80.

⁸ Бузрук Миён. Ўзбек тарихига оид тўрт муҳим манба // Маориф ва ўқитғувчи. –Т., 1927. № 9-10. –Б. 60.

⁹ Муҳаммадризо Огаҳий. Зубдат ат-таворих. Истанбул университети кутубхонаси қўлёзмаси. Инв. № ТУ 82. – В. 865⁶.

¹⁰ Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т. II. – М.- Л., 1938. – С. 26 (бундан кейин - МИТТ).

шунингдек, шеърлар билан безатилганлигини қайд этади¹. П. П. Иванов Мунис ва Огаҳийларнинг асарларини бошқа тарихий асарлар билан солиштириб ўрганиш кераклигини таъкидлаган. З. Аксаков томонидан Е-6 ашё рақами остида сақланаётган нусха асосида “Зубдат ат-таворих” асарининг туркманларга доир қисми рус тилига таржима қилинган². Шуниси эътиборлики, асарнинг таржимаси Аллоқулихон (1825-1843) хукмронлигининг сўнгги йиллари воқеаларидан, яъни 1841 йилдан бошланган. Табиийки, Аллоқулихоннинг Чоржуй вилоятига юриши “Риёз ад-давла” асарида ҳам келтирилади. Аммо “Зубдат ат-таворих” асарида бу юриш тафсилотлари батафсилроқ берилган³.

“Зубдат ат-таворих” асари Қ. Муниров томонидан ҳам ўрганилган. Унинг тадқиқотларида асар нусхаларининг тавсифи берилиб, қатор маълумотлари қайта ҳикоя қилинган. Таъкидлаш жоизки, ўзбек олимларидан илк бор Қ. Муниров Огаҳийнинг тарихнавис олим сифатидаги ижодини ўрганган⁴ ва кейинчалик ҳам бу мавзунини ўрганишни давом эттирган⁵. Аммо Қ. Муниров “Зубдат ат-таворих” асарининг 1904-1905 йилда кўчирилган нусхасидан фойдаланган⁶. Бу нусха ЎзР ФА Шарқшунослик институти Асосий фондида 5364 ашё рақами остида сақланади, бу қўлёзма худди шу фондда сақланаётган №821 қўлёзмадан кўчирилган. Нима сабабдан Қ. Муниров қадимийроқ, бинобарин, мукамалроқ бўлган нусхадан эмас, айнан шу нусхадан фойдаланганлиги қоронғи.

ЎзР ФА ШИ қўлёзмалари каталогларида асарнинг 821 ва 5364 ашё рақамлари остида сақланётган қўлёзмаларининг тавсифлари берилган⁷. Россия Фанлар академияси Санкт-Петербург бўлими туркий қўлёзмалари фихристида асарнинг Россияда сақланаётган Е-6 ашё рақамли қўлёзмаси тавсифи берилди ва худди шу фихристонда асарнинг Т.н.с 22 ашё рақами остидаги нусхаси Салтыков-Щедрин кутубхонасида сақланаётганлиги ҳақида маълумот келтирилган⁸. Ҳ.Ф.Ҳофман томонидан тузилган

¹ П. П. Иванов. Хивинские хроники XIX века Муниса и Агахи как источник по истории туркмен // МИТГ. – С. 25.

² МИТГ. – С. 477-500.

³ МИТГ. – С. 475-476 (“Риёз ад-давла” таржимаси), 486-487.

⁴ Қ. Муниров. Огаҳий. Илмий ва адабий фаолияти. – Т., 1959; Ўша муаллиф. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. – Т., 1960; Қ. Муниров. Исторические произведения Муниса, Агахи и Баяни – источники по истории Средней Азии: Автореф. дис... канд. ист. наук. – Т., 1961.

⁵ Қ. Муниров. Хоразмда тарихнавислик (XVII-XIX ва XX аср бошлари). – Т., 2002.

⁶ Қ. Муниров. Хоразмда тарихнавислик. – Б. 133, 187.

⁷ Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекистана. Т. I. – Т., 1952. – №212; Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекистана. Т. VII. – Т., 1964. – №5023, №5024.

⁸ Л. В. Дмитриева, А. М. Мигунов, С. Н. Муратов. Описание тюркских рукописей Института народов Азии. Т. I. – М., 1965. – №102.

фиҳристонда юқоридаги қўлёзмалар ҳақидаги маълумотлар жамланган¹. Л.В.Дмитриева Салтыков-Щедрин кутубхонасида сақланаётган туркий қўлёзмаларга бағишланган мақоласида Т.н.с 22 ашё рақамли қўлёзманинг қисқа тавсифини берган².

Огаҳий асарлар тўпламининг 5-жилдида асар қисман кирилл алифбосига табдил қилиниб, нашр этилган³. Аммо бу табдил асарнинг қайси қўлёзмасига асосланиб қилингани кўрсатилмаган, фақатгина китобнинг бошида 821 ашё рақамли нусха қайд этилади, холос. Биз мавжуд нусхаларни (Е-6 истисно) солиштирган ҳолда, бу табдил айнан 821 ашё рақамли нусхадан қилинганлигини аниқладик. Табдилда бир қанча жузъий камчиликлар мавжуд бўлиб, уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Сўзларни нотўғри ўқиш. Масалан, “ағлабон” сўзи **و غلبه** “**ва ғалаба**” шаклида (нашр, 175-бет; қўлёзма, 406^а-варақ), “Матруд” сўзи **متردد** “мутараддид” шаклида берилиши керак эди (нашр, 193-бет; қўлёзма, 428^б-варақ).

2. Сўз ёки ҳарфларни ташлаб кетиш: “ниҳоясиз” сўзи – **نهايت سيز** “ниҳоятсиз” деб берилиши керак эди (нашр, 178-бет; қўлёзма, 415^б-варақ), “гавҳари” сўздан кейин – **لمعان بيله** “ламъон била” сўзлари ташлаб кетилган (нашр, 195-бет; қўлёзма, 429^а - варақ).

3. Ҳар хиллилик (сўз, исм, жой номларини ва ҳк беришда). Масалан, 173- ва 199-бетларда **ظل الله** сўзи зилли илоҳий тарзида, 191- ва 198-бетларда эса зиллуллоҳ тарзида ёзилган. 179- ва 183-бетлардаги Хожаш маҳрам исми 194-бетда Хожам маҳоам деб берилган.

4. Арабий сўз ва ибораларни (Куръон оятлари, ҳадислар ва ҳ.к) табдилсиз қолдириш: Муҳаммадамин номи зикр қилингандан кейин келган дуо **رفع الله لواء دولته** “Рафаъа Аллоҳу ливоа давлатихи” табдил қилинмаган (нашр 193-бет; қўлёзма, 428^б-варақ). Хивак сўздан сўнг **زينها** “Зайъанаҳа Аллоҳу таоло би-л-хайри ва-н-насақ” жумласи табдилсиз қолдирилган (нашр 195-бет; қўлёзма, 429^а-варақ). Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, асар табдилидан фойдаланишда эҳтиёткорлик лозим.

Ф.Ғаниҳўжаев томонидан тузилган “Огаҳий асарларининг тавсифи (каталог)” фиҳристонда манбанинг 5 та нусхаси тўғрисида маълумот

¹ H. F. Hofman. Turkish Literature. A bio-bibliographical survey. Section III. – Utrecht, 1969. – P. 51.

² Л. В. Дмитриева. Тюркские рукописи и коллекции «новая серия» собрания Государственной Публичной библиотеки им. М. Е. Салтыкова-Щедрина // Восточный сборник. – М., 1972. - №3. – С. 78.

³ Муҳаммад Ризо Мироб Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик / Нашрга тайёрловчи С.Долимов, мас. муҳар. Ф.Каримов. 5-жилд: Тарихий асарлардан парчалар. –Т., 1978.–Б. 171-201.

берилади, ammo Туркияда сақланаётган ТУ 82 нухаси ҳақида маълумот келтирилмаган¹. Каталогда бир қанча жузъий камчиликларга йўл кўйилган. Масалан, асарнинг Е-6 нухасининг кўчирилган йили нотўғри берилган. Бу нуха 1274 йили кўчирилган бўлиб, милодий ҳисобда 1857-1858 йилларга тўғри келмокда, каталогда эса 1856 йил берилган. 275 ашё рақамли нуханинг варақлари 300^a- 337^b деб кўрсатилган, аслида асар 300^a-346^a варақларни ишғол қилади. Шунингдек, асар қўлёзмаларининг ўлчамлари нотўғри келтирилган.

Асарнинг 275 ашё рақами остида сақланаётган нухасининг тавсифи собиқ Қўлёзмалар институтининг фихристида келтирилган, ammo бу фихристонда бир қанча хатоликлар ўтган². Каталогда фақат “Фирдавс ул-икбол” ва “Зубдат ат-таворих” асарлари кўрсатиб ўтилган, аслида бу китобда Огаҳийнинг 3 та асари кўчирилган: 1. Фирдавс ул-икбол (1^a-200^b); 2. Риёз ад-давла (201^a-299^a); 3. Зубдат ат-таворих (300^a-346^a).

Д.Ю.Осупова ва Р.Жалиловалар томонидан тузилган ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган тарих фанига оид қўлёзмалар каталоги 1998 йилда нашр қилиниб, бу китобда мазкур СВР маълумотлари қайтарилган³.

Л.В.Дмитриеванинг янги каталогида Россия Фанлар академияси Санкт-Петербург бўлими туркий қўлёзмалари фихристида тавсифланган Е-6 ашё рақамли қўлёзманинг тавсифи такрорланган⁴.

Ю.Брегел томонидан тайёрланган “Фирдавс ул-икбол” асари илмий-танқидий матнининг сўзбошини истисно этганда⁵, юкорида санаб ўтилган адабиётларнинг ҳеч бирида манбанинг барча мавжуд қўлёзмалари тўғрисида тўлиқ маълумот берилмайди.

Хуллас, бу асарнинг қўлёзмалари манбашунослик нуқтаи назардан ҳали яхлит тадқиқ қилинмаган, мавжуд таржима ва табдил ҳам камчиликлардан холи эмас, асарнинг илмий-танқидий матни тайёрланмаган. Бу эса ундан фойдаланишни бир қадар қийинлаштирмоқда.

H. Nazirova

On the history of studying «Zubdat at-tawarikh» of Agahi

The article is devoted to the study of the historical work of Agahi «Zubdat at-tawarikh». The history of studying this source is given in a chronological order.

¹ Огаҳий асарларининг тавсифи (Каталог) / Тузувчи Ф. Ғанихўжаев. – Т., 1986. – №23-27.

² Каталог фонда Института рукописей. Т. I / Отв. ред. А. П. Каюмов. – Т., 1989. – № 973-974.

³ Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекистана. История / Сост.: Д.Ю.Осупова, Р.П.Джалилова. – Т., 1998. – №552, №553.

⁴ Л.В.Дмитриева. Каталог тюркских рукописей Института востоковедения Российской Академии наук. – М., 2002. – №65.

⁵ Munis and Agahi. Firdaws al- iqbāl. – P. 11, 44.

**К изучению «Зубдат ат-таварих» Агахи
в источниковедческом отношении**

Статья посвящена изучению произведения Агахи «Зубдат ат-таварих». История изучения источника дана в хронологическом порядке.

т.ф.н. Н.А. Аллаева

ЎзР ФА Тарих институти

Ризоқули Ҳидоят ва унинг “Хоразм сафарномаси”

XIX аср Эронда яшаб ўтган Ризоқули Ҳидоят йирик давлат арбоби, шоир, ношир ва тарихнавис олим сифатида тарихда муносиб ўринга эга. Унинг шахсини ўрганиш Ўрта Осиё тарихига доир маълумотларни кенгайтиришга ҳам ёрдам беради, жумладан Хива – Эрон ўзаро муносабатлари тарихини ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, унинг “Сафарнома-йи Хоразм” асари, икки давлатнинг сўнгги ўрта асрлардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир фактик маълумотларга бой манба сифатида қимматга эгадир. Ризоқулихон ҳаёти ва фаолиятини ёритишга қатор тадқиқотчилар томонидан алоҳида эътибор қаратилганлиги ҳам юқоридаги фикрни тавсдиқлайди. Шу ўринда, хорижда унинг шахсига бўлган қизиқиш ҳаётлик чоғидаёқ катта бўлганлигини қайд этиб ўтиш лозим¹. Мавжуд нашрлардаги Ризоқулихон ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотларнинг бир неча йўналишда кўриб ўтилганлиги кўзга ташланади:

- Ризоқули Ҳидоят таржимаи холига доир маълумотларнинг берилиши;

- элчилик фаолиятининг ёритилиши;

- Ризоқулихон – ношир ва тарихнавис олим сифатида;

1800 йилда Техронда таваллуд топган Ризоқулихон «Ҳидоят» бин Муҳаммад Ҳоди Табаристоний зиёли оиласида дунёга келган. Маълумотларга кўра, унинг отаси мамлакат ҳукмдорларига яқин аёнлардан бўлиб, дастлаб Оға Муҳаммад Қожор (1779-1797) ва бир неча муддат Фатҳалишоҳ (1797-1834) ҳукмронлиги йилларида хазиначи лавозимида хизмат қилган². Отасидан эрта етим қолган бўлсада, етарли

¹ Ризоқулихон шахси ҳақида маълумот берган Г.М. Петров унинг таржимаи холи Лондонда нашр этилган хорижий мақоладан олинганлигини кўрсатиб ўтган: Sidney Churchill. A modern contributor to Persian literature. Riza-kuli-xan and his work // The journal of the royal Asiatic society, new series. V. XVIII. London, 1836. - Pp. 196-206. Қаранг: Петров Г.М. Возникновение Каджарской монархии в Иране. Дис. ... канд. истор. наук. – Л. 1939. – С. 7-8. / Архив востоковедов ИВРАН. Р.1, оп. 6. № 32.

² Ризоқули Ҳидоятнинг таржимаи холи ҳақида батафсил маълумот берган Б. Маннонов унинг оиласи, ижтимоий ҳолати, таълими ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратган. Қаранг: Маннонов Б. Лолабошининг Хоразм сафари // Шарқшунослик. – 1997. – № 8. – Б. 87-88.

даражада таълим-тарбия олиб, ўз даврининг илғор кишиси бўлиб етишган Ризокули тез орада шоҳ саройига яқинлашган. Ўзининг иқтидори билан алоҳида ажралиб турган шоир сифатида у Фатҳалишоҳнинг эътиборини қозонган ва “Амир уш шуаро” унвонини олган¹.

Саройда юкори нуфузга эришган Ризокулихон 1834 йилда шаҳзодалардан, аввал Феруз Мирзо, сўнг Фаридун Мирзолар хузурида маслаҳатчи вазифасини бажарган, 1847 йилда эса, Ферузкух ноҳиясига хоким қилиб қўйилган.

Шоҳ хонадонининг алоҳида ишончига сазовор бўлган Ризокулихон шаҳзодалар тарбияси билан шуғулланишга муносиб деб, топилган шахс эди².

1848 йилда Насриддиншоҳ тахтга ўтиргач, Ризокулихон маълум муддат давлат ишларидан четлашиб, асосан ижод билан шуғулланган.

Катта тажрибага эга бўлган давлат арбоби сифатида у 1851 йилда Эрон ва Хива хонлиги ўртасидаги дипломатик музокаларларни олиб бориш учун Хоразмга элчи қилиб юборилган. Ризокулихон Лолабоши раҳбарлигидаги элчилик Хива хони томонидан Эронга юборилган элчи Отаниёз Маҳрам билан бирга 1851 йил 5 апрелда Техрондан Хоразмга қараб йўл олган. Элчининг ёзишича, уларнинг зиммасига хонликдаги форс кулларини озод этиш ва уларни Эронга олиб кетиш, хонни Эрон чегараларига уюштирилаётган оломон чопқинларини ман этишга қаратилган фармон чиқаришга ва мусулмонларни олиб сотишни, яъни кулчиликни бекор қилишга кўндириш, туркман савдогарлари орасида Эронга тобе этиш учун ошқора тарғибот ишларини олиб бориш, хоннинг нафақат Эронга, балки, барча қўшниларига нисбатан юритаётган сиёсати ва фикр-мулоҳазаларини аниқлаш каби вазифалар юклатилган эди³. “Куллар масаласи” ҳал этилмагач, Эрон элчиси қолган таклифлар ҳақида оғиз очмайди. Лекин, умумий тарзда бўлсада, Хива хонлигига Россия хавфи мавжудлиги тўғрисида фикр юритиб, Эрон билан яқинлик уни ана шу хатардан халос этиши мумкинлигини таъкидлаб ўтган. Аммо, бу фикрлар ҳам эътиборсиз қолдирилган. Воқеалар тафсилотини ёритган Б. Маннонов, элчиликнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажара олмасдан ортга қайтганлигини қайд этган. Лекин, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ўз даврининг етук билимдон шахси сифатида шубҳасиз Ризокулихон музокаларни катта дипломатик маҳорат билан олиб борган. Қолаверса, хонлик ташки сиёсатига доир маълумотлар таҳлилидан кўриш

¹ Петров Г.М. Возникновение Каджарской монархии в Иране ... - С. 8.

² Ризокулихон аввал валиахд Аббос Мирзога, сўнгра валиахд Музаффариддин Мирзога «Лолабоши», яъни оталик этиб тайинланган.

³ Элчиликнинг мақсад, вазифалари ва натижалари ҳақида батафсил қаранг: Маннонов Б. Лолабошининг Хоразм сафари ... – Б. 73-87.

мумкинки, “қулларни озод қилиш масаласи” Хива хукдорлари томонидан ҳамиша эътироз билан қарши олинган.

Саккиз ойлик сафардан қайтгач, элчи Техронда ташкил этилган Дорилфунунга раҳбар этиб тайинланган. У ана шу лавозимда 15 йилга яқин фаолият юритиб, 1871 йил 30 июнда Техрон шаҳрида оламдан ўтган.

Ризоқули Ҳидоят шахсига тавсиф берган Ч.А. Стори, у билан шахсан учрашган Гобинонинг фикрини келтириб ўтади: «Базмларнинг бирида мен Ризоқулихонни, яъни шоҳ биродарининг тарбиячиси [*оталиги*], Бухорода [*Хоразмда*] бўлган элчи, тарихнавис, тилшунос ва ажойиб шоирни учратдим. У мен дунё мамлакатларида учратган энг ақлли ва ёқимли одамлардан бири эди»¹.

Ризоқулихон умрининг охирларида, яъни Табризда яшаган чоғида кўпроқ ноширлик фаолияти билан шуғулланган. 1863-1864 йилларда у Хисрав девонини, Румийнинг иккита девони, яъни «Шамс ал-ҳақоик» ва «Мунтахаб-и ғазалиёт-и Мовлави маъруф ба Шамс-и Табриз», 1868 йилда Манучеҳр девонини нашр қилдирган.

Ризоқулихон томонидан кўплаб тарихий асарлар ҳам чоп этилган. У нашр қилдирган «Нафсат ал-масдур» асарига Мирза Абдулла мунши Табаристоний китобидан топилган нодир қўлёзма асос қилиб олинган. Ризоқулихон Ҳидоятнинг ушбу манба устида олиб борган матншунослик ва таҳрир ишлари Эрон олими Муҳаммад Казвиний ва рус олими И.П. Петрушевскийлар томонидан батафсил очиб берилган².

Ризоқулихоннинг маънавий-маърифий фаолиятини ёритган О.П. Шеглова унинг Шероздалигидаёқ қадимги шоирларнинг қўлёзма шеърлари ва ўрта аср тазкираларини кунт билан ўрганганлигини таъкидлайди³. Муаллифнинг маълум қилишича, Техронда ҳам, Табризда ҳам Ризоқулихон янги қўлёзмаларни қидиришдан тўхтамаган. Тинимсиз меҳнатларининг натижаси сифатида қатор бадиий асарлар яратган.

Ризоқулихон йирик олим, шоир ва тарихнавис сифатида ўз даврида катта ҳурмат қозонган форс алломаларидан саналади. У 20 дан ортиқ тарихий асарлар муаллифи бўлиб, тарихнавис сифатида ҳам катта эътиборга лойиқдир. Улар орасида 3 жилддан иборат «Равзат ус-сафо-йи Носирий» алоҳида аҳамият касб этади. Бу асар Мирхонднинг машҳур «Равзат ус-сафо» асарининг давоми сифатида битилган бўлиб, Эроннинг 1858 йилгача бўлган тарихини ёритувчи муҳим манба ҳисобланади. Асардан ўзининг номзодлик диссертациясида самарали фойдаланган Г.М. Петров унга шундай тавсиф берган: Ризоқулихоннинг йирик ва шарқшунослар илмий доирасида кенг тан олинган

¹ Стори Ч.А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. Ч. 1-III. – М., 1972. – С. 972.

² Шеглова О.П. Иранская литографированная книга. (Из истории книжного дела в Иране в XIX – первом десятилетии XXв.) – М., 1979. – С. 86-88.

³ Шеглова О.П. Иранская литографированная книга ... – С. 86-88.

асари “Равзат ас-сафо” бўлиб, у ҳақиқатан ҳам тарих фанига катта ҳисса бўлиб кўшилган манбадир. Гарчи, ҳашамдор ва жимжимадор иборалар, жумлалар кўп учрасада, фактик маълумотларга бой бўлган ушбу асарда тарихий воқеалар хронологик тартибга кўра батафсил баён этилиши билан алоҳида аҳамиятга эга¹.

«Сафарнома-йи Хоразм» асари XIX аср Ўрта Осиё, хусусан Хива хонлиги ҳамда Эрон тарихини тадқиқ қилишда кизиқарли бирламчи манбалардан ҳисобланади².

Асар фактик маълумотларга бой бўлиб, унда бир қатор масалалар ўз аксини топган:

- Хива-Эрон савдо-дипломатик алоқаларига доир масалалар;
- Эрон давлатининг сўнги ўрта асрлардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳолати;
- Ўрта Осиёни Эрон билан боғлаган қарвон йўлларига оид маълумотлар;

Шу жиҳатдан, асар кейинги даврларда ҳам тарихнинг турли йўналишдаги масалаларини тадқиқ қилишда муҳим манбавий асос бўлиб хизмат қилмоқда³.

Хоразмга махсус топшириқ билан юборилган Ризоқулихонга дипломатик музокаралардан ташқари «кўрилган ва эшитилган» барча нарсаларни батафсил ёзиб бориш, жой номлари, йўллар, дарёлар ва булоқлар, кишлоқ ҳамда овуллар ҳақидаги маълумотларни тўплаш борасида алоҳида кўрсатма берилган эди. Шунинг учун ҳам «Сафарнома»да Эрондан Хоразмгача босиб ўтилган йўл ҳақида батафсил маълумотлар олиш мумкин⁴.

Хоразмга Сори шаҳри (*Каспий денгизининг жануби-шарқий соҳилида* – *Н.А*) орқали боришга қарор қилган элчи чиққан йўл, унинг маълум қилишича, «Пой» деб, аталган ва баланд тоғлар бўйлаб ўтган. Рай – Мозандарон – Сори – Гургон – Астробод – Атрок – Қорақулоқ – Хоразм йўналиши бўйлаб ҳаракатланган элчи йўлдаги шаҳар ва кишлоқлар, манзиллар ҳақида атрофлича маълумот беришга ҳаракат қилган. «Сафарнома» муаллифи Ферузқу тоғлари этаклари орқали юрган йўлда кўплаб обод ва серсоя боғлари бўлган кишлоқларни санаб, айрим кишлоқ ва манзил номлари ва уларнинг тарихи ҳақида тўхталиб ўтган. У айниқса шоҳ Аббос I даврида (1587 – 1628) Мозандарон бўйлаб ўтган йўлларнинг қурилишига катта эътибор

¹ Петров Г.М. Возникновение Каджарской монархии в Иране ... – С. 8.

² Relation de l'ambassade au Kharezm (Khiva) de Riza Qonlykhan. Pullee, Traduit et annoté par Ch. Schefer (Paris, 1876-79); Ridaqulixan. Sifarotnama-i Xarazm. Tegeran. 1876; Мирзо Ризоқули.

Сафарнома-йи Хоразм. – ЎзР ФА ШИ, инв. № 9129, кўлёзма. – 41 варақ.

³ Қайумова Н. Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Сафарнома-йи Хоразм» асари. – Т., 2006.

Магистрлик даражасини олиш учун ёзилган диплом иши. – 94 в.

⁴ Аллаева Н. XVI – XVIII асрларда Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги ўзаро алоқалар. Тарих фанлари номзоди ... дис. – Т., 2007. – Б. 139-154.

берилганлигини қайд этиб, йўлдаги ўрмонларнинг кесилиб Астрободгача кенг ва текис йўллар, бу йўллар бўйлаб работ – карвонсаройлар, хонақолар барпо эттирилганлигини маълум қилган.

Таҳлил қилинган маълумотлар шуни кўрсатадики, Ризокулихон Ҳидоят нафақат ўз ватани Эронда, балки Ўрта Осиё тарихида маълум бир из қолдирган шахс ҳисобланади. Унинг таржимаи холига доир маълумотлар, ўз даврининг етук билимдони, иқтидорли шоир, ношир, давлат арбоби ва тарихнавис сифатида Ризокулихоннинг мавқеини очиқ беришга ёрдам беради. «Равзат ус-сафо-йи Носирий» ва «Сафарнома-йи Хоразм» каби тарихий асарлари эса, унинг Эрон ва Ўрта Осиё тарихига доир муҳим манба ҳисобланади.

N.Allaeva

Rizoli Hidoyat and his “Safarnameh”

This article shows activity of Iranian ambassador Rizakuli-khan who visited Khiva khanate in 1851-1852. Also his status as statesman, poet, publisher and historian. Also author attempted to show the significance of his main historical work (books) "Ravzat us-safo-yi Nosiriy" and Safarname-yi Khorazm.

Н. Аллаева

Ризокули Хидоят и его «Сафарнаме»

В данной статье рассмотрена личность Иранского посла Ризакули-хана, побывавшего в 1851-1852 гг. в Хивинском ханстве и показан его статус как государственного деятеля, поэта, издателя и историка. Также, предпринята попытка раскрыть значения важных его исторических трудов «Равзат ус-сафо-йи Носирий» и «Сафарнома-йи Хоразм».

к.и.н. О. Р. Джурабаев

Институт языка и литературы

Академии наук Республики Узбекистан

Некоторые особенности литературных источников XIX века

Источники являются основой науки. Каждый источник, будь он исторический или литературный, включает в себе какие-то особенности. А если говорит об источниках целого столетия и относительно одной литературной среды это становится более интересней и важной. Нам хотелось бы рассмотреть вопрос только о некоторых особенностях источников одной – Кокандской литературной среды. Которое в себе включала многочисленные научно-литературные, художественные произведения; десятки поэтов, творивших в различных жанрах внесли весомый вклад в узбекское классическую литературу

своими высокохудожественными произведениями.¹ Свыше пятидесяти поэтов Коканда составили диваны.* Основная часть этих сборников составлены в XIX веке, в двух языках (узбекском и персидском). В двуязычных диванах преобладают стихи на узбекском языке. Следует отметить, что в этих диванах не всегда находят свое отражение все особенности диванописания. Прежде всего, не осуществляется стремление составителей охватить все лирические жанры. Несмотря на это мы считаем целесообразным осуществить сравнительный анализ диванов. На основе своих наблюдений мы классифицировали диваны поэтов кокандской литературной среды по принципам составления. Она выглядит следующим образом: **1)** Диваны, полностью или в некоторой степени отвечающие требованиям традиции диванописания; **2)** Диваны, где традиция не соблюдена; **3)** Диваны составленные (спустя некоторое время) после смерти автора. Диваны первой группы тоже можно подразделить на две подгруппы. В *первой из этой подгруппы* можно отнести диваны с большим объемом и широким охватом лирических жанров, имеющие традиционное вступление – *дебоча* (дебоча). Таковыми являются диваны Эмир Умархана, Надиры, Фано, Умиди, Мухаййира и Мухсини. Надо отметить что, важным является вопрос о том, когда и как составлен диван, и во *дебоча* можно найти ответ на этот вопрос. К примеру, общий объем стихов в диване Умархана (1792-1842) составляют свыше 10 тысяч бейгов. В диване имеется тщательно отшлифованная *дебоча*. Сам диван охватывает образцы таких лирических жанров как газель, мухаммас, мусаддас, мусамман, рубаи и туюки. В диване Мухаййира (1842-1918) также имеются *дебоча*, газели, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, таржеъбанд, рубаи и муамма; а, общий объем стихов свыше 11 тысяч бейгов². Мухсини (1860-1917) также соблюдает порядок составления дивана. В его диване³ отсутствует газель только на букву *ж* (же); он создал свои стихи в десяти лирических жанрах.

Следующая подгруппа состоит из диванов, небольших по объему и не имеющих традиционного *дебоча*. К ним можно отнести диваны Акмала, Газий, Нозил, Увайси, Кари, Мухйи, Ёри, Хакима, Ражи Маргилани, Садаи, Нихони, Гурбат и Гариби. Например, общий объем дивана Увайси (1780-1845) около 6.000 полустиший. В него вошли стихи, написанные в таких лирических жанрах как газель, мустазад, мухаммас, мусаддас, мусамман,

¹ Нам известно имена свыше 200 поэтов живших и творивших во второй половине XVIII – первой четверти XX века. Это рассчитано на основе сведений таких источников как «*Мажмуаи шоирони Умархон*», «*Тазкираи Қайюмий*», «*Қўқон тарихи ва унинг адабиёти*», а также на материалов более двухсот баязов и сборников переписанных XVIII – первой четверти XX вв. – Автор.

* Надо отметить что, один из самых важных источников в литературе Востока это – *диван* (диوان – сборник стихов). Пользуясь случаям надо сказать, что в литературоведение вопрос о классификации диванов и диванописание пока тщательно не рассматривался – Автор.

² Фонд Института Востоковедения им. Абу Рейхана Бируни Академии Наук Республики Узбекистан (сокращенный: ИВАНРУз), рукописи №7793 и 11464.

³ Выше указанный фонд, рукопись №7392.

Кроме этого работы по изучению «Зиджа» вели французский востоковед Ж.Ж.-Э. Седийо и его сын Л.А. Седийо. В 1839 г. ими была издана часть таблиц Улугбека. В 1847-1853 гг. опубликован перевод на французском языке предисловие к «Зиджу»⁴.

Американский исследователь Э.Б. Нобл уже в 1917 г. публикует критический текст каталога Улугбека на основе 22 персидских и арабских рукописей.⁵

Таким образом, к XX веку бессмертный труд Мирзо Улугбека был известен всему цивилизованному миру.

На этом публикация частей каталога в Европе приостанавливается, но интерес к наследию Улугбека и других ученых Востока не угасает. В начале XX века происходит новый взлет славы Улугбека в связи с

¹ Щеглов В.П. Распространение «Зидж Улугбек» в европейской печати... – С. 146.

² Матвиевская Г.П., Соколовская З.К. Улугбек 1394-1449... – С. 6.

³ Щеглов В.П. Распространение «Зидж Улугбек» в европейской печати... – С. 143-151.

⁴ Щеглов В.П. Распространение «Зидж Улугбек» в европейской печати... – С. 151.

⁵ Щеглов В.П. Распространение «Зидж Улугбек» в европейской печати... – С. 151. А. Ахмедов в вступительной статье Улугбек Мухаммад Тарагай (1394-1449). «Зидж»... пишет, что Э.Б. Нобл осуществил своё издание на основе 27 рукописей.

археологическими раскопками русского востоковеда В.Л. Вяткина (1908-1909 гг.) остатков Самаркандской астрономической обсерватории.¹ В результате раскопок была найдена, сохранившаяся под землей, часть огромного инструмента обсерватории – секстант* (диаметр 40 м), с помощью которой велись наблюдения. В течении всего XX века исследования жизни и научной деятельности Улугбека не прекращались.

К началу XX века относится монография всемирно известного русского востоковеда, посвятившего свою жизнь изучению историко-культурного прошлого Средней Азии В.В. Бартольда «Улугбек и его время».² Если, ученые Европы и Америки в изучении наследия Улугбека больше внимания обращали его научной деятельности, то В.В. Бартольд впервые осветил и другие аспекты жизни ученого. В монографии на основе рукописей дана характеристика эпохи Мирзо Улугбека, впервые показан подробный портрет Улугбека не только как ученого, но и как государственного деятеля. На протяжении нескольких десятилетий монография издавалась на многих языках мира.

В советское время ученые (археологи, историки, востоковеды, астрономы, математики) достигли больших успехов в изучении жизни и деятельности Мирзо Улугбека.

В 1941 г. опубликовано первое издание, посвященное Самаркандской обсерватории. Автор брошюры «Обсерватория Улугбека» крупнейший археолог и знаток культуры Средней Азии М.Е. Массон.³

Большим событием стала книга Т.Н. Кары-Ниязова «Астрономическая школа Улугбека»⁴, где на основе фактов известных к этому времени подробно раскрыта научная деятельность Мирзо Улугбека и его школы, дан анализ содержания «Зидж»а. Кроме этого, вышли ещё ряд работ Т.Н. Кары-Ниязова, посвященных этой проблеме.

В 1965 г. вышла книга коллектива авторов «Из истории эпохи Улугбека», где рассматриваются социально-политическая, культурная жизнь Мавераннахра в XV в., различные стороны научной и государственной деятельности Мирзо Улугбека.

¹ Вяткин В.Л. Отчет о раскопках обсерватории Мирза Улуг бека в 1908 и 1909 годах // Известия Русского Комитета для изучения Средней и Восточной Азии в историческом, археологическом, лингвистическом и этнографическом отношении. Серия II. № 1-2. – Спб., 1912. – С. 76-93.

* О названии инструмента - секстант или квадрант, среди советских ученых велись споры. Об этом смотрите: Кары-Ниязов Т.Н. Секстант, как главный инструмент обсерватории Улугбека // Астрономический журнал. – М., 1947. Т. XXIV. № 7. – С. 249-253.

² Бартольд В.В. Улугбек и его время. Сочинения. Т. II. Ч.2. – М., 1964. – С. 25-296.

³ Массон М.Е. Обсерватория Улугбека. – Ташкент, 1941. – 48 с.

⁴ Кары-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улугбека. – М.-Л., 1950. – 330 с. Второе издание: Избранные труды. Т. 6. – Ташкент, 1968.

В советское время этим вопросом занимались такие известные ученые Узбекистана как Н.И. Леонов, В.П. Щеглов, В.А. Шишкин, М.С. Булатов, В.П. Булгакова, А. Буриев, Е.А. Давидович, Г.П. Матвиевская, Г.А. Пугаченкова, Г.Д. Джалалов, Б.А. Ахмедов, Д.Ю. Юсупова и другие.

С обретением независимости в республике ведется активная политика по возрождению истории народов Узбекистана. По Указу Президента И.Каримова 1994 год был объявлен годом Улугбека. Под эгидой ЮНЕСКО широко отмечался его 600-летний юбилей в Узбекистане и за рубежом. В связи с этим было опубликовано множество статей, брошюр, сборников, переводы произведений Мирзо Улугбека.

В ходе подготовки к юбилею были отреставрированы исторические памятники, связанные с жизнью и деятельностью Улугбека (медресе Улугбека, обсерватория) и воздвигнуты новые.

Одна из крупных работ, приуроченных к юбилею был выпуск Институтом востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН РУз на русском языке полного перевода главного труда Мирзо Улугбека – «Зиджи джадиди Гурагони», осуществленный А.Ахмедовым. Оно уникально тем, что снабжено исчерпывающими комментариями средневекового автора (1523 г.) Бирджанди. На основе глубокого изучения «Зиджа» А.Ахмедов приходит к выводу, что в обсерватории Улугбека был изготовлен глобус звезд.¹

Интерес к жизни и научному наследию Мирзо Улугбека на Западе и на Востоке не угасает и по ныне. Новые публикации об Улугбеке на современном этапе раскрыли много ранее неизвестных фактов его жизни и деятельности и показали его вклад не только в науку, но и в развитие цивилизации мира. На сегодняшний день известно четыре произведения, принадлежавших перу Мирзо Улугбека. Только копий «Зиджа» к настоящему времени известно около ста на фарси и более 15-ти на арабском². Ни одно произведение, написанное в средние века, не было столь популярным. Таблицы, составленные на основе практических наблюдений, ценны и поныне.

Делая выводы краткому историографическому обзору наследия Мирзо Улугбека мы с уверенностью можем сказать, что заслуги средневекового научного и государственного деятеля Средней Азии были признаны и высоко оценены во всём мире. Мирзо Улугбек был и остаётся для мировой научной общественности великим ученым своей эпохи. Результаты исследований Самаркандской астрономической школы заняли достойное место в сокровищнице мировой науки.

¹ Ахмедов А. Ўрта асрларнинг буюк алломаси // Общественные науки в Узбекистане. 1994. № 7. – С. 4-10.

² Там же.

Ф. Шомукарамова

Мирзо Улуғбек мероси: Шарқ ва Ғарб кесишган нуқтада

Мақолада Ватан тарихшунослигидаги тарихий-илмий адабиётлар асосида XVII – XX асрларда Мирзо Улуғбек илмий меросини ўрганишда Шарқ ва Ғарб аниқ фанларини ўзаро туташуви қисқа ёритиб берилган.

F. Shomukaramova

**Mirzo Ulugbek's Scientific Heredity:
the meeting of the East and West**

The article is devoted to historiography of inter influence of Eastern and Western sciences in the study of the Mirzo Ulugbek's scientific heredity in the 17th – 20th Centuries.

**V. Ўзбекистон ижтимоий ва маданий жараёнлар тарихининг
долзарб масалалари**

Юкио Тамура

Чуо университети тадқиқотчиси, Токио

Ҳижрий V-VI асрларда Қусам бин ал-Аббос машҳади

Тарихчи ва муҳаддисларнинг ривоятларида келтирилишича, ҳижрий 56 йилда учинчи халифанинг ўғли, Саид б. Усмон Самарқандни забт этади ва у билан бирга бўлган Расул аллоҳ (алайҳ ассалом)нинг амакиваччаси, Қусам б. Ал-Аббос ушбу жангда бўлади¹. Баъзи манбаларда Қусам б. Ал-Аббос Марвда шаҳид бўлган деган ривоятлар ҳам бор. Мисол учун ал-Яъкубий² “Тарих” асарида Қусамни Самарқандда вафот этган, деб маълумот берса, “Китаб ал-булдон” асарида Марвда ҳалок бўлган деб ёзади. Наршахий ўз асарида Қусам б. Ал-Аббосни Самарқандда ёқт Марвда вафот этган деб қайд этади³. Қусамнинг Марвда вафот этгани ҳақида яна бир муаллиф яъни Ибн Қутайба “ал-Маорифа” асарида ёзган⁴. Ибн ал-Фақиҳ Қусам б. Ал-Аббос Марв шаҳари атрофида вафот этган

¹ Масалан, ҳижрий III асридаги асарлар орасидан, Khalifah b. Khayat, *Tabaqat*, ed. Suhayl Zakkar, Beirut, 1993, p. 404; al-Bukhari, Abu 'Abu 'Abdullah Muhammad b. Isma'il, *al-Tarikh al-Saghir*, ed. Mahmud Ibrahim, Beirut, 1986, vol. 1, p. 169; al-Baladhuri, Ahmad b. Yahya, *Liber expunation regionum*, ed. M.J. de Geoje, Lugduni Batavorum, 1866, p. 412; ўша муаллиф, *Ansab al-ashraf*, ed. 'Abd al-ʻAziz al-Duri, Beirut, 1978, vol. 3, p. 66 ва ҳоказо.

² Al-Ja'kubi, Ibn Wadhid, *Historiae*, ed. M. Th. Lugduni Batavorum, 1883, p. 282; бир хил муаллиф, *Kitab al-buldan*, ed. M. J. de Geoje, (BGA; 7, pp. 231 - 373), Lugduni Batavorum, 1892, 298.

³ Al-Narshakhi, Abu Bakr Muhammad b.Ja'far, tr. Al-Qubawi, Abu Nasr Ahmad b. Muhammad, *Tarikhii Bukhara*, ed. M. Rawazi, Tehran, 1987, p 56.

⁴ Ibn Qutayba, *Ibn Coteiba's Hanbubuch der Geshichte*, hrsg. von F. Wüstenfeld, Göttingen, 1850, p. 59.

тўртта саҳобалардан бири бўлган – деб Муоз ат-Термизийдан ривоят килади¹.

Мовароуннахрлик уламо Нажмуддин Умар ан-Насафий (461-537/ 1068 - 1142) “Китоб ал-қанд фи зикр уламо Самарқанд” асарида² Қусам б. Ал-Аббос шаҳид бўлиб, дафн этилган жойи тўғрисида баҳслар борилигини айтади. Ан-Насафий мазкур асарида Қусам б. Ал-Аббос Марвдаги Абу Ҳамза ас-Суккарий мақбарасига дафн этилган хабарни беради. Бундан ташқари, ан-Насафий бошқа яна бир ривоятни келтиради. Ривоятларга кўра, Саид б. Усмон, Қусам б. Ал-Аббос билан Самарқандни забт этганидан кейин, Устуршонага бориб, ушбу шаҳарни ҳам забт этади, Улар Сиркасга³, етиб боришганда Қусам б. ал-Аббос вафот этади. Унга жаноза ўқилгандан кейин унинг жасади шаҳарга⁴ жўнатилади.

Қусамнинг вафоти ҳақидаги ривоятлар ўша давр уламоларини бир фикрга келиши ҳалақит берган. Қусам б. ал-Аббоснинг қабри Самарқанддан бошқа жойда ҳам бўлган деган ривоятлар, Самарқандда яшаган ан-Насафийнинг замандошларидан баъзиларини Самарқандаги Қусам машаҳидининг ҳақиқийлигига шубҳа билан қарашга олиб келган.

Шунингдек, Қусам б. ал-Аббоснинг машҳади Самарқанда мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар Бурҳонуддин Маҳмуд б. Аҳмад ал-Бухорий (в. 570/1174)нинг “ал-Муҳит ал-бурҳоний фи - л- фикҳ ал-нуъманий” асарида ҳам келтирилади. Тафғоч Буғро Қаро-хокон Ибрагим б. Наср (х. 438-460 / 1046-1068) қурган мадрасага вақфнома нусхасида⁵ “*Маиҳад Қусам*” сўзлари битилган. Ушбу сўзлар Қусам машҳади ҳақидаги қадимги маълумотлардан биридир. Қусам Машҳадига вақф қилинган сув куйиш канали (“*фариқин⁶ вуқифа ало маиҳад Қусам*”) мадрасанинг иккинчи қисмида мавжуд бўлган деб вақфнома нусхасида ёзилади.

Н.Б.Немцева «ал-Муҳит...» ва «Рисола Баҳоия» асарларида келтирилган маълумотларга таяниб, вақфнома нусхасида «Машҳад

¹ Ibn Faqih, *Kitab al-buldan*, ed. Yusuf al-Hadi, Beirut, 1996, p. 615. Шу асарнинг “Мухтасар” (*Compendium libri Kitab al-buldan*, ed. M.J. de Geoeje, (BGA;5), Lugduni Batavorum, 1885) да ушбу маълумот келтирилади.

² al- Nasafi, *Najm al-Din Abu Hafs ‘Umar b. Muhammad, al-Qand fi dhikr ‘ulama’ Samarqand*, ed. Yusuf al-Hadi, Tehran, 1999, pp. 677-8.

³ Сиркат, (ёки Ясиркат) Самарқанд қишлоқларидан бири: к.: al-Nasafi, *al-Qand...*, p.624, n. 1097. Насафда Ширкас деган қишлоқ бор. к.: ‘Abd al-Qarim b. Muhammad al-Sam’ani, *The Kitab al-ansab*, ed. D.S. Margoliouth, (GMS: 20), London, 1912, f. 345b. Абу Тоҳир Хўжа, Қусам б. (ал-)Аббос “Ширин кант” да шаҳид бўлган деб ёзган. к.: Abu Tahir Khwajah al-Samarqandi, Samariya, ed. Iaj Afshar, 1991, pp. 163-4

⁴ Матнда фақат *ал-балад* ёзилгани учун қайси шаҳарга унинг жасади жўнатилгани маълум эмас. Балки, бу сўз Самарқанд дейилгандир.

⁵ Burhan al-Din Mahmud b. Ahmad, *Al-Muhit al-Burhani fi-l-fiqh al-ni‘mani*, қўлёзмалар: Süleymaniye 601, лл. 72a-75a, Yazgot 219, лл. 896-926, ЎзР ФА Шарқшунослик институти 5945, лл. 805a-806a.

⁶ Чехович, О.Д. Терминологические заметки. Народы Азии и Африки, 1964-6, стр. 70-71.

Кусам» сўзлари бор деб таъкидлайди¹. Немцеванинг фикрига қарши Ж. М. Рожерс ва Одил Ясинлар вақфнома нусҳасидаги «Кусам» сўзи кейинги даврларда кўшиб қўйилган деган фикрни билдиради¹². С. Хмельницкий «Кусам» сўзи вақфнома нусҳасида берилмагана фақат ўрта асрдаги «Рисола Баҳоия» асарида қўлланилган деб Н. Б. Немцева фикрига эътироз билдиради¹³. Юқорида қўрилган ва билдирилган фикрлар асосида «ал-Мухит...» асарида Тафғоч-хон мадрасасига ёзилган вақфнома нусҳасида «*Маишҳад Кусам*» сўзлари йўқ деган хулосага келиш мумкин. Бироқ номлари зикр этилган олимлар вақфнома нусҳасида «*би-маишҳад Кусам*» деган жумла мавжудлиги ҳақида баҳслашишади. Аммо, биз тадқиқ қилган қўлёзма нусҳасида Ушбу сўзлар «*вуқифа ало маишҳад Кусам*» деб келади.

М. Хадр нашрга тайёрлаган вақфнома нусҳаси матнига асосланиб, Рожерс ва Одил Ясин «*вуқифа ало маишҳад Кусам*» деган жумлани «*вақф ало маишҳад-ҳум*» деб ўқийди¹⁴. Уларнинг фикрига кўра, Ушбу машҳад Қарохонийлар оиласига қарашли бўлган. Бу фикр ҳам, вақфнома нусҳасида «*Маишҳад Кусам*» сўзлари бўлган деган фикрни инкор этади. Хадр вақфнома матнини тайёрлашда, кўпроқ XVII асрда Ҳинд диёрида ёзилган «Фатово оламгирия» асарига таянади. Мазкур «*вуқифа ало маишҳад-ҳум*» деган жумлани фақат «Фатово оламгирия» асарида учратиш мумкин. Ушбу асарининг тузувчилари Самарқанддаги жой номларини яхши билмаган бўлса керак. Биз кўрган «ал-Мухит...» асарининг қўлёзма нусҳаларида, хусусан, асар муаллифи ҳаётлиги вақтида кўчирилган қўлёзма нусҳасида¹⁵ «*вуқифа ало маишҳад Кусам*» деб аниқ ёзилган. Бу вақфнома нусҳасида «*Маишҳад Кусам*» сўзлари бор деган хулосага келишга асос бўлади. Бу вақфнома нусҳасидаги маълумот ҳижрий V асрда Қусам б. ал-Аббоснинг машҳади Самарқандда мавжуд бўлганини кўрсатади.

¹¹ Немцева, Н. Б., Медресе Тамгач Богра-хана в Самарканде, Афрасияб, 3, 1974, стр. 127, прим. 39. Немцева, О. Д. Чехович берган «» «ал-Мухит...» асаридан олинган маълумотларга асосланади. Немцева, шу асарлардаги маълумотлар Тафғоч-хон мадрасаси Кусам машҳади яқинида бўлганини кўрсатади деган фикрни ҳам беради. Унинг фикри «Мадраса ... муттасила би-машҳад кусам» деган жумлага асосланади. Бироқ, бу жумла фақат «Рисола Баҳоия» асарида бўлган. «ал-Мухит...» асарида «Мадраса ... муттасила би-л-машҳад» деб ёзилган, кимнинг машҳади бўлгани маълум эмас. Шунинг учун, Немцева фикрига қарши, «ал-Мухит...» Тафғоч-хон мадрасаси Кусам машҳади яқинида бўлганини кўрсатмаган. к.:J. M. Rogers, Adil Yasin, The origins and architectural development of the Shah-I Zinde, Iran, 15, London, 1977, стр. 62 ва Хмельницкий, С., К вопросу о Медресе XI века в Ансамбле Шахи Зинда, *общественные науки в Узбекистана*, 1993-11/12, стр. 47.

¹² *The origins...*, стр. 62.

¹³ Хмельницкий, стр. 47. к. Ҳам мазкур прим. 11.

¹⁴ Mohamed Khadr, deux actes de waqf d'un Qarahanide d'Asie Centrale, *JournalAsiatique*, 1967, p. 325; *The origins...*, стр. 62.

¹⁵ Suleymaniye 601 ҳижрий 587 йилда Самарқандда нусха кўчирилган. .

Кусам б. ал-Аббоснинг машҳади яқинига уламолар Дафн қилингани ҳақидаги маълумотлар «ал-Қанд...» асарида ҳам учрайди, жумладан:

а) ал-Имом ал-Хатиб Абу Муҳаммад Абдурахмон б. Яхё б. Юнус ал-Жикилий ҳижрий 516 йил Шайбон ойи 8-кунида вафот этиб, Қусамнинг машҳади яқинига дафн қилинган¹.

б) ал-Шайх Тоҳир б. Юнус б. Али ал-Фоний ҳижрий 519 йил Шаввол ойи 15-қунининг пайшанбаси тунида вафот этиб, «Бану ножия» макбарасига Қусам машҳади яқинига Дафн қилинди¹⁷.

в) аш-Шайх ал-Имом ал-Хатиб Умар б. Муҳаммад б. Аҳмад б. Аби Бакр б. ал-Хусайн б. Абдуллоҳ ал-Ҳаббоз ҳижрий 523 йил Ражаб ойи 6-қунининг сешанбаси тушида вафот этиб, Қусам машҳади орқасига дафн қилинди¹⁸.

г) аш-Шайх ал-Имом ал-ажал Ҳусомуддин Умар б. Абдулазиз ҳижрий 536 йил Рабиъ ал-Аввал ойи 27-куни пайшанбасининг тушидан кейин шаҳид бўлган. 4-қунинг яқшанбасида Тафғоч-хоннинг мадраса ҳовлисида унга жаноза намоз ўқилган, Қусам машҳади (яқини)га, «Бану Ножия» макбарасига, масжид дарвозаси ёнига, ал-Имом ал-Хатиб Масъуд б. ал-Хусайн (sic.? ал-Ҳасан) ал-Кушонийнинг қабри яқинига Дафн қилинган¹⁹.

Абу Саъд ас-Самоний у ҳақда қуйдагича маълумот беради:

д) Абу ал-Маолий Масъуд б. Ал-Ҳасан ал-Кушоний муваққат Самарқанднинг хатиби этиб тайинланган. Сўнгра, Қусам мадрасасида дарс берган. Ҳижрий 540(sic.! - 520) йилда вафот этган. Унинг қабри Самарқандда Қусам машҳади чиқиш (қўшни)ида жойлашган².

Юқоридаги ривоятлардан кўриниб турибди-ки, ушбу машҳад, масжид билан бирга “Бану Ножия” қабристони ичида (ёки яқинида) бўлган. Абу Тоҳир Хўжа (в. 1291/1874)нинг сўзига қараганда, Қусам б. (ал-) Аббос “Бану Ножия” қабристонида дафн қилинган³. Бу маълумотларга таянадиган бўлсак, Қусам б. ал-Аббос шаҳид бўлган вақтда “Бану Ножийа” қабристони мавжуд бўлган. Лекин ушбу маълумот XIX асрга оид бўлиб, унинг қанчалик ишончлигига бир нарсга дейиш қийин. “ал-Қанд ...”

¹⁶ al-Nasafi, al-Qand..., p.372.

¹⁷ *ibid.*, p. 288. Муаллиф (?) ўзи унга салот қилган деб ёзди.

¹⁸ *ibid.*, p. 488

¹⁹ *ibid.*, p.431, n. 746. Бу ривоят фақат Париждаги қўлёзмада келтирилган.

²⁰ Al-Sam'ani, f. 483b. Лондондаги Add. 23,355 ва Ст-Петербургдаги ИВ АН С Тексты, (Туркестан к эпоху монгольского нашествия, ч. 1), 1900, стр. 65. Бу сана Ҳусомиддин вафот этган санасига зиддир. Масъуд ал-Кушонийнинг ўлими Ҳусомиддиннинг ўлимидан олдин бўлиш керак. “Жавоҳир ал-мудийа” асарида ал-Самъонийнинг “ал-Ансоб” асаридаги маълумотга таянилган ҳолда, Масъуд ал-Кушоний ҳижрий 520 йилда вафот этган деб ёзилган. к.: Muhi al-Din Abu Muhammad 'Abd al-Qadir b. Muhammad, *al-Jawahir al-Mudiyah fi tabaqat al-Hanafiyah*, ed. 'Abd al-Fattah Muhammad al-Halw, 2 ed., Giza, 1993, vol. 3, p. 466. Бу сана тўғри бўлса керак.

²¹ Abu Tahir Khwajah, *Samariyah*, p.163.

асарида “Бану Ножия” қабристонини ҳақида куйидаги маълумотлар келтирилади:

е) Абу Туба Саид б. Ҳошим ал-Қоғазий хижрий 259 йил Рабиъ ал-аввал ойида Самарқандда вафот этган. У “Бану Ножия” (қабристон)га дафн қилинган¹.

Демак, “Бану Ножийа” қабристонини Сомонийлар давригача Самарқандда мавжуд бўлган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибди-ки, хижрий VI асрда баъзи уламолар Қусам машҳади яқинига дафн қилинган. Демак, Қусам машҳади атрофида қабрлар юзага келиб кенгайиб борган. Бундай ҳолатни қабристонларда ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Абу Мансур ал-Мотудийнинг қабри ва масжиди атрофида кенгайган “Чокар диза” мақбарисини келтириш мумкин².

Қусам машҳади атрофида Қабристонга уламоларнинг дафн этилиши машҳаднинг машҳур бўлишида муҳим рол ўйнаган. Юқорида қайид этилганидек, хижрий VI асрда Самарқандда яшаган уламолар ўртасида Қусам машҳадининг ҳақиқийлигига шубҳа билан қарашлари мавжуд бўлган уламоларнинг бу ерга дафн этилишлари шубҳаларни кучсизлантирган. Абу Ҳафс Умар ан-Насафийнинг сўзига қараганда, Қусам машҳади машҳур зиёратгоҳ бўлган³. Носируддин ал-Мутарризий (536 – 610/1143-1213) “ал-Муғриб фи тартиб муғриб” асарида маълумот беришича, Қусам б. Ал-Аббос дафн этилгани учун унинг номи билан юритилган маҳалла ва мадраса Самарқандда мавжуд бўлган⁴. Шу маълумот ҳам Қусам машҳадининг машҳурлигини кўрсатади. Кейинги асрларда Қусам машҳадини хорижлик мусулмонлар томонидан зиёрат қилинганлиги маълумотлар Ўрта Осиёдан ташқарида ҳам бу “мозор” машҳур бўлганлигидан далолат беради⁵.

Yukio Tamura

Mashhad of Qusam bin al-Abbas in the 5th-6th centuries AH

Down to VI/XII century, *Mashhad*, of the cousin of the prophet, Qutham b. al-Abbas in Samarqand had been famous. But, the other legend that he died in Merw indicates that there was a doubt about the genuineness of this *Mashhad* in

²² al-Nasafi, *al-Qand* ... p. 187

²³ Додхудаева, Л.Н., “Эпиграфические памятники Самарканды XI – XIV вв.”, т. 1, Душанба, 1992, стр. 73-75.

²⁴ al-Nasafi, *al-Qand* ... p. 677

²⁵ al-Mutarrizi, Abu al-Fath Nasir al-Din b. ‘Abd al-Sayyid, al-Mughrib fi tartib al-Mu`rib, ed. Mahmud Fakhuri & ‘Abd al-Hamid Mukhtar, Aleppo, 1979, vol. 2, p. 158. қ.: Волин, С.Л., Шохизинда ҳақида қадимги маълумот // СССР Фанлар академияси Ўзбекистон филиалининг Ахбороти. VI. 70 бет.

²⁶ Minhag al-Din, Abu ‘Umar ‘Uthman, *Tabaqat-I Nasiri*, trans. by H. G. Raverty, New Delhi, 1881, vol. 2, pp. 1257-8; Бартольд В. В., «Туркестан в эпоху монгольского нашествия», (Сочинения, ч. 1.) Москва, 1963, стр. 142-4

Samarqand. In the other hand, some of *'ulama* were buried around his *Mashhad* in Samarqand. The rise of its reputation as the pilgrimage place related with the concentration of tombs of *ulama*'.

Юкио Тамура

Машхад Кусамы бин аль-Аббаса в V-VI вв, хиджры

Известно, что *машхад* двоюродного брата пророка, Кусамы б. ал-Аббас находится в Самарканде. Однако, версия о том, что он умер в Марве, была сообщена до VI/XII века. Этот разногласие покажет, что было сомнение в подлинности до этого времени. С другой стороны, сообщено, что в VI/XII веке нескольких улама захоронили округа его *машхада* в Самарканде. Следовательно, слава *машхада* Кусамы б. ал-Аббас в Самарканде была усилена и *Машхад* являлся известным паломническим местом.

А. Ш. Сафаров

Ташкентский архитектурно-строительный институт

К проблеме вопроса бытия в философском учении Ибн Сины

Бытие в наше время определяется как бесконечный в пространстве и во времени объективный реальный мир, природа, первичная и существующая независимо от человеческого сознания¹. Это философское понятие, означающее существующий независимо от сознания объективный мир, материю, часто применяется к обществу с употреблением термина «общественное бытие»². При этом общественное бытие первично по отношению к общественному сознанию и существует вне и независимо от него. Материальная жизнь общества базируется на производстве материальных благ и на материальные отношения, которые складываются между людьми в процессе производства и реальной практической жизни общества. К тому же учитывается быт общественный и личный, на который накладываются глубокий отпечаток обычаи, нравы, традиции народов, такие духовные феномены, как идеология и культура.

Имеется определение философской категории бытия, обозначающей реальности, существующей объективно, вне и независимо от сознания человека³. При этом бытие приравнивается понятию объективной реальности. В то же время категория бытия при общей абстракции объединяет по признаку существования разные явления, предметы и процессы: природные объекты, их свойства, связи и отношения, отдельных людей и коллектив их, социальные институты и т. д. Кроме того эта категория отражает явление духа и субъективную реальность.

¹ Логический словарь – справочник. М.: 1975. – С.77.

² Философский словарь. 3-е изд. М.: 1975. – С.51.

³ Философский энциклопедический словарь. М.: 1983. – С.69.

В онтологии Ибн Сины бытие состоит из необходимо- сущего, которое есть первопричина, бог, начало всех существующих вещей, и возможно- сущего – всего остального. Объясняя состояние бытия и распространение его на многие вещи, он отметил, что «Бытие познается разумом без определения и без описания, ибо оно не имеет определения, поскольку у него нет ни рода, ни вида, так как нет вещи более общей, чем оно, и оно недоступно описанию, так как нет вещи более известной, чем оно»¹.

Объясняя предмет теоретических наук, Ибн Сина пишет, что предметом высшей науки- метафизики является абсолютное бытие и содержание её вопросов обусловлено состоянием бытия. Подтверждая эту свою мысль примером, пишет, что четность и нечетность, округлость и треугольность, длина присущи бытию не потому, что оно является бытием; сначала должно быть число, чтобы была четность и нечетность, так же как нужна величина, чтобы была округлость, треугольность и длина. Бытие белизны и черноты проистекает не из того, что они являются бытием, и не потому, что они является числом, величиной, а потому, что они свойственны телам, которые подтверждены движением и изменением.

При этом он поясняет, что всеобщее же и отдельное, возможность и действительность, вероятность и необходимость, причинность и причинная обусловленность, субстанциональность и акцидентальность существуют потому, что они присущи бытию как таковому, а не потому что оно (бытие) является количеством или подвержено движению. И далее он пишет, что точно так же присущи бытию единство и множество, тождество и противоположность и тому подобное. К тому же он дает рекомендации по изучению причины, присущие всякому бытию.

Великий мыслитель стараясь объяснить более тщательно данную проблему подчеркивает, что бытие первоначально делится на два вида: субстанцию и акциденцию.

При этом акциденция им рассматривается как то, что зависит от чего-либо другого, что является полным и действительным без нее или само по себе, или через что-либо иное, как белизна в одежде, поскольку она существует сама по себе или в вещах, благодаря которым она начинает существовать (тогда белизна содержится в них).

В своих произведениях Ибн Сина утверждает, что бытие состоит из нерасчлняемого единого и расчлняемого множества, причем второе вытекает из первого и содержится в нем. Множество проявляется не сразу, а постепенно, в форме причин и следствий. «Появление множества не делает необходимым, чтобы бытие вещей, проистекающих из первопричины, то есть творца, с самого начала было множеством;

¹ Ибн Сина. Избранные философские произведения. М. :Наука. 1980. – С. 106.

напротив, существо, происходящее из первопричины, сначала бывает единым существом, и в этом первоначально едином по отношению к первичному существу проявляется множество»¹, - указывает мыслитель.

Следовательно, все формы проявления бытия первоначально содержатся в едином. Существует естественный мир, его разнообразные реальные формы есть проявление первопричины. Затем в форме причинно – следственных отношений проявляются различные формы бытия. В дальнейшем удаляясь от первопричины, эти формы становятся самостоятельными и зависимыми только от непосредственно предшествующей причины. Поэтому различные вещи по отношению к необходимо- сущему находятся в различной степени зависимости. К тому же в процессе следствия свойства необходимо сущего передаются всем последующим сущим.

Научно обосновывая свою точку зрения, Ибн Сина утверждает: «Необходимо- сущее таково, что все (получающее) от него свое существование, необходимо существует, так как, в противном случае, у необходимо- сущего было бы такое состояние, которое у него не было, и тогда оно было бы необходимо- сущим во всех отношениях»². Объясняя состояние бытия и распространение его на многие вещи и поясняя субстанцию, Ибн Сино отмечает, что всякое вместилище, существование которого является полным и актуальным благодаря тому, что оно принимает, называется материей, а все то, что принято этой материей, называется формой. Затем пишет: «В соответствии с вышесказанным, форма является субстанцией, а не акциденцией. Почему бы ей не быть субстанцией? Ведь субстанция, актуально существуя по собственной сущности в чувственных вещах, становится субстанцией благодаря форме, которая является принципом этой субстанции. И как может быть (форма) акциденцией, если акциденция вторична по отношению к субстанции, а не является принципом субстанции? Следовательно, субстанция бывает четырех видов: первый – «Материя» как основа, в которой заложена, например, природа огня; второй – «форма» как сущность огня и природа его; третий – их единство как огненное «тело»; четвертый – как, например, «душа, отдельная от тела, и разум»³.

Таким образом, вещи образуются из материи и формы и они взаимосвязаны и не существуют одна без другой. Бытие – это то, что требует понимания, но не вид и не разновидность предметов. Бытие обусловлено видением бытия и пониманием его. И в этом отношении учение Ибн Сины и объяснение состояния бытия разумом человека

¹ Абу Али ибн Сина. Даниш - намэ. Сталинабад. 1957 - С. 201.

² Абу Али ибн Сина. Книга спасения // Антология мировой философии. М.: 1974 - С. 730.

³ Ибн Сина. Избранные философские произведения М. : «Наука». – 1980.- С. 107.

вызывают огромный интерес у ученых при формировании концепции ускоренного продвижения к высотам совершенства в государственном и общественном строительстве в нашей стране и интеграции ее в мировое сообщество.

А.Сафаров

**Ибн Сино фалсафий таълимотида борлиқ муаммоси
масаласига доир**

Барча даврларда сингар, бугунги кун фалсафасида ҳам борлиқ масаласи марказий ўринни эгаллайди. Борликни англаш ва ҳолисона, тўғри талқин қилиш шахс маънавияти ва тафаккурининг тараққиёт омилidir. Мазкур мақолада Ибн Синонинг борлиқ ҳақида қарашларига янгича, давр фалсафий жиҳатларини таҳлил қилишга ҳаракат қилинади.

A.Safarov

**The problems of being in the philosophical
thoughts of Avicenna**

The thesis is devoted to the research of the historico-philosophical works of Ibn Cina coming out as one of the important components of the rich and polyhedral heritage of Abu Ali ibn Sina and his contribution to studying history of philosophy of peoples in many regions including the Central Asia as well.

М. Бузруков

СамДУ тадқиқотчиси

**Мирзо Улугбек даврининг йирик шайхи –
Низомиддин Хомуш ҳақида**

XIV аср охири – XV асрнинг биринчи ярмида яшаб, фаолият кўрсатган нақшбандия тариқати пешволари қаторида Низомиддин Хомуш тез-тез тилга олинади. «Бунинг боиси шундаки, Низомиддин Хомуш ўз сафдоши Муҳаммад Порсо билан бирга Хожаи Бузург – Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг назарий ва амалий қарашларини Мовароуннаҳрда кенг жорий этиш ва ривожлантиришда катта хизмат қилган нақшбандиянинг шуҳратли намояндаларидан ҳисобланади»¹.

Ўрта асрларда яратилган агиографик манбаларда, хусусан Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс», Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат», Али Сафийнинг «Рашаҳоту айнил ҳаёт», Муҳаммад Қозининг «Силсилат ул-орифин», Аҳмад ибн Мустафо Тошқўпирзоданинг «Аш-шақоик ан-Нўмония», Муҳаммад Дорошукуҳнинг «Сафинатул авлиё», Али ибн Маҳмуд ал-Абивардийнинг «Равзат ус-соликин», Мавлоно Мир

¹ Валихўжаев Б. Мавлоно Хомуш // Мерос 1996 й. август № 12-13

Муҳаммад Тошкандийнинг «Манокиби Мавлоно Лутфуллоҳ», Муҳаммад Раҳимнинг «Сирож ус-соликин ва латоиф ул-орифин», Фулом Сарвар Лохурийнинг «Хазинат ул-асфиё», Носириддин Бухорийнинг «Тухфат уз-зоирин», номаълум муаллифнинг «Манокиби Ҳазрати Эшон» (Ҳожа Аҳрор – Б.М.) асарларида Низомиддин Хомушнинг фазилат, кашф ва кароматларига кенг ўрин ажратилган бўлсада, унинг таржимаи ҳолига доир маълумотлар жуда кам. Шунинг учун бўлса керак, у туғилган ва вафот этган йил ва жой номи аниқ кўрсатилмаган. Шунингдек, Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарларида ҳам Низомиддин Хомуш ҳақида қисқа бўлсада, муҳим маълумотлар учрайди.

Ана шу манбаларга асосланиб, қуйида Хомушнинг таржимаи ҳолига доир мулоҳазаларни баён этамиз. «Рашаҳот»даги «тўксон яшар бўлган эдилар»¹ деган маълумотга асосланиб Низомиддин Хомушни 1360-1450 йилларда яшаган дейиш мумкин. Амир Темурнинг сиёсат майдонига кириб келиши арафасида туғилган Хомушнинг асосий фаолияти Мовароуннаҳрда Халил Султон, Мирзо Улуғбек ва Хуросонда Шохруҳ Мирзо ҳукмронлиги даврида Самарқандда кечган. Худди шу даврда тасаввуфнинг хожাগон-нақшбандия тариқати бу ўлкаларда катта эътибор қозонди ва ижтимоий гуруҳларнинг барча табақалари орасида кенг ёйилди.

Ботирхон Валихўжаевнинг фикрича Низомиддин Хомуш Самарқандда туғилиб, бошланғич таълимни шу ерда олган². Аммо Самарқанд вилояти Тайлоқ туманига қарашли «Таллак» қишлоғи кексалари, аждодларидан ўтиб келаётган нақл-ривоятларга асосланиб бу ерда дафн этилган Хомушни асли Тошкентлик бўлиб, шажараси Шайх Зайниддин Кўйи Орифонга бориб тақалади дейишади. Демак, Хомуш Тошкентда туғилиб, дастлабки таълимни ҳам ўша ерда олган бўлиши мумкин³.

Таҳсилни Бухоро мадрасаларида давом эттирган Хомуш ўкиб юрган вақтларида Бухоро уламоларидан бирининг мажлисида Хожаи Бузург – Баҳоуддин Нақшбандни кўрган⁴. Шундан сўнг у кишининг биринчи халифаси Алоуддин Аттор раҳбарлигида Хожাগон тариқати ва Ҳазрати Хожаи Бузург сулуқларининг назарий ва амалий моҳиятини чуқур ўрганган.

Бунгача у ҳар хил риёзат (нафс хохиш қилган нарсалардан тортиниш, ўзини қийнаш – Б.М.) ва мужоҳадларга (нафсни енгиш йўлида курашиш –

¹ Али Сафий. Рашаҳот. Лакхнав 1897, 109 б. СамДУ кутуб. № 391036 /Кейинги ўринларда «Рашаҳот»

² Валихўжаев Б. Мавлоно Хомуш // Мерос 1996 й. август № 12-13

³ Бузруков М. Низомиддин Хомуш – хожাগон-нақшбандия таълимотининг намояндаси. //«Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро илмий симпозиум материаллари Тошкент-Самарқанд, Фан 2007, 350 б.//

⁴ Абдурахмон Жомий. Нафаҳот ул-унс. Лакхнав 1910, 359 б. СамДУ кутуб. № 42828 /Кейинги ўринларда «Нафаҳот»

Б.М.) машғул бўлиб, кўнглини тозалашга кўп сайи-ҳаракат қиларкан¹. Хомушнинг айтишича, Алоуддин Аттор хизматига кирмасдан олдин унда ҳар хил кароматлар кўп кузатилган. Масалан, борор масжидга борганда эшиклари кулф бўлса, унинг назари кулфга тушиши билан очилган ва бунга ўхшаш ҳодисалар кўп содир бўлган. Алоуддин Атторни Самарқандга ташриф буюрганини эшитган Хомуш унинг мулозаматига боради. Унинг асҳобларидан Абу Саъид Хомушга «Мавлоно кўп покиза экансиз, бу покизаликлардан кечиги вақт бўлмадимми?» дейди. Бу сўз Хомушга оғир ботади ва қарахт бўлиб, Атторни ҳузурига кирганда у ҳам шу сўзларни айтади. Аммо бу сўзлар унга оғир ботмайди, аксинча ҳосил бўлган қарахтлиги ҳам йўқ бўлади. Атторнинг бундай сўзлашининг мақсадини билгач, унинг хизматига қиради².

Низомиддин Хомуш шу даражада илоҳиёт кашфига берилган эканки, бунинг натижасида шу жараёнда қўлларининг қалтирашини ҳам сезмай қоларкан. Бу ҳолат, яъни жазабага берилиш таом тановул қилиш пайтида содир бўлса қўлларининг қалтираши натижасида қошиқдаги таомлар тўнларига тўкилиб тўнлари ҳамиша ёғли бўлиб юраркан. Бу ҳолатларнинг асл сабаблари аён бўлгунча мавлононинг муршиди Алоуддин Аттор ҳам ундан ҳайрон қолган ва унинг олдини олиш учун уринган. Аммо Низомиддин Хомуш кайфиятининг моҳияти аён бўлгач «Ҳақ субҳонаҳа ва таоло ўзига шунчалик машғул этган кишини биз бу йўлдан қайтара олмасмиз» деган³.

Носириддин Бухорийнинг ёзишича Низомуддинда «истиғроқ» (инсоннинг шавқу-завқ, ҳаяжон билан ўзини билмас даражада фикрга, ҳайратга чўмиши – Б.М.) ва «ҳол»нинг (сўфий қалбида беихтиёр ўз-ўзидан пайдо бўладиган руҳий кечинма. Ҳол Ҳақ тухфаси ва ҳадяси бўлиб, инсоннинг иродаси ва ҳаракатига тобе эмас – Б.М.) ғалабаси одат бўлганлиги учун «Хомуш» лақабини олган⁴.

Алоуддин Атторни хизматига кирган Хомуш у билан Бухорога, сўнг Чағониён (Денов)га боради. Сидқи дилдан хизмат қилиб, пирининг ишончини ва меҳрини қозонгач Самарқандга қайтиб, мустақил фаолият кўрсатади. Нақшбанддан сўнг тариқатни бошқарган, иккинчи халифаси Муҳаммад Порсо (1345-1419) Самарқандга ташриф буюрганида унинг суҳбатига бўлади. В.В. Бартольднинг фикрича Муҳаммад Порсонинг Самарқандга келиши Улуғбек хукмронлигининг биринчи йилларида бўлган⁵.

¹ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Т., Фан 2001, 275 б. /Кейинги ўринларда «Насойим ул-муҳаббат»

² «Рашаҳот», 108 б.

³ «Нафаҳот», 360 б.

⁴ Носириддин Бухорий. Тухфат уз-зоирин. Бухоро 1908, 57 б. Сам. давлат музей кўрик. кутуб. № 4369/62 /Кейинги ўринларда «Тухфат уз-зоирин»

⁵ Бартольд В.В. Улуғбек и его время. Сачинения том-2 часть-2 М., Наука 1964, с. 122 /Кейинги ўринларда «Улуғбек и его время»

Низомиддин Хомуш шу даражага етган эдики, Алоуддин Аттор унга ишониб муридлар тарбияси билан шуғулланишни топширади, худди Баҳоуддин Нақшбанд бундай вазифани Алоуддин Атторга ишониб топширганидек. Масалан, Алоуддин Аттор кўрсатмаси билан қомусий билимлар соҳиби, «Мирзо Улуғбекка риёзиёт илмидан сабоқ берган»¹ Саййид Шариф Журжоний (1339-1413) Хомуш «суҳбатининг баракотидан» ўз мақсадига етади². Журжонийни Алоуддин Аттор ўзидан ташқари Баҳоуддин Нақшбанднинг яна учта халифаси турганда Хомуш суҳбатига ҳавола қилиши унга билдирилган жуда катта ишончни ва Хомушни илму-тариқат бобида юқоридаги авлиёлардан кам бўлмаганлигини кўрсатади.

Низомиддин Хомуш Алоуддин Аттор ҳаётлигидаёқ (1400 й.в.э.) муршид сифатида ном қозонган ва пирининг илтифотида сазовор бўлган эди³. У Муҳаммад Порсонинг вафотидан (1419) сўнг нақшбандия тариқатининг Ўрта Осиёдаги энг йирик вакилига айланади, ва ўз сафдоши Яъқуб Чархий (Баҳоуддин Нақшбанднинг тўртинчи халифаси, 1447 й.в.э.) билан биргаликда тарихчи Хондамир томонидан «Мовароуннаҳр шайхлари ва Нақшбанд таълимотининг асровчилари» дея эътироф этилади⁴.

Айрим тадқиқотчилар тариқатнинг Самарқанддаги пиру муршиди бўлган Низомиддин Хомушни ҳатто «Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг бевосита халифаси»⁵ деб ҳисоблайдилар. Айримлари эса уни Улуғбек ўлимида ноҳақ айблайдилар⁶.

Жомийнинг Н. Ломеъий томонидан усмонли туркчага ўгирилган «Нафаҳот ул-унс»ида ёзилишича Тошкентдан илм ўрганиш мақсадида йигирма ёшида саёҳатга чиққан Хожа Аҳрор Самарқанддаги Улуғбек мадрасида мударрислик қилаётган Низомиддин Хомуш «ҳол»ини, «истигроқ»ини ва жазбасини эшитиб мадрасага келиб, ундан дарс олган⁷. Бу маълумотларни Аҳмад ибн Мустафо Тошқўпирзоданинг (1561 й.в.э.)

¹ Ҳомидов Х. Қирқ беш аллома ҳикояти. Т., Фан 1995, 138 б.

² «Рашаҳот», 107 б.

³ «Рашаҳот», 113-114 б.

⁴ «Улуғбек и его время», с. 124

⁵ Каттаев К. Манба ва талкин // Имом ал-Бухорий сабоқлари 2004 й. № 4

⁶ Каттаев К. Хожа Аҳрор Вали. Гулистон 1991 й. № 3 / Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Даҳбед тарихи. С., 1994, 69 бет/ Тўлқин Ҳайит. Улуғбекнинг ўлдирилишида Хожа Аҳрорнинг қўли борми? //Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар Т., Ўзбекистон 1994- 335 б.// Салоҳий Д. Ўзбекистон истиқлолининг илк неъматини Академик Б. Валихўжаевнинг бир туркум асари ҳақида сўз. //Истиқлол ва умрбоқий ижод С., СамДУ 2002- 176 б.// Каттаев К. Хожа Аҳрор Вали ва Мирзо Улуғбек муаммолари талқини. С., 2004, 5, 24-40 бетлар/ Каттаев К. Манба ва талқин. Имом ал-Бухорий сабоқлари 2004 й. № 4/ Каримов С.Мирзо Улуғбек ва Хожа Аҳрор ўртасидаги муносабатни англаш ҳолисона фикрлашни тақозо этади Зарафшон 2004 й. 13 май № 59/

⁷ Валихўжаев Б. ва бошқ. Хожа Аҳрори Валий // Ўзбекистон овози 2004 й. 13 апрел № 45

«Аш-шақоик ан-Нўъмония» асарида ҳам ўқишимиз мумкин¹. Тариқат раҳнамосининг Улуғбек мадрасасида мударрислик қилгани жуда эътиборли ва қизиқарли ҳолдир. Чунки мударрисларни Мирзо Улуғбекнинг ўзи бошқарган².

Мавжуда Раззокованинг ёзишича Хожа Аҳрор Валий ёшлик йилларида Самарқанд ва Бухородан ўзини кониктирадиган пир тополмайди. XV асрда Мовароуннаҳрда муршид сифатида ном қозонган шайх бу Низомиддин Хомуш эди. Хожа Аҳрор Валий Низомиддин Хомуш билан яқин алоқада бўлгани, уни Тошкентга ўз уйига олиб келганлигига қарамай, нима учундир унга қўл бермайди. Хожа Аҳрор Валийнинг Самарқанд ва Ҳиротда кўп вақт бирга бўлган кадрдон дўсти, кейинчалик Абдурахмон Жомийга пир бўлган Мавлоно Саъиддин Қошғарий эса Мавлоно Низомиддин Хомушнинг муриди эди³.

С.Ш. Журжоний, С. Қошғарий, Хожа Аҳрор Валилардан ташқари Самарқанд шайх ул-исломи Хожа Исомиддин, Мавлоно Қосим Анвор Табрезий ва бошқалар ҳам Мавлонони ўз муршидлари деб эътироф этганлар⁴.

Академик В.В. Бартольд Хондамирга таяниб⁵, академик Б. Валихўжаев эса Мирхондга таяниб⁶ Мирзо Улуғбек Қосим Анворнинг муриди бўлганлигини ёзадилар.

Низомиддин Хомуш тариқат раҳнамоси сифатида ўша давр ижтимоий-сиёсий, мафкуравий ҳаётида ҳам фаол иштирок этган. Масалан, 1422 йили Улуғбек билан бирга Ироқ ва Озарбайжон юришидан ғалаба билан қайтган Шохруҳни табриклаш учун Ҳиротга боради ва икки ой у ерда бўлади⁷.

XV асрнинг 30-40 йилларида Низомиддин Хомуш турли шаҳарларга сафар қилган. Хусусан, Тошкент, Паркент шаҳарларида бир неча бор бўлиб, муридлар билан суҳбатлар қилганлиги, яъни хожагон-нақшбандия таълимотининг мазмун-моҳиятини тушунтириб, тарғиб қилганлиги манбаларда келтирилган. Унинг қачон қайтганлиги маълум эмас. Самарқандга қайтиб келганларида бир тухмат билан сазойи қилинганларки, бу воқеа Мавлонони қаттиқ ранжитган ва бу тухматнинг асосизлигини била туриб, у кишини қўллаб-қувватламаган шайх ул-ислом Хожа Исомиддин Мавлононинг ғазабларига учраб, тезда вафот этган. Бундан олдинроқ Низомиддин Хомуш Исомиддиннинг касалини ўзига

¹ Бухорий С.С. Табаррук зиёратгоҳлар. Т., Ёзувчи 1993, 36 б.

² Тахиров М. Педагогические взгляды Мирзы Улугбека. Т., Фан 1984, с. 61

³ Раззокова М. Мавлоно Яъқуб Чархий – Хожа Аҳрорнинг пири // Имом ал-Бухорий сабоқ. 2004 й. № 2

⁴ Валихўжаев Б. Мавлоно Хомуш // Мерос 1996 й. август № 12-13

⁵ «Улугбек и его время», с. 132

⁶ Валихўжаев Б. Хожа Аҳрори Вали. С., Зарафшон 1993, 53 б.

⁷ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Т., Фан 1969, 304 б.

олиб, уни тузатган эди¹. В.В. Бартольднинг фикрича шайх ул-ислом Хожа Исомиддин Улуғбек ҳукмронлигининг сўнги йилларида вафот этган. 1434 йилда у Улуғбек билан бирга Ҳиротда бўлган².

Бизнингча Низомиддин Хомуш бундай ҳақоратланганидан сўнг яна Тошкентга кетган ва ўша ерда касаллик туфайли вафот этган. Уни нечанчи йилда вафот этганлиги манбаларда кўрсатилмаган. «Рашаҳот»да келтирилган бир ҳикояга асосланиб биз у кишини 1450 йилнинг кишида вафот этган деб ҳисоблаймиз³.

Бизнингча Низомиддин Хомуш Улуғбек ўлдирилганда Тошкентда бўлган. Чунки, Абдуллатиф томонидан обрўли имомларнинг судини ташкил этиш ва ўтказиш, фатво чиқариш, отаси ўлимини тайёрлаш ва амалга ошириш жуда қисқа тезликда, икки-уч кун ичида амалга оширилган⁴. Бу ва юқоридаги фикрларимиз Мирзо Улуғбек ва Низомиддин Хомуш муносабатларини манбалар асосида жиддий, ҳолисона тадқиқ этишни тақозо этади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги Таллак қишлоғи аҳолиси Низомиддин Хомушни ўз қишлоғида дафн этилган деб ҳисоблайди. Биз ўз тадқиқотимиз давомида Хомушни бу ерда дафн этилгани ҳақида маълумот топа олмадик. Аксинча, унинг қабри Тошкентда, Қафқол Шоший мақбарасида эканлигини аниқладик⁵.

Мавлоно Низомиддин Хомушда хожагон-нақшбандия тариқати пирларига хос бўлган барча фазилатлар мужассам бўлган ва булар у кишининг шуҳратини халқ орасида ошиб боришига хизмат қилган. Масалан, беморни касалини ўзига олиб сўнг ўзидан чиқариб юбориш, келажакни кўра олиш, кашфи кубур (қабрдагиларни ҳаётда ким бўлганлигини билиш, уларни руҳлари билан мулоқот қилиш), муридлар ва яқинларини аҳолини ўз бошидан кечириш ва бошқа кароматлар бўлган. Унинг бундай кароматларига оид мисоллар манбаларда жуда кўп келтирилган.

«Музаққир аҳбоб» асарини ўзбек тилига таржима қилган И.Бекжон изоҳ қисмида Хомушнинг асарлари бизгача етиб келган дейди⁶. Биз эса ҳозирча бу ҳақда маълумотга эга эмасмиз.

«Рашаҳот»да Низомиддин Хомушни оилали ва фарзандли эканлигига ишора бор⁷. Унинг ўғли Амир Ҳусайн Хожа Аҳрорнинг пирлик

¹ «Нафаҳот», 361 б.

² «Улуғбек и его время», с. 162

³ «Рашаҳот», 114-115 б.

⁴ Булгаков П.Г. К биографии Улуғбека // Общественные науки в Узбекистане 1969 г. № 8-9 с. 100

⁵ Бузруков М. Низомиддин Хомуш ва Таллак қишлоғи // СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси 2007 № 4 21-24 б.

⁶ Ҳасанхожа Нисорий. Музаққир аҳбоб. Т., А.Қодирий ном. халқ мероси наш. 1993, 301 б.

⁷ «Рашаҳот», 109-110 б.

даражасига етган муриди бўлган¹. Қабри Шовдор (ҳозирги Тайлок – Б.М.) туманидаги Таллак қишлоғида².

Хуллас, Низомиддин Хомуш XV асрнинг биринчи ярмида Самарқандда фаолият кўрсатган Мовароуннаҳр ва Хуросонда катта обрў-этиборга, хурматга сазовор бўлган, ўша давр ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мафкуравий ҳаётида ўзига хос ўрин тутган накшбандия тариқатининг энг йирик вакили эди. Унинг ҳаёти ва фаолиятини манбалар асосида холисона ёритиш зарур. Чунки XV асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда бўлиб ўтган маънавий-мафкуравий жараёнларни тушунишда Низомиддин Хомуш фаолияти ва тарихий ролини баҳоламасдан ўтиш мумкин эмас. Шунингдек, Низомиддин Хомуш Улуғбек даврининг кўпгина муаммоли, баҳсли ва ўрганилмаган жиҳатларини очиб берувчи калит десак ҳеч муболага бўлмайди.

M.Buzrukov

Nizamuddin Khomush – the famous sheikh of Mirzo Ulughbek period

The article is dedicated to one of the major masters of Khodja Ahrar – Nizamuddin Khamush, who lived in 1360-1450. As the head of khodjagan-naqshbandiyya tariqat he held his activities mainly in Samarkand during Ulughbek`s reign.

М. Бузруков

Низомиддин Хомуш – видный шайх эпохи Мирзо Улугбека

Статья посвящена одному из главных учителей Ходжи Ахрара – Низамиддину Хамушу, который жил примерно в 1360-1450 годах. Его основная деятельность, как главы братства ходжаган-накшбандийа проходила в Самарканде во время правления темурида Улугбека.

т.ф.н. К.К. Пардаев

Тошкент давлат техника университети

XVI-XVIII асрлар адабий ҳаёти ва илм-фани ривожиди

Миёнколнинг ўрни.

Миёнкол Зарафшон водийсининг ўрта қисмида, Зарафшон дарёсининг ирмоқлари Оқдарё ва Қорадарё оралигидаги худудда жойлашган воҳадир.

XVI-XVIII асрларда Бухоро хонлигининг тасарруфида бўлган Миёнкол шоир, олим, ҳаттот ва санъаткорлари билан тарихда ўзига муносиб из қолдирган. Миёнкол худудидаги Офаринкент, Иштихон, Даҳбед, Лоиш, Соғарж, Янгиқўрғон каби жойлар узоқ тарих давомида мавжуд бўлиб қолмай манбаларда ўша даврларнинг нафақат ижтимоий-

¹ «Насойим ул-муҳаббат», 281 б./ «Тухфат уз-зоирин», 59 б.

² Абу Тоҳирхожа. Самария. Т., Камалак 1991, 54 б.

сиёсий, балки илмий ва маданий ҳаётида маълум из қолдирган мавзелар ва марказлар сифатида тилга олинади.

Миёнколнинг илмий-адабий ҳаётини ўрганиш у ердан етишиб чиққан олиму фозиллар, шоиру санъаткорлар билан боғлиқ, албатта. Маълумотларга кўра Миёнкол ҳам фалсафа, адабиёт ва санъатнинг турли соҳалари билан шугулланган олиму фозилларига эга бўлган. Манбаларда Соғаржий, Даҳбедий ва Миёнколий нисбасини ўзига муносиб кўрган фозилу олимлар, шоир, ҳаттот ва хунармандларнинг кўплаб номлари учрайди. Хусусан XVI асрда яшаб ижод этган Аминий Даҳбедий, Зоҳид Даҳбедий, Ҳошим Даҳбедийлар соҳибдевор шоирлар сифатида танилган бўлсалар, XVII асрда Ҳофиз Абдулло Навмед Даҳбедий ҳам шоир, ҳам мусиқа илми билимдони сифатида обрў қозонган. Мулло Муҳаммад Даҳбедий деган хушхат котиб эса 1853 - 1854 йилларда Алишер Навоий “Чор Девони”нинг сайланмасини гўзал қилиб кўчириб навоийхонларни мамнун этган.

Ўзларига Миёнколий нисбасини қабул қилган Қосим Коҳий, Завқий, Собит, Қатлий, Курайший, Нозимий, Мино каби шоирлар, ҳамда Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Абдурахмон Жомий асарларини чиройли қилиб кўчирган Абдушукур ибн Мулло Поянда Наҷжор Миёнколий, Муҳаммад Худойқул Миёнколий, Мирзо Юсуф Миёнколийлар ҳам аслида Миёнколда туғилиб, вояга етиб ўзларига Миёнколий нисбасини лойиқ кўрганлар¹.

Асл исми Саййид Аҳмад Хожаги ибн Саййид Жалолиддин Косоний (1463/64-1542) умрининг асосий қисмини Даҳбедда ўтказиб 1542 йилда у шу ерда дафн қилинган. Саййид Жалолиддин Косоний манбаларда Маҳдуми Аъзам Даҳбедий номи билан тилга олинади. Маҳдуми Аъзам мовароуннаҳрлик аллома, йирик диний арбоб, нақшбандия тариқатининг раҳнамоси ҳисобланган. Маҳдуми Аъзамнинг шуҳрати Мовароуннаҳр ҳамда унинг атрофидаги мамлакатларга ёйилди. Заҳриддин Муҳаммад Бобур Маҳдуми Аъзамга бағишлаб рубоийлар ёзди. Маҳдуми Аъзам ҳам Бобур ҳақидаги “Бобурия” рисоласини ёзиб, Ҳиндистонга жўнатган. Шайбоний ҳукмдорлар Маҳдуми Аъзамни ўзларининг пири деб билганлар.

Маҳдуми Аъзам тасаввуф назариси ва амалиёти, хусусан, нақшбандийлик таълимотини ривожлантирди. Унинг “Асрор ун-никоҳ” (Никоҳ сирлари), “Ганжнома” (Бойлик ҳақида рисола), “Рисолат ун-самъиййатун” (Самоъ рисоласи), “Баёни зикр” (Зикр баёни), “Рисолаи силсилаи Хожагон” (Хожагон силсиласига оид рисола), “Рисолат ун-вужудиййатун” (Вужудлар ҳақида рисола) каби 30 дан ортиқ рисоласи бор. Бу асарларда уламолар, сўфий шайхлар ва давлат арбоблари орасидаги муносабатларга оид масалалар таҳлил қилинган. Маҳдуми Аъзамнинг

¹ Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. - Т.: Ёзувчи, 1994. - Б. 52-53.

асарлари ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар жамғармасида сақланмоқда¹. Манбаларда Соғаржий нисбасини ўзига қабул қилган Хожа Яхё Соғаржий, Нажжор Соғаржий, Амир Абубакир Соғаржий, Бурхониддин Соғаржий, Ҳажрий Соғаржий, Саъдулло Соғаржий, Боқи Муҳаммад Соғаржий, Мирзо Қосим Соғаржий каби ўнлаб олиму фозил, шоир, ҳаттот ва хунармандларнинг номлари тилга олинган. 1843 йили март ойида Самарқанд тарихига доир “Қандияи Хурд” деб аталган китоб Янгикўрғон (Душанба кўрғон) мавзесидаги Галла Работ масжидида Муҳаммад Шариф ибн Ражаббой Сўфи Каттакўрғоний деган котиб томонидан кўчирилган. Бу китоб ҳозирда ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар жамғармасида сақланади².

XVIII аср охири ва XIX асрнинг 70 - йиллари оралиғида Миёнкол худудидаги Янгикўрғон шаҳрида Вола исмли зуллисонан шоир яшаб ўтган. Вола - замонасининг таниқли шоирларидан биридир. У ўз ғазаллари билан анча шуҳрат қозонган. Вола ҳақида баъзи бир адабиётларда қисқача маълумотлар келтирилган. Эшонхўжаи аъмо (ожиз эшонхўжа), халқ таъбири билан айтганда, Эшони Вола, тахминан 1786-1793 йилларда Бухоро амирлигига қарашли Янгикўрғон шаҳрида қози Мириноятуллахўжа оиласида дунёга келади. У туғма кўр бўлсада, фавқуллодда кучли ақл, хотира, қобилият ва ёқимли овоз эгаси бўлган.

Шоир амирликни ларзага солган хитой-қипчоқлар қўзғолонига (1821-1925) ҳайрихоҳлик билан қараган, халқ бошига тушган машаққатларни у билан бирга кечириб жабрдийдалар ҳуқуқларини ҳимоя қилган ва илғор кайфиятлари учун амир томонидан исканжага олинган. Вола 1289 ҳижрий (1872) йилда қашшоқликда ва муҳтожликда вафот этади. Шоир ўзбек ва тожик тилида икки девон тузган бўлсада, улар ҳозиргача топилган эмас³.

Воланинг отаси адабиётга қизикқан, катта кутубхонаси бўлган. Вола ҳақида Возеҳнинг “Тухфат ул - аҳбоби - фи тазкират ул - азҳоб” тазкирасида маълумотлар берилган. Воланинг бизгача 3000 мисрадан ортиқ ғазалиёти етиб келган⁴.

Вола ўз ғазалларидан ташқари бир неча шоирларнинг ғазалларига мухаммаслар ҳам ёзган бўлиб, қуйида бу ғазал ва мухаммаслардан баъзи бирларини келтириб ўтамыз.

Ғазалларидан парча:

Ёшурмиш оразин ул ой ниқоби мушқфом ичра,

Ниҳон бўлғон киби кўздин қуёш рухсори шом ичра,

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5 - жилд. - Т., 2003. - Б. 526.

² Валихўжаев Б. Хожа Ахрор тарихи. - Т.: Ёзувчи, 1994. - Б. 56.

³ Асрлар нидоси /Ўзбек адабиётидан намуналар/. - Т., 1982, - Б. 145. Асрлар нидоси /Ўзбек адабиётидан намуналар/. - Т., 1982, - Б. 145.

⁴ Бекмуродов И. Каттакўрғоннинг қисқача тарихи. - Самарқанд, Зарафшон, 1993. - Б. 9-12.

Жаҳон боғида умредурки бир гул васлини истаб,
Қилурмиш Вола булбулдек наволар ҳар мақом ичра.
Навоий ғазалига мухаммас:

Қилмағайсан андин ўзга ёр васфин гуфтуғу,
Истасанг икки жаҳон боғида гулдек обрў,
Воладек доим ул ой васлини этгил жустужў,
Эй Навоий, умри жовид айлар эрсанг орзу,
Бас, жаҳоннинг нақдини ул лаъли руҳафзоға соч.
Маҳзун ғазалига мухаммас:

Янги ойдек қоши фикрида қаддим турфа зор эрди,
Лабини ҳасратидин ҳам ҳазин жоним фиғор эрди,
Висоли бодасидин Вола кўп умидвор эрди,
Қиё боқғайму деб, Маҳзун, кўнгул кўп интизор эрди,
Бихамдиллаҳки, мижгон новакидин баҳраманд этти.
Ҳофиз ғазалига мухаммас:

Бувад ин Вола камтар аз сағони орифон ҳарчанд,
Ба амри шаҳ ба рўҳи Хожа шуд, лекин таважжухманд,
Чи мумкин варна дар абёти у ҳарфе кунад пайванд,
Ба шеъри Ҳофизи Шероз мехонанду мерақсанд,
Сияхчашмони кашмирию туркони самарқандий¹.

Шоир Воланинг инсоний комилликни тарғиб этувчи туркий ва форсий тилларда битилган бу ғазаллари илмий-фалсафий, ижтимоий-ахлоқий мазмунларга тўла. Унинг ғазалларида инсоннинг моҳияти ва унинг ҳаётдаги ўрни каби масалалар муслмонлик эътиқоди нуқтаи-назаридан чуқур таҳлил қилинган. Вола ўз ғазалларида маънавий-ахлоқий масалаларни ёритиш билан туркий адабиёт ривожига муносиб ҳисса қўши, тарихда ўчмас из қолдирди.

Юқорида номлари тилга олинган Миёнколдан етишиб чиққан олиму фозиллар, шоирлару санъаткорларнинг илмий-адабий мероси ҳозирги пайтгача алоҳида ўрганилиб, илмий муомалага киритилмаган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, XVI- XVIII асрларда Миёнкол туманларида илмий-адабий ҳаёт ўз йўлидан ривожланиб борди. Минёкол воҳасида туғилиб вояга етган олиму фозиллар, шоирлару санъаткорлар асрлар давомида Бухоро хонлигининг илмий-адабий ҳаётида маълум из қолдириб, тарих саҳифаларидан ўзларига муносиб ўрин эгаллаганлар.

Умуман XVI-XVIII асрларда Бухоро хонлигининг тасарруфида бўлган Минёколнинг илмий-адабий ва маданий ҳаёти ўзига хос ривожланиш йўлидан борди.

¹ Асрлар нидоси /Ўзбек адабиётидан намуналар/. - Т., 1982, - Б. 146, 150, 154, 156.

K.Pardaev

Role and place of Miankal in the development of literature and science of the 16th- 18th centuries

The article analyzes the creative activity of scholars, scientists and poets of XVI-XVIII centuries, originated from Miankal oasis situated in the valley of Zerafshan river: Akdarya and Karadarya, in the middle part of Zerafshan valley. The author considers the scientific activity of scholars which had the important role in the scientific, spiritual and cultural life of ruled dynasties of that time.

К. Пардаев

Место и роль Мианкаля в развитии литературы и науки XVI-XVIII веков

В данной статье коротко анализируется творческая деятельность ученых, научных деятелей и поэтов XVI-XVIII веков, вышедших из Мианкальского оазиса, находящегося между рукавами реки Зеравшан: Акдарья и Карадарья, в средней части Зеравшанской долины. Автором рассматривается научная деятельность ученых, игравших важную роль в научной, духовной и культурной жизни правивших династий того времени.

Ю.М. Рахманова

Урганч Давлат университети ўқитувчиси

Хива шахрининг маориф ва таълим тарихидан (XIX аср охири - XX аср бошлари)

XVIII аср ўрталарида мамлакатда кузатилган сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётдаги инкироз шу асрнинг 60-йилларидан бошлаб ҳокимиятни бошқарган кўнғирот уруғига мансуб иноқлар томонидан аста-секинлик билан бартараф этила бошланди. XIX аср биринчи чорагида бу борадаги ўзгаришлар яққол кўрина бошланди. Маданий ҳаёт соҳаларида муайян ўсиш кўзга ташланди. Хусусан маориф ишлари йўлга қўйилди, мадрасалар сони кўпайиб, ўқитиш савияси ортиб борди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, Хива хонлари мамлакатда таълим, илм-фан ривожига алоҳида эътибор билан қараганлар. Хива хонлари, амалдорлар ва бадавлат кишилар илм-маърифатни ва уни тарқатувчи уламо-ю фузалоларни ниҳоятда қадрлаганлар, ўз маблағларига илм масканлари-мадрасалар бино қилишни ўзларига шараф деб ҳисоблаганлар¹. “Мадраса ёки ўқув юртлири Ўрта Осиёда мамлакатнинг бойлигини ва диний маълумотини билдиради. Улар учун жуда катта маблағ ажратилади. Хукумат ҳам, хон ҳам, халқнинг

¹ Shir Muhammad Mirab Munis and Myhammad Riza Agahi. Firdavs al-iqbal: History of Khorezm / Edited by Yuri Bregel. T.J.Brill. – Leiden-New York-Kobenhavn-Koln, 1988. - P. 145,303,306; Мухаммад Ризо Огахий. Ишк ахлининг гумори. Танланган асарлар. Халқ мероси нашриёти. Т.: 1999. - Б . 227 .

ўзи ҳам жуда жон куйдиради”,-дея қайд этган эди рус муаллифларидан бири¹.

XIX аср охири - XX аср бошларида Хива хонлигининг пойтахти Хива шаҳрида бошланғич мактаблар кўп бўлиб, улар асосан масжидлар хузурида ташкил этилган. Бу мактабларда фақат ўғил болалар ўқитилиб, уларга араб имлоси, диний адабиётлар, шариат қонунлари, айрим ҳисоб-китоб усуллари ўргатилган, хунармандчиликдан сабоқ берилган². Айрим имомларнинг саводли аёллари ўз уйларида аҳолининг ўзига тўқ оилалари қизлари учун мактаблар ташкил қилиб, уларнинг хат-саводларини чиқаришга ҳаракат қилганлар. 7-8 ёшларида мактабга қабул қилинган болалар “Абжад”, “Ҳафтияк”, “Чор китоб”, “Мантиқ” китоблари, Сўфи Оллоёр, баъзи мактабларда Хўжа Хофиз, Бедил, Фузулий девонларини етти - саккиз йил давомида ўрганиб чиққанлар. Шу билан бошланғич таълим ниҳояланган³.

Мактаб босқичларини тугатгач, иқтидорли ўқувчилар ўз ўқишларини олий даргоҳ-мадрасаларда давом қилдирганлар. Хива шаҳри Ўрта Осиёда Бухородан кейин мадрасаларининг кўплиги жиҳатидан иккинчи ўринни эгаллаган⁴. Уларда кўшни Бухоро, Кўкон, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Яқин Шарқ мамлакатларидан турли миллат вакиллари ҳам келиб таълим олганлар⁵. Шерғозийхон мадрасасида 1750-1752 йиллари машҳур туркман шоири Махтумкули таҳсил кўрган⁶.

Шаҳар мадрасаларида Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларидаги каби ўқиш уч босқичда олиб борилган: “адно”- бошланғич, “авсат” - ўрта, “аъло”- охирги курс. Талабаларга араб грамматикаси, мантик, шариат қоидалари, диний адабиётлар ўқитилган. Шунингдек, улар илоҳиёт, мантик, ҳуқуқшунослик ва бошқа фанларни ҳам кунт билан ўрганишган. А.Вамбери Хива мадрасаларида диний адабиётларнинг ўқитилишини Бухорога караганда камроқ эканлигини қайд этади⁷. Мадрасани тугатган талабалар махсус ҳайъатга имтиҳон топширганлар. Ҳайъат хон томонидан тузилиб, таркибида хоннинг ўзи, кўпинча валиаҳд, Қози калон (бош қози), Қози ўрда (шаҳар қозиси ва бир қанча уламолар бўлган. Имтиҳонни муваффақиятли топширган талабалар муфти, аълам, охун, муқаррир

¹ Наши соседи в Средней Азии / Туркестанский сборник. – Спб., 1873. Т. 54. – С. 117.

² О народном образовании в Туркестанском крае // Туркестанский сборник. - Спб, 1869. Т. 6. - С. 295.

³ Абдураулов А. Хива (тарихий-этнографик очерклар). -Т.: Ўзбекистон, 1997. - Б. 42, 43 .

⁴ Желябуцкий Е. Очерки и завоевание Хивы (съ 9-картинами). - М, Издание народного журнала Грамотей , 1875. - С.229-230; О народном образовании в Туркестанском крае / Туркестанский сборник. -Спб, 1869. Т. 6.-С. 295.

⁵ Муталов О. Оллоқулихон ва маърифат // Имом ал-Бухорий сабоқлари.- 2002. - № 1.- Б. 41.

⁶ Махтумкули. Сайланма. Хуш қол Шерғозий. Т.: Шарқ, 2004. - Б. 29; Ғойибов М., Рўзимбой Ҳасан, Олимжон Раззоқ. Хива таботати. Т.: Ибн Сино, 1995.-Б.24-28.

⁷ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии ... - С . 171 .

(мадраса котиби) унвонига эга бўлганлар¹. Шунингдек, уламолар ҳам имтиҳон қилинганлар. Хусусан, 1828 йил Оллоқулихон ташаббуси билан уламолар шундай имтиҳондан ўтганлар².

Мадрасаларнинг иқтисодий таъминоти вақф ерларидан келадиган даромад ҳисобидан эди. Мадрасалар қуриб битказилиши биланок хон ёки бадавлат кишилар томонидан уларга вақф ерлари ажратилиб, мол-мулк мухрланган³. Вақф ерларидан келадиган даромадни мутаваллилар бошқарарди⁴. 1807 йилга оид қуйидаги вақфнома мадрасаларни вақф орқали таъмин этиш ҳақида муайян тасаввур беради. “Вақфнома масжид ва мадраса Давлат Қора Кўз. Ҳижрий 1244. Тарих 1244да иқдор шаъри қилинди. Мевастон (Дишан қалъада-Ю.Р.) мавзеида уламолар жамлашиб бир масжид мадраса бошлатдилар. Анга бир неча бўлак ерлар вақф этилди. 1-бўлаги 25 таноб, 2-бўлаги 20 таноб, 3-бўлаги 42 таноб, 4-бўлаги 50 таноб, 5-бўлаги 10 таноб ва жами 620 таноб ер. Ва яна иқдори шаъри қилинди. Муродбей, Муҳаммадбой, дағи Қул Муҳаммад ўғли Рўзмуҳаммадлар 180 таноб ер масжид мутаваллисига топширдилар. Ва яна топширдилар мударрис (муаллим) ва имом, фаррош, сартарош, муазинларга етарли ҳақ ажратишни. Ва яна масжид мадрасани, тузган ерларни таъмир қилиш учун пул ажратилсин, фаррошга 50 ботмон ғалла берилсин. Ҳар ботмон 4000 мисқол. Ва яна шарт қилиндиким мадраса мударриси икки ҳафта беузр дарсни тарк қилса олган ҳаққи харом бўлсин”⁵, -деб қайд этилади.

Шаҳарда вақф ерлари билан таъминланган мадрасалардан яна бири Мадаминхон мадрасаси эди. Бу мадраса қурилиши учун эълон қилинган танловда машҳур меъмор уста Абдулла Жиннинг биринчи даражали форс карвон саройи қиёфасида ишланган лойиҳаси маъқул топилади⁶. (Рус муаллифлари ва А.Вамбери ушбу мадраса лойиҳаси форс меъморига тегишли

деб янглишадилар⁷). Ушбу мадраса 260 ўқувчи учун мўлжалланган бўлиб, 130 хужраси бор эди. Унинг талабалари учун ҳар йили мадраса вақфи ҳисобидан 5000 тилла пул ва 12000 ботмон бугдой берилган. 3 синфдан иборат ўқувчиларнинг биринчи синфи 60 ботмон бугдой, 4 тилла,

¹ Абдурасулов А. Хива (тарихий-этнографик очерклар)... - Б. 46 .

² Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида ...- Б. 17 .

³ Наши соседи в Средней Азии. ... - С.118.

⁴ Керенский Ф. Наши учебные заведения / Туркестанский сборник. - Т. 1907. Т. 16. - С. 1.

⁵ Ичан қалъа музей қўриқхонаси фонди. КП 1321. 1, 2-варақлар.

⁶ Абдурасулов А. Хива (тарихий-этнографик очерклар). ... - Б. 43 .

⁷ Наши соседи в Средней Азии. ... - С.117,118; Желябужский Е. Очерки и завоевание Хивы. ...- С.53; Вамбери А. Путешествие по Средней Азии (Из Тегерана через турк. пустыню по вост. берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд, предпринятое в 1863 году с научною целью по поручению венгер. академии в Пеште, членом ея А. Вамбери. - М.: Изд-во А.И. Мамонтова, 1867. - С. 164 .

иккинчи синфи 30 ботмон бугдой 2 тилла, учинчи синфи 15 ботмон бугдой ва бир тилла миқдориди маблағ билан таъминлаганлар¹.

Хонлик Россия томонидан босиб олинган Комил Хоразмий ташуббуси билан Хивада биринчи рус-гузем мактаби очилди (1891). Ушбу икки синфли ўқув даргоҳи учун тузилган лойиҳада болаларга бошланғич диний ва умумий билим ҳамда тарбия бериш кўзда тутилганди. Дастурдан аён бўлишича, ўқувчиларга мусулмончилик асослари ва грамматикаси, арифметика, рус тили (гапириш, ўқиш ва ёзиш), Хива ва Россия тарихини қисқа ўқитиш, география, хусусан, Хива ва Россиянинг қисқача географияси, табиатшунослик, маҳаллий заруриятга нисбатан Хиванинг қишлоқ хўжалиги, чизмачилик ва расм кабилардан сабоқ берилган². Архив ҳужжатлари маълумотларига кўра Хива хони бу мактабни зарур жиҳозлар билан таъминлашга маблағ ажратган³. Бу ҳақида хабар берган “Туркистон вилояти газетаси”да қуйидагилар қайд этилганди: “Хива мамлақатида Россия тилини ўрганмоқнинг бошланишини хоҳлаб, Россия тилида таълим берадурғон мактабхона очилиб, у мактабда 10 бола учун жой ва ҳаракат таъмин қилинибдур”⁴. Мактабда қозок маърифатпарвари Хусайин Иброҳимов ишлаган (1918-1920 йилларда Туркистон АССР Адлия вазири). Туркистон давлатининг барча мактабхоналари бошлиғи, Амударё бўлими билан ҳамкорликда ушбу мактабларнинг фаолияти, иш юритишини ўз назоратида тутганлар⁵.

Хива шаҳри ва унинг атрофидаги мадрасалар сони Россия босқинидан олдинги даврда 57 та бўлса⁶, XIX аср охири - XX аср бошларига келиб 65 тага етди. Шундан 54 таси шаҳарда, 11 таси шаҳар атрофида жойлашган⁷. (XX аср бошларида хонликда 120 мадраса фаолият кўрсатган⁸. Ҳар бир мадрасада ўртача 50 талаба таълим олган.)

Фикримизча, бу даврда Туркистон ўлкасида вақф хўжалиги чегараланиб борганлиги оқибатида асосий таъминот манбаи вақф бўлган мадрасалар сони ўсганлиги кузатилмайди. Бирок, бу даврда Хивада хонликнинг нисбий мустақиллиги, илм-маърифатли ҳукмдор бўлган Муҳаммад Раҳим II (Феруз)нинг мамлакат маданий ҳаётини оширишга қаратилган тадбирлари мадрасалар қурилишига самарали таъсир кўрсатди.

¹ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии ... - С. 164 .

² Ичан калъа музей кўриқхонаси фонди, КП 3641; Лобачевский В. Военно - статистическое описание

Туркестанского военного округа. Хивинский район. - Т. 1912. - С. 46 ,

³ ЎзР МДА, И-125-ф., 1-рўйхат, 38-ҳужжат, 53-варақ; 52-ҳужжат, 153-варақ;

⁴ Қаранг: Туркистон вилояти газетаси. 1891, №35.

⁵ ЎзР МДА, И-125-ф., 1-рўйхат, 38-ҳужжат, 47-варақ.

⁶ ЎзР МДА, И-125-ф., 1-рўйхат, 596- ҳужжат, 2-9-варақлар.

⁷ Абдурашулов А, Хива (тарихий-этнографик очерклар). ... - Б. 43 .

⁸ Садьков А. Россия и Хива в конце XIX - начале XX века - Т.: Фан, 1972. - С. 73; Никитиенко Г. Под протекторатом Российской империи / Хива — город тысячи куполов. - Т.: Шарк, 1997. - С. 43.

Ўрта Осиёда кенг тарқалаётган жадидчилик ҳаракати ва ғоялари Хива зиёлиларининг ҳам фаолиятига кириб борди. Уларнинг мамлакатни ислоҳ қилиш ҳақидаги ғояларида маорифга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳақидаги Сайид Ислохмўжа дастурининг 9-банди “Ўқув тўғрисида” деб номланиб, унда жадид услубидаги мактаблар очиш, уларда дунёвий фанларни ўқитиш зарурияти алоҳида қайд этилган¹. Натижада, Ислохмўжанинг бевосита раҳбарлигида ва моддий кўмагида Хивада янги усул мактаблари очилди. Мактабларда ишлаш учун татар муаллимлар таклиф қилинди². Жумладан, жадидларнинг вакилларида бири - Хусайн Қўшаев 1904 йил 10 ноябрда Хивада мактаб очди. Унда дастлаб 14 нафар ўқувчи таълим олган бўлса, тез орада улар сони 55 тага етди. 1911 йилда Хивада яна бир янги услубдаги очилган мактабда 70 нафар ўқувчи тахсил олди³. Жадид мактабларида ишлаган Комила Қўшаева, Юсуф Кўмач ўғли Аҳмедов, Муҳаммадшариф Худойберганов каби муаллимлар хонликдаги сиёсий-маърифий ҳаракатларда фаол иштирок эта бошладилар.

Хонлиқнинг қози қалони Бобоохун Салимов ва Туркиянинг Стамбул шаҳрида таълим олган Мулла Бекжон Раҳмонов ҳамкорлигида жадид мактаблари учун “Алифбо” ва “Ўқиш китоби” каби дарсликлар яратганлар⁴.

Жадид мактаблари ва улардаги ўқитувчиларининг аксарияти асосан турк, татар, бошқирд, қозоқ миллати вакиллари бўлиб, уларнинг кўпчилиги Хива шаҳрида фаолият юритардилар. Бу мактабларда маҳаллий миллат вакилларида ўқитувчилар деярли йўқ эди.

Қадимдан ўзбек давлатчилигининг таъмал тоши қўйилган ва муҳим таянчларидан ҳисобланган Хоразм илм-фан ва маданият ривожланган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Хоразмда кечган маданий жараёнларда бошқа марказлар каби пойтахт Хива шаҳри ҳам муҳим роль ўйнаган. Унинг йирик маданият маркази сифатидаги аҳамияти айниқса Хива хонлиги даврида янада ошди. Шайбонийлар ва Қўнғиротлар сулоласи вакиллари томонидан илм-маърифат ниҳоятда улуғланган, уламо-ю фузалолар қадрланган. Хонлик ҳудудида кенг ёйилган жадидчилик ҳаракати маркази Хива шаҳри бўлиб, бу ҳаракатнинг натижасида шаҳар

¹ Ислохмўжа дастури. Ичан қалъа музей қўриқхонаси фонди. КП 3687.

² ЎЗР МДА, 125-ф, 1-рўйхат, 609-ҳужжат, 4-варақ. Хасан Мадаминовнинг Хоразм тарихидан маълумотлари; Қаюмов М. XX аср бошида Хива хонлигида ислохотчилик ҳаракатларининг бошланиши (Вазир Сайид Ислохмўжа фаолияти мисолида) / Ўзбекистон тарихи, - 2004. - № 3. - Б. 56; Қаримов Н. Қурбон Бергегин қисмати. - Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. - Б. 15.

³ Абдурасулов А. Социально-экономическая и культурная жизнь города Хивы... - Л. 73; Қаюмов М. Общественно-политические процессы в Хивинском ханстве вторая половина XIX - начало XX в.: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. -Т.: 2005.

⁴ Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. - Т., 1998. - Б. 81.

маданий ҳаётида муайян ўзгаришлар содир бўлди - янги услубдаги мактаблар иш бошлаб, мамлакатда маориф ишлари жонланди.

Yu.M. Rakhmanova

**History of education and of city of Khiva
(the end of 19th- beginning of 20th centuries)**

The given article has a brief excursus about activities of elementary skuls and medressehs of Khiva at the end of 19th - beginning of 20th centuries as well as innovations in the sphere of education after Russian annexation.

Ю.М. Рахманова

**Из истории просвещения и обучения города Хивы
(конец XIX и начало XX вв.)**

В данной статье произведен краткий экскурс о деятельности начальных школ и медресе города Хивы в конце XIX- века начале XX века, также о новшествах в сфере образования после аннексии Хивы Россией.

С.М.Маткаримова

Урганч Давлат университети ўқитувчиси

**XIX-XX аср бошида Хива хонлигида янги усул ва жадид
мактабларининг фаолияти**

XIX-XX аср бошида Хива хонлигида юзага келган мураккаб шароит ва зиддиятли ҳолатда ҳамда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий қарамлик шароитида ҳам анъанавий-маданий тараққиёт ўзининг изчил ривожланиш йўлидан борди. Бунга сабаб, Хива хонлигида ҳукмронлик қилган шахсларнинг айнан ўзлари илм-фан ва маданият ҳомийси бўлганликларидир. Қадимдан маданият ўчоғи бўлган Хоразм диёри Қўнғирот сулоласига мансуб хонлар ҳукмронлиги даврида янада раванк топди. Жумладан, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз)нинг ўзи ҳукмдор ва саркарда, фан ва маданият арбоби, истеъдодли шоир, адабиёт ва санъатнинг ашаддий мухлиси ва ҳомийси эди. Феруз ҳукмронлиги даврида Хива хонлигида маънавий ва маданий соҳада кўпгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, хонликда бунёдкорлик тараққий этди, таржимонлик, тарихнавислик мактабларига асос солинди, адабиётшунослик, шеърят, китобат, матбаа, ноширлик ишларида мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришилди, мусиқа ва масҳарабозлик санъати ривожланди, жаҳон янгилиги бўлмиш фото ва кинооператорлик Хивага кириб келди ва ривожланди, маориф соҳасида кўпгина ишлар ва ислохотлар амалга оширилди.

Жумладан, XX аср бошида Хива хонлигида Хива шахрининг ўзида 1500 мактаб бўлиб, уларда 4500 нафар ўқувчи таҳсил олган. А.Абдурасуловнинг ёзишича, Хива мактабларида ўғил болалар билан қиз

болалар биргаликда қўшиб ўқитилган. Мактабга болалар 7-8 ёшларда, йилнинг исталган фаслидан қабул қилиниб, 7-8 йил таҳсил олишган. Ўқувчиларнинг озчилиги мадрасаларда таҳсил олишни давом килдирганлар¹.

Хива Ўрта Осиёда мадрасаларнинг кўплиги жихатидан Бухородан кейин 2-ўринда турган. XIX-XX аср бошларида Хива хонлигида 130 мадраса, 1636 масжид бўлган. Хива шаҳрининг ўзида эса 65 мадраса бўлиб, уларнинг 54таси шаҳарда, 11таси шаҳар атрофида жойлашган. Мадрасаларда таҳсил оладиган талабалар сони 2300 кишидан зиёд бўлган². Мадрасаларда илоҳиёт илмлари: Қуръон, Ҳадис, тафсир, фикҳ (дин ва шариат қонун-қоидалари) билан бирга риёзиёт (математика, геометрия), илми-ҳайъат (астрономия), тиббиёт (медицина), тарих, география, илми аруз (поэтика), араб тили ва унинг морфологияси (қофияси) каби дунёвий илмлар ўқитилган. А.Абдурашуловнинг ёзишича, мадрасада диний ва дунёвий илм берилган, айна пайтда кўнгилочар ўйинлар, шунингдек ашула айтиш ман қилинган³. Мадрасада ўқиш 3 курсда: Адно-бошланғич, авсат-ўрта ва аъло-охирги курс амалга оширилган. Мадрасаларда йилнинг тўрт фаслида ҳам ҳафтанинг душанба, сешанба, шанба ва якшанба кунлари машгулотлар олиб борилган. Чоршанба, Пайшанба ва Жума кунлари дам олиш кунлари ҳисобланган. Шўро давридаги тадқиқотларда мадрасаларда таҳсил олиш пуллик бўлиб, камбағал кишиларнинг болалари саводсиз қолиб кетишарди, деган асоссиз даъволарни учратамиз. Аслида эса, аксари талабаларга ҳатто нафақа ҳам тўланган, яъни ғалла тақсимланган⁴.

Муаллифлар Ф.Расулова, Т.Дўсчонов, С.Ҳасановлар Хива мадрасаларида Муҳаммад Юсуф Хожи-Доий, Худойберган Охунд, Ожиз Муҳаммад Шариф Охунд Юсуфий, Оллоқули Охунд, Муҳаммад Ёқуб Охунд, Муҳаммад Шариф Охунд, Муҳаммад Юсуф Охунд, Муҳаммад Ризо каби олиму фозиллар мударрислик қилиб ёшларга таълим-тарбия берганлар⁵.

Шунингдек, хонлик мадрасаларида ўз даврининг билимдон, салоҳиятли мударрисларидан Азизхўжа, Юнусхўжа, Муҳаммад Шариф, Муҳаммад Юсуф Хожи, Юсуфий, Муҳаммад Ёқуб ва бошқалар дарс берганлар⁶. Бу даврда мадрасаларда 2440 киши илм олган¹. Феруз

¹ ЎзМДА. И-125-жамғарма. 1-рўйхат, 527-иш, 7-варак.: Абдурашулов А. Хива (тарихий-этнографик очерклар). –Т.: Ўзбекистон, 1997. Б.42.; Эрназаров Ф.Н. XIX аср охири XX аср бошларида Хива хонлигидаги маданий ҳаёт. Т.ф.н. дисс... автореф. –Т., 2005. Б. 16.

² Расулова Ф., Дўсчонов Т., Ҳасанов С. Хоразм Маъмур академиясининг олис-яқин юлдузлари. –Т.: Иқтисод-Молия, 2005. Б.170-171.

³ Абдурашулов А. Хива (тарихий-этнографик очерклар). –Т.: Ўзбекистон, 1997. Б.44.

⁴ Абдурашулов А. Хива (тарихий-этнографик очерклар). –Т.: Ўзбекистон, 1997. Б.45.

⁵ Расулова Ф., Дўсчонов Т., Ҳасанов С. Хоразм Маъмур академиясининг олис-яқин юлдузлари. –Т.: Иқтисод-Молия, 2005. Б.171.

⁶ ЎзМДА. И-125-Ф. 2-рўйхат, 30-иш, 1-варак.

мадрасаларга охун ва мударрисликка тайнлашдан олдин номзодларни ўзи имтиҳон қилар ва «очик дарс» ўтказишни сўрарди. Толибларга мадрасани тугагиб, «махсус хайъат» имтихонидан ўтгач, хон томонидан муфти, аълам, охун, мукаррир (мадраса котиблари) каби унвонлар берилган.

Бу даврда давлат арбоби ва шоир Комил Хоразмий ташаббуси билан 1880 йилда биринчи марта рус-тузем мактаби очилган, деб маълумот беради Ф.Эрназаров². Бир қанча консерватив уламолар қаршиликларига қарамай, хонликда, жадид усулидаги мактаблар ҳам очилган. 1904 йилда дастлабки жадид усули мактаби очилиб, унда 55 нафар бола ўқиган. Кейинчалик мактаблар сони 8тага, ўқувчилар сони эса 200 нафардан ошган³.

А.Абдурасуловнинг берган маълумотида кўра, руслар истилосидан кейин Хива шаҳрида янги усул (жадид) ва рус-тузем мактаблари ҳам ташкил қилинган. Худди шундай илк мактаб 1884 йил хон ҳовлисида очилиб, унда маҳаллий миллат болалари рус тилини ўрганишган. Рус-тузем мактабида истеъфодаги зобит Семён Бриловский сабоқ берган. Унда дастлаб 11 бола тахсил олган. 1912 йил Ислонхўжа мазкур мактаб учун Ислонхўжа мадрасаси рўпарасида европача услубда мактаб қурдирган. Рус-тузем мактабига 6 ёшдан бошлаб, асосан хон ва унинг амалдорларининг болалари қабул қилинган. Бу ерда арифметика, хуснихат, Хиванинг қисқача тарихи, география, чизмачилик, қурилиш ишлари ва икки йиллик рус тили фани дастурга асосан ўтилган⁴.

Ушбу масала юзасидан Давлатёр Рахим ва Шихназар Матрасуллар қуйидаги маълумотларни келтирадилар: Феруз маҳаллий фуқаро болаларидан илмли кишилар тайёрлаш мақсадида 1884 йилда ўз саройида мактаб очган, шу мактабда бўлган рус рассоми Л.Е.Дмитрий-Кавказский ўз хотираларида шундай маълумот келтиради: эшиклардан бирини очиб, тўғри синф хонасига кириб келдик. У деярли бўш бўлиб, деворига катта жўғрофий харита осилган, тоқчасида бир қанча китоблар бор эди. Соддагина қилиб қўлда ясалган стол, унинг устида сиёҳдон, ёнида 2та скамейка... Ҳовлида 11 болани (11 ёшдан 15 ёшгача) ва бошқа мусулмон ўқитувчисини кўрдим⁵.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Худойберган Девон, Сайид Ислонхўжа каби илғор маърифатпарварлар билан Русия шаҳарларига қилган сафари

¹ ЎЗМДА И125 Фонд, 1-рўҳат, 596-иш, 2-варак.

² Эрназаров Ф.Н. XIX аср охири XX аср бошларида Хива хонлигидаги маданий ҳаёт. Т.ф.н. дисс... автореф. –Т., 2005. Б. 16.

³ Эрназаров Ф.Н. XIX аср охири XX аср бошларида Хива хонлигидаги маданий ҳаёт. Т.ф.н. дисс... автореф. –Т., 2005. Б. 16-17.

⁴ Абдурасулов А. Хива (тарихий-этнографик очерклар). –Т.: Ўзбекистон, 1997. Б.46.

⁵ Давлатёр Рахим, Шихназар Матрасул. Феруз шоҳ ва шоир қисмати. –Т.: Ғофур Фулом, 1991. Б.101.

чоғида у ердаги таълим-тарбия бериш усули билан танишган эди. Унинг раҳнамолигида 1891 йилда Комил Хоразмий ташаббуси билан Хивада биринчи янги усул мактаби очилган. Бу мактабда рус тили ва бошқа дунёвий фанлар ўқитилган. Шоирлардан Аҳмад Табибий, Аваз Ўтар ўғли, Баёний, Мирзо ва бошқалар рус тилини ўрганиб, Оврўпоча билимлардан баҳраманд бўлишган. 1891 йилда Хивада очилган мазкур мактаб тўғрисида «Туркистон вилоятининг газети» ўзининг 1891 йилдаги 35 сониди шундай хабар берди: «...Хива мамлакатада Русия тилини ўрганмоқнинг бошланишини хоҳлаб, Русия тилида таълим берадургон мактабхона очиб, ул мактабда 10 бола учун жой ва харажат таъмин қилинибдур... Ушбу йил Тошканд шаҳрида Учительская семинарияни жуда яхши хатм қилғон козоқ-мусулмон Хусаин Иброҳим ўғлини мактабхонага домлаликка таинлабдур»¹. Давлатёр Раҳим ва Шихназар Матрасулнинг фикрига кўра, Хивадаги рус-тузем мактабининг очилишида кўзланган асосий мақсад маҳаллий миллат болаларига рус тилини ўргатиб, маҳаллий таржимонлар тайёрлашдан иборат эди. Чунки ҳали хонликда рус тилида иш юритиш, келган мактубларни ўқиш ва таржима қилиш, номалар битиш соҳасида кийинчиликлар туғилаётган эди.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз фармонида мувофиқ 1904 йилнинг 10 ноябрида Урганчда биринчи янги усул мактаби очилиб, унда Туркиядан келган ўқитувчи Хусайин Қўшаев ёшларга таълим-тарбия берган. Маҳаллий халқ вакилларининг мазкур мактабга қизиқиши ортиб декабр ойига келиб бу мактаб ўқувчиларининг сони 55тага етган, бу ўқувчиларнинг 45таси маҳаллий миллат фарзандлари эди. Хусайн Қўшаев 1906-1907 ўқув йилида хонликдаги энг илғор маърифатпарвар кишиларнинг, энг аввало ота-оналарнинг орзу истакларини ҳисобга олиб, Урганчда қизлар мактаби ташкил этади. Бу муҳим воқеадан хурсанд бўлган Феруз Урганчга бориб, мазкур мактаб иши билан танишган ва Хусайн Қўшаевнинг бошлаган фойдали тадбири учун уни қўллаб-қувватлаб, бош-оёқ сарпо берган ва ҳазина ҳисобидан мактабга ёрдам бериб туришга ваъда берган. Мазкур мактабда Ҳ.Қўшаевнинг турмуш ўртоғи Комила Қўшаева қизларга билим берган. Муаллифларнинг ёзишича, 1909 йилга келиб, Феруз қўл остидаги мадрасалар сони 130тага етиб, ундаги мулловаччалар сони 2300 кишидан ортиб кетган².

Асфандиёрхон ҳукмронлиги даврида вазирлик қилган Сайид Исломхўжа маърифатпарвар шахс эди. У мамлакат таракқиёти, ёшларнинг билимига ва маърифатига боғлиқ деб билган, шунинг учун у ёшларга замонавий билим асосларини берувчи янги усул ва рус-тузем

¹ Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул. Феруз шоҳ ва шоир қисмати. –Т.: Ғофур Фулом, 1991. Б.101-102.

² Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул. Феруз шоҳ ва шоир қисмати. –Т.: Ғофур Фулом, 1991. Б.101.

мактабларини очишга ҳаракат қилган. Тадқиқотчи М.Қаюмовнинг маълумотига кўра, 1911 йил январ ойида Сайид Исломуҳжа Туркистон генерал губернатори ҳузуридаги дипломатик амалдорга Хивада янги усул мактаби гимназия очмоқчилигини билдирди. Бу ҳақда дипломатик амалдор Туркистон генерал-губернаторига: «Исломуҳжа Хивада нафақат хоннинг ва амалдорларнинг болалари билим оладиган, бошқа хивалик ёшлар ҳам билим олиш имкониятига эга бўладиган мактаб очиш ниятида менга мурожаат этдилар. У ёшларга замонавий фанларни ўқитилса, мамлакатнинг тараққиётига фойдали бўлади»¹, -деган фикрни билдиради.

Исломуҳжа ўз халқини ғоят севадиган маориф ва тараққиёт тарафдори бўлганлигини ўз ҳисобидан ўша давр пули ҳисобида 30000 сўмлик сармоя сарф қилиб, икки қаватлик Европа услубидаги бино қурдирганидан кўришимиз мумкин. Бу мактабда таълим бериш учун Россиядан 2та муаллим, таҳсил олиш учун юздан зиёд ўқувчи жалб қилинган. Мактаб жадидчилик асосида ташкил қилинган бўлиб, дунёвий билимлар бериш билан бирга, таълим олаётган болаларга китоб, қоғоз, қалам ва бошқа ўқув қуроллари ҳам бепул тарқатилган². Исломуҳжанинг моддий кўмаги билан янги усулдаги мактаблар ташкил этилган ва уларда ўқитиш учун Исломуҳжа татар муаллимларини таклиф этади. Татар муаллимлар Хива хонлигида таълим ишлари билан биргаликда, сиёсий ишлар билан ҳам шуғулланардилар. Бу ҳақда Амударё бўлими бошлиғи Туркистон генерал-губернаторлигига шундай маълумот беради: «Хива хонлигида жадид мактаблари муаллимларининг қарийиб ярмини татарлар ташкил этади. Улар хонликда ўқитувчилик фаолияти билан бир қаторда сиёсий тадқиқот ишлари ҳам олиб бормоқдалар... Исломуҳжа иштирокидаги кенгаш мажлисларида асосан Хива-Россия муносабатлари муҳокама қилинади. Айрим маълумотларга кўра кенгаш раҳбари ёш татар муаллими Абдурашитов йиғилган хиваликлар онгига Хива хонлигини Россияга қарамликдан озод қилиш ва хонликни тараққий эттириш сингари ғояларни сингдирмоқда»³, -деб маълумот берган.

Демак, XIX-XX аср бошларида Хива хонлиги маданий ҳаётида Хива хонлигида маориф соҳасида кўпгина ўзгаришлар ва янгиликлар содир бўлган. Мамлакатда янги усул (жадид) ва рус-тузем мактаблари ташкил этилган эдики, бу мактабларда ва хонликда мавжуд мадрасаларда таҳсил кўрувчи ўқувчи ва талабалар диний билимлар билан бирга дунёвий билимларни ҳам ўзлаштирганлар, форс ва араб тиллари билан бир қаторда рус тузем мактабларида рус тилини ҳам ўрганганлар. Айниқса, 1874 йилда Хива хонлигида матбаачиликнинг пайдо бўлиши натижасида, тошбосма

¹ Қаюмов М. XX аср бошида Хива хонлигида ислохотчилик ҳаракатларининг бошланиши (Вазир Сайид Исломуҳжа фаолияти мисолида). //Ўзбекистон тарихи. 2004 №3. Б.53.

² Туркестанские ведомости. 1913 йил 19 декабр.

³ Туркестанский курьер. 1913 йил 21 август.

усулида китоблар чоп этилган, бу эса мактаб ўқувчилари ва мадраса талабаларининг имкониятларини оширган. Янги усул мактаблари ва унинг негизида вужудга келган жадиличлик ҳаракатини ёшлар онгига сингдиришда «Ёш хиваликлар» ҳаракати аъзолари фаол иштирок этганлар.

S. Matkarimova

The activity of new methodological and djadid schools in the Khiva khanate in the 19th-20th centuries

In the article are analyzed processes of modernization education system of new methodological and djadid schools in the Khiva khanate in the 19th-20th centuries

С. Маткаримова

Деятельность новометодных и джадидских школ в Хивинском ханстве в XIX-XX вв.

В данной статье прослежены процессы модернизации системы обучения новометодных и джадидских школ в Хивинском ханстве в XIX-XX вв.

З. Юсупов

Наманган муҳандислик
иқтисодиёт институти ўқитқвчиси

Ўзбекистонда байналмилал муносабатларни қарор топишида театрнинг роли

Байналмилал бағрикенглик – ҳар бир халқнинг тарихий тараққиёти таъсири остида шаклланган умуминсоний қадриятдир. Айниқса, Марказий Осиё ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий жараёнлар ўзбек халқи миллий менталитетида байналмилалликнинг шаклланишига ижобий таъсир этган. Ўзбек халқининг миллий тафаккури, турмуш тарзи, хўжалик ҳаёти турли давлатлар, миллатлар билан ҳамжихатликда ҳар томонлама бойиб борган. Ўрта Осиё халқларининг ўзаро дўстона, тарихан қарор топган қардошлик муносабатларини Президент И.А. Каримов “... жамулжам бўлиб яшаш туйғуси биз учун ҳаёт фалсафасига, яна ҳам аниқроғи ҳаёт қондасига айланиб кетган.... бизни бошқалардан ажратиб турадиган хусусиятни англамаслик, кўрмаслик мумкин эмас”- дея таърифлаган¹. Шу маънода халқнинг миллий маънавиятида байналминалликнинг тарихи қадимийдир.

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият енгилмас куч -Т.: Маънавият, 2008, -Б.10

Ижтимоий муносабатларнинг шаклланишидаги турли омиллар орасида эстетик жиҳатлар муҳим аҳамият касб этади. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича ибтидоий даврдаги диний маросим ва ибодатлар ўзига хос эстетик қарашлардан иборат бўлиб, кишилар ўз ҳаёти ва турмушини турли туман театрлаштирилган рақс ва маросимлар орқали ифода этган¹. Кишилиқ жамияти қабилавий турмуш даври илк санъат ва театрлаштирилган ҳаёт эканлиги ҳақидаги фикрларни турли йиллардаги илмий ишларда учратиш мумкин.

Инсоният тарихининг айрим даврларида ва турли жамиятларида санъатга бўлган қарашлар бир-бирдан фарқ қилган. Қадимги Юнонистон меъморчилик, ҳайкалтарошлиқ ва театр санъат нафосатини дунёга тараннум этган бўлса, мусулмон дунёсида ҳайкалтарошлиқ ва жонли тасвирга диний тақиқлар қўйилган. Қолаверса аёлларнинг театрда бадиий образларни ифода эттириши маъқулланмаган. Ўрта Осиёда юнонлар ҳукмронлиги ўрнатилган даврдан эллинистик маданият билан бирга театр санъати ҳам ўзига хос шаклда ривожланиб келган. Ўрта асрлар даврида кўча томошалари кўринишида сақланиб қолган бўлса, XX асрга келиб жадидчилар томонидан санъатнинг бу тури қайтадан жонлантирилган. Совет мустамакчилиги йилларида бир тизим сифатида шакллантирилди.

Мустақиллик қўлга киритилгач театр санъатини ривожлантириш мақсадида республикамызда 1992 йил март ойида халқаро ва республика фестивал тадбирлари ўтказилган. Тошкентда “Наврўз-92” Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари театр фестивалининг очилиши ҳам санъатнинг бу соҳасида халқларимиз маданияти муштараклигини билдиради. Ушбу фестивалда А.Ҳидоятлов номидаги драма театрининг “Тошкентга саёҳат” (Б.Омонов пьесаси) спектакли ғолиб деб топилди. Шунингдек, рус Ёш томошабинлар театрининг “Зўраки табиб” ва “Юлдуз тўла осмонда” спектакллари ҳам юқори баҳоланди². Булар республикада театр санъатининг маълум даражада ривожланаётганлигидан далолат беради.

Собиқ иттифоқ даврида қўшни давлатлар билан маданий соҳадаги ҳамкорлик фақат Москва руҳсати билан амалга оширилиши оқибатида Ўрта Осиё халқларининг маданияти ҳамкорлигида йироқлашув жараёни рўй берган эди. “Наврўз – 92” фестивали ташкилотчиларидан Н.Усмонова фикрича: «Сўнгги йилларга келиб унутиб юбораёзган шу алоқаларимизни тиклаш, ривожлантириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик, бирлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, тарихий илдизимиз бир эканлигини теранроқ англаш учун зарур эди»³. Бундай тадбирлар олиб борилишида ҳеч қандай сунъийлик кўзга ташланмайди, аксинча маданиятлар

¹ Тейлор Э. Первобытная культура. -М.: Наука, 1991. -С.46; Абдуллаев Е.В. Очерки культуры доисламский Центральной Азии; религия, философия, право -Г.: «Шарк», 1998, -С.16.

² ЎЗР МДА. Фонд м-7, 1-руйхат, 59-иш, 32-варақ.

³ Навруз поклик демакдир.//Ўзбекистон адбиёти ва санъати. 1992 йил 27 март.

хамоҳанглиги ва миллатлар яқинлашуви табиий тарзда юз беради, барча миллатлар бундан баҳра оладилар.

Бу анжуманда иштирок этиш учун қўшни республикалардан бир қатор театр труппалари ташриф буюрдилар. Душунбенинг «Ахорун», Ашхабоднинг «Джан», Тошкентнинг «Илҳом», Қаршининг «Мулоқот» теарт студиялари спектакллари томошабинлар ҳамда мунаққидлар томонидан ижобий баҳоланди¹.

Ўзбекистондаги театр труппаларининг қўшни республикаларда иштирок этиш салмоғли кейинги даврларда ўсиб борди. Ашхабад шаҳрида ўтказилган “Наврўз-93“ халқаро театр фестивалида Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат мусиқий театри “Шаҳриёр“ спектакли билан иштирок этди². Мустақиллик йилларида бундай тадбирлар суръати жуда ҳам кенг камровда олиб борилди. Бу байналмиллал бирлашув нафақат Шарқ халқлари, балки Европа давлатлари билан ҳам биргаликда олиб борилди. Жумладан, Ю.Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят театрининг “Тошкентга саёҳат” спектакли, А.Навоий номидаги опера балет ва театрининг “Жизель” ва “Золушка” балетлари Польшадаги халқаро фестивалда намойиш этилиши бунга мисол бўлади³. Шунингдек, А.Ҳидоятлов номи театрининг “Искандар“ спектаклида франциялик машхур актёр Франсуа Шатто (Франция актёрлар ассоциациясидан)нинг Навоий ролида чиқиши, Республика кўғирчоқ театрининг “Фотиманинг саргузаштлари” ва “Карвонсарой” спектакллари Покистон ва Туркияда бўлган анжуманларда катнашиши ўзбек театрининг халқаро нуфузини оширди⁴.

1993 йил 23 октябр куни Ватанимизнинг муҳташам санъат қононаларидан бири “Туркистон” саройида “Театр: Ғарб ва Шарқ” мавзусига бағишланган халқаро фестивал театр санъатининг ўзбек халқи ҳаётидаги ўрни, унинг миллатлараро байналмиллал алоқаларини янада фаоллашувига таъсири хусусида муҳим бир босқич бўлди. Ўзбек театри хорижнинг энг нуфузли сахналарида классик асарларни маромига етказиб томошабинга бера олди.

Бошқа театрлар қатори А. Ҳидоятлов номидаги театрининг спектакл ва сахна асарларида хориж санъаткорларининг иштироки ўзбек театрининг байналмиллал фазилатларини намойиш этди⁵. Ўзбекистон ва ГФР, Молдова ўртасидаги театр дипломатияси, яъни ўзаро режиссер, санъаткор ҳамда рассомларнинг ижодий ишларини алмашиш хусусида тузилган шартномалар муҳим аҳамият касб этди⁶. Япония ҳукумати А.Навоий номидаги театрга 47 млн. япон иенаси миқдоридан бегараз ёрдам

¹ Халқ ва демократия. 1992 йил 11-12 сон 42-бет

² ЎзМДА фонд, м-7, руйхат 1, иш 59, варақ 32.

³ ЎзР МДА фонд, М-7, руйхат 1, иш 62, варақ 3.

⁴ ЎзР МДА фонд, М-7, руйхат 1, иш 62, варақ 3.

⁵ ЎзР МДА фонд, М-7, руйхат, иш 62, варақ 3

⁶ Ўзбекистон адабиёти ва санъати -1992. -27 март. –Б.6

кўрсатиши ўзбек ва япон халқлари ўртасида байналмилал муносабатларни ижобий йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

1996 йилнинг июн ойида Тошкентга Алмати давлат корейс мусикали драма театри ташриф буюрди. Мухлислар кўп йиллардан буён бу театр спектакллари томоша қилиб келадилар. Улар Ҳамза театр сахнасида «Сен бўлмасанг, ким?» ва бошқа сахна асарларини намойиш этдилар¹. Маданият соҳасидаги бундай ташқи алоқалар миллатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш билан биргаликда тажриба алмашинуви ҳам хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида жаҳоннинг бир қатор давлатлари билан сиёсий, иқтисодий алоқалар билан биргаликда адабиёт ва санъат, айниқса театр соҳасидаги маданий ҳамкорликка эътибор қаратилганлиги маданиятни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга адабиёт ва санъатнинг халқлар ўртасида миллий дипломатияни шакллантириш республикамизни жаҳон ҳамжамиятидан ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаши ва бошқа соҳаларда ҳам алоқаларини фаоллашишига туртки беради. Ўзбек театрининг жаҳон санъати билан яқинлашуви театр жамоаларини ижодий ўсишига таъсир қилиши билан бирга янги ёш ижодий кучларни тарбияланишига бадиий муҳит яратади. Бу ҳол халқимизни миллий руҳини ўсиши билан бирга байналмилаллик кайфиятини янада ривожланишига янги уфқларни очди.

Театр санъати мустақиллик ғоясига хизмат қилиш, буюк аждодларимизнинг неча минг йиллик ўзига хос ноёб маданиятни вориси эканлигини англашга ёрдам бериш, ушбу бойликни асраш ва умуминсоний кадриятга айлантириш, жаҳон тараққиёти ютуқлари асосида кўпайтиришга кўмаклашиш, ўсиб келаётган авлодни ундан баҳраманд қилиб, ҳар томонлама камол топган, катъий ирода ва эътиқодга эга кишилар қилиб тарбиялашга қаратилди.

Z.Yusupov

The role of theatre in the formation of interethnic relations in Uzbekistan

This article describes the development of theatre art and its role in establishing friendship among nations and internationalism in Uzbekistan.

З. Юсупов

Роль театра в формировании интернациональных отношений в Узбекистане.

В этой статье опубликовано развитие театрального искусства в Узбекистане и его роль о возникновении интернациональных отношений.

¹ Корейс театри тошкентда.// Ўзбекстон адабиёти ва санъати. 1996 йил 21 июн.

**1917-1924 йилларда Андижон шаҳридаги ижтимоий-сиёсий
ва маданий жараёнлар**

1917 йил 27 февралда Петроградда амалга оширган буржуа демократик инқилоб ғалаба қозонди. Бу ҳақдаги хабар Туркистон ўлкаси хусусан Андижон шаҳрида ҳам тез тарқалди. Бутун Туркистон ўлкасида бўлгани каби Андижонда ҳам маҳаллий аҳолининг сиёсий фаоллиги анча ошди. Феврал инқилоби туфайли вужудга келган сиёсий эркинликлар натижасида ўлкадаги маҳаллий зиёлилар ҳам зудлик билан миллий жамият ва нашрлар учун ҳаракат бошлаганлар.

1917 йил 14 мартда ўлка муслмон зиёлиларининг “Шўрои Исломия” жамияти тузилди¹. Унда ташкилот фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи 15 кишидан иборат раёсат сайланди. Раёсат аъзолигига Андижондан Нажимхон махсум, Олимхонтўра, Эргаш хожи Иброхимов Мирқосим Мўминбоев, Аҳмадбек хожи Темирбеков ва бошқалар сайланган эди². Шўрои Исломия ва унинг марказий раёсати Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ўрин тутган. Ташкилотнинг шаҳар ва қишлоқларда шўьбалари очилган. Хусусан, Андижон шаҳрида “Озод халқ”, “Хуррият”, “Маърифат”, “Муфтах-ул-маориф”, “Хаваскарони маориф”, “Турон” каби ташкилот ва тўғарақлар ташкил топган³. Андижон шаҳридаги “Шўрои Исломия” жамияти аъзолари ўлкамизда миллий маданиятни юксалтириш ва халқ фаровонлигини ошириш йўлида иш олиб борганлар.

1917 йил Андижон шаҳар думасига, жамият хавфсизлик кўмитасига ва шунга ўхшаш турли кўмиталарга сайловлар бўлиб ўтган. Бу сайловларда Андижон “Шўрои Исломия” жамияти энг кўп овоз олишга муваффақ бўлган. 1918 йил баҳорида Андижон шаҳар Думаси тарқатиб юборилган⁴. Шундан кейин “Шўрои Исломия” жамияти аъзоларини давлат ишларидан узоқлаштирилган. Бироқ улар шаҳарда тартиб сақлаш ва жамоатчилик тадбирларида фаол қатнашиб келишган. Бутун Туркистонда бўлгани каби, Андижонда шаҳрида ҳам совет ҳокимияти зўрлик билан ўрнатилди ва янги давлат асосларини барпо этиш ҳамда мустақамлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. 1917 йил 6 мартда Андижонда ишчи ва аскар депутатлари Совети ташкил этилган. Унинг таркиби дастлаб В.А.Чайкин

¹ Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости//Коллектив авт.: Абдуллаев Р.М., Агзамходжаев С.С., Алимов И.А и др./.-Т.: Шарк, 2000.-С. 22.

² Андижон тарихидан лавҳалар. Маъсул муҳаррир Исроилов П.- Андижон.: Андижон нашриёт- матбаа. 2008.-Б. 143.

³ Шамсутдинов Р. Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. III-китоб.-Андижон.: Андижон нашриёт- матбаа. 2004.-Б. 16.

⁴ Нурмухаммедов Х. Жалилов С. Хамидов Ю. Андижан.-Т.: Узбекистан. 1984. –С. 14.

(раис), ишчи Першин, аскар Маслов (ўринбосар) кирган эди. Советнинг 7 аъзосидан 4 таси ишчи, 3 таси аскар бўлиб, уларнинг ҳаммаси Европа миллатига мансуб кишилар эдилар¹.

Феврал инқилоби таъсири остида Туркистон ўлкасида оммавий ҳаракатлар авж олган эди. Туркистоннинг йирик шаҳарларида бўлгани каби Андижонда ҳам кўп минг кишилик намойишлар бўлган. Андижон шаҳридаги Жоме масжиди олдида тўпланган аҳоли ўртасида “Тараққийпарвар” чи 27 ёшли Саъдуллахўжа Турсунхўжаев нутқ сўзлаб, феврал инқилоби моҳиятини тушунтириб берган.

1917 йил феврал инқилобидан сўнг Андижонда авж олган миллий сиёсий ҳаракатларда тадбиркор, жадидлар хомийси Миркомилбой Мирмўминбоев катта рол ўйнаган. 1917 йил августда Андижон шаҳар думасига кўппартиявийлик асосида сайловлар ўтказилган. Сайловлар демократик руҳда ўтган. Маҳаллий аҳоли вакиллари Андижон Думасидаги 97 ўридан 84 тасини эгаллаб олишга эришдилар. Бу жуда катта ғалаба бўлиб, унда Миркомил Мирмўминбоевни ўрни катта бўлган.

Туркистон халқ коммисарлар совети совет хокимиятининг иқтисодий соҳадаги сиёсати асосларини яратиш мақсадида 1917 йилнинг декабрида завод-фабрика кўмиталари тузиш лойиҳасини ишлаб чиқди. Кейинчалик совет хокимиятининг ишчи назорати ҳақидаги декрети эълон қилинди. Унга мувофиқ саноат ишлаб чиқаришни деярли тўлиқ назорат қилиш ваколати завод-фабрика кўмиталарига берилди. Бундан кўзланган мақсад, ўз ўрнида саноатни национализация қилиниши учун замин тайёрлаш эди. 1918 йил март ойига келиб саноат корхоналарининг тахминан 10 % и ишчи назорати билан қамраб олинди². Орадан кўп вақт ўтмасдан ўлкада ишлаб чиқаришни национализация қилиш тадбирлари бошлаб юборилди. Жумладан, 1918 йил Андижонда дастлаб саноатнинг етакчи тармоқларидаги корхоналар-пахта тозалаш, ёғ-мой заводлари, кейинчалик эса босмахоналар³, маҳаллий банклар, темир йўллар⁴, ғишт заводлари давлат мулки қилиб ўтказилди. 1919 йил мартда шаҳардаги барча хусусий транспорт жамиятлари давлат тасарруфига ўтказилди⁵. 1920 йил охирига келиб Андижондаги барча корхоналар ва электр станциялари национализация қилиниши ниҳоясига етган.

1918 йил баҳорида Туркистонда кенг ёйилган очарчилик Андижон шаҳрида ҳам ҳукм сурарди. Ўша пайтда Андижон Советининг раиси Д.С.Урюпиннинг 26 мартда Тошкентга йўллаган телеграммасида:

¹ Туркестанский голос. 1917 г. 9 марта.

² Ульмасов А.У. Национализация промышленности в советском Туркестане.-Т.: Из-во АН Уз ССР. 1960.-С. 37.

³ Голос Самарканда. 1918. 6 июля.

⁴ ЎзР МДА. 18-фонд, 2-рўйхат, 151-иш, 15-16 варақлар.

⁵ ЎзР МДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 232-иш, 131-варақ.

“Андижон шаҳрида очарчилик натижасида ҳар куни юзлаб киши ҳалок бўлмоқда, очлик оқибатида терлама ва бошқа касалликлар авж олмақда. Ишсизлар сони катта, иш йўқ, аҳолининг юз берган аҳвол билан кенгрок таништирмоқ керак. Газеталарда, мажлисларда бу ҳақда хабар беришингизни илтимос қиламиз” дейилган эди. Андижон шаҳрида очларни озиқ-овқат билан таъминлаш учун чора тадбирлар ишлаб чиқилди. Шу мақсадда шаҳарда махсус қўмита тузилиб, ғалла тайёрлаш учун ўз вакилларини ўлка ва уезд туманларига юборишган.

1918 йилда Андижон шаҳрида 12 та уездда эса 40 та овқатланиш марказлари очилиб, аҳолига ёрдам кўрсатган¹. 1919 йилда уларнинг сони 55 тага этган. Шу билан бирга Андижонга Туркистоннинг турли шаҳарларидан ёрдам тариқасида озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилган. Жумладан, 1918 йил январ ойида Скобелев уездидан 250 пуд ғалла ва ун, Қўқон шаҳридан 200 пуд ун келтирилган².

Фарғона водийсида жумладан, Андижонда ҳам саноат корхоналари мавжуд бўлган. 1921 йилда Андижонда 2 та пахта тозалаш ва 1 та ёғ-мой заводи бўлган³. Шу билан бирга 1923 йилда шаҳарда пиво заводи ишга туширилди ва тамаки фабрикаси қайта тикланган⁴. Фарғона водийси шаҳарларининг иқтисодий тараққиётида ҳамда пахта саноатининг ривожланишида Андижон-Наманган темир йўлининг аҳамияти бекиёсдир. 1924 йил охирида ушбу темир йўл қайта таъмирланиб ишга туширилган⁵. 1921 йилда шаҳарда қуввати 15 жинга тенг йирик пахта заводи ишга туширилиб, унда бир кунда 12 минг пуд пахта толаси тозаланган⁶. 1924 йилда Андижонда яъна иккита пахта тозалаш заводи курилган.

XX асрнинг 20 йилларида таълим тизимида ўзига хос муаммолар мавжуд эди. 1918 йил 9 июлда Андижон шаҳар Совети уезд-шаҳар халқ таълими бўлими ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди⁷. 1918-1919 йилларда Андижон уезд-шаҳар халқ таълими бўлимига Усмонхон Эшонхўжаев раҳбарлик қилган. 1918 йил августда Андижон шаҳрининг янги қисмида 6 та етти йиллик рус мактаби, 1 та ўн йиллик ва 1 та бир босқичли арман мактаби ташкил этилган⁸. Шу билан бирга, шаҳарнинг эски қисмида эса 9 та ўзбек ва 2 та қиз болалар мактаби ҳам очилган. Бундан ташқари яъна рус-тузем мактаблари ҳам фаолият юритган.

¹ Наша газета. 1919 г. 9-февраля.

² Хроника событий Октябрьской революции в Узбекистане. Т. II. Ташкент. 1975.-С. 99.

³ Асаткин А. Очерки хозяйственной жизни Туркесреспублики.-Т.: ЦСНХ. 1921.-С. 327.

⁴ Туркестанская правда. 1924. 7 февраля.

⁵ Туркестанская правда. 1924. 13 октября.

⁶ Нурмухаммедов Х.У. История развития социалистического города Андижана (1917-1950 гг). Дисс... канд. Ист. Наук.-Т. 1981.-С. 39.

⁷ ЎзР МДА. 34-фонд, 1-рўйхат, 50-иш, 1-варақ.

⁸ ЎзР МДА. 34-фонд, 1-рўйхат, 119-иш, 29-варақ.

1918 йил охирига келганда Андижонда 15 та миллий мактаблар ва 9 та рус мактаблари мавжуд бўлган. Уларда 98 та ўқитувчи жами 2.948 та ўқувчига таълим берган¹. Шунини таъкидлаш жоизки бу даврда мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш зарур бўлган. Шунинг учун, шаҳарда махсус курслар ташкил этилиб, уларда ўқитувчилар тайёрланган. 1918 йил 8 июлда Андижон шаҳрида Туркистон Халқ Университетининг филиали ташкил этилган. 1918 йил ноябрда эса шаҳарда политехника билим юрти ҳам очилган². Шу билан бирга Андижон шаҳрида педагогика билим юрти ҳам бўлиб, у ерда 8.731 талаба ўқиган. Бундан ташқари билим юртида 381 та педагог ходимлар, маъмурий бошқарувда эса 269 ходим ишлаган³.

1921 йилда Андижон шаҳрида бир босқичли 5 та европа таълим тизимига мослашган мактаб, 1 та икки босқичли мактаб бор эди. Шаҳарнинг эски қисмида ўғил болалар учун 10 та бир босқичли мактаб, 3 та қиз болалар мактаби ҳамда 1 та татар ва озарбайжон миллатига мансуб аҳоли болалари учун очилган мактаб бўлган. Ўзбек мактабларида 1947 та ўғил ва 212 та қиз болалар таълим олишган⁴. Бу даврда Андижон шаҳрида кутубхоналар ҳам фаолият кўрсатган. 1922 йилда шаҳарда 2 та кутубхона бўлиб, улар шаҳарнинг янги ва эски қисмларида жойлашган эди. Шаҳарнинг янги қисмида жойлашган кутубхона фондида 7.412 та, эски қисмидаги кутубхонанинг фондида эса 1226 та китоблар бўлган⁵.

Мактаблар билан бирга 1918 йил сентябрда Андижон уезд-шаҳар халқ таълими бўлими шаҳарда болалар боғчасини ташкил этишга киришди. Шундай болалар боғчасининг биринчиси шаҳардаги темир йўлчилар, иккинчиси эса пиво заводи клуби қошида очилган⁶. 1921 йилга келиб Андижонда болалар боғчасининг сони 7 тага этиб, уларда 466 та болалар тарбияланган⁷.

Совет ҳокимияти ўрнатилгач, миллий театр санъати ўзига хос мафкуравий восита сифатида шакллантирилди. Театр санъатидан миллий маданият равнаки ниятида эмас, балки ғоявий мақсадлар йўлида фойдаланилди. 1918 йил Андижон шаҳрида бадиий хаваскорлик тўғарақлари ташкил этилган. 1919 йил октябрда “Шарқ кечалари” номли концерт ва спектакллар ташкил этиш учун Андижонга Хамза ташриф буюрган. У шаҳарда хаваскор артистлар ёрдамида ўзбек театр труппасини ташкил этган. Бундан ташқари Андижонга Фарғонадан ҳам театр

¹ Ардаширов А.Ф. Борьба за советскую школу в Андижане (1917-1918). Учёные записки Андижанского госпединститута. Т.2. 1955.-С. 89.

² Известия ТАССР. 1918. 16 ноября.

³ ЎзР МДА. 20-фонд, 1-рўйхат, 289-иш, 20-варақнинг оркаси.

⁴ АВДА. 128-фонд, 1-рўйхат, 75-иш, 15-варақ.

⁵ АВДА. 128-фонд, 1-рўйхат, 121-иш, 13-варақ.

⁶ История Андижана. Редкология. Ахунова М.А. Зияев Х.З. Рашидов Г.Р. Мухитдинов М.Х. – Т.: Фан. 1980. –С. 74.

⁷ Андижон вилоят давлат архиви (АВДА). 128-фонд, 1-рўйхат, 87-иш, 25-26 варақлар.

труппалари ташриф буюриб, аҳоли ўртасида “Бой ва хизматчи”, “Фарғона фожеаси” спектакллари намойиш қилишган. 1919 йил 14 декабрда Халқ таълими бўлими розилиги билан Андижон шаҳрида хаваскорлар труппаси базасида Давлат театри ташкил этилган¹.

Совет хокимиятининг дастлабки йилларида Андижон шаҳрида аҳолининг ижтимоий турмуши, тиббий хизмат кўрсатиш анча паст даражада эди. 1920 йилда Андижонда 2 та шаҳар касалхонаси, 4 та амбулатория ва битта тиш врач хонаси бўлган. Биринчи шаҳар касалхонаси 120 ўринли бўлиб, унда хирург терепевт ва акушер-генекология бўлимлари ишлаган. 1919 йилда шаҳарда биринчи амбулатория очилиб, у шаҳарнинг янги қисмида жойлашган. Иккинчи амбулатория эса 1920 йил 1 январда ташкил этилган. Амбулатория шаҳарнинг эски қисмида жойлашган бўлиб, асосан маҳаллий аҳолига хизмат қилган².

Хулоса қилиб айтганда, Андижон шаҳри Фарғона вилоятининг қолаверса бутун Туркистон асосий шаҳарларидан бири бўлган. Ўлкадаги сиёсий ижтимоий жараёнлар шаҳар ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутган. Большевиклар Туркистоннинг бошқа жойлардаги каби бу ерда ҳам секин аста қабих йўллар билан ўз сиёсий яккахукмронликларини ўрнатганлар. Ўзбек халқи шундай мураккаб тарихий шароитларда ҳам бунёдкорлик фаолиятини давом эттирган. Бу даврда шаҳарда вилоят, ўлка иқтисодиётида муҳим ўрин тутган саноат корхоналари, ижтимоий муассасалар ва маданий объектлар барпо этилган. Рус тилидаги мактаблар кўпайган ва унда маҳаллий аҳоли вакиллари жалб этиш бўйича турли хил тарғибот ишларини олиб борилган. Европача маданият унсурлари кириб келиши жадаллашган ва у кўп соҳаларда анъанавий маданий элементлари билан қоришиб, янгича ҳаёт турмуш тарзини вужудга келтирган.

U. Mansurov

Social-economic and cultural processes in Andijan in the 1917-1924 y.

In the article are investigated the social, political and cultural processes in Andijan in the 1917-1924 y. Also are analyzed the replacement and destruction of the progressive political parties and groupings of local population after establishment of full control of Bolsheviks in the city, the economical, social and cultural changes, a role and participation of representatives of local population in them.

¹ Андижанская правда. 1961. 12 февраля.

² АВДА. 90-фонд, 1-рўйҳат, 69-иш, 43-варак.

**Социально-экономические и культурные процессы
в Андижане в 1917-1924 гг.**

В статье освещены социально-политические и культурные процессы имевшие место в Андижане в 1917-1924 гг. Также проанализированы вытеснение и уничтожение прогрессивных политических партий и группировок местных народов после установление полной власти большевиков в городе, в результате последующие экономические, социальные и культурные изменения, роль и участие представителей местного населения в них.

М.С. Ҳамидова

Тошкент кимё-технология институти ўқитувчиси

XIX-XX ар бошларида Қарши шаҳри тўқимачилиги

Ҳозирги кунда Қашқадарё вилоятининг маданий маркази ҳисобланган Қарши шаҳри XIX – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва савдо-маданий марказларидан бири бўлган¹.

Қарши беклиги ҳудудидан етказиб берилган чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик ҳамда хунармандчилик маҳсулотлари нафақат Бухоро амирлиги ҳудудида балки ундан ташқари бир қатор ўлкаларда ҳам шуҳрат қозонган. Айниқса, қаршилик хунарманд усталар томонидан ишлаб чиқарилган мис буюмлар, тўқимачилик маҳсулотлари, жумладан, олача матоси ва гиламдўзлик буюмлари билан машҳур бўлган².

Қарши ҳам амирликнинг бир қатор йирик шаҳарлари каби хунармандчилик гузарларига бўлинган бўлиб, уларнинг бир нечтаси ўша ерда ривож топган хунармандчилик тури номи билан аталган. Тадқиқотчилар томонидан Қарши шаҳрида Халвогар, Темурчи, Кулоли, Чилангарон каби гузарлар аниқланган³. Тўқимачилик ва у билан боғлиқ бўлган хунармандчилик маҳаллалари асосан эски шаҳар атрофида жойлашган. Бундан ташқари, Қарши воҳасининг чорвачилик билан шуғулланувчи аҳолиси, чорвадор араблар жундан турли хил маҳсулотлар тўқиш билан шуғулланган⁴.

¹ Зимин А.А. Нахшеб, Несеф, Қарши. Их история и древности. / Сб. в честь В.В. Бартольда. – Ташкент, 1927. – С. 197-214; Маев Н.А. Город Қарши // Туркестанские Ведомости. – 1879. – №. 24, 25. – С. 14-15; Литвинов Б. Қарши // Туркестанские ведомости. – 1879. – №.116 – С. 24-25; Ханыков Н.Описание Бухарского ханства. – Спб, 1843.

² Абд-ур-Рауф. Рассказы индийского путешественника. (Бухара как она есть). / Перевод с персидского А.Н. Кондратьева. – Самарканд, 1913. – С. 56.

³ Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Т., 1958. – С. 124.

⁴ Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Б. 124.

Тўқимачилик билан боғлиқ бўлган хом-ашё маҳсулотлари хусусан, жун, пахта, ипак ва турли хил бўёқлар асосан воҳанинг ўзидан етказиб берилган. Бундан ташқари, чет давлатлардан келтирилган ранг-баранг бўёқлардан кенг фойдаланилган.

Воҳа хунармандчилигида кенг ўрин тутган тўқимачилик турларига ипак, пахта, канопа ва жундан ип йигириш, турли хил матолар тўқиш, гиламдўзликни киритиш мумкин.

Маълумки, жун, пахта, ипак ва канопадан турли матолар тўқиш ўлкамизнинг барча ҳудудларидаги каби Қарши шаҳри хунармандларига ҳам аён бўлган ҳамда асрлар давомида такомиллашиб келган. Ёзма манбаларда санаб ўтилган бир қатор матолар, хусусан, қарбас, олача, фута, чит, адрас Марказий Осиё, жумладан, Қарши шаҳри хунармандлари томонидан ҳам ишлаб чиқарилган¹.

Қарши хунармандлари томонидан ишлаб чиқарилган бўз пахтадан олинган ип маҳсулотидан тўқилган. Оддий, пишиқ ва иссиқ бўлган бу мато нафақат ички эҳтиёжлар учун балки маҳаллий бозорларда сотиш ҳамда қўшни давлатларга чиқариш учун ҳам кўп миқдорда ишлаб чиқарилган. Бўзга нафақат шаҳар ва унинг атрофида истикомат қилувчи ўтироқ аҳоли балки кўчманчиларнинг ҳам талаби катта бўлган. Улар тинчлик ҳукм сурган даврларда бўзни савдогарлар орқали сотиб ёки ўз маҳсулотларига алмаштириб олишган бўлса, феодал урушлари даврида босқинчилик йўли билан турли хунармандчилик буюмлари қатори бўзни ҳам талаб кетишган. Бундан ташқари, бўз бир қатор қўшни давлатлар, жумладан, Россия бозорларига ҳам сотиш учун чиқарилган².

Олача эса Қарши шаҳри ва унинг атрофида яшовчи хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган ўзига хос услубда қўлда тўқиладиган мато бўлиб, уни ишлаб чиқаришда қаршилиқларга тенг келадигани бўлмагани, XX аср бошларида Бухоро амирлигига ташриф буюрган ҳинд сайёҳи Абду-ур-Рауф томонидан ёзиб қолдирилган³. Олача юқори сифатли, ранг-баранг, ингичка ипак ҳамда пахта толаларидан тўқилган. Ушбу матога ҳам маҳаллий аҳоли ва қўшни давлатлар бозорларида талаб катта бўлган. Жумладан, олача «пестрядь» номи билан Россия бозорларида машҳур бўлиб, XIX –XX аср бошларида Марказий Осиё ҳудудидан сотувга чиқарилган матолар ичида санаб ўтилган⁴.

Булардан ташқари, Қарши хунармандлари томонидан ишлаб чиқарилган чит, адрас жуда харидоргир матолар бўлиб, маҳаллий аҳоли ва қўшни давлатлар бозорларида уларга талаб катта бўлган.

¹ Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI в. – Т., 1976. – С. 45-79.

² Зияев Х.З. Экономические связи Средней Азии с Сибирью в XVI-XIX вв. – Т., 1983. – С.114.

³ Фитрат А. Ҳинд сайёҳининг кассаси. / Шарқ Юлдузи. 1991. №8. – Б. 26.

⁴ Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI в. – С. 52.

XIX асрнинг иккинчи ярмида шаҳар ва унинг атрофида 5000 га яқин тўқимачилик дастгоҳлари ишлаб турган. Шаҳар атрофи, юқорида таъкидлаганимиздек, тўқимачилик билан шуғулланувчи гузарлар аҳолиси турли хил газламалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Олача ва фута ишлаб чиқариш билан асосан Зоғза гузари, адрас ишлаб чиқариш билан Махсумовот гузари аҳолиси шуғулланган. Махсумовот гузаридида ипак курти бокиш кенг йўлга қўйилгани сабабли бу ерда кўп миқдорда ипак ип тайёрланиб, бозорга чиқарилган¹.

Бу даврга келиб Қарши шаҳрида 25 га яқин тўқимачилик корхоналари мавжуд бўлиб, улардан энг йириги «Охун олача» лакаби билан машҳур бўлган Мулла Охунга тегишли бўлган². Мулла Охуннинг қўл остида газлама тўқиш билан бирга ипакдан ип йиғириш ҳам мавжуд бўлиб, унинг уйида 4 та бинога жойлаштирилган 40 га яқин тўқимачилик дастгоҳлари ишлаб турган. Бундан ташқари, яна битта хона ипак ипни колавалаш ишларига банд этилган. Бу устахонада фақат шойи ва ипак газламалар ишлаб чиқарилган. Охун олачанинг устахонадан ташқари, чекка қишлоқларда 20 га яқин харчивоплари яъни уйда шойи мато тўқиш билан шуғулланувчи усталари ҳам бўлган. Қолган тўқимачилик корхоналари унча катта бўлмаган. Бундан ташқари, шаҳар атрофида тўқимачилик билан шуғулланувчи якка хунармандлар ҳам кўпчиликини ташкил этган.

Қарши шаҳрида ушбу тайёр матолардан турли туман (аёллар ва эркаклар учун) кийим-кечаклар тикиб сотишга ихтисослашган хунармандлар ҳам фаолият кўрсатишган. Ушбу тайёр маҳсулотларга турли табақалар яъни шаҳар ёки қишлоқ ҳамда кўчманчи аҳоли орасида катта талаб мавжуд бўлган. Камбағал аҳолига кўпроқ бўз, адрас, чит каби матолардан оддий, безаксиз кийимлар тикилган. Юқори табақа аҳли учун эса ипак ва шойи матолардан қимматбаҳо тошлар билан безатилган кийим-кечаклар тайёрланган. Қарши шаҳри атрофида яшовчи чорвадор аҳоли томонидан етказиб берилган жун ва тери маҳсулотларидан ҳам турли қишки иссиқ кийимлар тайёрланган ва бозорларда сотилган. Воҳанинг чорвадор аҳолиси ўртасида каштали кийим-кечаклар ва майда уй-рўзгор буюмлари кенг тарқалган³. Қашқадарё воҳаси, жумладан, Қарши атрофида яшовчи кўчманчи чорвадор аҳоли ўртасида кенг тарқалган каштали чопонлар безакларининг бойлиги ва юқори сифатда тикилгани билан ажралиб турган. Улар асосида ўша давр олий табақа аҳли диди ҳақида фикр юритиш мумкин. Чопонлар, одатда, яхлит равишда тикилган⁴.

¹ Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – С. 123.

² Сухарева О.А. Ўша жойда. – Б. 124.

³ Абдуллаева Ш. Проблемы сохранения и возрождения народных ремесел Узбекистана. – Т., 2004. – С. 3.

⁴ Гул Э. Шахрисабз кашталари //San'at. – Тошкент, 2002. – №1. – Б. 14-18.

Чопонларга мос равишда тикилган от ёпқичлари ҳам безакларга жуда бой бўлган.

Шунингдек, улар томонидан амирлик ҳамда қўшни давлатлар бозорларига жундан тўкилган гиламдўзлик буюмлари ҳам етказиб берилган. Асрлар давомида гиламдўзлик анъаналарини давом эттириб келаётган аҳоли Қарши чўлларида яшовчи ярим кўчманчи чорвадор араблар ва туркманлар бўлиб, улар Қамаш, Жейнов, Чирокчида яшаган ва ҳозир ҳам яшайдилар¹. Улар тўкиган гиламдўзлик буюмлари сирасига бозор гилам, қиз гилам, жулхирс гилам, араби гилам, қоқма гилам, жун гилам, патсиз паласлар, турли буюмлар солиб қўйиладиган гилам халта-тўрвалар, хуржун ва бошқаларни киритиш мумкин. Ушбу гиламдўзлик буюмлари нафақат амирлик ҳудудида балки қўшни давлатларда ҳам жуда машҳур бўлган. Шаҳар бозорларида эса гиламдўзлик моллари учун алоҳида тимлар ажратилган². Қарши гиламдўзлари кўпроқ патсиз гиламлар тўкиган. Воҳада гиламдўзлик ҳунармандчиликнинг бошқа турларига қараганда кам тарқалган бўлсада, XIX – XX аср бошларига мансуб гиламдўзлик маҳсулотлари ўзининг юқори сифати ва нақшларнинг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Гиламлар асосан табиий бўёқларда бўялган жун ва пахта, жуда кам ҳолларда эса ипак толаларидан тўкилган. Қашқадарё гиламларида дашт чорвадор қабилаларининг гиламдўзлик санъати қадимий анъаналари давом эттирилган. Воҳа гиламдўзлигида асосан геометрик нақшлар ва қисман ислимий безаклар ишлатилган (Х.М.).

Бундан ташқари, Қаршида каштачилик ҳам ривожланган бўлиб, Қарши ярим кўчманчи чорвадор аҳолиси ўртасида ўзига хос тарзда тикилган каштали кийим-кечакларни кийиш кенг тарқалган. Жумладан, Қарши кўчманчи ўзбекларининг ўзига хос конуссимон-чакматўр услубда тикилган каштали ва зардўзи дўппиларини осонгина ажратиш мумкин.

XIX аср охири – XX аср бошларида Россия ва Европа давлатларидан фабрика маҳсулотларининг кўплаб кириб келиши Марказий Осиё, хусусан, Қарши шаҳрида ишлаб чиқарилган тўқмачилик буюмларига талабнинг пасайиб кетишига сабаб бўлган. Шунингдек, ушбу даврда четдан келтирилган сунъий анилинли бўёқларнинг ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида кенг қўлланиши натижасида баъзи бир тўқмачилик маҳсулотлари сифатининг пасайиб кетиши ҳам кузатилган.

XX аср бошларида Рус ҳукумати томонидан гиламдўзликни ривожлантириш мақсадида махсус фармон чиқарилган. Ушбу фармонга асосан жойларда янги уюшган гиламдўзлик устахоналари очиш,

¹ Мошкова В.Г. Ковры народов Средней Азии конца XIX - начала XX вв. – Т.: Фан, 1970. – С. 105.

² Маев Н. Город Карши //Туркестанские ведомости. 1879. – № 24-25.

марказларда кўргазмалар ташкил этиш, гиламдўзлик устахоналарига назоратчилар тайинлаш ва сифатсиз бўёқлар яъни анилиндан фойдалинишни тақиқлаш тўғрисидаги бандлар киритилган. Шунингдек, ушбу ҳужжатда гиламдўзлар асосан хунармад аёллар бўлгани ва уларга тўланган хизмат ҳақлари тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган¹.

Шундай қилиб, Қарши шаҳри XX аср бошларида ҳам Бухоро амирлиги ҳудуди аҳолиси ва қўшни давлатлар бозорларини ўзининг қатор хунармандчилик маҳсулотлари билан таъминлашда алоҳида ўрин тутган. Жумладан, Қарши хунармандлари томонидан ишлаб чиқарилган тўқимачилик буюмлари бунда салмоқли ўрин тутгани шубҳасиздир. Қарши шаҳри тўқимачилиги ва у билан боғлиқ бўлган хунармандчилик турларини рағбатлантирувчи ўзига хос омиллардан бири бу-катта миқдордаги хунармандчилик маҳсулотларига талабгор бўлган ва ўзи ҳам тўқимачиликнинг муҳим хом-ашё манбаини тақлиф этувчи чўл аҳолиси билан шаҳар аҳлининг яқин алоқалари эди.

Қарши бозорларида XX аср бошларида ҳам Россия фабрика молларидан қолишмайдиган олача, занданачи каби матолар, турли-туман гиламдўзлик маҳсулотлари, воҳа аҳолиси кийим-кечаклари орасида алоҳида ўрин тутган кашта тикилган кийимлар учун алоҳида расталар ажратилган².

Бугунги кунда ўзбек халқининг ўзига хос анъаналарни сақлаб келаётган қадимий хунармандчилик буюмларини ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўйиш ва уларни моддий маданиятимизнинг нодир намуналари сифатида кадрлашга катта эътибор қаратилмоқда.

M.Khamidova

**This article is about the history of knitting the town of Karshi
(XIX - begun XX ages.)**

M.S.Hamidova, candidate of history knitting types the town of Karshi. She complicated her article with historic details, use a lot of scientific books and her ethnographic works results.

М.Хамидова

**Про истории текстильной производстве города Карши
(XIX - начало XX вв.)**

Статья М.С.Хамидовой просвещается истории текстильной производстве города Карши. В этом статье она плодотворно использовала материалы исторических источников и научных литератур вместе со своими материалами этнографических экспедиции.

¹ Уз. Р. МДА. Ф.И-1.оп.12. Д.1775.

² Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. - С.125.

ЎзРФА Тил ва адабиёт институти докторанти
**Ўзбек адабиёти, маданияти тарихининг Америкадаги тадқиқига
оид баъзи мулоҳазалар**

Марказий Осиё халқлари қадимдан бой маданий тарихга эга бўлиб, бу ўлмас мерос нафақат маҳаллий, балки Шарқ ва Европа олимлари томонидан ҳам катта қизиқиш билан тадқиқ қилинган.

Хусусан, америкалик олимларнинг ўлкамиз маданияти билан боғлиқ тадқиқотлари XX асрнинг 50 - йилларидан бошланганлиги кузатилади ва бундай изланишлар биринчи бўлиб Э. Олворт томонидан олиб борилган. Олворт қаторида Лаззерини, И. Сиртаутас, Э. Наби, Х. Мюрфи ва А. Холидлар ҳам Мусулмон давлатларидаги тарихий, маданий - маиший турмуш воқеалари билан боғлиқ тадқиқотлар яратган.

50-70-йиллар оралиғида олиб борилган изланишларда асосий эътибор Туркистондаги ижтимоий - сиёсий жараёнларни тадқиқ этишга қаратилган¹. Қўрилган масалага субъектив муносабатда бўлиш билан бирга, сиёсий ёндашиш тенденцияси кучли бўлган.

Кейинги давр (70-90 - йиллар) да яратилган тадқиқотларда бадий асардаги ижтимоий–ғоявий, бадий жиҳатлар синкретизм нуқтаи назаридан ўрганилганлиги кузатилади. Айни йилларда яратилган илмий асарларда адабиётнинг спецификасига ҳар томонлама ёндашиш билан бирга таълим-тарбиянинг ривожланишида маданий анъаналарнинг ўрни масалалари атрофлича тадқиқ қилинди². Илмий мезонлар нисбатан чуқурлашганлиги, бадий асарлардаги қаҳрамонларга образ ва характер сифатида ёндашиш кучайганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мустақилликдан кейин яратилган тадқиқотларда нисбатан объектив фикрлаш қарор топди. Олдинги даврдаги каби фикрий қайтариқлар деярли учрамайди. Битта тадқиқот объектини атрофлича, ҳар жиҳатдан тадқиқ

¹ Қаранг: Allworth E. Uzbek Literary Politics.-The Hague: Mouton and Co.,1964; Allworth E. The Beginnings of the Modern Turkestanian Theater// Slavic Review.-23(1964),pp.676-687; Allworth E. Central Asian Publishing and The Rise of Nationalism.-New York: New York Public Library, 1965; Allworth E. Central Asian. A Century of Russian Rule/ ed. E. Allworth.- New York: Columbia University Press, 1967; Allworth E. Nationalities of the Soviet East Publication and Writing Systems.-New York-London: Columbia University Press, 1971; Lazzerini E. J. Ismail Bey Gasprinskii and Muslim modernism in Russia,1878-1914: (The dissertation written for taking Ph.D in philology).-University of Washington, 1973;

² Nabi E.The Transitional Central Asian Literature: The Tajik and Uzbek Literary Prose from 1900 till 1932: The dissertation written for taking Ph.D.-Columbia University,1975; Murphy Ch. The Relationship of Abdulla Qadiri'y's Historical novels to the Earlier Uzbek Literary Traditions: The dissertation Written for taking Ph.D.-Washington: Washington University Press,1980. Cirtautas I. The Continuing Importance of Autobiographical Writings in Eastern Turkic Literature//A paper presented at the 1981 Middle East Studies Association Annual Meeting.-USA, 1981.-P.65-76; Allworth E. Murder as Metaphor in the First Central Asian Drama//Ural-Altai Year- book.- 58(1986),pp.65-95; Allworth E. Modern Uzbeks.-Stanford: Hoover Institution Press, 1990;

этиш анъанаси етакчи ўринни эгаллаган ҳолда қўйилган масалага таҳлилий ёндашиш кузатилади.

Э.Олворт ўзбек адабиёти ва маданияти тадқиқи билан шуғулланган олимларнинг илк вакили бўлиши билан бирга мустақилликдан кейин яратилган энг кўп ва ҳажман катта тадқиқотлар муаллифи ҳамдир. Айниқса унинг Фитрат бадиий ва илмий меросига бағишланган йирик тадқиқоти ўзига хос аҳамиятга эга.¹ Э.Олворт Фитрат асарларини даврлаштириш, тасниф қилиш ва уларнинг синхроник кўринишини тадқиқ қилишда муаллиф асарларида маданият ва унинг янгича моделларига мурожаат бошқа соҳалар орасида нисбатан етакчи рол ўйнаганлигини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, Фитрат асарлари билан боғлиқ 123 сарлавҳа маданият соҳаси билан туташ эканлигини ва у энг кўп 64.4 фоизни ташкил қилганлигини айтиб ўтади². Маданият жамиятнинг тугал бутунлиги негизи эканлигини яна бир бор эсга олсак Фитратнинг XX аср бошларидаги Туркистон халқи ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни ислох қилишда вазиятни тўғри баҳолай олганлигига гувоҳ бўламиз.

АҚШ лик олимлари ўзбек адабиёти, маданият ва тарихининг хориждаги тарғиботчилари эканликларини кадрлаш баробарида улардаги субъектив фикрларнинг айримларига тўхталишни лозим топдик.

Қодирий ва Айний романларини қиёсий типологик жиҳатдан тадқиқ этган олима Эден Наби аср бошида ўзбек ва тожик адабиётида дидактик асарлар яратилишининг энг юқориги чўққиси сифатида баҳолайди ва «Рахбари дониш», «Худосизлар» журналларида чоп этилган айрим қисқа ҳикояларнинг зерикарли ва такрордан иборатлигини айтиб, эътироз билдиргандек бўлади³.

Марказий Осий адабиёти, мусулмон давлатларида амалга оширилган маданий ислохотларни тадқиқ қилган Адиб Холид 1915-20 йилларда яратилган асарларда «дидактика устунлик қилганлигини, жадид адабиёти панд – насихатни олға сурувчи ғоялар билан тўлиб тошгани, унинг дидактикага тобе бўлиб қолганлиги, оғзаки дostonчилик анъаналарининг кўп марта такрорланиши» ни таъкидлаб, хулосларини Абдулла Бадрийнинг “Аҳмок” (Самарқанд: 1915), Абдулла Авлонийнинг

¹ Allworth E. The preoccupations of Abdalrauf Fitrat, Bukharan nonconformist: an Analysis and list of his writings. - Berlin: Buch, 2000; Allworth E. Evading Reality. Devices of Abdalrauf Fitrat, Modern Central Asian Reformist. - Netherlandz: Brill Academic Publishers, 2002; Адиб Холид, The Politics of Muslim Cultural Reform. Jadidism in Central Asia. - California University Press: Berkeley - Los Angeles - London. - 1998.

² Allworth E. The preoccupations of Abdalrauf Fitrat, Bukharan nonconformist: an Analysis and list of his writings. - Berlin: Buch, 2000. - p. 34.

³ Nabi E. The period literature of Uzbek literature: The Tajik and Uzbek Literary Prose from 1990 till 1932: The dissertation written for taking Ph.D. - Columbia University, 1975. - pp. 74 - 86

“Адвокатлик осон эмас” (1916) каби асарлари мисолида исботлашга ҳаракат қилади¹.

Э.Наби ва А.Холид XX аср бошларида яратилган айрим асарларга хос хусусиятни тўғри аниқлай олган. Лекин асарлардаги дидактика жиддий сабабларга асосланишини чуқур таҳлил этмаганлар.

Жадид адабиёти вакиллари яратилажак пьесаларнинг барчаси ё дидактика ёки руслар истилосига қарши курашиш асосига қурилиши керак деган фикрни олға сурган эдилар.

А.Холид яна бир ўринда XIX асрда Марказий Осиёда, одоб хушмуомаликнинг чегараси сифатида белгиланганлигини ва бу маданий асосларнинг ҳал қилувчи, асосий элементи бўлганлигини қайд этади².

Одоб билан бир қаторда таълим ҳам дидактиканинг асосий компонентларидан биридир. Адабиёт эса маданий асосларнинг энг муҳим соҳаларидан эканлиги, бадиий ижод тарбиянинг асосий таркибий қисмлари билан узвий боғлиқликда яратилишини қайд этмоқ зарур. Дидактик мазмунни белгиловчи асосий хусусиятлар муайян адабий жанр тараккиётини таъминлашда индивидуал ўзига хослик касб этади. «Дидактика» педагогиканинг умумий таълим - тарбия методлари асосига қурилганлиги, бундай асарлар ижодкорнинг зехн мантиқи, интеллектуал салоҳиятини кўрсата олишда ва унинг индивидуал хусусиятларини намоиш этишда айроча аҳамиятга эга эканлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Шунингдек, дидактика ижтимоий – сиёсий муносабатларда, ғоявий-эстетик муаммоларнинг ечимини топишда, ёзувчи симпатиясининг ҳаёт ҳодисалари билан боғлиқ ақс эттиришида ҳам муҳим ўринга эгаллигини таъкид этсак америкалик олимлар (Э.Наби ва А.Холид) нинг юқоридаги эътирозлари асосиздек кўринади.

Тўғри, XX аср бошларида яратилган ва 1928 йиллардан кейин авж олган асарлардаги тавтологик, бадиий ғоявий жиҳатдан заиф асарларни биз ҳам оқламаймиз, бу маълум маънода даврдаги мафкура билан ҳам боғлиқ жараён. Аммо иккинчи бир жиҳатдан, мана шундай кичик, дидактик компонентлар асосига қурилган асарлар «Ўткан кунлар ва «Мехробдан Чаён», каби бетакрор яратилишига маълум маънода асос бўлган дейишга ҳақлимиз. Чунки бадиий ижод тажрибаси тадрижи, ижодкор бадиий маҳоратининг ҳар жиҳатдан шаклланишини таъминлайди. Шунингдек, Марказий Осиё адабиётида дидактикага мурожаат қадимдан мавжудлиги ва унинг элементлари узоқ тарихга бориб тақалиши, бу Шарққа хос миллий менталитет, дунёқараш ва ахлоқ қоидалари меъёрлари билан боғлиқлигини ҳисобга олиш зарур. Нафақат аср бошида балки бугун

¹ Khalid A. The Politics of Muslims Cultural Reform. Jadidism in Central Asia.- Berkeley-Los Angeles-London: University of California Press, 1998.- p.128.

³ Адиб Холид, The Politics of Muslim Cultural Reform. Jadidism in Central Asia.- California University Press: Berkeley- Los Angeles- London.- 1998.- p. 20.

хам ўзбек сўз санъатида дидактикага мойиллик сақланиб қолганлиги ва келгусида яратилажак асарларда ҳам унинг шубҳасиз мавжуд бўлиши, адабий анъана сифатида давом этиб, Марказий Осиё халқлари адабиётида ўзига хос аҳамият касб этиши ҳақидаги фикрлардан ҳам йироқ бўла олмаймиз. Албатта, Ғарб маданияти нуқтаи назаридан қаралганда дидактик асарлар ўз моҳиятини тўлиқ ифодалай олмаслиги билан бирга, муайян бадиий шакл сифатида ҳам ўзини оқламайди, чунки буларнинг барчаси Шарқ ва Ғарб ўртасидаги тафаккур тафовути, менталитет, ва шахснинг индивидуал қарашлари билан боғлиқ бўлади..

Миллат равақининг асоси таълим - тарбия эканлигини англаган жадидлар ҳам ислохотни мактаблар қуришдан бошлаганлиги маълум. Жадид адабиётининг маданий – ижтимоий, адабиёт соҳасида чуқур мулоҳазага эга бўлган пешқадам вакиллари ҳам жаҳолатни қоралаганлар ва асарларида нодонликка қарши курашганлар. Фитрат асарларидаги ўзига хослик муаллифнинг фикр ва идроки, индивидуал ўтмиши ва темпераменти асосида кашф қилинган. Унинг ҳаётий тажрибаси, билим салоҳияти асарларидаги ўзига хос чуқур фикрларни яратилишига асос бўлган¹.

Демак таълим тарбия – дидактиканинг асосий хусусиятларини сиқик нуқтаи назар билан, юзаки таҳлил этиш керак эмас.

Шу ўринда таълим тарбия меъёрларининг бузилиши ижтимоий-сиёсий, маданий инқирознинг илдизи эканлигини, отасининг ўлимига сабабчи қотил ўғил – Тошмурод (М. Бехбудий «Падаркуш») нинг аянчли қисмати ва яна минглаб миллат фожиаларининг асосида ҳам таълим - тарбияга лоқайд муносабатда бўлиш ётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Демак юқоридаги фикрлар асосида ўзбек адабиётида дидактиканинг қанчалик муҳим эканлигига, унинг шарқ халқлари адабиёти тараққиётида объектив тарихий қонуният сифатида яшаб келаётганлигига яна бир бор иқрор бўламиз.

Ўз халқи ҳаётидаги муҳим ўзгаришларни таълим - тарбия, маданият ва санъат орқали амалга оширилиши мумкинлигини англаб етган Бехбудийнинг «Падаркуш» драмаси ҳам жаҳолатнинг илдизлари, нодонлик сабаб жиноятни содир бўлишига сабабчи бўлган кишиларнинг даҳшатли қисмати ҳақида башорат берувчи асари эди. Драмадаги мотивлар жамият ҳаётида таълим ва тарбияни кучайтириш, жиноят ва жазо, мажбурият ва жавобгарлик ўртасидаги боғлиқликка ишончни қамраб олишда асосий (бош) ижтимоий восита бўлган².

¹ Allworth E. The preoccupations of Abdalrauf Fitrat, Bukharan nonconformist: an Analysis and list of his writings.-Berlin: Buch, 2000.- p. 12.

² Allworth E. Murder as Metaphor in the First Central Asian Drama//Ural-Altai Year- book.- 58(1986),pp.65-95.

Агар жамиятнинг кичик бўлаги ҳисобланмиш оилада одоб, ахлоқ ёки таълим чегараси бузилиб, одатий мувозанат йўқолса бу оила фожиага юз тутади. Мана шу ҳолат бугун бир миллат, жамият ҳаётида содир бўлса жуда катта тартибсизлик, маданий ижтимоий, шунингдек сиёсий инқироз вужудга келиши муқаррар эканлигини, ва ҳатто Туркистон давомчиларининг фожиага юз тутиши оқибатида миллатнинг тамоман тутатилиш каби даҳшатли оқибатларни яна бир бор эслатиш жоиз¹.

Демак, америкалик олимларнинг Марказий Осиё адабиёти, маданияти тарихини ўрганиш жараёнидаги жамиятнинг кичик гуруҳларидан катта гуруҳларигача бўлган халқи равнақи айнан маданият ва унинг бошқа муҳим асосий соҳалари билан чамбарчас боғлиқ қабилдаги хулосларини тўғри деб таъкидлаймиз. Айниқса Э.Олворт, А.Холидининг «Падаркуш» драмаси, Х.Мюрфи, Э.Набининг А. Қодирий роман («Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён») лари билан боғлиқ таҳлиллари индивидуаллашган хусусиятга эга эканлиги билан таҳсинга лойиқ. Аммо айрим ҳолатларда хорижлик олимлар маданиятимиз тарихи хусусида фикр билдираётган пайтда субъектив хулосаларга ҳам йўл қўяди, бунинг сабабларини уларнинг ғарбона тафаккури, ижтимоий - сиёсий мақсади, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги узоқ масофа ва энг муҳими Шарққа хос маданий элементларнинг этник яшаш тарзи билан боғлиқ моҳиятларни тўғри англаб ета олмасликлари билан боғлаш мумкин. Уларнинг маданият, адабиётимиз тарихи билан боғлиқ тадқиқотлар олиб боришлари аввало маданиятимиз ва адабиётимизнинг халқаро майдонда ўзига хос мавқеи борлигини исбот этса иккинчи жихатдан, аждодлардан қолган бетакрор мерос хорижлик олимларни ҳам эътиборсиз қодирмаётанлиги кўнглинда шараф ва ғурур уйғотади.

Z. Mirzayeva

Some thoughts on the investigating of the history of Uzbek literature and culture in USA

The history of the investigations, directions and conception of American scholars concerning with Uzbek literature were investigated in this article.

Зулхумор Мирзаева

Некоторые заметки об исследовании истории узбекской литературы и культуры в США

В настоящей статье исследованы история, направления и концепции, научных исследований Американских ученых, изучавших историю узбекской литературы и культуры

¹ Қаранг: Мирзаева З. Ўзбек жадид адабиётининг Америкада ўрганилиши.- Фил.фан. ном.дисс.- Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2007.- 140 б.

**Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихий ва маданий
ёдгорликларнинг муҳофаза қилиниши ва тикланиши**

Тарихий ва маданий ёдгорликлар халқимизнинг маънавий қиёфасини шакллантиришда, ёш авлодда ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғуларини тарбиялашда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам истиқлол йилларида республикамызда тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, уларни тиклаш ва улардан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Тарихий обидалар ва маданий ёдгорликларни асраш ва қайта тиклаш Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан ажодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди”¹.

Ҳозирги кунда республикада 7216 та ёдгорлик давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан 2248 таси меъморчилик, 1695 таси археологик ёдгорликлардир². Республика ҳукумати ушбу ёдгорликларни сақлаш, уларнинг айримларини қайта тиклаш, тарихий обидалардан унумли фойдаланишга қаратилган қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, уни қадам-бақадам амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Республиканинг Конституцияси ва бошқа қатор қонунчилик ҳужжатларида давлат идоралари ва фуқароларнинг бу борадаги бурч ва вазифалари аниқ-равшан ўз аксини топди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида қуйидагилар таъкидланган: “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидир”³. Айни вақтда 1998 йил 28 августда қабул қилинган “Маданий мерос бойликларини олиб чиқиб кетиш ва олиб келиш тўғрисида”, 2001 йил 30 августда қабул қилинган “Маданият мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”, 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси” каби қонулар тарихий-маданий ва меъморий ёдгорликларнинг муҳофаза қилинишининг ҳуқуқий негизи бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикаси

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. Б. 137.

² ГлавНПУ памятников культуры. Периодический отчет по реализации Конвенции Всемирного наследия Государством-Участником: Узбекистан. Ташкент. 2006. С. 4.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон. 1992. Б. 18.

маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”нинг 64-моддасида, “Ўзбекистон Республикаси жиной жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”нинг 132-моддасида тарихий-маданий ва меъморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тартибининг бузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан жавобгарлик кўзда тутилди.

Тарихий ва маданий ёдгорликларнинг ҳолатини доимий равишда назорат қилиб бориш, бу борадаги айрим негатив ҳолларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимликлари қошида тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш давлат инспекцияси ташкил этилди. Ушбу идоранинг инспекторлари зиммасига жойларда тарихий ва маданий ёдгорликлар ҳолатининг мониторингини йўлга қўйиш ҳамда мунтазам равишда тегишли давлат органларига таклифлар билан чиқиш вазифаси юклатилди.

Истиқлол йилларида республика ҳукумати тарихий ва маданий ёдгорликларни қайта тиклаш ишига катта эътибор берди. Бу ишлар асосан давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилди. Айни вақтда ҳомийлар, хайрия жамғармалари ва “Олтин мерос” жамғармасининг имкониятлари ишга солинди. Натижада мустақиллик йилларида бу соҳага сарф қилинган маблағлар йилдан-йилга ошиб борди, тарихий ва меъморий ёдгорликлар реставрация қилинди ва қайта таъмирланди.

Агар собиқ иттифоқ даврида республикадаги тарихий ва маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва тиклаш ишларига 1989 йилда 10,28 млн рубл ажратилган бўлса, мустақилликнинг дастлабки йили, яъни 1992 йилда республика бюджетидан ажратилган маблағлар ҳажми 65,4 млн рублни, 1996 йилда эса 592 млн сўмни ташкил этди. 1991-1996 йиллар давомида тарихий ёдгорликларни таъмирлаш учун қурилиш материалларини тайёрлашга мослаштирилган Самарқанд устaxonаси томонидан бажарилган ишлар ҳажми 20 баробар, Шаҳрисабз устaxonасида бажарилган иш ҳажми сал кам 23 баробарга ошди. 1991-2001 йилларда республика бўйича 69 та меъморий ёдгорликлар таъмирланди⁴. Амалга оширилган бундай кенг кўламли ишлар тарихий обидаларнинг умрини узайтириш ва янги туристик маршрутлар ташкил этиш имкониятларини яратди.

1996 йил апрель ойида Ўзбекистон “Бутунжаҳон маданият ва табиат меросини сақлаш конвенцияси”га қабул қилинди. Мазкур конвенциянинг умуминсоний аҳамиятга эга бўлган бойликларини ҳисобга олиш “Бутунжаҳон мероси рўйхати”га 1996 йил июнь ойида республиканинг 22 та тарихий ёдгорлиги рўйхати юборилди⁵.

⁴ Маданият ёдгорликлари илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи Б.Абдурахмоновнинг “1991-1995 йиллардаги фаолият натижалари таҳлили ва шаклланаётган устивор йўналишлар” мавзусидаги доклады. 1996. Б. 4.

⁵ ЎзМДА. М-7-фонд, 1-рўйхат, 369-иш, 81-варак.

Ўзбекистон ҳукумати тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва тиклашда халқаро ташкилотлар, жумладан БМТнинг маданият ишлар бўйича ихтисослашган ташкилоти – ЮНЕСКО билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистондаги тўрт мингдан ортиқ тарихий ва меъморий ёдгорликлар ЮНЕСКО рўйхатига киритилганлиги яна бир қарра халқимизнинг умумбашарий аҳамиятга эга бўлган бой маданий меросга эга эканлигини тасдиқлади⁶. Ушбу тарихий ва маданий меросни муҳофаза қилиш ва тиклаш мақсадида ЮНЕСКО Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликда қатор тадбирларни амалга оширди. Ушбу тадбирлардан бири Бухоро, Хива, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Термиз, Марғилон сингари қадимий шаҳарларнинг юбилейларини ўтказиш бўлди. Юбилейларга тайёргарлик кўриш жараёнида ушбу шаҳарларда кенг бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, шу жумладан кўплаб тарихий ёдгорликлар таъмирланиб, янги ҳусн ва тароват касб этди. Масалан, Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейларига тайёргарлик муносабати билан 1997 йилнинг тўққиз ойи мобайнида тарих ва маданият ёдгорликларида давлат бюджети ҳисобидан 259,1 млн сўмлик таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Бу маблағнинг 74 млн сўми Хива, 185,1 млн сўми Бухоро шаҳридаги объектлар учун сарф қилинди.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1999 йил ноябрь ойида Парижда ўтган 30-сессиясида Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Бунга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 декабрида “Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги 545-сонли қарори чиқди. Юбилей муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 2 февраль кунидаги 57-ф-сонли фармойишига асосан Қирқ-Қиз қальаси, Султон-Саодат мажмуаси, Кокилдор ота хонақохи, Фаёзтепа, Қоратепа археологик ёдгорликларида, Александр Невский ибодатхонаси ва Абу Исо ат-Термизий мақбарасида 270 млн сўмлик таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб борилди⁷.

Ўзбекистоннинг бошқа бир тарихий шаҳри – Шаҳрисабзда амалга оширилган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 мартдаги 102-сонли “Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорига асосан 2002 йил мобайнида бу ердаги тарихий ва маданий ёдгорликларда 978,15 млн сўм ҳажмида таъмирлаш ишлари олиб борилди⁸.

⁶ Қаримов И.А. юксак маънавият – энгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б. 30.

⁷ Ўзбекистон Республикаси “Маданий мерос ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш” қонуни ҳақида. Маданият ёдгорликлари илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси ҳужжатларидан. Б. 2.

⁸ Маданият ёдгорликлари илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси ҳужжатлари электрон версиясидан, файл: Шаҳрисабз.

Бу йўналишдаги хайрли ишларнинг кўлами ва аҳамияти борасида Марғилоннинг 2000 йиллиги муносабати билан бу қадимий шаҳарда амалга оширилган таъмирлаш ва тиклаш ишлари мисолида яққол тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Президентимиз И.А.Каримовнинг “Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорига асосан шаҳардаги 35 та объектда тарихий ва маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди. Хусусан, шаҳардаги Пирсиддик мажмуаси, Улуғмозор зиёратгоҳи, Жаҳон отин Увайсий мақбараси ва музейи, Саид Аҳмад Хожа Эшон кўчасида жойлашган мадраса биноси асосида “Очиқ осмон остида”ги музей бутунлай қайтадан тикланди ва таъмирланди.

Мустақил Ўзбекистонда тарихий ва маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва тиклаш улуг аждодларимизнинг юбилейларини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳолда олиб борилди. Шу муносабат билан Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулхолиқ Гиждувоний, Ҳаким ат-Термизий, Имом ал-Мотуридий, Хўжа Ахрор Валий каби буюк ватандошларимизнинг мазорлари қайта тикланди, ободонлаштирилди ва муқаддас зиёратгоҳларга айланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 29 апрелдаги 217-сонли “Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорининг 2-бандига мувофиқ Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий мақбараси ва масжидини таъмирлаш ҳамда бу ерда қадимий миллий меъморчилик анъаналари билан уйғунлашган замонавий иншоотлардан иборат муҳташам ёдгорлик мажмуини барпо этишга киришилди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошида лойиҳавий таклифларни тайёрловчи ишчи гуруҳи тузилиб, унга мамлакатнинг етакчи меъморлари, шунингдек ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Берри Лейн ва шахзода Чарльз Уэльскийнинг Меъморчилик институти вакили Холид Аъзамлар киритилди.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг тарихий ва маданий ёдгорликларга муносабат тубдан ижобий томонга ўзгарди. Аждодлар яратган моддий ва маънавий мерос халққа қайтарилди. Тарихий ва маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва тиклаш ишларининг ҳуқуқий ва моддий-иқтисодий асослари ишлаб чиқилди. Тарихий ёдгорликларни тиклаш учун сарф қилинган харажатлар давлат ва маҳаллий бюджетлар ҳамда бюджетдан ташқари тушумлар ҳисобидан қопланди. Тарихий ва маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва тиклаш ишлари халқаро аҳамият касб этди, мазкур ишларга халқаро ташкилот ва жамғармаларнинг маблағлари ҳам жалб қилинди. Меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш билан бир қаторда, қадимий шаҳарлар ва тарихий шахслар юбилейлари муносабати билан турли монументал асарлар, ёдгорликлар, мажмуалар, йирик иншоотлар қурилиши кенг кўламда олиб борилди. Кўҳна тарихий шаҳарлар тарихий

марказларини сақлаб қолиш, улардаги меъморчилик обидаларини умуминсоний қадриятлар сифатида Бутунжаҳон Мероси рўйхатига киритиш, мазкур шаҳарлар ташкил топган саналарни республика ва халқаро микёсларда нишонлашга катта эътибор берилди. Буларнинг ҳаммаси истиқлол йилларида халқимизнинг тарихий хотирасини тиклаш, унинг тарихий тафаккури ва маънавий дунёсини юксалтириш имкониятини бермоқда.

M. Rasulov

The Guard and Restoration of the monuments of history and culture in the years of Independence in Uzbekistan

Many border work on guard and restoration of historical and cultural monuments during the years of independence in Uzbekistan is based upon fact material in this article Law basis of restoration of ancient historical monuments, origins its finances is discovered. Positive influence is shown memorial date on restoration of historical and cultural monuments.

М. Расулов

Охрана и восстановление памятников истории и культуры в Узбекистане в годы независимости

В статье на основе богатого фактического материала прослежена по охране и восстановлению памятников истории и культуры, проведенная в Узбекистане в годы независимости. Раскрыта правовая основа восстановления памятников старины, источники его финансирования. Доказано позитивные влияние памятных дат на реставрацию памятников истории и культуры.

VI. Тарихий, анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар

Я.А.Турдимуратов

Ўзбекистон Миллий университети аспиранти

ИҚТИСОДИЙ ЭТНОЛОГИЯНИНГ НАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ.

Ҳозирги этнология фани ўта мураккаб ва кенгайтирилган билимлар тизимини ўзида жамлаган бўлиб, унинг муҳим тармоқларидан бири иқтисодий этнология (хорижда иқтисодий антропология) ҳисобланади. Иқтисодий этнологияда этносларнинг ҳўжалиги ва иқтисодий фаолияти ўрганилади.¹ Замонавий хориж этнологиясига оид илмий адабиётларда “иқтисодий этнология” атамаси орқали дастлаб “ибтидоий” жамиятлардаги иқтисодий муносабатларни ўрганишни, ҳозирда эса “ибтидоий” жамиятлардан ташқари бошқа иқтисодий тизимларни, улар иқтисодиётида юз берган ўзгаришларни тадқиқ этишни англатувчи илмий

¹ Садохин А.П. Этнология. Учебник. Москва. Гардарика. 2005. с.21.

тушунча қабул қилинган.¹ Этнология ва иқтисод фанларининг бир бўғини бўлган иқтисодий этнологияга оид жуда кўплаб далилий маълумотлар кўп йиллар давомида тўпланиб, уларни назарий таҳлил қилиш эҳтиёжи юзага келади. Сўнги 12-15 йил ичида иқтисодий этнология тушунчаси назарий баҳсларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Иқтисодий этнология қуйидаги икки муҳим масала билан шуғулланади: 1) турли этнослар ва этник бирликларда ишлаб чиқариш, меҳнат тақсимоти ва истеъмолнинг ташкил этилиши, инсон фаолияти тизимлари, унинг шаклланишини ўрганиш; 2) турли маданиятларда ишлаб чиқариш, тақсимот ёки айирбошлаш ва истеъмолнинг қай тарзда юзага келиши, фаолият тизимида иштирок этишга ундовчи омилларга қаратилади. Умуман олганда иқтисодий этнология хўжаликларни қиёсий ўрганади.²

XIX аср сўнги чорагидан бошлаб иқтисодий муносабатларга оид турли назария ва йўналишлар пайдо бўлди. Улардан дастлабки субъектив йўналишдаги маржинализм (margin-чегара, чет) назариясидир. Унинг тарафдорлари К. Менгер, У. Джевонс, Д. Кларк, А. Маршалл ва бошқалар иқтисодий назарияга “чегараланиш” тушунчасини асосий категория сифатида киритдилар. Улар бутун инсоният эҳтиёжини тўла қондириб бўлмайди, инсоният эҳтиёжи табиатан чегараланмаган, деб таъкидлашади.³

Иқтисодий этнология алоҳида билимлар тизими сифатида ибтидоий жамият иқтисодий муносабатлари ҳақидаги маълумотларнинг универсалликка даъвогар бўлган муайян иқтисодий назариялар билан қарама-қаршилиги юзага келган бир пайтда шакллана бошлади. Тадқиқотчилар ибтидоий одамлар иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ алоҳида муоммолар мавжудлигини англаб етгач, ушбу муоммоларни ечиш йўллари излай бошлади. Узоқ йиллар давомида иқтисодиёт соҳаси этнологлар эътиборидан четда қолиб келди. Аммо ибтидоий одамлар хўжалиги умуман эътибордан қолиши мумкин эмас эди, яъни даставвал хўжалик юритишдаги технология, кам даражада меҳнат уюшмаси тадқиқ қилина бошланди. Иқтисодий муносабатлар эса қарийб ўрганилмади. Ҳатто сайёҳлар, савдогарлар, миссионерлар ҳам иқтисодий муносабатларга жуда кам эътибор беришарди. Шунинг учун ибтидоий жамиятнинг иқтисодий тизими оид материаллар дастлаб узукли характерга эга эди.⁴

Ибтидоий хўжалик ҳақидаги барча маълумотларни таҳлил қилишга оид дастлабки жиддий уринишлар XIX аср охири- XX аср бошларида

¹ Бромлей Ю.В. Этнологическая исследования за рубежом. Москва. Наука. 1973. с.30.

² Коттак Ф.К. Маданий антропология. Қўлёзма. 2004. 167-бет.

³ Бромлей Ю.В. Современные проблемы этнографии. Москва. Наука. 1987. с.31.

⁴ Бромлей Ю.В. Этнологическая исследования за рубежом. Москва. Наука. 1973. с.37.

содир бўлди. Аммо ушбу ишларда иқтисодий муносабатларга қараганда кўпроқ технология ва меҳнат уюшмаси ҳақида гапирилди. Н.И. Зибернинг “Ибтидоий иқтисодий маданият очерклари” номли китоби (1881) бундан мустасно бўлиб, унда иқтисодий муносабатларги кўпроқ эътибор берилди. Бундан ташқари ушбу йўналиш бўйича маълумотларни Э. Дюркгейм (1893), К. Бюхер (1893, 1897, 1898), Ш. Летурно (1897), Г. Панков (1897), Г. Кунов (1898), Н.Н. Харузин (1903), Ф. Шомл (1909), М. Мошковский (1911), В. Гауль (1914), В. Копперс (1915-1916), М. Шмидт (1920-1921) каби олимларнинг ишларини ҳам учратиш мумкин.¹

Юқоридаги барча ишлар қоидага кўра, авваламбор, ўзида маълумотлар ҳисоботини намоён этарди. Айрим муаллифлар ибтидоий иқтисодий муносабатлар манзарасини бутунлигича кўрсатишга ҳам уриниб кўришди. Аммо улардаги назарий қурилиш умумий хусусиятига эга эди, холос. Далилларга эътибор берсак, улар сонидан у ёки бу назарий ҳолатларни тасдиқловчи мисоллар келтирилган. Иқтисодий муносабатларга тегишли маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, уларнинг барчаси фрагментли, узукли хусусиятга эга эди.²

Этнология тарихида биринчи бор туб бурилиш фақат муайян бир этник гуруҳ иқтисодий муносабатлари турли аспектларига доир кўплаб турли маълумотлар йиғилганда содир бўлди. Уларни умумлаштириш натижаси ушбу халқ иқтисодий ҳаётининг тўлиқ манзарасини чизишга уриниш бўлди. Ушбу қадам Б. Малиновскийнинг Тробриан оролларида яшовчи меланезияликлар жамиятидаги иқтисодий муносабатлар тизими тўлиқ ўрганилган ва таҳлил қилинган ишлари билан боғлиқ эди.³

Б. Малиновский асосий эътиборни қулаларни ўрганишга қаратди ва бунда “йирик назарий аҳамиятга эга бўлган иқтисодий ҳодисалар”ни кўрган эди.⁴ У тасвирлаганидек, кула-юқори баҳоли, аммо ҳеч қандай амалий аҳамиятга эга бўлмаган икки кўринишдаги буюмлар мувозанати билан боғлиқ “савдо тизими” ҳисобланади. Булар - *Conus Millenpunetatus* чағаноғидан тайёрланган билакузук ва қизил чағаноқ дискларидан тайёрланган мунчоқ эди. Улар безак учун мўлжалланган бўлсада, бу мақсадда умуман фойдаланилмаган. Уларни одамлар кўлдан-қўлга ўтказиб юришган. Кулани “савдо шакли” деб атаб, Малиновский уни асосий хусусиятлари билан нафақат фарқлайди, балки оддий сўз билан айтганда савдога зид, деб таъкидлайди. Бу шубҳасиз, айрибошлаш бўлсада, аммо ҳеч қандай ҳолатда маҳсулот айрибошлаш эмас эди. Иштирокчилардан ҳеч бири ундан тўғридан-тўғри ҳеч қандай моддий манфаат кўрмайди. Шундай

¹ Бромлей Ю.В. Этнологическая исследования за рубежом. Москва. Наука. 1973. с.37-38.

² Ўша китоб. 42-43 бетлар.

³ B. Malinowski. Primitive economics of the Trobriand Islanders. “The economic journal”. V. XXXI. 1921.

⁴ B. Malinowski. Argonauts of Western Pacific. P.2.

бўлсада, муайян қоидаларга амал қилган ҳолда “икки ақлбоварқилмас ва бефойда буюмларнинг кўлдан-кўлга ўтиши” тробрианлар иқтисодий ҳаётида муҳим рол ўйнар эди. У кўп вақт олувчи фаолиятнинг турли кўринишлари билан боғлиқ эди.¹

Б. Малиновский ишларидан сўнг этнологлар иқтисодий муносабатлар таҳлилига янада жиддийроқ эътибор бера бошлашди. Алоҳида ибтидоий жамият иқтисодиёти, шу жумладан, умумлаштирувчи хусусиятга эга ишларга бағишланган мақолалар ва ҳатто монографиялар ҳам пайдо бўлди. Н. Миллер 1937 йили шундай ёзади, “Энди одатда “иқтисодий” ҳаётни тасвирлаш учун ишлатиладиган атамаларни обдон кўриб чиқиш кераклиги аниқ бўлиб қолди. Иқтисодчилар инсоннинг моддий чегараланишини камайтириш ва эҳтиёжни йўқ қилиш ҳаракатлари билан боғлиқ муоммога дуч келдик, деб ўйлашар эди. Аммо тўпланган далиллар ушбу ҳолат билан келиша олмайди”.²

XX аср 20-30 йилларида далилий материаллар тўпланиши тез суръатларда давом этган бўлсада. Назарий муоммоларни ишлаб чиқиш масаласи ёмон аҳволда эди. Кўплаб этнографлар маржиналистлар концепциясининг тўғри келмаслигини англаб етдилар. Аммо ибтидоий иқтисоднинг бутун назариясини яратиш ҳеч кимнинг кўлидан келмади. Тадқиқотчилар алоҳида муоммоларни ечишда давом этиш ҳолатида эмас эдилар. М. Мосс ўзининг “Ҳадя ҳақида этюд” номли китобида ҳадя айрибошлашни назарий таҳлил қилишга уришиб кўрди.³ Аммо далилий материалларнинг йиғилишига муайян назариясиз эришиш қийинлашиб борди.

1939 йили Р. Ферснинг “Ибтидоий полинезия иқтисодиёти” ва Д. Гудфеллнинг “Иқтисодий социология принциплари” номли, 1940 йили эса М. Херсковицнинг “Ибтидоий халқлар иқтисодий ҳаёти” (1952 йили “Иқтисодий антропология” номи билан қайта нашр этилган) номли китоби чоп этилди. Учала муаллифларни маржиналистик назарияни ибтидоий жамият иқтисодий муносабатлари таҳлили сифатида тан олиши бирлаштириб турарди.⁴

Агар дастлабки босқичда иқтисодий этнология этномаданий тадқиқотлар тизимида шунчаки ўрин эгаллаган бўлса, иккинчи босқичда йилдан-йилга борган сайин муҳим аҳамият касб эта бошлади. Бу иккинчи жаҳон урушидан сўнг юз берган туб ўзгаришлар – миллий-озодлик

¹ Малиновский Б. Научная теория культуры. М. О.Г.И. 1999. с. 132-133.

² N. Miller. Primitive economics in the light of consistency in the mores. In: “Studies in the science of society”. Ed. By I. P. Murdock. New Haven, Conn. 1937. p. 443.

³ M. Mauss. Essai sur le don. “L’annee sociologique”. (1923-1924). Parij. 1925.

⁴ Этнологическая наука зарубежом: проблемы, поиски, решение. С.Я. Козлов, П.Н. Пучков. Москва. Наука.1991

харакатларининг кучайиши ва Осиё, Африка ва Океанияда ёш мустақил давлатларнинг шаклланиши билан боғлиқ эди.

Сиёсий мустақилликка эришган ва мустамакачилик тизими сақлаб қолинган мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёт масаласи асосий диққат марказида турди. Аммо уларнинг ечимини топиш учун анъанавий иқтисодий тизимидаги ўзгаришларни тўлиқ билиш талаб қилинар эди. Бунда факт иқтисодий этнология ёрдам бериши мумкин эди. Шунинг учун ушбу йўналишдаги тадқиқотлар тезлик билан ривожланиб, бутун эътибор унга қаратилди. Шу билан бирга ибтидоий иқтисодиётни ҳам ўрганиш давом этди ва унга бағишлаб ёзилган рисолалар сони ошиб борди.¹ Аммо у тадқиқотчилар кўз ўнгида ўзгариб борди ва бу шубҳасиз, уларнинг ишларида ушбу ўзгаришларни таҳлил қилиш кўпроқ ўрин эгаллай бошлади. Ҳозирда иқтисодий этнологияга оид кўплаб тадқиқотлар ибтидоий иқтисоддан кейинги тизим ва унда рўй бераётган ўзгаришларга бағишланган.

Кейинчалик иқтисодий этнологияда “субстантивизм” йўналиши пайдо бўлди. Унинг асосчиси иқтисодчи ва иқтисод тарихчиси К. Полани эди. Унинг диққат марказида барча даврлардаги иқтисоднинг фарқли хусусиятлари турарди. Ибтидоий ва капиталистик иқтисод ўртасидаги оралиқ иқтисодий тизим уни жуда қизиқтирарди. Ушбу масалага оид дастлабки қарашларини “Буюк трансформация” (1944) номли китобида, қатор илмий мақолаларида билдириб ўтади. Аммо улар 1957 йили унинг учта иши ўрин олган “Дастлабки империяларда савдо ва бозор” номли китоби нашр этилгач алоҳида машҳурликка эга бўлди. Субстантивизм йўналишининг этнологлар ўртасида кенг ёйилиши асосан Дж. Дальтон ишлари билан боғлиқдир. У ўзининг 1969 йили чоп этилган “Иқтисодий антропологиянинг назарий муоммолари” номли илмий мақоласида иқтисодий назарияга оид қимматли маълумотлар бериб ўтади.

К. Полани ва Дж. Дальтон дуч келган қийинчиликлар ечимини топиш иқтисодий этнология бўйича йirik мутахассис Р. Ферс эътиборини ҳам тортди. Унинг “Янги Зеландия маорилари ибтидоий иқтисодиёти” (1929), “Ибтидоий полинезия иқтисодиёти” (1939) ва “Малайя балиқчилари: уларнинг иқтисодиёти” (1946) номли китобларида ўрганилаётган халқлар иқтисодий ҳаётининг барча тарафлари мукамал таҳлил қилинганлиги ва бой далилий материаллар тўпланганлигини кўришимиз мумкин. Р. Ферс ўз ишларида ибтидоий ва капиталистик иқтисод ўртасидаги катта фарқни

¹ H.N. Stevenson. The economics of the central Chin tribes. Bombay. 1944; D.F. Thompson. Economic structure and the ceremonial cycle in Arnhem Land. Melbourne. 1949. M. Mead. The Mountain arapesh. 111. Socio- economic life. “American Museum natural history. Anthropological papers”, v 49, p. 3, 1947; A.L. Gitlow. Economics of Mount Hagen tribes, New Guinea. New York, 1947; H. Codore. Fighting with property. New York, 1950. P.H. Gulliver. The family herds. London, 1955; D.L. Oliver. A. Solomon Islands society. Cambridge, Mass., 1955

таъкидлаб ўтади. К, Полани ва Дж. Дальтондан фарқи ўлароқ Р. Ферс “иқтисодий муносабатлар” атамасидан фойдаланади. У ўз ишларида ибтидоий жамият иқтисодий муносабатларини бошқа алоқалардан аъло сифатида кўриб чиқади. Р. Ферс шу тариқа “расмий иқтисодий назария”га асос солади.

Этнология фани тарихида иқтисодий муносабатлар ва этносларнинг хўжалик фаолияти ўз хусусиятлари билан бошқаларидан ажралиб турган. Иқтисодий этнологиянинг назарий муоммолари ечимини топиш ҳозирги кунда ҳам хориж этнологияси фанида долзарб масала ҳисобланади. Ўзбекистонда ушбу йўналиш ҳали етарлича ўрганилмаган. Шунинг учун ушбу йўналишга оид тадқиқотлар кенгайтирилса, этнология фанининг муҳим тармоқларидан бири бўлган иқтисодий этнологияга оид кўплаб материаллар йиғилган бўларди.

Ya. Turdimuratov

The theoretical problems of economic ethnology

The article investigated one of the main trends of the ethnological science about economic ethnology. The History of the origin of economic ethnology, works of famous ethnologists and economists, the main concepts on economic ethnology were enlightened.

Я. Турдимуратов

Теоретические проблемы экономической этнологии.

В публикации даётся материалы об один из основных направлений этнологической науки об экономической этнологии. История возникновения экономической этнологии, труды известных этнологов и экономистов, основные концепции по экономической этнологии.

т.ф.н. **Ш. Рахматуллаев**

ЎзР ФА Тарих институти докторанти

Фарғона водийси вилоятларининг ижтимоий-демографик хусусиятлари

Ўзбекистоннинг ҳар бир худуди, воҳаси, вилоятлари, шаҳарлари ягона бир миллий давлат тасарруфида бўлса-да, улар ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва демографик соҳаларда бир-биридан ўзига хос маҳаллий хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу ҳозирги кунга келиб, дунё тамаддуни тараққиётига ўз муносиб ҳисасини қўшган, Марказий Осиёнинг қадимий цивилизация ўчоқларидан бири ҳисобланган мамлакатимизнинг Заравшон, Хоразм, Сурхон каби воҳалари ижтимоий ҳаётида яққол кўзга ташланади.

Улар орасида республикамизнинг шарқий минтақаси ҳисобланган Фарғона водийси ҳам худудий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан республиканинг республиканинг бошқа вилоятларига караганда, айрим ўзига хос хусусиятларга эгадир. Ушбу хусусиятлар водийнинг қадимдан то

хозирги кунга қадар давом этган тарихий жараёнлар тасирида шаклланган. Айниқса охириги бир ярим аср ичида юз берган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар мустақиллик йилларига келиб, ушбу ҳудудда қатор долзарб муаммолар тўпланиб қолганлигидан далолат бериб, уларни ислохотлар жараёнида ҳал қилиш масаласини кўндаланг қилиб қўйди. Мутахассислар тили билан айтганда, “умуреспубликага хос бўлган муҳим муаммолар ўта жиддий тус олганлиги билан Фарғона водийсида ўз аксини топган, бунда индустриалаштириш, урбанизация, демография, аҳолининг жойлашганлиги, ҳудудий ҳаракати, экологияси асосий ўрин эгаллайди”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берилган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартиришнинг «Ўзбек модели»нинг энг муҳим жиҳатлари шундан иборатки, унда нафақат Ўзбекистонни, шу билан бирга унинг барча вилоятлари, ҳатто ҳар бир шаҳарларининг ўзига хос хусусиятлари, миллий, маҳаллий анъана ва урф-одатлари, ишлаб-чиқариш воситалари ва усуллари ҳар томонлама эътиборга олинди.

Шундай қилиб, Фарғона водийсида айниқса ижтимоий-демографик хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади ва улар қуйидагилардан иборат:

Биринчи хусусияти – демографик жараёнлар билан боғлиқдир. Маълумки, республика умумий ер майдонининг фақат 4,3%ни эгаллаган Фарғона водийси вилоятларида республика аҳолисининг деярли 30% жамланган. Бу эса водийда Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларга нисбатан аҳолининг ўта зич жойлашганлик хусусиятини келтириб чиқарди. Масалан, 1994 йил маълумотларига кўра ҳар бир квадрат километрга республика бўйича ўртача - 49,6 киши тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич Андижон вилоятида - 464,6, Наманган вилоятида - 215,1, Фарғона вилоятида - 337,7 нафарни ташкил қилди². 2004 йилга келиб бу рақамлар, тегишли равишда, республика бўйича 57,5 нафарни ҳамда водий вилоятлари бўйича 551,2; 275,3; ва 419,6 нафарни ташкил қилди³. Фарғона водийси бўйича ўртача олганда, 1994 йилда ҳар бир квадрат километрга 339,1 кишидан тўғри келган бўлса, 2004 йилда бу рақам 415,4 нафарни ташкил қилди. Бу республика бўйича ўртача кўрсаткичдан етти баробар кўпдир. Фарғона водийси вилоятлари орасида айниқса Андижон вилоятида аҳоли ўта зич жойлашганлиги яққол кўзга ташланади. Чунончи, Андижон бу кўрсаткич бўйича нафақат республика, балки жаҳонда етакчи ўринлардан бирида туради.

Водий аҳолисининг зичлиги ва табиий ўсиш даражасининг нисбатан юқорилиги аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласида муаммоларни

¹ Алиакберова Н.М., Гольдфарб Б.Я., Эргашев А. Размещение населения Ферганской долины (демографический аспект). - Т., 1990. – С.3.

² 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги. Йиллик статистика. - Т.: Мехнат, 1995. -Б.23.

³ Доклад о человеческом развитии. Узбекистан 2005. – С. 104.

юзага келтирди. Бу айниқса водийнинг шаҳарларида айниқса ёш оилаларни уй-жой билан таъминланиш муаммосида ўз ифодасини топди. Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпрогини ёшлар ташкил қилиши ҳамда аҳолининг тез суръатлар билан ўсишини эътиборга олсак, бу масала янада жиддий тус олади. Чунки, бу муҳим хусусият, биринчидан янги ёш оилаларнинг вужудга келишини тезлаштиради, иккинчидан эса бу ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш муаммосини ечишда қийинчилик туғдиради. Натижада, шаҳарлардаги хонадонларда бир нечта оилалар истиқомат қилишга мажбур бўладилар. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир кишига тўғри келадиган уй-жой фондини қисқартиради. Масалан, 1994 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси бўйича уй-жой билан ўртача таъминланиш даражаси ҳар бир кишига 13,6 кв. м.га тўғри келган бўлса, водий вилояти шаҳарларида бу кўрсаткич: Андижонда - 10,1; Наманганда - 9,6; ва Фарғонада - 13,5 кв. м.ни ташкил қилган.¹ Ваҳоланки, бу даврда Хоразм вилояти шаҳарларида ҳар бир кишига 22,9 кв. м. уй-жой фонди тўғри келган.²

Шунингдек, республика, унинг айрим вилоятлари ва водий ҳудудидаги шаҳарлар ўртасида уй-жой фонди таркиби жиҳатидан ҳам жиддий тафовутлар мавжуд. Масалан, республикаимиз бўйича шаҳар аҳолисининг 18,5% бир хонали, 32,3% икки хонали ва 49,2% уч ва ундан ортиқ хонали уйларда истиқомат қилса, водий вилояти шаҳарлари бўйича қуйидаги кўрсаткичларни кўришимиз мумкин: Андижонда, тегишли равишда 38,2%, 36,8%, ва 25%, Наманганда - 65,1%, 17,8%, ва 17,1%, Фарғонада - 22,4%, 36,6%, ва 41% ташкил қилади.³

Бу рақамлар Фарғона водийси шаҳарларининг уй-жой фонди таркибида бир ва икки хонали уйлар асосий ўрин эгаллашидан далолат беради ва улар водийдаги уй-жой фондининг 72,3% ни ташкил қилади. Республика бўйича эса бу кўрсаткич қарийб 51% га тенгдир. Айниқса, Наманган вилояти шаҳарлари уй-жой фонди таркибида бир хонали уйлар асосий ўрин эгаллаб, 65,1% ни ташкил қилади. Агар республикаимизнинг айрим ҳудудларига қиёслаганда, хусусан Бухоро, Қашқадарё ва Хоразм вилояти шаҳарлари уй-жой фондларида уч ва ундан ортиқ хонага эга бўлган квартиралар асосий ўрин эгаллаб, тегишли равишда, 68,5%, 70,9% ва 70% ни ташкил қилади.⁴

Иккинчи хусусияти – урбанизацион жараёнлар билан боғлиқдир. Хусусан, Фарғона водийси қадимдан урбанизацион жараёнлар тез ривожланган ҳудуд бўлиб ҳисобланса-да, ҳозирги даврга келиб водий вилоятларида урбанизация кўрсаткичлари республика кўрсаткичига

¹ 1993 йилда ЎзР халқ хўжалиги... -Б.174.

² Ўша жойда: -Б.175.

³ Жилищный фонд Республики Узбекистан. 1996. Стат. сборник. - Т., 1998. -С.26.

⁴ Ўша жойда.

нисбатан пастдир. Масалан, 1990 йиллар бошларида Ўзбекистонда аҳолининг 39,0% шаҳарларда истикомат қилган бўлса, водийда бу кўрсаткич 34,5% фоиздан ортмаган¹. Мустақиллик йилларида республика бўйича ҳам худудлар бўйича ҳам қишлоқ аҳолисининг салмоғи ортганлиги билан изоҳланади. Натижада 2005 йил бошига бу рақамлар, тегишли равишда 36,5 ва 31,9%ни ташкил қилди². Айниқса Андижон ва Фарғона вилоятларида урбанизация жараёни суёт кечганлиги кузатилди.

Шу билан бирга, республика худудининг 4 фоиздан ортиғини ташкил қиладиган Фарғона водийси шаҳарлар атрофидаги қишлоқларнинг яқин жойлашганлиги, улар билан бевосита қўшилиб кетганлиги ҳамда шаҳарларнинг зич жойлашганлиги билан ажралиб туради. Масалан, шаҳарлар жойлашуви республика миқёсида ҳар 1000 кв. км-га ўртача 0,5 шаҳар тўғри келса, бу кўрсаткич Фарғона водийсида ўртача 2,2 шаҳарга тенгдир. Агар бу кўрсаткични водий вилоятлари кесимида кўрадиган бўлсак, улар ўртасида ҳам нисбатан ката фарқ мавжуд эканлигини кузатиш мумкин. Чуночи, бу кўрсаткич Андижон вилоятида бу кўрсаткич 3,6 га тенг бўлса, Наманган вилоятида эса 1,6 га тўғри келади³. Умуман олганда, Фарғона водийсида 55 та катта ва кичик шаҳарлар ва шаҳар туркумидаги кўрғонлар мавжуд. Жумладан, Андижон вилоятида 3 та вилоят ва 8 та туманлар тассарруфидаги шаҳарлар, 5 та шаҳар туркумидаги кўрғонлар, Наманганда 1 та вилоятга, 7 та туманга бўйсунувчи шаҳарлар ва 12 та шаҳарчалар, Фарғонада 4 та вилоят, 5 та туманлар тасарруфидаги шаҳарлар ва 10 та шаҳарчалар мавжуддир⁴. Қолаверса, республикада 100 мингдан ортиқ бўлган 17 шаҳарлар 5 таси яъни 30% водийда жойлашган. Албатта, бу хусусият водий шаҳарлари учун ҳам ижобий, ҳам салбий таъсирга эга бўлган.

Ижобий томони мустабид шўролар тузуми даврига хос бўлиб, аҳолининг зичлиги, деҳқончилик билан шуғулланиш учун ерларнинг етишмаслиги қишлоқларда ортиқча ишчи кучини юзага келтирди. Шаҳар саноат-корхоналари атроф қишлоқлардаги ана шу ортиқча, малакасиз ва арзон ишчи кучларидан кенг фойдаланилади.

Бу хусусиятнинг салбий таъсири, собиқ совет давлатининг охириги йилларда ва Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида намоён бўлди. Мустабид тузум даврида йўлга қўйилган иқтисодий алоқалар узилиб, бир қатор саноат корхоналарнинг ишлаб чиқариш имкониятлари қисқариб кетди. Натижада корхоналар биринчи навбатда қишлоқлардаги ортиқча ишчи кучларидан фойдаланишдан воз кечдилар. Оқибатда улар иш-

¹ 1993 йилда ЎзР халқ хўжалиги... -Б.25.

² Доклад о человеческом развитии. Узбекистан 2005. – С. 104.

³ Алиакберова Н.М., Гольдфарб Б.Я., Эргашев А. Размещение населения Ферганской долины (демографический аспект). - Т., 1990. – С.13.

⁴ Ўзбекистоннинг этно-конфессионал атласи. – Т., 2005. 17, 33, 53 бетлар.

сиз қолиб, асосан яна шаҳарларга иш қидириб кела бошлади ва бу ҳол шаҳарларда ижтимоий муаммоларни янада кескинлаштирди.

Учинчи хусусияти - Фарғона водийси шаҳарларининг азалдан кўп миллатлилиги ва бунинг устига иккинчи жаҳон уруши йилларида ва ундан олдин мустабид тузум томонидан ўз ватанидан қувғин қилинган корейслар, қрим татарлари, месхетин турклари, чечен, қорачай миллатига мансуб халқларнинг бир қисмини водий шаҳарлари ва унинг атрофига жойлаштирилиши, усиз ҳам водий аҳолисининг зичлиги натижасида юзага келган ижтимоий кескинликни янада кучайтирди.

80-йилларнинг охирига келиб собиқ совет жамиятидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тушқунлик Фарғона водийси шаҳарларида, миллатлараро муносабатларда яққол намоён бўлди. 1989 йилда Фарғона водийсининг бир қатор шаҳарларида (Фарғона, Марғилон, Қўқон, Қувасой ва бошқа шаҳарларида) месхетин турклари билан бўлган можаро ва уни мустабид тузум томонидан зўронлик билан бостирилиши натижасида бегуноҳ инсонлар қони тўкилганлиги юқоридаги фикримизга, яъни водий шаҳарлари республиканинг бошқа шаҳарларига нисбатан ижтимоий аҳолининг мураккаблиги билан ажралиб туришидан далолат беради.

Мустақиллик шароитида этник муносабатлар соҳасида олиб борилаётган изчил ва қатъий сиёсат туфайли мамлакатимизда миллатлараро тотувлик қарор топди. Ҳозирги кунда ушбу ҳудудда ўзбеклардан ташқари 1 млн.га яқин тожик, қирғиз, рус, татар, қорақалпоқ ва бошқа ўнлаб миллат вакиллари истиқомат қилади, улар водий аҳолисининг деярли 15%ни ташкил қилади¹.

Тўртинчи хусусият - Фарғона водийси аҳолисининг ўзига хос хусусияти, унинг азалдан мустамлакачилик зулмига, адолатсизликка қарши мурасиз курашиб келганлиги билан ҳам ифодаланади.

Маълумки, Фарғона водийси халқлари республиканинг аксарият ҳудудлари ва шаҳарларига нисбатан 50-60 йил кўпроқ Россия мустамлакачилиги зулми остида яшади. Босқинчиларга қарши муттасил курашиб келди. Фарғона халқининг озодлик учун олиб борган курашлари тарихда Дукчи Эшон, Андижон кўзғолони, 1916 йил кўзғолони ва ниҳоят 1918-1935 йиллар давомида тарихда «босмачилик», деб ном қолдирган мустабид совет тузумига қарши олиб борилган қуролли курашларда намоён бўлди. Фарғона халқининг мустамлакачилик зулмига, адолатсизликка нисбатан кўрқмасдан ўз нарозилигини билдириши совет тузумининг охириги йилларида бўлган воқеаларда яна бир бор ўз ифодасини топди.

Умуман, юқорида санаб ўтилган Фарғона водийсига хос ва бир-бирига узвий равишда боғлиқ бўлган бу хусусиятлар мустабид совет тузуми йилларида «пишиб етилган» ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий

¹ Қаранг: Ўзбекистоннинг этно-конфессионал атласи. – Т., 2005. 17, 33, 53 бетлар.

аҳволнинг умумий кўриниши бўлиб, ҳозирга давргача давом этиб келаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга ўз таъсирини ўтказиб келмоқда.

Sh. Rakhmatullaev

Social-demographic particularities of the areas Fergana valleys

In given to article, on base of the varied sources and literature, is analysed formed on length of the long history processes modern regional, demographic and social particularities of the areas Fergana valleys.

Ш. Рахматуллаев

Социально-демографические особенности областей Ферганской долины

В данной статье, на основе разнообразных источников и литературы, анализируются сформированные на протяжении длительных исторических процессов современные региональные, демографические и социальные особенности областей Ферганской долины.

М. АЧИЛОВА

Тошкент Давлат педагогика университети талабаси

Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида Наврўз ҳақидаги маълумотлар

Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатларида яшовчи халқларнинг аجدодлардан авлодларга мерос тариқасида ўтиб келаётган қадимги ва анъанавий байрамларидан бири Наврўз ҳисобланади. Ушбу байрам мазмунига қадимги аجدодлар мифологик тасаввурларидан тортиб, ҳозирги замондошларимиз қарашларигача бўлган маънавий олами сингиб кетган¹. Олимларнинг берган маълумотларига кўра Наврўз башарият тарихида энг қадимги байрамларидан бири ҳисобланиб, унинг илдизи неолит даврига бориб тақалади.²

Наврўз байрами, унинг келиб чиқиши ҳақида кўплаб ривоятлар мавжуд. Уларда Наврўз ва байрам давомида ўтказиладиган маросимлар ҳақидаги қимматли маълумотлар бор бўлиб, бу ҳақда Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Умар Ҳаёмнинг “Наврўзнома”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк”, Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарлари билан бир қаторда ўрта асрнинг буюк қомусий олими Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Берунийнинг машҳур «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» (“Ал осор ал-боқия мин ал-қурун ал-ҳолия”, Европада

¹ Исоқов Б., Исакова Н. Наврўз байрамининг маросимий таомлари // Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. Тошкент-Наманган, 2007 й. –Б. 206.

² Ртвеладзе Э. Наврўз – бахт ва фаровонлик байрами. // Мозийдан садо, 2003, №1. –Б. 14.

“Хронология”, ўзбек шарқшунослигида “Осор ал-боқия” номи билан танилган) асарида ҳам маълумотлар учратиш мумкин.

Беруний Наврўз ҳақида тўхталар экан, ўз асарида китобхонни кизиктирадиган бир қанча саволларга жавоб бериб ўтишга ҳаракат қилади. Жумладан: нима учун Наврўз йил давомидаги энг улуғ байрам сифатида нишонланилиши, ушбу байрамнинг аҳамияти ва инсонлар ҳаётига таъсири, байрам давомида ўтказиладиган турли маросимларнинг сабабларини ўзи аниқлаган ҳамда “ҳақиқатга яқин бўлган”¹ далиллар билан тушунтириб ўтишга ҳаракат қилади.

Наврўз - йилнинг биринчи оyi “фарвардин моҳ” нинг биринчи куни ҳисобланиб, у деярли ҳамма халқларда байрам сифатида олти кун давомида нишонланган. Ойнинг биринчи куни “Наврҳз”, олтинчи кун эса “Катта Наврўз” деб аталган. Одамлар яхшилик худоси оламни яратишни “Наврўз” куни бошлаб, “Катта Наврўз” куни у ўз ишини тугатган, деб фикр юритганлар.

Олимнинг ёзишича, ушбу байрамнинг нишонланиш сабаблари турли халқлар орасидаги турли хил афсоналар билан боғланади. Байрамнинг “йил боши” деб белгиланишининг сабаби эса қуйидаги афсона билан изоҳланади: қадимги зардуштийлик динида яхшилик худоси Ахурамазда баҳор ва ёз ойларига, ёвузлик худоси Ахриман эса қиш ва куз ойларига ҳомийлик қилар экан. Ҳар йили тун ва кун тенг келадиган вақтда фарвардин моҳ (баҳор оyi) кириб келиб у совуқлик устидан ғалаба қозонар ва одамлар қаҳратон қиш ва узундан-узоқ туюладиган куз ойлариининг тугаганлиги муносабатига катта тантана уюштириш эканлар.

Яна бир қадимги афсонасига кўра, шу куни қуёш билан фаришталар яратилган бўлиб, ҳаётнинг биринчи куни ҳисоблангани учун ҳам подшоҳлар бу кунни улуғлаганлар.

“Айтишларича, шу куни худо қуйи оламни яратиб, унга яратилган илк одам – Қаюмарсни подшоҳ қилган”. Асарда келтирилган бошқа бир афсонага кўра, Сулаймон ибн Довуд шоҳлик рамзи саналган қимматбаҳо узугини йўқотиб, шоҳлиги кўлидан кетади. Қирқ кундан ўтгандан кейингина узуги топилиб, унга қайтарилади. Шу билан бирга унга шоҳлик кудрати, сеҳри ҳам қайтади. Бутун одамзод йиғилиб, уни қутлаб “Наврўз муборак” – “Янги кун келди”, - деганлар. Шундан бошлаб, бу кун Наврўз деб атала бошланган. “Қувонган Довуд Сулаймон шамолга буюрди, шамол уни кўтариб осмонга учди. Қаршисидан қалдирғоч чиқиб “уямни босиб ўтма, ичида тухумларим бор бор”, дейди. Сулаймон қалдирғочга раҳми келиб уни уясини айланиб ўтди. Шамол уни ерга қўйгач, қалдирғоч

¹ Беруний Абу Райхон. Танланган асарлар. Т.1. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т.: Фан, 1968. -Б. 250.

миннатдорчиик сифатида тумшуғида сув келтириб унга сув сепди ҳамда чигиртканинг бир оёғини ҳадя қилди”деб, - ёзади олим¹. Беруний фикрича, қадимда одамларнинг Наврўзда аргимчоқлар учишгани, ҳавога варрақлар учиришгани ҳамда бир-бирларига шакар ҳадя қилишларининг сабаби юқоридаги афсона билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, боғдодликларнинг ҳикоя қилишича, Наврўз куни бир-бирларига шакар ҳадя қилишнинг сабаби Наврўз - Жамшид мамлакатаида шакарқамиш пайдо бўлган кун бўлиб, шу куни Жамшид серсув бир қамишдан шира томчилаётганини кўрган. Уни тотиб қараган, унда лаззатли ширинлик борлигини билгач, сувни чиқариб, ширасидан шакар ишлашни буюрган. Шакар бешинчи куни кўтариб олинган ва табриклаш учун уни бир бирларига ҳадя қилганлар.² Асарда Мехржон байрамида ҳам шу каби маросим ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар берилади.

Наврўз куни барча касалликларга шифо топса бўладиган кун сифатида ҳам қадрланган бўлиб, “Афсунгарлар Наврўз куни тонг отганда биров гап гапиришдан олдин уч қошиқ асал ялаб, уч бўлак (хушбўй) мум тутатса, бу кўп касалликларга шифо бўлади деб ишонганлар”, ёзади Беруний.³

Олимнинг ёзишича, қадим даврда Наврўз куни яъни, йил боши ёзнинг жазирама (тахминан июл ёки август ойлари) кунларига тўғри келган. Шу муносабат билан Хуросон подшоҳлари отлик аскарларга баҳор ва ёз кийимларини кийдириш маросимларини Наврўз билан бир вақтда ўтказганлар. Берунийнинг “бизнинг замонамизга келиб”, деган иборасини инобатга олган ҳолда тахминан X асрлар атрофларида Наврўзнинг нишонланиши қабиса сабаб баҳор ойларига тўғри келиб қолган, деб фикр юритишимиз ҳам мумкин.

Ушбу ой (йилнинг биринчи оyi – фарвардин моҳ)нинг олтинчи куни “рўзи худод” яъни Катта Наврўз бўлиб, эронликларда “шаъни улуг” ҳайит ҳисобланади. Асарда ушбу байрам билан боғлиқ бўлган бир неча афсоналар келтириб ўтилади. Жумладан, бу кунда худо оламни яратишдан фориг бўлган, чунки бу кун юқорида айтиб ўтилган олти куннинг охиргисидир.

Манбаларга кўра, подшоҳ Жамшид ҳамма зарур нарсалар миқдорини шу куни аниқлаган, яъни давлат ишларини юргизишда керакли жиҳозлар, зарур қоғоз ва атрофга юбориладиган мактублар битилган териларни шу кунга тайёрлаб қўйган. Охирги муҳр босиш керак бўлган ҳужжатларга шу куни ўз муҳрини босган, бу форсчада “исфидо навишт”, яъни “оққа кўчириш” деб аталган.

¹ Ўша асар. –Б. 254.

² Ўша асар. –Б. 255.

³ Ўша асар. –Б. 254.

Жамшид даврида Катта ва Кичик Наврўзлар алоҳида ҳайит сифатида нишонланган. Ундан кейин ҳукмронлик қилган подшоҳлар фарвардин моҳ (йилнинг биринчи ойи) нинг барча кунларини ҳайитга айлангириб уни олти бўлакка тақсимлашган: биринчи беш кун – подшоҳлар учун, иккинчи беш кун – улуғ кишилар учун, учинчи беш кун – подшоҳларнинг ғулумлари учун, тўртинчи беш кун – хизматкорлар учун, бешинчиси – халқ оммаси учун ва ниҳоят олтинчи кун – чўпонлар учун деб белгиланган.

Берунийнинг маълумотига кўра, шу куннинг тонгида гап гапиришдан олдин шакар тотиб, ўзига зайтун ёғини суртган киши шу йил давомида турли балолардан халос бўлган¹. Ушбу ҳайитда сув сепиш маросимига сабаб қилиб кўрсатиладиган бир қанча афсоналар келтириб ўтилган. Жумладан, Жамшид анҳорлар қазилгани буюрган ва шу куни бу анҳорларга сув қуйилган. Одамлар бундай серобгарчиликдан қувониб, шу анҳорлардаги сувда чўмилганлар. “Шу куни”, - дейди Беруний – “одамлар бир – бирларига сув сепишади, бунинг сабаби, чўмилиш сабабларининг ўзидир”.²

Юқоридагиларни инобатга олиб шуни таъкидлашимиз мумкинки, Ўрта Осиёда Наврўз байрами ислом дини қабул қилинмасдан анча илгари расм бўлган. Лекин, собиқ совет тузуми даврида асосиз равишда Наврўз диний байрам ва маросимлар қаторида чекланган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бошқа қадриятлар қаторида Наврўз байрамини нишонлаш яна тикланди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда Наврўз умумхалқ байрам сифатида нишонланади. Бу байрамнинг келиб чиқиши, тараққиёти, у билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар, унинг Шарқ халқлари ҳаётидаги тутган ўрни ҳақида бебаҳо маълумотларни тадқиқ қилишда Берунийнинг юқоридаги “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарлари муҳим ўрин тутди. Зотан Берунийнинг қаламига мансуб асарлар қадимги халқлар, шу жумладан ўзбек халқи, унинг қадимги маданияти ва этнографиясини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, “Осор ал боқия” асари нафақат узок ўтмиш тарихимизнинг буюк ёдгорлиги, балки ҳозирги кундаги этнография фанининг ҳам муҳим манбаси бўлиб қолади.

¹ Ўша асар. –Б. 256.

² Ўша асар. –Б. 257.

M. Achilova

**Information on Navruz in the composition of Abu Raykhan Biruni
“Monuments of ancestors”**

In the article is shown description of Navruz in the composition of Abu Raykhan Biruni “Monuments of ancestors”, the influence of this holiday to people life and also roots of Navruz ritual procedures.

М.Ачилова

**Освещение сведений о Наврузе в произведении Беруни
“Памятники минувших поколений”**

В данной статье показано как освещается древний и традиционный праздник народов Востока Навруз в произведении Беруни “Памятники минувших дней”, влияние этого праздника на жизнь людей, а также истоки различных проводимых во время этого мероприятия ритуалов.

Ш. Нуруллаева

Урганч давлат университети тадқиқотчиси

Хоразмнинг заргарлиги: анъанавий тақинчоқлар тавсифи

XX аср бошларигача Ўзбекистондаги машхур заргарлик мактаблари ичида Хоразм заргарлиги мактаби ўзига хос локал хусусиятлари билан ажралиб туради. Хоразм заргарлари асарлари - бой шакллари, ажойиб безак жиҳатларига эгаллиги, мураккаб композицион тузилиши, нозик ишлов усули, маржонлар билан безатилган занжирсимон шокилалар, заргарлик санъатида мўл – кўлчилик рамзи бўлган барг, ғунча, куртак, дон сингари солинчоқлар, ранг – баранг ойналардан ясалган қадама нақшлардан иборат санъат намуналаридир¹. Қолаверса, унда соф шаҳар санъатини ифодаловчи хусусиятлар ҳам ҳосдир. Хоразмдаги заргарлик санъатининг шаклланиши ва ривожланиши манбаларини қадимги Хоразм худудидан топилган моддий ашёларда ҳам учратиш мумкин. Тупроққалъа деворларидаги аёл тасвирида ҳам аёлнинг кулоғида кичик уч бурчак шаклидаги сирға, Хушбуз тепадан топилган аёл хайкалчаси бошидаги диодема ҳам Хоразм заргарлигининг дастлабки шаклларини ўзига хос хусусиятларини тавсифлашга ёрдам беради. Безаклардан фойдаланишга талаб кучая бошлагач, уларнинг турлари алоҳида мазмун – моҳият касб этган. Яъни тақинчоқлар ҳар-хил турларга бўлиниб, инсу жинслардан асровчи, касалликлардан халос этувчи, турли ташқи таъсирлардан муҳофаза қилувчи, жамиятда кишининг кимлигини, унинг мавқеини белгиловчи восита вазифасини бажара бошлаган. Бундай тақинчоқлар

¹ Элмира Гул. Хоразм заргарлик санъати (Этномаданият мутаносиблиги) // San’at. 2002. №2 ..12-бет.

пешона, бўйин, кулоқ, бурун, қўл ва оёқ панжаларига тақилиб, улар кўзли ё кўзсиз бўлган ҳамда хат ва нақшлар билан безатилган¹.

1830-1840 йилларда Хивада ривожланган заргарлик хунарига эга усталарни “олтин ва кумуш иш усталари” деб аташган². Хоразм заргарлари асосан бозорлардаги заргарлик дўконларида фаолият юргизишган.

XIX асрда Хивада хунармандчилик маҳаллалари орасида алоҳида заргарларнинг маҳалласи бўлган. Хива заргарларининг маҳсулотлари ўзига хос хусусиятларни акс эттириб, бошқа заргарлик мактаблари билан яқин алоқада ривожланиб келган. Шунингдек, улардаги лўндалик ва шаклнинг маҳобатлилиги, безак ва чизикларнинг қатъийлиги хос бўлиб, дашт аҳоли маданияти анъаналарини ўзида сақлаб қолган қорақалпоқ ва туркман заргарлик мактаби билан ҳамоханглик кузатилади. Хоразм, қозок, туркман ва қорақалпоқ заргарлик буюмлари тузилиши ва моҳиятига кўра мос келади, аммо Хоразм заргарлик маҳсулотлари ҳар бир тури заргарлик буюмларига шаклнинг нозик майдаланган хусусиятини олиб кирган шаҳар заргарлиги таъсири остида маълум ўзгаришларга учраган³. Аммо, бунда асосий фарқ ишлаб чиқариш технологиясида кузатилади, яъни хоразмлик заргарлар кумуш ва олтинга ўйма ишлов туширишган. Умуман олганда, Хоразм тақинчоқлари туркман тақинчоқлари билан ўхшаш бўлиб, қорақалпоқ ва туркман заргарлик буюмлари кумушдан кўриниши оғирроқ қилиб ишланади.

XIX асрда Хоразм заргарлик безаклари олтин, кумуш, бронза, мис каби тошлардан фойдаланиб ишланган. Шунингдек, олтиндан асосан безаклар юзини қоплаш мақсадида фойдаланилган. Қимматбаҳо тошлардан ёқут, оникс, яшма, феруза, рангли ойначалар ва маржонлар ишлатишган. Бу тошлар асосан Ҳиндистон, Эрон, Миср ва бошқа шарқ давлатларидан маҳаллий савдогарлар олиб келганлар. Ҳар бир тош ўзининг сеҳрли кучига эга бўлган, яъни бахт ва омад, яхшилик келтирувчи, ёмон кучлардан асровчи, юракни мустаҳкамловчи, касалларнинг рухиятида шодлик келтирувчи ва ҳоказолар. XIX аср заргарлик буюмларининг шакли ва безаклари учун бир-бирига сира ўхшамайдиган услублар: ислимий, геометрик, самовий маҳлуқот дунёси асос қилиб олинган.

XIX асрнинг биринчи ярмида Хоразмда заргарлик санъати энг ривожланган бўлиб, аср ўрталарида Хивада 12та заргар уста бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди⁴

¹ Давлатова С.Т. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик.Т.,2006.92-бет.

² Иванов М.Н. Хива и река Амударья.спб.,1872. С.49

³ Элмира Гул. Ўша жойда..12 –бет.

⁴ Иванов П.П. Архив хивинских ханов XIX в.М.,1940. С.37

Безакларни таёрлашда усталар техниканинг аънанавий усуллари: кўйиш, босмалаш, сирлаш, қирқиш, олтин билан қоплаш кабилардан фойдаланганлар.

Хоразмнинг “Ичан қалъа” музей қўриқхонасида 200 дан ортик заргарлик буюмларидан иборат коллекция сақланади. Бу коллекция 80 йил давомида илмий экспедициясининг сотиб олиш компанияси томонидан сотиб олинган. Уларнинг орасида энг қадимийси эркакларнинг Шер боши тасвири туширилган узугидир.

Бундан ташқари, Хоразмда “Бутунтирноқ” (аёлларнинг чаккага тақадиган зийнат буюми, тумор), “Яримтирноқ” (бу безак ҳам чакка кулоққа тақилади) ва “хўкиз шохи” номлари билан аталувчи тақинчоқлари бўлган¹.

Хоразм аёлларининг кулоққа осиладиган безакларидан “ярим тирноқ” тақинчоғи ҳисобланади. Тақинчоқнинг пастки қисмига йўлбарсининг иккита тирноғи осилган бўлади. Чунки бу тирноқлар келин ва ёш аёлни ҳимоя қилиш маъносини англатган². Хоразмнинг “ярим тирноқ” тақинчоғи, яъни қўлоқчини солинчаги туркман дагданига ўхшайди. Хоразмда аёлларнинг қадимги бош тақинчоқларидан “жиға”, “тож”, “бош тузи” (асосан ёш аёллар тақишган) безаклари ҳам анча машҳур бўлган.

“Осма дўзи” ёки “қанот осма” (“қора пар” ҳам деб аталади) аёлларнинг пешона ёки манглай (хоразмча) тақинчоғидир. Унинг асосини уч тишли безаклар ташкил қилиб, қумушдан ясалади. Бу эса мажусийликда ҳаёт дарахти маъносини билдирган. Бу тақинчоқ “тиллақош” дан ясалиши, тузилишига кўра анча фарқ қилади.

“Манглай дўзи” ёки “қуш ини” ҳам манглай тақинчоғи ҳисобланади. Бу тақинчоқ асосан турли хил ранглар ёрдамида сирланган ва ҳар бир ранг ўз аҳамиятига эга бўлган. Оқ ранг - қуёш ва бирдамлилик, мовий ранг-улуғворлик, қизил ранг эса безакларнинг нақшларига кўркамликни бахш этган. Бу тақинчоқни асосан келинлар қалпоқларига қистириб тақишган ва XIX аср охириларига келиб урфдан қолган.

“Тақя дўзи”-бу матодан тикилган тахянинг устига қадалган бўлиб, тахя шаклида бўлган қушларнинг тирноқлари қадим замонлардан бери асровчи куч сифатида қаралган ва бу қараш XIX асргача мавжуд бўлган. Тақядўзида кўплаб осилчоқлар осилиб тупган. Думалок, тўртбурчак, олтибурчак ёки саккизбурчак тахтасимон ёки қубба шаклидаги бу тақинчоқ аёл жангчиларнинг дубулғасига тақилган. Тақядўзи бош қийимини бутунлай қоплаб беркитиб турган. ”Тузи” ва “Дўзи” сўзлари барча хоразм тақинчоқлари номларида учраб, асосан тақинчоқ маъносини билдиради³.

¹ Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана.-Т.,1988. с.116-117.

² Борозна Н.Г. Некоторые материалы об амулетах- украшениях населения Средней Азии // Мусульманские верования и обряды в Средней Азии.М.,»Наука».1975.с.284

³ Фахретдинова Д. А. Кўрсатилган асар...с.80

Тахяга мустаҳкамланадиган, “ ўқ – ёй ” пар тақинчоғи ҳам афсонавий жангчи аёллар тақинчоғи туридир. Бу мураккаб тақинчоқ бўлиб, унинг асосини кўплаб уқлар ташкил этади ва бош кийимининг энса(гардон) қисмига мустаҳкамланади. Қолаверса, безакдаги камон кўчманчи уруғлар ҳаёт тарзининг ажралмас қисми бўлиб ҳам ҳисобланади. Бунга кўра камон шаклидаги тақинчоқни бўйинга осиб юриш одатда, кишининг бел томонини ҳимоя қилиш вазифасини ҳам бажаради. Хоразм “ўқ – ёй” тақинчоғи кўп миқдордаги маржон ва занжиралар билан безатилган бўлади. Ҳатто унда қадимги безакларнинг айрим жиҳатлари ҳам сақланиб қолган. ”Ўқ-ёй” заргарлик буюми тақядўзи, осматузи ва яримтирноқ билан бирга ансамбл ҳосил қилади.

Бош кийимларни безатиш, сочга тўғноғичлар тақишдан асосий мақсад бало- қазолардан, кўз тегиши, сукдан саклашдир. Бош кийими, турли тўғноғичлар офатларни кишига яқинлаштирмайди, деб қаралган¹.

“Билакузук” тақинчоғи ҳам одатда жуфт қилиб ишланган ва иккала кўлга тақилган. Ишланишига кўра билакузуклар иккига бўлинган: берк ва очқичли билакузук. Хоразмда билакузуклар қўйма усулда ясалганлиги учун юзида текис ва ажойиб нақшлар ҳосил бўлган. Билакузукларнинг охири илон боши шаклидаги учта тишли якун билан якунланган. Бу ҳам ўзининг рамзий маъносига эгадир.

“Бодомой” тақинчоғи феруза ва бошқа ярим қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Учта доирасимон медальон бирлаштириб ясалган. Бу тақинчоқ аёлларнинг истаклари: кўп фарзандлилик, оилада соғлик ва тинчлик бўлишини таъминловчи каби тилакларни бажаради деб қаралган.

“Шокила” деб номланган кўкрак тақинчоғи ўзига хос бўлиб, туморлардан фарқ қилган. Бундан ташқари, кўкрак тақинчоқлари “тиллатузи”, “танга-гузи” (кумуш ва олтин тангалардан ясалган) номлари билан ҳам учрайди. XIX-XX аср бошларида рус, форс, афғон, инглиз ва маҳаллий тангалардан фойдаланиб ишланган².

Хоразмликларга хос бўлган сирғаларнинг устки қисми одатда гумбаз шаклида бўлади.

Хивадаги Амалий санъат музейида XIX аср охири XIX аср бошларига оид қадимги Хоразм аёллари кийимларига хос бўлган заргарлик буюмлари сақланади. Бу ерга ташриф буюрган одамлар маросим тақинчоқлари ҳақида ҳам тушунчага эга бўладилар. Бу маросимларга кўра, бўлғуси келинга ҳамма тақинчоқлар бош кийимидан тортиб, узуккача тақилган. Бу ерда шунингдек, тақинчоқларнинг асл ва рамзий моҳияти хусусида ҳам маълумотлар олиш мумкин.

¹ Лунева В. Ўзбекистонда бош кийимлар беаги тарихидан. // San`at.2005.№3-4.11-бет.

² Фахретдинова Д.А. кўрсатилган асар. С.106

Хива хонлиги музейида эса заргарлик буюмлари бошқа экспонатлар билан биргаликда намойишга қўйилган. Йиллар давомида мазкур экспонатлар Тошкентдаги кўрғазма сайёҳлик ярмаркаларига кўрғазмага қўйилган. 2000 йилда 16 предметдан иборат буюмлар коллекцияси Ганновер шаҳрида ўтказилган Экспо-2000 павилионида ҳам кўрғазмага қўйилган. Бугунги кунда Маъмун академияси олимлари билан ҳамкорликда ичан калъа музей қўриқхонаси коллекция фонди ҳақида маълумот берувчи XIX аср охири XX аср бошларидаги Хоразм кийимлари ҳақида китоб яратиш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Аёлларнинг кийим безаклари бош кийимига тақиладиган, кўкракка тақиладиган ва белга (камар) тақиладиган безакларга ажратилади. Эраклар кийимига қўшимча равишда камар ва кумуш бандли ёки кумуш қопланган қуроллар тақилган. Бу нарсалар йигитлик ғурури белгиси ҳисобланган. Болалар кийимига эса соғлик ва тансиҳатлилик, омад рамзини ифодаловчи турли хил қадамалар, туморлар қадалган¹.

“Тумор” аёлларнинг кийим беази бўлиб, цилиндримон шаклда бўлган ва тахяга тикилган. Тумор сўзи арабчадан олинган бўлиб, қоғозга ёзилган дуо деган маънони ҳам билдиради, яъни тахянинг устки қисми бутунлай қоплаб олиниб, унинг шаклини такрорлаган. Бу тақинчоқ миниатюралардаги аёл шлеми (дубулғаси)ни эслатади. Туморлар (асосан кўкракка осиладигани) ўзбек, тожик, уйғур, қорақалпоқ каби халқларда ниҳоятда оммалашган. Хусусан, Хива ўтроқ ва кўчманчи туркманлари муҳитида яратилган асиқ(тумор)ларнинг жиддий фаркланади. Туморларнинг хоразмча тури туркманларга хос бўлмаган қора кумуш билан ислимий услубда безатилади. Умуман, асиқлар юраксимон қулонни эслатади. Унда юрак шакли янги ҳаёт ато этадиган уруғ рамзи ҳисобланади. Улар туморларни сақлаш учун мўлжалланган турли (тўртбурчак, учбурчак, думалок, цилиндр) шакллардаги махсус ғилофдан иборат бўлади. Унинг анъанавий шакли ясси горизонтал жойлашган қувурча учбурчак пластикка қалайлаб ёпиштирилган бўлади(учбурчак шаклдаги тумор кўздан асраш эътиқоди билан боғлиқ анъанавий рамз ҳисобланади) ва унинг пастки қисми безакли осилчоқлар билан безатилади. Оятлар ёзилган бир бўлак қоғоз ҳам тумор вазифасини бажарган. Бундай тумор билан юрган киши доимо омадли бўлади². Туморлар асосан кўчманчи халқлар орасида ислом дини билан бирга тарқалган. Хоразмда туморлар шаклидан фойдаланадилар, аммо ундаги безаклар ва солинчоқлардан маржон, феруза тошларнинг кўплиги уни

¹ Васильева Г.П. Магические функции детских украшений у туркмен // Древние обряды верования и культы народов Средней Азии. М., 1986. с. 188

² Дала ёзувлари. Хоразм вилояти туманлари. 2005 йил.

ниҳоятда безакдор қилиб кўрсатади. Баъзи ҳолларда туморлар ғилофсиз ҳам бўлади ва тақинчоққа айланиб, илоҳий аҳамиятини йўқотиб борган.

Бош тақинчоғларидан бўлган “жиға” эса ҳукумдорлик рамзи ҳисобланган. Баъзида заргарлик буюмларининг номлари ўзининг белгисига қараб қўйилган. Айримлари эса осиб қўйиш усулига қараб, тайёрланган маданияга, тақинчокнинг товушига, ясалиш шаклларига қараб ҳам номланган.

“Калит боғи” тақинчоғи номига кўра, калитларни боғлаш учун ишлатилган. Қуйидан то гумбазгача тўрттадан ўнтагача калитлар осилган. Бу калитлар асосан сандиқларнинг калити бўлиб, улар шунингдек, бойлик ва давлат тилаги рамзи бўлган.

“Шовқала” ҳам тақинчоқ бўлиб, шовқала сўзи шовкинли, жарангдор деган маънони билдиради. Қадимги халқ қарашларига кўра ёвуз рухларни шовкинли товуш билан ҳайдаганлар. Бундан ташқари, гўёки бу тақинчоқдан таралаётган товушнинг мусиқийлиги, оҳангдорлиги аёл кишининг қадам олишига боғлиқ бўлган..

Мустақиллик шарофати ила бугун анъанавий миллий русумдаги тақинчоқларни яшаш ва тақиш урф бўлмоқда. Хуллас, Хоразм заргарлиги анъаналарида халқларнинг этногенетик алоқаларни яққол кўриш мумкин. Зеро, воҳа анъанавий тақинчоқлари тавсифига кўра анча мураккаб тузилишга эгадир. Хоразм заргарлари ясаган зийнат буюмлари эса даврларга хос услубда шаклланиб, ривожланиб келган бўлсада, ўзига хос локал ва анъанавий хусусиятларини сақлаб қолган.

Sh. Nurullaeva

Khorezmian goldsmith: description of traditional

In the article are investigated local peculiarities of Khorezmian goldsmith and described traditional jewelries on the basis of ethnographical materials.

Ш. Нуруллаева

Хорезская ювелирия: характеристика традиционных украшений.

В статье прослежены локальные особенности хорезмской ювелирии и описаны традиционные украшения на основе этнографических материалов.

т.ф.н. **Н.Н.Турсунов**

Термиз Давлат университети

Сурхон воҳаси тоқчилари анъанавий турмуш тарзи ва хўжалик фаолияти хусусида

Маълумки ҳар бир халқ миллий ўзликини англаш даврида ўз турмуш тарзи, қадимий давлатчилик анъаналарини, маданий ва маънавий меросини ўрганишга эҳтиёж сезади. Шу маънода айтиш жоизки мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимиз этногенезини, анъанавий моддий ва маънавий маданиятини тарихий-этнологик нуқтаи назардан ўрганишга кенг миқёсда қизиқиш уйғонди. Ҳар

бир халқ турмуш тарзининг ривожланиши ва ўзгаришида худудий, табиий-иклим шароит қай даражада муҳим ўрин эгалласа, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ҳам шу қадар аҳамиятли бўлган. Бу икки ҳолатнинг таъсирини этносларнинг барча фаолият жараёнларида, хусусан уларнинг ишлаб чиқариш воситалари, турмуш тарзи, хўжалик фаолиятлари ва шу кабиларда яққол кўриш мумкин. Маълум табиий-географик шароит ва аҳолининг хўжалик фаолияти уларнинг турмуш тарзи ва маданиятини ҳам шаклланиши ҳамда ривожланишига таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланган. Ўзбек халқи этник тарихида фаол иштирок этган этник гуруҳлардан бири тоқчилар бўлиб, юқоридан қайд этилган омиллар Сурхон воҳаси тоқчилари этногенези ва турмуш таризда ҳам яққол акс этади.

Умуман тоқчи (тоқчи, тахчи) лар - ўзбек этник гуруҳларидан бири бўлиб, бу сўз «тоғлик» «тоғда яшовчи» маъноларини англатади¹. Жиззах вилоятининг Зомин, Жиззах туманлари, Қашқадарё вилоятининг Чирокчи туманида Тоқчи, Китоб шаҳрининг маҳаллаларидан бири Тоқчилик, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги Тоқчигузар топонимлари тоқчи этноними асосида вужудга келган. Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё туманидаги тоғчиён атамаси тоқчилар ёки тоғчилар маъносини англатади. Олима Б.Х. Кармишеванинг фикрича, тоғчилар дастлабки ўзбек уруғлари гуруҳига киради. Улар ўзларини Дашти Қипчоқ қатағонларига мансуб деб билганлар. Лекин тоғчиларнинг аجدодлари Жанубий Ўзбекистон худудларида Дашти Қипчоқ ўзбеклари келишидан илгари ҳам яшаганликлари қайд этилади².

Тоғчилар тоғ ва тоғ олди худудларида истиқомат қилганликлари сабабли тоқчилар, тахчилар деб аталган. Қатағон уруғининг жонқатағон тармоғида ҳам «тахчи» этник гуруҳи мавжуд. Тоғчилар сони ва нуфузи жихатидан чиғатойлар ва қўнғиротлардан кейинги ўринда турадилар, уларнинг кўпчилик қисми асосан Сурхондарё воҳасида яшаганлар. Бойсун беклигида тожик-чиғатойлар, хўжалар ва тоғчилар доимо ёнма-ён ва аралаш истиқомат қилганлар. 1924 йилги маълумотларда Бойсун туманида 5605 нафар тоғчи яшаганликлари қайд этилган. Улардан 1190 киши Кўхитанг тоғининг шарқий қисмида, 2695 киши Шеробод дарёнинг ўрта оқимида, 665 Шерободдарёнинг юқори оқимида киши, 1055 киши Сурхон ҳавзасининг ўнг қирғоқ қисмида истиқомат қилишган. Улар шу худуддаги қишлоқлар - Шержонда (тожик - чиғатойлар билан), Зарабоғда (тожик-чиғатойлари ва ўзбек-хўжалари билан), Хўжанқода, Бедақда,

¹ Қаранг: Бўриев О. Пурвиқор тоғларда яшаган қавм // Марказий Осиё маданияти., 2004 йил, 1-сон.

² Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. М.: Наука, 1976.-С. 85-205.

Шеркишлоқда (тожик-чиғатойлар билан) бирга яшаганлар. Пашхўртдаги Вандоб кишлоғида Хатакдан келган тоғчилар яшаганликлари аниқланди¹.

Тарихий маълумотларга кўра тоғчи-қатағонлар Пошхўрт водийсига Афғонистоннинг Балх ва Қундуз вилоятидан келишган. Шимолӣ Афғонистон Аштархонийлар даврида қатағонларга улус сифатида берилган бўлиб, ушбу минтақа XVII аср бошларида Балх ва Бадахшондаги қатағон қавмига мансуб Махмудбий оталиқ даврида «қатағонлар юрти» (провинцияси) деб ном олган². Маълумотларга кўра, тоғчилар Бойсун, Шеробод бекликларининг туб аҳолиси ҳисобланганлар. Дашти қипчоқ ўзбеклари юришлари даврида уларнинг аجدодлари қатағон уруғига қўшилиб шимолӣ Афғонистонга, яъни қатағонлар юртига кўчиб ўтишган. Кейинроқ ўзаро урушлардан хориган тоғчилар, тоғчи-қатағонлар номи билан ўзларининг азалий ота юртларига, Амударёнинг ўнг қирғоғига, яъни жанубий Сурхондарёга қайтганлар. Бу кўпроқ тоғчиларнинг сарибош-қатағон гуруҳига тааллуқлидир.

Шерободдарёнинг ўрта оқимида тоғчиларнинг иккита йирик кишлоғи-Хатак ва Тангдувал жойлашган. Шержон ва Зарабоддан ташқари бу кишлоқларнинг умумий номи Хатак деб аталган. Хатакда 500 хонадон истиқомат қилиб, аҳолиси ўзларини хатаки деб номлаганлар³. Улар сарибош қатағонларга мансуб бўлиб, қуйидаги оила-қариндошлиқ гуруҳларига бўлинганлар: Шер (шердики), боймоқ (боймоқдики), хидир (хидирдики), кўчак (кўчакдики) ва ҳоказо⁴. Шерободдарёнинг юқори

Оқимида (Мачайдарёда) яшовчи тоғчилар чубош қатағонларига мансуб бўлиб, Қизилновур, Кўмирчи, Кўксой, Кентала (Кенгдала) кишлоқларида яшаганлар. Чубаш қатағонлари икки гуруҳга бўлинганлар, худойберди ва алмахат. Шунингдек Панжобдаги Лайлагон кишлоғида қам тоғчилар яшаганлар. Қизилновур кишлоғида яшовчи тоғчи - қатағонларининг айтишларича, Афғонистоннинг Юсуф сой (Дараи Юсуф) деган жойидан қирқ йигит бўлиб кўчиб келганлар ва бугунги кунда улар Қўрғонча, Хатак, Тошқўрғон, Сариосиё кишлоқларида яшайдилар. Улар алмаат, ҳаяки, исбилмас, қорапойча ва норкал каби шохобчаларга бўлинганлар.

Тоғчиларнинг оз сонли қисми Бойсун шаҳри атрофларида ҳам яшаганлар. Мазкур шаҳарнинг Навлон маҳалласида бир нечта тоғчи оилалари тожик чиғатойлари билан ёнма-ён яшаганлар. Бойсун шаҳри атрофидаги Сариосиё кишлоғида тоғчилар тожик-чиғатойлар, ўзбек-хўжалар ва кўнгиротлар билан бирга яшаганлар, лекин асосий аҳолиси эса

¹ Дала ёзувлари. 2001-2002 йиллар. Шеробод тумани Шержон, Зарабоғ, Вандоб кишлоқлари.

² Қаюмов А. Ўзбекистон этномаданий муҳитида «қатағон» этноси // Ўзбекистон этнологияси янгича қарашлар ва ёндашувлар. Илмий назарий конференция материаллари- Т., 2003. 118-бет.

³ Материалы по районированию Средней Азии. // Территория и население Бухары и Хорезма. Ч. 1. Бухара.-Т., 1926.-С. 194.

⁴ Дала ёзувлари. 2001 йил. Шеробод тумани, Хатак, Тангидувал кишлоқлари.

тожик- чиғатойлар ҳисобланган. Авлод кишлоғида 30-40 тоғчи оиласи алоҳида маҳаллани ташкил этишганлиги маълум.

Сурхон ҳаврасида тоғчилар Халқаёр дарёси (Қайроқ кишлоғида, Даштиғоз кишлоғида кўнғиротлар билан бирга) Қизил қишлоқ, Саройтош (туркманлар билан бирга) Боғчик, Олачопон, Хўжапарновот кишлоғи ҳамда Сангардак дарёси (Чанглоқ, Чакана ва Боғча қишлоқларида) юқори қисмида яшаганлар. Ўтган асрнинг бошларида Чанглоқда 400 та хўжалик истиқомат қилган. Сангардак тоғчилари тожиклар билан биргаликда турмуш кечиришган. Уларнинг озчилик қисми тожик тилида, кўпчилиги эса ўзбек тилида сўзлашганлар. Бу ҳудуддаги тоғчиларнинг энг йирик кишлоғи Тоғчиён (қарлуқлар билан бирга яшаган) ҳисобланган.

Тоғчиларнинг оз сонли гуруҳлари Тўпалангдарёнинг ўнг қирғоғидаги тоғ олди ҳудудидаги Тоғчи, Тангитов қишлоғида жойлашганлар. Тўпалангдарёнинг юқори қисмидаги тожик кўҳистонийлар ўзларининг келиб чиқишларини бевосита ўзбеклашган тожикларга боғлайдилар. Денов шаҳри яқинидаги Жатта қишлоғида тоғчилар барлосларнинг катта уруғи билан бирга умргузаронлик қилганлар. Шунингдек, Деновдаги Сино қишлоғидаги тоғчилар ўзларининг аجدодлари Афғонистоннинг Қундуз туманидан келишган деб ҳисоблайдилар. Шимолий Сурхон воҳасида тоғчиларнинг қорапойча, нурабадал, кўксой, ажина, исбилмас, кўкчи каби гуруҳлари яшаганлар. Тоғчиларнинг асосий анъанавий машғулоти деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчиликдан иборат бўлган. Тоғчилар тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашганлиги, кўпроқ булоқ ва қориз сувларидан фойдаланганликлари учун асосан боғдорчилик, узумчилик билан шуғулланганлар ва қисман ўз ерларида оиласини таъминлаш учун сабзавот ва полиз экинлари экканлар.

Тоғчилар хўжалик фаолиятида чорвачилик ёрдамчи соҳа бўлган. Асосий серунум, ҳосилдор ерлар деҳқончилик учун ажратилганлиги туфайли чорва молларини боқиш учун яйлов кам бўлган. Чорва моллари деҳқончиликда фойдаланадиган яйловларда боқилган. Бу вақтда бир қишлоқ ёки бир неча қишлоқлар бирга чорва молларини боқиш учун подачи ёллаш одати бўлган. Чўпон учун ҳақ қунлик овқат ёки натура тарзида маълум миқдорда буғдой, ун ҳафтада бир марта нон берилган. Яқшанба куни овқат «ошолол» («ош ҳалол») берилган. Қора моллар учун подачи (подавон), майда (ушоқ) моллар чўпон-«чаганачилар» ёлланган.

Жанубий Сурхон воҳаси тоғчилари хунармандчилик билан қадимдан деҳқончилик ва чорвачилиқдан ажралмаган ҳолда биргаликда шуғулланиб келишган. Хунармандчилик эса оила учун қўшимча даромад келтирган. Хунармандчиликнинг маълум турларининг маълум минтақада ривож топиши авваламбор аҳолининг ўтроқ ва ярим ўтроқлик турмуши ва ҳудуд табиатига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган. Масалан қулолчилик кўпроқ Шерободда анча ривожланган бўлиб, бу шу ер тупроғининг қулолчиликда

фойдаланиш учун қулайлиги билан боғлиқ. Шеробод кулоллари ясаган тандирлар, хумлар, кўзалар ўзининг пишиқлиги, бежиримлиги билан машҳур бўлган. Археологик казишмалар даврида Жаркўтон, Сополлитепадан топилган кулолчиликка оид асори-антиқалар ҳам фикримизни исботлайди¹. Бугунги кунда ҳам Шерободда ўзига хос кулолчилик мактаби мавжуд. Тоғчилар хунарамандчиликнинг темирчилик, дурадгорлик, тўкимачилик, тикувчилик, кулолчилик, тегирмончилик, жувозкашлик, каштачилик, этикдўзлик, чарм тикиш каби соҳалари билан ҳам шуғулланганлар.

Анъанага кўра тоғ меъморчилигида уй-жойлар бунёд этилиши ҳам муҳим ўрин тутган. Айниқса уй-жойларнинг қурилишида уста-меъморлар тоғнинг табиий хусусиятларини ҳам эътиборга олганлар. Жумладан қишлоқ уйларининг қурилиш тарзи кўпинча бир томонга, яъни сой томонга қаратиб қурилган. Бунинг боиси шундаки, рельеф сойдан чиқиш томонга кўтарила борган. Уйларнинг олд томони эса шу рельеф ҳисобига қаватма-қават қурилган. Масалан Бойсун шаҳри атрофидаги Авлод, Сарийосиё, Пассурхи каби қишлоқлар тоғ ён бағрига 30-35 даража қияликда қурилган ва ўзига хос «кўп қаватли» уйни ташкил этган. Тоғларда уйлар, аксарият тағхона, болахоналик қилиб қурилган. Чунки халқ усталари бўлалжак бино ўрнини пухталиқ билан ўрганиб, тез-тез бўлиб турадиган зилзила, жала, бўрон ва қор кўчишларини ҳисобга олган ҳолда жойнинг нотекислигидан фойдаланиб, уйларнинг орқа деворларини тоғ ҳисобига қурганлар.

Д.Нозиловнинг таъкидлашича, Ҳисор ва Бойсун тоғ архитектурасида кўпинча синч девор қўлланилган ва у буни Нурота тоғ қишлоқларига нисбатан ер қимирлаш балининг юқори эканлиги билан изоҳлайди. Бойсун ва Ҳисор тоғларининг устки қисми ўрмонзорлардан иборат бўлганлиги учун ҳам синч кенг қўлланилган. Тоғчилар уйнинг шамол эсадиган ва сел келадиган томонига тош девор ёки қўшсинчли девор қуришни маъқул кўрганлар². Умуман олганда, Бойсун тоғ этақларида яшаётган аҳолининг меъморчилиқ анъаналарида, уй-жой қурилишида турли композицияларнинг қўлланилиши ва шу асосда махсус уй-жойлар, гидротехник ва муҳандислик иншоотлари қурилишининг ўзига хослиги тоғли худудларида ҳам халқ меъморчилиги маълум табиий-географик шароит таъсирида анъанавий тарзда сақланганлиги ва ривожланганлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, тарихий-этнографик манбалар ва дала маълумотларига асосланиб, шуни қайд этиш зарурки, тоғчилар Жанубий Ўзбекистоннинг қадимги туб туркий қавмларидан бири ҳисобланганлар. Дашти қипчок

¹ Аннаев Т. Шайдуллаев Ш. Сурхонларё тарихидан лавҳалар. Т., 1997. 22-23 бетлар.

² Нозилов Д.А. Тоғ меъморлари. Т., 1979. 34-бет.

Ўзбекларнинг Мовароуннахр томон юришларида улар қатағонлар билан бирга шимолий Афғонистонга кўчиб ўтишган. Кейинчалик содир бўлган турли ички низолар сабабли улар тоғчи – қатағон номи билан яна ўзларининг азалий юртларига қайтиб келганлар. Тоғчилар турмуш тарзидаги ўзига хосликлар Жанубий Сурхон воҳасининг ўзига хос табиий, иқлим шароитлари билан боғлиқ тарзда кечганлигини кўрсатмоққа. XX асрнинг бошларида минтақада рўй берган турли этник-маданий, иқтисодий ва сиёсий жараёнлар туфайли тоғчиларнинг кўпчилиги ўзбеклар, баъзи гуруҳлари эса тожиклар таркибига сингиб, уларнинг муштарак қисмига айланганлар.

N.N. Tursunov

Traditional life style and life activity of toqchians of Surkhan province

In the article is investigated some aspects of the life style and life activity of toqchi ethnic group in Surkhan oasis on the basic of ethno graphical materials.

Н.Н. Турсунов

Традиционный образ жизни и быт этнической группы тогчи в Сурханском оазисе

В статье на основе этнографических материалов прослежены некоторые аспекты традиционного образа жизни и быта этнической группы «тогчи» в Сурханском оазисе.

А.Э. Қурбонов

Термиз Давлат университети ўқитувчиси

Шимолий Сурхон воҳаси аҳолисининг анъанавий дехқончилик фаолияти

Сурхон воҳаси ўзининг қулай табиий шароити, унумдор тупроқ, сув ва бошқа географик шароитлар мавжудлиги билан Ўзбекистон ҳудудида илк суғорма дехқончилик ҳамда илк шаҳар-давлат вужудга келган қадимий маданият ўчоқларидан бири саналади.¹

Ўз даврида муҳим аҳамиятга эга бўлган зардуштийлик динида ҳам дехқончиликка ўзига хос эътибор билан қаралган. Хусусан, «Авесто»да:

Нону ризқ ўстиргичга,

Подани тўйдиргичга...

Юртлар яшнатгучига,

Ихлос-ла сиғин, Зардушт!², деб, таъкидланади. Шунингдек, Зардуштийлик динида қўриқ ер очиб, уни боғ-роғга айлантирган одам

¹ Аскарлов А.А. Абдуллаев Б.Н. Джалкутан. –Т.: «Фан», 1983; Аскарлов А. Энг қадимги шаҳар. –Т., 2001.; Ширинов Т.Ш. Ранная городская культура эпоха бронзы юга Средней Азии. Афтореф. дисс. док.ист.наук. –М., 1993; Пугаченкова Г.А. Новые данные о художественной культуре Бактрии. // из истории античной культуры Узбекистана. -Т., 1973. -с.78-128.

² Авесто: Яшт китоби. // М.Исоқов таржимаси. -Т.: «Шарк», 2001. -Б.17.

илоҳият раҳматига учрайди, аксинча боғлар, экинзорлар, суғориш иншоотларини бузганлар катта гуноҳга қоладилар, деб таъкидланади.¹

Сурхон воҳасининг илк темир даври ёдгорликлари учта деҳқончилик воҳаларида жойлашган бўлиб,² булардан Шимолий Сурхон воҳаси худудидаги Миршоди, Сангардак, Тўпаланг дарёлари хавзалари Бойсун деҳқончилик ўлкаси таркибида бўлган.³

Ўрта асрлар даврида ҳам Сурхон воҳаси (Тоҳаристон) худудидаги аҳолилар Ўрта Осиёнинг бир қатор вилоят (Фарғона, Усрушона, Шош, Сўғд, Кеш, Насаф, Хоразм каби)ларидаги аҳолилар қатори қадимдан турғун яшаб, деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланишган.⁴

Шимолий Сурхон воҳаси аҳолиси хўжалик фаолияти юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бир неча минг йиллик анъанавий тажрибалар асосида ривожланган. Воҳанинг XIX аср охири-XX аср бошларидаги зироатчилик хўжалигини уч зонага бўлиб ўрганиш мумкин: биринчиси, тоғли зона бўлиб, бу худудларда лалми экинлар экилган; иккинчиси, суғорма ерлар зонаси; учинчиси, дашт-яйловлардан иборат бўлиб, асосан чорвачиликда кенг фойдаланилган.⁵

Воҳа ўзининг табиий иқлим шароити ҳамда деҳқончилик қилиш учун қулайлиги билан ажралиб турган. Хусусан, XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида Бухоро хонлиги таркибида бўлган бекликлар орасида Сурхон воҳаси худудида жойлашган Шеробод, Бойсун ҳамда Денов бекликлари деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик соҳасида ўзига хос ўринга эга бўлган. Бекликлар худудидаги амир ерлари «мулки султоний» деб аталиб, бундай ерлар Шимолий Сурхон воҳаси худудидаги Юрчи, Хайработ, Тўй кишлоқларида худудида жойлашган. Воҳанинг Хўжасоат, Шўрчи, Қарлуқ, Хайработ кишлоқларида амирга кўрсатилган маълум хизмат учун берилган «мулки ҳолис» ерлари ҳам бор эди. Шунингдек, воҳада вақф ерлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан тушган даромадлари масжидлар ҳамда мадрасалар харажатларини қоплашда фойдаланилган. Хусусан, Денов беклигидаги 21,2 фоиз ерлар вақф ерларини ташкил этган. Тадқиқ этилаётган даврда воҳанинг «мулки султоний», «мулки ҳолис» ва вақф ерларида ҳосилни етиштириш ва саранжомлаб олиш учун аҳолининг ёлланма меҳнатидан фойдаланилган. Бу ёлланма ишловчиларни чоракор, тенгшериклар, қўшчи, нимкор,

¹ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб (Қадимий давр маданий алоқалари). -Т.: «Фан», 1991. -Б.20.

² Қаранг: Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар (Қадимги даврлардан XIX асрга қадар). -Т., 1997. -Б.29.

³ Кўрсатилган асар. -Б. 29.

⁴ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. -Т.: «Шарқ», 2001. -Б.189.

⁵ Дала ёзувлари. 1997-2005 йй. Яна қаранг: Ўзбекистонни районлаштириш ишидаги материаллар (араб алифбосида). 1-бўлак. Самарқанд-Тошкент., 1926. -Б.207.

мардикор, ўроқчи каби табакаларга ажратишган. Чоракорлар ҳосилнинг тўртдан бир улуши эвазига ишлаган. Чоракорлар ер эгаси билан оғзаки келишув асосида ишлаб, улушни келишув асосида олган. XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида воҳада ерни ижарага олишнинг тенгшериклик шакли ҳам мавжуд бўлган. Тенгшерик кишилар экин экишдан то ҳосилни йиғиб олгунгача бўлган даврда барча ишларни ва харажатларни биргаликда қилишган. Ҳосил йиғиштириб олингандан кейин шериклар ўртасида тенг бўлинган. Қўшчилар ўзининг ер ҳайдаш асбоблари ва иш ҳайвонларига эга бўлиб, ер эгаси билан келишган ҳолда ерларни ҳайдаганлар. Иш ҳақи эвазига етиштирилган ҳосилдан келишилган улушини олган. Ерни ишлаш учун иш ҳайвони бўлмаган деҳқонлар нимкорлик усулида етиштирилган ҳосилнинг келишилган қисмини олиш шарти билан ижарага ер олиб ишлаганлар. Мардикорлик тадқиқ этилаётган даврда воҳада кенг тарқалган бўлиб, мардикорлар турли хилдаги уй ва дала юмушларини бажариш учун келишган ҳолда ёлланиб ишлаган. Мардикорлар пахса уриш, лой суваш, кудуқ қазиш, жувоз ҳайдаш каби турли хилдаги ишларни бажарганлар. Уларга иш ҳақи асосан пул ва натура шаклида берилган.

Ғалла ўрими даврида асосан ўроқчилар меҳнатидан кенг фойдаланилган. Ўрганилаётган даврда ўроқчилик билан кўпроқ аҳолининг кам таъминланган қисми шуғулланишган. Уларга ҳам иш ҳақи асосан келишув асосида натура ёки пул шаклида тўланган.¹

XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида Шимолий Сурхон воҳасида суғориш тизими ҳам ўзига хос тарзда ривожланган бўлиб, асосий сув манбалари Сурхондарё, Тўпалангдарё, Ипоқдарё, Сангардақдарё, Обзорондарё, Дашнободдарёларидан иборат бўлган. Масалан, бу табиий дарёлар тадқиқ этилаётган даврда Сурхондарё 22 та ариққа, Хўжаипокдарё 10 та ариққа, Сангардақдарё 13 та ариққа, Тўпалангдарёси 7 та ариққа, Обзорондарёси 5 та ариққа сув берган.² Ўрта Осиёнинг бошқа худудлари каби Шимолий Сурхон воҳасида ҳам суғориш тармоқлари тизимида ўзига хос бошқарув усули мавжуд бўлган. Бунда суғориш тармоқлари тизимида «мироблар» асосий фаолият кўрсатиб, ҳар бир мироб ўз қўл остидаги ирригация тизимини бошқарганлар. «Мироб» атамаси арабча ва форча сўзларнинг бирикмасидан вужудга келган. Мир «амир» сўзининг қисқарган ҳолатдаги шакли бўлиб, раис, бошлик, пешво, бек маъноларини англатади, «об» сув деган маънони билдиради. Хулоса қилиб айтганда, мироб сув тақсимооти ва суғориш иншоотлари бошлиғи яъни шу соҳанинг

¹ Дала ёзувлари. 1997-2005 йиллар; Бу ҳақида яна қаранг: Бўриев О., Жалилов И. Анъанавий қишлоқ жамоасининг ижтимоий таркиби хусусида. (Жанубий Ўзбекистон материаллари асосида) // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. –Т., 2004. -Б.147-153.

² Ўзбекистонни районлаштириш ишидаги материаллар (араб алифбоси). Биринчи бўлак. – Самарқанд-Тошкент, 1926. – Б.208.

бош мутахассиси маъносини ифодалайди.¹ Воҳада миробларни сайлашнинг мавсуми бўлган. Асосан бу тadbир киш фаслида декабр ойининг охири ва январ ойининг бошларида ўтказилган.²

Шимолий Сурхон воҳасида XX аср бошларида ҳам тadbик этилаётган даврда Тўпалангдарёси Миршоди кентида 5000 десятина ерни эркин суғорган. Сўнгра Сурхондарёсининг соҳили бўйлаб 2-3 верслик доира кенглигидаги ерларни суғора бориб, 50 верс узунликка чўзилган ва Оққапчиғай жарлигидан Жарқўрғон қишлоғига борган. Бу ўртада 10000 десятина ер суғорилади.³

Сурхон воҳасида сунъий суғоришга асосланган ерлари I-жаҳон урушигача 95000 десятина бўлган бўлса, 1924 йилга келиб, 42000 десятинали, 1925 йилда 48000 десятинали,⁴ 1926 йилда 77718 десатинани ташкил этган. Шу сувли ердаги экинларнинг 60% ини донли экинлар, 16,3% ини пахта, 8,5 % ини ёғли экин, 6,5% ини боғдорчилик, 4,9% ини шоли, 3,6% ини беда экинлари ташкил этган.⁵

Воҳада деҳқончилик қилиш учун имкониятлар яхши бўлганлиги сабабли аҳолининг катта қисми ўтроқ ҳаёт кечирган. Мисол учун Денов беклигининг умумий майдонини 8791 десатина ташкил этиб, бу ҳудуднинг қишлоқ аҳолиси 53430 кишини, шаҳар аҳолиси 931 кишини ташкил этган.⁶ Денов беклиги олтига амлақдорликни ўз ичига олган. Бунга Сина амлақдорлиги - 1130 хўжалик, Қарлуқ амлақдорлиги - 610 хўжалик, Хидиршо амлақдорлиги - 485 хўжалик, Пўстиндара амлақдорлиги - 365 хўжалик, Гардиқўрғон амлақдорлиги - 325 хўжалик, Дўрмон амлақдорлиги - 295 хўжаликдан иборат бўлган. Ҳаммаси бўлиб бекликнинг 4695 хўжаликни ўз ичига олувчи амлақдорликлари мавжуд бўлган. Бу амлақдорликларда деҳқончилик ўзига хос тарзда ривожланган эди.

Воҳанинг текислик қисмида суғориш имкониятлари мавжуд бўлган ҳудудларда суғорма деҳқончиликнинг ривожланишига шароит яратган бўлса, сув танқис бўлган тоғ ва тоғ олди ҳудудларида эса лалмикор деҳқончилик ривожланган.

Воҳада XIX асрнинг охири-XX аср бошларида экинларни оқ экин ва кўк экинларга бўлишган. Оқ экинлар асосан лалми усулда етиштирилган бўлса, кўк экинлар эса лалми ва оби усулда етиштирилган.

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. –Т., 2004. – Б.208.

² Сурхондарё вилоят давлат архиви. Ф-4. 1-рўйхат. 5-иш. 3-варақ.

³ Сурхондарё вилоят давлат архиви. Ф-65. 1-рўйхат. 5-иш. 10-варақ.

⁴ Вся Средняя Азия. // Справочник книга на 1926 хоз. год. –Т., 1926. -С.386.

⁵ Ўзбекистонни районлаштириш ишидаги материаллар (араб алифбоси). Биринчи бўлак. – Самарканд-Тошкент, 1926. – Б.9.

⁶ Турсунов С. ва бошқ. Сурхондарё тарихи. –Т., 2004. – Б.194.

Воҳанинг сунъий суғоришга асосланган ҳудудларида шоли, пахта, кунжут, жўхори, зиғир, буғдой, арпа, каби экинлар экилган.¹ Галла экинлари, полиз экинлари ҳамда боғдорчилик каби сохалар суғориладиган ҳудудлар билан бир қаторда лалмикор ерларда ҳам анча тараққий этган эди.

Сурхон воҳасида 1924 йилда 25 минг деҳқончилик хўжаликлари мавжуд бўлган.² Воҳада экин майдонларининг 13,3 минг десятина ерига буғдой, 3,1 минг десятинага зиғир, 1,2 минг десятинага шоли, 4 минг десятинага маккажўхори, 4,7 минг десятинага арпа, 1,5 минг десятинага полиз, 1,5 минг десятинага ёғли экин, 3 минг десятинага пахта, 2 минг десятинага беда, 18,7 минг десятинага дуккакли, 0,8 минг десятинага эса бошқа экинлари экилган.³

Шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида Денов беклигида ўртача бир таноб ерга 2-2,5 пуд галла экилиб, 33 пудгача, экилган арпанинг 2 пудидан 25 пудгача ҳосил олинган.⁴ Воҳанинг дарё олди ҳудудларида деҳқончилик соҳасида шодикорлик етакчи мавқега эга бўлган. Буни Сурхондарё ёқаларида жойлашган Шалдирик, Хўжамулки каби кишлоқлар мисолида кўришимиз мумкин.⁵ Хусусан, бу ҳолат куйидаги жадвалда ҳам ўз аксини топган. (1925 йилги ҳолат):⁶

	Буғдой	Арпа	Жами (пуд ҳисобида)
Термиз	53000	7000	60000
Шеробод	15000	8000	23000
Бойсун	8000	4000	12000
Юрчи	9000	4000	13000

Воҳа бозорларида дон маҳсулотлари турлича нархларда сотилган. Масалан, бир пуд буғдой Термизда 3 сўм, Шерободда 3 сўм 50 тийин, Юрчида эса 4 сўм 50 тийиндан сотилган.⁷ Воҳанинг тоғ ва тоқ олди ҳудудлари ҳамда текислик жойларида ёнғок, олма, бодом, анор, шафтоли, ўрик каби кўплаб мевали дарахтлар ўсган. Шафтолининг 3 тури, ўриқнинг 3 тури, олманинг 8 тури, нокнинг 2 тури, тутнинг 2 тури Бухоро амирлиги ҳудудларида ҳам етиштириб келинган.⁸ Хусусан, Денов беклигига қарашли Дашнобод кишлоғида хонлик ҳудудида машҳур бўлган анорлар

¹ Сборник географических, топографических материалов по Азии. –СПб., 1894. -С.374.

² Вся Средняя Азия. // Справочная книга на 1926 хоз.год. –Т., 1926. -С.386.

³ Вся Средняя Азия. // Справочная книга на 1926 хоз.год. –Т., 1926. -С.387.

⁴ Шаниязов К. Узбеки-карлуки. –Т., 1964. –С.94

⁵ Дала ёзувлари. 1998 йил. Шўрчи тумани.

⁶ Сурхондарё вилоят давлат архиви. Ф-521. 1-рўйхат. 40-иш. 186-варақ.

⁷ Сурхондарё вилоят давлат архиви. Ф-521. 1-рўйхат. 40-иш. 7-варақ.

⁸ Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. –Санкт-Петербург., 1843. -С.127, 128, 129.

етиштирилган.¹ Воҳанинг тоғли худудлардан Вахшивор, Сина, Зардақўл, Чинор ҳамда текислик худудларидан Хидиршо, Мормин, Қарлук, Ипоқ, Қумпайкал каби қишлоқларида узумчилик кенг тараққий этган. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Бухоро амирлигида узумнинг 12 хил нави мавжуд бўлган: халили, оқ халили, хусайний, шакар узум, кишмиш, жавуз, маска, оқ узум, беҳишти, соҳиби ёки хироти, тойфи, шибирғоний.²

Воҳада полизчилик соҳаси ўзига хос тарзда ривожланган бўлиб, қовун ва тарвузлар етиштирилган. Шунингдек, сабзи, қовоқ, пиёз каби бошқа полиз экинлари ҳам етиштирилган. Тадқиқ этилаётган даврда қовуннинг 16 нави³, ошқовокнинг 9 нави⁴ мавжуд бўлган. Сурхон воҳасида суғориладиган ерларда беда, маккажўхори, шоли каби экинлар билан бирга пахта ҳам етиштирилиб, даврлар ўтиши билан пахта майдонлари кенгайиб борди. Воҳанинг Денов, Сариосиё, Узун, Шўрчи каби туманларида бу ҳолатни кузатишимиз мумкин. Мисол учун Сурхон воҳасидан 1908 йили 17000 пуд пахта ташиб кетилган бўлса, бу 1910 йили 34000, 1911 йили эса 60 минг пудни ташкил этган.⁵ Шўролар даврига келиб пахта сотиш режалари ортиб борган. Буни куйидаги жадвалда кўришимиз мумкин (1. XII. 1924 йилгача бажарилган ҳолат):⁶

Ширкат номи	Режа (тонна хисобида)	Бажарилган ҳолат	Ҳоиз ҳисобида
Қумқўрғон	2002	1086	52,67
Сариосиё	2033	868	42,7
Миршоди	1649	1326	80,41
Денов	3702	1763	47,78

XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида Шимолий Сурхон воҳаси аҳолиси ерга ишлов беришда асосан омовлардан фойдаланган. Омов бир жуфт хўкизга қўшилиб, бўйинтириқ ва тиркашдан иборат бўлиб, хўкизларга қўшилган. Асосан омовлар уч қисмдан иборат бўлган. Воҳада ерлардаги кесакларни эзиш, ерни текислаш, қолаверса, уруғ сепилгандан сўнг устидан тупроқ тортиш учун мола ишлатилган. Ўрганилаётган даврда моланинг икки хил тури мавжуд бўлган. Биринчиси, катта бўлиб, узунлиги 3-3,5 метрни ташкил этган. Ўрик ёки тут ёғочидан ясалган. Иккинчиси, 2-2,5 метрни ташкил этган. Мола яшашга имконияти етмаган камбағал хўжаликлар омовнинг шотисидан мола сифатида фойдаланишган.

¹ Маев Н.А. Очерки горных бекств Бухарского ханства. // МСТК, вып. V. СПб, 1879. – С. 261

² Қаранг: Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства. – Санкт-Петербург., 1843. -с.121-122.

³ Ханьков Н.В. Қўрсатилган асар. -Б.137-139.

⁴ Ханьков Н.В. Қўрсатилган асар. -Б.140-141.

⁵ Турсунов С. ва бошқ. Қўрсатилган асар. -Б. 201.

⁶ Сурхондарё вилоят давлат архиви. Ф-4. 1-рўйхат. 3-иш. 35-варак.

Шунингдек, воҳада ерда ишлов беришда бел, кетмонлардан ҳам кенг фойдаланилган. Тоғли ҳудуд беллари билан пастки ҳудуд беллари бир-биридан фарқ қилган. Чунки тоғли ҳудуд асосан тошли ерлардан иборат бўлганлиги учун қаттиқ қалин материалдан кичкина қилиб, белнинг узунлиги 15-20 см, эни эса 10-13 см атрофида ясалган.¹ Пастки ҳудуд ерлари асосан тупроқдан иборат бўлганлиги учун қаттиқ юпка материалдан каттароқ қилиб, белнинг узунлиги 26-28 см, эни 21-24 см катталиқда ясалган.² Дастасининг узунлиги 1,4-1,6 метрни ташкил этган. Кетмонлар ҳам худди шундай тоғли ҳудуд билан пастки ҳудудларники бир-биридан фарқ қилган. Кетмонлар асосан жўяк олиш, ерни текислаш, қолаверса, тупроқ ишларида ҳамда ўсимликлар тагини юмшатиш ва чопик қилишда кенг ишлатилган.

Хуллас, воҳа аҳолиси қадимий тарихий тажрибаларга эга бўлиб, ўтмиш авлодлардан қолган анъаналар асосида ўзига хос жихатда зироатчилик соҳасида қишлоқ хўжалик техникаси иш қуролларининг оддийлигига қарамасдан юқори ҳосилдорлик олишга эришиб келганлар. Қолаверса, минг йилликлар давомида авлод-аждодлардан қолган анъаналарни сақлаб, такомиллаштириб, авлоддан-авлодга етказиб келган қадимий ўтроқ маданиятга эга бўлган халқлардан бири саналади.

А.Е. Kurbanov

Traditional wedding ceremony of population of North Surkhan oasis

This article is devoted to traditional agricultural practice of Uzbek nationality on example population of North Surkhan oasis. Author on the basis of historical and ethnological literature, also field materials analyzes specific features in cultivating various plants and irrigation of oasis's population.

А.Э. Курбанов

Традиционная земледельческая деятельность населения Северного Сурханского оазиса

Данная статья посвящается традиционной земледельческой практики узбекского народа на примере населения Северного Сурханского оазиса. Автор на основе историко-этнологической литературы, а также полевых исследований анализирует специфические черты в выращивании различных земледельческих культур и ирригации населения оазиса.

¹ Дала ёзувлари. 1999 йил. Олтинсой тумани Чуқур Обшир қишлоғи.

² Дала ёзувлари. 1998 йил. Шўрчи тумани Бахштета қишлоғи.

Файзуллаева Мавлуда
Термиз Давлат университети ўқитувчиси

**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИГА ХОС
ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ АНЪАНАЛАР
(Сурхон воҳаси мисолида)**

Анъанавий таомлар инсоннинг кундалик турмуш тарзи ва ҳаёт фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Таомлар нафақат моддий маданиятимизнинг таркибий қисми бўлиб қолмай, балки халқимиз маънавий маданиятининг айрим кўринишларидан хабардор қилади.

Ўзбек таомлари асосини донли, гўштли, сутли махсулотлар ва сабзавотлар ташкил қилади. Булар орасида донли экинлардан тайёрланган таомлар асосий ўринда туриб, қадимдан Сурхон воҳасида бугдой унидан *умоч ош, кескан ош, узма ош* ва *атала* каби таомлар тайёрланиб келинади. Бу таомлар ўтмишда камбағал ва ўртаҳол оилаларнинг кундалик истеъмолида бўлганлиги ҳақида Б.Х.Кармишева маълумот беради¹.

Сурхон воҳасида таом таркиби, уни тайёрлаш усуллари, истеъмол қилиш алоҳида локал хусусиятга эга. Жумладан, умоч ош тайёрлаш усулини биргина Денов туманининг ўзида икки хилда тайёрланганини кўриш мумкин. Қўшчинор қишлоғида умоч ош тайёрлаш учун товоқдаги бугдой унига озроқдан тузли сув сепиб қўл билан умочланган² ва сутга қайнатилган. Вахшивор қишлоғида эса тузли сувга озроқ мой аралаштириб, бугдой унидан каттик зувала қилинган. Сўнгра хамир қўлда умочланган ва нўхатдек катталиқдаги шаклга келган хамир дончалари сувда қайнатилиб қатиклаб истеъмол қилинган. Сут солиб пиширилган умоч ошга сузиш олдида бир пиёла куви(гуппи)нинг сариёғи қуйдириб аралаштирилган ва болаларнинг илиги тўлади деб, тез-тез пишириб берилган. Бу таом «момолар оши» сифатида Бибисешанба маросимида ҳам тайёрланган³. Шеробод тумани Таллашқон, Хўжақия, Қизилолма, Ғуржак каби қишлоқларда никоҳ тўйи маросимларида «икки ёш бир-бирига увишиб (қовушиб) кетсин, бахти очилсин» деган мақсадда умоч ош қилишган. Бу таомнинг тайёрланиш услуби маҳаллий анъаналарга кўра турлича бўлсада, ундан кутилаётган мақсад фақат эзгуликка йўналтирилганлиги билан бир хил аҳамият касб этган. Умоч ош нафақат

¹Кармишева Б.Х. Узбеки-Локайцы южного Таджикистана. Сталинабад. Изд.Акад.наук Таджикской ССР.1954.-С.143.

² Умочлаш-қозонга ун солиниб, оз-оздан тузли сув сепиб турилган ва қўл билан тинмай умоқлаш жараёнида хамир дончаларга айланган.

³Бибисешанба маросими ҳақида батафсилроқ қаранг: Хабиба Фатхи. Смысл женских ритуалов Биби Мушкулькушод и Биби Сешанбе в современной Центральной Азии. // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 2-қисм, Т.,2005.-Б.13-24; Устаев Ш. Дни недели в поверьях народов южного Узбекистана.// Краеведение Сурхандарьи Т.: Узбекистан., 1989.-С.150-151.; Аширов А. Ўзбек халқининг қадимги эътиқод ва маросимлари. Т., 2007.-Б.198-204.

Ўзбекистон, балки Ўрта Осиёнинг бошқа миллат вакиллари томонидан ҳам тайёрланган¹.

Хамирдан тайёрланадиган таомлардан бири *кескан ошидир*. Кескан ошни воҳа ўзбекларининг жуз, турк этник гуруҳлари *шулла*, форсийзабон тожиклар *оши угро*, Юқори Зарафшон тожиклари бу таомни *оши тўппа* деб аташган бўлса, фарғоналиклар *ун оши*², Юқори Туркманистон аҳолиси *унаш*³ деб атаган. К.Шониёзов ҳам бу ошни *угра ош*, *ун ош* деб атайди⁴. Кескан ошни тайёрлашда хамир юпқа қилиб ёйилган, сўнгра у ўраб чиқилгандан кейин тахта ёки тўнтарилган тол товоқ устига қўйилиб пичоқ билан кесиб чиқилган ва сувда қайнатилиб катиклаб ичилган. Тоғ қишлоқларида кескан ошга булоқлар атрофидан териб келинган ялпиз барги ва тоғ саримсоқ пиёзининг қуритилган забидаси қўшилган⁵. Бу хилда тайёрланган кескан ош жуда мазали ва хушбўй бўлган. Қўшилган тоғ ялпизи, яъни пудина терлатувчи хусусиятга эга бўлиб, санчиқ ва шамоллашга шифо бўлган. Абу Али ибн Сино тоғ ялпизи солиб тайёрланган кескан ошнинг бемор танасини юмшатиш, иштаҳани очиш ва меъда қувватини ошириш хусусиятига эга эканлигини ёзиб қолдирган⁶. Бу таом Сурхон воҳаси таомномасида сақланиб келаётганлигига сабаб, беморни даволаш билан бирга унинг таркибига қўшиладиган масалликларнинг шифобахшлилик хусусиятга эга эканлигини кўриш мумкин. Шу боис ҳам ўзбек таомномасидан жой олган кескан ош бугунги кунгача воҳада ўзининг анъанавий тайёрланиш услубини сақлаб келмоқда.

Бундан ташқари, воҳада кескан ошни бир қанча сабабларга биноан тайёрланганини кўрамиз. Масалан, Шеробод, Бойсун тумани ўзбек қишлоқларида кескан ош «беморнинг касаллиги кесилсин» деган мақсадда қилинган. Ёки марҳум чиққан хонадонга «ўликнинг кети кесилсин, узилсин» деган маънода кескан ош қилиб борилган⁷. Аммо, воҳанинг Денов, Бойсун, Шеробод тумани тожик қишлоқларида бу ош қилиб борилса «ўликнинг думи узун» бўлади, яъни изи чўзилиб кетади деб

¹Шаниязов К., Исмаилов Х. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX-начало XXв.Т.,1981.-С.109.; Кисляков Н.А. Таджики Каратегина и Дарваза. Душанбе.,1976.-С.234.

²Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар.Т.,Янги аср авлоди. 2005.-С.125.

³Васильева Г.П. Преобразование быта и этнические процессы в северном Туркменистане. М.,1969.-С.242.

⁴ Шаниязов К. О традиционной пище узбеков.// Этнографическое изучение быта и культуры узбеков.Т.1972.-С.102.; ШаниязовК.Ш., Исмаилов Х.И. Кўрсатилган асар. -С.109.

⁵Забида-махаллий шевада шундай номланиб, Хомкон тоғларида ўсадиган хушбўй тоғ пиёзининг бир тури. Унинг барги териб олиниб, хўллигида келида пачакланади, сўнгра туз сепилиб, қўлда эшилади ва қуришти олинади.

⁶Абу Али ибн Сино. Тиббий ўғитлар. Т., «Мехнат»,. 1991.-Б.104.

⁷Дала ёзувлари, Шеробод тумани Лайлагон қишлоғи, Бойсун тумани Тўда, Шўроб қишлоқлари. 2000-2005й.й.

қилишмаган¹. Бойсун тумани Дуғоба ва Қайроқ қишлоқларида чорвадорлар тўл олиш мавсуми пайтида «қўзилатишнинг баракасини кесади» деб кескан ош қилишмаган бўлса, Кофирун қишлоғида эса йил бошида, яъни Наврўз айёми бошланишида янги йилда барака, мўлкўлчилик бўлсин, ризк-рўзимиз узилмасин деган маънода кескан ош қилишиб етти хонадонга тарқатишган². Бундай урф-одатлар Ўзбекистоннинг бошқа этник ҳудудларида ҳам бўлган. Масалан, Хоразмда бу таом *ун оши* деб аталган ва маросимий таом сифатида чақалокни биринчи марта чўмилтирганда “боланинг умри узун бўлсин” деган мақсадда пиширилган³. Кўриниб турибдики, бу таом нафақат инсон танасидаги биологик эҳтиёжни қондириш мақсадида тайёрланган, балки аҳолининг ижтимоий ҳаётига сингиб кетиб, анъанавий равишда бажарилиб келаётган урф-одатнинг таркибий қисмига айланиб борган.

Хамирдан тайёрланган таомлардан яна бири *узма ош* бўлиб, хамир ўқловда юпқа қилиб ёйилган ва 5-6 см энлиликда узун қилиб кесиб чиқилган. Кесилган тасмаларни қатор қилиб билак устига ташлаб, қозонда қайнаб турган сувга ботириб олаверган. Хамирни ҳар ботирганда қайнок сув хамирни узиб олаверган. Шунинг учун *узма ош* деб аталган. Бу таом маълум бир сеҳрий-дудмлар кўзда тутилиб ҳам тайёрланган. Масалан, Термиз туманидаги Янгиариқ қишлоғи қарияларининг айтишича, бирор-бир оилада кетма-кет ўлим бўлаверса, «ўлимнинг кети узилсин»,-деган мақсадда ушбу таом қилинган⁴. Жанубий Ҳисор, яъни Сариосиё, Денов туманлари тоғ олди қишлоқларида узма ош «*узма тўппа*» деб аталиб, юқоридагидек бахтсиз ҳодиса кетма-кет давом этса, «охират оши» сифатида тайёрланган⁵. Киши кўп касалланганда ҳам бемор тузалиб кетсин, “касаллиги узилиб кетсин”, деган мақсадда узма ош қилинган. Аҳоли орасида бу таом касаллик ва ўлимдан сақловчи, қутилаётган бало-қазоларни олдини олувчи магик қудратга эга таом сифатида қаралган.

Ўзбек пазандачилигида аталанинг 10 дан ортиқ тури бор эканлиги аниқланган, лекин буларнинг барчаси камбағалнинг овқати сифатида унутилиб кетган,- деб ёзда таомшунос олим К.Маҳмудов⁶. Бироқ, атала воҳада ҳозирга қадар тайёрлаб келинади. Аталанинг қадимдан анъанавий равишда бугдой ва арпа унидан тайёрлаб келинганлиги тўғрисида

¹ Дала ёзувлари, Денов тумани Ҳазарбоғ, Захартепа қишлоқлари, Бойсун тумани Дарбанд, Дуғоба, Қайроқ қишлоқлари. Шеробод тумани Зарабоғ, Пошхурд қишлоқлари. 2000-2005й.й.

² Дала ёзувлари, Бойсун тумани Дуғоба, Қайроқ ва Кофирун қишлоқлари.2000й.

³ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М., Наука. 1969.-С.92.

⁴ Дала ёзувлари, Термиз тумани Янгиариқ қишлоғи.2000й

⁵ Дала ёзувлари, Денов, Сариосиё туманлари. 2004й.

⁶ Маҳмудов К. Ўзбек тансиқ таомлари. Т.;1989. Б.226.

манбаларда ёзилган¹. Аталанинг *сутли атала, зигир ёгли атала, тухумли атала, кўй ёғига қилинган атала* каби турлари бўлган.

Сурхон воҳасининг акасарият қишлоқларида атала *буламиқ* деб аталиб, унга «туққан аёлнинг оши», деб қараганлар ва туққан аёллар учун ўзига хос тарзда тайёрланган, яъни, атала (буламиқ)га мўмиё аралаштириб берилган². Бундай одат, яъни аталага зирк ва мўмиё қўшиб бериш Юрчилик тожикларда ҳам бўлган, қўнғиротларнинг обокли тармоғида эса аталага беҳининг барглари қўшиб қайнатилган³. Олтинсойлик қўнғиротлар туққан хотинга *оқ буламиқ* пишириб беришган. Шунинг учун «бир хотин туғса, етти кампир тўяди» деган мақол бўлган. Бу таомни тайёрлаш учун унни ёғда ковуриб, фақат сутга пиширилган ва қуюқлашгандан кейин лаганга сузилган ҳамда ўртасига сариеғ солиниб истеъмол қилинган⁴. Аталанинг анъанавий равишда тайёрланиб келаётганлигининг боиси бу таомга нисбатан аҳоли орасида талаб ва эҳтиёж кучли бўлган, чунки янги кўзи ёриган аёлнинг белини мустаҳкамлаш билан бирга қувват бериш каби хислатларга эга бўлган.

Воҳада атала билан боғлиқ удумлар ҳам бўлиб, Кўҳитанг тоғ олди қишлоқларидан Ғоз, Октош ва Пошхурда никоҳ тўйи эртасига қайнонаси келинга атала қилиб берган. Янги тушган келин қайнонасининг уйига кираётганда эшикка «илув» (бир кийимлик мато ёки бир дона кўрпа) илган ва остонани тавоф қилиб, ўнг оёғи билан ичкарига кирган. Шундан сўнг дастурхонга атала қўйилган. Бу *келин буламиқ* деб аталган. Янги тушган келинни буламиқ қилиб чақириш ёки келин тушган уйга «келин буламиқ» қилиб қўйишдан мақсад, келинимиз буламиқдай юмшоқ, мулойим, тили ширин бўлсин, деб ният қилишган. Кўриниб турибдики, атала юқоридаги шифобахшлилик хусусиятлардан ташқари, никоҳ тўйи билан боғлиқ урф-одатларда ҳам ўз ўрнига эга бўлганки, воҳа аҳолисининг ижтимоий ҳаётидан чуқур жой олганлиги сезилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, воҳа аҳолиси ижтимоий ҳаётидан ўрин олган таомлар хилма-хил бўлиб, у халқимизнинг асрлар давомида амал қилиб келган удумлари ва урф-одатлари билан чамбарчас боғланиб кетганлигини кўриш мумкин. Анъанавий маросим таомлари воҳа аҳолисининг бир неча минг йиллик тарихи давомидаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий қиёфасини, бой маданий меросини, турмуш тарзини, диний эътиқодларини намоён этганлиги билан аҳамиятлидир.

¹ Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х.И. Кўрсатилган асар. -С.109.

² Дала ёзувлари, Шеробод тумани Хомкон қишлоғи, 2003й.

³ Ҳамроқулова Б. Сурхондарё воҳасида бола туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар (ХI Ҳаср охири-ХХ Ҳаср бошлари). Диссертация қўлёзмаси. Т., 2002.-Б.57.

⁴ Ҳамроқулова Б. Кўрсатилган асар. -Б.57.

Хуллас, Сурхон воҳаси таомлари ўзбек миллий таомлари таркибида ўзига хос ўрин тутиб, таомларнинг тайёрланишида, истеъмол қилинишида воҳага хос локал ижтимоий-маданий анъаналарни сақлаб қолган.

М. Fayzullayeva

**The social-cultural traditions of Uzbek national dishes
(as in Surkhandarya valley)**

The article presents some social-cultural traditions about dishes of Surkhandarya valley people, on the bases of ethnographical materials.

М. Файзуллаева

**Социально-культурные традиции, связанные с узбекскими
национальными блюдами (на примере Сурхандарьинской долины)**

В статье рассматриваются социально-культурные традиции, связанные с блюдами населения Сурхандарьинской долины на базе этнографических материалов.

О. Тўраева

ЎзР ФА Тарих Институти кичик илмий ходими

**Бухоро яҳудийларининг тадбиркорлик фаолияти.
(XIX аср ўрталари – XX аср бошлари)**

Қадим даврлардан Бухоро йирик савдо марказлардан бири бўлиб келганлиги боис, бу ҳудудга турли миллатлар ва турли дин вакиллари кўчиб келишига шароит яратган. Асрлар давомида ўзга дин вакилларига нисбатан бағрикенгликда қаралганлиги, ўлкага яҳудийларнинг Эрон, Афғонистон ва ҳатто Фаластиндан кўчиб келиб, бу ерда ўрнашишига туртки бўлди.

1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлигининг тузилиши бухоро яҳудийлари ҳаётига янгича шарт-шароитлар ва имкониятлар олиб кирди. 1868-1873 йилда Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасида тузилган шартномага кўра, яҳудийлар ҳам барча Бухоро фуқаролари сингари Россия империяси ҳудудларида савдо қилиш имкониятини кўлга киритдилар. Гарчи бу шартномада яҳудийларга нисбатан ҳеч қандай қонун мавжуд бўлмасада, аммо ҳеч қандай диний чекланишга ҳам йўл қўйилмаган эди. Ушбу шартноманинг 11,12-бўлимларига кўра, Россия фуқаролари амирлик ҳудудида, амирлик фуқаролари эса Россияга тегишли барча ўлкаларда бемалол савдо қилишлари, ўз қарвонсаройлари ва мол-мулкларига эга бўлишлари мумкин эди.

Яҳудийлар ўз навбатида бундай имкониятларидан ўринли фойдаланишди. Улар барча сармояларини фақат савдо ишларига сарф қилишиб, тез орада катта мулкларга эга бўла бошладилар. Улар нафақат

Туркистон ўлкасида, балки Москва ва Петербургда ҳам ўз завод ва фирмаларига эга бўла бошладилар.

Масалан, Яхуд Довуд ҳали ўлка босиб олингунга қадар Пупешев фирмаси билан савдо алоқаларини ўрнатиб, кейинчалик унинг Туркистондаги вакилига айланади. 1865 йилда катта сармоясини иккита ўғли ўртасида бўлиб бериб, ўзи Иерусалимга йўл олади. Унинг савдо ишларини ўғли Юсуф Давыдов давом эттириб, кейинчалик Туркистондаги энг кўзга кўринган савдо эгаларидан бирига айланади.¹

Бухоро яхудийларининг Москва мануфактура фирмалари билан алоқалари ўсиб борди. Масалан, «Ака-ука Авраам ва Исаак Боруховлар» фирмаси Москвада ўз фаолиятини юритиб, 1901 йилда Нижний-Новгород билан бир йиллик айланма жамғармаси 900000 рублни ташкил қилса, «Кавказ ва Меркурий» фирмаси билан бир йиллик айланма жамғармаси 974500 рублга етарди².

Пинхас Абдурахманов XIX асрнинг 50-йилларида Россия билан савдо алоқаларни бошлаб, 70-йилларда Москва, Оренбург ва Туркистоннинг 5 та шаҳарларида ўз савдосини кенгайтиради. У Тошкентда 4 та уй, боғ, ҳамда вино заводига эга эди³.

1892 йилда Туркистон ўлкасида 131 та катта ва ўрта сармоёга эга бўлган биринчи ва иккинчи савдо гильдиялари эга савдогарлар яхудий миллатига мансуб эди⁴.

Бухоро яхудийлари Москва фирмалари ўртасида турувчи воситачилар ёрдамидан кўнгиллари тўлмай, ҳар йил ўзлари матолар сотиб олишга Москвага қатнаганлар. Улар махсулотларни асосан кредит ҳисобида сотиб олишиб, кузда уни пахта билан ҳисоб-китоб қилишган. Савдо муносабатлари яхудийлардан тез-тез Москвага қатнашни талаб қилган, ўша даврда бу жуда узоқ муддатни ва кўп харажатни талаб қилганлиги сабабли, улар Москвада доимий вакилларини қўйишга мажбур бўлганлар. Қачондан бошлаб биринчи марта яхудийлар доимий вакилларини қолдиришганларини аниқлаш мушкул, аммо архив маълумотларига кўра Авраам Борухов 1870 йилдан бошлаб Москвада яшай бошлайди⁵. Тошкентдаги энг сармоёли савдогарлардан бири бўлиши Пинхас Абдурахмоновнинг ўғли 1877 йилдан бошлаб, Москвада доимий яшаб қолади ва шу ерда савдо ишларини юритади.⁶

Аммо 1879 йилдан бошлаб Москва шаҳар администрацияси яхудийларни ҳайдашни бошлайди, ҳамда улар Туркистон генерал-

¹ ЎзР МДА И-1 13-й.ж. 209-иш 12- вароғ

² ЎзР МДА И-1 13-й.ж. 336-иш 1-2орка вароғлар

³ ЎзР МДА И-1 11-й.ж. 86-иш 3- вароғ

⁴ ЎзР МДА И-1 18-й.ж. 14-иш 40-вароғ

⁵ ЎзР МДА И-1 13-й.ж. 336-иш 1- вароғ

⁶ ЎзР МДА И-1 11-й.ж. 86-иш 3-Зорка вароғлар

губернатори К.П. Кауфманга мурожаат қилишади ва натижада 10 та яхудийлар Бухоро паспорти асосида Москвада яшашга рухсат берилади¹. Аммо бу билан уларнинг ахволи яхшиланди деб бўлмайди. Москвада савдо ишларини олиб борувчи яхудийларга доимий тарзда у ердан ҳайдалиш хавфи мавжуд бўлган. Сабаби, Александр II вафотидан сўнг (1881й.) Россия ҳудудида умуман яхудийларга нисбатан антисемитик қарашлар мавжуд бўлган. Уларнинг Россия ҳудудида яшашга, савдо қилишга ҳуқуқлари борган сари қисқариб борган. Бу пайтга келиб, Ўрта Осиё яхудийларни фойдасини кўзловчи, тўғрироғи Россиянинг Ўрта Осиёдаги савдосида яхудийлардан ўз вақтида унумли фойдалана олган К.П. Кауфман ҳам давлат бошқарувидан кетиб бўлган эди. 1905 йилда бир гуруҳ Москвада истиқомат қилувчи Бухоро яхудийлари Туркистон генерал-губернатори Н.Н. Тевяшевга қуйидагича мурожаат қилишади. «Биз, яъни Бухоро яхудийларининг Россия билан Ўрта Осиё ўртасидаги савдо муносабатларини ривожлантиришдаги ўрнимизни қанчалик муҳим эканлиги ўзингизга маълум. Бизнинг Москва фабрика-заводлари билан бўлган йиллик айланма даромадимиз 20.000.000 рублга етиб қолди. Туркистонда бир қатор контораларимиз мавжуд бўлиб, фақат Қашғар билан савдо даромадимиз бир йилда 4.000.000 рублни ташкил қилади. Бизга Москва ҳудудида яшаб савдо қилиш муддатимизни 1901 йилдан 1906 йилгача чўзишган эди, 1906 йил 1 январдан бошлаб, нафақат Москвада савдо ишларини бажариш, балки Туркистон ҳудудида ҳам яшаш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қоламиз. Бундай чекланиш нафақат бизнинг касодга учрашимиз, балки рус фабрика ва заводларининг ҳам ишларини сустрлашишига олиб келади». Ҳатто рус фабрикантлари ҳам уларнинг ҳуқуқларини чекланиши қарши чиқишган ва натижада бу муддат 1906 йилдан яна 3 йил муддатга чўзилади.²

Туркистон ўлкасининг савдоси яхудий қўлига ўтиб кетиши Россия ҳуқуматини ўйлантириб қўйди. Шу сабабли 1892 йилда Вревский ва Градеков уларнинг ҳуқуқларини чеклаш тарафдорлари булиб қолишди. Аммо, бу тадбир рус фабрикантларини ташвишга солиб қўйдик, улар бир томондан яхудийларга берган кредитларини қайтариб ололмастикларидан қайғуришса, иккинчи томондан ўз мануфактура маҳсулотларини Ўрта Осиёга ёйувчи ва Ўрта Осиёдан катта миқдорда пахта маҳсулотини Россияга жунатувчи яхудийларни ҳуқуқлари чекланиши, нафақат фабрикаларга катта даромад келтирувчи, балки Россия иктисодиётида муҳим ўрин эгаллувчи ушбу маҳсулотни кетмай қолиши, анча мануфактура заводларини иш фаолиятига жиддий таъсир кўрсатиши

¹ ЎзР МДА И-1 13-й.ж. 336-иш 1- вароғ

² ЎзР МДА И-1 13-й.ж. 554-иш 1-1 орқа вароғ

мумкинлиги сабабли чор ҳукумати ушбу вазият билан ҳисоблашишга мажбур бўлди.

Москва текстил фабрикаларининг ташаббуси билан ички ишлар вазирилиги Бухоро фуқаролигидаги яхудийларга аввалгидек Москвага келишларига рухсат беради¹.

Аммо, 1890-йиллардан бошлаб Бухоро яхудийларининг Туркистон худудуда ҳуқуқлари чеклана бошлади. Лекин шунга карамай бир қатор архив манбалари маълумот беришича кўп ҳолларда Россия ҳукумати кенг сармоёга эга яхудийларга савдо-сотик қилишларига имконият яратиб берган.

Завод, фабрикалардан ташқари яхудийлар ерга ҳам эғалик қилишган. Юсуф Давидов Чиноз, Занги-ота, Ниёзбек, Булатов волостларида 1095 десятина ерга эғалик қилган бўлса, Дауд Зауров Занги-отада 77 десятинага, Айни Пинхаев 80 десятина, Юска Абдурахмонов 79 десятина², Тошкентда маҳаллий яхудийлар 1318 десятина 878 кв. саржен³ ерга, Самарқандда 582 десятина⁴ ерга эга эдилар.

Ўз-ўзидан савол туғилиши табиий, нега Россия ҳукумати яхудийларга бу қадар шарт-шароитлар яратиб беришди. Россия даставвал Туркистон ўлкасини эгаллаганда ўз мануфактура маҳсулотларини киритиш учун воситачи кидиради. Бунинг биринчи сабаби рус савдогарларининг Шарқ бозорларини тош-тарозини тўлиқ тушиниб етишмагани бўлса, иккинчи сабаби, Россия ҳукуматининг илк ҳукмронлиги даврида маҳаллий мусулмон аҳоли руслар қўлидан маҳсулотлар сотиб олишмаган. Уларни кофирлар(динсиз) қаторига киритишган. Аммо яхудийлар ҳам иудаизм динига сиғинишган бўлишсада, бир неча асрлар давомида ёнма-ён, толерантликда яшаган аҳоли бу форс тилида сўзлашувчи миллатга ишонишган. Россия ҳукумати ўз навбатида уларнинг меҳнатидан фойдалана олишди. Аммо, XIX асрнинг охирига келиб, Россиянинг Туркистондаги ҳукмронлиги анча мустаҳкамлангач, яхудийларнинг кучига эҳтиёж йўқола боради, бунинг устига савдони ҳамда завод, фабрикаларнинг яхудийлар қўлида тўпланиб бораётганлиги рус ҳукуматини хавотирга сола бошлайди ва натижада турли сабаблар билан уларнинг ҳуқуқлари қисқартира бошланади.

Гарчи яхудийларнинг савдодаги ҳуқуқлари чекланиши тўғрисидаги бир қатор қарор ва қонунлар 1891 йилдан бошланган бўлсада, аммо яхудийларнинг Россия савдосидаги ўрни анча баланд бўлганлиги сабабли, бу нафақат Туркистонда банк ва заводларнинг ёпилишига, балки Россия мануфактура фирмаларига ҳам анчайин зарар келтирар эди. Масалан, 1901

¹ ЎзР МДА И-17 1-й.ж. 31094-иш 1-2- вароғ

² ЎзР МДА И-1 12-й.ж. 1295-иш 16-орқа вароғ

³ ЎзР МДА И-1 27-й.ж. 1715-иш 26- вароғ

⁴ ЎзР МДА И-1 13-й.ж. 554-иш 193- орқа вароғ

йилда йирик фирмалардан бири бўлмиш «Ака-ука Боруховлар» фирмасига Тошкент уезди худудида кўчмас мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида Сирдарёё вилояти суди қарор қабул қилади. Ҳатто бу масала Сенатнинг суд ишлари департаментида кўриб чиқилиб, ҳукм тўғри деб топилади ва 1902 йилдан бошлаб, Боруховлар фирмасига бутун империя худуди бўйлаб савдо қилиш тақиқланади¹. Аммо, бу фирманинг савдо айланмаси миқдори 1.500 000 рублга тенглиги ва 13 та йирик мануфактура фирмаларининг ташаббуси билан, ички ва ташқи ишлар вазирлиги 1902 йилда бу фирмага империянинг барча худудларида бемалол ўз тадбиркорлик фаолиятини олиб боришга рухсат беради².

1885 йилги Туркистон генерал-губернаторлик кенгашига тақдим қилинган ҳисоботда қуйидаги маълумотлар келтирилади. «Қисқа тарихий ахборот шундан далолат берадики, ўлка руслар томонидан эгаллангач, мануфактура маҳсулоти савдоси руслар қўлидан яҳудийларга ўтиб бормоқда ва улар устамонлик билан бу савдонинг асосий хўжайинига айланишмоқда. Ўша пайтда биринчи ўринга чиққан чит савдоси билан Бухоро яҳудийлари улгуржисига Москва фабрикаларидан сотиб олиб, Ўрта Осиёдаги маҳаллий савдогарларга сотишарди. «Ҳатто чит савдоси билан шуғулланувчи йирик рус савдогарлари, жумладан, «Хлудов», «Пупышев», «Первушин» каби кучли фирмалар ҳам ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлишди. Маҳаллий савдогарлар эса Россия Давлат Банкнинг Тошкентдаги бўлимидан кредит олишиб, Бухоро яҳудийларидан сотиб олган чит савдоси билан чегараланишмоқда»³.

Бухоро яҳудийлари 75 та Москва фабрикаларидан вексел ҳисобига қарзга 1-1,5 йиллик муддатга улгуржи нархда маҳсулотлар олиб келишиб, уни ўз нархидан ҳам арзонга маҳаллий савдогарларга сотиб кетишарди. Гарчи, бир қарашда ўзларига зарарига ишлаётганидек туйилсада, аммо маҳсулот даров пулга айланарди ва яҳудийлар қўлида нақд пул тўпланарди. Ушбу даврда маҳаллий бозор пулга мухтож бўлганлиги сабабли, яҳудийлар ўз навбатида айрим шахсларга қарзга пул беришади.⁴ Бу айниқса қишлоқ хўжалиги мисолида яққол кўзга ташланарди. Демак, айрим яҳудийлар Россия билан савдодан ташқари судхўрлик ишлари билан ҳам шуғулланишган. Ўлкада судхўрлик билан яҳудийлардан ташқари индуслар ҳам шуғулланишарди.

Аммо шунга қарамасдан, яҳудийларга нафақат Россия мануфактура фабрикалар ишонган, балки маҳаллий мусулмон савдогарлар ҳам ишонч билан қарашган.

¹ ЎзР МДА И-1 13-й.ж. 336-иш 1-Юрқа вароғлар

² ЎзР МДА И-17 1-й.ж. 15862-иш 2-6 вароғлар

³ ЎзР МДА И-717 1-й.ж. 9-иш 49-вароғ

⁴ ЎзР МДА И-717 1-й.ж. 10-иш 654-вароғ

Шундай қилиб 1910 йил 28 январда қабул қилинган қарорга кўра Бухоро яҳудийлари Самарқанд, Каттакўрғон, Эски Марғилон, Петро-Александровск ва Ош чегара шаҳарларида яшашлари мумкин бўлиб қолди. Аммо, катта сармоёга эга яҳудийлар ҳали ҳам Туркистон асосий савдо шаҳарларида яшаш ҳуқуқларини йўқотмаган эдилар.

1915 йил 4 августдаги қарорга кўра фавқулодда ҳарбий ҳолат жорий этилганлиги сабабли Ички Ишлар вазирлигининг буйруғига кўра, яҳудийларга пойтахт Тошкентдан ташқари барча шаҳарларда яшаш, ҳамда савдо қилиш ҳуқуқи берилди.¹

О. То'раева

**Commercial activity Bukharian Jews in the second half of the 19th
and the beginning of the 20th centuries.**

This paper studies Bukharian Jews' commercial activity in Turkestan general-guberniy at the second half of the 19th and the beginning of the 20th centuries. It is analyzed also Russian government's policy regarding to Bukharian Jews.

О. Тураева

**Предпринимательская деятельность бухарских евреев
во второй половине XIX – начале XX вв.**

В статье освещается предпринимательская деятельность бухарских евреев в Туркестанском генерал-губернаторстве и Москве во второй половине XIX – начале XX вв. Также, анализируется политика Российского правительства по отношению к бухарским евреям.

¹ ЎзР МДА И-1 4-й.ж. 1768-иш 62- вароғ